

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Абдураззоқ Самарқандий

**МАТЛАИ САЪДАЙН
ва
МАЖМАИ БАҲРАЙН**

II ЖИЛД
биринчи қисм

1405-1429 йиллар
воқеалари



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2008

Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи — Асомиддин Ўринбоев, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби

Масъул муҳаррирлар:

- Азиз Қаямов — филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик
Муҳаммад Али — филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Тақризчилар:

- Юсупова Д. — тарих фанлари доктори
Уватов У. — тарих фанлари доктори

Ушбу китоб — Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») номли асари темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан биридир. Унинг ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилаётган қисмида Амир Темур вафотидан то Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги бошларигача бўлган даврдаги (1405—1470) темурийлар давлати ҳудуди, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда рўй берган асосий тарихий воқеалар солнома тарзида йилма-йил баён қилинган. Абдураззоқ Самарқандий ўша даврдаги маданий ҳаёт ҳамда темурий ҳукмдор ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятини тасвирлашга катта аҳамият берган. Шунингдек, темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқаларини тасвирлашга ҳам кенг ўрин ажратилган. Бу асар нашри ўтмиш маънавий меросимиз мухлислари эътиборини қозониб, XV асрдаги Марказий Осиё тарихи Ўзбекистонда янада чуқурроқ ва кенгроқ тадқиқ қилинишига катта ёрдам беради, деб умид қиламиз.

ISBN 978-9943-01-155-7



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008 й.

КИРИШ СЎЗ

Таржимондан

Истиқлол йилларида Амир Темур ва темурийлар даврига оид манбаларни ўзбек тилида нашр этиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Чунончи, бир қатор тарихий манбалар араб ва форс тилларидан таржима қилиниб нашр этилдики, уларнинг аксарияти соҳибқирон Амир Темур даври воқеаларини қамраб олган¹. Бироқ темурийлар даври манбаларини кўпчилик тадқиқотчилар ва ўқувчилар оммасига тушунарли тилда нашр этиш ишларини ҳозиргача ҳам тўлиқ бажарилган, деб бўлмайди. Ваҳоланки, темурийлар давлатининг Амир Темур вафотидан кейинги тарихини ҳам кенг кўламда акс эттирган, ўз замонаси кишилари, тарихий воқеаларнинг жонли шоҳидлари томонидан ёзиб қолдирилган бир қатор муҳим ёзма ёдгорликлар бизнинг давримизгача етиб келган бўлиб, уларнинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг йирик Шарқ қўлёзма китоблари хазиналарида сақланмоқда.

Ана шундай ёзма ёдгорликлардан бири машҳур XV аср тарихнависи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»². («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи») номли тарихий асаридир. Китоб форс тилида ёзилган бўлиб, икки жилддан иборат.

«Матлаи саъдайн» ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг нодирлиги ва ишончлилиги билан XV—XVI асрларданоқ бошқа тарихий асарларга бош манба бўлиб хизмат қилган², тарихий адабиётни севувчи ўқувчиларнинг юксак баҳосини қозониб келган³. Сўнграқ эса ундаги айрим тарихий масалаларга оид маълумотлар Европа тарихий адабиётидан ҳам ўрин эгаллаган, баъзи кичик парчалари бошқа тилларга таржима ҳам қилинган⁴. Таржималар ора-

¹ Изоҳлар китоб охирида келтирилган.

² Ёки араб тилида аталишича: «Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн».

сида энг диққатга сазовори француз шарқшуноси Катрмернинг 1843 йили Парижда нашр этилган ишидир. Унда Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух ҳукмронлик даври (1405—1447)дан бошланғич ўн уч йили (1405—1417)га оид тарихий маълумотлар форсчадан француз тилига таржима қилинган ҳамда бу таржима кетида Катрмер Абдураззоқ Самарқандийнинг 1442—1444 йиллардаги Ҳиндистон сафари тўғрисидаги маълумотларни ҳам французча таржимаси ва форсча матни билан келтирган⁵. Бироқ бу таржималар асарнинг бирор жилдини ҳам тўла қамрамайди ва ҳозирги кунда жуда ноёбдир. Шунинг учун кўпчилик мутахассислар ва тадқиқотчилар у таржималардан фойдаланишга муяссар эмаслар.

«Матлаи саъдайн»нинг ўзбек тилидаги нашри унинг форсча аслияти иккинчи жилдидан иборат бўлиши кўзда тутилади. Яъни бунда асарнинг оригиналик жиҳатидан энг қимматли деб топилган қисми ўрта аср форс тилидан ўзбекчага таржима қилиниб, тарихчилар ва кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола қилинади.

Абдураззоқ яшаган, давлат ишларида фаол қатнашган даврларга оид унинг ўзи кўриб ёки бошқа шоҳидлардан эшитиб ёзган тарихий маълумотлар ана шу иккинчи жилднинг асосий қисмини ташкил этади. Бу маълумотларнинг бош манба сифатида қиммати каттадир. Биринчи жилд эса Абдураззоқдан илгари ёзилган асарлар, хусусан, Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» («Бойсунғурга бағишланган тарихлар сараси») номли китоби асосида ёзилган⁶. Шунинг учун, агар биринчи жилдаги маълумотларни ўзбек тилида нашр этиш лозим бўлар экан, аввало, XIV аср тарихидан сўзловчи ана шу «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» асарини нашр этиш маъқул бўлади.

«Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг ўзбекча нашрини тайёрлаш иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси Шарқшунослик институтида ўтган асрнинг олтишинчи йилларида бошланган эди. Чунончи, асарнинг алоҳида бир мавзуга—Абдураззоқ Самарқандийнинг темурийлар давлати элчиси сифатида 1442—1444 йилларда Ҳиротдан Жанубий Ҳиндистонга қилган сафарига бағишланган қисми ушбу сатрлар муаллифи томонидан 1960 йили нашрдан чиқарилди⁷. 1965 йили эса Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятини кенгроқ ёритишга мўлжал-

ланган махсус китобча⁸ ҳам нашр этилиб, унда мазкур «Сафарнома»нинг кириш қисмига ёзилган бош мақола тарихнависнинг яшаган даврига оид айрим қўшимча маълумот ва хулосалар билан тўлатилди.

1969 йилда Тошкентда «Матлаи саъдайн» нинг иккинчи жилдидан биринчи қисми, яъни 807 (1405)—832 (1428—1429) йиллар воқеаларини ўз ичига қамраб олган боблар таржималари ўзбек тилида китоб ҳолида нашр этилди⁹. Бу қисмдаги 1405—1427 йиллар воқеаларини Абдураззоқ Самарқандий ўзидан олдин ёзилган тарихий асарлардан, хусусан, «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»дан фойдаланиб ёзган. Бундан кейин нашр этиш мўлжалланган қисми 833 (1429—1430)—875 (1470) йиллар воқеалари бўлиб, Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи бевосита иштирокчи ёки замондош бўлгани ҳамда тарихий асар ёзишдан илгари давлат хизматида эканлигида қаламга олиб юргани воқеалар баёни эди. Аммо ўша даврда собиқ шўро иттифоқида Амир Темур шахси ва фаолиятига нисбатан салбий қарашлар авж олгач, бу нашрни амалга ошириш имконияти бўлмади. Ниҳоят, истиқлол шарофати билан «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг ўзбекча таржимаси тўла ҳолида икки китобда нашр этилаётир. Биринчи китоб 807 (1405)—832 (1428—1429) йиллар, иккинчи китоб 833 (1429—1430)—875 (1470) йиллар воқеалари тасвирланган боблар таржимасини ўз ичига олади^{9а}.

Ушбу таржимани тайёрлашда «Матлаи саъдайн»нинг покисстонлик олим профессор Муҳаммад Шафе (1963 йили вафот этган) томонидан Лоҳурда нашр этилган форсча матнига таянилди. Ҳозирда маълум бўлишича, дунёдаги Шарқ қўлёзмалари сақланаётган йирик кутубхоналарнинг деярли ҳар бирида «Матлаи саъдайн»нинг бир ёки бир неча нусхаси учрайди. Шарқ қўлёзмалари каталогларидан маълум бўлишича, асарнинг иккинчи жилди қўлёзмаларидан 20дан ортиғи дунё кутубхоналарида мавжуддир¹⁰. Бу қўлёзма нусхаларнинг барчасини жамлаб тузилган форсча танқидий матн ҳозирча мавжуд бўлмаса-да, Муҳаммад Шафенинг нашри асарни танқидий ўрганиб, унинг илмий ишлар учун ишончли матнини барпо этишдаги биринчи, аммо анчагина пухта ишдир.

Бу нашрга «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг олти қўлёзма нусхаси жалб этилган¹¹ ва уч қисмга бўлиниб нашр этилар

экан, бу нухалар орасидаги фарқлар ҳар бир бет тагидаги иловаларда кўрсатилган. Бундан ташқари, «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг бош қисмида зикр этилган 1405—1427 йилларга оид тарихий маълумотларни Абдураззоқ Самарқандий Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» номли асаридан олганлиги назарда тутилган ва бу асарнинг Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси¹² билан «Матлаи саъдайн» матни солиштириб борилган. «Зубдат ут-таворих»нинг Оксфорд қўлёзмаси ноқис, айрим жойларида матн бузилган, ноаниқ ёзилган ва баъзи мавзулар тушириб қолдирилган бўлишига қарамай, Муҳаммад Шафе икки асар матни орасидаги фарқларни тўлиқ кўрсатишга ҳаракат қилган, бунга эриша олмаган ўринларда эса «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» мазмунини умуман айтиб ўтган ёки унинг маълум қисми суқутли эканлигини қайд қилган. «Матлаи саъдайн» матни тагида «Зубдат ут-таворих»дан келтирилган бу иловалар кўп ҳолларда Абдураззоқнинг фикрларини тўлатиш ёки мазмунга аниқлик киритиши муқаррар эканлиги туфайли ушбу ўзбекча нашрда ҳам икки асар матни орасидаги фарқларни, мазмунан фойдали деб топилган ўринларда изоҳлар орасида кўрсатилди. Гарчи «Зубдат ут-таворих»нинг яна бошқа нухалари мавжудлиги адабиётда қайд қилинган бўлса ҳам¹³, ҳозирча уларни қўлга кирита олмадик, шунинг учун мазкур нашрда келтирилган маълумотлар билан чекланишга тўғри келди.

«Матлаи саъдайн»нинг танқидий матни аввало 1933 йили¹⁴, сўнграқ эса 1941—1949 йилларда (иккинчи нашри) Лоҳурда босилиб чиққан¹⁵. Бундан ташқари 1944 йили асарнинг биринчи қисмининг (1405—1429 йиллар воқеалари) форсча матни мазкур нашрлар юзасидан, аммо танқидий матнга оид иловаларсиз, оммабоп тарзда алоҳида босилган¹⁶. Бу нашрларнинг барчасида туркмўғул сўзлари луғати келтирилган. Танқидий иловали 1933 ва 1941—1949 йиллардаги биринчи ва иккинчи нашрларда эса айрим ўқилиши қийин ном ва сўзлар ёки баъзи ибораларга изоҳлар ҳам берилган. Шу билан, гарчи бу изоҳлар тарихий ва географик жиҳатдан тўлиқ бўлмаса ҳам, «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг филологик жиҳатдан анчагина пухта бир нашри барпо этилган. Муҳаммад Шафе асарнинг мазкур нашрларига ёзган қисқа-қисқа тушунтиришларида айтишича, у китоб охирида бир дебоचा ёзиб, Абду-

раззоқ Самарқандий ва унинг асари ҳақидаги ҳамда «Матлаи саъдайн» ёзилаётган даврда мавжуд бўлган бошқа тарихий асарлар ҳақидаги ўз фикрларини келтиришни ўйлаган. Аммо, афсуски, бу дебоча ёзилмай қолган ёки ёзилган бўлса ҳам, нашр этилмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, «Матлаи саъдайн»нинг мазкур нашри уч марта босилганлигига қарамай, барча кутубхоналардан ҳам топила бермайди. Ҳозирда улар энг нодир нашрлардан бўлиб қолган. Шунинг учун биз ҳам асарни таржима қилишга бошлар эканмиз, мазкур нашрларнинг ҳаммасидан фойдаланишга муяссар бўла олмадик ва ушбу биринчи қисми 1933 йилги нашр бўйича таржима қилдик. Шунда ҳам бу нашрнинг биз фойдаланишга муяссар бўла олган нусхасининг бош сўз ва фикристлари, бошланғич 15 бети йўқолган эди, бу суқутни тўлатиш учун 1944 йилги оммабоп нашрдан ва бошқа қўёзма нусхалардан фойдаланишга тўғри келди. Мазкур нашрларга жалб қилинган қўёзмалар ва танқидий матн тузишда қабул қилинган қоидалар ҳақидаги бош сўзни эса марҳум профессор Муҳаммад Шафе илтифоти туфайли у ҳаётлигида олиб борилган ёзишмаларимиз вақтида қўлга киритилди.

Табийки, бундай танқидий матн тузиш жуда машаққатли, оғир вазифадир. Нашр этиш вақтида айрим босма хатолар ўтиши, ноникликларга йўл қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларни текшириб бориш ва зарур бўлган тақдирда уларни бартараф қилиш учун таржима асносида «Матлаи саъдайн»нинг Лоҳур нашрига жалб этилмаган қўлёзма нусхаларидан битта Тошкент ва учта Санкт-Петербург (собик Ленинград) қўлёзмаси билан бу нашр матни солиштириб борилди ва мазмунан зарур деб топилган фарқлар изоҳларда қайд қилинди.

«Тошкент қўлёзмаси» деб атаганимиз (изоҳларда Т қисқартмаси билан белгиланган) «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар тўпламида сақланаётган 5374 рақамли қўлёзмадир. Унинг кўчирилган вақти ва хатотнинг номи кўрсатилган эмас, лекин палеографик белгилар (қоғози, хат услуби)га асосланиб XVI асрда кўчирилган дейиш мумкин. Унинг бошланғич қисмидан 6—7 варағи йўқолган (сақланган варақларининг адади — 481). Шунга қарамай, биз ҳар хил нусхалар матн-

ларини таққослаш ишида ундан фойдаланганлигимизга сабаб, бу қўлёзма матни шу институтда сақланаётган 1825 рақамли қўлёзмага¹⁷ нисбатан аксар ҳолларда аниқ ва кам хатолиги ҳамда тўлалиги билан Лоҳур нашрига яқинлигидир.

Санкт-Петербург қўёзмалари эса, «Матлаи саъдайн»нинг Россия Фанлар академияси Осие халқлари институтида Санкт-Петербургда сақланаётган С443 (изоҳларда Λ_1), С446 (Λ_2) ва С442 (Λ_3) рақамли қўлёзмалардир. Булардан С443 рақамлиси 952 (1545—1546), С442—1009 (1600—1601) йили кўчирилган; С446 рақамлисининг эса кўчирилиш йили номаълум¹⁸. Бу уч қўлёзма ҳам Тошкент қўлёзмасидек анча равон ўқилади ва матнлари ҳам тўлалик жиҳатдан Муҳаммад Шафенинг танқидий матнидан жуда кам фарқ қилади.

«Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг ушбу биринчи қисми (ўзбекча таржиманинг биринчи китоби) охирида келтирилган изоҳлар (улар ҳар бир йил воқеалари учун алоҳида рақамлар остида келтирилган) асосан асарнинг нусхалари орасидаги ҳамда «Матлаи саъдайн» билан «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» матнлари орасидаги фарқларга оиддир. Умуман олганда, «Матлаи саъдайн»нинг нусхалари орасида хаттотлар туфайли пайдо бўлган тафовутлар жуда кўп бўлиб, улардан фақат мазмун эътибори билан аҳамиятга эга бўлган, яъни XV аср форс тилининг лингвистик хусусиятларини ўрганиш учун эмас, асар матнини тўлатиш ёки баъзи сўзлар ва номларнинг тўғри ёзилишини аниқлаш учун ёрдам берадиган тафовутларгина изоҳларда кўрсатиб борилди. «Матлаи саъдайн» билан «Зубдат ут-таворих» асарлари орасидаги тафовутларга келганда эса, уларни аксар ўринларда тўла таржима қилиб ўтирмай, умумий мазмунини нақл қилиш билан чекланилди. Бунга сабаб, биринчидан, ҳозирда «Матлаи саъдайн» асаригина таржима қилинаётганлиги бўлса, иккинчидан, «Зубдат ут-таворих»нинг Муҳаммад Шафе фойдаланган Оксфордда сақланаётган ноқис қўлёзмасидан келтирилган кўчирмалар кўпинча аниқ таржима қилишга яроқсизлигидир. Бироқ шундай бўлса ҳам, бу тафовутлар тарихий манба сифатида фойдадан холи эмаслигини назарда тутиб, бирор ўринда ҳам улардан кўз юмиб ўтмасликка ҳаракат қилинди.

Асарда учрайдиган иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган истилоҳ (термин)лар ўзича сақланди* ва ўзбекча таржиманинг иккинчи китоби охирида уларга, шунингдек, умуман таржима қилинмай қолдирилган сўзларга изоҳли луғат келтирилди. Ҳар иккала китобда учрайдиган шахсий номлар ва географик номлар кўрсаткичлари ҳам иккинчи китоб охирига илова қилинди. Ҳар иккала жилддаги географик номларга изоҳлар бевосита географик номлар кўрсаткичида берилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки, кўрсаткичларда асарнинг аслият нусхаси саҳифаларига ишора қилинган бўлиб, мазкур саҳифалар ўзбекча таржимада матн орасида қавс ичида берилган.

Таржима матни орасида қавс ичида қайд этиб борилган аввалги 1—10 рақамлар «Матлаи саъдайн»нинг 1944 йилги Лоҳур нашрининг бетларига, ундан кейинги 16—620 рақамлар эса 1933 йилги биринчи нашри бетларига ишорадир.

Асарда жуда кўп учрайдиган ҳижрий тарих (йил, ой ва кун)ларни изоҳларда эмас, таржима матнида қавс ичида кўрсатиб борилди**, шунингдек, алоҳида изоҳни талаб қилмайдиган баъзи сўзларга енгил тушунтиришлар, таржима вақтида жумлаларнинг мазмуни тақозосича таржимон томонидан асар матнига киритилган айрим қўшимчалар ҳам қавс ичига олинди. «Матлаи саъдайн» аслида форс тилида ёзилгани учун, унда учрайдиган арабча иборалар, мақоллар, ҳадислар ва Қуръон оятларини ҳам таржимада фарқ қилиш лозим топилиб, уларни синиқ қавс <> билан белгиланди. Оятлар таржимаси Қуръоннинг академик И.Ю. Крачковский томонидан бажарилган русча таржимаси¹⁹ билан мослаштирилган тарзда келтирилди*** ва изоҳларда сура ҳамда оят рақамлари кўрсатиб борилди.

* Таржима матнида бундай истилоҳларни ҳарфларнинг орасини очиб (разрядка билан) ажратиб ёзилган.

** Маълум ҳижрий йил ойининг «бошлари», «ўрталари», «охирлари» дейилган ўринларда милодий йил ойининг биринчи, ўн бешинчи ва охириги куни қайд қилинди; кунлар рақами қўйилмай фақат ой номи кўрсатилган ҳолларда эса ана шу ҳижрий йил ойининг биринчи ва охириги кунларига тўғри келган милодий йил ойларининг маълум кунлари келтирилди.

*** Асар таржимаси 1960—1970 йиллар орасида амалга оширилган бўлиб, у пайтда ҳали Қуръоннинг ўзбекча таржималари нашри мавжуд эмас эди.

Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн»нинг ушбу иккинчи жилдига ёзган муқаддимасида «достону ҳикоятлар асосини зийрак кишилар назарида соддароқ бир либосда жилвалантиришга, ... асл жумлалар софлиги ва етук фикрлар хаёлини ёт истиоралар воситаси ҳам тушунарсиз мақтов-ўхшатмалар сабаби билан қоронғу ва тутуруқсиз қилиб қўймасликка» аҳд қилган²⁰. Форс тилининг тарихий тараққиёти, услуби ҳақида йирик тадқиқот ишлари олиб борган Эрон олими Муҳаммад Тақи Баҳор («Малик уш-шуаро») «Матлаи саъдайн»га баҳо бериб, унинг «содда, равон ва пурмағз бир тарихий асар» эканлигини уқтиради²¹. Аммо Абдураззоқнинг ҳам, Муҳаммад Тақи Баҳорнинг ҳам сўзлари форс тилининг XV аср насрий адабиёти учун одатий бўлган услубига ва форс адабий тилини мукамал билувчи ўқувчиларга нисбатандир. Асарни ушбу ўзбекча нашри бўйича мутолаа қилувчи ўқувчилар эса, баъзи жумлаларни тушунишда оғирлик ҳис этишлари мумкин. Бу ҳол иш жараёнида таржимон томонидан ҳам кузатилди ва шунга қарамай, таржима услубини ҳозирги замон ўзбек тилига бутунлай мослаштириб юборишдан чекланилди. Бунга сабаб, «Матлаи саъдайн»нинг XV аср форс тилида ёзилган насрий адабиётдан намуна сифатидаги хусусиятини ўзбекча таржимада ҳам имкон борича акс эттиришга бўлган уринишдир. Бу албатта, Абдураззоқнинг услубини сақлаш эвазига асар мазмунини қоронғулаштириб юбориш деган сўз эмас, балки, фикримизча, муаллиф ифодаламақчи бўлган мазмунни унинг ўзи баён қилган тарзда келтириб, асарнинг ўрта асрлар тарихий ёзма ёдгорлиги сифатидаги аҳамиятини ҳам сақлаб қолиш демақдир.

«Матлаи саъдайн» асарининг мазкур ўзбек тилидаги нашрини тайёрлашда имкон яратган Ўз ФА Абу Райҳон номидаги ШИ раҳбариятига, географик номлар изоҳларини тузган тарих фанлари номзоди О. Бўриев, иккинчи китобдаги тарихий шахслар ва айрим муҳим тарихий истилоҳлар изоҳини тузган илмий ходим Ф. Каримов, ҳар иккала китоб учун умумий бўлган шахс номлари ва географик номлар кўрсаткичларини тузишда иштирок қилган илмий ходим Э. Миркомиллов ҳамда нашрни амалга оширишда катта ёрдам кўрсатган ноширлар Ш. Мансуров ва Ш. Эргашевага самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий йил ҳисоби билан 12 шаъ-
бон 816 (милодий — 7 ноябрь, 1413) йили бу вақтларда темурий-
лар давлатининг марказий шаҳарларидан бири бўлган Ҳирот шаҳ-
рида туғилди¹ ва 887 йил жумод ал-охир ойида (июль-август, 1482)
шу шаҳарда вафот топди².

Унинг тўла исми Камолуддин Абдураззоқ, отасининг исми Жа-
лолууддин Исҳоқ Самарқандийдир. Абдураззоқ Ҳиротда туғилган-
лигига қарамай «Самарқандий» деган нисба билан шуҳрат топ-
ганлигига сабаб, отаси Жалолуддин Исҳоқнинг асли самарқанд-
лик бўлганлиги ва яна тахмин қилиш мумкинки, бўлажак тарих-
нависнинг ўзи ҳам бир неча вақтлар Самарқанд шаҳрида яшаб
турганлигидир³. Жалолуддин Исҳоқнинг Ҳиротга келиб қолиши
эса, XIV аср охирларида соҳибқирон Амир Темурнинг Моваро-
уннаҳрдан ташқари мамлакатларга ҳарбий юришлар қилиб, фатҳ
қилган ерларига ўз яқин кишиларидан ҳокимлар тайинлаш сиё-
сати⁴ билан боғлиқ бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Хуросоннинг марказий шаҳри бўлган Ҳирот Амир Темур та-
рафидан 1381⁵ йили, сўнг, шаҳар аҳолиси кўзғолон кўтарганлиги
сабабли, қайтадан 1383 йили⁶ забт қилинди ва шу вақтлардан бош-
лаб бутун Хуросон ерлари Амир Темурнинг учинчи ўғли мирзо
Мироншоҳнинг улуши ҳисобланиб келди. 1397 йили эса Амир
Темур Хуросонни кичик ўғли Шоҳрухга топширди. Шоҳрух ўз са-
ройи билан Ҳиротга келиб тушди ва 1405 йили Темур вафот эт-
гандан сўнг ҳам шу шаҳарда муқим туриб қолди⁷.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи ва шу XV аср тарихнависи
Мирхонднинг кўрсатишларича, Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий
Шоҳрух саройида «мулозимлик»да бўлиб, кўп йиллар давомида
унинг ўрдуси (лашқари)да имомлик ва қозилик мансабини ўта-
ган⁸. Шунга биноан, у Самарқанддан Ҳиротга Шоҳрухнинг ҳоким-
ликка тайинланиш давларида ёки ундан кейинроқ келиб қолган
бўлиши мумкин.


Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида «диний илмларни таҳсил
қилиш асносида»⁹, деган айрим ишоралардан бошқа ўз ёшлик,
таълим-тарбия олиш йиллари тўғрисида аниқ бир ахборот кел-



тирмаган. Лекин шундай бўлса ҳам, у асосан Ҳирот мадрасаларида таҳсил кўрган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки «Матлаи саъдайн»да келтирилган Ҳиротдаги маданий қурилишларга доир маълумотлар бу шаҳарнинг XV аср биринчи чорагидан бошлаб Самарқанд билан бир қаторда темурийлар давлатидаги маданият марказларидан бирига айланганлигини кўрсатади¹⁰.

Амир Темур 1405 йили Хитой томон лашкар тортиб кетаётганида февраль ойида Ўтрор шаҳрида вафот этади. Унинг кўзи юмилиши биланоқ ўғил ва набиралари орасида тахт учун кураш бошланди, ҳар бир лашкарбоши — амир, айтиб берилган ер-мулк эгаси бўлган нуфузли феодал, бирор мирзонинг қўлтиғига кириб, уни Амир Темур тахтига ўтқозишга ҳаракат қилди. Амир Темурнинг ўнг қўл лашкарлари билан Тошкентда турган мирзо Халил Султон, валиаҳд Пир Муҳаммад эканлигига қарамай, унинг Фазнада, Самарқанддан йироқда эканлигидан фойдаланиб, пойтахтни эгаллади ва ўзини Темурнинг вориси деб эълон қилди¹¹. 1397 йилдан бери Хуросонни идора қилиб турган Шоҳрух (Амир Темурнинг тўртинчи ўғли) ҳам 1405 йил март ойида Ҳиротда ўз номига хутба ўқиттирди ва Халил Султонга қарши юришга тайёрланар экан, бу шаҳарни мустаҳкамлашга қарор қилди. Чунки Мовароуннаҳрдаги кўпчилик нуфузли амирлар Халил Султонни қўллаб-қувватлаганликлари туфайли унинг мавқеи анча мустаҳкам, Самарқандни эгаллаш Шоҳрух учун ҳозирда мушкул иш эди¹².

Ана шу вақтдан бошлаб Ҳирот шаҳрининг бузилган қалъа деворларини тиклаш, мудофаа иншоотларини тузатиш (улар 1381 — 1383 йилларда бузилган эди)¹³ ишларига катта эътибор берилди. 1409 йили Шоҳрух Мовароуннаҳрни ҳам эгаллаб темурийлар давлатининг бош ҳукмдори бўлиб олгач, Самарқандни ўз ўғли Мирзо Улуғбекка топширди ва бунинг натижасида, Ҳирот шаҳри ҳам Шоҳрухнинг ўз пойтахти сифатида Самарқанд билан бир қаторда ривожланиш томон юз тутди. Шоҳрухнинг буйруғи билан шаҳар тарҳи қайтадан чизилиб, бозорларининг усти ёпилди, мадрасалар, хонақоҳлар қурила бошланди, уларга унумли ерлардан вақфлар тайинланиб, мударрислар, талабалар ва хизматчилар иқтисодий жиҳатдан бир қадар таъминландилар¹⁴. Аммо Ҳиротда XV аср биринчи ярми — Улуғбек давридаги Самарқанддан фарқли ўлароқ, расмий ўргатиладиган билимлардан кўпроқ диний



илмлар (фикҳ, тафсир, ҳадис) ва тил-адабиётга (араб тили, тарих, шеърят) оид фанлар тарғиб қилинган. Самарқанддагидек аниқ фанлар (математика, астрономия)нинг ривож топганлиги ҳақида эса манбаларда бевосита далилларга эга эмасмиз¹⁵.

Мазкур маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Абдураззоқ Самарқандийнинг мадраса таълимини Ҳиротнинг ўзида олиш учун бу шаҳарда етарли шароит мавжуд эди. Шу шароит асосида ва Шоҳрух саройида маълум бир мавқега эга бўлган отаси ва ўз даврининг таниқли зиёлилари ҳам адабиёт аҳлларидан бўлган акалари кўмагида¹⁶ Абдураззоқ тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари ҳамда тарих ва тил-адабиёт фанлари бўйича ўз замонаси учун етарли маълумот эгаси бўлиб етишган. «Мавлоно Абдураззоқ ... хушмуҳовара (яъни хушсуҳбат — А.Ў.) киши эрди», деган сўзларига қараганда тарихнавис билан шахсан учрашиб, суҳбатда бўлган улўф адиб Алишер Навоий ҳам «Мажолис ун-нафоис»да Абдураззоқ Самарқандийнинг мазкур илмлар бўйича яхши билимдон эканлигини тасдиқлаб «... зоҳир улумин такмил қилиб эрди ва фазлиёти ҳам яхши эрди...», — деб ёзган¹⁷. Бундан ташқари, тарихнависнинг ўз асарида жуда кўп учрайдиган сўз ўйинлари, адабий муболағалар, ўхшатмалар орасида шундайлари ҳам борки, уларни ўқир эканмиз, Абдураззоқ Самарқандий XV асрда Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган география ва астрономия фанларидан ҳам умумий тасаввурга эга эканлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Абдураззоқнинг ёшлик чоғларида олган таълим-тарбияси устида сўз борар экан, яна шуни ҳам илова қилиб ўтиш лозимки, у отаси Жалолуддин Исҳоқнинг саройида тутган мавқеига яраша, сарой анъаналари билан ҳам яқиндан таниш бўлган ва бу ҳол, унинг яхши таҳсил кўрганлигига қўшимча тарзда, отаси вафот этганидан сўнг¹⁸, 841 (1437—1438) йили темурийлар саройига хизматга олинишига сабаб бўлган.

* * *


Абдураззоқ Самарқандий, юқорида эслатиб ўтилганидек, 24 ёшигача таълим-тарбия олиш ва мадрасада ўқиш билан шуғуллангач, 841 (1437—1438) йили Ҳиротдаги темурийлар саройига хизматга қабул қилинади. Бу воқеа қай тарзда содир бўлганлиги



ҳақида унинг ўзи «Матлаи саъдайн»да батафсил тўхтаб ўтган. Унинг сўзларига қараганда, Абдураззоқ араб тилини ўрганиш юзасидан олиб борган машғулотларига яқун сифатида бир рисола ёзиб, унда араб тили мутахассиси Қози Аздудиннинг араб тили грамматикасига оид «Рисолайи Азудийя» номли асарини шарҳлаб чиқади ва бу шарҳни Шоҳрухга бағишлаб, дебочада эслатиб ўтади. Рисола Шоҳрухга тақдим қилинар экан, унинг дебочасини Абдураззоқнинг ўзи ўқиб беради. Шоҳрух ўша мажлисда Абдураззоқдан баъзи масалаларни сўраб имтиҳондан ўтказади ва қониқиш ҳосил қилгач, унинг сарой хизматида ўтиши учун буйруқ беради. «Баъзи муҳамликларни сўрагандан кейин, — дейди Абдураззоқ бу воқеани эслаб ўз китобида, — аъло ҳазрат уламоларни мақтаб кўп таҳсинлар айтди ва ана шу мажлисдаёқ: «отаси мавлоно Исҳоқ бизга мулозим бўлганидек, Абдураззоқ ҳам мулозимлик қилсин ва мол-ҳоли ва оиласи билан олий даргоҳ қарамоғига кирсин, илмларнинг нозикликлари ва мафҳум нарсаларнинг ҳақиқатларидан нимаики лозим ва зарур бўлса ва ўзи яхши билса арзга етказиб турсин», — деган фармон содир бўлди»¹⁹.

Абдураззоқ Самарқандий фаолиятининг кўп даври ана шу фармон билан белгиланди. У эллик ёшга чиққунига қадар (26 йил давомида) аввал Шоҳрух (1447 йилгача), сўнг унинг ўрнига тахтга ўтирган бошқа темурийлар саройида давлат ишлари билан машғул бўлди, келажақда бу хонадоннинг ҳукмронлик даври тарихини яратиш учун замин тайёрлади.

Абдураззоқнинг саройда қандай вазифаларни ўтаганлигига келганда, қайд қилиб ўтиш лозимки, гарчи Шоҳрух «Абдураззоқ ҳам отаси мавлоно Исҳоқ сингари мулозимлик қилсин», — деган бўлсада, унга отасининг лавозими — қозилик ва имомликни топширган эмас. Энди 24 ёшга тўлган Абдураззоқга бундай вазифалар топширилганлигини тахмин қилиш ҳақиқатдан йироқ ҳам бўлар. Шундай экан, Шоҳрух буйруғида қайд қилинган «(Абдураззоқ) илмларнинг нозикликлари ва мафҳум нарсаларнинг ҳақиқатларидан нимаики лозим бўлса ва у ўзи яхши билса арзга етказиб турсин», — деган сатрларга эътиборни жалб қилиш лозим бўлади. Шунга кўра, Абдураззоқ даставвал темурийларнинг Ҳиротдаги саройида бу вақтларда ривожга минган диний ва дунёвий илмлар, шариат қонун-қоидаларининг баъзи жузъий масалалари бўйича



маслаҳатчи сифатида хизмат қилиб юрган, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ, шунга қарамай, Абдураззоқнинг темурийлар саройида тутган мавқеи оддийгина мулозимлик, хизматкорлик даражасидан юқори бўлган. Бунинг далили шуки, Абдураззоқ сарой хизматида лойиқ кўрилганидан икки йил ўтгач, 843 (1439—1440) йили унга қарши «у сарой мулозимлигига лойиқ эмас, бу даража билимга эга эмас» деган мазмунда шубҳали гап тарқатилади. Буни эшитган Шохрух Абдураззоқни синовдан ўтказмоқчи бўлиб, Ҳиротнинг кўзга кўринган уламолари, сарой аъёнлари иштирокида шариат масалалари бўйича имтиҳон мажлиси тузган ва Абдураззоқ ўз тенгдошлари орасида билимдонроқ эканлиги тасдиқланган²⁰.

«Матлаи саъдайн»да келтирилган муаллифнинг ўз ҳаётига доир маълумотларга қараганда, дастлаб ўзи яхши билган илмларни арзга етказиб турувчи мулозим бўлган Абдураззоқ, мазкур имтиҳондан кейин темурий ҳукмдорлари наздида анча эътибор қозониб, энди давлат ишларида ҳам фаол қатнаша бошлаган.

Бу давлат ишлари нималардан иборат эканлигини аниқлашда Абдураззоқнинг замондоши мавлоно Абдулвосе ан-Низомийнинг сўзлари диққатга сазовордир. Яъни «Матлаи саъдайн»нинг айрим қўлёзма нусхаларида муаллифнинг асар тугаганлиги ҳақидаги сўзлари кетидан тақризнамо бир хат ёзилган. Хотиманинг муаллифи мазкур Абдулвосе бўлиб, у асардаги маълумотларнинг ишончли эканлигини, Абдураззоқнинг кўп воқеаларни ўзи кўриб билганлигини қайд қилиб: «(Абдураззоқ) хоқони саъид (Шохрух)нинг давлати замонида узоқ муддатлар шуҳратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи соҳиб давлат шаҳзодалар хизматида садоратлик олий мансабига етишган, баъзи бошқаларининг мулозаматида эса ноиблик ва хосликка эришган»²¹, — дейди.


Абдулвосе эслатиб ўтган «садоратлик мансаби» ва «ноиблик» вазифаларини ўтаганлиги ҳақида Абдураззоқ ўз асарида аниқ бир маълумот келтирмаган. Бироқ, шунга қарамай, у Шохрух вафотидан (1447) кейин қисқа-қисқа вақтлар орасида ҳукмронлик қилган темурийлар ҳузурида шундай вазифаларни ўтаган бўлиши мумкин. Шохрух давридаги «шуҳратли ишлар»га келганда эса «Матлаи саъдайн»да келтирилган Абдураззоқнинг ўз фаолияти ҳақидаги баъзи умумий маълумотларга асосланибгина бир хуло-



сага келиш мумкин. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, Абдураззоқ Шоҳрух ҳукмдорлиги даврида ва ундан кейин ҳам кўпроқ те-мурийлар сулоласи ҳукмдорларининг ўзаро тахт учун олиб борган курашига, уларнинг ташқи давлатлар билан олиб борган дипло-матик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид ишлар билан шуғул-ланган.

Гап шундаки, Амир Темурнинг вафотидан сўнг у барпо этган улкан давлатни бир марказга бўйсундириш, ҳар бир вилоятда мустақилликка интилаётган темурий шаҳзодалар ва марказдан йироқлашиш тараддудида бўлган бошқа йирик феодалларни ито-атда тутиш учун Шоҳрух ҳарбий куч қўллаш билан бир қаторда дипломатия сиёсатига ҳам катта эътибор берган. «Матлаи саъ-дайн»да баён этилган воқеалар орасида бу ҳақда кўп маълумот-лар учрайди ва Шоҳрух номидан бошқа шаҳзодаларга ёзилган хат-лар матни ҳам келтирилади²². Бу маълумот ва хатларнинг мунта-зам равишда қайд этилиб бориши, муаллифнинг улардан бевосита хабардор бўлганлигидан дарак беради.

Бундан ташқари, агар темурийлар давридаги қўшни мамла-катлар билан олиб борилган алоқаларга тўхталинса, Шоҳрух тинч-лик сиёсатини тутганлиги, Амир Темур салтанатининг ўзини бир бутун давлат ҳолида сақлашгагина ҳаракат қилганлиги кузатила-ди²³. Шундай бўлгач, Шоҳрух ҳукмронлиги даврида темурийлар ва бошқа амирларнинг ички курашлари билан тинчлик-осойиш-талиқ чоғлари ҳам алмашилиб турди. Бунинг натижасида йирик шаҳарларда ишлаб чиқариш кучларининг мужассамланиши, ҳунар-мандчиликнинг ривожланиши, иқтисодий-маданий тараққиёт юз берди. Ана шу омилар асосида темурийлар давлати билан қўшни мамлакатлар орасида иқтисодий (савдо-сотик) муносабатлар, мада-ний ва дипломатик алоқалар авж олди. Фақат «Матлаи саъдайн» даги маълумотлар билан чекланиб хулоса чиқарганимизда ҳам, айтиш мумкинки, XV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё билан Рум (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари ораси-да дипломатик алоқалар йўлга қўйилган эди²⁴. Бу алоқаларни амалга оширишда Абдураззоқ Самарқандийнинг фаол иштирок этганли-гига унинг ўз элчилик сафарлари ҳақида келтирган ахборотлари яққол далил бўла олади. Чунончи, мазкур имтиҳон воқеасидан кейин икки йил ўтгач Шоҳрух Абдураззоқ Самарқандийни Жа-



нубий Ҳиндистондаги порт шаҳар Коликутга ва Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборади²⁵. 1442 йилнинг 13 январиди Ҳиротдан йўлга чиққан Абдураззоқ Шарқи Жанубий Эрон ерлари, Арабистон ярим ороли орқали қуруқлик ва денгиз йўли билан юриб, 1442 йил 17 октябрда Коликутга етади. Элчилар бу шаҳарда беш ой туриб, сўнг Вижаянагарга ўтишган, у ерда эса 1443 йилнинг охиригача бўлиб, шу йили 5 декабрда қайтишга отланган ва 1444 йилнинг декабрь ойида Ҳиротга қайтиб келишган.

Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистондан қайтгач, темурийлар саройида яна «мулозимлик» қилишда давом этган ва айрим ҳолларда Шоҳрухнинг элчиси сифатида Ҳиротдан бошқа ерларга ҳам юборилган. Масалан, Шоҳрух 850 (1446—1447) йили бўйсунушидан бош тортган ўз набираси Султон Муҳаммадга қарши Форс Ироқи (ҳозирги Шимоли-ғарбий Эрон)га юриш қилганида Абдураззоқ ҳам лашкар билан сафарга отланади. Лашкар Симнон шаҳрига етганида Шоҳрух уни Гилон вилоятига элчи қилиб тайинлайди. Абдураззоқ Гилон ҳокими амир Муҳаммад билан музокара-ларни тамомлаб Рай шаҳрига қайтиб келади ва бу ерда Шоҳрух билан учрашади²⁶. Шоҳрух энди уни Миср султони қошига элчиликка тайинлайди. Абдураззоқ Шоҳрух номидан ёзилган мактуб ва совғаларни тайёрлашга киришади. Аммо Шоҳрух 850 йили зул-ҳижжада (февраль-март, 1447) Райда эканлигида вафот этади. Худди Амир Темур вафотидан кейин кузатилганидек, Шоҳрух ўлгандан кейин ҳам темурий шаҳзодалар орасида тахт учун кураш авж олади ва натижада, Мисрга юборилмоқчи бўлган элчи кетолмай қолади²⁷.

Шоҳрухнинг вафотидан кейин ҳам Абдураззоқ Самарқандий темурийларнинг Ҳиротдаги саройида давлат ишлари билан машғул бўлади. Бу ҳақда «Матлаи саъдайн»нинг турли жойларида сиёсий воқеалар баёни орасида айрим эслатмалар келтирилган. Масалан, Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида 852 (1448) йили Улуғбек ва унинг ўғли Абдулатифнинг Ҳиротни эгаллаганликлари, сўнгра Машҳад ва Нишопур томон лашкар тортиб борганликлари воқеасини ёритар экан, Абдулатифнинг Нишопурда қаттиқ бетобликка учраганлигини сўзлаб, унинг тузалишига бағишлаб ўзи бир тарих туширганлигини айтади²⁸. Бундан келиб чиқадики, Абдураззоқ шу вақтларда Улуғбек ва Абдулатифларга яқин бўлган.

2— Абдураззоқ Самарқандий

Улуғбек Машҳаддан Ҳиротга қайтгач, ўғли Абдулатифни Ҳиротда қолдириб, ўзи Самарқандга йўл олади²⁹. Бироқ у кетганидан ўн беш кун ўтиши биланоқ Ҳиротни Абулқосим Бобур эгаллайди³⁰. Мирзо Абдулатиф Ҳиротни ташлаб отаси Улуғбек ҳузурига жўнайди. Улуғбек уни Балх ҳокими қилиб тайинлайди³¹. 1449—1451 йиллар орасида Мовароуннаҳрда катта сиёсий нотинчликлар рўй бериб (1449 йили Улуғбекнинг хоинларча ўлдирилиши, Абдулатифнинг олти ойлик ҳукмронликдан сўнг қатл қилиниши, мирзо Абдуллонинг тахтга ўтириши), охири, 1451 йилга келиб, Самарқандни мирзо Султон Абу Саид эгаллайди³².

Мовароуннаҳрда бу воқеалар содир бўлиб турган вақтда Хуросонда ҳам мирзо Султон Муҳаммад, мирзо Алоуддавла, мирзо Абулқосим Бобурлар орасида тахт учун кураш боради ва 1451 йили тахтни Абулқосим Бобур эгаллайди³³. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн»да бу ҳодисаларни батафсил ёритар экан, 856 (1452) йил воқеалари орасида ўз фаолияти тўғрисида ҳам бир оз тўхтаб ўтади. Бу йили Абулқосим Бобур Форс ва Ироқ томон лашкар тортган эди, Абдураззоқ ҳам сафарга чиқиб Эроннинг бир қанча шаҳарларида бўлади ва лашкар Ҳиротга қайтаётганида, 1452 йил август ойида Тафти Яздда «Зафарнома» асарининг муаллифи, машҳур тарихнавис Шарафуддин Али Яздий билан учрашади ва унинг суҳбатида бўлади³⁴.

Шундан кўп ўтмай Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобурнинг Мозандаронга³⁵ (1453), ундан сўнг Самарқандга³⁶ (1454) қилган юришларида қатнашади.

Абулқосим Бобурнинг лашкари Самарқандни қирқ кун қамал қилгач, шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги туфайли, орада сулҳ тузишга қарор қилинади³⁷. Абдураззоқ Самарқандий ўз дўстларини кўриш мақсадида Самарқандга кириб, у ерда мирзо Султон Абу Саид билан учрашади ва унинг катта ҳурматига сазовор бўлади³⁸. Сўнгра у 859 йил 4 муҳаррамда (25 декабрь, 1454) Абулқосим Бобурнинг лашкарлари билан Ҳиротга қайтади³⁹.

Абдураззоқ Самарқандийнинг бундан кейинги сиёсий ишларда қатнашуви ҳақидаги маълумотлар 863 (1458—1459) йил воқеалари орасида учрайди. Муаллифнинг сўзларига қараганда, у бу

йили Абу Саиднинг (у 1458 йил декабрь ойида Ҳиротни эгаллаган эди) элчиси сифатида Астрободга сафар қилади. Чунки шу йили Астрободни Султон Ҳусайн Бойқаро эгаллаган ва у билан музокара-лар олиб боришни Абу Саид Абдураззоққа топширган эди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг давлат ишларидаги фаолиятига оид ўз маълумотлари ана шу Астрободга бориб келиш воқеаси⁴⁰ билан тугайди. У ўз асарига Абу Саиднинг 1469 йилгача (шу йили вафот этган) мамлакат бутунлигини сақлаш учун олиб борган курашлари, иқтисодий ва сиёсий тадбирлари ҳақида батафсил тўхтайд-ю, лекин бу ишларда шахсан ўзи ҳам иштирок этганлиги тўғрисида сўзламайди. Чунки энди Абдураззоқ Самарқандий давлат ишларида бевосита қатнашишдан воз кечиб, Ҳиротдаги Шохрухия хонақосига шайхлик лавозимига тайинланган эди. «Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ, — дейди у бу ҳақда, — таъминотнинг танглиги сабабли тириклик ўтказиш борасида шикоят қилиб юрар эдим, 867 (1463) йили Ҳирот салтанат пойтахтининг ақобир ва аёнлари ... Шохрух хонақосининг шайхлик мансаби бу фақирга топширилишини маъқул кўрдилар»⁴¹.


26 йил давомида ҳукумат ишларида қатнашиб, элчилик вази-фаларини ўтаб келган Абдураззоқнинг бу сўзларини камтаринлик аломати, давлат ишларидан четлашиш учун бир баҳона ёки унинг ўзи айтганидек, моддий жиҳатдан офир аҳволда қолганликдан деб фикр юритиш мумкин. Аммо шуниси аниқки, Абдураззоқ Самарқандий хонақоҳга чекиниш билан дунёвий ҳаётдан, ўз жамиятида содир бўлиб турган воқеалардан бутунлай четлашишни мақсад қилиб қўйган эмас. Аксинча, «Матлаи саъдайн»да келтирилган муҳим тарихий маълумотларнинг жонли, ҳаётий тарзда акс эттирилиши уларни ўз даврининг сиёсий ва маданий ҳаётидан тўла хабардор бўлиб турган киши ёзганлигидан дарак беради. Демак, Абдураззоқнинг хонақоҳга шайхлик мансабига ишга ўтишидан мақсади, аввало, сарой аёнлари орасидаги мавқе учун доимий курашлар ва сиёсий нотинчликлар таҳликасида қутулиш ва ўзига осойишта ижодий ҳаёт учун замин яратиш бўлса, иккинчидан, хонақоҳ ва мадрасаларнинг вақф даромади ҳисобига «таъминот танглиги»ни ҳам бир қадар ҳал қилиб⁴², ўз номининг тарих саҳифаларида абадий қолишига сабаб бўлган «Матлаи саъдайн» асарини ёзишга киришиш эди.



• • •

Абдураззоқ Самарқандий томонидан ёзилиб бизгача етиб келган ёдгорлик ҳозирги кунгача биргина «Матлаи саъдайн»дир. Унинг асрдоши бўлган тарихнавис Гиёсуддин Хондамир, гарчи Абдураззоқнинг бир нечта асарлари бўлганлигини эслатиб ўтган бўлса ҳам⁴³, улардан «Матлаи саъдайн»нинггина номини атаган. Абдураззоқнинг йигитлик чоғларида ёзиб Шохрухга тақдим қилгани юқорида зикр қилинган араб тили грамматикасига оид рисола-нинг шарҳи эса бизгача етиб келмаган ёки, тўғрироғи, унинг кўлёма нусхалари ҳозиргача маълум эмас. Шунинг учун Абдураззоқ Самарқандийнинг ижодий — тарихнавислик фаолияти тўғрисидаги манба «Матлаи саъдайн» асарининг ўзидир, холос. Алишер Навоий, Мирхонд ва Хондамирларнинг у ҳақда келтирган маълумотлари⁴⁴ эса унинг яшаган йиллари, ўз замонасининг таниқли адибларидан ва тарихнавис бўлганлиги ҳақидаги ахборотлардангина иборатдир.

Абдураззоқ Самарқандий ўз асарини асосан 872 (1467—1468)—847 (1469—1470) йиллар орасида ёзиб тамомлаган ва 875 (1470) йили уни яна давом эттириб, шу йилнинг сафар ойида (август, 1470) воқе бўлган кечмишларни ҳам қўшиб, тугаллаган⁴⁵. Бироқ бундай тарихий асар ёзиш иштиёқи Абдураззоқ Самарқандийда мазкур йиллардагина пайдо бўлган эмас. Унинг сўзларига қараганда, у ҳали ёшлик чоғларидаёқ «диний илмларни таҳсил қилиш асносида» тарих фанига қизиққан ва китоб ёзишни орзу қилиб юрган, «аммо бу маъни парда остида ётиб, интизорлик ниқобидан ҳеч бир важҳ билан юзага чиқа олмаган»⁴⁶. Бунга сабаб, юқорида айтиб ўтилганидек, Абдураззоқ Самарқандий давлат ишлари билан шуғулланиб юрган вақтларида «ҳар замон бир бало тўфони кўтарилиб, ҳар куни жигарни куйдирувчи оташ алангаланиб турганлиги ва халойиқ қийинчиликда ҳайрон, раиятлар чет-четларда саргардон»⁴⁷ эканлиги бўлган. Ўрта аср тарихнависларининг кўпчилигида учрайдиган бу иборани⁴⁸ гарчи Абдураззоқ томонидан келтирилган муболағали бир сабаб — тушунтириш деб ҳисоблаганимиз тақдирда ҳам, унинг сарой хизматида эканлигида бундай катта асарни ёзишга киришиш учун шароит бўлмаганлиги, бу иш билан шуғулланишга у фақат хонақоҳда шайхлик мансабида эканлиги-



дагина муяссар бўла олганлиги муқаррардир. Лекин Абдураззоқ Самарқандий давлат хизматида эканлигида ҳам қачонлардир ўз орзусини амалга оширишига ишонган ва кўп йиллар давомида баъзи тарихий воқеаларни «айрим варақларга» ёзиб юрган. Бу ҳақда у «қоронғу кечаларда менинг ҳамдамим қалам эди», деган сўзларни эслатиб ўтган ва шайхлик лавозимида эканлигида бир дўсти ёзганларини жамлашга ундаганлигини айтиб «ҳар жойдаки бирор варақ тарқоқ ётган бўлса гунча баргларидек териб олиб, гулдафтаридек боғладим ва бир гулдаста туздимки, унинг исидан замона димоғи муаттар бўлди»⁴⁹ дейиш билан китобнинг айрим қисмларини ёзиб юриб, сўнг жамлаганлигига ишора қилган.

Асарнинг номи: «Икки саодатли юдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»дан англашилиб турганидек, Абдураззоқ ўз китобини икки жилдга бўлиб тузган. Икки саодатли юдуз (саъдайн) ва икки денгиз (баҳрайн)дан мурод кимлар ва қандай туншунчалар эканлигини Абдураззоқ сўзлаган эмас. Шунга кўра тадқиқотчилар томонидан саодатли юдуздан мурод асарнинг биринчи ва иккинчи жилдларида номлари зикр этилган бири Чингизхон, иккинчиси Амир Темур авлодидан бўлган Абу Саъидлар (ёки, улардан иккинчиси ўрнида, «хоқони саъид» лақаби билан машҳур бўлган Шоҳрух), иккинчи ярмидаги икки денгиздан мурод эса асарда дастлаб Чингизхон авлодидан бўлган ҳукмдор ҳақида гап бориб, унга Амир Темурнинг тарихи уланиб кетиши ёки биринчи жилдда асосан Амир Темур ҳақида гап бориб, иккинчи жилд Шоҳрухнинг тахтга ўтириши билан бошланиши ва бу икки шахснинг ҳукмдорлик тарихи бир-бирининг давоми эканлигини уқдириб ўтишдир.

Бу фикрларни асар мазмуни билан таққослаб кўрилганда, уларнинг ҳар бири ҳам маълум асосга эга эканлиги ойдинлашади. Яъни «Матлаи саъдайн»нинг биринчи жилдида қисқа тарзда бўлса ҳам Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъид (1316—1335) ҳақида гап бориб⁵¹, сўнг унинг вафоти йили, яъни 736 (1335—1336) йилда туғилган Амир Темур тарихи бошланади ва умуман бу жилдда 704 (1304) йилдан 807 (1405) йилгача Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, қисман Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тарихига оид маълумотлар келтирилади. Тарихий воқеалар баёни Амир Темурнинг 17 шаъбон 807 (18 февраль, 1405) йили

Ўтрорда вафот этганлиги, унинг набираси Халил Султоннинг Самарқандда тахтга ўтирганлиги ва шу орада содир бўлган тахт учун курашлар баёни билан тугалланади⁵².

Иккинчи жилда эса муаллиф бош сўзида Амир Темурнинг авлодлари ҳақида сўзламоқчи эканлигини айтиб, воқеалар баёнини Шоҳрухнинг Ҳиротда тахтга ўтирган вақтидан (март, 1405) бошлайди. Сўнг у Шоҳрух вафотидан (1447) кейин ҳукмдорлик қилган темурийлар: мирзо Абулқосим Бобур (1452—1457), Абу Саъид (1451—1469) ва бошқа шу орада тахтга ўтирган, аммо ҳукмронликлари кўпга бормаган шаҳзодалардан сўзлаб бўлгач, Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротда иккинчи марта тахтга ўтириши ҳақидаги ахборотлар билан асарни тугатади (875 йил сафар ойи — 1470 йил август).

Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн»да тарихий воқеалар баёнини йил тартиби билан жойлаштирган. Асарнинг бундай тарзда тузилиши ўрта аср тарихчилигидан намуна сифатида диққатга сазовордир. Унда тарихий воқеалар мавзу эътибори билан узлуксиз, бир бутун тарзда ёзилмай, йилларга бўлиб юборилган. Яъни асарнинг катта сарлавҳалари йиллар рақамлари бўлиб, ҳар бир шундай сарлавҳа остида ўша йили содир бўлган воқеалар кичик фасл — сарлавҳачалар остида келтирилган. Бунда, масалан, Мовароуннаҳр тарихига оид бир неча йил давомида кечган воқеалар Хуросон, Форс, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар тарихидан сўзловчи фасллар билан бўлиниб-бўлиниб ёзилган. Зарур бўлган ҳолларда эса муаллиф ўқувчига тушунарли бўлмоғи учун, бирор воқеанинг бошланғич қисми илгариги йиллар кечмишлари орасида сўзлаб ўтилганлигига ишора қилиб борган.

«Матлаи саъдайн»нинг ёзилишига хос хусусиятларидан яна бири асардаги тарихий мазмуннинг ажойиб бир маҳорат билан бадий шаклга ўралиб қофияли наср (саж) услубида баён қилинганлигидир. Содир бўлиб турган сиёсий муносабатлар, ижтимоий курашлар, маданий қурилишлар, вайронагарчиликлар-қирғинлар, хуллас, XV аср феодал жамиятига хос воқеаликлар адабий муболағалаштирилиб, коинот мавжудотлари ва ўзгаришлари билан ўхшатмалар қилиб келтирилган. Бундан ташқари муаллиф аксар

варақларда насрий тарзда ифодалаган фикрини бирор мисра ёки байт, баъзан эса бир неча сатр ёки саҳифаларни эгаллаган шеърий парчалар келтириб қувватлаган, айрим ҳолларда бу шеърий парчаларсиз насрий ифодаланган жумланинг маъноси англашилмай қолади. Бунинг устига ифодаланаётган фикр Қуръон оятлари, ҳадислар билан ҳам кучлантирилиб, бу ҳол асар матнининг ҳозирги ўқувчи томонидан тушунилишини қийинлаштиради. Лекин «Матлаи саъдайн»га тарихий жиҳатдан қаралганда, у XV аср форс насрий адабиётига хос нақадар нафис бир услубда ёзилган, деб баҳоланади ва шу билан бирга, ўз даврининг ўта ўқимишли, балки жамиятнинг юқори табақаларига мансуб кишиларига мўлжалланганлиги маълум бўлади. Шу сабабли, «Матлаи саъдайн»ни ўқир эканмиз, унинг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий кўз ўнгимизда анчагина кучли адиб сифатида гавдаланади. Бу жиҳатдан қаралганда Алишер Навоийнинг: «Абдураззоқ хушмуҳовара киши эрди... фазлиёти ҳам яхши эрди... хусусан тарих илмиким анда мусаннафоти бор ва машҳурдир, ҳар киши бу фанда анинг маҳоратин билай деса, ўз тарихидан била олур»⁵³, — дейиши тарихнависнинг адабий маҳоратига асосланган жуда тўғри баҳо эканлиги англашилади.

Насрий матн орасида келтирилган шеърий парчалар аксар ҳолларда бошқа шоирларнинг асарларидандир. Абдураззоқ уларни кимларнинг ижодидан эканлигини айтмай келтира берган. Лекин буни Абдураззоқнинг ўз шеърлари йўқ, деган маънода тушунмаслик керак. Биз, таржима асносида шеърлар муаллифларини аниқлаш вазифасини қўймаганлигимиз учун, бу соҳада тадқиқот ишлари олиб бормадик, лекин, шундай бўлса-да, асарда учрайдиган шеърлардан баъзилари Абдураззоқнинг ўзиники бўлиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Абдураззоқнинг таърифини сўзлар экан, унинг шеър ёзганлигини ҳам айтиб мисол тариқасида бир байтни келтирган⁵⁴.

Бироқ бу мақоладан мақсад «Матлаи саъдайн»нинг адабий жиҳатдан қиммати, муаллифнинг адабий-бадиий маҳорати устида эмас, балки тарихий жиҳатдан қанчалик ишочли манба эканлиги ва Абдураззоқ Самарқандий тарихий воқеаларни қай тарзда ёритганлиги ҳақида фикр юритишдир.



Бу борада аввало шуни айтиб ўтиш керакки, юқорида қайд қилинганидек, «Матлаи саъдайн»да 704 (1304) — 875 (1469—1470) йиллар орасида, жами 171 (166) йил мобайнида содир бўлган воқеалар баён қилинган. Абдураззоқ Самарқандий эса 1413 йили туғилиб, 1482 йили вафот этган. Демак, у ўзи яшаган даврлардан олдинги йилларда содир бўлган тарихий воқеаларни ёритишда бошқа манбаларга асосланган. Чунончи, асарнинг иккинчи жилдининг биринчи қисми — нашр этилаётган ўзбекча таржиманинг биринчи китоби 1405—1429 йиллар воқеаларидан иборат бўлиб, унинг деярли ҳаммаси Абдураззоқнинг бошқа манбаларга асосланиб ёзган қисмини ташкил этади. Бу манбалардан энг асосийси XV асрнинг биринчи чорагида Ҳиротда тарихий ва географик асарлар ёзиш билан шуғулланган машхур тарихнавис ва географ Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» номли китобидир. «Матлаи саъдайн»нинг мазкур Лоҳур нашрида келтирилган изоҳларда Муҳаммад Шафе томонидан кўрсатилган икки асар матни орасидаги фарқларга қараганда Абдураззоқ 1405—1427 йиллар воқеаларини ёритар экан, аксар ҳолларда «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий»га суюнган ва ҳатто, айтиш мумкинки, Ҳофиз Абрунинг тарихий маълумотларини бутунлай қамраб, унга енгил таҳрир ёки баъзи қисқартиришлар киритиш билангина чекланган; фақат айрим ҳоллардагина бошқа манбалар ёки ўзи билган воқеаларидан қўшимчалар келтирган.

Бироқ шу нарса эътиборга сазоворки, Абдураззоқ Самарқандий бу ишни Ҳофиз Абрунинг меҳнатини ўзлаштириб олиш мақсадида эмас, балки темурийлар даври тарихини ўзи яшаган замонгача тўла акс эттирувчи асар яратиш мақсадида амалга оширган. Шунинг учун ҳам у 830 (1427) йил воқеаларини ёритар экан Ҳофиз Абрудан келтирилган маълумотлар тугаганлигини очиқдан-очиқ эслатиб: «Ҳофиз Абрунинг ёзгани... «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» шу ерда тутади»⁵⁵, дейиш билан бу асардан тўла фойдаланганлигини эътироф этган.

Абдураззоқнинг Ҳофиз Аbru асаридан фойдаланганлигини муаллифнинг замондошлари ҳам «Матлаи саъдайн» ёзиб тугалланган вақтларданоқ кўрсатиб ўтганлар. Масалан, Абдураззоқнинг замондоши мавлоно Абдулвосе ан-Низомий «Матлаи саъдайн»даги тарихий ахборотларнинг ишончлилигини исботламоқчи бўлар



экан, «... воқеалардан баъзиси Ҳофизи Абрунинг ишоратларидандир. уларнинг аксарини Ҳофизи Аbru ўз кўзи билан кўрган ва ҳақиқат эканлигини аниқлагандан сўнггина, таҳрир тугунига боғлаган эди», — деб ёзади⁵⁶.

Дарҳақиқат, Абдураззоқ Самарқандий ўзи вояга етишидан олдин содир бўлган воқеаларни бошқа муаллифлар асарларидан олиб келтиришни лозим кўрган экан, унинг Ҳофизи Абрута таянганлигига сабаб «Зубдат ут-таворих»нинг ўз даври тарихий воқеаларидан хабардор, билимли киши томонидан ёзилган ишочли манба сифатида шуҳрат топганлигидир. Демак, «Матлаи саъдайн»нинг ушбу қисми мазмунидан келиб чиқиб Абдураззоқ Самарқандийнинг тарихнавислик фаолиятини баҳоламоқчи бўлсак, бу қисм учун асосий бош манба хизматини ўтаган «Зубдат ут-таворих»нинг муаллифи Ҳофизи Абрунинг ҳам ким эканлигини назарда тутиш лозим бўлади⁵⁷.

* * *

Ҳофизи Аbru — бу тарихнависнинг лақаби; унинг асл номи Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдуррашид ал-Хавофий (Хофий)дир (вафоти йили — 1430)⁵⁸. Унинг номи илмий-тарихий адабиёт саҳифаларида XV аср географи ва тарихнависи сифатида машҳурдир. Ҳофизи Абрунинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолияти ҳам кўп жиҳатдан Абдураззоқникига ўхшаб кетади. У умрининг кўпгина қисмини Амир Темур ҳузурида хизмат қилиб ўтказган. Унинг қандай вазифаларни адо этганлиги ҳақида тўла маълумотга эга бўлмасак ҳам, у 1386 йили, тахминан 25 ёшларда эканлигида Амир Темур ҳузурида муншийлик вазифасини ўтаб юрганлиги маълум⁵⁹. Шу муносабат билан бўлса керак, у Амир Темурнинг XIV асрнинг кейинги чораги ва XV аср бошларида Мовароуннаҳрдан ташқари жойларга кетма-кет қилган ҳарбий юришларида турли мамлакат ва шаҳарлар бўйлаб сафар қилган.

Масалан, у ўзининг тарих ва географияга оид асарининг бош сўзида ўзи бориб кўрган жойлар рўйхатини қуйидаги тартибда келтириб ўтган: «... Узоқ муддатлар давомида қилинган йироқ сафарлар асносида, — дейди у, — шимоли гарбий томондан Мовароуннаҳр, Туркистон, Дашти Қипчоқ, Хуросон, (Араб ва Ажам) Ироқлари, Форс, Озарбайжон, Эрон, Муғон, Гуржистон, катта ва

кичик Арманистон диёрларини, Рум ва Шом ерларининг барчасини, Фирот дарёси соҳилларини, Хазар денгизи соҳилларини, Омул, Сорий ва Журжонларни: жануби шарқий томондан эса Зобул ва Кобулларни..., Мултон, Уч ва Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри Деҳлини Ганг дарёси қирғоқларигача бир неча бор (кўриб) мутолаа қилдим...»⁶⁰.

Ҳофизии Абру ўзининг бу жаҳонгашталиқ даврларида лашкар билан оддий мунший ва томошабин тарзида юрмай, келажак тарихнавислик ва географлик фаолияти учун замин ҳозирлаб борган. Масалан, Амир Темур Ҳиндистонга юриш қилиб, Деҳли шаҳрини олган вақтида Ҳофизии Абру унинг лашкари билан бирга шу ерда бўлиб, бу воқеа қачон содир бўлганлигини ёзиб қўйган. Яъни: «бу китобнинг муаллифи у сафарда ҳумоюн жилов (Амир Темур)нинг мулозимидим; у воқеанинг содир бўлган вақти борасида (шундай тарих) айтилган эди», — дейди у кейинчалик «Зубдат ут-таворих» асарида ва ўша вақтда ёзиб қўйган 801 (1398—1399) йил чиқадиган шеър (тарих)ни келтиради⁶¹. Бундан келиб чиқадики, Ҳофизии Абру ўзининг Темур лашкарида муншийлик вазифасини бажариш йўли билан ёки шахсий ташаббуси бўйича, ҳар қалай баъзи тарихий воқеаларни қайд қилиб, эслаб юрган.

Шу тарзда ўз даврининг сиёсий-тарихий кечмишларидан анча хабардор ҳамда тарих ва географияга оид асарлар ёзиш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлган Ҳофизии Абру Амир Темур вафот этганидан (1405) сўнг унинг кичик ўғли Шоҳрух саройида қолади. Унинг Шоҳрух хизматига қачон ўтганлиги ва саройда қандай вазифаларни бажарганлиги ҳозирча номаълум. Лекин шуниси аниқки, у 814 (1411—1412) йили Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» номли асарига илова ёзган⁶² ва шу билан Шоҳрухга тарихнавис сифатида танилган.

Низомуддин Шомийнинг асари асосан Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳамда XIV аср иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги сиёсий аҳволни ёритишга бағишланган. Низомуддин Шомий уни 806 (1404) йили Амир Темур Озарбайжонда эканлиги тўғрисидаги маълумотлар билан тугаллаб, кейин давом эттирмаган; Амир Темурнинг вафотигача бўлиб ўтган воқеалар китобга киритилмай қолган. Ҳофизии Абру эса унга илова ёзиб, воқеалар баёнини Амир Темур вафотигача етказган⁶³.

Шу вақтдан бошлаб Ҳофизии Абрӯ темурийларнинг сарой тарихчиси бўлиб қолади. 817 (1414—1415) йили Шоҳрух унга бир географик асар ёзишни буюради. «У салтанат шиорли ҳазратнинг улуғ хотирида, — дейди Ҳофизии Абрӯ ўз географиясига ёзган бош сўзида, — оламнинг шакли, қуруқлик ва сувлик, водий ва тоғларнинг кайфияти ҳамда давлатлар (орасидаги) йўллар сонини таҳқиқ қилиш хоҳиши равшанлик кўрсатди. Давлатлар (орасидаги) йўллар ва (етти) иқлимнинг суратини ўрганиш борасида ёзилган араб тилидаги бир китобни улуғ ҳазрат (Шоҳрух)га тақдим қилинди⁶⁴. Бу бандаларнинг камтарини (Ҳофизии Абрӯ) у ҳазратдан (мазкур китобни) форс тилига айлантириб, бу фанга тааллуқли бўлган нарсаларни бошқа китоблардан ҳам олиб унга илова қилишга рухсат сўрадим. Бу ҳақда олий ишорат содир бўлди...»⁶⁵.

Бу географик асарни Ҳофизии Абрӯ 817 (1414—1415) йилиёқ ёзиб битиради. У, ўзи айтганидек, Шоҳрухга тақдим қилинган географик асарни араб тилидан форс тилига таржима қилибгина қолмай, шу мазмунда ёзилган бошқа асарлар ва ўз саёҳатлари вақтида кўрган-билганлари асосида уни қайтадан ишлаб бутунлай янги асар яратади. Лекин асарни Ҳофизии Абрӯ қандай атаганлиги ҳозирча номаълум. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги қўлёзма нусхада (рақами 5361) эса бу асар Ҳофизии Абрўнинг 817 (1414—1415) йилдан кейин, 820 (1417—1418) йили ёзишга бошлаган тарихий асари «Мажмуа» — «Тўплам»нинг бошида келтирилган⁶⁶.

Ҳофизии Абрӯ ўзининг географик асарини 817 (1414—1415) йили ёзиб тугатганлигини қайд қилар экан, бу ерда «тарих» — (сана)-ни кўрсатиб ўтишининг сабаби: «(келажак) узоқ муддатлар давомида асарда зикр этилган мавзелар ва (чизилган) шакларда ўзгаришлар юз бериши эҳтимоллиги, масалан, бир мавзенинг хароб бўлиши ва бошқасининг обод бўлиши, бир дарёнинг оқмай қолиши, бошқасининг равон бўлиши, бир денгизнинг қуриб қолиши ва бошқасининг сувга тўлиши мумкинлигидир», — деб табиатда географик ўзгаришлар содир бўлиб туришини эътироф этади, унинг келтирган маълумотлари 817 (1414—1415) йилга оид бўлиб, кейинги даврлар учун тўғри келмай қолиши эҳтимолини билдиради⁶⁷. Бундан кўринадики, Ҳофизии Абрӯ ўзининг ёзаётган асарига катта эътибор бериб, унга ўз даврининг етук географик асари



сифатида қараган ва маълумотларни ўша даврдаги имконият йўл қўйган даражада аниқ келтиришга ҳаракат қилган.

Ҳофизи Аbru географик асарини битирганидан кейин яна Шоҳрухнинг буйруғи билан йирик бир тарихий асар — «Мажмуа» («Тўплам») ёзган. Бу асарнинг ёзилиш сабабини гапириб, Ҳофизи Аbru шундай дейди: «У салтанат шиорли ҳазрат (Шоҳрух) ... тарихларни ва ўтмиш аждодлар ёдгорликларини мутолаа қилишга бўлган муҳаббати ва ҳаракати туфайли халқларнинг насаб ва аҳволлари, турк, араб ва ажам ҳукмдорларининг равнақ ва инқирозлари ва (тарих) илмининг тармоқларини (ўрганишга) чуқур киришди. (Шу тарзда) у воқеликнинг ўзгариб туришидан воқиф бўлиб, бу фаннинг қисмларини ўз ичига олган бир тўплам — «Мажмуа» ёзилишига ишорат қилди». Бунинг кетидан Ҳофизи Аbru ўз давридаги форс тилида мавжуд бўлган тарихий асарларга тўхтаб, у вақтда умумий тарихга оид энг йирик ва кенг тарқалган китоблар фақат Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (922 йили вафот этган) «Тарихи Табарий» номли асарининг форсча таржимаси ва Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Абу-л-Хайр Али Ҳамадонийнинг (1318 йили қатл қилинган) «Жоме ут-таворих» номли асаригина эканлигини қайд қилади⁶⁸.

Шоҳрухнинг буйруғи бўйича Ҳофизи Аbru ўзи ёзаётган тўпламига бу асарларни киритиши билан бирга, уларда зикр этилган воқеаларга Амир Темур туғилишидан олдин Эронда охирги мўғуллар ҳукмронлиги даврида содир бўлган (1304—1335) воқеаларни қўшиб, кейин унга Амир Темурнинг юришлари тарихини Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома»сидан келтириб улаши ва ундан сўнг Шоҳрухнинг ҳукмронлик йиллари тарихини 820 (1417—1418) йилгача давом эттириб ёзиши лозим бўлган⁶⁹. Ҳофизи Аbru бу «Мажмуа»ни 823 (1420) йил воқеаларигача етказиб тамомлаган ва уни юқорида эслатиб ўтилган географик асарига қўшган⁷⁰.

Ҳақиқатан ҳам Ҳофизи Аbru асарларининг ҳозирда маълум бўлган қўлёзма нусхалари орасида худди шу географик-тарихий асар ҳам учрайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўёзмалар тўпламида сақланаётган 5361 рақамли қўлёзма Ҳофизи Аbrунинг мазкур географик-тарихий асаридир⁷¹. Қўлёзма умуман 469 варақдан ибо-



рат. Унда маълумотларнинг жойлашиш тартиби шундай: мазкур 817 (1414—1415) йили ёзилган географик асарнинг бош сўзи — 16—46 varaқларни ташкил этади (орада 26—3а varaқларда, етти иқлимга бўлиниб чизилган дунё картаси⁷²); 820 (1414—1418) йили ёзила бошлаган тарихий асарнинг бош сўзи — 56—136 varaқлар; дунёнинг ўрта асрлар географларига маълум бўлган қисмининг географик тавсифи — 206—113а varaқлар; Форс вилоятининг 818 (1415) йил воқеалари билан тугалланган тарихи — 113а—169а varaқлар (аввалги 113а—1176 varaқларда Форс вилоятининг қисқача географик тавсифи берилган); Кермон вилоятининг 822 (1419) йил воқеалари билан тугалланган тарихи — 170а—221а varaқлар (170а—1726 varaқларда Кермон вилоятининг географик тавсифи); Хуросон вилоятининг 821 (1418) йил воқеалари билан тугалланган тарихи — 2216—4696 varaқлар (2216—252а varaқларда Хуросон вилоятининг анчагина кенг ёритилган географик тавсифи).

Ҳофизии Абрунинг тарихнавислик фаолиятини яқунловчи ҳамда унинг мазкур тарихий асарини ҳам бир қадар ўз ичига олган энг йирик асари «Мажма ут-таворихи султония» («Султонга аталган тарихлар йиғиндиси») деб аталган тўпламдир. Буни Ҳофизии Абру Шохрухнинг ўғли мирзо Бойсунғурнинг буйруғи билан тузган. Мирзо Бойсунғур (837/1433—1434 йили вафот этган) кўп вақтлар отаси Шохрух ҳузурда вазирлик қилиб давлат ишларида фаол қатнашган ва темурийларнинг Ҳирот саройига яқин адабиёт ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатган, кутубхоналар ташкил этган⁷³.

826 (1422—1423) йили мирзо Бойсунғур ўз отасининг тарихнависи Ҳофизии Абруга инсоннинг «яратилиши» дан тортиб китобнинг ёзиб тугалланиш вақтигача бўлган тарихий воқеаларни тўплаб бир йирик асар яратишни буюрган⁷⁴. Ҳофизии Абру бу асарни ёзишга шу йили киришган⁷⁵ ва 830 (1426—1427) йил воқеаларининг баёни билан тамомлаган⁷⁶. «Мажма ут-таворихи султония» тўрт жилддан (муаллиф уларни «рубъ — чорак» деб атайди) иборат.

Асарнинг биринчи жилдида Ҳофизии Абру ўрта асрларда ислом дунёси тарихий адабиётида кенг тарқалган тушунча асосидаги умумий тарихдан сўзлаб, воқеалар баёнини ўз даври анъанасига

биноан инсонинг «яратилиши»дан бошлайди ва сосонийлар сулоласи ҳукмронлигининг тугатилиши⁷⁷ (642) йили билан тамомлайди. Иккинчи жилдда Муҳаммад пайғамбар ва ундан кейин халифалик қилган чаҳорёрлар⁷⁸, умавийлар ва аббосийлар халифаликлари⁷⁹ тарихидан сўзлайди. Учинчи жилдда эса Ҳофизии Аbru шу халифаликлардан кейин ҳукмронлик қилган сулоалар давридаги тарихий воқеаларга тўхталиб, уларни саффорийлар давридан (IX асрнинг иккинчи ярми)⁸⁰ бошлайди ва Чингизхон авлодидан бўлган Эрон ҳукмдори Абу Саъид вафот этган йил — 736 (1335—1336) билан тугаллайди⁸¹.

Шундан сўнг Ҳофизии Аbru «Мажма ут-таворихи султония»нинг тўртинчи жилдига ўтиб, асарнинг оригиналлик жиҳатдан ва тарихий бош манба сифатида ҳозирги замон тадқиқотлари учун энг қимматли қисми — Амир Темур туғилганидан (1336) кейин ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихини ёзишга бошлайди. У Абу Саъиднинг вафотидан кейин ҳукмронликни қўлга олган ҳар хил майда сулоалар⁸² орасида воқе бўлган феодал курашлар ва умуман сиёсий аҳвол ҳақида сўзлаб келиб, сўнг Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, Марказий Осиёда ягона давлат ташкил қилиниши ҳамда соҳибқироннинг ҳарбий-сиёсий фаолиятини у вафот этган йилга қадар (1405) батафсил баён қилади. Ҳофизии Аbru шу жилднинг кейинги қисмларини Амир Темур вафотидан сўнг Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги тарихий воқеаларни ёритишга бағишлайди, XV аср биринчи чорагидаги Амир Темурнинг ворислари, йирик амирлар орасидаги ҳукмронликни қўлга олиш учун олиб борилган сиёсий курашларни, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий қурилишларни яққол тасвирлайди⁸³. Шу тарзда Ҳофизии Аbru «Мажма ут-таворихи султония»нинг тўртинчи жилдини 830 (1426—1427) йилгача давом эттириб келади. Асарнинг шу қисмига ёзган бош сўзида муаллиф тўртинчи жилдга киритган тарихий воқеаларнинг аксарини ўз кўзи билан кўрганлиги, баъзиларини эшитиб, суриштириб билганлиги ҳақида эслатиб ўтади ва бу жилдни мирзо Бойсунғурга атаганлигини қайд қилиб: «бу тўртинчи жилдга «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» деб ном бердим»⁸⁴, — дейди.

«Мажма ут-таворих»нинг юқорида зикр этилган қисқача мазмуни ва унинг номидан ҳам маълумки, Ҳофизии Аbru бу асарини

тузишда ундан илгари ёзган тарихий асарларидаги маълумотларни ҳам шу тўпламга жамлаган. «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»нинг Оксфорд нусхасини кўриб, унинг матнини мазкур тарихий-географик тўплам («Мажмуа») билан таққослаган В.В. Бартольд: «Оксфорд қўёзмасининг матни, баъзан ... Ҳофизии Абрунинг географик асарига айнан тўғри келади»⁸⁵, — деб ёзган эди. Ушбу нашрни тайёрлаш жараёнида тарихий-географик тўпламнинг кўрсатиб ўтилган 5361 рақамли қўёзмаси матнини «Матлаи саъдайн»нинг Лоҳур нашрида «Зубдат ут-таворих»дан келтирилган илова-лар билан таққослаш натижаси ҳам В.В. Бартольднинг фикрини аниқ тасдиқлади. Бироқ бу сўзлар, албатта, тарихий-географик тўплам ёзиб тугатилган 823 (1420) йилгача содир бўлган воқеалар баёнигагина оид бўлиб, ундан кейинги «Зубдат ут-таворих» ёзиб тугалланган 830 (1426—1427) йилгача давом эттирилган тарихий маълумотлар эса фақат шу кейинги асардагина мавжуддир. Ҳофизии Абрунинг тарихий асарлари ҳақидаги мазкур қисқача маълумотлар шуни кўрсатадики, бу тарихнавис ўзи яшаган даврдан илгари содир бўлган тарихий воқеаларни баён қилишда бу фандаги ўз салафлари (Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий, Рашидуддин Фазлуллоҳ, Низомуддин Шомий)нинг ахборотларига таянган бўлса ҳам, аммо XIV асрнинг охириги ва XV асрнинг биринчи чорагида кечган воқеаларнинг аксарини ўз кўрган-билганлари асосида ёзган. Бу сўзлардан шундай хулосага келиш мумкинки, гарчи Ҳофизии Абрунинг XIV аср охириги чорагигача бўлган тарихий воқеалар ҳақидаги хабарлари ҳам маълум қимматга эга бўлса-да, аммо илмий тадқиқотлар учун ишончли бош манба сифатида муаллиф ўзи мустақил ёзгани «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»нинг кейинги қисмлари кўп афзалликларга эгадир⁸⁶. Ана шунинг учун ҳам Абдураззоқ Самарқандий Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид бир бутун асар яратар экан, ўзи яшаган даврдан олдинги йилларда содир бўлган воқеаларни ёритишда бошқа манбалардан кўра⁸⁷ кўпроқ «Зубдат ут-таворих»га таянган.

Шунга асосан айта оламизки, «Матлаи саъдайн»нинг ушбу қисмида келтирилган маълумотлар ҳам «Зубдат ут-таворих»даги каби ҳозирги замон тарих фани учун бош манба сифатида катта аҳамиятга эгадир. Албатта, «Матлаи саъдайн»да тасвирланган баъзи воқеаларни Абдураззоқ Самарқандий ўз валинеъматлари бўлган те-



мурий ҳукмдорларнинг сарой тарихчиси сифатида уларга ён босиб ёритганини назардан соқит қилиш мумкин эмас. «Бу фақир, — дейди, масалан, Абдураззоқ Самарқандий ўзининг ушбу китобни ёзишдан мақсадини ифодалаб, — мирзо Шохрухнинг ҳумоюн мажлисида узоқ муддатлар мулозимлик қилиб келганлигим туфайли китобнинг бу иккинчи ярмида ҳазрат хоқони саъид ва унинг шуҳратли авлоди, шунингдек, салтанатга даҳлдор ақраболарининг аҳволоти, бошқа волийлар ва азизларнинг ҳолатларини баён қилишни ҳамда ... (менга кўрсатилган) иззат-икром эҳсонлари саносию инъом ҳадылари дуосини қисқача бўлса ҳам адога етказишни, сўнгра, агар саодат ёрлик қилса, Эрон, Турон, балки аксар жаҳон аҳволини токи бу бахтиёр замонга қадар (яъни Хусайн Бойқаро тахтга ўтирган 1470 йилгача — А.Ў.) айтиб ўтишни истадим»⁸⁸.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, тарихий асарни «Матлаи саъдайн» каби услубда ёзиш биргина Абдураззоққа хос бўлмай, ўрта асрларда сарой хизматида яшаб ижод этган кўпчилик тарихнавислар учун муштарак бир анъана тусини олган эди. Тарих фанининг пайдо бўлиши ва бу фан нималардан баҳс этиши лозимлиги ҳақидаги Абдураззоқнинг сўзлари шу муносабат билан диққатга сазовордир. «Сўз майдонининг собиқ (чавандоз)лари ва бу кўҳна чарх сирларини саралаб ажратувчилар, — дейди у сўз мақтовини келтирар экан ўз муқаддимасида — албатта, шу икки тоифа (яъни, пайғамбарлар ва султонлар — А.Ў.) ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ёдгорликларини ўрганиб, тартиб ипига боғлаганлар. У (тоифа)ларнинг қилган ишларидан юз берган ва айтган сўзларидан содир бўлган (манфаат)лар баёнида жаҳон аҳлининг (ҳам) аҳволу авзойи ойдинлашади ва бундан кишиларга нафу фойдалар етади. Сўнг бу фанний ҳунар эътибор қозониб «тарих илми» деб шуҳрат топган ва олимлар ҳар хил тилларда ва ҳар хил замонларда шу фан бўйича назм ёки наср услуби билан асарлар ёзиб, китоблар тузганлар»⁸⁹.

Тарих фани олдига қўйилган вазифалар ҳақида бу тушунча Абдураззоқ томонидан ҳам амалда қўлланилган ва «Матлаи саъдайн»нинг умумий мазмунида ўз аксини топган. Бунинг натижасида асарда келтирилган тарихий маълумотларнинг аксар қисмини сиёсий воқеалар ташкил этиб, ижтимоий муносабатлар, мада-




ний қурилишлар ва иқтисодий аҳволга оид сўзлар кўпинча у ёки бу ҳукмдорнинг фаолияти, давлатни бошқаришдаги тадбирларини таърифлаш билан боғлиқ ҳолда баён қилинган.

Бироқ, шундай бўлса-да, Абдураззоқ Самарқандийнинг ўз даври сиёсий аҳволига оид фикрлари билан бошқа муаллифларнинг фикрларини таққослаб объектив ҳулоса чиқариш ҳозирги замон тарих фани учун алоҳида қимматга эгадир. Чунки XV асрда темирликлар давлатининг марказидан йироқ ерларда ёзилган ёки чет эл сайёҳлари ва элчилари томонидан қайд этилган фикрлар ҳам Абдураззоқники сингари ўзига хос хусусиятга эгадир ва уларни ҳам воқеликни бетарафона ёритувчи манбалар деб ҳисоблаш қийин⁹⁰. Шу билан бирга, эътироф этиш керакки, «Матлаи саъдайн», умуман олганда, аксар ҳолларда, бошқа манбалардан кўра баъзи устунликларга эгадир. Негаки, уни ёзган Абдураззоқ Самарқандий асарда тилга олинган воқеаларнинг деярли барчасининг замондоши ва ўз мавқеига биноан, шоҳиди ҳам бўлган ҳамда унинг Шохрух номидан сўзлаб, баъзи шаҳзодаларга қарата айтган насиҳатомуз эслатмалари мазмунига қараганда, у ўз даврининг инсонпарварлик ва адолатпарварлик мафкураларини илгари сурган муаллифлардандир⁹¹. Шу муносабат билан юқорида эслатиб ўтилган Абдулвосе ан-Низомийнинг Абдураззоқ Самарқандий «хоқони саид (Шохрух)нинг давлати замонида узоқ муддатлар шуҳратли ишларни бажаришни бўйнига олган, баъзи соҳиб давлат шаҳзодаларнинг хизматида садоратлик олий мансабига етишган ... (аммо шунга қарамай) уларнинг аҳволларини ёритишда икки юзламачликка майл қилишни жоиз деб топмаган»⁹², — деган сўзларини эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади.


Дарҳақиқат, Абдураззоқ Самарқандий тарихий асар ёзиш қанчалик жиддий ва масъулиятли иш эканлигини тушуниб етган ва ўзи келтираётган маълумотлари ишончли, асосли бўлишига ҳаракат қилган. Тўғри унинг бу маълумотларни шарҳлашда ўзи хизмат қилган жамиятнинг юқори табақаларини мақташ ҳоллари учрайди, лекин муаллиф ўз даврига яраша билимдон, юксак маданиятли ва жаҳонгашта киши бўлганлиги туфайли мақтовлар орасида ҳақиқий аҳволни ҳам кўрсатиб ўтади. У бир томондан ўз валинеъматларини мақтаб ёзган бўлса, иккинчи томондан уларнинг тож-тахт талашиб, юксак мавқени эгаллашга интилиб олиб бор-


3— Абдураззоқ Самарқандий



ган ўзаро курашлари асносида оддий меҳнаткаш халқ аҳволи оғирлашиб, ишлаб чиқариш кучларига зарба етганлиги, айниқса, марказий вилоятлар — Мовароуннаҳр ва Хуросондан йироқ ўлкаларда темурийлар сиёсатига қарши норозиликлар кучайганлиги ҳолларини ҳам тўғри қайд қилиб ўтади⁹³. Шариатда белгилангандан ташқари ғайри шаръий солиқлар тўлашга мажбур этилган ва ички низолар туфайли жабр кўрган кишиларга нисбатан муаллифнинг хайрихоҳлиги айрим жумлалардан сезилиб туради⁹⁴. «Бечораларга нисбатан зулм раво кўрилганлиги — мулк қўлдан кетганлигининг нишонидир», — дейди Абдураззоқ золим ҳукмдорлар тавсифида⁹⁵.

Темурийлар даврининг буюк муаррихи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарининг ўзбек тилидаги ушбу нашри Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг XV асрдаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихини ёритишда Ўзбекистон тарих фани учун маълумотларга бой қимматли бош манба сифатида хизмат қила олади, деб умид билдирамиз.





МАТЛАИ САЪДАЙН
ва
МАЖМАИ БАҲРАЙН

II ЖИЛД
биринчи қисм

1405-1429 йиллар
воқеалари







МУҚАДДИМА




РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН УНИНГ ЎЗИДАНГИНА КЎМАК ТИЛАЙМИЗ

Сўзнинг боши энг доно подшоҳга ҳамду сано бўлмоғи лозимдирки, унинг саноси шуъласи ёрқин дилдан (чиқиб) жаҳонни ёритувчи қуёш сингари юқори осмон даражаларигача, шунингдек, сўзнинг хотимаси ҳам у улуғлик эгасига шукр ва миннатдорлик изҳори бўлмоғи тегишдирки, унинг улуғланишининг ўсиб бориши сийна ором(гоҳ)идан то саодатли ситоралар¹ поғоналаригача кўтарилади: <аввалда ҳам, охирда ҳам унга ҳамд бўлсин!>².

У, эҳсони ортгур (тангри), яшундай бир мулк эгасидирки, инсонни азиз этмоқ учун осмоннинг тўққиз пояли минбари узра <мен ерда ўз ноибимни яратаман>³, деган хутба садосини адога етказган ва у шундай бир подшоҳдирки, башарият давлати нақдини иноят зарробхонасида <биз Одам болаларини иззатли қилдик>⁴, (ояти) муҳри билан мутлақ тамғалаган ва инсоннинг буюклик туғини <биз уни юқори ўринга кўтардик>⁵ (ояти) шарафи билан тиклаган ҳамда уларнинг аршга теккан оёғига <биз уларни ўз яратганларимизнинг кўпчилигидан устун қилдик>⁶ (ояти)нинг салтанат тахти узра чиқиш ҳуқуқини бағишлаган.

Эй тангрим! (Сенинг санойинг) достони бўйича ваҳий сўзловчи тўтию сидра (дарахти)га парвоз қилган лочин (Муҳаммад) ожизлигу муҳтожлик тили билан <мен (айтиб) битира олмайман> (ҳадиси) нағмасини куйлагани ҳолда (биздек) гунгу лол қушлар хиргойисидан заифликни эътироф этишдан





бўлак нима англашиладию нима (ангилашилиши) кутилади? Гардунни сайр этган шаҳсуворнинг қудрат қўли (ҳадисда ай-тилган) <агар сен бўлмасанг>⁷ шиорининг буюклигига қарамай, <биз сени била олмадик> (ҳадисини) улуғлаб турган бир майдонда ҳар бир фақирнинг таҳрир маржони ва ҳар бир ҳақирнинг тақрир назми билан нима боғланадию нима ҳал бўлади? Мисра: билиндики, биз ҳеч нарса билмас эканмиз; мисра: <тушунишдан ожизликни эътироф этиш — идрокли-ликдир>. Назм:

Офтоб титраб турган у авжда
жавлон қилмоқ учун заррада ҳад қайда?!



Байт:

Менинг ҳамд сўзларим тангрининг улуғлик
дарёси (олдида)
денгиз юзига бир чизиқ тортувчи шабнам кабидир, холос.

Соф дуолар инъоми ва яхши табриклар тухфаси у буюк-лик осмонининг ойи, пайғамбарлик сипеҳрининг қуёши, на-бийлик хотимасининг муҳри, мурувват қутисининг дурри, <агар сен бўлмасанг> (ҳадиси)нинг шуҳратли кийимига сазо-вор, <биз сени (шоҳид ва даракчи қилиб) юбордик>⁸ (деган оят) тахтига чиқишга муносиб, оғишмай кўрадиган кўз қора-чифининг нури ва Мино балоғатга етказган боғнинг гули бўлмиш (Муҳаммад пайғамбар)нинг боргоҳига нисор бўлсин. Назм: (2)

У зийрақлар кўзининг порлоқ чироғию
яратиш корхонаси — (коинот)нинг безагидир.
Унинг икки пошнаси арш тахтига тождир,
(тангрининг) ваҳийсига вакилу меърож сирига соҳибдир.

У султон <кечаси ўз қулини сайр қилдирган (тангри)га мақтовлар!>⁹ (ояти)нинг ҳумоюн болқиши кўмагида чақмоқ суръатли Буроқ (оти)ни шундай мақомгача сурдики, Жаброил (оятдаги) <ҳар кимнинг ўз ўрни бор>¹⁰ (дейилганига муно-сиб) манзилга (етганда) тўла эҳтиром билан орқада қолди. Назм:



Сенинг сайр этиб йўл юришинга (тенг келолмай)
Жаброил (фаришта) орқада қолди,
чунки ҳеч бир зот сен билан тенглаша
олмайди.

У олий мартабали (Муҳаммад тангри билан) хос хилват қилган аснода махсус ҳадис — <мен Оллоҳ билан бирга бўлган вақт>ни ихлос тилига шундай олдики, уни эҳтиром қилмоқ учун (Оллоҳнинг) яқин малаклари ва (бошқа) расул — пайгамбарларда қимирлашга ҳам мажол қолмади. Мисра: биз қайдамизу сени мадҳу сано қилиш қайда!

Барча махлуқотнинг мутлақ саййиду сарвари, <мен яхши хулқларни такомилга етказиш учун юборилдим> (деган ҳадис) майдонида жавлон урган чавандоз, (одамлар орасидан) танланиб сараланган Абу-л-Қосим — байт: —

Муҳаммад (шундайдирки), азалдан то абадгача
нимаики мавжуд бўлса, барчаси
унинг номини безаш учун яратилди.

Тангри унга, унинг авлоди ва суҳбатдошларига ўз раҳмати-ни ато этиб, саломларини йўлласин!

Энди бу варақларни тўпловчи, йўл кўрсатувчи тангрига муҳтож, тавбалари қабул бўлгур **Абдураззоқ ибн Исҳоқ ас-Самарқандий шундай дейди:** қудратли подшоҳ (тангри)нинг кўмаги билан таҳрир қалами «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» — «Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи» китобининг биринчи ярмини ёзишдан фароғат топгандан сўнг, энди фикр қуёшининг шуъласи энг билимдон подшоҳнинг инояти машриқидан порлаб, китобнинг иккинчи ярмининг тамомланиш уфқи томон нур сочгусидир. (Китобнинг бу ярмида) охиратда худо ёрлақагур (Амир Темури) соҳибқироннинг шуҳратли авлодлари аҳволига тегишли воқеалар (баёнига) киришиш (муваффақияти)ни улуғ тангрининг соф ҳимматидан умид қилинади ва, шунингдек, бошқа шаҳар-диёрлар воқеаларини шарҳлаш ва ажойиботларини

баён қилиш ҳамда номдор подшоҳлар ҳақидаги хабарлар ва қудратли ҳукмдорлар ёдгорликларини (тилга олиш ижозатини) улуғ тангрининг билимдонлиги баракатидан илтижо қилинади. У, албатта, умид тутиладиганларнинг энг яхшиси ва (илтижога) ижобат қиладиганларнинг энг сахийсидир. Мисра: бу йўлда (тангрининг) кўмаги мададкор бўлсин!

СЎЗ МАҚТОВИ ВА КИТОБ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Сўзнинг қадрига етувчи идрокли киши ҳеч шубҳасиз ва иккиланишсиз биладики, **(3)** <сиз (инсон)ларни балоғатга етказган>¹¹ баркамол мунший, (оятда келган) <у сизларнинг баъзи бирларингизни бошқаларингиздан кўра юқори даражага кўтарди>¹² (деган сўзлар) талабига мувофиқ, инсонлик қадр-қиймати ва иззати учун безак бўлмиш сўз даражаларини азиз одамзоднинг айрим шахслари орасида бағоят тафовутли тақсим этган ва (натижада) бу қобилият поғоналари бир-биридан йироқ тушиб қолган. Масалан, баъзи нутқларга ҳайвонлар товуши ҳукми бериладики, (у нутқ) сўзланган вақтда <дуч келган> ҳолатлар содир бўлади.

Сўз шаън-шухратининг баландлиги ва қадр-қийматининг улуғлигида яна бир мартаба бордирки, одамзоднинг қуввати зўр нотиклик қудратига эгалигига қарамай, <улар бир-бирларига кўмаклашганлари тақдирда ҳам>,¹³ унга ўхшашини сўзлашга кифоя қилмайди. Сахий подшоҳ (тангри) иноят қилиб ақлу ҳуш аҳлларига юборган ва у нурли ёритқич шуъласи билан уфқларни равшан этган хуршид янглиғ порлоқ инжулардан бири — сўз гавҳаридир: <ўз қулига китоб — Қуръон туширган Оллоҳга ҳамд бўлсин>¹⁴. Байт:

Агар сўздан ҳам олийроқ бирор гавҳар
бўлганда эди,
у сўз ўрнида тушган бўларди.

Жонпарвар сўз худди инсон руҳидек абадий боқийлик топади ва офтоб шуъласи каби барча оламга нур сочади, балки,

айтиш мумкинки, руҳ чироғи ана шу (бадан) ичкарисига ёруғлик бағишлайди-ю, офтоб шуъласи ташқарида порлайди. Аммо сўз нури эса ичу тошни шуълага чулғовчи бир шамдир ва у (шуъла) шундайдирки, ёруғлик абадий порлоқ ва ҳеч маҳал сўнмовчидир. Боқий умр — сўздир, чунки у сўзловчи кишига абадий ҳаёт бағишлаш билан бирга сўзда номи тилга олинган кишини ҳам тирик ва боқий сақлайди. Байт:

Ковус ва Таҳамтанлар жангномаларининг
шуҳрати
шоир (Фирдавсий) Тусийнинг сўзи билан
жаҳонда боқий.

Анварий ижодининг гўзаллиги шундаки,
у то шу вақтгача Абу-л-Ҳасан эзгуликлари
ҳикоятини сўзлайди.

Инсон жинси ва одамзод гуруҳи орасидан чиқиб юксак фазилат ва олий ҳиммат эгалари бўлган буюк мақсадли кишилар ҳамиша мақтовга сазовор сўзларни абадий қолдириш фикрида бўлганлар. Шунинг учун улар, Қуръондаги (Иброҳим) Халил (уллоҳ) тилидан айтилиб келган оятда: <(эй танг-рим,) мени келажак авлод орасида ҳақиқатни сўзловчи тил қилгин!>¹⁵ дейилганидек, бундай ҳадининг совға этилишини қудратли ҳазратдан одобу итоат билан ўтиниб сўраганлар.

Одам болаларининг муҳтарам авлоди орасидан пайғамбарлар ва султонлар ҳазрат парвардигорнинг иззат—икромига сазовор бўлиб, шу икки тўқис тоифагина мўл-кўл улуш ва мукамал насибага эгадирлар ҳамда инсонлар орасида тўла афзаллигу авом халқни бошқариш (иши) шу икки олий мақом гуруҳга хосдир ва уларнинг ялпи дахлдорлиги барча нарсаларга оиддир. Чунки пайғамбарлар моддий ҳам маънавий олам сирларидан хабар берадилар ва яратувчига ибодат қилиш йўли билан халойиқ бошига саодат тожини қўядилар; султонларга келганда эса, улар ўз фикрларининг тўғрилиги ва ўлкалар забт этувчи тифларининг ёрқинлиги билан зулм зулматини

ёритадилар ва пайғамбарлар ҳидоятнинг сероб чашмасидан олиб чиққан иноят сувини (4) адолат анҳорида оқизадилар. Қитъа:

Пайғамбарлар ўрнатган шариат шами нурусиз
бирор киши ўз ақлича нажот кўчасига йўл
топади, деб ўйламагин.
Агар султоннинг ҳайбати мулкни ҳимоя
қилиб турмаса,
бу жаҳонда ҳеч кимса тинчлик-хотиржамлик
нишонини кўрсата олмайди.

Сўз майдонининг собиқ (чавандоз)лари ва бу кўҳна чарх сирларини саралаб ажратувчилар, албатта, бу икки шуҳратли тоифа ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ёдгорликларини ўрганиб, тартиб ипига боғлаганлар; у (тоифа)ларнинг қилган ишларидан юз берган ва айтган сўзларидан содир бўлган (манфаат)лар баёнида жаҳон аҳлининг (ҳам) аҳволу авзойи ойдинлашади ва бундан кишиларга нафу фойдалар етади. Сўнг бу фанний ҳунар эътибор қозониб, «тарих илми» деб шуҳрат топган ва олимлар ҳар хил тилларда ва ҳар хил замонларда шу фан бўйича назм ёки наср услуби билан асарлар ёзиб, китоблар тузганлар. Тангри уларни хайрли мукофот билан тақдирласин!

Бу фақир (Абдураззоқ) марҳум отам одат қилган йўлдан юриб, султонлик ва халифалик, дунё ва дин мададкори бўлмиш Оллоҳ ўз мағфиратига чўмдиргур ҳазрат хоқони саид мирзо Шоҳрухнинг ҳумоюн мажлисида узоқ муддатлар мулозимлик қилиб келганлигим ва нур сочувчи офтоб шуъласида зарра янглиғ жавлон урганлигим туфайли «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китобининг (бу) иккинчи ярмида охирада худо ёрлақагур ҳазрат (хоқони саид) ва унинг шуҳратли авлоди, шунингдек, салтанатга дахлдор хеш-ақраболарининг аҳволоти, бошқа волийлар ва азизларнинг ҳолатларини баён қилишни ҳамда <инъом берувчига шукр этиш вожибдир>, деган

:

ҳукм тақозосича, (менга кўрсатилган) иззат-икром эҳсонлари саносию инъом ҳадылари дуосини қисқача бўлса ҳам адога етказишни, сўнгра, агар саодат ёрлик қилса, Эрону Турон, балки аксар жаҳон аҳволини бу бахтиёр замонга қадар¹⁶ ай-тиб ўтишни истадим. Шу маънига биноан заиф хотирим воқеалар (хотиралари)ни тартибга солиб, тузатишга киришди ва синиқ кўнглим ажойиб (кечмиш)ларни ёзиб, жой-жойига ўрнатиш ишида зийрак табиатим оташига, гарчи у сўниш ва ўчишга¹⁷ юз тутган бўлса ҳам, аланга бағишлади.

Илмлар ҳақиқати, ақлий ва мафҳум (нарсалар нозикликларидан, сирлар кашфиёти ва (илоҳий) нурлар болқишидан сўзлаш ҳамда имтиҳон майдонини камолот ва аминлик суворийлари билан бирга босиб бўлса ҳам, <аммо менинг ортимда бир малик бордирки, у мени ана шу (ёзаётганимдан) нарига ўтишга қўймайди>.

Қаламнинг мушкин холли ғизоли бу рақамни (битиш) хаёлида мушк халтасини очишга, анбар исли қалам(нинг ўзи) эса бу истак ҳидидан атир эзишга шай бўлиб турганида, тил,(қаламга хитобан): «у ширин чашмадан, яъни сиёҳдон ичидан Хизр янглиғ ҳаёт сувини чиқараётган вақтида достону ҳикоятлар асосини зийрак кишилар назарига соддароқ бир либосда жилвалантирсин, сўз тузувчи табъ булбули иншо ҳавосида парвоз қилар экан, гарчи, аҳён-аҳёнда, дoston куйлаш чаманзорию сўз безаш мажлисида дostonлар тузиб, наволар куйласа ҳам, аммо асл жумлалар софлиги ва етук фикрлар хаёли ёт истиоралар воситасию тушунарсиз мақтов-ўхшатмалар сабаби билан қоронғу ва тутуруқсиз (5) бўлиб қолмасин», — деган кўргазмани бериб, дил сиррини ошкор қилди.

Воқеалар ҳикоятини ёзиб маълум қилиш асносида шаҳзодалар, яъни ҳазрат (Амир Темур) соҳибқироннинг жаҳондор фарзандлари шуҳратли исмларини зикр қилишга эҳтиёж тушиб туради, агар шунда шакардек ширин рақам қаламнинг тили ҳар гал ҳам исм-лақабларнинг лаззат эшигини очиш билан комёб бўла берса, бу, ҳар қалай, гапнинг узайиб кетишини

тақозо этади. Шунинг учун гавҳарсифат безак берувчи қалам билан қарорга келиндики, у улуғ амир, яъни, — мисра, — жаҳонгир(лик) таянчиғи Амир Темур номини таъбир қилинмоқчи бўлган ўринда, чунончи биринчи дафтар (жилд)да акс эттирилгани каби, «ҳазрат соҳибқирон» деб, шунингдек, олий мақом султон, яъни, — мисра, — динпарвар подшоҳ Шохрухнинг номини эҳтиром қилиш вақтида «ҳазрат хоқони сайд» («бахтли хоқон») деб, шаҳид бўлган бахтли подшоҳ, яъни жаноб ҳазрат султон Абу Саиднинг номини тилга олишни исталган чоғда унинг ўрнида «ҳазрат хилофат паноҳий» деб келтиради. (Шу билан бирга) бу султонларнинг машҳур исмлари аниқ зикр қилиниши (ҳам) кўп учраб туради¹⁸. Ҳар бирлари салтанат осмонининг офтоби ва мамлакат осмонининг ойи бўлмиш бошқа шаҳзодаларнинг азиз исмлари ўз машҳур номлари билан ёзилади. Шеър:

Ақл кўзи маъно гавҳарининг порлашини
кўрсин учун,
қалам назм дуррини шу тартибда сўз
ипига терди.

Илоҳий иноятдан умид шуки, ахборотлар чехраси ва ёдгорликлар рухсорида маъно ҳарфлари ва бинолар изларидан бирор асар (мавжуд) экан, бу китобнинг ҳам ёрқин нурлари барча уфқларга худди офтоб шуъласидек ёруғлик бағишлаб турсин ва унинг жаҳонга нур сочувчи талъати олам атрофида кундуз ёруғлигидек жилолансин; мақсад жавҳарлари олий ҳимматга мувофиқ тартибда терилсин ва саодат офтоби исталган тарзда замона чехрасида порласин! Шеър:

<Унинг нури шуъласи уфқларда жилолансин,
чоштгоҳ қуёши нури унинг юзидаги
пардага тушсин>

Мисра: хуллас, хос кишиларга ҳам, авом халққа ҳам (бу китоб) мақбул бўлғай!¹⁹

САККИЗ ЮЗ ЕТТИНЧИ

(1405)

ЙИЛГА ОИД ВОҶЕАЛАР

САЛТАНАТ ВА ДИННИНГ КЎМАКЧИСИ ҲАЗРАТ ХОҶОНИ САИД МИРЗО ШОҲРУХ БАҲОДИРНИНГ СУЛТОНЛИК ТАХТИГА ЎЛТИРГАНЛИГИ ЗИКРИ

У — улуғ тангри, <сиз (инсон)ларни ер юзида ўзига халифа-ноиб қилиб яратди ва баъзи бирларингизни бошқаларингиздан юқори даражага кўтарди>¹. (6) Барчани яратган ягона жаҳондорга халифалик қилишу салтанат ҳам қудрат тахтига чиқиш шарафига сазовор ва лойиқ бўла оладиган бир саодатманд (киши)нинг олий ҳимматига манзур иш—ҳақ динни мустаҳкамлаш, нурли хотирига мақбул иш эса пайғамбарлар раҳбари (Муҳаммад) ўрнатган шариат ҳукмларини жорий қилиш бўлмоғи лозим, сўнгра, у саодатманднинг зафар юзли тиғи ойнаси илоҳий кўмак билан сайқалланиб жило касб этгач, давлатларни безатувчи фикрининг жаҳоннамо жомида эзгу ишлар суратидан бўлак ҳеч нарса аксланмаслиги керак. Шунингдек, халифаликнинг нур сочувчи тожи шундай бир сарварнинг бошига муносибдирки, унинг жилобахш жавҳарлари шуъласи оламни ёритувчи офтоб гавҳарига ҳамшуъла бўлмоғи керак, у сарвар тиғининг зилол суви адолат гулзори юзини яшнатиб туриши, қалқон тешувчи ўқининг учи ҳар бир дилхастанинг мажруҳ сийнасидадан зулм тиканини суғуриши ва

унинг умид ниҳоли иқбол чаманида юксалгач, машаққат офтобидан куйганлар бошига мақсад соясини ташлаб, худди мурад ғунчасидек ҳосил бериши, адолат ва инсофнинг майин шабадаси билан замона димоғини муаттар қилиши, барча ҳиммат-саховатини эзгуликларни ошириш ва хайрли ишларни намоён қилишга қаратиб, бор ғайратини саййидлар ҳам олимларни улуғлаш ва машойих ҳам солиҳларни ҳурматлашга сарфлаши лозим.

Мустақил қудрат эгаси тангрига ҳамд ва миннатдорлик бўлсинки, унинг инояти <Оллоҳ ўз мулкани хоҳлаган кишига беради>² (деган оят) тақозосича, саодат эшикларини давлат арбоблари юзига очди ва, <Оллоҳ ўз мадади билан хоҳлаган бандасини қўллайди>³ (деган оят)га биноан, ҳазрат парвардигорнинг иродати Эрон ва Турон мамлакатлари жилловини шундай бир забардастнинг қудрат кафтига тутқаздики, халифалик тожини кийиш учун ҳуқуқи борлигига унинг гувоҳи адл ва салтанат тахтига лойиқ эканлигига ҳужжати сахийликдир. Унинг марҳамати офтоби қуруққа ҳам, ҳўлга ҳам ёруғлик сочади ва унинг эҳсон булути денгизга ҳам чўлга ҳам ёмғир қуяди; салтанат тахти султонлар қиёфасидан шуъла касб этган вақтдан бери халифалик осмони авжидан бундай бир саодатли офтоб нур сочган эмас. Байт:

У (Шоҳрух) шундай улуғ подшоҳдирки, босган
изини ҳар маҳал офтоб ўпади.
Унинг боши фарқидан тарқалувчи шуъла устига
фарқадон (юлдузлари) баланд байроқ тиккан.
Афридун байроқли, Жамшиду Доро ҳашамли
Искандар
Эрону Турон озлик қилиб Шарқу Фарбни
эгаллаган,
қуёш кўринишлигу ой юзли жаҳон хоқони
Шоҳрух
йўлида улуғ шоҳлар юзлаб руҳ йўли ҳозирлаган.

Давлат ва диннинг қутби ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг ҳақиқий вориси ва оламни забт этган у шаҳан-

шоҳнинг кўз нури, халифалик ва султонликнинг, дунё ва диннинг кўмакчиси бўлмиш ҳазрат хоқони саид мирзо Шохрух баҳодир жаҳон салтанати тахтини ўз ҳумоюнсифат зотининг шуъласига мушарраф қилди ва унинг адолат офтоби жаҳон аҳли бошига саодат соясини туширди. У ҳазрат давлат арбоблари ва сарой аҳлини подшоҳона лутфу хусравона марҳаматлар билан тақдирлади ва, чексиз иноятлар кўрсатиб, ҳамма-нинг кўнглини олди. (7)

Ҳумоюн хабар элтувчи ҳукмлар донишманд кишилар орқали барча мамлакатлар атрофлари томон қанот қоқди; вилоятларнинг ҳокимлари жаҳон итоат этувчи ҳукмларга бўйин эгиб, итоат шартларини бажо келтирдилар ва жаҳонпаноҳ даргоҳга юзланиб, ходимлар сафига тизилдилар; жаҳон сарварларининг гардани ва даврон мағрурларининг боши итоат бўйинбоғига ва қуллик ҳалқасига кирди. Шарофатли даргоҳ тупроғи Эрону Турон улуғларининг бўса жойи бўлди ва ҳумоюн боргоҳ палоси Ироқу Хуросон ҳокимларининг саждагоҳига айланди. Ҳазрат соҳибқирон замонидаги дастур бўйича Сеистон ва Мозандаронга қадар ястанган Хуросон ерлари Омуйя сувигача⁴ саодатли наввобнинг қудрат қўлида қарор топди ва хутба ва пул зарби⁵ ҳумоюн ном ва лақаблар билан зеб-зийнат касб этди, олам аҳлининг ваъда-ваъидлари вафога йўлдош бўлиб, жаҳон аҳлининг умиди дил истаган тарзда рўёбга чиқди.

Байт:

Иқбол башорат бериб келаётган ваъда вафосига етди
ва замона тақозо этиб турган иш юзага чиқди.

Бу саодат нишонли тахтга чиқиш воқеаси (807 йил) муборак рамазон ойида (3 март—1 апрель, 1405) салтанат пойтахти Ҳиротда хушбахтлик ва яхшилик билан воқе бўлди; олам аҳли, хусусан, Хуросон вилояти аҳолиси, бу мукаррам тахтга ўтириш башоратидан (шодланиб) халифалик тутунларининг тартиб ипига тизилиши ва салтанат абадийлигининг мустаҳкамланишини нотавонлик дуоси билан илтижо қилдилар; жаҳон амну омонлик ҳимоятида ором олди. Назм:

Файбий руҳлар кўздан ниҳон ҳолда унинг дуосини
 тинмай такрорлайдилар.
 Унинг жаҳонни ёндирувчи тиғи душманлар боши
 узра йўналган.
 Унинг шаън-шавкатини кўрган (тангрига) яқин
 фаришталар тутган йўл-йўриғига рози бўлиб,
 унга давлатхоҳлик билан бошларини саждага қўйганлар.

**ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ МОВАРОУННАҲР
 ТОМОН ЮЗЛАНГАНЛИГИ, ҲИРОТ ШАҲРИНИ
 ТУЗАТИШГА БУЮРГАНЛИГИ ВА БОШҚА
 ВОҚЕА-КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони саид тўртинчи иқлим салтанати осмонига хуршид янглиғ кўтарилиб, зафар аломатли байроқлар юлдузлар авжигача юксалгач, офтоб таъсирли хотир жаҳонкушолик низомлари ҳам фармонраволик расм-русумларига илтифот кўрсатди ва давлат тугунлари саодат ипига тизилиб, тартиб топди.

Шу орада мирзо Халил Султоннинг салтанат пойтахти Самарқандни давлат маркази қилиб олиб, арки олийга кирганлиги ва олам хазиналарини (8) ўз эгалик қўлига киритганлиги (хабари) шавкатли қулоқларга етишди. Тангри ёғдусини кўпайтиргур нур сочувчи фикр (Шоҳрух) ҳазрат соҳибқироннинг султонлик тахти қоидаларига бирор футур йўл топмасдан бурун хоқон ҳазратларининг иноят офтоби у мамлакат устида порламоғи керак, деган (маънини) тақозо этди; улуғ амирлар: амир Мизроб, амир Ҳасан Сўфи тархон, амир Алико кўкалтош ва амир Ҳожа Ростийларни Хуросон ерларини бошқариб туришга тайин қилди ҳамда қуёшдек ёрқин байроқлару ой кўринишли туғлар салтанат пойтахти Ҳиротдан Мовароуннаҳр томон йўналди. Тўқузработга (етганда Шоҳрух) амир Сайфуддиннинг ўғли амир Абдуссамадни Бодғис лашкарларини тўплашга жўнатди. Хизрхожа билан Шайх Ҳасан қавчинни Самарқанд

хабарларини суриштириб билишга тайинлади. Дарайи Занги манзилида Мовароуннаҳрдан амир Саййидхожа етиб келди ва у диёр хабарларини арз ерига етказди.

Онҳазрат давлат арбобларини ҳозир қилиб, (оятда келган) <(дунё) ишларида улар билан маслаҳатлаш⁶> (деган) амр тақозосича, машварат қуръасини ўртага солди. Ҳар ким ўз фаросат-идрокига яраша мамлакат ишлари борасида қайси сўзни давлат фаровонлиги учун дуруст топган бўлса, арзга етказди. Охири, ҳумоюн байроқлар Мовароуннаҳр томон жўнаб кетгач, диёрдан йироқлашиш содир бўлиши мумкинлиги сабабли мулк безатувчи фикр эҳтиёт юзасидан Ҳирот шаҳрини тузатиш ва мустақамлаш лозим (деган) қарорга келди.

Ҳазрат соҳибқирон Ҳиротни фатҳ қилган замондан бери дарвозалар қўпорилган ва деворлар рахна ҳолида бўлиб, шаҳар харобалигича ётар эди. Бугун султонлар тахтгоҳию ҳақиқат арбоблари қуёшининг чиқиш жойи ва ҳожатлар каъбасию муродлар қибласи бўлган қуббат ул-ислом Ҳиротни амир Жалолуддин Ферузшоҳ маъмур қилсин, деган олий фармон содир бўлди. Қитъа:

Агар сендан бирор киши шаҳарлар ичида энг яхшиси
қайси? — деб сўраса-ю,

Сен унга тўғри жавоб беришни истасанг,


«Ҳерий» деб айтгин.

Сен бу жаҳонни бир денгиз, Хуросонни эса ундаги

садаф деб фараз қилсанг,

Ҳерий шаҳри у садаф ичидаги дурга монанддир.

Амир Ферузшоҳ Ҳиротга келди ва андак муддатда бора, фасил, дарвозалар ва муқоталаларни шундай бир тарзда мустақамлаб тузатдики, унга яна бирор қўшимчани тасаввур қилиб ҳам бўлмас эди. Унинг буржлари баландликда (осмон) авжига бош тортди, хандақи эса ер қаърига етди. Улуғ подшоҳлардан бир нечтаси бу шаҳарни қуришда, қуйидаги рубоий гувоҳлик бериб турганидек, кўп жидду жаҳд кўрсатиб, бор гайратларини бу ишга сарфлаганлар. Рубоий:




Лухросп Ҳерий бунёдига асос солган эди,
 Каштосп у ерда бошқа бино қурди.
 Ундан кейин Баҳман яна бир иморат қилди,
 Искандар Румий эса ҳаммадан ҳам аъло
 даражага етказди. (9)

Аммо, шунга қарамай, эндиги янгитдан қурилиш собиқ султонлар иморатидан кўп зиёда ва афзал эди.

Амир Саййидхожа жаҳон бўйсунувчи ҳукмга мувофиқ Тус, Машҳади муқаддас, Нисо, Абивард, Нишопур ва Сабзавор вилояти чегараларидан хабардор бўлиб туриш ва Тус қалъасини мустаҳкамлаш учун у томонга жўнаб кетди.

Ҳумоюн мавкаб Мурғоб сувидан ўтиб Шайхзода Боязид лангарига етди. Биринчи жилда муфассал шарҳлаб ўтилганидек, соҳибқироннинг (вафоти) воқеаси замонида Тошканд атрофида амирлардан юз ўтирган амирзода Султон Ҳусайн Мовароуннаҳр тарафидан шу манзилга етиб келди ва ҳазрат хоқони сайд унга меҳрибонлик кўрсатди. Самарқанд хабарларини билиш учун кетган Хизрхожа ва Шайх Ҳасан қавчинлар ҳам шу орада қайтиб келишиб, давлат ва диннинг кўмакчиси, лутфу карам эгаси бўлмиш мирзо Халил Султоннинг тахтга ўтириши шарҳини арз ерига етказдилар. Онҳазрат амир Ҳамза қатуқуни⁷ мирзо Халил Султон ҳузурига элчиликка жўнатиб, мурувват тили билан ушбу хабарни юборди: «Мусибатлар қалқони бўлмиш тангри ҳужжатини ёритгур падари бузургвор Оллоҳ раҳматига етишди; бутун сен менга биродар ва фарзанд ўрнида жондан ширинроқ ва кўз нуридан азизроқсен; хазина, мамлакат ва аскарлардан нимани орзу қилсанг, сендан дариг тутмаймен, аммо (менинг) ёшим катталиги, яқин кишиларни олдиндан аниқлаш, бандалару асл ходимларни риоят қилиш ишларининг нозик тарафларини билишим (сенга) равшан ва (орамизда) туғишганлик иплари маҳкам. Агар баъзи амирлар масофат йироқлиги ва фитнаю офат қўрқинчи сабабли биз йўқлигимизда иттифоққа келган бўлсалар, энди маслаҳат шуки, сен тўла зийраклик юзасидан иш тутиб ҳузу-



римизга келгин, токи биз нимани маъқул топсак, шунга иттифоқ тузиб амал қилайлик».

Зафар аломатли байроқлар Андхуддан ўтиб Жайхун лабига етди; буйруққа биноан кўприк боғладилар.

Бухоро тарафдан амир Шоҳмалик келиб шаҳзодалар: салтанат нури дийдаси Мафисуддин Мирзо Улуғбек кўрагон ва мамлакат боғининг гули Фиёсуддин мирзо, Иброҳим Султонлар аҳволи ҳақида арз қилди ва хушвақтликка боису хурсандликка сабаб бўлди.

Мирзо Халил Султоннинг элчиси етиб келиб шаҳзода номидан арз қилди: «Мен онҳазратнинг бандаси, давлатхоҳи ва инисимен; аммо ҳазратимизнинг элу улуслари Хуросондадир; албатта у мамлакатни ташлаб кетмасалар керак ва бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилятироқ бўла олиши мумкин?! Агар илтимосни қабул қилиб, яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юборамен ҳамда ҳар нимагаки ишорат қилсалар, бажо келтирамен».

Ҳазрат хоқони сайд бу илтимосни қабул қилиб, орқага қайтди ва амир Шоҳмаликни шаҳзодалар талабида Бухорога юборди.

Андхуд атрофига етганда амирзода Султон Ҳусайн ҳеч бир сабабсиз олий ўрдудан **(10)** қочиб кетди.

Мирзо Халил Султон Самарқанддан чиқиб тўла қуроланган лашкар билан (Жайхун) суви лабига келаётганлиги ҳақида Самарқанддан хабар келди. Бухорода турган амирлар бу хабарни эшитиб, у ернинг доруғаси амир Рустам Тағой Буқонинг муҳолифатчилиги сабабли, шаҳардан чиқдилар ва ҳар иккала олижаноб шаҳзодалар жиловида сувдан ўтиб ҳумоюн ўрдуга етишдилар. Амир Шайх Нуруддин ҳам (лашкарга келиб) қўшилди. Амир Абдуссамад Бодғис лашкарларини олиб келиб, улар зафар паноҳидаги сипоҳ ададини орттирдилар.

Ҳазрат хоқони сайд Дукага етганида амир Пир Али Тоз мирзо Халил Султондан ажралиб Балхга келганлиги ҳақида

хабар етди. Онҳазрат улуғ амирлар: амир Шайх Луқмон бар-лос, амир Черкас ва амир Юсуфхожаларни у тарафга юборди.

Бундан илгарироқ амир Шоҳмалик фармонга мувофиқ сув ёқасини забт қилиш учун кетган эди, шу орада унинг арзаси етиб келди. Мазмуни шундай: «Самарқанд тарафидан мирзо Амирак Аҳмад, амир Шамсуддин Аббос ва амир Арғуншоҳлар келдилар; онҳазрат иноят кўрсатиб амир Шайх Нуруддинни юборсалар, токи у (мазкур) амирлар билан сўзлашса, яна ўзлари ҳокимдирлар». Ҳазрат хоқони саид эса: «Амир Шамсуддин билан амир Арғуншоҳ бизнинг ҳузуримизга келсинлар, Шайх Нуруддин эса фарзандимиз Халил Султон ҳузурига бориб, ҳар нимагаки шарту аҳд қилсалар унга вафо қилиб, қайтиб келади», — деб буюрди. У тарафнинг амирлари етиб келгач, амир Шайх Нуруддин жўнаб кетди ва мирзо Халил Султон ҳузурига етишиб арз қилди: «Амир соҳибқирон жаҳон салтанат тахти билан видолашар экан, кўп мамлакат ва сон-саноксиз хазиналар қолдирди, энди фарзандлардан лозимки, дўстларга садоқат ва душманларга адоват кўргузишда оға-инилик шартларига қаттиқ риоя қилсинлар, барча ишларда <Оллоҳ сенга карам қилганидек, сен ҳам яхшилиқ қилгин>⁸ (деган оят) буйруғига амал қилиб, бир-бирларига мадад беришда худди занжирдек мувофиқлик йўлини тутсинлар, (сув) қатраси каби ўз ҳамшевалари кетидан эргашсинлар ва агар, худо кўрсатмасин, инсон ҳеч маҳал эмин бўлолмайдиган шайтон васвасасига дуч келингудек бўлса, <бундай кунда сизлар маломатдан холисизлар>⁹ (деган оят) йўли очик бўлмоғи лозим, токи азиз хотир ойнаси юзидан бирор ғубор кўринмасин. Шунингдек, душманларга қарши туришда ҳам <бир тан, бир жондек> бўлсинлар, токи мамлакатлар аҳволига тартибсизлик йўл топмасин ва ҳар кимнинг **(16)** фикрида беҳуда хаёллар нақшланмасин. Агар биродарлар орасида раҳм-шафқат суннати ҳукмрон бўлиб илтифот йўлидан юрилса, иноқлик дурдоналари тартиб ипига тизилиб, мувофиқатчилик иши ривож топгусидир. (Халил Султон) бизнинг ҳазратимиз (Шоҳрух)ни муродлар қибласи ва истаклар каъбаси деб билмоғи лозим, токи дўстлар

масрур ва душманлар мутеъ бўлсин, мамлакатда осойишталик ўрнатилиб, давлат пойдор қолсин!».

Ҳазрат соҳибқирон Шом ва Румга қилган юришидан қайтиб келаётган пайтида амир Сулаймоншоҳни Рай ҳудудида қолдириб, Рустамдор ва Ферузкуҳ ерларигача унга бағишлаган эди, у, онҳазратнинг вафоти ҳақидаги даҳшатли воқеа хабарини эшитгач, Муиззуддин мирзо Мироншоҳнинг зарбаси ва савлатидан кўрқиб, ўз тасарруфидаги вилоятни қолдириб, ҳазрат хоқони сайд хизматига етиб келди ва шариф бармоқларни ўпиш давлатига етишиш билан мағрурлик ва бахтиёрликка эришди ҳамда кўп эъзоз-икромга сазовор бўлиб, улуғ амирлардан ортиқ имтиёз топди. Сорий вилояти сардорлигини ўз диловарлик уҳдасига олган амир Пир Муҳаммад Шангум амир Сулаймоншоҳнинг қочиб кетганидан огоҳ бўлгач, у ҳам Сорийни ғорат қилиб, бир минг отлиқ билан доруссалтанна Ҳиротга келди ва бир кун бу ерда тургач, эртасига олий ўрду томон юзланди, бироқ эски адоват туфайли унга нисбатан дилларида гина сақлаб юрган ва (Шоҳрух қулоғига) кўнгилисиз сўзларни қуйган амир Сулаймоншоҳ ва амир Жаҳонмулкларнинг саъй-ҳаракатлари орқасида ёсоққа топширилди.

Амир Шайх Нуруддин мирзо Халил Султон ҳузурида ҳар икки томон муҳаббат қоидаларини яқинлаштириш ва ҳар икки тараф орасидаги дўстлик боғичларини мустаҳкамлаш борасида кўп жидду жаҳд кўрсатди. Мирзо Халил Султон аҳдга кўниб, ҳазрат хоқони сайд ҳар нимаики буюрса тегишли тарзда бажо келтиришни ўз зиммасига олди. Амир Шайх Нуруддин (Шоҳрух лашкаргоҳига) қайтиб келиб, **(17)** Хоника бегимни баъзи хазиналар билан бирга Балх тарафга¹⁰, мирзо Пир Муҳаммад ибн мирзо Жаҳонгир ҳузурига юборишлари, шаҳзодалар: Мирзо Улуғбек кўрагон ва мирзо Иброҳим Султонларга тегишли хазиналарни қандай бўлса шундайлигича, уларнинг Самарқандда қолган хазиначи ва навкарлари билан бирга, ҳумоюн ўрдуга жўнатишлари ва Жайхуннинг у тарафидаги мамлакатлар мирзо Халил Султонга тегишли бўлиши ҳақида қарор қилинганлигини арз ерига етказди. Ҳазрат хоқони сайд



амир Шайх Нуруддин нимани маслаҳат кўрган бўлса, маъқул топди ва амир Шайх Нуруддин, амир Абдуссамад, Бакана Бахший ва Оллоҳдод хозинларни Жайхундан ўтиб, барча муҳим ишларни саранжом қилиб қайтишга тайинлади.



Онҳазратнинг салтанат пойтахти Ҳиротга қайтиш қарори қатъий ҳал бўлди. Амир Сулаймоншоҳ ўзининг тумани яқин кунларда узоқ йўлдан келиб, отлар ориқ эканлиги туфайли бир неча кунни Андхуд ва Шибирғон атрофларида ўтказишга рухсат сўраб арз қилди. Ҳазрат хоқони саид илтимосни қондириб: «Сувнинг нариги томонига кетган амирлар қайтиб келгач, биргаллашиб олампаҳоқ даргоҳга юзланинглар», — деб буюрди.

Бундан илгарироқ амир Саййидхожанинг¹¹ навқари Хуросон чегараларидан келиб Хожа Султон Али Сабзаворийнинг итоат йўлидан бош тортиб бир гуруҳ сарбадорлар билан биргаликда забардастлик ва гардан йўғонлик изҳор қилаётганлигини арзга етказган эди. Шу орада Ҳирот тарафидан амир Мизроб келган эди, у амир Саййидхожага мадад бериш учун Сабзавор томон юзлансин ва у диёрда ҳеч кимни омон қолдирмасин, деган фармон содир бўлди.

Зафар белгили байроқлар — мисра: бахтли кунда қутли фол билан, — жаҳонкушолик жиловини Ҳирот томон бурди ва (807 йил) зу-л-қаъда ойининг йигирма олтинчисида (26 май, 1405) пойтахтга келиб тушди. (18)

ХОЖА СУЛТОН АЛИ САБЗАВОРИЙНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Амир Саййидхожа Тус қалъасини тузатиш билан машғул бўлиб турган бир вақтда Хожа Масъуд Сабзаворийнинг ўғли Хожа Али ҳазрат соҳибқиронга нисбатан ўз гарданидаги туз ҳақини унутиб, бир ҳовуч паст кишиларни ҳимоя қилмоқ учун бир тўда сарбадорлар билан зўравонлик қўлини вилоят атрофига чўзганлиги ва (темурийларнинг) ворислик мамла-



катини ўз мулки деб ҳисоблаётганлиги ҳақида хабар келди. Амир Саййидхожа ўз қўл остидаги сипоҳ билан тезликда йўлга чиқди ва зу-л-қаъда ойида (май, 1405), сабза ва райҳонлар фарвардин (ойидаги) рўшнолик билан бош чиқариб бўлган баҳор мавсумида Родгон майсазорига келиб тушди ҳамда Қўҳистон, Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Нисо ва Ёзир тарафларнинг лашкарларини тўплаб келиш учун чопарлар югуртирди.

(Шу орада) амир Мизроб етиб келиб, ҳар иккала амир иттифоқликда олти юзта номдор отликни манғло й тариқидан Сабзавор томон жўнатдилар. Хожа Али бундан хабар топиб икки юзта яхши қуролланган отликни туркларга қарши юборди. Ҳар икки тўда Баҳробод яқинида бир-бирига етишди. Турклар олти қўшун эдилар, сабзаворликлар эса бир қўшун. Улар ҳамла қилиб туркларнинг фулига урдилар. Уруш олови шуълаланиб жангу жадал оташи аланга олиб кетди. Сабзаворликлар кўп жанг кўриб, тажриба орттирган қари бўрилар эдилар, туркларнинг аксарини қатлга етказдилар. <Оллоҳнинг изми билан бир қанча оз сонли тўдалар кўп сонли тўдалар устидан ғалаба қозонганлар>¹² (оятининг) сири ошкора бўлди. Байт:

Бу баланд осмон доимо бир тарзда айлана бермайди,
гоҳ (кишига) шодлик бағишлайдию гоҳ ранжитади. (19)

Амир Саййидхожа бундан огоҳ бўлгач, интиқом камарини белга боғлаб, шу ондаёқ отга минди ва жадал суратда илғор қилиб икки минг отлик билан ўша мавзегга етди; муҳораба майдонида бошсиз таналарни кўрди-ю лекин у бебоклардан бирор кишини ҳам топмади. Бу ердан у Жожармга юзланган эди, бир тўда беоқибатлар унга қарши урушга чиқиб, сипоҳийлар захмдор бўлдилар. Амир Саййидхожа икки жойидан яраланса ҳам, лекин буни изҳор қилмади, бир неча кунгача пилик ва малҳам қўйиб даволаниб юрганига қарамай, яқин кишилардан ҳам бирортаси буни сезмади. Жожарм қалъасига икки-уч кун давомида раҳна уриб, худди арининг уясидек

ковак-ковак қилиб, охири дарвоза ва деворларни қулатдилар ва (одамлар) ҳаддан ортиқ қатл қилинди.

(Амир Саййидхожа) у ердан Фарюмадга юзланди. Бу ернинг аҳолиси ҳам қалъага паноҳ тортиб, қаттиқ урушлар қилдилар. Амир Саййидхожа уларнинг боғларини бузиб, дарахтларини қўпориб ташлашга буюрди. Фарюмад аҳолиси саййидлар ва уламоларни восита қилдилар; амир Саййидхожа уларнинг гуноҳидан ўтди ва тортиққа қаноат қилиб Мазинон томон юзланди ва уларнинг қалъасини забт этгач, Сабзаворга жўнади. Сабзавор рўбарўсига етганда лашкар атрофига жар қазишни буюрди. Ҳар куни эрталабдан кечгача ҳар бир дарвозада жанг ноғорасининг овози баланд кўтарилиб турди. Кечалари эса қоровул-соқчилар тайинланди. Шу тарзда ўн кун ўтди. Ногоҳ «Пирак подшоҳ Мозандарондан Жўйин вилотига кирди», — деган хабар етишди. Амир Саййидхожа Сабзаворни қолдириб, Пирак подшоҳга қарши отланди. Хожа Султон Али эса Сабзавордан чиқиб Пиракка қўшилди. Ҳар икки тарафдан сафлар ростланди: амир Саййидхожа ғулга, амир Мизроб ўнг қанотга, Юз Буқо, (20) Шайх Султон ва Абу Бакрлар чап қанотга ўрнашдилар; у тарафдан эса Пирак подшоҳ қалбдан, Хожа Султон Али ўнг қанотдан ва бир тўда мозандаронликлар чап қанотдан ўрин олдилар ва ҳар тарафдан жангга киришдилар.

Пирак подшоҳнинг ўнг қаноти Хожа Султон Алининг қуввати билан амир Саййидхожанинг чап қанотини босди; амир Саййидхожанинг ўнг қаноти эса амир Мизробнинг қудратли билак зўри билан Пирак подшоҳнинг чап қанотини улоқтириб, унинг ғули орқасига ёриб кирди. Байт:

У шундай бир паҳлавонки, жанг куни
эркин-мустақилликда еру осмонга
бўйин эгмайди дейсан.

Мардоналик нишонларини изҳор қилиб турган Пирак жанг сафидан юз ўтирди. Байт:

«Сен дилингда ёмонлик сақлаган ҳолда
подшоҳлик қилмагин» — деб
у сипоҳдор қандай яхши сўз айтган.

Пирак подшоҳнинг қочганлигидан хабар топган Хожа Султон Али ҳам қочоқлар кетидан шошилинич жўнаб кетди. Галаба ёр лашкар ўлжалар олди. Амир Саййидхожа икки кун давомида душман орқасидан қувиб, кўпларини қатлга етказди, сўнг Сабзаворга қайтиб келди.

МИРЗО МИРОНШОҲ КЎРАГОН, УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ АМИРЗОДА АБУ БАКР ВА МИРЗО УМАРЛАР ЗИКРИ

*А*сарнинг) биринчи жилдида фикр шуъласи бу воқеа устида жилваланиб, айтиб ўтилганидек, соҳибқирон ҳазратлари Рум ва Шомдан қайтаётган вақтида Араб Ироқи, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини мирзо Мироншоҳ ва унинг фарзандлари (21) мирзо Абу Бакр ва мирзо Умарларга бағишлаган эди.

Мирзо Умар (отаси ва акаси) қанчалик ёш бўлса ҳам ёрлиғда: «ч о н а қ и й ва умумий ишларда унинг ҳузурига йиғилсинлар ва у маъқуллаган (тадбир)дан четга чиқмасинлар», — деб ёзган эдилар. У ҳам ана шу ҳукмга биноан ўзини отаси ва акасида афзал ҳисоблар эди. Ўша қишни Қаробоғда ўтказиб, баҳорда Алотоқ яйлоқига жўнади. Амир Шайх Иброҳим Ширвоний ва атроф ерларнинг амирлари совға-саломларни арзга етказиб турдилар.

Мирзо Абу Бакр ёши катталигига қарамай ҳазрат соҳибқироннинг ҳукмига итоат қилиб, отасини Диёрбакр вилоятида қолдирди-да, онаси Хоника билан бирга мирзо Умарнинг ҳузурига келди ва таъзим шартларию пешкаш расмларини бажо келтиргач, ижозат олиб Диёрбакрга қайтди. Шунингдек, амир Шайх Иброҳим ва атроф ерларнинг амирлари қайтиш ижозатига эришдилар.

Мирзо Умар ўз ҳузурида мулозимликда бўлган амир Жаҳоншоҳ Жоқуни Кўкча тенгиз йўли билан Қаробоғ тарафига йўллади-да, ўзи дорулмулк Табризга юзланди. Нахичевоннинг аҳолиси Олинжақ қалъасини паноҳ қилиб олиб харобаликлар келтираётган бир гуруҳ муфсидлар устидан шикоят қилдилар.

Ҳазрат соҳибқирон Озарбайжонни мирзо Умарга топширган вақтида Олинжақ қалъасини вайрон қилишни буюрган эди. Мирзо Умар «қалъани бузсин», — деб амир Жаҳоншоҳ олдига одам¹³ жўнатди, ўзи эса Қародара¹⁴ ҳудудида йўл-йўлаккай ов қилиб бориб, рабиъ ал-охир ойининг иккинчисида (8 октябрь, 1404) Шанби Фозонга келиб тушди, Табризнинг улуғлари уни кутиб олдилар; у ҳашаматли жомалар кийгизиб ҳаммани ўзига муте қилди ва бир неча кунни Табризда ўтказгач, куз фаслининг бошларида Пешгин ва Аҳар¹⁵ йўли билан, — (22) мисра, — Қаробоғ қишлоғига жўнади.

Куз фасли энди бошланаётган бўлишига қарамай Аҳар атрофларида уч кун давомида ёмғир, қор ёғиб момақалди роқ шундай кучли бўлдики, йўл юришга илож қолмади. Жумод ал-увло ойининг йигирма иккинчисида (26 ноябрь, 1404) Қаробоғда Дех Умрон юртида улуғлик чодирини тикланди. Амир Шайх Иброҳим Ширвон тарафидан келиб бир неча тўққиз от, хачир, туя, ғуломлар, овчи қушлар ва (ҳар хил) буюмларни пешкаш расми юзасидан тақдим қилди, сўнг ижозат олиб ўз мамлакатига қайтиб кетди.

Мирзо Умар у қишни айш-ишрат билан ўтказди, йилнинг охирида (май-июнь, 1405) эса ҳазрат соҳибқирон фоний дунё билан видолашди, деган хабар келди.

АМИР ЖАҲОНШОҲ ЖОКУНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ ВА УНИНГ ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Бўлиб ўтган ҳодиса хабари аниқлангач, бир гуруҳ муфсидлар: «Мирзо Умарнинг бир нечта мўътабар навкарини орадан йўқотиш лозим, шунда бутун ихтиёр бизнинг қўлимизда бўлади», — деб амир Жаҳоншоҳни кўзғатдилар. Амир

Жаҳоншоҳ эса аксар кунларни май ичиш билан ўтказар, унинг ҳушёрлиги ҳам худди шу мастлик чоғи эди, шунинг учун у муфсидлар сўзига учиб, рамазон ойининг йигирма иккинчисида (24 март, 1405) эрталаб даргоҳга (от) қўйди ва (мирзо Умарга) ноиблик қилиб юрган мавлоно Қутбуддин Увбаҳийни ҳамда амир Дороб қушчи, Шайх Муҳаммад тавочи ва Темур шукурчининг ўғли Абдулхолиқни қатл қилиб саропардага қараб юрди.

Мирзо Умар ҳеч саросимага тушмай, сабот оёғини маҳкам қўйди ва иноқлар ҳам хона бачаларга¹⁶ жийбо кийгиздириб, ҳаммалари отга миндилар: унга ҳар онда мадад қўшилиб турди. Жаҳоншоҳ эса юзини қочиш йўлига қаратди. Амирлар: Умар Тобон¹⁷, (23) қатл қилинган амир Шайх Муҳаммад тавочининг ўғиллари Бобо Ҳожи ва унинг биродари, амир Абдураззоқ, Эсан Темур ясовул ва Ошиқлар Жаҳоншоҳ гумроҳнинг кетидан бориб, намози аср пайтида уни қўлга олдилар. Қатл қилинган Шайх Муҳаммаднинг ўғли Бобо Ҳожи бир гуруҳ (амирлар)нинг ундаши билан қасос қоидасига мувофиқ (амир Жаҳоншоҳни) қатлга етказди. Мирзо Умар бундан хабар топгач, уларга танбеҳ берди-ю, аммо энди чора йўқ эди. У амир Жаҳоншоҳнинг фарзандларига нисбатан, кишиларнинг гумонига хилоф ўлароқ, марҳаматлар кўрсатди; амир Жаҳоншоҳ ва унга мувофиқатчилик қилган бир гуруҳнинг қарийб икки минг туман келадиган мол-мулкидан бир қисмини девонга олдириди, қолгани эса талон-торожга кетди.

Мирзо Умар қишлов юртидан кўчиб, Арс сувидан ўтди ва ийди рамазон куни (2 апрель, 1405) Барлос наҳрининг ёнига, Неъматобод қишлоғига келиб тушди ва ҳашаматли бир тўй бериб, сўнг у ердан Ужонга келди. Бу ерда мирзо Абу Бакр кўп кишилар, лашкар ва мулозимлар билан Ироқдан¹⁸ йўлга чиқиб Бешбармоққа етганлиги ва амир Жаҳоншоҳнинг қатл этилганлиги муносабати билан муҳолифатчиликка бош кўтарганлиги ҳақида хабар етди. Мирзо Умар фулнинг беш минг кишидан иборат уғруқидан ташқари яна ҳар бири беш юз отликдан ташкил топган қирқ еттита мукамал қўшунни кўриқдан ўтказди.

Шу аснода амир Ҳусайн барлос мирзо Абу Бакр олдидан келиб, унинг итоат йўлида содиқ турганлигини арзга етказди. Мирзо Умар амир Ҳусайнни инъом ва икромлар билан тақдирлади. У бундан илгарироқ ясагтиргани тўққиз пояли чодирни Ужонга ўрнатдилар. Сўнг у Султонияга қараб йўл олди. Кун сайин атроф ерларнинг амирлари келиша берди ва кўп кишилик оломон йиғилди.

Ажам Ироқининг чегараси бўлган Занжонаруда амир Севинжак ва амир Давлатхожа иноқлар мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакрлар тарафидан **(24)** етиб келиб, мирзо Абу Бакр итоат мақомида эканлигини арзга етказдилар.

Мирзо Умар йигирма иккинчи шавволда (23 апрель, 1405) Султония қўруқига келиб тушиб, хандақ қазишга буюрди. Мирзо Абу Бакр эса лашкарини қолдириб, ўзи санокли кишилар билан яқин келди. Мирзо Умар уни қўлга олиш борасида машварат тузди: амирзода Умар Тобон ва бир гуруҳ (амирлар) уни бу ишдан ман қилдилар, қолган амирлар эса мувофиқатчилик кўрсатдилар. Мирзо Абу Бакр ўйлаб кўрмасдан тўппатўғри ўрдуга кириб келди. Унинг етиб келишининг ўзиёқ қўлга олиниши бўлди. Навкарлар уни ғорат қилишиб Султония қалъасида маҳбус қилиб тутдилар. «Амир Ҳусайн барлос мирзо Абу Бакрнинг уғруқи, хотинлари ва мулозимларини Султониянинг Гўзал дарасида тутиб турсин», деган фармон содир бўлди.

Мирзо Умар зу-л-қаъданинг бошларида (1 май, 1405) Даргузин ва Ҳамадон тарафига бориб, зу-л-ҳижжанинг охиригача (28 июнь, 1405) ўша ерда турди. Сова, Қум, Луристон ва Курдистоннинг ақобирлари пешкаш-совғалар келтирдилар ва июнлар билан тақдирландилар.

Мирзо Абу Бакрнинг қўлга олинганлигини эшитган мирзо Мироншоҳ ваҳимага тушиб, доруломон Хуросонга юзланди ва, амир Саййидхожа¹⁹ Султон Алини даф қилиш билан машғул бўлиб турган вақтда, Колпуш ҳудудига етиб келиб, бир неча кун шу ерда²⁰ бўлди. **(25)**

**МИРЗО УМАРШАЙХНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ —
МИРЗО ПИР МУҲАММАД, МИРЗО РУСТАМ,
МИРЗО ИСКАНДАР ВА МИРЗО
БОЙҚАРОЛАР ЗИКРИ²¹**

Ҳазрат соҳибқироннинг (вафоти) воқеаси хабари Форс мамлакатларига етган вақтда, марҳум мирзо Умаршайхнинг фарзандларидан энг каттаси бўлган мирзо Пир Муҳаммад дорулмулк Шерозда ҳукмронлик қилиб турар, укаси мирзо Рустам эса — Исфаҳонда ва яна бошқа укаси мирзо Искандар Ҳамадонда эди. Мирзо Пир Муҳаммад ўзининг Лутфуллоҳ ибн Боён Темур ибн Оқбуқо, яхши хулқли амир Жалбоншоҳ барлос каби амирларини йиғиб, уларнинг ҳар биридани маслаҳат сўради. Баъзилар «амир Муҳаммад Музаффарга ўхшаб мамлакат ёрлиғини Мисрдаги Баний Аббос халифаларидан олиб келиб, мўғул ёсоқини ўзгартирамиз, десалар, баъзилар «мирзо Умарга бўйсунамиз», дедилар, яна бир гуруҳ эса «мирзо Мироншоҳни подшоҳ атаймиз», деган фикрда эди.

Аммо замона оқили бўлмиш мирзо Пир Муҳаммад мазкур фикрларнинг бузуқ эканлигини амирларга уқдириб: «Ҳазрат соҳибқирон ҳаётлик вақтида бизнинг волидамиз Милкат офони ҳазрат хоқони сайдга топшириб, бизни унга боғлаб қўйган. Демак, катта юрт унга тегишлидир ва уни оға ва улуг деб билиб, (26) пул зарби тепасида ва хутба нинг унвонида у ҳазратнинг номини ёд қилмоқлик муносибдир, токи у кишининг зоти муборақларида саломатлик мавжуд экан, шояд (кишилар) ана шу насибага рози бўлишиб, у қадар нотинчлик бўлмас», — деган фикрни айтди. Барча амирлар ва давлат арконлари офарин ўқиб, ана шу фикрга қарор топдилар. Мирзо Пир Муҳаммад элчи тайинлаб, ушбу мазмунда бир мактуб ёзди: «Бу банд у даргоҳга қуллик қилишни дил саҳифасининг нақшию, жон номасининг унвони деб биламен ва ҳаётимдан бир нафас бўлса-да боқий экан, фармонни бажаришдан бош тортмайман ва тобелик ҳам итоаткорликда жонбозлик кўрса-тамен». Аҳволини арз қилиш асносида (мирзо Пир Муҳаммад) «Шоҳнома»дан бир байтини шу тарзда хатга киритган, — байт —

Мену Рустам, Искандару яна ким бўлмасин
хаммамиз шаҳрухпараст бандалармиз, —

(ва яна давом этиб ёзган эди:) «мамлакатларда пул зарби ва хутбага онҳазратнинг ном ва лақабларини киритиб, минбарлар тепасию динорлар юзини Шоҳрух лақаби билан безатмоқдамен ва ўз биродарларим билан биргаликда тангри юксалтиргур олий боргоҳдан қандай фармон юборсалар уни бажаришда тўла жидду жаҳд кўрсатмоқ учун хуш қулоғини камоли ихлос билан йўлга қўйганмен».

Элчи етиб келиб арзи ҳолни топширгач, ҳазрат хоқони саид хабарчини азизу мукаррам тутиб, айтди: «Бу дунёда у фарзанддан кўра ким азизроқ бўлиши мумкин? Худога шукрки, у тарафнинг муҳим ишларидан хотиримиз буткул жам бўлди, чунки у (фарзанд) давлат ишларини улуғ хотиримиз фароғатга эришишига сабаб бўла оладиган тарзда олиб боришига ишонамиз. У қимматли фарзанд ваъз-насиҳатларга ўрин қолдирмайдиган даражада адл, инсоф ва яхши сифатлар билан безанган бўлишига қарамай, (сўзимиз шуки) у фарзанд ўз девонига тегишли бўлган мамлакатлардаги раиятларни <Оллоҳнинг яратган (банда)ларига шафқат қилинсин> (деган ҳадис) нинг ҳимоят туморида тутиб, бариятларга нисбатан илтифотли бўлишни ҳақ таолонинг ризосига эришиш воситасидир деб билмоғи лозим. Шунингдек, <яхши фарзанд (27) ўз олижаноб оталарининг изидан боради>, (деганларига мувофиқ) у ўз марҳум падари бузургворининг яхши қилмишларини у мамлакатда янгилаб мустаҳкамламоғи керак, токи унинг зикри тириклик саҳифаларида абадий қолсин ва унинг ном-нишони кеча-кундуз сатрларида пойдор сақлансин».

Кермон тарафидан, амир Идику барлос ҳузуридан ҳам элчи келиб, «Кермон мамлакатларида онҳазратнинг номи хутба ва пул зарбига киритилиб, (бу ном) минбарлар безагию нақд (пул)ларнинг суратига айланди», деган маънини арзга етказди ва Шоҳрух (номи билан) зарб қилинган тангалар²² келтирди²³. Ҳазрат хоқони саид элчиларни инъом-икромлар билан қайтариб юборди.

Элчи Шерозга қайтиб бориб, иззат-икромлар шарҳини тўла сўзлаб берганидан кейин, мирзо Пир Муҳаммад мулк-давлат ишларини саранжом қилишга киришиб, Муҳаммад сарбадор ва амир Темур Маликларни дорулибода Яздга жўнатди ҳамда Язд д о р у ф а с и Абдурраҳмон Элчикдойига ва Абдурқух д о р у ф а с и Султон Маҳмудларга жома-чопонлар юбориб до-рулмулк Шерозга чақиртирди. Улар <эшитамиз ва итоат қила-миз> деб, дарвозаларнинг калитларини, хазина ва дафт ар лар²⁴ ихтиёрини борганларга топширдилар ва салмоқли пеш-каш лар тайёрлаб Шерозга жўнатдилар. Мирзо Пир Муҳам-мад уларга кўп иноятлар кўрсатиб, улуғ амирлар қаторига қўшди. Сўнг у «Форс ва Ироқнинг хирқа кийиб олган ва ҳар хил юмушлар билан вилоятларда тарқалиб юрган барча кўҳна сипоҳийларини жам қилиб дафт ар ва марсумга киргиз-синлар», — деб ҳукм қилди ҳамда ўша йилги мол ва мута-ва ж ж и ҳ о т ларни а л у ф а ва жҳидан қадимий ва янги лаш-карларга²⁵ сарфлади, вазирлик мансабини яхши хулқ эгаси бўлмиш Хожа Рукнуддин Муҳаммадга топширди. Бу киши ўз зиммасидаги донолик вазифасию раиятга эътибор бериш иш-ларини бажо келтириб мамлакат моли қонунини²⁶ қадимги дастур бўйича тузди ва вилоятларга а м и н ларни **(28)** юбор-ди²⁷.

Мирзо Пир Муҳаммад бир неча бор Кермон томонига элчи юбориб, амир Идикуни²⁸ эл бўлишга даъват қилди. Аммо амир Идику бу сўзларни эшитмаганликка солди. Мисра: элчи-ларнинг бориб-келиши бирор натижа бермади.

Мирзо Рустам Исфаҳон томонидан келган эди, мирзо Пир Муҳаммад уни яхши қабул қилиб, икки-уч кун олиб турди-да²⁹, сўнг тарбият ва иноятлар кўрсатиб қайтиб кетишига рухсат берди. Ҳақиқатан ҳам мирзо Пир Муҳаммадда мукам-мал бир лутф, тугал ҳиммат, туғишганлик муносабатларига риоя қилиш, мусулмонлар ҳуқуқини муҳофизат қилиш ва меҳмонларни иззатлаш (одатлари) ўз камолини топган эди. У шундай бир ҳукм чиқарган эдики, ҳеч бир яратилган банда бир ман сомонни ҳам ҳукмсиз ололмас эди. Келувчи ва ке-тувчилар харажати вилоятларда мол (ҳисоби)дан эди.

Ўша кунларда мирзо Искандар Ҳамадондан элчи юборди ва: «Мирзо Умар амир Жаҳоншоҳ Жокуни тўсатдан ўлдирди ва ўз отаси мирзо Мироншоҳни мамлакатдан чиқиб кетишга ундади, у туфайли бу тарафга бирор малоллик етиб қолиши мумкин, деган гумон билан кучимизни бирга олиб Форс ва Ироққа қараб юрдик, энди қаерга тушишимизни маъқул топсалар, ишорат қилсинлар», — деб хабар берди.

Мирзо Пир Муҳаммад унинг келиши бирор фитнасиз бўлмаса керак, деб тушуниб ишончли киши орқали унинг истиқболига бир мактуб йўлади. Мазмуни шундай: «У биродаримизнинг тасарруфида бўлган у тарафнинг элу улуси ўз ватанидан жудолик сабабли тангликка тушиб қолиши ҳамда биз билан Озарбайжон орасида хилофлик юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун маъқул иш шуки, у биродаримиз ўз иззат-обрўси ўрнида сокин турсин; токи шу вақтгача мирзо Умар тарафидан бирор номаъқул ҳаракат содир бўлмаган экан, демак, бундан буён ҳам бўлмайди». Мирзо Искандар бу жавобга илтифот қилмай, Ироқ ва Форс тарафига юришга жазм қилди. Аммо унинг Тукал Ўрус Буқо, Боязид Ўрус Буқо, (29) Тимин, Юнус жалоир, Саййид Али жалоир, Сайфуддин ва Зу-л-қарнайн мўғул каби амирлари мирзо Искандарнинг ўз биродарига қарши чиқаётганлигини билгандан кейин ва қочишни тақозо этувчи бошқа сабаблар ҳам мавжудлиги туфайли, ҳаммалари ўзаро иттифоққа келиб хазиналар ва яхши отлардан олдилар-да («икки ўртадаги) хилофликни биздан кўришлари ва биз иснодга қолишимиз мумкин», — деб ярим кечада отга миндилар; и н ж у л а р ва у й ў г л о н л а р бир-бирлари билан қасамёд қилишдилар. Биринчи жидднинг охирида ёзиб ўтганимиздек, мирзо Пир Муҳаммад воқеасида амир Оллоҳдод тарафидан бир қўл ва бир оёғи кесиб ташланган ва мирзо Умаршайх хонадонига нисбатан кўрсатган хизматлари учун мирзо Искандар тарафидан улуғ амирлар қаторида тутиб турилган Муставий³⁰ ибн Муҳаммад жийба ҳам муҳолифлар билан мувофиқлашди ва ҳаммалари жўнаб кетдилар.


Шундан кейин мирзо Искандар учун иккиланиб туришга ўрин қолмади. У Юсуф қурчи, Шайхим мўғул, Тармаш, Олоҳдод ибн Тимин, — у бағоят ҳусли эди, — Бурундуқ ўзбек, Алишоҳ, Озод ва Некхожа ўзбеклар билан, қарийб ўн беш нафар киши, Исфаҳон томон юзландилар.

Қочиб кетган жамоатдан Тукал Ўрус Буқо, Тимин, Саййид Али, Юнус ва Муставийлар мирзо Умар ҳузурига кетдилар; хазинанинг кўп қисми қўлларида бўлган Юсуф, Шер Али ва бошқа уй ўғлонлар мирзо Мироншоҳ хизматига етишдилар.

Мирзо Искандар бир ойдан кейин Исфаҳондан Форсга юзланди ва мирзо Пир Муҳаммад билан кўришди. Шундан икки кун ўтгач, (30) мирзо Умар мирзо Абу Бакрни (ҳибсга) олиб, Ироқ ва Форсга келаётганлиги, у мамлакатларда қандайдир бир саросималик бошланганлиги ҳақида ногоҳ Озарбайжон томондан хабар келди. (Икки) ака-ука машварат тузишиб, Исфаҳонда жанг қилишга қарор қилдилар.

Мирзо Пир Муҳаммад Язд мамлакатини мирзо Искандарга берди, у эса шу куниеқ Бикасий³¹ Султонни Яздга юбориб, ўзи Исфаҳонга мададга жўнади. Мирзо Умар катта лашкар билан Ҳамадонга келди. Мирзо Рустам унинг олдига Ҳожи Мусофирни элчиликка юборди. Мирзо Умар уни яхши қабул қилди ва сулҳ сўзини эшитиб қайтиб кетди; ака-укалар (жангдан) қутулдилар.

Мирзо Искандар Яздга кетди, мирзо Пир Муҳаммад эса Шероздан чиқиб Кермонни бўйсундириш учун Шабонгора ва Найриз йўли билан жўнади. Мирзо Искандар Язддан чиқиб мирзо Пир Муҳаммаднинг лашкарига қўшилди ва манғолой тариқида йўлга тушди. У Кермоннинг бир гуруҳ баҳодирлари қарши келиб пистирмада турганликлари ҳақида хабар топди. Мирзо Искандар тезлик билан улар устига от суриб, катта бир гуруҳни қатлга етказди, кўп кишилар эса асирлик бандига гирифтор бўлдилар. Мана шу диловарона бир ҳамла билан кермонликлар дилига шундай қўрқинч тушдики, бундан сўнг





ҳеч бир киши дарвозадан ташқарига оёқ қўймади. Раҳбарликка лойиқ саййидзода жаноб амир Наъимуддин Саййид Неъматуллоҳ³² Кермондан ташқари чиқди ва у бузургвор саййиднинг нафаси кўмагида икки гуруҳ орасида сулҳ тузилди, аммо то сулҳга келингунча Кермоннинг ташқарилари вайрон қилиниб ер билан яксон бўлган эди. Амир-Идику шоҳона пешкашлар юборди.

Мирзо Пир Муҳаммад мирзо Искандарга тарбият ва навозишлар кўрсатиб дорулибода Яздга қайтишга ижозат берди, ўзи эса Шероз салтанат тахтига қайтиб келди. Ўша кунларда ака-укалар орасида тугал бирлик **(31)** мавжуд эди.

Аммо бу кечмишлардан илгари мирзо Рустам амир Саид барлоснинг ичи қоралигини билиб, унинг ҳар икки кўзига мил тортган ва маҳбус қилиб қалъада ушлаб турар эди. Бироқ бир кўзида андак равшанлик сақланганлиги туфайли, у (бир кун) кун ярмида қалъа посбонларини чалғитиб (қочди) ва йўлсиз жойлар билан бир неча кун от чопиб, ўзини Шерозга урди. Мирзо Пир Муҳаммад ўз биродарининг душманига ҳомийлик кўрсатаётганлигига эътибор бермай, «у бир вақтлар менинг давлатимнинг душмани эди, ҳозир эса <на ўлик ва на тирик> ҳолатда хорлик билан бу давлат ҳимоятига паноҳ тортиб келибди, мурувватлилик шуни талаб қиладики, ўтган ишга кўз юмиб, уни тарбият қилишим керак», — деган фикр-ни назарда тутди.

Бу иш мирзо Рустамга хуш келмади ва: «Амир Саид барлос бу хонадонга нисбатан бир неча бор кўрнамаклик қилган, худойи таоло кўмак бериб, унинг қинғир кўзига мил тортдик, энди эса у худди ўқ еган тўнгиз ёки думи қирқилган илон қабилдадир. Шундай экан, унинг бу хонадонга нисбатан тўғри фикрда бўлишига қайси ақл бовар қилади?!» — деган пайғомни йўлади. Мирзо Пир Муҳаммад зўр хато қилганлигини фаҳмлаган бўлса ҳам, аммо бунга узр сўраш либосини кийдирди ва мирзо Рустамнинг ишончини қозонишга сабаб бўла оладиган бир неча далилларни келтириб, жавоб берди, мактублар ёзиб, совға-саломлар йўлади. Мирзо Рустам (узрни)



гарчи қабул қилган бўлса ҳам, бироқ энди бирлик сарриштаси ўртасига тугун тушган эди. Байт:

Ип узилса, уни боғлаш мумкин-у,
лекин ўртасида тугуни қолади.

**МИРЗО ЖАҲОНГИР ИБН ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН
ФАРЗАНДАРИНИНГ (МАЗКУР) МУДҲИШ
ВОҚЕАДАН КЕЙИНГИ (АҲВОЛИ) ЗИКРИ**

Мирзо Жаҳонгир ибн ҳазрат соҳибқироннинг иккита фарзанди бор эди: тўнғичи мирзо Муҳаммад Султон (32) бўлиб, онҳазрат уни валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Аммо шаъни улӯф қудратли подшоҳ (белгилаган) тақдир валиаҳдни ўз хоҷасидан илгарироқ бақо оламига олиб кетди. Бунинг шарҳи Рум юриши воқеаси орасида айтиб ўтилди³³. Унинг фарзандларининг ҳикояти эса, худо хоҳласа, ўз баёнини топғусидир.

Мирзо Жаҳонгирнинг кичик ўғли мирзо Пир Муҳаммад бўлиб, у Балх, Тўхористон, Қийлон³⁴, Қандаҳор, Кобул, Ғазнин мамлакатлари, Синд соҳили ва Ҳиндустоннинг подшоҳи эди. Ҳазрат соҳибқироннинг давлат офтоби завол топгандан кейин, мирзо Пир Муҳаммад бу мудҳиш хабарни эшитган ондаёқ юриш жиловини мадинат ур-рижол Балхга қараб бурди.

САККИЗ ЮЗ САККИЗИНЧИ

(1405—1406)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ХУРОСОН ВОҚЕАЛАРИ БАЁНИНИНГ ДАВОМИ

Хожа Султон Али Сабзаворий исён кўтарганлиги ва амир Саййидхожа лашкар тортиб бориб унга зарба берганлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Бу йилнинг бошида эса (29 июнь, 1405) мирзо Мироншоҳ (Озарбайжондан) Хуросонга қараб келаётганлиги ҳақида хабар келди. Ҳазрат ҳоқони саид

агар у жаноб (мирзо Мироншоҳ) мулк олиш ва душманлик даъвоси билан келган бўлса, уни даф қилишга киришишлари, борди-ю, вақт тақозосига мувофиқ, биродарлик ва элик йўлида бу тарафга келишга майл кўрғазган бўлса, хизмат шартлари нимани талаб қилса бажо келтиришлари лозим, деган қарор билан амир Ҳасан¹ Сўфи тархон, (33) амир Жаҳонмулк² ва амир Ферузшоҳларни беш минг номдор суворийлар билан унга қарши боришга буюрди. Хоқони саид амирларга йўлдош қилиб шуҳрату шарм қоидаларига асосан ёзилган ва сулҳу жанг қоидаларидан бир парча бўлган мактубни жўнатди. Мазмуни шундай: «Ҳазрат соҳибқирон фарзандларидан ҳар бирига бир мамлакатни бағишлаган. Мамлакатларни уларга бирон қусур йўл топмайдиган ва ҳумоюн уруққа бирон нуқсон юз бермайдиган тарзда муҳофазат қилиб туришга киришиш энди уларнинг вазифасидир. Гарчи Оллоҳ айбларини ўзига кўрсатгур фарзандингиз Умарнинг билмасдан қилган ҳаракати сабабли Эрон подшоҳининг тахтгоҳи бўлган Озарбайжон мамлакатлари қўл (ингиз)дан кетган бўлса ҳам, аммо Аррон, Муғон, Аромана ва Гуржистон вилоятлари³ ҳазратларининг қуллари қўлидадир; агар бу вилоятларни идора қилишга илтифот кўрсатсалар, жуда муносиб иш бўлади. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, жаноб шаҳриёр замонанинг энг оқилидирлар, бинобарин бу бобда тўла тааммул ва мукамал фикр юритиб, жаҳон бузуқлигини ўз тўғри ишлари деб билувчи ёмонлик хаёлидаги фитначилар васвасаси билан бирон муомалага киришишга йўл қўйиш устида ўйламасинлар, чунки бу — хонадоннинг емирилишини келтириб чиқаради ва сулоланинг қирилишига сабаб бўлади. Байт:

Сен ўз шишанга ўзинг тош отма,
ўз лашқарингга қарши ўзинг жанг қилма.

Бизнинг сулҳ борасидаги бу уринишимиз ожизлик сабабидан эмас, балки асл мақсад номусу номни сақлашдир. Агарда, худо кўрсатмасин, мувофиқатчилик чехраси муҳолифатчилик

тирноғи билан тирналсаю **(34)** жанг олови аланга олса, <бир-ровнинг қилган ишига яраша жавоб қайтариш вожибдир> (сўзлари)нинг мазмунича, хусумат патослари ҳаракатга келиб, шундай бир маразни пайдо қилиши мумкинки, уни даволаш сурати шакланмайди ва уни тузатиш имкон жиғилдонига сифмай қолади. Бунинг оқибатлари ҳақида фикр юритиш ва фойда-зарарларини тийрак хотир, ўткир ақл-ҳуш тарозусига солиб мулоҳаза қилиб кўриш керак ҳамда эзгулик воситаси ва мақсадга етиш чораси бўладиган йўлга қатъий тушиб олиш лозим, токи душманларда эътирозга ўрин қолмасин ва турку тозик таъна тилини узайтирмасин; ҳазрат соҳибқироннинг буюрганига мувофиқ, фарзандлари бир-бирларининг мамлакатига дахл қилмай ўз вилоятларини бошқариш билан машғул бўлсалар ва ўзларига текканига қаноат қилиб, лутфу эҳсон шукрини бажо келтирсалар (оятда келган) <агар шукр этсангиз мен зиёда қиламан>⁴ сўзларининг натижаси ойдинлашгусидир. Худога ҳамд бўлсинки, у мислсиз зот яшнаш замонидадирлар, аҳвол эса орзу қилингандек эмас, вақт тақозосичадир. Умид маҳкам ва ният холисдирки, Муҳаммад (пайғамбар) ва унинг авлоди ҳаққи учун абадийлик боргоҳию ягоналик даргоҳидан комронликни орттириш либосию ишонч ва омонлик муборакномаси тобора зиёда бўлғусидир».

Амирлар йўлга чиқиб, Сабзаворда амир Саййидхожага кўшилдилар ва биргаллашиб Колпушга жўнадилар, чунки мирзо Мироншоҳ шу ерда эди.

Хожа Султон Али Сабзаворий мағлубиятга учраганидан кейин Астрободга борган эди, бу ерда мирзо Мироншоҳнинг лашкари келганини эшитди ва у жанобнинг ҳузурига келди.

Мазкур амирлар Колпушга етиб келгач, амир Саййидхожа ва амир Мизроблар у жанобнинг палосини ўпиш шарафи билан саодатга эришдилар ва ҳазрат **(35)** хоқони саиднинг юқорида шарҳланиб ўтилган хабарномасини етказдилар. Мирзо Мироншоҳ ҳамжиҳатлик изҳор қилиб, айтди: «Жаноб султон биродаримизга азалий саодат ва абадий давлат насиб бўлган, фалак девонининг муҳаррирлари унинг мулки қонунини таҳрир

қилганлар ва тақдир муншийлари унинг подшоҳлик муборак-номасини битганлар; шунинг учун ҳам у салтанат бисотини бошқариш қувватини топиб, барча ҳолларда мақтовли хислатлар ва мақбул қилмишлар билан тириклик ўтказди ва биз учун ҳам (оятдаги) <биз сенинг билагинга ўз биродаринг билан қувват бағишлаймиз> (сўзларидан) умид туғдирди ва <сиз (ака-ука)ларга ҳукмдорлик бағишлаймиз>⁵ (сўзлари) башоратини таҳқиқ қулоғимизга етказди».

Амир Саййидхожа ва амир Мизроб дуою санолар айтиш вазифасини адо қилиб бўлгач, (Мироншоҳга) арзга етказдилар: «Агар бирон киши подшоҳлик ҳалқасидан бош тортса ва ўз валинеъматининг ҳаққини ёдидан чиқарса, уни даф қилиш ҳамма учун вожиб ва лозимдир. Жанобингизга маълумки, Султон Алининг бу султонлик хонадонига қарши кўрсатган журъату жасоратини бошқа ҳеч бир киши кўрсатган эмас; у ўз панжасини жанг илмоғига урди ва тутиш сиртмоғи уни қуршаб олгач, турли ҳийла-найранглар билан қочиб кетди ва шундай қилиб, иложсизликдан бу остонага паноҳ тортиб келди. Агар у ўз исёни эвазига жазо топмаса бузуқ хаёлнинг қолдиқ (иси) ҳар бурчақдан димоққа ура беради; бордию султон жаноблари ўз ижозатлари билан уни бу бандаларга топширсалар, иззат ва давлатларига муносиб иш қилган бўладилар, акс ҳолда бу бандалар то уни қўлга олмагунча қайтиб кетмаймиз».

Илтимос инобатга олиниб, Султон Али ва Пирак подшоҳнинг ўғли Султон Ҳасанни⁶ ва улар билан бирга бўлган бир гуруҳ кишиларни амир Саййидхожага топширдилар ва у шу заҳотиёқ уларни (36) ўзининг хос⁷ ўрдусига олиб бориб, Султон Алини боғлаб Ҳиротга юборди, қолган сабзаворликларни эса ё с о азобига топширди. <Неъматга куфрон билан қарши турган кишининг жазоси шудир>⁸.

Шу аснода мирзо Абу Бакр ҳибсдан халос топиб Султони-ядан отаси (мирзо Мироншоҳ)нинг ҳузурига келди ва Султон Али қиссасидан дили ранжиганлигини изҳор қилиб, «у биздан паноҳ излаб келган экан, уни душмани қўлига топшириш

мурувватдан йироқ эди, энди кишиларда бизга нисбатан қандай эътимод қолди?!» — деб айтди. Машварат тузгандан кейин Озарбайжонга жўнашни маъқул топдилар. Улар ўша тарафга қараб жўнадилар, ҳазрат (Шоҳрух)нинг амирлари эса ўз қайт улларига қайтиб келдилар. Хуросон мамлакатлари яна бир бор қудратли қўл остида қарор топди.

ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОН ВОҚЕАЛАРИ ҲИКОЯТИ

Мирзо Умар мирзо Абу Бакрни тутиб олиб⁹ Султония қалъасига маҳбус қилиб қўйгач, фароғатдан кечиб, мамлакатни идора қилиш ишлари билан шуғуллана бошлади. Шу орада (кишилар) Марофа вилоятида Бобо беги¹⁰ номли бир тақвошиор дарвеш пайдо бўлиб, унинг қўлида кесак ҳам қанду наботга айланиб қолиши каби кароматларни кўрдилар. Кўп муболағалардан кейин мирзо Умар ҳам ўша навдаги (кароматлардан) бир қадар мушоҳада қилдию, лекин, шунга қарамай, дарвешни қатл этишга ҳукм чиқарди¹¹.

Бобо (қатлга) кетаётган вақтида: «Бизнинг пешонамизга шундай битилган эди, аммо биздан кейин нималар воқе бўлишини мушоҳада қилинглар», — деди.

Ўн еттинчи муҳаррамда (15 июль, 1405), Бобо қатл қилинганидан уч кун ўтган эдики, **(37)** амирзода Абу Бакр Султония қалъасида бир тўда кишини ўзига ёр қилиб олиб, унинг устига (ўлдириш учун) борган Одил хазоначи, Исо қурчи ва Шайх Ҳожиларни қатлга етказганлиги¹² ҳамда қалъани ўзига бўйсундириб хазина, жийбо ва яроғ-аслаҳалар олганлиги, унинг атрофига кишилар йиғилганлиги, Гўзал дарада турган амир Ҳусайн барлос ва мирзо Абу Бакр онаси унинг халос бўлганлиги хабарини эшитиб, тамом уғруқ билан Султонияга кириб кетганликлари¹³ сўнг мирзо Абу Бакр қалъадаги барча молларни тақсим қилиб, Рай йўли билан Хуросонга қараб жўнганлиги ҳақида хабар келди.

Бу аҳволни эшитган мирзо Умар илғор қилиб икки кунда Султонияга етишди ва амир Абдураззоқ ибн Худододни мирзо Абу Бакрнинг **(38)** кетидан юборди. Қазвин атрофида ҳар икки тўда бир-бирига етишиб эртадан кечгача, жанг қилдилар. Сўнг мирзо Абу Бакр Рай томонига қараб кетди, амир Абдураззоқ эса орқага қайтди.

Мирзо Умар бир тўда ишончли кишиларини Султонияда қолдириб Сижос ва Обоқо¹⁴ саройи йўли билан равона бўлди. Шу аснода Самарқанд тарафидан Шайх Хусрав Шоҳий етиб келди ва Султония хазинасидан нимаики олиб кетган бўлсалар, андак вақт ичида ҳосил қилиш (ҳақидаги) мирзо Умарнинг (буйруғини) қабул этиб, омилларни мусодара қилди.

Мирзо Умар Ужон йўли билан Саровга жўнаб, бундан илгарироқ қандайдир ихтилофчилик билдирган амир Бистом Жогирни қўлга туширмоқчи бўлди. Амир Бистом Қаробог йўли билан жўнаб, амир Шайх Иброҳимга бориб кўшилди; улар биргалашиб Кур сувидан ўтдилар ва Бардаъга келиб кўндилар. Мирзо Умар амир Шайх Иброҳимга: «Амир Бистомни тутиб менинг олдимга юбор», — деб (киши) юборди. Амир Шайх Иброҳим «ҳозир ёз фасли, жанобингиз қишда Қаробогга келганларида бу банда амир Бистомни ҳумоюн лашкароғҳа етказгусидир», — деб ноўрин узр айтди.

Мирзо Умар ғазабга келиб Арс сувидан ўтди ва Бобий мавзегига келиб тушди. Амир Шайх Иброҳим, амир Бистом, Қаромоннинг ўғиллари ва Сейди Аҳмад Шакийлар Бардаъдан чиқиб Кур сувининг ёқасига бордилар-да¹⁵, сувни паноҳ тутиб, хандақ қазиб жангга ҳозирлик кўриб ўтирдилар. Мирзо Умар шошилинич йўл босиб, Кур сувининг яқинига келиб тушди. Бир ҳафтагача ҳар икки лашкар бир-бирларига рўбарў турдилар. Шу аснода: «Мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакрлар Хуросон чегарасидан қайтиб Ажам Ироқи **(39)** ерларига кирдилар¹⁶ ва Султонбахт бека ҳам улар билан бирга», — деган хабар келди.

Ўша кунларда мирзо Абу Бакр Тукал Ўрус Буқонинг қизини хотинликка сўратиб, тўйлар қилдилар ва Бистомдан чиқиб уч кунда Домғонга келдилар. Домғонликлар совға ва пеш-

кашлар юбордилар-у, амма лашкар аҳлини шаҳарга қўймадилар¹⁷ симнонликлар эса, илгарироқ мирзо Мироншоҳнинг лашкарига қарши ўзбошимча ҳаракатлар қилиб баъзиларини талаганликлари сабабли, бу гал ҳаммалари кўчиб тоғни паноҳ тутдилар ва энди Симнонда бирон киши ҳам йўқ эди. Лашкар аҳли Симнонни ғорат қилиб Хорга келди. Мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакр амир Хусайн¹⁸ барлосни Шаҳриёр қалъасига жўнатиб, кетидан ўзлари ҳам етиб келдилар ва қалъани ўз қўлларига олдилар ва шу ерда мирзо Умар, ёз ҳавосига қарамай, Қаробоғ томонга, амир Шайх Иброҳимга қарши жангга кетганлигини билдилар.

Мирзо Абу Бакр уғруқни Суқбулоқда қолдириб икки минг киши¹⁹ билан Султонияга жўнади. У ерда турган бир тўда (аскарлар) қалъани топширдилар. Мирзо Абу Бакр мирзо Умар ва унинг амирларига тегишли хотинларни ҳар кимга тортиқ қилди. Мирзо Умарнинг амир ва лашкарлари Гармруднинг Миёнажида эканликларида бу хабарни эшитиб, ундан юз ўтирдилар ва мирзо Абу Бакрнинг ҳузурига жўнадилар.

Мирзо (40) Умар²⁰ амир Шайх Иброҳим билан бузилган сулҳ (иплари)ни чигал бир тутун билан боғлаб, орқага қайтди. Унинг ноиби Шайх Хусрав Шоҳий ва бошқа баднафслар ўзаро бир тадбир ўйлашиб «Мулқдорлардан бир оз маблағ қарз олиб, келажакда улар тўлаши лозим бўлган мол юзасидан барот ёзиб бериш лозим, чунки лашкарда харажатга эҳтиёж бор», — дедилар. Мирзо Умар ўз розилигига хилоф бўлсада, бунга рухсат берди. Баён қавчин, Шайх Хусрав Шоҳий ва бошқа золимлар Табризга бориб, икки кунда икки юз тумон ироқийни нақд ундирдилар. Табриз ақобирларидан аксари хону монларидан айрилдилар. Бир гуруҳ (кишилар) ни Султония қалъасига олиб боришга буйруқ бўлган эди, амир Баён уларни зўрлик билан Табриздан олиб чиқиб Ужонга етказди.

Мирзо Умар Ардабил йўли билан Гармруднинг Миёнажиге етиб, лашкар аҳли фуқаронинг барча чорва молларини талон-торож қилиб Султонияга кетганликларини билди. Шу ерда мирзо Абу Бакр Султония устидан ғалаба қилганлиги хабари

аниқланди. Умар Тобон, Султон Санжари амир Сайфуддин²¹, Абдурраззоқи Худодод ва булардан бошқа²² амирлар мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакрлар тарафига жўнадилар, қолганлари эса тарқалиб кетдилар.

Бечораларга нисбатан зулм раво кўрилганлиги — мулк кўлдан кетганлигининг нишонидир. Шундай мустаҳкам давлат асосининг андак фурсат ичида нураб битиши ҳеч кимнинг ақлига сифмайди.

Мирзо Абу Бакр Умар Тобон ва унинг фарзандларига иноят қилиб, қолган амирларни ёсога етказди. Амир Баён ва Шайх Хусрав Шоҳийлар Ужонда туриб **(41)** мирзо Умарнинг заволга учраганлиги хабарини эшитдилар ва улар ҳам замонасозлик қилиб молларни Султонияга, мирзо Абу Бакр ҳузурига олиб келдилар. Мирзо Абу Бакрнинг буйруғи билан зolim Шайхни оёқ-қўлидан михлаб (ўлдирди)²³.

Мирзо Абу Бакр заррин тахт ясатиб мирзо Мироншоҳни подшоҳликка кўтарди ва бир неча кунни айш-ишратда ўтказди. Мирзо Умар Говруд томонидан Марофага жўнади ва амир Холиқ туркмон, Солиқ барлос ва сулдуз (қабиласи) кишиларидан бир гуруҳининг мадади билан Табризга қараб юрди. Холиқнинг ўғли Алика манғло й тариқида Табризга келди ва бузукликка киришиб, туркмон кишиларининг номусига тега бошладилар; фуқаро ғавво кўтариб, «юз минг ҳукми»ни келтирган²⁴ Хожа Пир Алини ўлдирди ҳамда дарвозаларни маҳкамлаб туришди. Мирзо Умар насиҳат учун кишилар юборган эди, шаҳарликлар «Мирзо Умар бизнинг шоҳ ва шаҳзодамиз, агар шаҳарга келса, — у ҳоким; аммо биз туркмонларни шаҳарга қўймаймиз», — деб жавоб бердилар.

Мирзо Умар туркмонларга жанг бошлашга рухсат берди; улар қуролланган ҳолда шаҳарга юзландилар. Қози Гиёсуддин ва Хожа Абдулҳай Қазвинийлар²⁵, — мисра: жонни камардек белга боғладилар ва мардонавор жанглар қилиб туркмонларни шаҳарга киришга қўймадилар. Шу ҳолда мирзо Абу Бакрнинг келганлиги аниқланиб, мирзо Умар Марофага қараб жўнади. **(42)**

**МУЗАФФАРУДДИН МИРЗО АБУ БАКРНИНГ
АҲВОЛИ ВА УНИНГ САЛТАНАТ ТАХТИГА
МУСТАҶИЛ ҶИРГАНИЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Абу Бакрнинг хос кишилари²⁶ уни салтанатни ўз номига ўтказиб, ихтиёрни бошқа кишига бермасликка ундадилар. У бу сўзни розилик қулоғи билан эшитиб, катта тўй берди ва тахтга ўзи ўтириб, отасини туширди; унвонига бу хабар битилган ҳукмларни атрофга йўллади.

Амир Баён Табризга келган эди²⁷, илгарироқ туркмонларни шаҳарга киритмаган фирибгарлар ва қора халқ, бу жамоат ўз-ўзича Табризга келган ва мирзо Абу Бакр ҳануз Райда турибди, деган хаёл билан унга ҳам шаҳарга киришга йўл бермадилар. Амир Баён Шанби Ғозонга тушиб, амир Дулдой ва Хожа Бердилар мададга келаётганликларидан хабар топди ва анча тетикланди. Эртаси куни душман тарафидан Шайх Қабобий ва қози Имодудинлар икки минг киши билан етиб келганликлари ҳақида қаровул хабар етказди; яна шу куни Хожа Берди²⁸ ҳам «амир Дулдой лашкарлар билан эртага етиб келади» — деган хабарни келтирди. Мисра: эртанги кунни кутиб бу кеча кўздан уйқу кетди. (43)

Амир Баён фурсатни ўтказмай тўрт юз суворийлар билан у икки минг киши устига от қўйди. Унинг етиб боришию душманлар шикаст ейиши бир онда бўлди. Шу аснода амир Баён бу жамоатга мадад бериш учун Шайх Қассобнинг бир тўда кишилар билан шаҳардан чиқиб келаётганини эшитди ва (илгариги тўдани) таъқиб қилишни тўхтатиб, Шайх Қассобга қарши юзланди. Унинг подаси ҳам бир ҳамлада Баённинг найзаси қўрқинчидан худди қўйлардек ҳуркиб қочди. Сўнг амир Баён Шанби Ғозонга қайтиб келди. Эртаси куни амир Дулдой келди ва табризликлар мирзо Абу Бакр етиб келаётганлигини билиб, амир Дулдойга пешвоз чиқдилар ва уни шаҳарга киритдилар. Аммо Дулдой йўлда Шайх Қассоб, Хожа Абдулмуҳсин Қазвиний ва бир гуруҳ пешволарни тутиб сиёсат қилмоқчи бўлган эди, амир Баён монелик қилди.

Амирлар икки кеча шаҳарда бўлгач, Баҳлул барлосни до-руға қилиб шаҳарда қолдирдилар-да, ўзлари Мароға томон жўнадилар.

МИРЗО АБУ БАКРНИНГ ДОРУЛМУЛК ТАБРИЗГА ЕТИБ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Абу Бакр жумод-ал-охир ойининг охирида²⁹ (22 декабрь, 1405) тўла улуғворлик билан Табриз давлатхона-сига келиб тушди. Лашкар аҳли қиш мавсумида табризлик-ларнинг уйларига кирди ва раият аҳволи бутунлай харобалик-ка юз тутди. Ногоҳ мирзо Пир Муҳаммад, мирзо Рустам ва мирзо Искандарлар мирзо Умарга кўмаклашиш учун иттифоқ тузибдилар (44) ва мирзо Рустам мирзо Абу Бакрнинг Суқбу-лоқда бўлган уғруқини фورات қилибди, деган хабар келди.

Мирзо Абу Бакр Амираки Мунжамонни (?)³⁰ бир гуруҳ (лаш-кар) билан илгарироқ юбориб, ўзи ҳам Табриздан равона бўлди. Унинг лашкари ниманики кўрса талаб борар эди. Султония-дан келаётган бир бой карвон ҳам фوراتга учради.

Мирзо Абу Бакр Султония йўли билан Исфаҳонга қараб юриб, Журбодқонга етди. Мирзо Умар, мирзо Пир Муҳам-мад, мирзо Рустам ва мирзо Искандарларнинг лашкарлари унга қарши отланиб (душманлар) бир-бирларидан икки-уч ман-зиллик масофага етдилар³¹. Шу орада амир Бистом Табризни олганлиги ҳақида хабар келди. Мирзо Абу Бакр Табриз иши-ни аҳамиятлироқ билиб, шаҳзодалар ҳузурига элчи юборди ва ўзи Озарбайжон томон қайтди.

Шаҳзодалар машварат тузишиб, қарийб элик минг отлик ва пиёда аскар йиғилиб келди, мирзо Абу Бакр (бизлардан) юз ўтирган, ота ва она ундан норози, лашкар аҳли қатъиятсиз-ликда ва мамлакатни муҳолифлар эгаллаб олган, демак, фурсат фаниматдир, деб билдилар ва бир фикрга қарор бериб, мирзо Абу Бакрнинг кетидан жўнадилар.


Мирзо Абу Бакр Сижос вилоятида Арғун кўруқида экан-лигида уларнинг келаётганликларини эшитиб, орқага қайтди

ва Исфаҳонга қараб юрди. У амирлар ва лашкар аҳлига мурожаат қилиб: «Бу юришда мен билан ҳамжиҳат бўлинглар; агар худойи таоло менга фурсат бағишласа, сизларнинг сўзингиздан чиқмайман ва ҳар ниманики маъқул топсангиз, ўшанга амал қиламан, қайси томонга бошласангиз, ўша томонга юрман», — деди ва Даргузин ҳудудида³² (икки лашкар) тўқнаш келди. (45)

**МИРЗО УМАРНИНГ ФОРС ИРОҚИГА³³ БОРГАНЛИГИ
ВА МИРЗО ПИР МУҲАММАД ВА УНИНГ
БИРОДАРЛАРИ БИЛАН ИТТИФОҚЛИҚДА
ЖАНГА КИРГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Умар Табриздан чиқиб Марофа йўли билан Ҳамдонга келди. У ернинг ҳокими Аршиюн: «Мирзо Абу Бакрга қарши туришга бизнинг қувватимиз етмайди, бало сели хуружидан олдин бирор нажот фикрини ўйлашимиз керак», — деди. Ўйлашиб кўргандан кейин мирзо Пир Муҳаммаддан мадад сўрамоқ учун Шерозга жўнадилар (Мирзо Умар) Журбодқон атрофига етганда элчи юбориб мирзо Рустамни огоҳлантирди. Мирзо Рустам ўзининг хос кишиларини беш кунлик йўлга истиқболга чиқарди, улар муносиб хизматларни жойига қўйдилар. Исфаҳон атрофида эса мирзо Рустамнинг ўзи саййидлар ва уламолар билан пешвоз чиқди ва уни тўла эҳтиром билан шаҳарга олиб келиб, зиёфатлар берди.

Мирзо Умар мирзо Рустамга: «Қадим султонлар қайғули кунларда ва бахтсиз ҳодисалар рўй берганда бир-бирларидан бошпана тилаб, шафқат топишга умид боғлаганлар ва агар бу бобда бепарволикка йўл қўйган бўлсалар, асрлар бўйи яқин ва йироқлар тилида таънага учраб, унутилиб кетганлар; мен барча учун муҳим бир иш билан келдим, токи сиз ака-укалар жам бўлмасангизлар, мирзо Абу Бакрга қарши юриб бўлмайди; вазифа шуки, элчи юбориб мирзо Пир Муҳаммад ва мирзо Искандарларни чақирамиз ҳамда, то улар етиб келгунча,



мирзо Абу Бакрнинг Суқбулоқда³⁴ ғофил ўтирган уғруқи - ни қўлга туширамиз», — деди.

Ана шу қарорга асосан элчи юбордилар ва Исфаҳондан илғор қилиб чиқиб мирзо Абу Бакрнинг уғруқи устига етиб келдилар. **(46)** Исфаҳонликлар ҳаммани тўс-тўполон қилиб, хотинлар, болалар, канизаклар, отлар, хачирлар ва туюларни ўлжа олдилар ҳамда Султонбахт бегимни ва мирзо Мироншоҳнинг бир ҳарамини кўчиртириб Райнинг Сориқамиш (мавзеи)дан орқага қайтдилар. Уғруқ тепасида турган Тукал барлос, Амираки Мунажжим ва бошқа амирлар йироқроқда шароб ичиш билан машғул эдилар, маст эканликларига қарамай орқадан қувиб қаттиқ жанг қилдилар, аммо мирзо Умарнинг лашкари кўп сонли бўлганидан бирор нарсани ҳам қайтариб ололмадилар. Барча мол-мулк Исфаҳонга етди. Мирзо Умар эса Шерозга қараб йўл олди. Мирзо Пир Муҳаммад ўзи чиқиб уни кутиб олди ва бозорларни безатиб, зўр ҳурмат билан шаҳарга олиб кирди, бир неча кун катта зиёфатлар берди ва унинг навкарларига ҳам шоҳона лутф билан парваришлар кўрсатди. Қиш мавсумини айш-ишратда ўтказиб, эрта баҳорда Исфаҳонга қараб юзландилар. Мирзо Искандар ҳам Язд тарафидан етиб келиб, ҳаммалари биргаликда Журбодқонга келдилар.

Мирзо Абу Бакр ҳам ўз сипоҳи билан уларга қарши йўлга чиқди ва Даргузин яқинидаги Харбура³⁵ мавзеида (лашкарлар) бир-бирлари билан тўқнашдилар. Икки лашкар денгиз тўлқинларидек бир-бирларига ташландилар³⁶. Байт:


Ҳар бир жангчию бутун сипоҳ

«ур, ҳа ур» овозларини янградди.

Отлиқлар кўтарган чангдан жаҳон қоронғу

бўлиб қолди.

Улар бир-бирларига шундай тиф урдиларки, ҳар икки тараф йигитларининг аҳволига темир юракли шамшир қон йиғлади ва жон олувчи ўқ-ёйларни шу қадар кўп отдиларки, андуҳ селидан камон ёғочи қайрилиб қолди. Тонгнинг тифи



том (орқаси) қинидан чиққан вақтдан бошлаб, кеч пардасини ёпгунга қадар ўлим оташи алангаланиб, жанг олови ловуллаб турди. Икки тарафдан тўрт минг отлиқ (47) ва пиёда қатл қилинди. Шундан кейин ҳар икки лашкар жиловни тортиб, — мисра, ўз манзилгоҳига қайтди.

Ўша кеча ҳар икки тараф тонггача посбонлар қўйдилар; эрталаб эса, ҳар икки сипоҳ жунбишга келди. Мирзо Абу Бакр етти юз номдор суворийлар билан мирзо Пир Муҳаммад лашкарининг қалбаига ҳужум қилиб, уни чекинишга мажбур қилди, (буни кўрган) бошқаларда қарши туришга мажол қолмади; мағлубиятга учраганлар то Исфаҳонга етгунча жиловни тортмадилар. Мирзо Абу Бакрнинг лашкари кўп ўлжалар олиб, ҳаво иссиқлиги сабабли бир неча кун Айғирбулоқ яйловида тўхтади.

Мирзо Абу Бакр амир Зийрак, амир Умар Тобонларни Хуросонга ўтиб кетиш майллари борлигини гумон қилиб ва жангда сусткашлик қилганликлари сабабли ўғил ва биродарлари билан бирга ўлдирди ва сўнг Исфаҳонга қараб жўнади. Амир Зийрак ва амир Умар (Тобон)ларнинг қатл қилинганликларидан ваҳимага тушган амир Пир Ҳусайн барлос бир гуруҳ амирлар билан бирга (мирзо Абу Бакрдан) қочиб Исфаҳонга кирди.

Исфаҳонликлар (шаҳар) ташқариларида яшовчи раиятнинг аксарини, қўлга киритиш муяссар бўлган озоқ-овқат билан, шаҳарга олиб кирдилар ва Табрак қалъасини мустаҳкамладилар. Мирзо Абу Бакр Исфаҳонга бир фарсах (масофа яқин) келиб, исфаҳонликлар итоатга келиб қоларлар, деган умидда бирор киши ҳам боғ ва иморатларга зарар етказмасин, деб буйруқ берди. Уч кун кутиб тургандан сўнг хос навкарлар билан боғ кўчаларга кириб келди. Шаҳар аҳли фурсатни фанимат билиб, унга қарши жангга чиқди, кўп кишилар ярадор бўлиб, икки тараф ҳам орқага қайтдилар ва кечаси то эрталабгача посбонлар қўйдилар. Эртаси куни мирзо Абу Бакр барча лашкар билан ўнг қанот, чап қанот, қалба ва жанохлар тузиб боғ кўчаларга кирди ва жанг бошлади. Шаҳар аҳолиси-

дан икки минг (48) киши қатлга етказилди, уч сардор асир олинди. Шаҳар аҳолиси қочишга тутиниб, лашкар уларни Лунбон дарвозасигача қувиб борди ва кишиларни отлар оёғи остида эзди. Агар мирзо Абу Бакр раҳм қилмаганида шаҳарни бўйсундиришдан ҳам ортиқроқ (иш) содир бўлган бўларди³⁷.

Эртаси куни саййид ва акобирлар омон тиладилар ва Райнинг Суқбулоқ (мавзеи)дан нимаики олиб келинган бўлса қайтариб бериш, х у т б а ва пул зарбини мирзо Мироншоҳ номига қилиш шартларига рози бўлдилар ҳамда Рай мулозимларидан нимаики олиб кетган бўлсалар, ҳаммасини қайтариб юбориб, эртаси куни (қолган) барча шартларни бажаришга киришмоқчи бўлдилар. Аммо мирзо Абу Бакр у қарордан қайтиб, «Вазифа шуки, шаҳарни зўрлик билан оламиз ва истаган нарсамизни қўлга киритамиз», — деди. Эрта билан лашкар отга миниб т у р а л а р ва нарвонларни кўтариб, шаҳар дарвозасига келдилар. Ҳар икки тараф кўп жанг қилдилар. Шаҳардагилар мирзо Абу Бакр аҳдни бузганлигини билгач, боғларидан кечиб, ўзларини ҳимоя қилишга киришдилар. Лашкар аҳли шаҳар теварагида кўп вайронгарчиликлар қилди³⁸.

Бу шаҳзодалар мирзо Абу Бакрга қарши бирор тадбир кўра олмаслигини тушунган мирзо Умар улардан ажраб Хуросонга жўнади.

Шу аснода мирзо Абу Бакр Шайх Ҳожи Ироқий Султонияни қамал қилган, амир Шайх Иброҳим³⁹ Табризга келгани ва амир Бистом Жоғир Табризда турганлиги хабарини эшитди. У исфаҳонликлар билан (49) «бўри ярашиш» қилиб, орқага қайтди ва Даргузинга бориб етди. Шайх Ҳожи Султония дарвозасидан кўтарилиб Торамга жўнади. (Шу орада) Султон Аҳмаднинг Табризга келганлиги хабари тарқалди. (Бу) кечмишлардан қолгани, худо хоҳласа кейинги йил (воқеалари ораси)да баён қилинади.

ХУРОСОНДА ВОҚЕ БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР,
МИРЗО СУЛТОН ҲУСАЙННИНГ ҚАТЛ
ЭТИЛИШИ ЗИКРИ

Мирзо Султон Ҳусайн она томонидан ҳазрат соҳибқи-роннинг набираси эди⁴⁰. У бир баҳодир йигит бўлса-да, лекин бағоят бузуқи ва беоқибат эди. У Андхуд теварагида ҳеч бир сабабсиз ҳазрат хоқони саиднинг ўрдусидан қочиб Кеш атрофида мирзо Халил Султон ҳузурига борган ва унинг иноятига сазовор бўлганлиги ҳақида илгарироқ айтиб ўтилган эди. Мирзо Пир Муҳаммад ибн мирзо Жаҳонгир учун хазинадан ажратилган маблағни мирзо Халил Султон унга бермай қўйган ва мирзо Пир Муҳаммад Балҳада турган вақтида, ундан бохабар бўлиб туриш учун амир Оллоҳдод, амир Арғуншоҳ, Темурхожа ва Хожа Юсуфларни мирзо Султон Ҳусайн бошчилигида (Балҳага) юборган эди. (Ана шунда) мирзо Султон Ҳусайннинг димоғида ногоҳ салтанат хаёли пайдо (50) бўлди ва амирларни чақириб: «Бир иш содир бўлдики, уни ҳал қилишда амирлардан бошқа ҳеч ким маҳрам бўлолмади», — деб буюрди. Барча амирлар унинг уйига тўпланишди. У эса чодир эшигида ўтириб, қўлларида илондек найзалар, кафтларида ўлим келтирувчи ўткир ўқейлар бўлган, тиғу ханжар ва гурзу сипарли йигирмата навқарига амирларни боғлашни буюрди ва амир Темурхожа, Хожа Юсуфларга ўлим шарбатини тотгирди. Қолган амирлар: амир Оллоҳдод, амир Арғуншоҳ, Мубашшир ва Саодатларнинг баданига титроқ туриб, тиз чўқдилар ва тавба-тазарру қилишга тушдилар. Ҳамжиҳатлик шартларини ўртага қўйиш ва кўп қасамёдлардан кейин Султон Ҳусайн уларнинг қонидан ўтиб, ўзига ноиб қилиб олди; Самарқанддан Балҳага, мирзо Пир Муҳаммад ҳузурига келаётган мирзо Муҳаммад Султоннинг ҳарами бўлмиш Хоника бегимни фораг қилди, подшоҳликка тегишли мол-мулк ва зеб-зийнатларни олиб навқарларга улашди; лашкарлар истар-истамас унинг фармонига бўйсундилар; сўнгра у лашкар тортиб Самарқандга юзланди.

Мирзо Халил Султон бундан хабар топгач, лашкар аҳлига кўп тортиқлар бериб, зу-л-ҳижжа ойининг охирларида⁴¹ Самарқанддан чиқди ва,— мисра,— фатҳдан башорат берувчи бир толе билан, байт:

У эгарга мингач, ўзи минган эгарни кўрмагани каби,
отининг тақаси ҳам ерни кўрмади, —

деганларидек, йўл босди ва Кеш атрофида, Жигдолик мавзеида, — мисра: — у икки лашкар бир-бирларига яқин етдилар. Сафлар тизилмасдан олдиноқ амир Оллоҳдод, амир Аргуншоҳ ва бошқа амирлар мирзо Халил Султон тарафига ўтиб кетдилар, лашкарнинг кўпчилиги ҳам улар билан иттифоқ бўлди. Бу воқеа саккиз юз саккизинчи йили муҳаррам ойининг саккизинчисида (6 июль, 1405) содир бўлган эди. (51) Мирзо Султон Ҳусайн қочиш чорасини кўзлади, мирзо Халил Султон эса зафар топиб, Самарқандга ғолибона қайтди.

Мирзо Султон Ҳусайн Андхуд ва Шибирғон атрофида амир Сулаймоншоҳга келиб қўшилиб, яхши тадбиру ширин сўзлар билан уни йўлдан оздирди ва булар ўртасида эришилган ҳамжиҳатлик имон билан қасамёд қилиниб мустаҳкамланди ҳам абадий аҳду паймонлар билан қарор топди.

Мирзо Пир Муҳаммад амир Сулаймоншоҳга (хат) юбориб, мирзо Султон Ҳусайннинг қабиҳ хатти-ҳаракатлари ва беорларча қилган ишларини санаб чиққач: «Султон Ҳусайн менинг душманим, уни тутиб менинг олдимга юбор», — деди. Амир Сулаймоншоҳ бу сўзларга асло эътибор бермади. Мирзо Пир Муҳаммад бу илтифотсизликдан ўтдек тутшиб, ёрқин чакмоғу бўрон сингари улар устига тўсатдан ҳужум қилди. Мисра: «Шер панжасига тулки бардош беролмайди» деганларидек, мирзо Султон Ҳусайн ва амир Сулаймоншоҳлар Ҳирот томон йўл олдилар ва ҳазрат хоқони саиднинг қўлини ўпиш шарафига етишиб, подшоҳона марҳаматлар билан тақдирландилар.

Онҳазрат улар борасида машварат тузиб, «Сарахс вилояти амир Сулаймоншоҳнинг суюрғоли бўлсин», — деган фармон содир бўлди ва ҳозир эса унга юз минг кабакийдиган ва яхши отлар инъом қилиниб, «Хуросонга бориб амир Мизроб ва Саййидхожаларга қўшилсин», — деган қарорга келинди. Бу воқеа мирзо Мироншоҳ Колпуш атрофида турган вақтда содир бўлган эди.

У худраъй, яъни мирзо Султон Ҳусайн борасида эса давлат арбоблари ва сарой аҳллари арз қилдиларки, бу нодон ғаламис ва оқибатсиз бебок ҳазрат соҳибқирон ҳаётлиги замонида ҳам (52) Самарқандда ва яна Шомда исён кўтарган, онҳазратнинг вафотидан кейин амирлар билан муҳолифатчилик қилган эди, энди эса ҳеч сабабсиз зафар байроқли ўрдудан юз ўгуриб, мирзо Халил Султон ҳузурига борди, унинг амирларини қатлга етказди ва ўзига ҳам қасд қилди. Хониканинг мол-мулкани горат қилди. Энди, худо кўрсатмасин, ногоҳ бирор улуғ фитна зоҳир бўлишига йўл қўймаслик лозим, (акс ҳолда) синган (суяк) ни тузатиш учун тадбир хазинасида тақдир баҳонасидан бўлак бирор чора қолмаслиги мумкин. Унинг кўринишида нифоқ далиллари, хатти-ҳаракатларида келишмовчилик белгилари пайдо бўлганлиги аниқ ва равшандир. Мисра: унинг сиймосидан адоват нишони аён бўлади. Улуғлик манзилидан ҳумоюн ёрлик содир бўлиб, амир Нуширвон барлос мирзо Султон Ҳусайнни (Ҳиротнинг) Ироқ дарвозаси ташқарисида қатлга етказди. У билан аҳду паймон боғлаган амир Сулаймоншоҳ бу хабарни Тусдалигида эшитиб, тангдил бўлди ва хилофлик изҳор қилди.

АМИР СУЛАЙМОНШОҲНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ ВА ХУРОСОНДА ВОҚЕА БЎЛГАН БОШҚА КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Амир Сулаймоншоҳ элчи юбориб: «Агар ҳазрат хоқони саид бу қулнинг навкарлик қилишига хоҳишманд бўлсалар, амир Шоҳмаликни ўз ҳузурларидан йироқлаштирсинлар ва

Нуширвон барлосни қатлга етказсинлар», — деб хабар йўллади. Бу нохуш хабар Оллоҳ яхши хабарларни эшиттиргур шуҳратли қулоқларга етишгач, ғазаб оташи аланга олиб, лашкарларни тўплашга буйруқ берилди ҳамда Тус ва Машҳадга юришга қатъий қарор (53) қилинди. Ҳумоюн байроқлар лашкарлар ва кўп оломон билан Жомнинг Сориқамиш (мавзеи)га етди.

Бу ерда амир Сулаймоншоҳнинг навкари етиб келиб, у ўзининг куёви ва эътимодли кишиси бўлган амир Абдусамад ибн Сайфуддинни талаб қилганлиги ҳақида арз қилди. Ҳазрат хоқони саид амир Абдусамадга рухсат бериб, амир Сулаймоншоҳга (қуйидагиларни) айтишни буюрди: «Машҳур маъракалар ва йиғилишларда сенинг тарафингдан мақтовли хизматлар зоҳир бўлган, (шу туфайли) бу забт этувчи давлат (гардани)да сенинг ҳуқуқинг собит эканлиги шарҳу баёнга муҳтож эмас; ҳар хил ҳунарларни такомилга етказиш, тийрак ақлнинг баркамоллиги, ўринли фазилатларга эгалик, садоқат қоидаларига содиқлик, яхши хулқилик, гўзал нутқилик, покдомонлик, серфазилатлик, эътиқодлилик, серфаҳмлик, соф нафслилик ва олижаноб қадр-қийматлиликда замона амирларидан мумтоз ва ягона бўлгансен. Ҳазрат соҳибқирон сени ўз фарзанд ва биродари қаторида ҳисоблаган, офир кунда эътиборли кишилар қаторида туриб, (мушкул) иш тушганда обдор шамшир бўлгансен. Бизнинг ҳам сенга нисбатан эътиқод ва эътимодимиз мақбул ва марғуб тарзда ошиб ва чуқурлашиб бормоқда. Сен энди ҳеч андишага бормаи (биз тарафга) юзлангин; агар бирор кишидан шикоятинг бўлса, ўз иштирокида чуқур текширилади».

Амир Абдусамад бу хабарни етказгач, амир Сулаймоншоҳ бир неча номаъқул узрни изҳор қилиб, айтди: «Бир гуруҳ кишилар менинг ҳуқуқимни поймол қилишга уринмоқдалар. (54) Онҳазратнинг мулозимлигида бўлишлик ҳозирда шундай мусаффо асалга ўхшайдик, асаларилар ниши қўрқинчидан уни тотишга етишиб бўлмайди; биз у давлатхонадан фаровон

неъматлару ҳисобсиз лаззатлар тотганмиз; энди эса, лавзина-га саримсоғу шарбатга туз қўшилгач, уларда қандай маза қолди?» Амир Абдусамад амир Сулаймоншоҳни (Шохрух ҳузурига) келишга кўп ундади, у эса: «Амир Жаҳонмулк келсин, у билан шартлашиб олайлик»⁴², — деб қатъий жавоб берди.

(Шундай кейин) амир Сулаймоншоҳ Калот қалъасига бориб, уни мустаҳкамлади; баъзи исёнкорлар унинг ёнига тўпландилар.

Ҳазрат хоқони саид Мирзо Улуғбекни Жом вилоятида уғруқ тепасига тайин қилиб, амир Шохмаликни унинг ёнида қолдирди⁴³ ва ўзи Харжирд қишлоғидан юриш бошлади. Офтоб белгили байроқ Тус саҳроси ва Машҳади муқаддасга ўз ҳумоюн соясини ташлаган вақтда (илгари) Хуросон чегарасига юборилган ва мирзо Мироншоҳ ҳам мирзо Абу Бакрларни керак-яроқлар билан тўла таъминлаб Ироқ томонига жўнатган амирлар қайтиб келиб, (хоқони саиднинг) палосини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар.

Амир Абдусамад амир Сулаймоншоҳнинг олдидан қайтиб келиб, унинг сўзларини арзга етказди. Онҳазрат илтимосга биноан амир Жаҳонмулкни унинг ҳузурига жўнатди. Мирзо Улуғбек ва амир Шохмаликлар уғруқ билан (етиб келиб) ҳумоюн ўрдуга қўшилдилар.

Амир Жаҳонмулк амир Сулаймоншоҳ ҳузурига бориб гап-лашди, аммо у ваъдага вафо қилмади. Жаҳонмулк қайтиб келгач, онҳазрат амир Мизробни Калот томон юборди.

Шу аснода амир Черкас ибн амир Тумоннинг (55) элчиси етиб келиб⁴⁴, ҳазрат соҳибқирон Рум вилоятдан кўчириб Мовароуннаҳр мамлакатига келтирган қаро тотор туркмонларининг бир жамоаси Моваруннаҳрдан қочиб, шу атрофга етиб келганлигини арзга етказди. Ҳазрати Шохрухий амир Саййидхожа, амир Шохмалик ва амир Жаҳонмулкларга отла-ниб уларнинг йўлини тўсиб чиқишни буюрди. Амир Саййидхожа йўл асносида Самарқанддан қочиб Астрободга кетаётган Пир подшоҳ ўғли Султон Алини ушлаб олиб, ҳазрат (хоқони

саид) ҳузурига юборди. Онҳазрат уни яхши қабул қилиб, отасининг хотини билан бирга Пир подшоҳнинг олдига жўнатди, аммо Султон Алининг биродари⁴⁵ Султон Ҳусайнни (ўз ҳузурида) ушлаб қолди ва Пир подшоҳни жалб этиш мақсадида унга: «Ҳазрат соҳибқирон замонидаги дастур бўйича у вилоят Пир подшоҳга берилганлиги муқаррар, у ўз хотиридан ҳар хил тараддудларга йўл бермаслиги лозим, у бизнинг паноҳимизга сифиниб, ҳузуримизга келса, биз унга нисбатан ҳаддан ортиқ марҳаматлар кўргузгумиздир», — деган хабарни йўллади.

Ҳумоюн байроқлар Калотга қараб юзланди, Амир Сулаймоншоҳ Калотни ташлаб Самарқанд томон қочди. Ҳазрат хоқони саид яхши ахлоқу аломатлар эгаси бўлмиш руҳи поклангур Султон Абу Саид ибн Абу-л-Хайрнинг муаззам зиёратгоҳи ва мукаррам қабрига боришга мушарраф бўлиб, саодатли зиёратни бажо келтирди. У бузургворнинг мўътабар авлодига меҳрибонликлар кўрсатди.

Қаро тотор қавмлари йўлини тўсишга кетган амирлар уларнинг барчасини боғлаб, ҳазрат (хоқони саид)га етказдилар. Онҳазрат амир Сулаймоншоҳдан нимаики қолган бўлса забт этиш ва у атрофни (56) исёнчилардан тозалаб, Сулаймоншоҳ тузаттирган қалъани вайрон қилиш учун амир Саййидхожани Калотга юборди, (сўнг) зафар белгили байроқлар доруссалтана Ҳиротга қайтишга (бошлаб) жумод ал-увло ойининг еттинчисида (31 октябрь, 1405) шаҳарга етиб келди.

Шу аснода Сеистон тарафидан Шоҳ Қутбуддиннинг элчиси келиб Фароҳ шоҳлари: Шоҳ Жалолуддиннинг ўфиллари Шоҳ Али ва Шоҳ Фиёсуддинлар исён кўтаришга шайланаётганликлари ҳақида арз қилди ва унинг кетиданоқ исён хабари етиб келди⁴⁶. Бу фитнани бостириш учун у тарафга (боришга) амир Ҳасан Жондор номзод қилинди. У ҳар икки исёнчи ака-укани кўлга тушириб, ёсога етказди ва улар фитнасидан у мамлакатни қутқарди.

**МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ АНДХУД ВА ШИБИРҒОН
ТОМОН ЖЎНАГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА ХУРОСОНДА
КЕЧГАН ВОҚЕАЛАР ДАВОМИНИНГ ШАРҲИ**

Жаҳон султонининг офтобдек ёрқин фикри Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмаликлар Андхуд ва Шибирғонга бориб, у тарафни забт этишлари ҳамда раиятни идора қилиш ва фармонраволик борасида ниманики маъқул ва маслаҳатдан деб топсалар, шуни амалга оширишларини лозим топди. Улар у ерларга етиб келгач, тил тутиб келиш учун бир неча суворийларни Жайхундан (Мовароуннаҳр тарафга) ўтказдилар. Суворийлар Исо ва (57) Хизрхожани⁴⁷ тутиб олиб, қайтиб келдилар. Мирзо Улуғбек Хизрхожани ҳазрат хоқони саид ҳузурига жўнатди, Исони эса мадинат ур-рижол Балҳда турган Пир Муҳаммад тарафига йўллади.

Амир Саййидхожа ўз зиммасига юклатилган Калот қалъаси ишларини тамом бажариб қайтди ва (хоқони саид) палосини ўпиш шарафига етишди. Унинг хизматлари (онҳазратга) мақбул бўлди. У Пирак подшоҳни қайтадан қочириб, ўғлини қўлга туширганлиги, сарбадорларни тарқатиб юбориб, Хуросон ерларини забт этганлиги эвазига ҳамда унинг ўзи, шижоатли ва диловарлиги шарҳ қилишга муҳтож бўлмаган амир Шайх Алининг ўғли эканлигига (эътиборан) ҳазрат хоқони саид унга лутф кўрсатди: уни мулк ва молга тегишли барча муҳим ишларда мутлақ соҳиб ихтиёрлик ҳам амир ул-умароликка тайинлади. Сўнгра у мамлакатни идора қилиш ишларига киришиб, Мавдуд Гармсериё ҳанузгача палос ўпиш шарафига етиш учун келмаганлигини арз қилди. «Амир Жаҳонмулк Ғур ва Гармсерга юзланиб, у тарафнинг саркашлари ва исёнкорларини даф қилсин», — деган олий фармон содир бўлди.

Шу орада амир Мусоко ва амир Намадаклар Хоразм вилоятини ташлаб⁴⁸, (хоқони саидга) мулозамат қилиш саодатига сазовор бўлдилар ва подшоҳона махсус меҳрибонлик билан тақдирландилар.

Қиш фасли охирига етгандан кейин зафар келтирувчи бевдов Бодғис яйлоқи томон ҳаракатга келди. Қизилработ манзилида (58) мирзо Пир Муҳаммаднинг мирзо Халил Султон билан қилган муҳорабаси хабари етишди.

Ситарги (?) мавзеида Кайхусравнинг қизи бўлган маҳди улё Руқия Хоника Мовароуннаҳр тарафидан (етиб келди ва) мирзо Муҳаммад Султоннинг саодатли фарзанди, Мирзо Улуғбекнинг муҳтарам ҳарами бўлмиш Ўга бегини келтирди. Ҳазрат хоқони саид шод-хуррамлик уюштиришга буюриб, бир неча кунни айш-ишратда ўтказди. Мисра: Жаҳонда хурсандчиликдан яхши бирор иш йўқ.

МИРЗО ПИР МУҲАММАД (ИБН МИРЗО) ЖАҲОНГИР ВА МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОНЛАР МУҲОРАБАСИ ЗИКРИ

Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмалик Андхуд ва Шибирфонга⁴⁹ етган вақтда амир Шоҳмалик сув ёқасида кўприк боғлаган эди, мирзо Халил Султон сув лабига келиб, қ а р о в у л л а р и Амир Шоҳмалик боғлаган кўприқдан ўтдилар-да, унинг наваркарлари билан жанг қилдилар. Амир Шоҳмаликнинг яқинларидан бўлган Давлатхожа қатлга етди. Ҳар икки тарафдан элчилар бориш-келиш қилишиб, сулҳга келдилар ва мирзо Халил Султон Самарқанд томон жўнаб, амир Шоҳмалик ҳам орқага қайтди.

Мирзо Пир Муҳаммад амир Шоҳмаликни чақиртириб (икковлари) Балҳда учрашдилар, мирзо Пир Муҳаммад мирзо Халил устидан кўп шикоятлар қилди. Унинг кишилари: (59) «Мирзо Пир Муҳаммад ҳазрат соҳибқироннинг валиаҳдидир; тахт унга тегишли, чунки у оға, мирзо Халил эса индир», — дедилар. (Мирзо Пир Муҳаммад) мирзо Халил Султонга элчи йўллаб: «Ҳазрат соҳибқирон тахту мамлакат Халил Султонга қолади, деб қачон васият қилган?» — деган мазмунда хат-хабар юборди. Мирзо Халил Султон эса: «Амир (Темур

соҳибқирон) ҳазратларига тахту мамлакатни берган у қодир (эгам) менга ҳам иноят қилди», — деб жавоб юборди.

Мирзо Пир Муҳаммад ва амир Шоҳмаликлар бу жавобдан дарғазаб бўлдилар ва унинг сўзларига қарши ихтилофли калималар ҳар чеккадан ўртага ташланди. Мисра: бир оғиз сўз жангу жадалга сабаб бўлади. Сўнгра лашкарларга тартиб беришиб сувдан ўтдилар. У тарафдан мирзо Халил Султон лашкар аҳлига беҳисоб эҳсонлар кўрсатди⁵⁰. Мисра: <Эҳсон бериб (бировни ўзига) боғламоқчи бўлган киши, ўзи боғланиб қолади>. (60)

Насаф атрофида икки шерсифат жанговар сипоҳ юзма-юз учрашиб, жангга киришди⁵¹. Найза, ўқёй, гурзи ва шамширлар захмидан баҳодирлар (кўксидан) оҳ кўтарилди. Байт:

Ўқлар худди ақлдек (мия) мағзи ичидан ўзига макон қилди,
Найзалар худди жондек тан ичида равон бўлди.

Ғолибу мағлуб аралашиб, зарб урувчию зарб еганлар (бири-бирига) қўшилишиб кетган эди, мирзо Халил Султон ҳар бири тиф булутидан чақмоқдек олов сочувчи ва жанг тўзонини қон ёмғирига қўндирувчи бўлган Мовароуннаҳр диловарларининг билак қуввати, хуросонлик паҳлавонлар ва ироқлик баҳодирларнинг ғайрати билан мирзо Пир Муҳаммаднинг ғулига ҳамла қилиб, ўрнидан қўзғатди. Аввал арлот жамоаси қочиб, жувонғор ва буронғорлар тарқалиб кетди⁵². Фул ўз еридан қўзғалиб жўнаганлигини кўрган Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмаликлар ҳам жиловни тортдилар. Балхликларнинг аслаҳа-юклари самарқандликлар қўлига тушди ва Хоника асирликка грифтор бўлди. Мирзо Халил Султон асирлар борасида лутф кўрсатиб, ҳаммасига омонлик ҳарамияю эҳсон ҳузурхонасидан жой берди. Бу жанг рамазон ойининг иккинчисида (21 февраль, 1406) душанба куни воқе бўлди.

Ҳазрат хоқони саид бу хабарни эшитиб, жаҳонни фатҳ этувчи жиловни ўша томонга бурди. Мирзо Улуғбек (61) ва амир Шоҳмалик мулозимат шарафига етишиб⁵³, ижозатга биноан, то отлар семиргунича бир ой Бодғис вилоятида турди-

лар. Норий Қўшун деган манзилда (илгарироқ) онҳазрат мирзо Халил Султон ҳузурига юборган амир Қаноширин мирзо Халил Султоннинг навкари билан бирга етиб келди ва мирзо Халил Султоннинг узрхоҳлик билдириб: «Биз ўша аҳд-паймонда турибмиз, аммо мирзо Пир Муҳаммад сувдан ўтиб бизнинг вилоятга кирди, биз ҳам жанг қилдик ва худойи таоло бизга кўмак берди», — деб айтган сўзларини арзга етказди. Ҳазрат хоқони саид Мазид Жоний Қурбонийни мирзо Халил Султоннинг навкари билан бирга жўнатиб: «Биз ҳам ўша аҳдда турибмиз, — мисра, — ўша аҳдимизда турибмиз ва келгусида ҳам шундай бўлгусидир. Аммо амир Сулаймоншоҳ, Арғуншоҳ ва Аҳмад чухралар бизнинг вилоятга кириб, харобгарчиликлар қилибдилар ва бизнинг сипоҳимиз қорасини кўргач, (оятда) <арслондан ҳуркиб қочган эшаклар сингари⁵⁴> (дейилганидек) қочиб кетибдилар. Энди биз сувнинг ёқасига ча борамиз, Халил Султон ҳам сув лабига келиши лозим, токи биз бўлиб ўтган можарони ўртадан кўтариб, — мисра, — (62) аҳду паймонни янгилайлик. Агар ўзи келмаса мўътабар амирларни юборсин. Улар бизнинг кишилар билан сўзлашиб, нимага қарор қилсалар, биз ҳам шундан ташқари чиқмайлик», — деган хабарни юборди.

Голиб мавкаб бир неча кун Буроқон ва Ййлор яйловида тўхтаб турди. У тарафдан Мазид Жоний Қурбоний Давлатхожа чингизийни ўзига ҳамроҳ қилиб олиб келди. Улар (мирзо Халил Султоннинг); «Онҳазрат кимни маъқул кўрсалар сув лабига юборсинлар, биз амир Оллоҳдод ва амир Арғуншоҳларни тайин қилдик», — (деган жавобини) арзга етказдилар. Онҳазрат бу муҳим ишга амир Мизробни номзод қилди ва унга қўшиб қози Қутбуддин Абдуллоҳ жанобларини ҳам жўнатди.

Гармсер тарафига кетган амир Жаҳонмулк⁵⁵ Мавдудга шикаст бериб қувиб юборгач, вилоят чегараларидан ташқарига ҳам юриш қилиб Дурфишой қалъасини тузатди ҳамда у ерга амир Сайфал Гармсериий ва Ҳисомуддин Фурийларни

кутвол қилиб ўтқазиб, кўп ўлжалар билан ҳумоюн ўрдуга етиб келди.

Жаҳонмулк билан бирга бўлган Алибек етиб келиб, амир Шоҳмаликнинг: «Мен Саййидхожанинг (Шоҳрух наздида) улуглиги сабабли лашкарга бормадим», — деган сўзларини нақл қилди. Онҳазрат : «Бу нав сўз айтишга унинг нима ҳадди бор?!» — деб кўп таъналар қилди ва Бойсунғур тавочини⁵⁶ Шоҳмалик олдига юбориб: «Бодғисда бир ой туришига қарор қилинган эди, (63) ҳозир эса бу муҳлатдан бир неча кун ўтди, дарҳол йўлга чиқсин; агар лашкарга келиб қўшилмаса, бизнинг вилоятда турмасин ва хоҳлаган жойига жўнасин», — деб буюрди.

Онҳазрат Ийлордан доруссалтана Ҳиротга қараб жўнади ва Мурғоб сувидан ўтиб, илғор қилиб лашкардан олдин шаҳарга келди. Амир Шоҳмалик эса Яккаўланг йўли билан мирзо Пир Муҳаммад (ибн) Жаҳонгир ҳузурига кетди.

АМИР САЙЙИДХОЖА ИБН АМИР ШАЙХ АЛИ БАҲОДИРНИНГ МУХОЛИФАТЧИЛИГИ ЗИКРИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, амир Саййидхожа амир умаролик (мансаби)га йўл топгач, барча умумий ва жузъий муҳим ишлар⁵⁷ унинг сўзи ва қаламига тобе ва боғлиқ бўлди. У ўзини бойиб кетган кўрди ва <инсон ўзини бойиган ҳолда кўргач, исён кўтаради>⁵⁸ (деган оят сўзига) мувофиқ унинг мизожи мўътадилликнинг тўғри йўлидан четга оғди. Амир Шоҳмаликнинг кетиб қолиши эса бунга қўшимча тарзда унинг димоғида мустақил ҳукумат сўраш савдосини пайдо қилди. Амир Сайфуддиннинг ўғиллари Абдусамад, Тоҳир ва Фозил, амир Учқаронинг ўғиллари Шамсуддин, Шайх Али⁵⁹, Абу Муслим, Муҳаммадбек, Темур Малик Дулдой ва Муҳаммад Фазлуллоҳлар каби бир гуруҳ амирзодалар унинг ваъдаларига алданиб, (64) (хоқони саид) ҳазратларидан юз ўгирдилар ва амир Саййидхожа зу-л-ҳижжа ойининг биринчисида (20 май,

1406) намозшом пайтида мазкур жамоат билан бирга Журқолангдан⁶⁰ отга миниб Жом томонга юзланди.

Бу воқеа нурли раъйга, — мисра: унинг нурининг бир зарраси офтобдир, — аён бўлгач, дарҳол, ярим кечада, ўз ёнида ҳозир бўлган бир тўда кишилар билан юриш оёғини саодат узангисига қўйиб, амир Саййидхожанинг орқасидан жўнади. Эрта тонгда Навбарг саҳросида уларга етиб олиб: «Нега исён кўтардинглар»? — деб бир кишини юборди ва онҳазратнинг ўзи ёлғиз уларнинг орасига от қўйди. Ҳаммалари отдан тушиб гиря ва зорий қилишга бошладилар ва ўз гуноҳларини эътироф этиб, онҳазратнинг оёғига йиқилдилар. Онҳазрат марҳамат қилиб, афв кароматини бағишлади ҳамда ҳаммаларига отга минишга буюрди ва улар зафарли узангига ҳамроҳликда қайтишиб, Пули Солорга етиб келдилар. Онҳазрат ишонч ҳосил қилиб улардан илгарироқ шаҳарга қайтди. (Бироқ) Саййидхожа билан иттифоқ бўлган бир тўда кишилар унга: «Агар сени афв қилганида ҳам эртага бизнинг ҳар биримизни бир уқубатга тортадики, бизнинг ҳолимизга осмондаги қушлар йиғлайди; биз сенинг кўчингдан жудо бўлмаймиз», — дедилар ҳамда ҳаммалари қайтадан иттифоқлашиб Жом ва Тус тарафга жўнадилар. Ҳазрат хоқони саид интиқом учун юришга жазм қилди.

Шу аснода Тукал Темур тавочи (65) амир Мизробнинг олдидан келиб: «Биз сув ёқасида кўп турдигу, аммо мирзо Халил султон ваъдага вафо қилмади», — деб арз қилди. «Амир Мизроб аъло тахт поясига келсин», — деган олий фармон содир бўлди ва онҳазрат амир Ҳасан Сўфи тархон ва амир Фармоншайхларни Саййидхожа олдига юбориб, унга (қуйидагича) хабар йўллади: «Сен ўзинг кимсан-у яна ким бўлгинг келяпти? Менинг ҳузуримдагидан яхшироқ мавқени қаердан топасен? Нимаики бўлиб ўтган бўлса, <ўтган ишни эсланмайди> (қабалида санаб) биз сенинг гуноҳингни афв қилдик ва ўша амал ва ўрнингда қолдирдик, байт:

Сен келиб қадимгидек ўз ўрнингда турсанг,
биз учун илгаригидан ҳам мақбулроқ бўласен».

Амирлар Саййидхожага етиб бориб, насиҳат қилдилар; фойда бермади. Онҳазрат уни иноят кўрсатиш йўли билан қайтаришни истар эди. Қитъа:

Гарчи унинг ҳукми қаҳру ғазаб қўллашдан ожиз бўлмаса
ҳам,
у хушфеъллик ва адолатлилик билан жаҳонни итоатга
келтирган.
Унинг олий тупроғи эътиборлилик жиҳатидан фалакларга
етган
улуғ номи эса сахийлиги жиҳатидан тилларда
такрорланади.

Чунончи, айтганлар, — байт:

Бир дарахтни умр бўйи парвариш қилган киши
уни заруратсиз илдизидан қўпормайди.

Шу аснода Мавдуд Гармсериё яна Ғур чегарасига келиб вайронгарчиликлар келтираётганлиги ҳақида хабар келди. Онҳазрат амир Увайс ибн амир Оқбуқо ва Тағой Мерганларни у тарафга номзод қилди ва зафардан дарак берувчи байроқлар зу-л-ҳижжа ойининг йигирма учинчисида (12 июнь, 1406) доруссалтана Ҳиротдан Тус тарафига қараб (66) ҳаракатга келиб, баҳор фарроши унинг фазосида ҳафтранг дебо ёйган Шибарту кўкаламзорида иқбол қароргоҳи ва шуҳрат лашкаргоҳини қурди⁶¹.

Омуя суви ёқасида турган амир Мизроб келиб (лашкарга) қўшилди. Табас тарафидан у ернинг доругаси амир Юсуф Жалил қўлга туширгани бир мактубни олиб келди. Мактубни амир Саййидхожа ўз акасининг навқари Юсуфхожа қўли билан ёздирган ва унда мирзо Искандарга «Хуросонни сизлар учун халос қилиб бераман», — деган мазмунда ваъда қилган эди.

Бу маъни ойдинлашгандан кейин, энди яхшилик кутишга умид қолмади. Саййидхожанинг олдидан бир ишончли киши⁶² келиб, унинг муҳолифатчилик йўлида қатъий турганлигини билдирди.

САККИЗ ЮЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1406—1407)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ХОҚОНИ САИДНИНГ ТУС ВА МАШҲАДИ
МУҚАДДАС ТАРАФИГА ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Муқаддас муҳаррам ойининг бошларида (18 июнь, 1406) осмондек улуввор сипоҳ Жом тарафига ҳаракат қилиб, шу ойнинг саккизинчисида¹ (25 июнь, 1406) жума куни у табаррук жой лашкар соясидан тож кийди ва отлар наълларидан букилди. (67) Ҳазрат хоқони саид руҳи муқаддас бўлгур шайхулислом Аҳмади Жомнинг кашфиёт ва илҳом нурларининг тушадиган ўрни бўлмиш муборак мозори ва табаррук қабрига соф ишонч ва пок иродат билан келиб тушиб, зиёрат шартларини бажо келтирди ва валилик қутбидаги у раҳбарлик офтобининг муқаддас руҳидан мадад тилади; унинг бузургвор авлодига марҳаматлар кўрсатиб муҳтожларга ҳадя ва садақалар етказди. Сўнг у ердан Харжирд қишлоғига келган эди, мирзо Умар баҳодирнинг навқари етиб келиб, мирзо Умарнинг хизмат эҳромини кийиб, сафар асбоблари йўқлиги сабабли оҳиста келаётганлиги ҳақида арз қилди. Онҳазрат: «У менга фарзанд ва биродардир, ундан мамлакат ва хазина дариф тугилмайди», — деб дилдорлик кўрсатди.

Эртаси куни юлдузлар шаҳсувори (қуёш) кўк рангли қиндан зарҳал тифни чиқариб, у тиф шуъласидан жаҳон майдони мунаввар бўлгач, оламни безатувчи фикр лашкарни кўриқдан ўтказиш, яроғ-аслаҳаларни кўздан кечиришни² зарур деб топди. Назм:

Унинг буйруғи билан номдор лашкар
яроғ-аслаҳа кўриги учун отга минди.
Ҳаммалари қўлларига тиф ва найза олиб,
кўрик учун сафларни ростладилар.
Байроқлар ва ранго-ранг жилолардан

ҳаво қизил, сарик, кўк ва бинафша рангларга кирди.
Сен (уни кўриб) жаҳон бошдан оёк темирдир
ва ё Элбурс тоғи совут (ичига кирган)дер эдинг
Ҳаво чанг (кўтарилганидан) худди обнус — қора дарахтдек
бўлиб кетди.

ноғора овозидан (осмон) поялари ларзага келди.

Онҳазрат юдузлар шоҳи (қуёш)дек гардун бўйлаб сайр
қилувчи човқар (от)га миниб (лашкарни) тумон - тумон ва
қўшун - қўшун кўздан кечирди ва лашкар аҳли, — шеър:

Найзаларини елкага кўтариб (68)
ҳаммалари бир оҳангда наъра тортдилар.
Эй шоҳ, замона сенинг мақсадингча бўлсин,
Осмону юдузлар сенинг фуломинг бўлсин!

Хумоюн раъй яроғ-аслаҳаларни кўриқдан ўтказишдан фо-
риғ бўлгач, онҳазратнинг марҳамати Саййидхожанинг ҳолига
яна бир бор лутф соясини ташлади, ва шу билан бирга, он-
ҳазратнинг раҳм-шафқати ихтиёрсиз равишда Саййидхожа-
нинг фармонбардори бўлиб қолган (гуноҳсиз) бир гуруҳнинг
машаққат доираси марказию бало алангаси сўхтаси бўлишига
йўл бермади, чунки, — байт, —

Агар ўрмонга ўт кетгудек бўлса,
у ўрмонда на қуруқ қолади, на ҳўл.

(Шунга биноан онҳазрат) Саййидхожанинг навқари Боғор
Боқдини³ унинг олдига юборди ва илтимосларига илтифот кўзи
билан қараб, талабларини қабул қилганлигини билдирди. Бо-
ғор Боқди унинг ҳузурига етиб бориб нимаики эшитган бўлса
етказди, аммо, — мисра: қулоғу ҳуш бўлмагач, сўзнинг чирой-
лилигидан нима фойда?

Унинг ўжарлик йўлида давом этаётганлиги маълум бўлгач,
ҳазрат хоқони сайднинг ҳамият олови аланга олди ва чақмоқ-
дек тезу қуюндек суръатли буроқ (от) га минди; ғалаба ёр
лашкар худди темир тоғдек ҳаракатга келиб Харжирд қиш-

лоғи атрофидан йўлга чиқди ва ўн олтинчи муҳаррамда (3 июль, 1406) Работи Сангбастга келиб тушди. У ердан Ёқута манзилига келганда Саййидхожанинг⁴ қочиш оти айилини маҳкам тортиб, ундай мустаҳкам қўрғонни осмон кўзи ҳам кўрмаган Калот қалъаси (69) томон жўнаганлиги ва у ерда мустаҳкамланиб олмоқчи эканлиги хабари улуғвор қулоқларга етди. Саййидхожа билан бирга бўлган бир тўда бефаросатлардан бир гуруҳига⁵ азалий саодат мувофиқатчилик кўрсатиб, давлат арбобларини шафе келтирдилар. Байт:

Қаҳрамонлар қўлларига тиғу кафан ушладилару
шу ондаёқ юзларини ерга қўйдилар.

Онҳазратнинг хушфеъллик назокати уларнинг ҳаммасига афв лутфию омонлик кароматини бағишлади ҳамда⁶ валийлик осмонининг қутби, саййидлик буржининг юлдузи, саодат денгизининг дурри, набийлик дарахтининг меваси, имомлик боғининг гули ва пайғамбарлик дийдасининг нури (Али ибн Мусо Ризо)нинг, — байт:

Али ибн Мусо Ризо десанг, шунинг ўзи бас,
унинг исмидан лақаблар шараф топа беради, —

зиёратига азм қилиб, Машҳади муқаддасга келди ҳамда унинг (илоҳий) нурлар болқувчи жой бўлмиш мозорини тавоф қилиш маросимлари ва иззатлаш шартларини бажо келтирди, буюк саййидларга инъому икромлар кўрсатди. Сўнг Родгонга қараб юриб бу дилкушо фазода (подшоҳ) саропардаси ва боргоҳининг куббаси ою қуёш авжига кўтарилди.

Шу аснода Хожа Али Насруллоҳ Туршизий Пажворуд қалъасини тузатиб амир Саййидхожага тарафдорлик даъвосини қилаётганлиги хабари ҳумоюн арзга етди. Онҳазрат амир Мизробни у тарафга номзод (70) қилиб тайинлади. Али Насруллоҳ қочди. Амир Мизроб унинг мол-мулкани олиб⁷, хукмга биноан Ҳирот томон жўнади.


Онҳазрат амир Бўтага Саййидхожанинг аҳволини аниқлашни буюрди. Амир Бўта сўроқлаб текшириб⁸, амир Сай-

йидхожа Калот қалъасига йўналгач, у ерда амир Алика ва бир гуруҳ амирларнинг Сарахс ва Марв лашкарлари билан ҳумоюн ўрдуга юзланганликларини эшитиб ҳайрат дарасида ўйга чўмганлиги ва «ўз вақтида қочиб қолиш — зафардир» деган қарорга келиб, қаттиқ жазирамада Мозандаронга қараб йўл олганлиги ҳамда у илгарироқ амир Абдусамад ва амир Шамсуддин Учқароларни Пирак подшоҳ олдига Мозандаронга жўнатган эканлигини аниқлади.

Бу хабарнинг мазмуни амир Бўтанинг билдириши бўйича, нури раъйга маълум қилинган ва онҳазратнинг кўкалтоши бўлмиш амир Алика катта лашкар билан зафарпаноҳ лашкарга келиб қўшилган, «Тавочилар лашкарларни тартибга солиб уларнинг дафтарларини арзга етказсинлар», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Ҳазрат хоқони саид тумон, қўшун, сада ва даҳалар амирларидан тортиб сипоҳийларнинг ҳар биригача инъом ва тортиқлар улашди ҳамда сафар ойининг ўнинчисида⁹ (27 июль, 1406) Родгон кўкаламзоридан Мозандаронга қараб юрди.

Хабушоннинг Ялғузағоч¹⁰ (мавзеи)да амир Шоҳмалик (71) Балх тарафидан келиб олий ўрдуга етишди. Онҳазрат Самалқон яйловидан элчилик қоидаларини билиши билан машҳур бўлган Мингли Темур найманни (мактуб билан) Пирак подшоҳ¹¹ ҳузурига жўнатди. Мактуб мазмуни шундай: «Сайидхожани қуллик мартабаси пастлигидан сарварлик ва амирлик осмони чўққисига етказган эдик, ҳукуматни мустақил идора қилишнинг бузуқ савдоси унинг димоғига истило қилди, шу даражага етдики, (бу дард) иложни қабул қилиш даражасидан ўтиб кетди ва ўжарликнинг эътирозчилик моддалари унинг мизожи билан қўшилиб, насиҳат ва ваъдаларнинг мувофиқ шарбатлари унга фойда бермай қўйди; у шаҳарларни вайрон қилиш ва художўй кишиларга азоб беришга қўл югуртирди. Сўнг, биз унга қарши йўл олганлигимиздан огоҳ бўлган, — байт, —

Узоқдан, ҳали шамшир чақмоғини кўрмай туриб,
шердан қочган тулкидек қочиб кетди.



Эшитдикки, у энди сиз тарафга йўл олган эмиш. Умид шуки, (Пирак подшоҳ) иттифоқлик гулшанини ихлос суви билан яшнатсин ва итоат ҳалқасидан бош тортиб хизмат доирасидан ташқарига оёқ қўйган у бузуқи тўдани (ўз) мамлакати яқинига келтирмасин. Байт:

Оқил кишилар дўст билан душману душман билан
 дўстни
 алмаштириб юборишга майл қилмайдилар.

(Яна Пирак подшоҳ) аниқ билсинки, оллоҳнинг инояти ва осмоний кўмак туфайли биз дўстларга эътибор бериш қудратию душманларни жазолаш қувватига эгамиз: <Оллоҳ тўғри йўлга бошловчидир>. Агар у бу маъниларни ақл қулоғи билан эшитмаса ва биз билан мувофиқатчилик қилмаган тақдирда ўзига қандай хавф-хатар етишини зийраклик назари билан (72) мушоҳада қилиб кўрмаса, бизнинг хайрхоҳлигимиз, бало тўфони билан алмашинади ва Оллоҳнинг иродаси тақозо қилган нарса шундай бир тарзда амалга ошадики, тадбир қўли унинг этагига ета олмай қолади ҳамда <зулм ўтказганлар қандай бурилиш билан орқага ўтирилишларини билиб оладилар>¹².


Мингли Темур Мозандарон¹³ томон равона бўлгач, ҳумоюн лашкар ҳаво иссиқлиги сабабли бир неча вақт (Самалқон яйловида) туриб қолди ва овга чиқишга жазм қилди.



ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ САМАЛҚОН ЯЙЛОВИДА ШИКОР ҚИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Ҳазрат хоқони саид Самалқон яйлови атрофида ов қилиш ҳавасию шикор тузиш хуррамлигини истади. Т а в о ч и л а р : «Лашкар шикор ярга сини тузиш учун саҳро ва тоғларни ўрасин, йиртқичлар ва (бошқа) ҳайвонотларни саҳрога қувласин», деб жар солдилар. Онҳазрат чақмоқсифат буроқни эгарлатиб ихтиёрни ойдек сайр қилувчи зухра пешонали (от) наълининг ҳилолига топширди. Офтоб кўринишли подшоҳ-



зодалар, лашкарнинг собита (юлдуз)лари бўлган амирлар, уторид белгили вазирлар, миррих қудратли сипоҳийлар, ҳужум бўронидек отлар ва шерсавлат итлар ов изидан югуриб хушвақтлик ўқларини ҳар томонга отар эдилар. Оҳунинг елкаси бургут парлари билан беркилди, ҳавою саҳро юзи паррандаю чарандалардан холи бўлиб қолди, Назм:

(Лашкар) шикор қилишга қўл чўзганида
бутун ер юзи худди жанг қалъасидек бўлиб қолди:
қоплон оҳунинг гарданидан тутди-ю,
лочин какликнинг сийнасини йиртди (73)
Қоплонларнинг қулон кетидан камон (бўлиб)
югуриши
ҳайбатли дев кетидан олов қуваётгандек эди.
Шунқору лочину қирғийлар паридан
ҳавони фарвардин ойидагидек булут
қоплади.

Шикоргоҳ тупроғи ов қилинган (ҳайвон)лар қонидан Бадахшон лаъли тусига кирди ва харсангтошлар анор рангли ёқут тусини касб этди. Бир неча кун шикор гашти билан ўтди. Шу аснода элчи етиб келиб, мирзо Умар баҳодирнинг ҳумоюн ўрдуга яқинлашиб қолганлигини арзга етказди. Мисра: у аъло ҳазратнинг қўлини ўпиш умидида етиб келди.

**МИРЗО УМАР БАҲОДИРНИНГ ҲАЗРАТ
ХОҚОНИ САИД ХИЗМАТИГА ЕТИБ
КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Юқорида айтиб ўтилганидек, отаси ва акаси билан сулҳга келишга умиди қолмаган ва Форс мамлакатларида туришга ҳам иложсиз бўлган¹⁴ мирзо Умар баҳодир умид юзини султонлар паноҳининг даргоҳига ўгирди ва: «Ҳазрат хоқони саиддан бўлак илтижо (қиладиган) ва эътимод (қўядиган) ҳеч кимсам йўқ, — байт:

Бутун жаҳонда сенинг остонангдан ўзга бирор паноҳим
 йўқ,
 бу эшиқдан ўзга мен учун бош уриб борар жой йўқ, —

ва шу ҳолатда от-уловлар заифлиги ва ҳар хил заруриятлар сабабли (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш саодатидан йироқда ҳайронлик манзилида қолдим», — деган мазмунда арзи ҳол (ёзиб) юборди.

Ҳазрат хоқони саид шу ондаёқ хос кийимлар, зотдор отлар, тож ва камарлар юбориб, «Унинг йўли устида бўлган Сабзаворда керакли нарсаларни жамласинлар ва эҳтиром шартларини бажо келтирсинлар», — деб буюрди. Назм:

Саропардаю чодирлар, симу зарлар
 қатор-қатор туялару, кулоҳ, камарлар (74)
 Илдамликда ўтган кунни қувиб етувчию
 шитоб билан югурувчи араб отлари (юборилди).

Мирзо Умар Сабзаворда барча керак-яроқларни тартибга келтиргач, ҳумоюн ўрдуга қараб жўнади ва рабиъ ал-аввал ойининг бошида¹⁵ (16 август, 1406) Самалқон яйловидаги Хожа Қанбар мавзеида (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш саодатига етишди ва ўзининг подшоҳона шон-шавкатига муносиб тарзда эъзозу икромлар билан тақдирланди; унинг хизматкорлари ва мулозимлари ҳашаматли кийимлар ва зотдор отлар билан сийландилар. Ўзига нисбатан кўрсатилаётган бундай раҳм-шафқатни яққол сезиб турган (мирзо Умар) оятда келган: <Қани энди менинг кишиларим тангрим мени кечирганлиги ва иззатлилар қаторига киритганлиги сабабини билсалар>¹⁶ (деган сўзлар) мазмунини аён қилмоқчи бўлиб, забони ҳол билан, — байт(да айтилган):

Бу қулнинг аҳволи яна янгитдан яхшиланди
 Омонлик ва хотиржамлик асбоби яна янгитдан
 тартибга келди, —

деган мақол мазмунини адога етказар эди.

Шу орада Пир подшоҳ Астробод тарафидан юборган Хожа Маккий билан бирга Мингли Темур (найман) етиб келди ва улар Пир подшоҳнинг сўзларини арзга етказдилар; мазмуни шундай: «Онҳазрат бу вилоятни менга топшириб қўйган экан, (бу ерга) паноҳ тортиб келган жамоатни ҳам менга бағишласин ва доруссалтана Ҳиротга қайтсин. Бу банда эса, итоаткорликда барқарор бўлишлари учун, уларни (ўз) фарзандим билан бирга (онҳазратнинг) хизматларига юборурман».

Илтимослар Пир подшоҳнинг ҳадди (сиғадиган)дан ортиқ бўлганлиги сабабли онҳазрат Астробод томонга юриш бошлади, аммо ҳавонинг жазирама иссиқлигидан йўл юришда шопилмади. Мисра: Иссиқ кишига кўп зарар етказади. (75)

**МОЗАНДАРОНДА ВОҚЕ БЎЛГАН МУҲОРАБА
ВА ПИР ПОДШОҲ ҲАМ САЙЙИДХОЖАНИНГ
ЕНГИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Юлдузлар подшоҳи ўз ҳумоюн соясини мезон буржигаташлаб, мағрибнинг соф зари билан яна бир бор кеча ва кундуз тарозусининг ҳар икки палласини баробарлаштирган, шамол фарроши бўстон юзига заррин гиламу шамдек ёрқин деболар тўшаган, қочиб узоқлашаётган иссиқлик кетидан мўътадил майин шабада қўзғалган эрта куз фаслида ҳазрат хоқони саид Мозандарон ўлкасига кирди ва рабиъ ал-охирнинг ўрталарида (29 сентябрь, 1406) Шамосон қалъаси теваригага келиб тушди. Пир подшоҳнинг навқари Боязид чўпон шу ерда эди¹⁷. Олий раъй: «Бу тоифанинг ҳаёт манбаи Астрободнинг булоғи бўлгач, истаган вақтимизда Оллоҳи талонинг инояти билан у булоқни беркитиб ташласак, улар худди қуруқликдаги балиқдек ноилож бўлиб қоладилар», — деган қарорга келди. Шунинг учун (хоқони саид) у қалъага асло илтифот кўрсатмади. Қитъа:

Жаҳонгир шоҳ лашкари заиф душман билан
жангу жадалга киришса, ҳайф бўлади.

Чунки лочинлар чумчуқ ўлдирган кун, улар учун
уятли кундир.

Шерлар шақол овлаган кун — шерлар ор қиладиган кундир.

(Шундай қилиб) беҳисоб сипоҳ Астробод томонга равона бўлди.

Қаровуллар Харосхона мавзеида жанг қилдилар; Пир подшоҳнинг бир неча баҳодир асир тушиб, ёсоға етди ва **(76)** зафарпайкар байроқнинг офтоби Астробод саҳросида тулуъ қилди.

Пир подшоҳ дарахтлар баргию ёмғир томчилари ададига тенглашадиган кўп сонли лашкар билан Астробод рўбарўсида лашкароғоқ тузди; голиб лашкар Сиёҳбулов¹⁸ мавзеига етгач, эҳтиёт юзасидан хандақ қазиб турган эди, ногоҳ Пир подшоҳ барчаси худди ғунчаю лола сингари феруза ранг совут ва лаъл ранг чакмон кийган, наргис сингари бошларига зар қалпоқ қўйган ва мажнунтол сингари муҳолифат тифини суғурган лашкар билан ўрмон ичидан чиқиб келди. Байт:

У сипоҳ билан ўрмон ичидан чиқиб келганида
ер осмон сингари ҳаракатга келди, дер эдинг.

Пир подшоҳ ғулда, Шамсуддин Учқаро, Шер Али ва Жаъфар Соҳиблар жувонғорда, амир Саййидхожа, Абдусаммад ва Саййид Шамсуддинлар буронғорда жойлашиб ўнг қанот, чап қанот, қалб ва жаноҳлар туздилар ва жангга юзландилар.

Голиб лашкар хандақни ташлаб (душманга) рўбарў чиқди. Жувонғордан мирзо Умар баҳодир, амир Юсуф Жалил¹⁹ ва амир Жаҳонмулқлар ҳамла қилдилар; ғулдан амир Али тархон²⁰ ва барча диловар тархонлар жангга киришга жазм қилдилар; буронғордан Мирзо Улуғбек, амир Шоҳмалик ва амир Мусоколар душманга ҳамла қилдилар. Икки лашкар худди бўрондан тўлқинга келган икки денгиздек бошдан-оёқ ҳаракатга келди ва денгиз тўлқинларидек бир-бирига туташди. Назм: **(77)**

Икки катта сипоҳ ҳаракатга келди,
сен (кўрганинга) тоғу ўрмонлар кўзгалди, дер эдинг.

Пўлат ўқлару ўқёйдаги шунқор парларидан
офтобнинг ёрқин чеҳраси қорайди.

Қон сочувчи ўқлар аксидан ва шуълани бенур қилувчи (ёрқин) тиглар ҳаракатидан серчўғ осмон дур сочувчи бўлди ва ярадорлару ўлдирилганлар танасидан баланд-пастликлар текис бўлиб қолди. Охири илоҳий кўмак туфайли шодмонлик тонги ялиғи ҳазрат хоқони саиднинг саодат уфқидан дам уриб, иноят шабадаси субҳоний лутфлар маконидан эсди. Пир подшоҳ юз ҳасрату оҳ билан қочиш йўлига юзланди. У жангу жадал қўлини қисқаю енгилиб қочиш оёғини узун кўргач, жанг сафидан юз ўтириб ўрмон ва чангалзорлар томон шошилди. Фолиб сипоҳ қаҳр қўлини кўтариб душманларни оёқдан қулатди. Фармонбардорлик ихтиёри ҳамда Астробод ноҳиялари ва Журжон мамлакати, балки тамом Мозандарон бахтиёр бандаларнинг қудрат қўлига кирди ва бутун лашкар аҳли тоғу денгиз сингари мўл нафис мол-мулклардан бойиб кетдилар. Онҳазрат, ғоят марҳаматли эканлиги туфайли, ғазаб чавандозининг қўлидан жиловни олиб қўйди ва жаҳонни куйдирувчи ғазаб оловини лутф суви билан ўчириб, <бугун сизларнинг устингизда маломат йўқ²¹> (ояти) чизигини у диёр кишиларининг жаримали саҳифалари устидан тортди. Пир подшоҳ Хоразм тарафига қараб кетди, Саййидхожа ва Абдусамадлар,— мисра: ҳаммаларининг лаблари кўк, юзлари сариғу кўз ёшлари қизил ҳолда, — Шерознинг узоқ йўлига тушиб жўнадилар. Шамсуддин Учқаро ва Саййидхожанинг жияни Саййид Ҳисомлар олампаҳо даргоҳга илтижо қилиб келдилар ва иноятлар билан тақдирландилар.

Мамлакатларнинг ҳар бир чеккаси томон фатҳномалар парвозга келиб, у ҳумоюн фатҳ овозиси рубъи маскуннинг барча ўлкаларига тарқалди. Мақтовли сифатлари билан улуғ саййидлар орасида мумтоз бўлган ва хонадони ҳамиша ўз азиз

жойида у вилоят раияти устидан ҳукумат юргизишу эгалик қилишга тайинланиб келган Саййид Иззуддин Ҳазора Жарибий (78) ўз биродарини²² мулозимликка юбориб, муносиб пешкашларни арзга етказди. У вилоятларнинг барчасида хутба ва пул зарби ҳумоюн лақаб ва номлар билан шарафли қилинди.

Ўша вақтларда жаҳон садрларининг саромади бўлган мавлоно Жалолуддин Лутфуллоҳ садр элчи сифатида Сорий вилоятига жўнаб, элчилик шартларини бажо келтирди. У ернинг ҳокими муртазойи аъзам Разйуддин Саййид муртазо: «Умр бўйи фармон чизифидан бош тортмайман»,— деб аҳду паймонни имон билан тасдиқлади ва мавлоно (Жалолуддин)га кўп иззат-икромлар кўрсатди. Шунингдек, мавлоно Садруддин Иброҳим садр Ҳазора Жарибга, Саййид Иззуддин олдига жўнади. Бу ҳам эллик ва тобелик одобу усулларини бажо келтирди. Мисра: Тез орада бутун жаҳон унга тобе бўлғусидир.

**МОЗАНДАРОН МАМЛАКАТЛАРИНИ МИРЗО
УМАР БАҲОДИРГА ВА ХУРОСОН ВИЛОЯТИНИ
МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОНГА
ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мозандарон мамлакатлари фатҳ қилиниб (Пир подшоҳ ва бошқалардан) халос бўлгандан кейин у вилоятда ҳукм юргизиб идора қилиш ишлари мирзо Умар баҳодирга топширилди ҳамда у атрофда ҳал қилиш ҳам ман этиш ихтиёри ва йиғиб олиш ҳам тарқатиш изни²³ (79) мирзо Умарнинг ноиблик сиртмоғию қудрат панжасига қолдирилиб, Гургон, Деҳистон, Астробод ва Домғон вилоятларининг барчаси²⁴ мазкур шоҳ (мирзо Умар)га топширилди; унинг султонлик асбоблари муҳайё қилиниб, арслонсифат шижоатли амирлар унга мулозимат учун тизилдилар. Ҳазрат хоқони саид подшоҳона насиҳатлар ва хусравона назокатлар билан унинг ҳуш қулоғига дўстона инжулар илди²⁵. Улуғ хотир у улкан ишдан фароғат топгач, жаҳонни фатҳ этувчи жиловни Хуросон мамлакати томон бурди.

Мисра: Фатҳу нусрат ҳамжиловлигида Мозандарондан қайтди²⁶; Хуросон вилоятига киргач, <болаларингизни ҳурматланглар ва уларни яхши тарбияланглар>, (деган ҳадис)га мувофиқ, Тус, Хабушон, Калот, Бовард²⁷ Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур вилоятини шоҳлик осмонининг юлдузи, Оллоҳ лутфининг сояси, давлат ва диннинг кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга топширди ҳамда унга шаҳарлару инсонлар борасида адолатли ва раҳм-шафқатли бўлиш юзасидан таълим берди. Сўнг доруссалтана Ҳиротга жўнашга жазм қилинди.

Шу аснода амир Мусоко ўз кўчини Хоразмга юборганлиги ва кетидан ўзи ҳам жўнамоқчи эканлиги хабари олий қулоқларга етди. Уни боғланган ҳолда Ҳиротга олиб келдилар. Онҳазрат жумод ал-аввалнинг тўртинчисида²⁸ (17 октябрь, 1406) (80) доруссалтана Ҳиротга келиб тушди. Давлат пойтахтига етиб келиш пайти қуёш жисми қишки ўзгаришлар нуқтасининг рўбарўсига етган вақтга мувофиқ келди.

Ўша кунларда Хуросонда, хусусан Ҳирот шаҳрида, шундай қаҳатчилик юз бердики, бирон тарихда бунга ўхшашидан нишон келтирилган эмас; чунончи шаръий ўлчовда икки юз эллик мисқол (оғирлиги)га баробар бўлган бир ман буғдойнинг баҳоси икки мисқол зарб қилинган аъло сифат кумушга тўғри келадиган уч кабакийдинорга²⁹ етди. Ҳазрат хоқони саид <Оллоҳнинг яратган бандаларига шафқат қилинсин> (деган ҳадис)нинг талабига мувофиқ, буйруқ берди ва омборларни очиб, кишиларга бир ман ғаллани бир кабакийдинордан сотдилар³⁰. Мисра: Агар сен ўзинг учун яхшилик тиласанг, халқ учун яхшилик тиловчи бўлгин. Оллоҳ муваффақиятга етказувчи ва кўмак берувчидир.

**МИРЗО ПИР МУҲАММАД ИБН МИРЗО
ЖАҲОНГИРНИНГ ЛАЪНАТИ ПИР АЛИ ТОЗ
ҚЎЛИДА ШАҲИД БЎЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Пир Муҳаммад ибн мирзо Жаҳонгир ибн султон соҳибқирон Амир Темур кўрагон Пир Али Тозни хизматкор-

лик чуқурлигидан сардорлик авжига кўтарди ҳам уни мамлакат ва раият ишларида мутлақ соҳиб ихтиёр қилиб, «Ҳар қачонки подшоҳ (81) ғайри кишининг эркинлик жиловини ўзига ташлаб қўяр экан, кейин уни койишга қудрати етмай қолади ва бу унинг ожизлиги, кучдан қолганлиги, заифлиги ва нуқсонлилигига далил бўлади, ҳаттоки, ҳақиқатда мамлакатни идора қилишда шериклик туғилади; бундан эса шундай офатлар келиб чиқадики, тадбир қўли уларнинг этагига етмай қолади ва шундай фитналар кўтариладики, уларни йўқотиш сурати хаёл ойнасида ўз жамолини кўрсатмайди», — деган мазмундан ғофил қолди.

Алқисса, мирзо Пир Муҳаммад жанг майдонини базм айвонига алмаштириб, айш-ишрат хилватгоҳига қадам қўйди, шодмонлик асбобларини муҳайё қилди, хушвақтлик ниҳолини хуррамлик бўстонида оловранг сув билан парваришлаб, хушдиллик ғунчасини айшу тараб шабадаси билан очилтирди. У эртадан кечгача хусравона куйлар тинглаш билан бўлиб, хусравлик қасосидан ғофил қолди, (ишдан) чалғитувчи чалғулар тинглаб, подшоҳлик вилоятларини бошқаларга ташлаб қўйди, руд куйлари унинг салтанати (аҳволи) нидоларини етказган пайтда у уйқуда, чанг оҳанги унинг марсиясини ўқиганида у шароб ичиш билан машғул бўлди. Унинг (ишрат билан) бандлиги мўътадиллик ҳаддидан ўтгач, мамлакат ишларида тартибсизлик зоҳир бўлиб Пир Али Тознинг куч-имкониятлари зиёдалашди ва мустақиллик хаёли унинг димоғига қаттиқ ўрнашиб, баъзи ишончли кишилари билан иттифоқ тузди ва <аҳду паймонга содиқ бўлинглар, чунки (у дунёда) аҳду паймон ҳақида савол қилинади>³¹ (деган оят)нинг мазмунини хотирига келтирмади.

(Шу аҳволда) муборак рамазон ойи (9 февраль, 1407) етиб келди ва муқаддас шариатнинг муҳтасиби <ки мки (тирик) бўлса, бу ойна рўза тутиб ўтказсин>³² (ояти) нидосини вужуд бозори тепасида бу дунё кишилари қулоғига етказди ва илоҳий ҳукм девонидан (оятдаги) <эй, имон келтирганлар> (сўзлари) нинг саодатли нидосини <сизлар учун рўза тутиш бую-

рилган>³³ (деган фармон) туғроси билан безангирди. Айшу тараб аҳлининг ишрат бўстони сувсиз ва ман этилган ишлару ўйин-кулгилар билан шуғулланувчи кишилар офтоби нурсиз бўлиб қолди. Шеър:

Рамазон келдию кўзанинг иши тўхтади.

Қадаҳнинг нозик дили чиндан ҳам синди. (82)

Мирзо Пир Муҳаммад рамазон шуъласидан ўз ботиний хилватгоҳида инобат шамини ёқиб надомат ёшларининг қатралари билан шамдек куйиб турган бир вақтда, рамазоннинг ўн тўртинчи куни (22 февраль, 1407) бебоку нопок Пир Али Тоз у бенуқсон қалбли шаҳзоданинг саропардаси ичига кириб, унга ва унинг бир неча кишиларига шаҳидлик шарбатини ичирди; унинг руҳ қуши тан қафасидан парвоз қилиб тубо бутазорига кўтарилди ва (оятда) <(художуйлар) қудратли подшоҳ наздида ҳақиқат курсисададирлар>³⁴ (дейилганидек) шаҳидлар руҳи билан биргаликда ором топди.

Шибирғонда турган мирзо Саййид Аҳмад Мирак ваҳимага тушиб, ҳазрат хоқони саиднинг ҳузурига етишди ва бўлиб ўтган воқеа баёнини арзга етказди. Онҳазратнинг ғам мавжлари хотир денгизида тўлқинга келиб, сийнасида алам лашкарлари жой қилди; оқибат қазога розилик бериб, таслим гарданини эгди. Назм:

Гарчи бу ҳол овир воқеа бўлса ҳам,

Тангри ҳукми шу бўлгач, нима қилиш мумкин?!

Амир Мизроб, амир Ҳасан Сўфи тархон ва амир Нуширвонлар фармонга мувофиқ мирзо Саййид Аҳмад Мирак билан ҳамроҳликда Балх тарафига равона бўлдилар.

Шу аснода Испаҳбади Фурий бир гуруҳ ғурликлар ва сеистонликларни тўплаб у тарафда фитна ва фасод қўзғатаётганлиги ҳақида Ғур тарафидан хабар келди.

Онҳазрат йигирма иккинчи рамазонда (1 март, 1407) Исфизорга борди ва амир Ҳасан Жондор билан амир Жаҳонмулк-

⋮

ни Ғур тарафига жўнатиб, шаввол ойининг бошида (11 март, 1407) давлат пойтахти (Ҳирот)га қайтиб келди.

Испаҳбади Ғурий (ўзига қарши) сипоҳ келаётганидан огоҳ бўлиб, қочиш йўлини тутди. **(83)** Амирлар унинг мол-мулкани борат қилиб, у билан иттифоқ бўлган бир гуруҳни ё с о г а етказдилар ва у тарафларни забт қилгач, қайтиб келдилар.

Пир Али Тоз мирзо Пир Мухаммадни орадан кўтариб, кенг мамлакатини ўз эгалик қўлига киритгандан кейин, унинг димоғида сарварлик даражаларини юксалтириш савдоси галаба қилди ва калла қовоғи ғурур шароби билан тўлиб, бешармлик бошидан ор-номус кулоҳини олиб ташлади; ақл-идроқдан биронта ҳам баҳра тукига эга бўлмаган унинг бемағз калласи гўзаллик тожи билан безанди: фаҳм-фаросат нуридан бенасиб бўлган дил кўзи орсизлик сурмаси билан жилваланди. Аммо у хиёнаткорлик ва зolimлик кўпга бормаслиги, маккорлик ва сохталикда тартиб бўлмаслигини ҳамда қаллоблик ва манманлик бетига қўйилган қалбаки зулф фаҳм-фаросат олами зийраклари бармоқ билан кўрсатадиган бир нарса бўлиб қолишини билмади. Назм:

Кимки чаккасига қалбаки мўйдан зулф қўйса,
тўй куни етганида, тароқ унинг сирини фoш қилади.

Ҳазрат хоқони саиднинг ғазаб оташи аланга олиб, қаҳр ва ҳамият бўрони кўтарилишга бошлади ҳамда муфсидларни даф қилиш ва қайсарларни ағдариш учун Балхга юришга жазм қилди. Бироқ мирзо Умар баҳодир туғён йўлига кириб Хурсонга юриш қилиб келаётганлиги ҳақида ногоҳ хабар келиб қолди.

МИРЗО УМАР БАҲОДИР ИБН МИРЗО МИРОНШОҲ КЎРАГОННИНГ МУҲОЛИФАТЧИЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Умар баҳодир Мозандаронда ўрнашиб олгандан кейин навкарларга иқтoъ тайин қилди; **(84)** унинг атрофига кўп кишилар тўпланди. У Рай мулки томон бир лашкар юбо-

риб, мирзо Абу Бакрнинг уғруқи билан турган икки минг³⁵ мўғул хонадонини кўчиртириб Мозандаронга келтирди ва шу билан Хуросонни босиб олиш даъвосини қилишга журъат этди.

Шайх Ҳасан миҳаффаҳчи амир Шоҳмаликнинг мулозими бўлган бир нечта киши билан айнимачилик йўлига ўтиб, мирзо Умар баҳодир ҳузурига бордилар ва: «Хуросон лашкари амир Шоҳмалиқдан озурда, агар сизнинг соянгиз у диёрга тушса ҳаммаси беихтиёр сизнинг олдингизга келади», — деб айтдилар. Мирзо Умар ҳазрат хоқони саиднинг ҳимоят кўрсатганлиги ҳақ-ҳуқуқини унутиб, бедавлатлар сўзига учди ва Мозандарондан Хуросонга қараб ёрқин чақмоқдек шошилди.

Амир Шоҳмалик³⁶ Тус вилоятида турганида мирзо Умарнинг юриш қилиб келаётганлигидан огоҳ бўлди ва шамолдек тез бир чопарни ҳазрат хоқони саид ҳузурига жўнатди³⁷.

Бу варақларни тўпловчи Абдурраззоқ бир ишончли кишидан эшитдимки, мирзо Умарнинг юриш қилиб келаётганлиги хабари ҳазрат хоқони саидга етгач, яқин кишилардан бири³⁸: «Мирзо Умар (паноҳ сўраб) келган вақтда «Унга эътимод қўйиш мумкин эмас, чунки у ўз отаси ва акасига вафо қилмаган, — мисра: у кимга вафо қилдики, бизга қилади»³⁹, — деган эдим, **(85)** гапимга илтифот қилмаган эдингиз, мана энди шундай натижа берди», — деб ҳумоюн арзга етказган. Онҳазрат эса: «Биз мирзо Умарга ёмонлик қилганимиз йўқ, аслида унга мамлакатни берган деб бизни аташ ёки мулкни бизники деб ҳисоблаш нотўғри, чунки, — мисра: боқийлик тангрининг боқийлигидир деб билгину, мулкни тангрининг мулки деб, — (тангри ўз мулкни) кимга хоҳласа шунга берадию кимдан хоҳласа ўшандан олади; чунончи (оятда) <сен мулкни кимга хоҳласанг шунга ато этасан>⁴⁰ (дейилган). Ана шу ақида ва хайрли ният кўмагида, — мисра: барча маликлару султонлар унга муте бўлганлар», — деб жавоб берган.

Алқисса, онҳазрат доруссалтана Ҳиротдан шаввол ойининг ўн саккизинчисида (28 март, 1407) шамолдек тез юрувчи тоғсифат тулпорга бахту иқбол билан миниб, Бодғис ўлкасига булут каби кириб келди. Қизилработ манзилида амир Миз-

робнинг навкари келиб, Пир Али Тоз арлот(лар)га қасд қилганлиги⁴¹ ва амир Ёдгоршоҳ арлот ундан қочиб амир Мизробга келиб қўшилганлиги ҳақида арз қилди. Онҳазрат: «Амир Мизроб лашкарлар билан Мурғоб суви лабида турсин, чунки ҳозир галаба ёр байроқлар мирзо Умарга қарши юришга отланган», — деб буюрди.

Шу аснода маҳди улё Хонзода Самарқанд томондан келиб, мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодирни етказди. Ҳазрат хоқони саид бу шодликни сафарнинг яхши бошланишига йўйиб, катта тўй берди ва уларни доруссалтана Ҳиротга жўнатди.

Ҳумоюн байроқлар Жом томон юриб Бардавия қишлоғи атрофида **(86)** икки лашкар бир-бирига яқин етди. Мирзо Умар дарҳол жангу жадалга рўбарў чиқди. Бу тарафдан ҳам зафар белгилар битилган байроқлар ҳилпираб, сафлар рост турдилар. Мирзо Умар қалбининг устунни бўлган Жакайи (?) тавочи⁴² қалбни ёриб (қочди) ва тезлик билан онҳазратнинг ҳузурига келди. Бошқалар бу ҳолни ўз кўзлари билан кўргач, шу ондаёқ ҳар томонга тарқалиб кетдилар. Назм:

Найза учининг оғриғисизу ўқларнинг бориб-келишисиз
омонлик калиди бўлмиш у фатҳ рўй берди.

Илоҳий кўмак ва тангри қуввати билан жаҳон шоҳининг туғи учигаги ой Аюқ (юдузи)га туташди ва тақдир котиби онҳазратнинг давлат байроғига⁴³ фатҳу нусрат туғросини битди. Мирзо Умар ҳумоюн чодир лочинини иқбол қанотини ёйган ҳолда кўргач, худди қушлардек изтироб тузовига илинди ва жанг майдонидан оёқ тортиб, ихтиёрни муродсизлик қўлига топширди ҳамда кичик бир тўда ва катта хавф билан қочқинлик водийсига юз тутди. Бу фатҳ тўққизинчи зу-л-қаъда⁴⁴ душанба куни (17 апрель, 1407) Жомнинг Бардавия (қишлоғи) атрофида воқе бўлди. Зафар шиорли сипоҳнинг қудрат қўлига кўп фаниматлар кирди.

Ҳазрат хоқони саид пок ният билан ҳақ таолога шукр айтиш шартларини бажо келтириб, асирларга амну омонликнинг дахлсиз еридан жой бағишлади; Хуросон ерлари зулму

туғён бахтсизликларидан эмин бўлди; атроф мамлакатларга фатҳномалар жўнатилди. Бир суворий тўла суръат билан Ҳиротга жўнади; **(87)** мирзо Бойсунғур баҳодирнинг чопари бўлган меҳтар Умар Табодгоний ҳам хабарни етказиш учун юзланди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир кунда Ҳиротга етиш — ўттиз фарсахдан ортиқ масофани бир кунда босиш даъвосида эдилар. Меҳтар Умар Кусавия яқинида бўлган Тумоноқо работига етганида, у ерда суворий (чопар)ни кўрди ва ўзини оқсоқликка солиб унинг олдига борди-да: «Мени ҳам фатҳ хабарини етказиш учун юборган эдилар, аммо менда юришга қувват қолмади», — деди. Суворий унинг сўзига ишонди, меҳтар Умар эса астойдил чопганича кеч кириш пайтида шаҳарга етиб, фатҳ хабарини келтирди ва инъом-икромларга шундай гарқ бўлдики, бир умрга муҳтожликдан қутулди.

Онҳазрат Мирзо Улуғбекни янгитдан Хуросон ҳам Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилди ва олий мақом шаҳзода Жомдан Тус вилоятига жўнади. Ҳумоюн байроқлар, — мисра: — давлату иқбол ёрлиги ва фатҳу зафар раҳнамолигида, — доруссалтана Ҳиротга⁴⁵ юзландилар. Амрудак манзилида Кермон тарафидан бир хабарчи келди-да амир Идику барлос кутилмаганда оғир касалга чалиниб, вақтинча ҳаётни ажал чақирувчисига топширганлиги ҳақида арз қилди. «Биз, бешак, Оллоҳга тегишлимиз ва шак-шубҳасиз унинг ўзига қайтиб борамиз»⁴⁶. **(88)**

АМИРЛАРНИНГ ҒУР ТОМОНИГА БОРГАНЛИГИ ВА МУРҒОБ ТАРАФИДАН МИРЗО УМАРНИ (ТУТИБ) КЕЛТИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шу орада Ғур тарафидан Малик Исмоилнинг ўғли Малик Солиҳ бир тўда фасодчилар⁴⁷ билан бирга Ҳиндистондан Ғурга келганлиги ҳамда карт маликлари даврида ота-боболари Ғур ҳокими бўлган Муҳаммад Сипаҳбади Ғурий унга ёр бўлиб, фитнаю фасод ва зулму бедодлар бунёд қилганликлари, мол йиғиш билан машғул бўлган о м и л л а р н и шаҳодат даражаси-

га етказганликлари ва раиятга жабру зулм ўтказиб, оёқ ости қилганликлари ҳақида хабар келди.

Ҳазрат хоқони сайд олий уловни у тарафга юриш қасдида ҳаракатга келтиришни истади. Аммо амирлар бу ишни бажариш ва бу арзимас можарони даф қилиш хизмати бу осмондек улуғ даргоҳнинг бир кичик бандасига ва бу кайвон мартабали боргоҳнинг танланган (бир мулозим) ига ҳавола қилиниши керак, деб арз қилдилар. Назм:

Шоҳлик тифини ҳар кимнинг қони билан булғашнинг
 нима ҳожати бор,
 сен ўрнингда ўтириб кўзу қошинг билан бир ишорат
 қилсанг, бас.

Амир Шайх Луқмон барлос ва амир Ҳасан Жондорлар⁴⁸ у ҳодисани даф **(89)** қилишга киришсинлар, деган ҳумоюн фармон содир бўлди.

Жомнинг Бардавия саҳросида мағлубиятга учраган мирзо Умар баҳодир агарчи довудий совутсиз ухламай, симобий қалқонсиз йўл юрмаса ҳам найзаси шуъласидан кайвон дилида равшанлик барқ уриб, ўқининг захми билан сандон сийнасини тешса ҳам, оқибат, қазо етганидан кейин, бу ҳамма эҳтиёт чораларидан ҳеч фойда кўрмади ва Мурғоб суви атрофида амир Мизробнинг навқарлари кўлига гирифтбор бўлди, — мисра: ўша ерда довудий совутни ташлади, — ва уни боши қаттиқ яраланган, оёғига оғир банд урилган ҳолда Амрудак манзилда турган ҳумоюн ўрдуга етказдилар.

Ҳазрат хоқони сайд унга марҳамат назари билан қараб подшоҳона тахтиравон иноят қилди ва ёнига табиб ва жарроҳ қўшиб, доруссалтана Ҳиротга жўнатди, аммо шаҳзода Тўқузработда⁴⁹ минг ҳасратлар билан ширин жонини топширди ва йигирма бешинчи зу-л-қаъдада (3 май, 1407) Имом Фахруддин Розий мазорига дафн қилинди. Мисра: Катта умиду, қисқа умрдан на фойда?!

Онҳазрат зу-л-ҳижжа ойининг бошларида (9 май, 1407) давлат пойтахтига келиб тушди. Ййди қурбон байрамининг етиб

келиши душманлар гарданининг кесилиш (вақти)га тўғри келди ва ойнанинг ўртасида (23 май, 1407) Бодғис майдони галаба ёр мавкабнинг зоҳир бўлиш нуридан безанди. Бу ерда: «Ғур та- рафига кетган амирлар: «Душманлар жуда катта гуруҳ, Мав- дуди Гармсериё уларга мадад бериш ниятида; эҳтиёт юзаси- дан уларга яқин бормай турибмиз; қандай фармон бўлса, шунга амал қиламиз», деб арзга етказмоқдалар»,— деб нурли раъйга арз қилдилар. (90)

Онҳазрат Кийту яйлоқидан амир Жаҳонмулк, амир Сай- йид Аҳмад тархон ва амир Фармоншайхларни жўнатди⁵⁰. Амирлар бирлашиб, душманларга етишдилар ва интиқом қили- чини суғуриб бир дамда уларнинг ишини тамомладилар: у диёрда бирорта жонни тирик қўймадилар. Муҳаммад Сипаҳ- бад қочиб кетди, Малик Солиҳ⁵¹ эса қўлга тушди, уни боғлаб Ҳиротга келтирдилар ва бошқаларга ибрат бўлсин учун май- дон дарвозасига осдилар. Байт:

Гардун сенинг душманингни балад кўтарса ҳам,
лекин дор тепасидан нарига олиб ўтмайди.

Амирлар ва сипоҳийлар йўлдан озган тўдани дўзахга жўна- тиб, фаровон ғаниматлар билан,— мисра, — олампаҳоқ дар- гоҳга етиб келдилар.

ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Мирзо Абу Бакр ўтган йили шаъбон ойида (22 январь 19 февраль, 1406) Табризда эканлигида мирзо Умар ва мирзо Рустамлар унинг Райда⁵² турган уғруқини вораг қилиб Ис- фаҳонга олиб кетганликлари ҳақида хабар келди. У Муҳаммад Давотий⁵³ ва Зайнуддин Қазвинийларни Табризда бору қу- риш учун қолдириб, ўзи Исфаҳон томон жўнади.

Муҳаммад Давотий дарвозалар, бору, тош отадиган, ўқ ўтказиладиган жойларни⁵⁴ (91) қурдириб, йўлларни тўсди ва раиятни ўзига ром қилди, улар зироат ва иморат ишлари би-

лан машғул бўлдилар. Ногоҳ амир Бистом Жогир⁵⁵ Табризга бостириб келаётганлиги ва амир Шайх Иброҳим ҳам⁵⁶ (Табризга) юзланганлиги ҳақида хабар келди. Лекин Давотийда улардан бирортасига қарши чиқиш учун қувват йўқ эди. У Бистомнинг олдига одам чиқариб, сулҳ тузди ва йигирманчи шавводда (10 апрель, 1406) Бистом Табризга кириб, бир неча кунни истаганича айш-ишратда ўтказди. Бир тўда чақимчилар Табриз ташқарисида турган амир Шайх Иброҳимга амир Бистом ҳақида бир неча сўзни етказган эдилар, у ваҳшатга тушиб Бистомнинг биродари Мансурни унинг ўғли Муҳаммад билан қўшиб асир этди. Буни эшитган амир Бистом шу ондаёқ тўсатдан ҳужум қилиб бирор натижа чиқариш мақсадида зу-л-ҳижжа ойининг бошида⁵⁷ (20 май, 1406) шаҳардан ташқари чиқдию, аммо бир нечталар унга монелик қилганликлари сабабли Саровга жўнади ва⁵⁸ Муҳаммад Давотий, Шайх Қассоб⁵⁹, Хожа Шайх Муҳаммад Кажажий, Хожа Муҳаммад Дамашқий ва Хожа Зайнуддин Қазвинийларни ўзи билан олиб кетиб, Пешгинга етгач, Қашқо яйлоқига, баланд тоғликдаги кўкаламзорга **(92)** қўнди⁶⁰. Қ а р о в у л бўлиб турган Шайх Қассоб ва Қосим Анкутийлар амир Шайх Иброҳим олиб кетган ҳ а ш а м л а р д а н бир неча хонадон ва бир оз от-уловларни қайтариб келтирдилар. Амир Бистом Шайх Иброҳимнинг Табризга қараб кетаётганлигини билгач, табризликларга ижозат бериб, ўзи Ардабилга жўнади. Муҳаммад Дамашқий ва Зайнуддин Қазвинийлар эса Бағдодга келиб қолдилар⁶¹. Муҳаммад Давотий ва Кажажийлар еттинчи зу-л-ҳижжада⁶² (26 май, 1406) амир Шайх Иброҳимнинг қ а й т у л и г а етдилар. Амир Шайх Иброҳим дарҳол уларни боғлатди ва (қўйиб юбориш) эвазига кўп мол талаб қилди⁶³. Сўнг у ойнинг охирида (17 июнь, 1406) Табризга келиб, бир неча кунни ишрат билан ўтказди ва у ердан Ужонга жўнади. Шу аснода у Султон Аҳмаднинг келганини⁶⁴ эшитиб: «Қанча муддатлардирки биз бу муборак хонадонга нисбатан ихлос йўлида туриб келмоқдамиз; мулк майдони холи қолиб, фуқаро ҳар кимнинг тамасидан заҳмат чекаётганлиги учун биз (Табризга) келдик ва уларни муҳофа-

зат қилдик; энди эса уй эгаси ташриф буюргач, биз ўз уйи-мизга кетамиз»,— деди-да Ужондан кўчиб⁶⁵, бандда сақлаб юргани Мансур Жогир ва унинг ўғлини бўшатиб, амир Бистом ҳузурига юборди ва ўзи Ширвонга юзланди. (93)

Султон Аҳмад (809 йил) муҳаррам ойининг ўрталарида⁶⁶ (1 июль, 1406) дорулмулк Табризга келди ҳамда Озарбайжоннинг ва табризликларнинг барча акобирлари шодликлар кўрсатиб шаҳарни безатдилар ва қадимги аҳдни янгиладилар. Шайх Али ўйрот ва Муҳаммад Сору туркмон⁶⁷ Султон Аҳмаднинг ҳузурига келиб отлар тортиқ қилдилар. Султон Аҳмад айтди: байт:

Сизлар туз ҳақини бажо келтирдингиз,
Фалакнинг айланиши сизларнинг истагингизча бўлсин!

У Хожа Муҳаммад Кажажий, амир Жаъфар⁶⁸, Хожа Масъудшоҳ ва Хожа Зайнуддин Қазвинийларни девонликка тайинлади⁶⁹, сўнг бекор қилиб, улардан моллар олди. Кейин яна қайтадан уларга меҳрибонлик кўрсатиб, иш тепасига келтирди. Шу орада мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакрлар Исфаҳон жангида зафар қозониб⁷⁰, қайтиб Табризга келаётганликлари ҳақида хабар етишди.

Султон Аҳмад ваҳимага тушиб кўп оломон билан⁷¹ Ужонга юзланди ва амирлар билан кенгашиб, Бағдодга юришни маъқул кўрди⁷². Султон жўнаб кетгач, Озарбайжон лашкарлари тарқалиб кетдилар. Саккизинчи рабиъ ал-аввалда⁷³ (23 август, 1406) мирзо Абу Бакр Табризга келди, аммо тоун (касалиги) сабабли шаҳарга (94) кирмай, Шанби Ғозонга тушди ва у ердан⁷⁴ Нахичевон тарафига бориб, Малик Иззуддин олдига, Курдистонга (одам) юборди. Малик келгач, Қаро Юсуф борасида сўзлашдилар ва жанг қилишга қарор бердилар.

Ҳар икки жангталаб сипоҳ бир-бирига яқин етди; Арс суви икки гуруҳ ўртасида тўсиқ эди. Жумод ал-увло ойининг бошида (14 октябрь, 1406) икки тарафнинг далирлари ўқ ёйлардан элчи йўллаб савол-жавоб қилишдилар. Эртаси куни мирзо Абу Бакр сувдан ўтиб, сафларни ростлади ва жангга киришди. Назм:

Абу Бакр ҳисобсиз бир лашкар билан
худди Исфандиёрдек жангга киришди.
Ботир Қаро Юсуф паҳлавон⁷⁵
худди Рустамдек юриб майдонга кирди.

Мирзо Абу Бакр мардона жанглар қилди; аммо унинг лашкари жангдан юз ўгириб, бир қанчаси асир тушди. Мирзо Абу Бакр ҳам орқага қайтиб⁷⁶, Марандга келди ва Табризни талашга буюрди. Унинг лашкари ўнгу сўлда ҳеч бир таъминотли нарса қолдирмади. Фуқаро ва аҳоли жой ва масканлари билан видолашиб, кўплари азоб-уқубатда ҳалок бўлдилар. Шайх Қассоб амир Мазид Бакананинг (95) ч а н д о в у л бўлган икки навкарини қатлга етказди, бошқалар эса талон-тарожни тарк қилиб қочдилар. Шайх Қассоб кечаси саҳрода кўп олов ёқди. Мирзо (Абу Бакр) туркмонлар келди, деб гумон қилиб кўчиб кетди⁷⁷. Шайх Қассоб унинг орқасидан то Саидободгача борди. Мирзо Абу Бакр Султонияга келиб, қалъани мустаҳкамлади ва ўша қишни Рай мулкида ўтказди⁷⁸.

БАЁН ҚАВЧИННИНГ ИСЁНИ, УНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ВА БОШҚА КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Мирзо Абу Бакр Райда турганида (амир) Баён қавчининг Шаҳриёр қалъасида исён кўтарганлиги ҳамда Мозандаронга, мирзо Умар олдига (одам) юбориб: «Биродаринг туркмон лашкаридан қочиб хароб ва заиф ҳолда Қазвинда ғофил ўтирибди, менга бир гуруҳ (лашкар) юборгин, токи⁷⁹ унинг устига (96) юриш қилайлик», — деб айтганлиги хабарини эшитди⁸⁰.

Мирзо Абу Бакр бундан огоҳ бўлиб, Ширинбекни Қазвинда қолдирди ва ўзи Шаҳриёрга жўнаб, қалъани муҳосара қилди. Амир Баён қаттиқ жанглар қилди, аммо мирзо Абу Бакрнинг лашкари мардонавор олға юриб ф а с и л н и олди. Қалъа аҳлининг дили ҳам қўли жангдан тортилиб, омон тилади ва

қалъани таслим қилди. Мирзо Абу Бакр қалъани Али Сиддиққа топшириб, амир Баён ва унинг кишиларини ёсога етказди.

Мирзо Абу Бакр (Шаҳриёр) қалъасини муҳосара қилиб турган вақтда мирзо Умар Мозандарондан Райга бир лашкар юборди ва бу лашкар мирзо Абу Бакрнинг (Райдаги) уғруқи устига юриш қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек⁸¹, икки минг мўғул хонадонини Астробод томонга ҳайдаб кетди.

Мирзо Абу Бакр Совага бориб, раият устига омон моли юклади⁸² ва амирларни⁸³ Курдистон томонга юборди, улар кўп моллар келтирдилар, Абу Бакр эса Даргузин ва Ҳамадон тарафларга равона бўлди. Шу аснода Умар Катук (97) бир тўда амирларнинг мирзо Абу Бакрни орадан кўтариб мирзо Мироншоҳни қўллаб-қўлтиқлаймиз ва Султония ҳам Қазвинни талон-торож қилиб, Хуросонга борамиз деб иттифоқ тузганликлари ҳақидаги хабарни мирзо Абу Бакрнинг қулоғига етказди. Мирзо Абу Бакр Умар Катукка: «Бу сўзни асло бирор кишига айтмагин, мен ҳам буни эшитмаганман», — деди-да, амирлар: Тукал Ўрус Буқо, Пир Ҳусайн барлос ва Исмоил Аткаларни чақиртириб, ҳаммасини ҳибсга олди; уларнинг молҳолини Али Сиддиққа топширди⁸⁴. Мирзо Абу Бакр Нуширвон барлос ва Хожа Бердиларни ҳам ҳибсга олмоқчи бўлди-ю, бироқ улар бундан хабар топиб қочиб кетган эдилар.⁸⁵ Сўнгра у мазкур ҳибсга олинганларни ҳозир қилиб аҳвол сўради; Тукал Ўрус Буқо: «Бизни Исмоил Атка шу ишга бошлади», — деди. Мирзо Абу Бакр: «Кимни менинг ўрнимга тайин қилмоқчи эдинглар?» — деб сўраганида, улар: «Мирзо Мироншоҳни», — деб жавоб бердилар, мирзо Абу Бакр яна: «Унинг ўзи хабардормиди?» — деб савол берганида эса, «Йўқ», — деб жавоб бердилар. Мирзо Абу Бакр уларнинг ҳаммасини⁸⁶ қатлга етказиб, ҳар бирининг калласини бир вилоятга юборди⁸⁷, отасини эса ҳибсга олди. (Суиқасд) хабарини етказган Қутлуқхожа ва Умар Катукларнинг ҳар бирига бир мамлакатнинг хирожига баробар келадиган муҳташам камар тақдим

қилди. Отасининг амирларидан қайси бирининг бу кечмишдан хабари бўлса, қатлга етказди ва Даргузин сарзаминидан Арғун қўруқига жўнаб, — мисра, — бир неча кунни кўнгил истагандек ўтказди. (98)

МИРЗО УМАРШАЙХ ФАРЗАНДЛАРИ ОРАСИДА⁸⁸ ВОҚЕ БЎЛГАН МУХОЛИФАТЧИЛИК ЗИКРИ

Амир Идикунинг вафоти хабарини эшитган мирзо Искандар Кермон мамлакатини эгаллашни тама қилди ва Шерозга элчи юбориб, мирзо Пир Муҳаммаддан ўзини қўллаб-қувватлашни сўради. Лекин Шероздан жавоб келишидан илгарийёқ йўлга чиқиб, Рафсанжонга етди. У ерликлар Кермондан мадад келиб қолар, деган умидда жангга киришдилар, бироқ, Кермон тарафидан умидсиз бўлгач, омонлик тиладилар. Мирзо Искандар уларнинг гуноҳидан ўтиб, бирор кишига ҳам озор етказмади. Сўнг у Кубинонга келди. Бу ернинг доруфаси қочиб кетган эди, мирзо Искандар Кубинонга ҳам эга бўлди, Рафсанжон ва Кубинонда ишончли кишилардан қолдириб, Яздга жўнади. Амир Идикунинг ўғли Соҳиб Султон катта оломон билан Кубинонга келди. Мирзо Искандар қўлга киритган ўлжаларини Яздга юбориб, ўзи Кубинондан уч фарсах наридан орқага қайтди ва бир оз вақт Кермон лашкарига қарама-қарши туриб, куннинг охирида Кубинонга кирди. Кермон лашкарлари кўп сонли бўлишига қарамай, кечаси Кермон тарафига қайтди. Искандарнинг қаровуллари улар кетидан бир фарсанг ергача бориб, бирор кишини ҳам кўрмадилар. Мирзо Искандар Яздга қараб жўнади. Шундан сўнг кермонликлар Рафсанжон ва Кубинонни мирзо Искандарнинг гумашталари қўлидан тортиб олдилар.

Шу йили бузуқчи-фасодчиларнинг бўҳтонлари ва ҳасадчиларнинг фитналари билан мирзо Умаршайхнинг фарзандлари орасида (99) ваҳшат рақамлари ҳаракатга келди ва фитна оло-

ва аланга олиб шу даражагача бориб етдики, мирзо Пир Муҳаммаднинг буйруғи билан мирзо Искандарни ҳибсга олдилар ва (мирзо Пир Муҳаммад) Яздни бир ишончли кишисига топшириб, у ердаги хазиналарни Шерозга олиб келди. (Ҳамма) мавзелар ва атроф (ер)ларнинг доруғалари мирзо Пир Муҳаммаднинг ҳузурига келдилар, фақат Ноиннинг доруғаси бўлган Умар қурчигина келишдан бош тортди.

Мирзо Пир Муҳаммад Исфаҳонга қараб юрди ва Ферузон йўлидан келиб тўсиқларни бузишга, иморатларни вайрон қилишга ва экинларни пайҳонлаб ташлашга фармон берди. Мирзо Рустам (Исфаҳон) тахти эгаси бўлганлиги ва ҳеч ким жангга чиқмаганлиги сабабли мирзо Пир Муҳаммад (жанг қилмай) Исфаҳон яқинидан қайтиб Шерозга келди-да, Хонзода учун ҳаж йўли керак-яроқларини тайёрлатди ва мирзо Искандарни бандга солиб Хуросонга юборди. Мирзо Искандар Табасдан ўн тўрт фарсах нарида бандни узиб, биёбон йўли билан Исфаҳоннинг Ноинига келди. Мирзо Рустам унинг келишини катта бахт билиб, кўп иззат-ҳурматлар билан Исфаҳонга келтирди.

Мирзо Пир Муҳаммад уларнинг иттифоқлашганлигини эшитиб ваҳимага тушди ва мирзо Искандарнинг Шерозда бўлган навкарларини бандга олди. Шу сабаб бўлиб, мирзо Искандар ва мирзо Рустамлар иттифоқликда Шерозга қараб юзландилар.

Мирзо Пир Муҳаммад Банди Азд чегарасидан тортиб то Морон қалъасигача дарё ўзани соҳилининг кечиб ўтиш мумкин бўлган ерларини кўриқлаб турсинлар, деб буюрди ва Темурхожани манғлоӣ сифатида Танги Форук дарасига йўллади.

Мирзо Искандар Машҳади Модари Сулаймон алайҳиссаломга етиб, Камҳар қишлоғига жўнади. Темурхожа қарши тарафдан бу ерга етиб келди. **(100)** Бу ер шундай текис эдики, агар биронта чумчуқ қимирласа ҳам кўринар эди. Мирзо Искандар шафқатсиз равишда улар устига от қўйиб, ҳаммаларини тарқатиб юборди ва Темурхожа Танги Форукдек танг-

ликни қолдириб сувдан ўтди ва ўз фулига келиб қўшилди. Мирзо Пир Муҳаммад бу иш Искандар журъати (билан қилинганлигини) англади. (Шерозликлар) маслаҳатлашиб олишгач, барча тумонлар ва қўшунлар сувнинг лабини эгаллаб, кечикларни қўриқлаб турдилар.

Мирзо Искандар Танги Форуқдан ўтиб Канора қишлоғига келди. Мирзо Рустам фул лашкари билан етиб келди-ю, аммо кечикларни эгаллаш борасида ҳайратга тушиб қолди; кеч кириб, осмонни қора булут чулғади. Мирзо Искандар: «Агар бу кеча ёмғир ёғиб эртага дарё суви кўпайгудек бўлса, кечикдан ўтиш қийинлашади, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, шу кеча сувдан ўтиш керак»,— деди. Шу қарорга биноан кечикларнинг энг машҳури бўлган Канкарий кечигида Форс лашкарларининг рўбарўсида (бир тўда лашкарни) тўхтатиб ноғора чалдилар, мирзо Искандар эса (шу вақтда) Жашниён кечигидан сувга ташланиб, худди шамолдек нариги қирғоққа ўтди. Қолган кечиклардаги қўриқчилар бу хабарни эшитгач, ҳаммалари кечикларни ташлаб қочдилар. Мирзо Пир Муҳаммад вақт нозик бўлганлиги учун шундай катта гуноҳ қилганларига қарамай, қўруқчиларга жазо бермади ва Шерозга жўнаб кетди. Шамол ва ёмғир шу қадар кучли бўлдики, қиёмат кўзғалди ёки қайтадан тўфон содир бўлди, дер эдинг.

Ҳар икки лашкар бир-бирининг кетидан юриб намозшом пайтида шаҳарга етдилар. Мирзо Рустам Салм дарвозаси қаршисида лашкаргоҳ қуриб, ер лойлиги сабабли тоғ этагига кетди. Қуршов муддати қирқ кунга чўзилиб, аксар кунлар эртдан кечгача жангу жадал ва уришишу ўлдириш билан ўтди; охири, ғалаба муяссар бўлмагач, исфаҳонликлар (101) Шерознинг қишлоқларини ўраб олдилар, вилоятлардаги ҳ а ш а м ларни оёқ ости қилиб, бир дақиқа ҳам харобалик келтиришдан тўхтамасликни маслаҳат кўрдилар. Гўргини Лорий улар билан бирга эди. Исфаҳонликлар вилоятлару қишлоқларни талон-торож қилиб ва кўп ғаниматлар олиб Исфаҳонга жўнадилар.

САККИЗ ЮЗ ЎНИНЧИ

(1407—1408)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ БАЛХ ТОМОНГА ЮЗЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид шу йилнинг бошланишида (8 июнь, 1407) Пир Али Тозни даф қилиш учун давлату иқбол билан Балхга юришга отланди. Зафарпаноҳ сипоҳ ҳаракатга келиб ўн тўққизинчи муҳаррамда (26 июнь, 1407) Бодғис яйлоқидан йўлга чиқиб то Шайхзода Боязид лангарига етгунча жаҳонни сайр этувчи тулпорининг жilовини тортмади¹ ва сафар ойининг бошларида (8 июнь, 1407) султон байроғининг ҳумоси бахт соясини Андхуд ерига ташлади ҳамда у шаҳарни исёнкор тўданинг зулмидан қутқарди. Пир Али Тоз журъат қилиб то Пули Хатабгача келди ва кўприк тепасида ўрнашди. Ҳумоюн мавкаб Дука манзилига етди. (Бу ерда) Донахожайи қавчин ва мирзо Пир Муҳаммаднинг баъзи навкарлари етиб келиб, зафар белгили байроқларнинг отланганлигидан хабар топган Пир Али Тоз жангу жадал майдонидан юз ўтириб қочқинлик биёбонига шошилганлиги ҳақида арз қилдилар. Онҳазрат мирзо Саййид Аҳмад, амир Ёдгоршоҳ, амир Нуширвон, амир Ҳасан (102) сўфи, амир Чаҳоршанба² ва амир Жаҳонмулкларни³ Пир Али Тоз кетидан жўнатди. Амирлар унга етгач⁴, Пир Али санокли бир тўда билан ташқари чиқиб кетди ва унинг юклари⁵ ғолиб лашкар қўлига тушди. Пир Али билан бирга бўлганлардан қайси биригаки саодат кўмақдошлик қилган бўлса, у ҳумоюн ўрдуга келиб омонлик тилади ва онҳазрат ўз улуғворлик хулқи туфайли одат қилиб олганидек, уларнинг ҳаммасига омонлик жомасини бағишлади. Йигирманчи сафарда⁶ (27 июль, 1407) Балхнинг Қабқар (деган жойи)⁷ ҳумоюн манзилга айланди. (Бу ерда) Хулм лашкаридан бир тўдаси Хутталонга қараб юзланганлиги хабари шухратли қулоқларга етишди. Онҳазрат улар

орқасидан амир Ҳасан Жондорни жўнатди. Амир Ҳасан улар устига бостириб бориб ҳаммасини тарқатиб юборди.


Ҳумоюн мавқабнинг ғубори Балх шаҳрини муаттар қилганидан ва султонга тегишли соябоннинг хумоси у вилоят устига соя ташлаганидан кейин Пир Али Тоз кетидан кетган амирлар уни вилоятидан ташқари чиқариб,— мисра,— фатҳу зафар билан қайтиб келдилар.

Амир Кайхусравнинг ўғли, Хутталон ҳокими Султон Маҳмуд ва амир Улжойтунинг ўғли, Соли Сарой ҳокими Хожа Алилар пешкашлар юборишиб хизматкорлик вазифасини бажо келтирдилар.

Ҳазрат хоқони сайд амир Қаноширинни Самарқандга⁸ йўллади. У тарафдан амир Оллоҳдод, Сейди ва Мансур Хуморийлар Термиз шаҳрига келган эдилар, улардан Мансур мулозимат қилиш давлатига етишди. Онҳазрат амир Жаҳонмулк

ва амир Фармоншайхларни амир Оллоҳдод олдига **(103)** юбориб: «Биз Халил Султонга нисбатан ҳали ҳам ўша аҳдда-миз», — деб хабар берди. Амирлар бориб амир Оллоҳдод билан сўзлашиб қайтиб келдилар. Онҳазрат (ўз) саодатманд фарзанди тангри поклигини зиёда қилгур Бегикони олиб келсинлар, деб амир Фармоншайхни мирзо Халил ҳузурига юборди. Мирзо Халил Султон амир Қаноширин билан биргаликда элчи йўллаб, шунқор, кўп тортиқлар ва подшоҳона совғалар жўнатди.

Шу аснода Пир Али Тоз Яккаўлангда ўтирганлиги ҳақида хабар келиб, онҳазрат амир Мизроб, амир Тукал барлос, амир Шайх Луқмон барлос ва амир Алибек баковуларни у тарафга тайин қилди. (Шунингдек) бундан ўттиз тўққиз йил бурун ҳазрат соҳибқирон ўз подшоҳлигининг бошланишида хароб қилгани Балхнинг Ҳиндувон қалъасини⁹ тузатсинлар, деган олий фармон содир бўлди. Бир (тўда) лашкар ва раиятлар бир қанча вақт зўр ҳаракатлар кўрсатиб у тупроқ тепани тузатиш билан машғул бўлгач, уни обод қилдилар. (Хоқони сайд) Балх вилояти ҳукуматини бахтли шаҳзода мирзо Пир



Муҳаммад (ибн мирзо Жаҳонгир) шаҳиднинг азиз фарзанди бўлмиш мирзо Қайдуга топшириб, онҳазратнинг навкарлари бўлган амир Шамсуддин Учқаро ва амир Тукал барлосларни мирзо Қайдуга қолдирди ва амир Жаҳонмулкка, токи мамлакат мирзо Қайду қўлида қарор топгунига қадар, бир неча вақт Балхда туришни буюрди. Сўнг хумоюн мавкаб орқага қайтиб Шибирғонга келиб тушди¹⁰. Шу аснода Самарқанд тарафидан амир Фармоншайх етиб келиб, маҳди олия Бегикони етказди ва хурсандликнинг ортишига сабаб бўлди.

Онҳазрат Андхуд ерларини амир Саййид Аҳмад тархоннинг суюрғоли қилиб тайинлади¹¹ ва қайтиш байроғини **(104)** доруссалтана Ҳирот томон кўтариб, рабиъ ал-охирнинг ўртасида¹² (19 сентябрь, 1407) давлат пойтахтига қайтиб келди. Назм:

(Хоқон) ҳазратларининг шуҳрат пойтахтига
етиб келиши,

Олоҳи таолонинг кўмаги билан хайрли бўлсин.

Пир Али Тоз кетидан юборилган амирлар унга етдилар; жангу жадал олови аланга олиб, Пир Али гумроҳлик байроғини тиклади, аммо, — мисра, — қочишдан бошқа чора топмади. Ишонч юзи қорайган ва умид кўзи хиралашган ҳолда Ҳиндукуш довони томон йўл олди. Амирлар — мисра, — фатҳу зафар билан қайтиб келдилар. (Хоқон) ҳазратларининг яхши навқари бўлган амир Алибек¹³ илоҳий тақдир туфайли жанг (маъракаси)да шаҳидлик саодатини топди. Унинг фарзанди амир Абдулали бир неча йиллар давомида (отаси ўрнида) мўътабар кишилар қаторида сафда турди. Амир Жаҳонмулк Балх вилоти ва унинг атрофларининг ва мирзо Қайду ҳукуматининг муҳим ишларини бажариб, фитна-фасодчиларни кўчириб ва Пир Али Тознинг иттифоқчиларини ёсоға етказиб (Ҳиротга) қайтиб келди.

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ ИККИНЧИ МАРТА МОЗАНДАРОНГА ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳоқони саид ҳазратларининг ҳумоюн мавкаби Балх юришидан доруссалтана Ҳиротга қайтгач, Мирзо Улуғбекнинг навқари келиб Пир подшоҳ бебош ва паст кишиларни, жоний қурбоний ва тукалий (уруғлари) кишиларини тўплаб¹⁴ Мозандаронга келганлиги ва Астробод қалъасини муҳосара қилиб турганлигини, ҳукмга мувофиқ у ернинг кутволи бўлмиш Шамсуддин Али Жамшид Қоран эса зарар кўриш танглигию хатарга учраш ҳолатида эканлигини арзга етказди. Бу ҳикоят тингланиш шарафига етишгандан кейин: **(105)** «Амир Мизроб Сеистон ва Гармсер чегараларига бориб, ўша ерда қишласин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. (Ҳоқони саид) давлат нури дийдаси, салтанат боғи ниҳоли Абу-л-Фатҳ Иброҳим Султонни доруссалтана Ҳиротда қолдириб, амир Намадакни унинг ёнига қўйди ва жумод ал-охирнинг ўн саккизинчисида (20 октябрь, 1407) ҳумоюн мавкабга Башарту манзилига юришга буюрди¹⁵ ҳамда Кусавия қасабасига (етганда) лашкарларга ҳар киши бир йўл билан юрсин, деб тайинлади. Ҳазрат хоқони саид Жом ва Машҳад йўли билан юришга қарор қилди. Амир Ҳасан Жондор, амир Ферузшоҳ, амир Шайх Али Ҳанак ва амир Ажабшерлар эса Зова ва Муҳаввалот йўли билан жўнадилар.

Ғалаба белгили байроқлар Машҳади муқаддаснинг Турк мавзеига етиб, бу ерда амир Шоҳмалик келиб палос ўпиш иззатига эришди. Онҳазрат муқаддас нурли қуббани зиёрат қилиш шартларини бажо келтирди ва ундан мадад тилаб Ройгонга жўнади. Бу ерда хуросонликларнинг Пир подшоҳдан ажралганликлари ҳақида арз қилдилар. Хўжон қасабасида Мирзо Улуғбек (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш шарафига етишиб тўй бериш ва пешкаш-тортиқлар тақдим қилиш расм-русумларини бажо келтирди. Хожа Қанбар манзилида эса амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Шайх Луқмон барлос ва Али-

ка кўкалтошлар Бодғис, Сарахс, Марв, Мохон ва у вилоятларнинг бошқа (ерларидан йиғилган) лашкарлари билан етиб келдилар¹⁶. Амир Учқаронинг ўғли Абу Муслим Мозандарон тарафидан келди-да Пир подшоҳнинг зафарпаноҳ сипоҳ овозасидан (қўрқиб) **(106)** қочиш йўлига тушганлиги ва Рустамдор тарафига кетганлигини арз қилди. Ҳумоюн мавкаб шошилини равишда йўлга чиқиб, қуёш нурли байроқнинг оии Астробод саҳроси уфқидан тулуъ қилди ва Мозандарон мамлакати яна қайтадан забт этилиб, сақланиб қолди. Атроф мамлакатларга фатҳномалар юборилиб, (хоқони саид) Чўбин қавчинни Самарқанд тарафига, мирзо Халил Султон ҳузурига йўллади; Астробод қалъасини мустаҳкамлаб, унинг к у т в о л лигига Абу Лайсни тайин қилди; Шосмон қалъасини тузаттириб, уни муҳофазат қилиш учун Шайх Султонни қолдирди. Мамлакатнинг муҳим ишлари йўлга қўйилиб, салтанатнинг барча зарур ишлари тартибга тушди. Байт:

Замона ҳолатининг тартибга тушишию дунё ишларининг
тикланиши

Жаҳон шоҳининг қутли хоҳиши бўйича охирига етди.

(Хоқони саид) Мозандаронда қишлашни маъқул кўрди. Муртазойи аъзам амир Саййид Иззуддин Ҳазора Жарибий¹⁷ мулозимат қилиш саодатига мушарраф бўлди. Ҳамиша саййидлар аҳволига лутф билан қаровчи онҳазрат Домғон ерларини унга с у ю р ф о л қилиб беришга буюрди; бутун Мозандарон мамлакати ҳокимиятини идора қилиш ишларини бошқа мамлакатларга қўшимча қилиб саодатли ноиб, олижаноб шаҳзода Мирзо Улуғбекка қолдирди, сўнг жаҳонни фатҳ этувчи жиловни Хуросон тарафига буриб, лашкарларга ижозат буюрди ва йўл-йўлакай шикор қилиб¹⁸ Сарахс тарафидан келди ҳамда зу-л-қаъданинг тўққизинчисида (6 апрель 1408) давлат пойтахти ва мамлакат тахти бўлмиш доруссалтана Ҳирот онҳазратнинг оёғини ўпиш шарафидан иззату улуғлик ва бахту иқболга эришди. **(107)**

**АМИР ЖАҲОНМУЛК ВА У БИЛАН ИТТИФОҚ
БЎЛГАН БИР ГУРУХНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ
ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТ АҲВОЛИ ЗИКРИ**

*А*мир Жаҳонмулк қавчинлар қабиласидан бўлиб, амир Милкатнинг ўғли ва амир Хорийнинг амакиваччаси эди ҳамда ҳазрат хоқони саиднинг болалик чоғларида мулозим бўлган ва хизматкорликдаги зийраклик, жонсипорликдаги хушмуомалаликларни шундай бир тарзда ўрнига қўйган эдики, ҳатто эъзозикромга эришган ва сарой аҳли орасида мумтозликка етишган эди. Олам салтанати тахти онҳазратнинг вужуди билан мушарраф ва мукаррам бўлгандан кейин, Жаҳонмулк хизмат майдонида эпчиллик тўпини барчадан тортиб олди ва амир Саййидхожа воқеаси содир бўлганидан кейин эса, унинг м у ч а ва мансаби ҳам Жаҳонмулкка ўтди. Унинг амр қилиш ва ман этишлари аҳволни қовуштиришу ажратишда, мол-мулкни орттиришу асослашда барчани бўйсундирадиган ва шак-шубҳа туғдирмайдиган даражага етгач, давлат қувватининг шаро-би ва ҳукумат қудратининг кайфидан унинг димоғи шишиб, итоат бўйинбоғидан бош тортди ва итоаткорлик жомасидан юз ўтирди. Бунинг сабаби қисман шундай: онҳазрат Мозандарондан бир лашкарни Сеистон тарафига (ўтказишга) тайин қилган вақтда¹⁹ лашкарларни тўплашга буйруқ берган эди; давлат мулклари соҳиб де в о н и бўлган Хожа Гиёсуддин солор ясама бир моддаю, сохта бир рўйхатни кўрсатди. Унда амирлар ва давлат арбоблари номига қайта-қайта жамлаш билан ҳар бир тухум (ўрнига) бир товук, ҳар бир м а н гўшт (ўрнига) бир қўй, ҳар бир м а н арпа (ўрнига) ўн м а н (арпа) ва ҳар бир тўрва сомон (ўрнига) бир х а р в о р (сомон)ни ҳисобот нухасига ёзган эди. Ўша йили (бу хил) нарсалар жуда қиммат эди. Хожа **(108)** Гиёсуддин бу уйдирмаларни ўз дафтаридида акс эттирди; туркларнинг т и ю л л а р и н и н г²⁰ бирини тўрт қилиб ҳисобга киритди ва натижада, ҳаммани ўзидан ранжитди, балки (уларни) лашкар бошлиқлари олдида гуноҳкор қилди.

Шундай қилиб, бу ҳисобот шунга олиб келдики, бордию рўйхат ҳумоюн арзга етказилса ва у ҳазрат (тўлашга) ҳавола қилса-да, мол бўлмай қолса, илтифотсизликка учрайдиган бўлди. Бир тўда нодонлар исён кўтаришга иттифоқ туздилар ва зу-л-қаъданинг охирида (27 апрель, 1408) амир Жаҳонмулк ўз хеш-ақраболари билан, амир Ҳасан Жондор ўз ўғли Юсуф Жалил билан, Саодат ибн Темуртош биродари билан ҳамда Баҳлул ибн Бобойтемур, Султон Боязид Усмон ва Намадаклар ҳазрат хоқони сайдга суиқасд қилишга ўзаро аҳд қилдилар. Лекин парвардигор инояти онҳазратнинг посбони бўлганлиги туфайли бу маънининг бир учи унга маълум бўлиб қолди ва Сеистон тарафидан келган амир Мизробни чақиртирди. Исёнчилар шарафли қулоқларга бирор сўз чалинганлигини сезиб, Сеистонга кетаётган лашкарга қўшилиб олишни истадилар ва шу қарорга биноан Жузўланг тарафига жўнадилар.

Онҳазрат ҳумоюн узангининг мулозими бўлган бир тўда баҳодирлар билан отга минди. Амир Мизроб гуноҳкорларга етиб бориб қаттиқ жанг қилди. Мизроб баҳодирнинг юзига катта захм етди; уни шаҳарга олиб кирдилар. У беоқибатлар эса Корубор²¹ сувидан ўтиб, сувни ўзларига ҳисор қилдилар²². Онҳазрат сувнинг бериги тарафида турди ва Сеистонга жўнатилаётган лашкар²³ гуруҳ-гуруҳ келиб хоқон ҳазратларига қўшила берди, гуноҳкор жамоатнинг ҳар бири бир тарафга қараб қочди. Амир Ҳасан Сўфининг қўшун аҳли саодатсиз Саодатни биродари билан бирга ва Аҳмад Оқбуқони Бодғисдан тутиб олиб келди; **(109)** Саодат ёс ога етди, унинг биродари ва Аҳмад Оқбуқони озод қилиб юбордилар. Жаҳонмулк билан Намадакни амир Черкас Мохонда ушлаб олиб, боғланган ҳолда Ҳиротга юборди. Булар Чихил духтаронда йўқлик шарбатини тотдилар. Мисра: Ҳар ким исён кўтарса, унинг жазоси мана шу!

Амир Ҳасан Жондор ва ўғли Юсуф Жалиллар Табас биёбони йўли²⁴ билан Исфаҳонга, мирзо Рустам ҳузурига кетдилар. Султон Боязидни эса Жом атрофидан тутдилар, лекин у

мирзо Иброҳим Султоннинг шафоати билан жон сақлаб қолди. Мисра: Осийларда шафоат туфайли нажот топишга умид бор; <у (тангри), албатта, олийжаноб, сахийдир>.



ПИР АЛИ ТОЗНИНГ БАЛХ ТЕВАРАГИГА КЕЛГАНЛИГИ ВА ҚАТЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Мирзо Қайду Балхдан элчи юбориб, Пир Али Тоз яна одам тўплаб Бадахшондан мадад олганлиги ва Балхга юзланганлиги ҳақида арз қилди. Ҳазрат хоқони сайд ғалаба шиорли баҳодирларни илғор тариқасида у тарафга юришга тайинлади ва ғолиб лашкар Балх атрофида Пир Али Тозга дуч келиб, биринчи ҳамладаёқ Пир Али Тоз ўз бошини қутқаришга мажбур бўлди, бадахшонликлар эса ўз вилоятларига қочдилар. Пир Алининг ҳазора (қавми)дан бўлган сардорлари машварат тузишиб «Бу фасод хамиртуруши токи бизнинг орамизда экан, фитначилик камаймайди», — деб иттифоқ туздилар (110) ва уни тутиб, тахт орзусини қилган бемағз калласига сомон тўла-тиб, доруссалтана Ҳиротга юбордилар. Қитъа:

Сенинг тигинг душманнинг бемағз калласи суягидан
ҳумога устихон бергандек чархнинг насрайн (юлдузлари)га
устихон элтиб беради.

Сенинг олдингда маҳмадоналик қилган ҳар бир
енгилтак бошга
замона офир гурзи билан жазо беради.



У вилоятнинг аҳолиси фароғат тўшагида хотиржамликка эришиб, давлат давоми дуосини зиёда қилдилар.



ФОРС МАМЛАКАТЛАРИ ВА АЖАМ ИРОҚИ ШАҲАРЛАРИ ҲИКОЯТИ



Мирзо Пир Муҳаммад ўтган йилги (мағлубияти учун) интиқом қарорини қатъий қилиб, лашкар аҳлига кўп тортиқ-



лар берди ва тугал яроғ-аслаҳалар билан Ироқ ва Исфаҳон йўлига тушди. Мирзо Рустам эса ўтган йилги ғалабадан мағрурланиб юрган эди, амир Ҳасан Жондор ва унинг номдор ўғилларининг келиши мағрурликнинг янада ошишига сабаб бўлди. Ўша кунларда вабо касалиги сабабли Исфаҳон аҳоли-сидан кўплар ҳалок бўлдилар.

Мирзо Рустам Гандумон яйлоқида (турганида) Форс лашкари (келганлиги) хабарини эшитди²⁵. Бир гуруҳ (яқинлари) уни сулҳ тузишга ундадилар, аммо мирзо Рустам манманликка бориб: «Шероз қарвонидан бир тўдаси биз учун табрик (совғалари) олиб келмоқда, холос», — деб жавоб берди.

Мирзо Пир Муҳаммад яқин етиб келгач, мирзо Рустам уғруқни қолдириб икки фарсанг илгари юрди ва жанг мавзеини танлаб тўхтади. Икки тарафнинг қаровуллари бир-бирларини кўрдилар ва у кечани тонг отгунга қадар посбон қўйиб ўтказдилар. Эрта билан эса мирзо Пир Муҳаммад уруш ноғораси тантанасини бошлади ва бурғу садосию курко ҳайбатидан гардун гумбазига зилзила солди ҳамда лашкар сафларини тузиб, буронғорга замона Рустами бўлмиш Жалбоншоҳ барлос ва Тоҳир ибн амир Сайфуддинни (111) тайинлади, қулни амир Саид барлос, Шайх Муҳаммад Жавон ва Сиддиқларга топширди, жувонғорга эса номдор амирлар билан биргаликда Хожа Ҳусайн шарбатдор муқаррар қилинди. Мирзо Рустам тарафидан қулда Султоншоҳ ва қози Аҳмад Соидийлар турди, жувонғорда Содир ўғлон ва мирзо Искандар, буронғорда эса мирзо Рустам ва амир Ҳасан Жондорлар қарор топдилар.

Ҳар икки саф бир-бирига рўбарў тургач, мирзо Рустам шошилиб Форс лашкарига ҳамла қилди. Икки тарафнинг баҳодирлари ва икки томоннинг диловарлари бир-бирларига ташланиб мардлик ва мардоналик додини бердилар. Оқибат исфаҳонликлар қочишга юз тутиб, мирзо Рустам Кошонга келди, унга амир Ҳасан Жондор ва унинг ўғиллари, Султоншоҳ ва Маҳмуд Оқбуқойилар мулозим эдилар; мирзо Рустам уларни Кошонда қолдириб, ўзи фарзандлари билан Хуросонга

жўнади; бунинг шарҳи, худо хоҳласа, кейин келади²⁶. Мирзо Искандар ҳам Хуросонга қараб йўналди.

Мирзо Пир Муҳаммад интиқом олиб бўлганидан кейин: «Ҳеч бир яратилган махлуқ бирор кишига тегмасин; жанг кунда қўлга туширганларидан ташқари ҳеч бир кимсага дахл қилмасинлар», — деб буюрди. Омонлик хабарини эшитган исфаҳонликлар тўда-тўда ва қўшун-қўшун бўлиб кела бердилар, мирзо Пир Муҳаммад эса, ўзининг мақтовли одатига амал қилиб, уларнинг ҳаммасига меҳрибонлик кўрсатди ва яхши муомалада бўлди.

Форс лашкари бир неча кун, токи от-уловлар семирғунича, Шаҳрак ва Гандумон кўкаламзорларида турдилар. Амир Ҳасан жондор фарзандлари билан бечоралардек Кошондан мирзо Пир Муҳаммад ҳузурига келди. Шу аснода ҳазрат ҳоқони саиднинг элчиси етиб келиб, уларнинг қочиб кетганликлари хабарини етказди. Мирзо Пир Муҳаммад уларнинг ҳаммасини бандга олишга буюрди ҳамда Муҳаммад Қипчоқий ва Исо баковуларни кузатувчиликка тайин қилиб (112) элчи билан биргаликда Хуросонга жўнатди. Аммо бандилар Бароон булукидан ўтганларидан кейин бандларни синдириб, қўриқчиларни боғлаб, ўзлари бош олиб қочдилар.

Мирзо Пир Муҳаммад Кошон, Журбодқон ва бошқа булуқлар муомаласидан лутф ҳам қаҳр ишлатиб хотирини жам қилгандан сўнг Исфаҳонга йўналди. Офтоб сунбула (буржи)га қараб кетганлигига қарамай Исфаҳон ғалласи вабо балоси сабабли ўрилмай ётган эди, мирзо Пир Муҳаммаднинг муборак қадами шаҳарга етгач, вабо машаққатидан ҳеч бир асар қолмади ва шаҳарда қайтадан маъмурчилик бошланди.

Мирзо Пир Муҳаммаднинг буйруғи билан мол ва харожа тегишли дафтारларни²⁷ буткул сувга ювдилар. У Исфаҳонни ўз ўғли мирзо Умаршайхга бериб, амир Саид барлос, Шайх Муҳаммад Жавон ва Фозилларни унинг ҳузурига қолдирди; де в о н м о л и н и бошқаришни эса Хожа Музаффаруддин Масъуд Натанзийга ўтказди ҳамда Шайх Ясовулни Кошон ҳукуматини идора қилишга юборгач, ўзи Шерозга қайтди ва давлат пойтахтида ором топди.

**МИРЗО АБУ БАҚР ВА АМИР ҚАРО ЮСУФ
(ТУРКМОН)ЛАР МУҲОРАБАСИ
ВА МУЪИЗЗУДДИН МИРЗО МИРОНШОҲ
КЎРАГОННИНГ ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Абу Бақр ўзининг бир неча муътабар навкарини Даргузин мавзеида (113) қатл қилиб, Арғун қўруқига қараб кетгани ва бир неча вақт у ерда тургани юқорида айтиб ўтилган эди²⁸. Ногоҳ Шукруллоҳ Жамолуддин булғор, Бердибек ва Шарафшоҳ Торамийлар (809 йил) зу-л-ҳижжанинг охирларида²⁹ (7 июнь, 1407) Шайх Ҳожи Ироқийни ўлдирганликлари³⁰ ҳақида хабар келди. Мирзо Абу Бақр шодлик ногорасини чалишга буюриб Арғун қўруқидан чиқди ва Сижос йўли билан Гўзал дарага келиб, бир-икки ой турди. Бу ерда Шукруллоҳ унинг қўлини ўпиш шарафига етишди ва вазирлик олий мансабига сазовор бўлди. Шу орада амир Қаро Юсуфнинг Султония тарафига юриш қилиб келаётганлиги хабари аниқланди.

Мирзо Абу Бақр Дарвиш қушчини икки юзта эпчил йигитлар билан Султонияда қолдириб, Рай ўлкасидан Дамованд тоғининг этагига кетди ва ёзни ўша ерда ўтказди.

Амир Қаро Юсуф ва туркмонларнинг амирлари Султонияга келиб, бир кеча шу ерда бўлдилар ва эртасига Султонияни ғорат қилиб, аҳолисини оилалари билан Табриз, Марофа ва Ардабилга кўчириб олиб кетдилар. Шу аснода Султон Увайснинг қизи тарафидан набираси бўлган Султон Зайнулобидин ибн Шоҳшужонинг ўғли, (бир вақтлар) ҳазрат соҳибқироннинг зарбасидан қўрқиб қочган Султон Муътасим қайтиб келди ва Қаро Юсуфдан паноҳ тилади. Қаро Юсуф унга марҳамат кўрсатиб, Ҳамадон ва Луристонга жўнатди; ўзи эса Табризга кетди.

Мирзо Абу Бақр Қаро Юсуфнинг қайтиб кетганлиги хабарини эшитиб Султония томон кетаётган кезде, Шукруллоҳ булғор Гилоннинг ҳокими амир Саййид Ризокиёга бўйсунганлиги (114) ва Қазвиндан Рудборга кетганлигини эшитди. Мирзо Абу Бақр Қазвинга келиб, Хожа Шарафуддин Холидий

ва Саййид Иззуддинларга бир гуруҳни қўшиб Шукруллоҳни олиб келишга юборди. Улар Шукруллоҳни ишонтириб Қазвинга олиб келдилар. Мирзо Абу Бакр унинг (гарданига) кўп мол ҳавола қилди ва у натижада, қийноқ азобидан ҳалок бўлди.

Мирзо Абу Бакр жумод ал-аввалнинг ўрталарида (18 октябрь, 1407) Султонияга келиб орадан икки кеча ўтгач, Ардабилга жўнади ва у атрофларни уч кун талон-торож қилиб уфруққа кўп ўлжалар етказди. У Мароғани ҳам талон-торож қилди, лашкар аҳли хотинлар ва болаларга нисбатан беқоида ишлар қилдилар; сўнг у Жийжамолда қишлоқ қилишга қарор бериб, Курдистонга лашкар юборди ва лашкар кўп ўлжалар келтирди. Мирзо Абу Бакр баҳоргача айшу ишратда кун кечирди ва шу ерда эканлигида жоний қурбоний амирларидан бўлмиш Наврўз ва Абдурахмонлар беш минг отлиқ билан Самарқанд тарафидан чиқиб Хоразм ва Мозандарон йўли билан Рай чегараларига етиб келганликларини эшитди. Мирзо Абу Бакр элчи юбориб уларнинг ҳаммасини ўз тарафига оғдирди; улар Даргузинга тегишли ерларда турган унинг ўрдусига келиб қўшилдилар ва ҳаммалари инъом-икромлар билан тақдирландилар. Мирзо Абу Бакр улар билан давлат ишлари борасида машварат тузиб, маслаҳат Озарбайжонга юриш қилишга ва у мамлакатни туркмонлардан халос қилишга қарор топди. Сўнг улар Табризга қараб юрдилар. У тарафдан амир Қаро Юсуф огоҳ бўлиб, ўн олтинчи зу-л-қаъдада (13 апрель, 1408) Шанби Ғозонга келди ва табризликлар унинг атрофига бир хандақ қазидилар ҳамда амир Бистом Жоғир биродарлари Мансур ҳам Маъсум ва ўғли Ахий Фараж³¹ билан ҳамда амир Ҳусайн Саъд ва биродари Муҳаммадлар қарийб³² (115) йигирма минг келадиган суворий ва пиёдалар билан Қаро Юсуф ҳузурига йиғилдилар.

Икки тарфнинг тўқнашиши зу-л-қаъданинг йигирма тўртинчисида (21 апрель, 1408) Сардруд манзилида воқе бўлди. Ўнг қанот, чап қанот, қалб ва жанохларни тартибга келтириб ҳар икки тараф жангга юз тутдилар. Байт:

Ном чиқарган диловар Қаро Юсуф
худди Исфандиёрдек жангга кирди.

Амир Бистом майдонга от қўйиб икки кишини ночор қилди, Пир Умар, Байрамбек ва Жалолуддин халифалар бир неча кишига захм етказиб сафдан қочирдилар. Мирзо Абу Бакр бу ҳолни мушоҳада қилиб, — байт, —

Майдонда овга кўзи тушган шердек
ва баҳор булути каби наъра тортди, —

ва яқин келган туркмонларни улоқтириб Жалолуддин Дизакни қатл қилди. Икки тарафнинг лашкар аҳли бир-бирига ташланиб шундай аралашиб кетдики, ҳеч ким голиб билан мағлубни аниқ фарқ қила олмас эди. Шеър:

Табриздан бошлаб то Сардруднинг этагигача
сипоҳийлар қони худди анҳордек оқди.
Мурдаларнинг кўплигидан жанг майдонида,
ҳеч бир кишининг юриб ўтишга имкони йўқ эди.

Мирзо Абу Бакр худди оч қолган шеру йиртқич бўридек ҳар тарафга ташланиб кишиларни афдариб ташлар, унинг ҳар томонга қилаётган ҳамласи (вақтида), — мисра — агар Фаридун дуч келса, унга ҳам бас келган бўлар эди. Жангу жадал денгизига шўнғиб кетган мирзо Абу Бакр бир вақтлардан кейин ўз мақомига қайтиб келиб, сипоҳини парокандалиқда кўрди. Қазо (116) Муиззуддин подшоҳ, мирзо Мироншоҳ салтанати бисотини тўқнашиш пайти ва жанг асносида ҳисобдан ўчирди ва тақдир котиби унинг номига йўқлик фармонини битди. Байт:

У ҳам бу гузаргоҳдан ўтди
Бу йўлдан ўтмайдиган ҳеч бир кимса борми?!

Мирзо Абу Бакр қочишга қарор бериб, Султонияга жўнади ва туркмонлар кўп ғаниматларни қўлга киритдилар. Бир туркмон бахтли султон мирзо Мироншоҳ шаҳиднинг бошини

Қаро Юсуф олдиға келтирган эди, Қаро Юсуф қахрланиб, у туркмоннинг гарданини узишга буюрди ва бахтли подшоҳ (Мироншоҳ)нинг бошини танаси билан бирга тўла иззатини бажо келтириб ювдирди; уни Сурхобда қабрга қўйдилар. Бир қанча вақтдан сўнг Шамс Фурий номли бир киши дарвишлар суратида унинг суякларини Мовароуннаҳрга етказиб, қуббат ул-хизро Кешда дафн этилди. Мисра: ганжнинг маскани тупроқ кунжидир. Тонг агар бу воқеадан жома йиртса — содиқ, ой агар бу ҳодисадан юзини тирнаса — ҳақли, булут агар бу ғамдан сув ўрнига қон ёғдирса — сазовор, дарё агар бу мотам туфайли оқишдан тўхтаса — раводир; офтобни меҳр деб атаб бўлмайди, чунки у (мирзо Мироншоҳ) ўлиmidан кейин ҳам шуъла сочди; шафақни эса мушфиқ деб бўлмайди, чунки унинг дили (мирзо Мироншоҳ учун) куймади. Амир Қаро Юсуф: «Агар уни менинг олдимга тирик ҳолда келтирганларида мен унга тегишли тарзда эътибор кўрғазган бўлур эдим», — деди.

Амир Қаро Юсуф бу доврўқли ғалаба эвазига ҳазрат парвардигорга шукр саждасини бажо келтирди ҳамда амирлар (117) ва диловарларга лутфу марҳаматлар кўрсатиб (тарқалишга) ижозат берди. Амир Бистом ўз вилояти Ардабилга борди ва зўр тайёргарлик кўриб, Ажам Ироқига жўнади ва Султонияга келди. У илгарироқ ўз ишончли кишиси Дарвиш Ҳомид Олаштийни мирзо Абу Бакр тарафидан Султония қалъасининг кутволи бўлиб турган Дарвиш қушчи ҳузурига элчи қилиб юбориб, турли-туман (ваъдалар билан) ўзига оғдирмоқчи бўлди, лекин сира фойда бермади. Сўнг амир Бистом (саккиз юз) ўн биринчи йил муҳаррам (ойи)нинг ўртасидан (10 июнь, 1408) сафар (ойи)нинг ўрталаригача (9 июль, 1408) жанг қилиш ва зарба беришлар билан машғул бўлиб, ўн еттинчи сафар (12 июль, 1408) жума куни қалъани бўйсундирди ва унинг муҳим (керак-яроқ)ларини ҳозирлаб, қалъа кутвол лигини ўз биродари Маъсумга топширди. Амир Қаро Юсуф амир Бистомга кўп инъом-икромлар кўрсатиб Ажам Ироқи ҳукуматини унга берди.

СУЛТОН АҲМАД БАҒДОД ҲИКОЯТИ

Султон Аҳмад ана шу (сақкиз юз) ўнинчи (1407—1408) йили Бағдод борусини мустаҳкамлаш ва (атрофига) хандақ қазииш ишида кўп жидду жаҳд кўрсатди. Йил охирларида³³ Султон (Аҳмад)нинг ўғли шаҳзода Алоуддавла Самарқанд ҳибсидан халос топиб, Бағдодга яқин етиб келди. Султон унинг истиқболига чиқди ва у кўз қорачиғига назари тушгач, иштиёқининг зўрлигидан отдан тушди; азиз фарзанд эса шуҳратли отасининг оёғига йиқилди ва улар бир-бирлари билан қучоқлашиб, отаси ўғлига дилдорликлар кўрсатди. Улар шаҳарга киришиб (118) бир неча кунни айш-ишратда ўтказдилар, сўнг бир қанча муддат ўтгач, Султон (Аҳмад) шаҳзодани Ҳиллага юборди ва Алоуддавла у ерда фароғатга эришиб, ишратга чўмди. Подшоҳ Аҳмад ҳам маълум одати бўйича шароб ичиш ҳамда болалар ва ҳурлар лаззатини тотишга берилди. Шаъбон ойининг охирида (29 январь, 1408) шоҳ Алоуддавла ўғил кўрди. Унга Шайх Ҳусайн деб ном қўйдилар. Султон тўй муносабати билан Ҳиллага жўнади. Катта базм тузиб бир муддат айш-ишрат билан машғул бўлдилар. Сўнг Султон қайтиб келиб қишни Бағдодда ўтказди ва баҳор киргач, фарзанди (Алоуддавла)ни чақиртириб, хушвақтлик билан кун кечирдилар. Мисра: қулай келган ҳар бир бахтли дамни фанимат билгин!

САККИЗ ЮЗ ЎН БИРИНЧИ

(1408—1409)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ШАҲЗОДАЛАРНИНГ ХАТНА ТЎЙИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид тангри раҳмат ва саломларини йўллагур пайғамбарнинг суннатига мувофиқ шодмонлик саҳифасининг унвони, бахту қудрат чехрасининг жамоли, дил мевасию умр ҳосили, — байт:

Бахтиёрлик конининг икки гавҳари
Қудратлилик қасрининг икки дурри, —

бўлмиш фарзандлари: давлат ва диннинг кўмакчиси мирзо Бойсунғур ва диннинг куч-қудрати Муҳаммад Жўгий баҳодирлар (пайғамбар томонидан) таъкидланган суннату (119) асосланган қоидани бажо келтирсинлар, деб буюрди. «Тўй ас-боблари ва (бошқа) керакли нарсаларни муҳайё қилсинлар», — деган олий фармон содир бўлди. Бу суннат шуҳратини юқори олам сомелари эшитдилар ва бу ҳумоюн тўй овозаси рубъи маскун чеккаларигача бориб етди. Самолар чеккалари бўйлаб сайр этувчи, манзиллару мақомлар бўйлаб саёҳат қилувчи ой бу тўйнинг башорат дўмбираси ва бу хурсандликнинг шодлик ноғорасини осмон томида туриб чалди; илмларни ихтиро қилувчи ва юлдузлар ҳукмларини чиқариб берувчи Уторид (сайёраси) қавсуннаҳор баландлигини даража ва дақиқалари билан ҳисоблаб чиққач, вақт толеи давлат юксалишию саодат насибасини ўз ичига олган, деб ихтиёр қилди; осмон саропардасининг тор чалувчиси бўлмиш Ноҳид (ситораси) чанг хиргойисини саратон буржига етказиб у д нағмасини саодатли ситоралардан ўтказди ва завқ-иштиёқининг ҳаракати билан фалакдек чарх уришга бошлади; офтоб худди найсон булути сингари гавҳар сочувчию хазон шохи янглиф дирам тўкувчи бўлди ва ақиқни хирмонгаю ёқутни этакка тўкиб, харсанг тошдан лаълу денгиздан дур нисор қилди; юлдузлар сипоҳдори ва бешинчи кишвар ҳукмдори бўлмиш Баҳром (сайёраси) худди карвонбошилардек хизматга отланиб чапу ўнгдан сафларни тартибга келтирди; Саъди акбар (сайёраси) осмон минбарининг олти пояси устида табрик хутбасини адога етказди ва ёмон назарни даф қилмоқ учун <ҳақиқатан ҳам тайёрдирлар>¹ (оятини) тинмай ўқиди; донишманд пир ва фалаклар чўққисининг савмаанишини бўлган Кайвон эса қуморий удни қуёш манқалига қўйди ва давлат тилсимини ой юзига тортди.

Доруссалтана Ҳиротда Боғи шаҳр мавзеида юз бошлик, саксон бошлик катта чодирлар, сақарлот чодирлар ва ипак

соябонлар Аюқ (юдузи)га бош кўтарди; тилла ва кумуш тахтлар лаъл ва марварид гажимлар билан безаниб ясанди; шоду хуррамлик палоси анбар тутунидан атир таратувчи дўстлар мажлиси эса муаттар буғлар туфайли мушк халтасини очувчи бўлди; бозору дўконларни Эрам боғи мисоли яшнаган ва безатилган (120) ҳолда очдилар, гўзал кўринишли чодирларни одатга биноан худди гавҳар тўла сандиқчаю юдуз тўла буржга ўхшатиб безантирдилар; кумуш баданлик соқийлар биллур янглиф кўлларига олтин косаларни қўйиб, шакарфуруш лаъл (лаб)лари билан айшу ишрат чақириғини ҳар тарафдан янградилар. Байт:

Унинг юзининг акси тушиб турган тилла жомдаги
соф шаробни
тоза лаъл билан ақиқнинг эритилганидир, дер
эдинг.

Хушовоз қўшиқчилар хусравона наволарни у иккинчи Хусрав (Шохруҳ) базмида куйлашар ва руду нағма овозини чанбарсифат чархгача етказишар эди; Зухра (юдузи) табиатига эга бўлган машшоқлар чанг ва у д ларнинг пасту баланд (пардаларини чертиб) дилу димоғдан ҳушни ўғирлаб қочар ва дилу жонда шодлик устига шодлик ортар эди; мажлис ҳар жой-ҳар жойда жаннат сингари безатилиб, шахло кўзли парилар янглиф нозанин соқийлар ўтириб-туришиб, бир неча кун давомида мутассил шод-хуррамлик ва айшу ишрат билан машғул бўлдилар. Ҳазрат хоқони саид хосу омлар борасида тўла инъом-икромлар буюрди. Бу ҳумоюн тўй доруссалтана Ҳиротда рабиъ ас-сонийнинг охирларида (21 сентябрь, 1408) энг гўзал бир тарзда воқе бўлди. Мисра: Айшу ишрат ва хуррамлик мажлисига оро бердилар.

МИРЗО АБУ БАКРНИНГ МИРЗО МИРОНШОҲ (ЎЛИМИ) ВОҚЕАСИДАН КЕЙИНГИ АҲВОЛИ

Мирзо Абу Бакр марҳум отасининг (вафоти) воқеаси ва тор-мор этилган лашкари қочиб кетганлиги сабабли Озарбай-

жон ва Ироқ мамлакатларида тура олмайдиган бўлгач, доруломон Кермонга қараб жўнади. Амир Идику барлоснинг ўғли Султон Увайс отаси ва акасидан кейин Кермоннинг ҳокими бўлиб турган эди, у мирзо Абу Бакрнинг мавкабини ҳурмат ва дабдаба билан кутиб олди ва: «Биз бу хонадоннинг бандаси ва қулбаччасимиз; агар ҳазрат соҳибқироннинг фарзанд ва фарзандзодаларига нисбатан бирор хизмат қилиш бизнинг қўлимиздан келса, ҳеч қандай давлат (121) бунинг ўрнига ўта олмайди; мол-мулк, хазина-дафиналарнинг ҳаммаси икки қўллаб тугилади ва онҳазратдан буни қабул қилиш кугилади», — деди.

Улар бир неча кунни тўй-томоша ва айш-ишрат билан ўтказдилар. Аммо мирзо Абу Бакр Султон Увайсни бир мустақил подшоҳ сифатида кўриб, хотирида ҳасад шуъласи алангаланди: <икки айғир бир байталга чопмайди ва икки қилич битта қинга сифмайди> деган (мақол)нинг маъноси зоҳир бўлди. Ҳар икки томондан ваҳшату нафрат ошкора бўлди. Мирзо Абу Бакрда Султон Увайсни қўлга тушириш фикри бор эди, Султон Увайс ҳам ўз хаёли лавҳасига шу суратни чизарди. Мирзо Абу Бакр у хунхор гирдобдан кўп саъй-ҳаракатлар билан ўзини ташқари отди ва Сеистон томон юришга жазм қилиб, ёз фаслида бир биёбонга юзландики, унинг ўт сочувчи суви (жаҳаннамнинг) қайнаб турган сувини ва дўзахга ўхшаш ҳавоси <қийноқли жазо>² оятини эслатиб турар эди.

(Шундай қилиб) Мирзо Абу Бакр Сеистон чегараларига келди. Шоҳ Қутбуддин унинг пой-қадамига шодланиб, мавкабини тўла иззат-икром билан кутиб олди ва у билан мувофиқатчилик қилиш ҳазрат хоқони саиднинг розилигига қарамликдан бўйин товлашга олиб келишини тушунди. Мирзо Абу Бакр ва Шоҳ Қутбуддинлар ўртасида аҳду паймонлар мустаҳкамланди. Бу хабарларни эшитиш (хоқони саиднинг) Сеистонга юриш қарори қатъийлашишига сабаб бўлди.

**ХОҶОНИ САИДНИНГ СЕИСТОН ТОМОН
ЖЎНАГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоҷони саид Сеистонга юриш қарорини қатъ-ийлаштирди ва зафар оятлари (битилган) байроқлар (122) жумод ал-увлонинг ўнинчисида (1 октябрь, 1408) доруссалтана Ҳиротдан ҳаракатга келди. Байт:

Комрон шаҳаншоҳ Нимруз томон юришга отланиб,
офтоб янглиғ тиф тортиб лашкар сурди.

Ғалаба шиор мавқаб Исфизор қишлоғига етгач, аъло раъй ғолиб лашкарни кўриқдан ўтказишни талаб қилди: саҳро совут ва жуббалар саҳросидек эди-ю, жаҳон дубулға, чакмон, қилич ва найзалар жаҳонидек кўринди. Чиний ойналарнинг товланишидан ҳар тарафда бир офтоб нур сочар ва тиф ҳам найзаларнинг ёруғлигидан ҳар тарафда бир чақмоқ ялтираб турар эди. Байт:

Сен (кўрсанг) ер юзи темирдан яратилган-у,
найза (ларнинг кўплиги)дан, ҳаво ҳам совут
кийган дер эдинг.

Зафар паноҳидаги сипоҳ Фароҳга юзланиб у вилоят чеғараларига кириб келди. Вилоятнинг волийси бўлган Шоҳ Исқандар Наёлтегин Фароҳ қалъасини тўла мустаҳкамлаган эди. Фароҳ ҳисори аслида ҳам олиб бўлмайдиган даражада мустаҳкам ва метин қалъа бўлиб, унда турувчилар бақувватлик ва довюраклиликлари билан мағрурликка берилган ҳамда Сеистоннинг (бу ерга келган) мадақкорлари ҳам ўша ғурурга шерик бўлиб олган эдилар. Ғолиб лашкар чорасиз қазодек у мустаҳкам қалъа атрофини қуршаб тушди. Байт:

У осмон билан рақобатчилик қилувчи бир қалъа бўлиб,
унинг номини жангда бирор киши ҳам олиб кетмаган.

У (балаңдликда) кайвон айвонига оёқ қўйган ва унинг жанг мавзелари қаршисида Аюқ (юлдузи) фалак назаридан қолган

бир қалъа бўлиб, ана шундай баланд мақомда эканлиги устига яна ғоятда бақувват ва мустаҳкам эди; у ерда чиниққан, тирклик аччиқ-чучугини тотиган мингта киши турар, уларнинг ўқлари захмидан учиб кетаётган лочин хатарда ва **(123)** тифлари қўрқинчидан қаттиқ тоғ хушёрликни нишонга олган эди. Ҳинду Буқо, Маҳмуд Шамс, Маҳмуд Фурий, Сияҳ сувор, Маҳмуд Сияҳ сувор³ ва Умар Сияҳ суворилар каби бир тўда Сеистон баҳодирлари ва Зобулистон диловарлари ҳисор девори четига келиб, жангу жадалга тайёр ҳолда турдилар. Фолиб лашкар аҳлининг кўзи уларга тушгач, ўлим тоғининг қоплонлари ва жангу жадал ўрмонининг шерлари бўлмиш Маҳмудшоҳ чухра, Шоҳ Маҳмуд Некударий, Юсуф Ироқий, Худойдод, Ҳусайн Халаж ва Боязид Пандорлар⁴ каби замона қаҳрамонлари ва сарой ясовулларидан⁵ бир гуруҳи, — мисра: жанг-жўй шерлару тундхўй қоплонлар, — ҳамла қилдилар ва деворлардан ошиб ўтиб пиёда ҳолда душман орасига ёриб кирдилар: иш ўқ (отиш) ва камон (тортиш)дан⁶ соқол (юлиш) ва ёқа (тутиш)га етди. (Икки томон) бир-бирига аралшиб кетиб, кўп гурзи ва шамширларни синдирдилар. Сеистонликлар зафар паноҳидаги сипоҳнинг қўли устунлигини кўргач, чекиндилар ва қалъага беркиниб жимликка чўмдилар. Давлат амирлари ва ҳазрат (хоқони саид) аъёнлари манжаниқлар қуриб, арродалар тиклаб атрофдан тошлар ирғитдилар ва хандақ қазиш ва нақб ковлаш билан машғул бўлдилар: учта нақбни ковлаш амир Мизробнинг уҳдасига, биттаси амир Али тархоннинг уҳдасига, биттаси амир Ҳасан Сўфи тархоннинг уҳдасига, биттаси амир Алика кўкалтошнинг уҳдасига, биттаси амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг уҳдасига, биттаси Нуширвоннинг уҳдасига, биттаси Фармоншайхнинг уҳдасига, биттаси амир Саййид Али тархоннинг уҳдасига, биттаси амир Юсуфхожа, амир Пакана⁷ ва мавлоно Иброҳим садрларнинг уҳдасига, биттаси амир Ховандшоҳнинг уҳдасига, биттаси амир Мусошайх, амир Муҳаммад мушриф ва сарбадорлар жамоатининг уҳдасига топширилди. Осмон ҳам унинг хизматига тайёр бўлган сипоҳ **(124)** ҳар тарафдан хандақ қазишга киришди ва нақб ковлашни ҳам қизитиб юборди.

Ҳисор аҳли ҳам мардона жанглар қилар эди. Ўн кеча-кундуз давомида жаҳонни куйдирувчи ўқнинг учию шуъла тарқатувчи найзанинг тили таъсирида ўлим олови ўт олиб алангаланиб турди ва у мустаҳкам ҳисорнинг тўрт девори зирҳнинг кўзию арининг уясига айланди.

Қалъа аҳли илоҳий иноят далиллари ва подшоҳона қудрат белгиларини мушоҳода қилишгач, агар жаҳон шоҳининг тифидан омон қолиш йўлини қидирмасалар, (кейин) айбни юмшатиш учун мажол, тадбир кўриш учун имкон қолмаслиги уларга шубҳасиз равшан бўлди. Шоҳ Искандар Наёлтегин, Паҳлавон Шамс Дароз ва қалъанинг бошқа раҳбарлари улфворлик авжидан чорасизликни пастки нуқтасига тушиб, амир Шоҳмаликни ўзларига шафе қилдилар, унинг шафоати қабул қилиниб, онҳазрат уларнинг барча гуноҳлари тўплами устидан авф рақамини тортди. Шундай қилиб, забт этиш йўли жаҳон хусравлари учун берк бўлиб келган шундай мустаҳкам бир қалъа фатҳ этилди.

Шоҳ Искандар ва қалъанинг сардорлари (хоқони саид) боргоҳининг палосини ўпиб, <(Ё раббий), агар сен бизни авф этиб раҳм-шафқат қилмасанг, биз маҳрум бўлганлар қаторида қоламиз>⁹ (ояти) овозини баланд кўтардилар. Онҳазрат уларнинг гуноҳини лутфу карам этаги билан ёпиб, ҳаммаларига марҳаматлар кўрсатди.

Олий хотир Фароҳнинг муҳим ишларидан фароғат топгач, жаҳонни забт этувчи жиловни Ўк қалъаси томон бурди ҳамда (хоқони саидга бўйсуниб) Фароҳ қалъасидан ташқари чиққан ва унинг лутф-иноятига сазовор бўлган Сеистоннинг машхур кишиларига қайтадан чопонлар кийгизиб, Паҳлавон Шамс Дароз билан бирга элчи сифатида Шоҳ Қутбуддиннинг ҳузурига жўнатди. Элчилик(га берилган хат) мазмуни шундан иборат: «Бизнинг иноятимиз ҳамини подшоҳлар аҳволини назарда тутишдан иборат бўлиб келган, (бир вақтлар соҳибқирон ҳазратларига мулозимлик қилишга мушарраф бўлган шоҳлар шоҳи Абу-л-Фатҳ (125) маликлар қаторида ва шоҳлар доирасида иззат-ҳурматда ҳаёт кечирди, у (Абу-л-Фатҳ) ҳақ раҳматига етишганидан кейин эса Сеистон мамлакати унинг во-

рислари (мулки деб) танилиб келди, ғаразхоҳ ва ғийбатчиларнинг улар ҳақидаги сўзларига қулоқ солинмади. Мулку давлат бизнинг девонга тааллуқли бўлгандан кейин ҳам у мамлакатни илгаригидек барқарор равишда уларга иноят қилдик. Бу ворисларнинг жонсипорликларига зўр эътиمود ва эътиқод қўйганлигимиз туфайли, уларнинг (Фароҳ) шоҳлари муҳолифатчилиги ҳақида ёзган мактубларига биноан кўп муддатлар соҳибқирон ҳазратларининг йироқ-йироқларга қилган юришларида куч бериб келган Фароҳ шоҳларига нисбатан сиёсат кўрсатдик. Ана шу ҳолатга қарамай улар томонидан муҳолифат содир бўлиши ғариб ва ажиб кўринади. Энди (Шоҳ Қутбуддин) ақлга мурожаат қилиб, бу ишнинг охири қаерга етиб боришини ўйлаб кўриши лозим. Унга бизнинг одатимиздан (шуниси) маълум бўлсинки, фуқароларнинг хатоларини афв қилиш ва гуноҳкорларнинг гуноҳидан юқори туриш бизнинг яхши феъл-атворимиз ва мақтовли қоидамиздир; ўтган ишга кўз юмиб олампаҳоқ даргоҳимизга келса, унинг борасида зўр иноятлар зоҳир бўлғусидир. Ҳақ (таоло) барчани билувчидир <ва (бир) Оллоҳнинг гувоҳлиги кифоядир>ки,¹⁰ унинг мулку жонига бизнинг қасдимиз йўқ, у илгаригидан ҳам азизроқ бўлади. Бироқ агар қулоғидан ғафлат пахтасини олиб ташлаб танбеҳни эшитмаса ва ғурур уйқусидан уйғонмаса ҳамда ўз ҳолига ташлаб қўйилганларга ғамхўрлик қилишдан (кечиб) шайтон васвасасидан юз ўтirmаса, ҳар қалай қаттиқ бўронлар ҳаракатга келиб, ғазаб оташи аланга олур ва бу учқунлар орасига ихтиёрсиз кириб қолган бир гуруҳ қобил кишиларга нисбатан ҳам шундай нарса содир бўлурки, бу адолатли шариат бўйича (126) жоиз бўлмас.

Бинобарин мен сабр-тоқат кўрсатиб вазминлик тоғида ўзимни тутиб тураман; улар ҳам (оятда келтирилган) <Кимки буни эшитганидан кейин ўзгартирса, (билсинки), гуноҳ фақат буни ўзгартирувчилар устига тушади>¹¹ амрини тўла эҳтиёткорлик билан бажо келтирсинлар ва <замон бизга қарамдир: «Биз кимники юксалтирган бўлсак у юксала беради ва кимники пасайтирган бўлсак, у пасая беради> (ибораси)нинг туб (мазмуни)га етсинлар».

Элчилар ҳайъати Сеистонга жўнаганидан кейин ҳумоюн мавкаб доира шаклида Ўк атрофига кириб келди ва унинг Лош деб машҳур бўлган қалъасини нуқтасифат ўртага олди. Бир тўда сағзлик баҳодирлар билан биргаликда Ўкнинг қўрғонига кириб олган Шоҳ Муҳаммаднинг¹² ўғли Шоҳ Нусрат жангу жадал учун ташқари чиқди; ғалаба ёр лашкарнинг диловарлари баҳодирона ҳамлалар қилдилар, аммо ҳисор аҳли орқаларидаги мустаҳкам деворга таяниб, худди тош ичидаги олову жавҳар (таркиби)даги араздек собит ва мустаҳкам туриб, жангга ҳозир эдилар. Ғалаба ёр лашкар анҳор сувини уларга ўтказмай қўйган ва улар қалъа ичидаги бир қудуқнинг суви билан кун ўтказишар эдилар, ж о х улар н а қ б қазиб қудуқ сувини ҳам улардан тортиб олдилар. Ҳисорнинг мустаҳкамлиги ва кишиларининг ботирлигига мағрур бўлган Шоҳ Нусрат (энди) илтижо юзини тавба-тазарру ерига қўйиб, ожизлиги туфайли омонлик тилади. Ҳазрат хоқони саид марҳамат кўрсатиб ҳисор девори тагида лашкарни қайтарди ва Шоҳ Нусратга нисбатан муруватлар буюрди. Ўкка қарашли бўлган Корунак ва Гўйин қалъаларининг аҳолиси Фароҳ қалъаси ва Ўк аҳволини кўргач, омонлик тилаб ташқари чиқдилар ва лутф-иноятлар билан тақдирландилар.

У вилоятлар фатҳ этилиб бўйсундирилгандан кейин ҳумоюн байроқлар Зараҳ томонга қараб ҳаракатга келди. Ҳирманднинг ёқасига етгач, Шоҳ Қутбуддин ўзи келиб хизмат қилиш саодатига эришмаганлигига яраша биронта одамани ҳам юбормаганлиги туфайли, подшоҳларга хос қаҳр оташи аланга олди **(127)** ва (хоқони саиднинг) фармонига биноан тўғонларни буздилар. Учта машҳур тўғон бўлиб, уларни Рустам (Достон) замонида қурган эдилар: бири Рошкак тўғони, бири Шаҳр тўғони ва бошқаларидан маҳкамрок яна бир Булғоғоний тўғони. Буларнинг ҳаммасини вайрон қилиб, босқинчилик, талон-торож ва иморатларни хароб қилишга юз тутдилар ҳамда беиноятлик юзидан иш кўриб, турар жой, экинзорларда ҳеч бир нарсани омон қолдирмадилар. Кўп ғалла мавжудлигига қарамай, оз муддат ичида у диёрда қаҳатчилик бошланди.

Қиёмат асарини (қолдирувчи) лашкар Вайтан вилоятига кирди ва (у ерда ҳам) кўп харобаликлар содир бўлди. Ироқдан олампапоҳ даргоҳга келиб, подшоҳона марҳаматлар билан тақдирланган мирзо Рустам ҳумоюн фармонга мувофиқ амир Мизроб билан биргаликда Зараҳ вилоятига борди ва улар ҳам мазкур (харобалик келтириш) йўлидан юрдилар. Ҳукмронлик ва зўравонлик асарлари у мамлакатларда ниҳоятга етгач, ҳазрат хоқони сайд қайтиб кетишга жазм қилиб Ўк вилояти ҳукумати Паҳлавон Жамол Якамга қолдирди, Фароҳ вилоятини эса хатти-ҳаракатларида мардоналик асарлари ва оқиллик нурлари аниқ кўриниб турган Шоҳ Алининг ўғли Шоҳ Искандарга топширди. (Шу кунларда) у ҳақда (ҳадисда) <аввалида (Оллоҳ) раҳматини ёғдиради, ўртасида гуноҳларни кечади ва охирида дўзах азобидан қутқаради> (деган) сўзлар ворид бўлган рамазон ойи (18 январь — 16 февраль, 1409) яқинлаб қолган эди, онҳазрат унинг бахтли соатлардан иборат дамларини сафарда юриш билан камайиришдан сақланиб, шаъбоннинг охирида (17 январь, 1409) **(128)** давлат пойтахти (Ҳирот) га улуғворлик билан келиб тушди.

БИРИНЧИ БОР ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шаън-шуҳратли ҳақ таоло ўз лутфи билан қайси бир саодатмандга танланганлик жомасини кийгизиб, уни фуқароларнинг барча табақалари устидан ҳукм юритувчи ва амр этувчи қилса у давлатманд масрурлик ё мусибатлилик (чоғлари)да тангри томонидан белгиланган чегарадан ташқари чиқишни хоҳ махфий, хоҳ очиқ-ойдин тарзда жоиз тутмаслиги, (ўзига берилган) неъмат ҳаққига инсон амалларининг сараси бўлмиш адлу эҳсонни орттириш билан риоя қилиши, давлат кўпайганлиги ва улуғлик зоҳир бўлганлигига қарамай <агар Оллоҳнинг ўзи истамаса мен нафга ҳам, зарарга ҳам эга эмасман>¹³ (оятини) тўла эътиқод билан эътироф этиши лозим ҳамда инсонлик юзасидан (қараганда) Одам авлоди орасида биронта

ҳам тафовут йўқлиги, (улар орасида) мавжуд фарқ эса <истаган (кишисига) беҳисоб ризқ ато этувчи>¹⁴ ҳукмдорлар ҳукмдори бўлмиш (Оллоҳ) фазлининг атосидан ўзгача бўла олмаслигини, бу давлатнинг қўлга киришию бу мурувватнинг турғунлигига раиятпарварлик ва марҳаматлилик¹⁵ билан муяссар бўла олишини аниқ билмоғи лозим. Ана шундагина, ҳар қалай, замона ўз елкасига ҳиммат ёпигини ёпади ва гардун ўз қулоғига итоаткорлик ҳалқасини илади.

Бу дебочадан мақсад ва бу ўғитдан матлаб шуки, ҳумоюн мавкаб Сеистон юришидан қайтиб келганидан кейин, Хитой подшоҳининг соҳибқирон ҳазратлари (вафоти) туфайли таъзия билдириш учун юборилган элчилари совға-саломлар билан етиб келдилар ҳамда ўз подшоҳлари сўзини арзга етказдилар. Ҳазрат хоқони сайд улар борасида марҳамат ва иноятлар (129) кўрсатиб, қайтиб кетишларига ижозат буюрди.

БОДҒИС ЯЙЛОҚИГА ЖЎНАШ ВА У ЕРДАН МОВАРОУННАҲРГА ЮРИШ ЗИКРИ¹⁶

Муборак рамазон ойининг муқаддас дамлари охирига етиб (16 февраль, 1409), ислом (дини)нинг улуғ шиорларидан бири бўлган ийди рамазон шартлари бажо келтирилгач ва энг улуғ ёритғич (қуёш) ўз шараф уйини мушарраф қилганлиги туфайли, — шеър:

Чаманнинг фарроши, яъни навбаҳор насими яна қайтадан
ҳафткор ипак матодан чаман юзига палос тўшади, —

боғ-роғлар рангин кўйлақлар кийиб безаниб, тоғу саҳролар Чин суратхонасининг рашкини келтирадиган бўлгач, ҳазрат хоқони сайд ўз давлатманд фарзанди мирзо Иброҳим Султонни доруссалтана Ҳирот ҳукмдорлигига тайинлаб амир Жалолуддинни унга мулозим қилиб қолдирди ва амир Лутфуллоҳ Бобойтемир¹⁷ ва амир Ҳамза қатуқуларга Сеистон чегараларига бориб, бохабар бўлиб туришга фармон берди. Сўнг ғалаба ёр мавкаб зу-л-қаъданинг бешинчисида (22 март,

10— Абдураззоқ Самарқандий

1409) Бодғис томонга йўналди ва лашкарларни тўплаш ҳақида шоҳона буйруқ содир бўлиб, андак муддатда фатҳу зафар офтобининг чиқиш жойи бўлмиш ғалаба оятлари битилган байроқ соясида чегараси гумонга сиғмайдиган ва ҳисобини фикр тарозуси тортиб кўролмайдиган (катта) сипоҳ жам бўлди.

Шу аснода мирзо Халил Султон амир Худойдод Хусайнийнинг қўлига тушиб, Мовароуннаҳр мамлакати тангликда қолганлиги хабари шарофатли қулоқларга етишди. (130)

**МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТИНИНГ
ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ ВА (У ЕРГА) САОДАТУ
ИҚБОЛ БИЛАН ҚИЛИНГАН ҲУМОЮН
ЮРИШ ЗИКРИ**

Мирзо Халил Султон ҳазрат хоқони саиднинг Бодғисда лашкарлар тўлаганини эшитгач, у ҳам кўп сонли лашкар билан Кеш атрофига келди ва бу ерда амир Худойдод Хусайний Хўжанд суви лабига етганлиги хабарини эшитди. Мирзо Халил амир Олоҳдод ва амир Арғуншоҳларни уч минг отлик билан бирга у тарафга юришга тайин қилди. Ҳар икки лашкар Дизоқ чегараларида бир-бирига яқин етиб, бир неча кун (жангсиз) рўбарў турдилар. Амирлар мирзо Халилдан мадад сўрадилар. Мирзо Халил тўрт минг отлик билан и л ф о р қилиб чиқди ва Самарқанддан ўтиб Шероз қишлоғига келиб тушди.

Худойдод бундан огоҳ бўлиб кундузи душманга кўриниш берди-да, бутун кеча от суриб эртасига пешин намози вақтида худди ёрқин чақмоқдек мирзо Халил Султонга етишди ва уруш оловини алангалантирди; самарқандликлар тарқалиб кетиб, мирзо Халил Султон Шерознинг вайрон ҳисорига кирди. Амир Худойдод шу ондаёқ Шерозни олди ва мирзо Халил Султонни қўлга туширди. Бу воқеа зу-л-қаъданинг ўн учинчисида (30 март, 1409) воқе бўлди.

Амир Худойдод фармон ва ҳукмлар ёзиб мирзо Халилнинг муҳрини босар ва мамлакат атрофларига юборар эди. Шу тариқа бутун Мовароуннаҳр вилояти унга бўйсунди. (131)

Бу хабарлар ҳазрат хоқони саидга арзга етказилгач, зу-л-қаъданинг йигирма биринчисида (7 апрель, 1409) ҳумоюн мавкаб Мовароуннаҳрга қараб юрди. Онҳазрат (илгарироқ) амир Черкасни мирзо Халил ҳузурига юборган эди, амир Худойдод ўз навқари ва мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг навқарини Черкасга қўшиб (хоқони саид олдига) қайтарди ва улар Қутлуф Темур работида ҳумоюн ўрдуга етиб келдилар ва амир Худойдонинг: «Мен онҳазратнинг қулиман, бу хил ишлар хизматкорлик юзасидан содир бўлди, энди қай тарздаки ҳукм бўлса уни адога етказаман», — деган сўзларини арз қилдилар. Ҳазрат хоқони саид Худойдонинг навқарига Чубин қавчинни қўшиб унинг ҳузурига жўнатди ва: «Энди бизда бирор ихтиёр қолмади, биз ўзимиз етиб борамиз, ҳар нимаики тўғри топилса, иншо Оллоҳи таоло, ўшанга амал қилинади; амир Худойдод ҳеч тараддудсиз бизнинг ҳузуримизга юзлансин, подшоҳона иноят унинг аҳволига қаратилгандир», — деган хабарни йўлади. Зу-л-ҳижжанинг олтинчисида (22 апрель, 1409) онҳазрат (Жайхун) сувининг лабига етди.

Амир Шайх Нуруддин Мовароуннаҳр тарафига боришга ижозат сўраган вақтида: «Қачонки ҳумоюн мавкаб Мовароуннаҳрга қараб юргудек бўлса, мен ҳам олий ўрдуга келиб қўшиламан», — деб арз қилган эди. У ана шу бу л ж о р га амал қилиб Бухорога келганида, амир Худойдод амир Шайх Нуруддиннинг ҳумоюн ўрдуга юзланганлиги хабарини олди ва доруссалтана Самарқанддан и л ф о р тарзида отга миниб, Шайх Нуруддин устига ҳужум қилди ва унинг одамларини тор-мор қилиб Самарқандга қайтиб кетди.

Шоҳрух ҳазратларининг мавкаби сувдан ўтди. Амир Худойдод мирзо Аҳмад Мирак (132) ва мирзо Сейди Аҳмадларни Ҳисор вилоятини бўйсундиришга юборган эди, бу шаҳзодалар уларни чақириш ҳақидаги фармон содир бўлишидан илгариеқ олий ўрдуга етиб келиб, лутф-марҳаматларга эришдилар. Мирзо Халилнинг хотини бўлмиш Шоҳ Мулк офони¹⁸ Абдулхожа ўрдуга етказди.

Хузор (га етган)да Худойдоднинг тама тиши ноумидлик танглайида сингач ва замона ошиғи унинг муродича ўтирилмагач, мирзо Халилни банд қилиб тез суръат билан қочишга юз тутганлиги ҳақида хабар келди. Хумоюн мавкаб давлату иқбол билан шаън-шавкат қароргоҳи (Самарқанд)га юзланди. (Хоқони саид) ўзидан илгарироқ амир Алоуддин Аликани девонаминлари билан биргаликда шаҳар ва хазиналарни забт қилишга жўнатди. Самарқанднинг улуғлари Работи Ёмгача келишиб кутиб олиш шартлари, улуғлаш ҳам ҳурматлаш расм-русумларини бажо келтирдилар, мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ва бошқа амирлар (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш шарафига етишдилар. Йигирма еттинчи зу-л-ҳижжада (13 май, 1409) доруссалтана Самарқанд хумоюн мавкабнинг қароргоҳи бўлди. (Самарқанд) акобирлари ва шарифлари дуою саноларни адога етказишиб, шод-хуррамликлар қилдилар. Онҳазрат ҳаммани подшоҳона инъом ва хусравона иноятлар билан иззатлаб, меҳрибонликлар кўрсатди. Амир Шайх Нуруддин ва амир Мубашширлар мулозимат қилиш шарафи билан саодатга эришиб, улуғ амирлар қаторига тизилдилар.

ШУ ЙИЛГИ ФОРС ВА ИРОҚ КЕЧМИШЛАРИ ЗИКРИ

Мирзо Пир Муҳаммад Ироқ ва Форс мамлакатларини забт қилганидан кейин Ҳувайза, Шустар ва Хузистоннинг бошқа шаҳарлари томон юзланди. Негаки у ерларнинг ҳокимлари бўлмиш амир Хонд Саид барлос, Шайхзода ва Тукаллар (133) мухолифатчилик қилмоқда эдилар.

Мирзо Пир Муҳаммад Ромҳўрмуз манзилидан Абдуллоҳ парвоначи, Абдхожа¹⁹ ва мавлоно Сунъиллоҳларни Шайхзода ва Тукаллар олдига жўнатиб, аҳднома юборди ҳамда агар улар итоатга келсалар жону моллари, шаъну номусларига дахл қилмаслиги, ўтган ишларни қайта эслатмаслиги, Хонд Саиднинг гуноҳидан ўтажаклиги ва у вилоятлар аҳолисини офатлардан омон сақлаб қолажаги (ҳақидаги) хабарни билдирди.

Бу хабар амирларга бориб етгач, улар машварат тузишиб (мирзо Пир Муҳаммаднинг) истиқболига чиқишга қарор бердилар. Мирзо Пир Муҳаммад Шустардан бир фарсах нарига келиб тушганида амирлар хазиналар ҳам қимматбаҳо тортиқлар билан чиқиб палос ўпиш шарафига муяссар бўлдилар ва подшоҳона лутф-марҳаматлар билан тақдирландилар. Мирзо Пир Муҳаммад Шустар шаҳрида дорулиморага келиб тушди ва бир неча кунни бахтиёрлик билан ўтказиб Дизфулга жўнади. Бу ерда икки-уч кун тўхтаб, керак-яроқларни саранжом қилди ва Хувайза томон юзланди. Чаҳордонга дарёсининг лабида курд ҳашамларининг аслзодалари ва жазийралар бадавийларининг улуғлари Саййид Юнус ва Саййид Абдуллоҳлар орқали яхши тортиқлар юбордилар.

Мирзо Пир Муҳаммад Хузистон мамлакатларини бўйсундириб Бағдодга тегишли бўлган Баёт устига юриш қилди ҳамда иситма ва чарчоқлик келтирадиган ҳаво ўзгариши сабабли, — чунончи амир Хонд Саид барлос (шундан) вафот этди, — давлат жilовини Шероз тарафига қайтарди ва у вилоятларга ишончли кишиларидан ўтказди. (134)

ФОРС ВА ИРОҚ КЕЧМИШЛАРИ НИҲОЯСИ ВА МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ АҲВОЛИ

Мирзо Пир Муҳаммад биродарлари билан муҳорабада фолиб келгач, мирзо Рустам, айтиб ўтилганидек²⁰, Хуросонга жўнаб ҳазрат хоқони сайднинг даргоҳидан паноҳ тилади ва мирзо Искандар ҳам доруломон Хуросонга жўнаб, Тун ва Табас орасидаги Аҳмад қишлоғида бир неча вақт (махфий) яшаб юрди. Замона бу сирни ошкор қилишни истаган вақтда Искандар азиз умрининг ҳаёт сувини муҳофазат қилмоқ учун, <кеча қоронғуси айбни беркитади> (деганларидек), кеча қоронғулигида чет биёбон йўллар билан Балх ва Шибирғон томон жўнади ҳамда у вилоятларга етгач, бир тўда кишилар унга қўшилдилар. Балхда бўлган мирзо Қайду ваҳимага тушиб мирзо Искандарни (йўқотишга) қасд қилди. Икки тарафдан лаш-

карларни рўбарў келтирдилар, мирзо Искандар қарши туришга тоб келтира олмади; унинг кишилари тарқалиб кетдилар; мирзо Искандар вазиятни ўзгартириб Жайхундан ўтишни ва Ўзганда юзланишни истади, (бирок) кечаси унинг эътиמוד қўйган хизматкори қочиб кетиб, у мазкур қароридан қайтди; биёбонда саргардон бўлиб юрди ва байтда (айтилганидек),

Яхши чопқир отларни эгар тагига босиб
юрганда худди булутдегу, чопганда
худди қоплондек

Андхуд атрофига етиб келди. Ҳазрат хоқони саид у вилоятни иноят қилиб топшириб қўйган кишиси, бу ернинг ҳоқими амир Саййид Аҳмад тархон бундан хабар топиб, уни кутиб олди ва унинг қўлини ўпиш шарафига эришиб, муносиб хизматларни бажо келтирди. Лекин (айни вақтда) олий тахт остонаси (Ҳирот)га (135) арза юбориб, ўтган воқеа шарҳини маълум қилди. Мирзо Искандар бу маънидан чўчиб турган бўлса ҳам, лекин у, байтда:

Пешонага битилган ҳар бир яхшилигу ёмонлик,
агар кутиб турсанг, ишнинг ўринлаганидир, —

(дейилганидек), розилик қўлини тақдир этагига уриб, бошини таваккал ёқасига олди ва сабр оёғини тоқат этагига йиғди. Байт:

Сайёҳ агар юз ҳунарга эга бўлса ҳам таваккал қилмоғи
лозим.
Зийрак қуш тузоққа илиниб қолган вақтида сабру тоқат
қилмоғи лозим.

Аммо <Сиз бирор нарсани ёқтирмассиз-у, лекин у сиз учун хайрлидир>²¹, (деган оят) мазмунига мувофиқ мирзо Искандар нимаданки қўрққан бўлса, у нарса эзгуликка сабаб бўлди. (Амир) Саййид Аҳмаднинг навқари (Ҳиротдан) қайтиб: «Чегараларга қўйилган вакиллар ва йўлларнинг посбонлари мирзо

Искандарга тегишли кишилар атрофида айланишмасинлар ҳамда унинг муборак хотири қай тарафгаки майл кўргазса, муносиб хизматлар кўрсатиб соғ-саломат ўтказиб юборсинлар», — деган қатъий нишон келтирди. Шу билан бирга уни ўз биродари Пир Муҳаммад ихтиёрига топширилганлиги борасида ҳам бир мактуб битилган эди. Мазмуни шундай: «Иzzату ҳурматли жаноб тўнғич фарзанд, давлату диннинг нури тангри умрини боқий қилгур мирзо Пир Муҳаммад барча ҳолларда <Оллоҳ сенга яхшилик қилганидек сен ҳам (кишиларга) яхшилик қил>²², (деган оят) қоидасини ўрнак тутиб, узоқ ва яқин (туғишган)ларни шафқат эзгулигидан баҳраманда қилиши лозим; <туғишганларнинг бирлари бошқа бирларига яқинроқдир>²³ (ояти) тақозосича, бу муҳим (қоида) нурларидан фойдаланиш учун туғишганлик тутунларига эга бўлган жамоатдан бошқа бирор яратилган (банда) сазоворроқ эканлигини хаёлга келтириб бўлмайди. Мавжудлик бошини бир ёқадан чиқарган тоифа нашъу намо оёғини бир этакка узатиши, худди Сурайё (ситоралари) шаклида бир матлаъдан тулуъ қилиши, худди буржлардек бир-бири кетидан чиқиши, худди гавҳарлардек бир шодадан тарқалиши **(136)** ва худди калималар сингари бир лафздан айтилиши лозим. Бу ҳолатлар ака-ука ва опа-сингиллар, қариндош-уруғлардан бошқалар орасида бўла олиши мумкин эмас, чунки бу жамоатда бир-бирига нисбатан муҳаббат ва эътиқод зиёдадир. Агарда, худо кўрсатмасин, орада бирор шубҳа туғилиб қолса, чақимчи ва ҳасадчилар йўлини тўсиб <бугун сизларнинг устингизда маломат йўқ>²⁴ (ояти) кўчасини очиқ тутсинлар. Мақсад шуки, фарзанд мирзо Искандарни чақириб олиб, иноят ва шафқат билан тақдирласин ҳам мамлакат чеккасидан бир бўлагини унинг де в о н и га топширсин».

Бу мактуб мирзо Искандарга етгач, у ўзининг хос кишилари билан машварат тузиб, шоядки <томир тортади> (масали)нинг ҳаракатга келтирувчиси у бузургвор биродарнинг хотир оинасидан низо зангини тозалаган ва туғишганлик тутун-

лари унинг дилида раҳм-шафқат қўзғотган бўлса, деган умид билан Ироқ ва Форсга қараб юришга жазм қилди. Шу қарор ва маслаҳатга биноан Форс ва Ироққа юзланди. У, — мисра, — ҳар куни бир манзилдаю ҳар кеча бир жойда бўлар, дашт-биёбонларни босиб ўтар, йўлларнинг бошланиш жойлари беркитилган ва чегаралар банд бўлганлиги учун вазиятни ўзгартириб саҳродан-саҳрога от чопар эди. (Шундай қилиб) муборак рамазон ойининг йигирма олтинчисида (12 февраль, 1409) шом вақти бўлар-бўлмас Шерознинг Оллоҳу Акбар дарасидан ўтди ва ўзига тегишли кишиларини ташқарида қолдириб, пиёда ҳолда Саодат дарвозасидан (шаҳарга) кирди ҳамда Хожа Ҳусайн табибнинг уйига борди. Мирзо Пир Муҳаммад ифтор қилиб турган ҳолатида бу хабар унга бориб етди ва у таомдан қўл тортиб, мирзо Искандарни тўла эҳтиром билан ўз ҳузурига чақиртирди, турли-туман меҳрибонлик ва дилдорликлар кўрсатди ҳамда подшоҳлик асбобларини тартибга солиб Мурдастон маҳалласига, Шоҳ Шужонинг ахточи си бўлган Рамазон оқонинг уйига хайру саодат билан қўндирди. Мисра: (137) Ой ўз шараф манзилига келди.

СУЛТОН АҲМАДНИНГ АҲВОЛИ ҲАМДА БАҒДОД ВА ХУЗИСТОНДА ВОҚЕ БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Султон Аҳмад мирзо Пир Муҳаммаднинг Хузистон вилоятидан қайтганлиги хабарини эшитгач, (отланиб) йўлга чиқди ва биринчи галда Хувайзага етиб, бундан беҳабар қалъани офтоб тулуъ қилишидан олдиноқ худди узукдек ўраб олди; посбонлар ғафлат уйқусидан бош кўтарган вақтларида душман тифининг нури уларнинг тўрт тарафидан шуълаланиб турарди. Улар саросимага тушиб отларга миниб қочишга тутиндилар-у, лекин, — мисра, — заҳар жонга етгач, тарёқдан нима фойда, деган (ўгутни) билмадилар. (Султон Аҳмаднинг) жанговарлари уларнинг ҳаммасини шамширга олдилар, тифдан ха-

лос бўлганлар эса асир тушдилар. Султон (асирлардан) биронтасини ҳам ўлдирмади.

Хувайза (қалъаси) воқеасини эшитган Пир Ҳожи кўкалтош Дизфул қалъасини ташлаб Шустар томонга қочди; амир Улус²⁵ Шустарда шундай қўрқинчга тушган эдики, ўзини Салосил қалъасида юз занжир билан ҳам тўхтатиб туролмай Ромхўрмузга отилди.

Мирзо Пир Муҳаммад Султон Аҳмаднинг юриш қилганлиги хабарини эшитиб Тулак²⁶ ва Нуширвон барлосларни Хузистон амирларига мададга юборган эди. Амирлар Ромхўрмузда (амир) Улусга қўшилиб, қалъадорлик ишларини бажаришга киришдилар. Султон (Аҳмад) Хузистонни бўйсундириб Ромхўрмузга юзланди. Мавлоно Қутбуддин қози мирзо Пир Муҳаммаднинг амирларига: **(138)** «Агар жанг қилишни истасангизлар ем-хашак ва озиқ-овқат тайёр, агар ташқари чиқиб кетмоқчи бўлсангизлар тезроқ жўнанглар, токи раият балога қолмасин», — деди. Амирлар ва раият қасам ичишиб бир тан-бир жон бўлдилар; шаҳарнинг пиёдалари Султон (Аҳмад)нинг қаровуллари билан яккама-якка курашдилар.

Ногоҳ ярим кечада Султон (Аҳмад) уфруқининг қораси кўп машғаллар билан пайдо бўлган эди, мирзо Пир Муҳаммаднинг амирлари ҳар бири бир тарафга қараб қочдилар, бечора раиятлар эса бало домига гирифтор бўлиб қолдилар. Султон (Аҳмад) қози Қутбуддинни бир тўда пиёдалар билан қўшиб қатлга етказди ва қолган раиятларни Шустарга ҳайдаб, Ромхўрмуз қалъасини ер билан яксон қилди ҳамда Мақсуд найзадорни Хузистон қалъалари қутволлигига тайинлади, аммо шу аснода ўғли Аловуддавланинг исёнкорлик қилиб Табризга жўнаганлигини эшитиб Бағдодга (қайтишга) қарор қилди. Онаси Султон (Аҳмад)нинг ҳарамида бўлган Увайс номли бир (йигит) «Мен Султон (Аҳмад)нинг фарзандиман», — деб даъво қилиб юрар эди, Султон унга йигирма минг динор сукут ҳақи инъом қилиб, бундан кейин шунга ўхшаш сўзларни гапирмасликка насиҳат қилди. Мисра: У ҳам шу билан султондан рози бўлди.

СУЛТОН АЛОУДДАВЛАНИНГ ОТАСИ СУЛТОН АҲМАД БИЛАН МУХОЛИФАТИ ЗИКРИ

Султон Аҳмад Хузистонда эканлигида унинг ўғли Алоуддавла хавотирликка тушиб Ҳилла ва Арбил йўли билан Бағдоддан Озарбайжонга жўнади. Амир Қаро Юсуф шаҳзода (Алоуддавла)нинг подшоҳ ижозатисиз келганлигидан огоҳ бўлиб, унга бир оз кундалик харж (маблағи) тайин қилди ва рамазон ойи (18 январь — 16 февраль, 1409) ўтгач, шаҳзодага бир гуруҳ кишиларни мулозим қилиб қўшиб, уни ўз вилояти чегарасига етказиб қўйишга буюрди; **(139)** аммо Хўй атрофларига етганда Малик Иззуддиннинг курдлари уни қўлга тушириб маликнинг ҳузурига олиб бордилар. Малик уни икки ой ушлаб туриб, муносиб хизматларни бажо келтирди.

(Буни эшитган) амир Қаро Юсуф Малик Иззуддинга хат ёзиб, «Шаҳзода подшоҳнинг ҳукмисиз келган эди, шу сабабли биз уни иззат-ҳурмат қилмай узр сўрадик; токи (бу иш) маломат туғилиши ва раиятнинг хароб бўлишига сабаб бўлмасин учун Малик Иззуддин ҳам шу бизнинг йўлни тутсин», — деди. Малик Иззуддинда амир Қаро Юсуфга қарши туришга кучкуват йўқ эди, у шаҳзодага ижозат берди. Бечора Алоуддаланинг руҳ қуши тан қафасида талпиниб, жонидан тўйди ва бир неча кунни узлатга чекинган тақводор шайх Шарафуддин Али Сафавийнинг суҳбатида ўтказмоқ учун Ардабил томонга юришга майл қилди. Қитъа:

Қабри нурга тўлгур отам менга
айтганки, «агар бошинга даҳр ғамидан
бирор мушкул иш тушса,
ё биронта донишманднинг ҳиммати
паноҳига шошилгин
ёки бирор бахтиёр кишининг иқболига
илтижо қилгин!».

У Табриз атрофига етганида бир тўда Дажжол лашкаридек бебок баттоллар ҳужум қилишиб, шаҳзодани ва унинг нав-

карларини боғладилар ва амир Қаро Юсуфга хабар етказдилар. Амир Қаро Юсуф шаҳзодани Абдулжуз қалъасига юборди. Бечора Алоуддавла билагида қаттиқ захму хотирида минг орзулар билан салтанат болишидан меҳнат мақомига йиқилиб ва тахту мулкни барбод бериб, бахт чехрасини умидсизлик тирноғи билан юлар ва сабрдан бўлак ҳеч чора топа олмас эди. Мисра: Менинг (дардимга) даво сабру, афсуски, у менда йўқ. (140)

САККИЗ ЮЗ ЎН ИККИНЧИ

(1409—1410)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МОВАРОУННАҲР

ҲИКОЯТЛАРИНИНГ ДАВОМИ

Хоқони саид ҳазратларининг ворислик мулки бўлган Самарқанд салтанат тахтини ҳақ таоло, — мисра, — найза учининг дардисизу, ўқларнинг борди келдисисиз онҳазратнинг ўзига иноят қилгандан кейин (хоқони саид) чексиз илоҳий неъматлар шукрини тегишлича адо этди. (Шу орада) амир Худойдод (бир тўда) исёнчи ва фасодчилар билан бирга Мўғулистонга қараб юзланди; онҳазрат муҳаррамнинг бошларида (16 май, 1409) амир Хизрхожа, амир Ҳасанко ва Хожагийларга: «Хуросонга бориб Сеистон тарафда турган амир Лутфуллоҳ ва амир Ҳамза қатуқулар билан қўшилишлар ва бир-бирларингизга мадад бўлиб туринглар», — деб буюрди. У (яна) Ладуниё тархонни Худойдоднинг ҳузурига жўнатиб, «Илгарироқ «сиз учун бир иш қилиб қўйдим», — деб арз қилган эдинг, энди биз ўша ишдан миннатдормиз», (деб билдирди) ва: агар у бизнинг сабот қадамимизни вафодорлигу софдиллик йўлида деб тушунган бўлса ҳамда йироқу яқинга кўрсатаётган тарбиятимизу турку тозикни қўллаб-қувватлаётганимиз ҳақида эшитган бўлса, биздан ўзини тортиши учун бирор сабаб со-

дир бўлмай туриб нега бизга келиб қўшилмади ва биздан юз ўгириб юрибди? — деган (мазмунда) хабар юборди.

Ладуниё тархон Худойдод ҳузурига етиб элчилик (вазифаси)ни бажо келтиргач, амир Худойдод: «амир Шайх Нуруддин онҳазратни шу кайфиятда қолдириб қўймайди; агар уни бандга олсалар мен хизматга бораман», — деб жавоб берди. Онҳазрат унинг носавоб жавобидан ғазабга келди ва унга қарши жанг қилиш мақсадида юришга отланди. Мисра: унинг қаҳри оташидан худо сақласин, чунки ундан бутун жаҳон куйиб кетади. (141)

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ МЎҒУЛИСТОН ТОМОН ЮРГАНЛИГИ ВА АМИР ХУДОЙДОДНИНГ ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саиднинг Мўғулистон томон юриш қарори қатъий ҳал қилиниб, у салтанат пойтахти Самарқанддан Шероз қишлоғига келди ва мирзо Рустам, амир Саййид Али тархон, амир Шоҳмалик ва амир Нуширвонларни манғлой қилиб белгилаб, Шоҳрухияга юборди ва, шунингдек, мирзо Амирак Аҳмад, унинг биродари мирзо Бойқаро; амир Султоншоҳ барлос ва амир Ҳасан Сўфиларни Хўжандга номзод қилди. Онҳазратнинг (ўзи эса) Ўратепа яйлоқини ҳумоюн манзил қилиб олди. (Шу пайт) амир Худойдод: «Агар амир Шайх Нуруддин бу тарафга келса, ҳар ниманики маслаҳатдан кўрилса, шунга келишамиз», — деб арз қилганлиги ҳақида манғлой амирларидан хабар келди. Онҳазрат амир Шайх Нуруддинни (унинг ҳузурига) жўнатди.

Шу аснода ғайб суратхонасидан шундай бир манзара юз кўрсатдики, унга ўхшаши бирор кишининг хаёли ойнасида ҳам кўринмаган эди. Бу сўзнинг шарҳи шуки, амир Худойдод Мўғулистондан мадад олиш тамасида бўлиб, ўз андиша лавҳасига у ер подшоҳи Муҳаммадхондан олмоқчи бўлгани кўмак

нақшини чизар эди. Муҳаммадхон ўз биродари Шамъи Жаҳон подшоҳни амир Худойдоднинг илтимосига биноан мададга юборди. (Шамъи Жаҳон) Тошканд атрофига етгач, амир Худойдод зўр хурсандлик билан уни кутиб олиб, хизмат шартларини бажо келтирди-ю, лекин (оятда келган): <балки сиз бирор нарсани севарсиз, аммо у нарса сиз учун кулфатдир>¹ (деган ўгут)ни билмади. (142)

Шамъи Жаҳон Худойдод можароси борасида ўз яқинлари билан ўйлашиб кўриб: «Соҳибқирон ҳазратлари қанча иноятлар кўрсатганлигига қарамай, амир Худойдод унинг фарзандларига нисбатан нима вафодорлик қилди?» — деган саволни қўйди. Шеър:

Сен ундан вафо истамагин!

«Беҳудага семурғ ва кимёни ахтарувчи бўлма» — деган сўзни эшитмаганмисан!

Ана шу маслаҳатга келишгач, (Шамъи Жаҳон) уни қатл қилиб, калласини амир Шоҳмаликка жўнатди. Қитъа:

Жони ёву, табиати душман бўлган
шоҳ душманига қарши курашиш учун
даҳр гоҳо гунчадан ўқ ясайдию,
гоҳо шамол сувдан совут ўрайди.

(Амир Худойдод) бир гуруҳ кишиларни ўзига ҳамкору мададкор деб билган эди, улар унинг ҳалокатига сабаб бўлиб, у ярамаснинг ёвузлигини даф қилдилар. <Оллоҳ мўминларни жангдан қутқарди>². Байт:

Ё (тангрим), сенинг караминг жаҳон ишларини такомилга
етказган:

Мену сенсиз муҳайё қилган.

**ЎЗЖАНД МАМЛАКАТИНИ МИРЗО АМИРАК
АҲМАД ИБН МИРЗО УМАРШАЙХГА
ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мовароуннаҳр мамлакатлари бахтли хоқоннинг қудратли қўлида қарор топиб онҳазратнинг илтифот нурлари у вилоят атрофларида шуълалангач, аъло раъй онҳазратга мулозимлик қилишда жонбозлик йўлини тутган мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайхга лутф кўрсатиб, Ўзжанд мамлакатини унга суюрғол қилиб беришни лозим топди. Унинг биродари мирзо Бойқаро ҳамда амир Мизроб ва амир Мусоколарга эса у вилоятга бориб, у тарафнинг муҳим ишларини бажариш ва раиятлар бошини силаб, сўнг ҳумоюн ўрдуга қайтиб келишни тайинлади.

Манғлой амирлари Худойдоднинг ва Шоҳрухия қалъасида бўлган унинг ўғли Олоҳдоднинг калласини келтирдилар ва подшоҳона иноятлар билан (143) тақдирланишга сазовор бўлдилар. Ҳукмга биноан Худойдод билан учрашиш учун кетаётган амир Шайх Нуруддин, илоҳий иноят Худойдоднинг кечмишини охирига еткизгач, (хоқони саид ҳузурига) қайтди ва: «Вилоятга мўғул лашкари келган, мабодо, харобалик қилмасин; агар ижозат бўлса мен ўз вилоятимга жўнасам» — деб арз қилди. Онҳазрат тезда қайтиб келиш шарти билан унга ижозат берди. Амир Шайх Нуруддин шартни қабул қилди.

Сўнг ҳумоюн байроқ офтоби ўз давлат соясини Хўжанд вилояти устига ташлади. (Бу ерда) амир Худойдод воқеасидан кейин мирзо Халил Султоннинг нигоҳбонлари иттифоқлашиб Ало қалъа томонига жўнаганликлари ва амир Худойдоднинг ўғли амир Абдулхолиққа³ бориб қўшилганликлари хабари шуҳратли қулоқларга эшитилди. «Амир Шоҳмалик ва бошқа бир гуруҳ амирлар Ало тарафга бориб уларни қўлга олсинлар» — деган муқаддас фармон содир бўлди. Сўнг зафар оятли байроқлар пойтахт Самарқанд томон юзланди.

МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ ҲАЗРАТ
ХОҚОНИ САИД ҲУЗУРИГА
КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

*А*мир Шоҳмалик Аллонқўҳ тарафига бориб, унинг қалъа-сини муҳосара қилган эди, мирзо Халил Султон: «Менинг йўлимни очиб қўйинглар, мен қалъадан чиқиб кетаман», — деб хабар қилди. Абдулхолиқ ҳам: «Сизлар қалъа дарвозасидан⁴ нари туринглар, мен ўзим ҳазрат хоқони саид ҳузурига бораман», — деди. Шундан сўнг амир Шоҳмалик муҳосарани тарк қилиб ҳумоюн ўрдуга жўнади.


Шайх Нуруддин тайин қилинган муддатда қайтиб келмади. Онҳазрат идроклилик-фаросатлиликда (ўз) яқинлари орасида мумтоз бўлган ва ҳазрат соҳибқироннинг замонида барча давлат ишларини⁵ бажариб юрган мавлоно Қутбуддин Қарумий ва амир Тукал қарқароларни амир Нуруддин ҳузурига юбориб: «Унинг тез орада қайтиб келишига қарор қилинганлигига қарамай кечикиб қолишига сабаб (144) нима?» — деган мазмунни билдирди. Шайх Нуруддин эса: «Онҳазратнинг менга кўрсатган иноятлари устида кўп фикр юритдим; қилган гуноҳларимдан шармандаман, — байт, —

Хизмат қилиш жараёнида ўтган гуноҳларимизга узр
сўраймиз,
агар худо хоҳлаган бўлса, яна хизматга етишурмиз, —

лекин ҳозирча мени ўз ҳузурларига боришдан маъзур тутарлар деб умидворман; шоҳона байроқлар Хуросонга қайтгач, бу банда мирзо Улуғбек кўрагоннинг хизматига, байт(да келтирилганидек),


Жон белига бир камарни боғлаб,
жонни эса камардек белга боғлаб
ҳозир бўлурман», — деган жавобни юборди.

Мирзо Халил Султон Аллонқўҳ тарафидан келиб амир Шайх Нуруддинга қўшилди.



Мавлоно Қутбуддин садр ва амир Тукал (хоқони саид ҳузурига) қайтиб келишиб амир Шайх Нуруддиннинг узрини арзга етказдилар. Ҳазрат хоқони саид узрга қулоқ солмади ва юриш жиловини унинг тарафига бурди. Оқсултонга (етганда) мирзо Халил Султоннинг Яҳёко исмли қадим навқари келиб, унинг аҳволини арз қилди. Онҳазрат навқарнинг кўнглини ваъдалар билан тўқ қилиб қайтариб юборди. (Аммо) мирзо Халил Султон яна Яҳёқони юбориб: «Онҳазрат аҳду паймон тузсалар ва амирлардан ким бўлмасин бу тарафга келса, бу фарзанд у билан бирга ҳумоюн ўрдуга юзланажак», — (деб билдирди). Онҳазрат амир Шохмалик, амир Ҳасан Сўфи ва амир Алика кўкалтошларни (бу ишга) тайин қилди. Онҳазратнинг сўзига ишониш мумкинлиги олам аҳларига қанчалик маълум эканлигига қарамай, жаҳон кишиларининг табақалари орасида аҳду паймон тузиш, — мисра, — қадимий бир расм ва ўрганиб қолинган бир одат бўлганлигидан (хоқони саид): «Асло ва қатъиян фарзанд Халил Султоннинг жонига қасд қилмайман, уни азиз ва муқаррам тутаман, агар <ким бўлмасин> бирор киши унга қасд қилғудек бўлса имкон борича уни даф қилишга ҳаракат қиламан, **(145)** ғаразғўйларнинг мирзо Халил Султон ҳақидаги сўзига қулоқ солмайман» — деган (ваъдани) соф дилу пок эътиқод билан тилга олди.

Амирлар онҳазратдан бу аҳд-паймонни эшитгач, йўлга чиқдилар ва Ўтрор яқинига етдилар, чунки мирзо Халил Султон ва Шайх Нуруддин Ўтрорда эдилар. Амир Шохмалик ўзи сув ёқасида тўхтаб, амир Ҳасан Сўфи ва амир Аликаларни (илгари) жўнатди. Амирлар (мирзо Халил Султон) билан учрашиб, ҳазрат хоқони саиднинг сўзларини арзга етказдилар. Амир Шайх Нуруддин ҳам (шу ерда) ҳозир эди. Мирзо Халил Султон (хоқони саиднинг) иноятига ишонч ҳосил қилиб аҳду паймонга эътимод қўйди ва ҳумоюн ўрдуга қараб йўл олиб Узунато мавзеида қўл ўпиш шарафига мушарраф бўлди. Онҳазрат уни тўла эъзозу икромлар билан бағрига босди ва дўстлар мажлисини тузиб, айш-ишрат асбоблари муҳайё қилинди, хилма-хил фикрлар ва паришон ниятлар забт этувчи давлат




қошида иттифоққа келиб бирлашди. Сўнг ҳумоюн мавкаб до-
руссалтана Ҳиротга қараб қайтди; улуғлик авжининг офтоби
ўз шараф буржи ва саодат марказига қараб юришга буюрди
ва бу ҳумоюн фатҳу бахтли башоратнинг овозаси уфқлар ат-
рофларию жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарқалди. Байт:

Унинг фатҳи шуҳрати офтоб нури янглиф
жаҳоннинг шарқидан ғарбигача таралади.

**МОВАРОУННАҲР ВА ТУРКИСТОН МАМЛАКАТИНИ
САЛТАНАТ ВА БАХТ ОСМОНИНING ОЙИ
МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОНГА ИНОЯТ
ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ**


Ҳазрат хоқони саид Мовароуннаҳр ва Туркистон мам-
лакати вилоятини саодатли фарзанд, руҳ роҳатию дил қувва-
ти, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек (146) кўрагонга
бағишлади.

Бу бахтли фарзанд гарчи адолат усулларини адо этиш ва
сиёсат ҳукмларини юргизиш бобида ҳеч бир қўзғотишу қизиқ-
тириш, тушунтиришу рағбатлантиришларга муҳтож бўлмаса
ҳам, онҳазрат оталик шафқати юзасидан подшоҳона илтифот
билан насиҳат сўзлади: «Хақ таоло бу буюк инъом ва улуғ
марҳаматни бизга ато қилди; яроғ-аслаҳамизнинг ожизлиги
ва ҳолатимизнинг нуқсонлилигига қарамай бизни танлаш на-
зари билан тақдирлаб, фармонимизни олам мамлакатлари узра
жорий қилди, <бу — Оллоҳнинг лутфидир, Оллоҳ уни хоҳла-
ган кишисига ато қилади>⁶. Энди давлат ва подшоҳлик қадри-
ни билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтиргин ҳамда инсоф
ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очиқ тутгин, бар-
ча ишларда (оятдаги) <Ё Довуд! биз сени ерда (ўзимизга) ха-
лифа қилиб тайин этдик, энди сен одамлар орасида ҳаққоний
ҳукм юрит!>⁷ (деган сўзларга) мувофиқ амал қилгин, Оллоҳ ўз
саломини йўллагур пайғамбар варасалари бўлмиш уламолар-
ни эҳтиром кўзи тагига олиб, инъом назари билан мамнун



тутгин, диний можаролар бўйича (иш кўрганда) уларнинг фатвосини четлаб ўтмагин, «Ҳидоя»нинг муаллифи деб машхур бўлган миллату диннинг далили шайхулисом Абдулжалил ал-Марғинонийнинг атоқли ва олий мақом хонадонига нисбатан иззат-эҳтиромда бўлиб, у кишининг авлод-аждоқларидан тортиб ислом машойихлари ва замона йўлбошчилари бўлиб келаётган фарзандларини ҳаммадан юқори қўйиб, барча ҳолларда уларнинг шаън-шавкати мулоҳазасига риоя қилгин, **(147)** қозилар қўлини шариат ҳукмлари ижросида бақувват тутгин, олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан (ўзингга) яқин қилгин, давлат чегараларининг нигоҳбонлари ва мамлакат ичкарисининг қўриқчилари бўлган лашкарлар тоифасини очиқ юзлик ва хушмуомалалик билан ўзингга муте ва итоаткор қилиб, уларнинг ёлланма ҳақлари ва маошларини⁸ белгиланган вақтда тўла етказиб тургин, жонсипорлик шартларини бажаришда тегишлича жидду жаҳд кўрсатганларга⁹ инъомни оширгин ва баъзи ташлаб қочувчилар йўлини тутганларга саза бериб жазолагин; хулласи барча ҳолларда <ишнинг яхшиси (миёнаседир)> (деган ҳадис)га амал қилиб ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлгин, чегараларга иш кўрган ва тирикликнинг аччиқ-чучугини татиган кишиларни тайин қилиб, у ерлар қалъаларининг мустаҳкамлиги борасида зарурий чораларни кўргин».

Ҳазрат хоқони саид саодатманд фарзанднинг салтанат асбобларини муҳайё қилиб, (унинг ёнига) шижоатли, довюрак амирлар ва фаросатли болаёқат вазирларни тайинлади ҳамда у вилоятнинг ҳал қилиш ва ман этиш жиловию йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёрини¹⁰ адолатликда пешқадам бўлган олижаноб улуғ амир — амир Фиёсуддин Шоҳмаликнинг тўғри раъйи ва зийрак фикрига топширди, у ўзининг ўтқир билимича нимани муносиб кўрса (шу билан) мамлакат ишларини тартибга солишга киришсин¹¹, деб **(148)** унинг донолиги ва соф билимига эътимод қўйди.



**ҲИСОРИ ШОДМОН ВИЛОЯТИНИ МИРЗО
МУҲАММАД ЖАҲОНГИР ИБН МИРЗО
МУҲАММАД СУЛТОНГА
ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Улуғ хотир ва офтоб таъсирли замир Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати муҳим ишларини тартибга келтириб, ҳумоюн мавкаб Хуросон мамлакатлари тарафига қайтаётган аснода, Ҳисори Шодмон вилоятини мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол тариқасида ато қилди ва у вилоятнинг ҳосилини унинг ихтиёрига¹² топширди ҳамда оталарча панд-насихат эшикларини очиб: У барча ҳолларда яхшиликка таянсин, <Оллоҳ яхши иш қилганларни мукофотдан маҳрум этмайди, (Оллоҳнинг) шафқатига эришиш бандаларнинг ўзига боғлиқдир>¹³ (деган буйруқни) бажо келтирсин, раиятлар орасида тенгликка риоя қилиб, омилларга буюрсинки, улар кучлилар розилигини оламан деб заифларга илтифотсизлик билан қарамасинлар ва омилларнинг одатдаги дастур ҳамда маълум қонунларидан четга чиқиб янги қонун-қоидалар пайдо қилишларига йўл қўймасин, ўз етук сиёсати ва фаросати билан ҳар бир зўрлик қилувчини ранжу алам остида қолдирсин; у азиз фарзанд ҳадяларнинг энг сараси бўлмиш бу васиятларни розилик қулоғи билан эшитсин ва барча ҳолларда бу шартларга тақлид қилиб, уларни ўзига раҳнамо билсин», — деб буюрди ва сўнг шаҳзодани шодмон ҳолда Ҳисори Шодмонга жўнатди. (149)

**ҚАНДАҲОР ВА КОБУЛ ВИЛОЯТИНИ МИРЗО
ҚАЙДУ БАҲОДИРГА СУЮРҒОЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳумоюн мавкаб Жайҳундан ўтгач, ҳазрат хоқони саид соҳибқирон ҳазратлари замонида мирзо Пир Муҳаммад ибн мирзо Жаҳонгирга тақдим этилган Қандаҳор, Кобул, Ғазнинлардан (тортиб) Синд дарёси соҳилигача (бўлган ерлар) ва

Афғонистондан (ташкил топган) вилоятни мирзо Пир Муҳаммаднинг азиз фарзанди бўлмиш мирзо Қайду баҳодирга иноят қилди ҳамда унга (насиҳат қилиб): эҳсон ва адолат ёрдамида у мамлакатга равнақ ва ободонлик бағишлаш, хавфли оқибату катта бахтсизликлар келтирувчи зулму бедод ва жабру фасод андишасини нурли замирига яқин келтирмаслик, — мисра: (юзига) гард ўтирмаган ойна яхшидир, (чунончи) <мулк куфр билан боқий қола беради-ю, аммо зулм билан (боқий) қолмайди>, — одат ва феъл-атвор жилувини ақл ва зийраклик қўлига тутқизиб, эс-ҳушини <ўртачароқ равишга риоя қилинглр> (сўзлари) мазмунига йўналтириш¹⁴, мулк ободонлигини янгиловчи бўлган яхши ном ҳам давлат қоидаларини мустақкамловчи бўлган дуойи хайрни улуғлар наздида арзимас нарса деб ҳисобламаслик¹⁵ (лозимлигини буюрди).

БАЛХ МАМЛАКАТЛАРИ ВА УНИНГ МУЗОФОТЛАРИНИ МИРЗО ИБРОҲИМ СУЛТОН БАҲОДИРГА ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Аъло ҳазратнинг¹⁶ иқлимларни забт этувчи раъйи Балх ва Тўхористон вилояти ҳукуматини (150) Кобул ва Бадахшон чегарасигача¹⁷ давлат осмонининг офтобию мамлакат кўкинининг ойи бўлмиш Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султонга тақдим қилишни ҳамда у мамлакатларни юксалтиришу итоатда тутиш, кенгайтиришу қўлда сақлаш (ишларини) унинг адолати ва етук ақлига топширишни тақозо қилди. Бинобарин: Доруссалтана Ҳиротда хоқон ҳазратларининг қойим мақоми бўлиб турган «Шаҳзода (мирзо Иброҳим) олий ўрдуга юзлансин», — деган ҳумоюн нишон битилди.

Шаҳзода олий фармонга итоат қилиб Ҳиротдан жўнади ва ўн олтинчи ражабда (24 ноябрь, 1409) Андхуд чегарасида (отасига) мулозимлик қилиш шарафига етишди¹⁸.

Оллоҳ назар қилгур ўз нури дийда фарзандининг ҳимматини онҳазрат ҳарчанд аниқ кўриб турган ва унинг ёрқин пешонасида илоҳий нур зуҳурини мушоҳада қилиб кўздан

кечираётган бўлса ҳам, аммо отанинг фарзандга бўлган меҳр-шафқати офтобдек қадрли бўлгач, онҳазратнинг <Оллоҳ ўз нури томон истаган кишисини йўлайди>¹⁹ (ояти) ёғдусидан бир шуъла бўлмиш ўз нурли раъйининг бир машъали унинг кўз ўнгида **(151)** йўл кўрсатувчи сеҳргар бўлди ва у (фарзандига насиҳат қилиб): «Саъй-ҳаракатни қўллаш ва аҳвол ўзгариб туришлари пайтида нариги дунёдаги ҳаёт захираси ва қиёмат кунига тайёргарлик бўлмиш тақвою парҳезкорликни (оятда) <энг яхши захира — тақводир,>²⁰ (дейилганидек), ўз одатининг беагию саодат сармояси деб билсин, адолат юргиши ҳолларида кучли ва заифни баробар ҳисобласин, зулм байроғини йиқитсин, жабр шиорини ўчирсин, ситам етганинг (ёмон) дуосидан кўрқсин²¹, — чунки (ҳадисда) <мазлум кишининг дуойи бадидан ўзингизни сақланг> дейилган, — хайр-саховат қоидаларию эзгуликлар биносини мустаҳкам сақласин ҳамда мангуликка яхши ном қолдирсин» (деб буюрди). Байт:

Ҳамонки дунёда бирор киши ҳам боқий қолмас экан,
ундан яхшилик ёдгор қолгани дуруст.

У вилоятларнинг барча муҳим ишлари хоҳишга мувофиқ саранжом топганидан кейин ҳумоюн мавкаб саодатли фол ва мақбул толе билан доруссалтана Ҳиротга юзланиб, ўн олтинчи шаъбонда (24 декабрь, 1409), — мисра, — худди офтоб ўз шараф уйига келгандек, давлат пойтахти ва салтанат тахтига келиб ўтирди.

**СУЛТОН АЛИ ИБН ПИР ПОДШОҲ ИБН ЛУҚМОН
ПОДШОҲ ИБН ТАҒОЙ ТЕМУРХОННИНГ
ЎЛДИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони саид Мозандаронга иккинчи марта лашкар тортганида Пир подшоҳ ўзига паноҳ излаб **(152)** Рустамдор вилоятига кетган эди. Бунинг шарҳи юқорида ўтди²². Ҳумоюн мавкаб (Мозандарондан Ҳиротга) қайтаётганда Пир под-

шоҳнинг ўғли Султон Али бахт илҳомию саодат насиҳати билан (хоқони саид) палосини ўпиш учун юзланиб²³ муборак Меҳна атрофида хумоюн ўрдуга етишди, онҳазрат унга нисбатан лутфу иноятлар буюрди²⁴ ва у Сеистон юришида (хоқони саидга) мулозимликда бўлди, бироқ Фароҳ қалъаси фатҳ қилинганидан кейин, ногоҳ, бирор сабабсиз қочиб кетиб, Рустамдорга келди. Унинг отаси шу ерда вафот этган эди. Амир Каюмарс Рустамдорий унга тўла мадад берди, отасининг навкарлари ва ҳар хил жойлардан келган баъзи кишилар унинг ҳузурига тўпландилар. Зафар оятлари битилган байроқларнинг (Ҳиротдан) Мовароуннаҳрга юзланганлигини эшитгандан кейин эса Султон Али Астрободни ўзига бўйсундиришга қарор қилди.

Мирзо Улуғбек кўрагон Астрободда ишончли навкари Абу-л-Лайсни қолдириб, ўзи ғалаба ёр лашкар кетидан (Мовароуннаҳрга) жўнагач, Султон Али бир гуруҳнинг иғво ва фасоди билан Астрободга қараб юрди. Абу-л-Лайс ҳам уруш анжомларини тайёрлаб, ҳар икки гуруҳ қатта лашкар билан бири-бирига рўбарў келди; жангу жадал олови аланга олди; Султон Али жангда қаттиқ захм еб ҳалок бўлди. Фолиб сипоҳ сонсаноксиз ғаниматларни қўлга киритди; Султон Алининг калласини Ҳиротга етказдилар.

АМИР САЙЙИД АЛИНИНГ СОРИЙДАН КЕЛГАНЛИГИ ВА УНИ ҚАЙТАДАН ЎЗ ВИЛОЯТИГА ЕТКАЗИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Соҳибқирон ҳазратлари Рум ва Шомдан қайтаётган вақтида Омул ва Сорий ҳукуматини ва уларга тобе (жойлар)ни **(153)** жаноб муртазойи аъзам амир Саййид Али ибн амир Саййид Камолуддин ибн амир Саййид Қавомуддинга иноят қилган эди. Соҳибқирон ҳазратларининг (вафоти) воқеасидан кейин Шоҳруҳ ҳазратлари ҳам у мулкларни ўша (кишига) топшириб қўйди.

Аммо онҳазрат Мовароуннаҳрга бориб турган кунларда мазкур амир Саййид Алининг биродари амир Саййид Муртазо ўзи куёв бўлгани Ҳазора Жариб саййидларининг²⁵ кўмаги билан бир лашкар тўплаб ўз биродари (амир Саййид Али)га қасд қилди. Амир Саййид Али эса олампаҳоқ даргоҳга илтижо билан юзланди. Онҳазрат унинг борасида иноят буюриб, ўз мамлакатига етказиш ҳақидаги илтимосини қабул қилди ҳамда соҳиби аъзам Хожа Шамсуддин Муҳаммад Мушриф Симнонийни амир Саййид Муртазога (қуйидагиларни) айтишни буюрди: «Соҳибқирон ҳазратлари Омул ва Сорий вилоятини амир Саййид Алига иноят қилган, биз ҳам шундай қарорга келган эдик, энди эса, эшитишимизга қараганда, жаноб муртазавий биз тарафдан содир бўлувчи хавф-хатардан ҳадиксирамай уни ўз вилоятдан қувиб чиқарибди; бундай ишга журъат қилиш у кишининг идроку фаросатига муносиб келмайди, чунки, олам кишиларига маълумдирки, биз амир Саййид Алига нисбатан иноят ва риоят қилишни лозим деб биламиз ва унинг илтимосларини ўрнига етказамиз; оқил киши бирор сабаб бўлмай туриб ўз умиди ниҳолининг кўкариш ери бўлмиш подшоҳнинг ғазабини (қўзғатиш фикрига) ўз дилидан ўрин бермасдан тобелик расмини ўрнига қўйиши керак ва итоат йўлидан юз ўтирмаслиги лозим. Биз Али (авлоди) замонасининг етакчилари қандай мўмин эканликлари ҳақида эшитганларимизга биноан (154) умид қиламизки, бу сўзларни у қабул қулоғи билан эшитар ҳамда дилида бирор бузуқ андиша ва димоғида бирор ботил ғурур бўлса ташқари чиқарар. Биз ҳозир давлат доирасининг маркази бўлмиш Хуросонда саксон минг мукамал (қуролланган) отлиқ билан ўтирибмиз, атроф ерлардан хотиримиз жам. У мамлакатни забт қилиш иши, зоҳиран, шоҳона узангининг юришга отланиш эҳтиёжига эга бўлмаса керак, негаки у чегараларда турган лашкарлар бир ишоратга интизордирлар ва улар, агар жаноб муртазавий насиҳат ва фармонга қулоқ солмасалар, эшиттириб қўядилар».

Хожа Шамсуддин Муҳаммад Мушриф ва амир Саййид Али Астрободга етдилар²⁶; Хожа Муҳаммад Сорийга бориб амир Муртазога насиҳат қилди-ю, аммо бирор натижага эриша олмай (Астрободга) қайтиб келди; амир Саййид Али эса Астрободда²⁷ амир Хизрхожанинг навкарлари ва сорийликлардан бир тўдасини жам қилиб, тўсатдан Сорийга жўнади ва Саййид Муртазони у ердан қувиб, мамлакатни ўз қўлига олди.

**МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТЛАРИ ФАТҲ
ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АТРОФ
(ЕР)ЛАР САРДОР ВА ЭЛЧИЛАРИНИНГ
ТАБРИКЛАШГА КЕЛГАНЛИКЛАРИ ЗИКРИ**

Шоҳона байроқлар Мовароуннаҳр мамлакатидан қайтган вақтида амир Некпайшоҳ Бадахшоний паноҳ излаб олам-паноҳ даргоҳга қочиб келди, (чунки) унинг биродарларини Шоҳ Баҳоуддин қатл қилган эди. Ҳазрат хоқони саид унга навозишлар кўрсатиб, ваъдалар билан умидвор қилди.

Хоразм тарафидан Амирзо Анканинг элчиси келиб Мовароуннаҳр фатҳ этилиши муносабати билан табриклар етказди. **(155)** Онҳазрат унга нисбатан илтифот кўрсатиб (қайтишга) ижозат берди.

Дашти Қипчоқ ва Ўзбек мамлакатларининг соҳиб ихтиёрлари: Фўлодхон, амир Идику баҳодир ва амир Ибсий (?)ларнинг²⁸ навкарлари элчилик йўли билан етиб келдилар ҳамда шунқор ва (бошқа) овчи қушлардан иборат подшоҳона совғаларни етказдилар. Элчилик мазмуни шундай эди: «У жанобнинг хушфеъллиги ва яхши қилмишлари ер юзи мамлакатларида, хусусан Дашти Қипчоқ вилоятида тўла шуҳратга эга. Давлат чашмаси ва саодат манбаи бўлмиш фахрли Самарқанд ери муборак қадамлар ёғдуси билан янги зийнат топиб, у вилоятлар янгитдан у девоннинг фармонбардорларига тааллуқли бўлган кунларда табрик шартларини бажо келтириш вожиб кўринди. Илтимос шуки, ҳозирдан бошлаб икки орадаги му-

носабатлар тузатилса ва икки тараф ўртасида иттифоқлик ҳосил бўлса. Байт:

Биз бир-биримиз билан дўст бўлсак,
йўллар нотинчлик ва офатлардан эмин бўлгусидир».

Онҳазрат элчиларга инъом буюриб, уларни подшоҳона кулоҳу камарлар билан тақдирлади ҳамда Фўлодхон, амир Идику ва амир Ибсийлар учун хусравона тортиқлар тайин қилди; яхши хулқ ва нозик нутқ эгаси бўлган амир Ҳасанкони Фўлодхон ҳузурига боришга ва бахтли шаҳзода мирзо Муҳаммад Жўтий баҳодир учун хон хонадони ва Чингизхон авлодидан бир қаримани (хотинликка) сўрашга белгилади ҳамда манққут қавмидан бўлган амир Идикунинг қизини номзод қилиб кўрсатди. Амир Ҳасанко (156) жўнаб кетди.

Шу аснода Ўқринча ва Деҳистонда турган ҳамда Пир подшоҳ фитнаси вақтида қочиб кетган бир гуруҳ туркмонларга бахт раҳнамолик қилиб, уларнинг бошлиғи Темур солор ўз эл-улусини жам қилди ва уларни асл юртига келтириб палос ўпиш шарафига муяссар бўлди. Онҳазрат уларнинг гуноҳини афв этиб, навкар ва хизматкорларга ўша ердан юрт берди; улар барчаси хотиржам бўлишиб, ором олдилар ва (ўша жойга) ўрнашдилар.

**ВАЛИЙЛИККА ЛОЙИҚ ЖАНОБ ШАЙХ
ЗАЙНУДДИН АЛ-ХАВОФИЙНИ СЕИСТОН
ТАРАФИГА ЖЎНАТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Зафар нишонли мавкаб Сеистон юришидан қайтиб келиб Мовароуннаҳрга юрганлиги ўтган йил (воқеалари орасида) айтиб ўтилди. Мисра, — энди, бахту зафар билан (Мовароуннаҳрдан) қайтиб келганидан кейин, Сеистоннинг ҳокимлари узр сўраш мазмунида: «Агар онҳазрат валийликка лойиқ жаноб Шайх Зайнуддин ал-Хавофийни (Сеистонга) юбориб, Сеистон аҳолисининг хунини бағишласалар, ҳар қалай улар эмин бўлиб, хизматга шошилурлар» — деб арзга етказдилар. Онҳаз-

рат илтимосни қабул қилиб асли насаби билан раҳбарликка лойиқ бўлган (Шайх Зайнуддин)га **(157)** йўлга чиқишга рухсат берди. Сеистоннинг ақиблари уни кутиб олиб эҳтиром ва зифасини бажо келтирдилар. Жаноб Шайх ҳазрат хоқони саид ваъда қилгани иноят ва марҳаматларни у вилоят аҳолисига етказди. Шоҳ Қутбуддиннинг биродари Шоҳ Масъуд ҳамда собиқ лашкар қозиси²⁹ каби у ернинг ақиблари ва Сеистоннинг бошқа аъёнлари ўқ ёй ва кафан билан олампаҳо даргоҳга келдилар, жаноб Шайх фасоҳат тилини (оятдаги) «агар уларни жазоламоқчи бўлсанг, улар сенинг қулингдир»³⁰ (сўзлари)нинг шафоатига очди ҳамда «агар сиз афв этсангиз — бу тақводорликка яқиндир»³¹ (сўзларини) ўқиди ва (қўйидагиларни) арз ерига етказди: «Бу жамоатнинг садоқат қадами сабот еридан сирғалган экан, энди онҳазрат бу бобда илоҳий тадбирга тақдид қилишлари лозим, чунончи (Оллоҳ) бандаларнинг гуноҳ ва айбларидан воқиф бўлади-ю, аммо ўз қудрату шавкатининг мукамаллигига қарамай, жазо беришни кечиктириб, муҳлат беради ва улар тавба эшигидан кирганларида тавбаларини қабул қилади. Равшандирки, сеистонликлар кўп муддатлар бу хонадонга нисбатан хизматкорлик тариқаси ва жонсипорлик вазифасини бажо келтирганлар, агар энди улар куфрони неъматга қандайдир бир қадам қўйиб онҳазратнинг нури хотирини озурда қилган бўлсалар, ўз жазоларини топдилар, қаҳр захрини татиб кўрдилар ва надомат бармоғини тишладилар ҳамда, ана шу ҳолатда, подшоҳона лутф-марҳамат умидида, — мисра, — ўқёй ва кафан ушлаб ҳимоя тилаб келдилар».

Онҳазратнинг лутф-марҳаматга бўлган туғма мойиллиги ҳаракатга келиб, жаноб Шайхнинг шафоатини қабул қилди ва уларнинг гуноҳлари саҳифаси устидан афв чизигини тортиб, ҳаммаларига инъом-икромлар кўрсатиб, Тус қалъасида ҳибсда ётган Шоҳ Маҳмуднинг ўғли Шоҳ Нусратни озод қилишга буюриб, Сеистон ақиблари билан бирга отаси Шоҳ Маҳмуд ҳузурига юборди; Шоҳ Масъуд эса ҳумоюн ўрдуга мулозим бўлиб қолди. **(158)**

МАРВ ШАҲРИНИНГ ОБОДОН ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид ўн бешинчи зу-л-қаъдада (21 март, 1410) қутли толе ва ҳумоюн юлдуз ёрлигида отланиб, кўнгил очар яйловлари баҳор фаслида гўзал ёр юзидан ҳам чиройлироқ ва дилдор ваъдасидан ҳам ёқимлироқ бўлган Бодғис томон йўл олди. Салтанат қоидалари ободончилик (ишлари) билангина мустаҳкамлана оладиган ва халифалик ерлари зироат билангина нашъу намо топа оладиган бўлганлиги туфайли ҳазрат (хоқони саид)нинг нурли хоитири давр ўтиши билан емирилган ва вайрон ҳолда ётган Марв шаҳрини яна (қадимги) обод ҳолига келтиришни зарур деб топди³² ҳамда Хуросон шаҳарларининг машҳурларидан бири ва бахтиёр султонларнинг тахтгоҳи бўлиб келган, аммо замона ҳам кеча-кундуз ҳодисаларининг ғолибона таъсиридан емирилиб, иморатларидан нишонаню шакллардан бўлак ҳеч нарса қолмаган бу жойни тузатишга буюрди.

Чингизхоннинг ўғли Тулихон уни вайрон қилишга буюргани олти юз ўн саккизинчи (1221—1222) йилдан то янгитдан тузатилгани бу (812 (1409—1410) йилгача бир юз тўқсон тўрт йил ўтган эди.

Алқисса онҳазрат: «Хуросоннинг барча ерларидаги турку тозик, яқину йироқ (киши)лар бу муҳим ишни бажаришга юзлансинлар ҳамда, биринчи галда, инсон тириклиги унга тобе, балки барча нарсаларнинг яратилиши у билан боғлиқ бўлган сувни жорий қилсинлар», — деб буюрди ҳамда Марвнинг суви Мурғоб дарёсидан келадиган бўлганлиги ва бу дарёга қурилган тўғонни сув олиб кетиб (ундан чиқарилган) ариқ тўлиб қолганлиги учун «қайтадан ариқ қазилсин ва тўғон³³ боғлансин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Бу катта ишга (раҳбарликка) улуғ амирлардан: Алоуддин Алика (159) кўкалтош ва амир Мусо, девон аҳлларида эса амир Али Шақонийлар тайинланди. Фараз қилиб кўрганда, подшоҳ ўз мулозиму

сипоҳлари билан бир йилда ҳам бажара олмайдиган бир иш андак муддату кичик бир фурсатда охирига етказилди.

Худди ошиқлар дилидек хароб ва ҳунармандлар касбидек касод бўлиб ётган ерлар гўзаллар рухсорию лоларўлар чеҳрасидек таровату сафо ва равнақу баҳо топди. Қуёнлар маскани ва тулкилар макони бўлиб ётган (шаҳарнинг) атроф ерлари мевали дарахтлар ўсадиган ва хушовоз қушлар қўнадиган жойга айланди.

Биринчи йили бу ерда беш юз жуфт ҳўкиз³⁴ зироат билан машғул бўлди, халойиқ бу ерга кўчиб келиб ватан қилишга майл кўргазди.

Ариқнинг узунлиги тўғон бошидан токи ҳазрат (Муҳаммад) расулуллоҳнинг, — худо уни ва оила аъзоларини раҳмат қилсин, — байроқдорлари бўлмиш Бурайда ва Ҳакамлар мақбараси ўрнашган Дарвозайи аламдоргача ўн икки фарсанг, кенглиги бошланиш жойларида йигирма газ (бўлиб қуйи оқимларида) ўн беш газгача, чуқурлиги эса беш газдан кам эмас эди³⁵. Шаҳар ичида масжидлар, бозорлар, ҳаммомлар, уйлар, хонақоҳлар, мадрасалар ва бошқа хайрли иморатлар қурдилар.

Тўхтаб қолган сув Марв ариғига қайтадан келганидан ва шаҳарни тузатиш ва тиклаш ишлари тугатилганидан кейин (мазкур) амирлар аъло тахт поясига **(160)** қайтиб келдилар.

Хоқони сайд ҳазратлари то Мурғоб сувигача бориб, ҳаво иссиқлиги туфайли Кийту яйлоқи томон қайтиб келди ва бу дилкушо фазода ийди қурбон расм-русумларини бажо келтириб, доруссалтана Ҳиротга қараб жўнади. Байт:


Илоҳий кўмак ҳамроҳлигида бахту иқбол билан
олий мавкаб шаън-шараф қароргоҳига етиб келди.

ФОРС ВА ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИ ВОҚЕАЛАРИ,
МИРЗО ПИР МУҲАММАД (ИБН МИРЗО
УМАРШАЙХ) ШАҲИД БЎЛИБ МИРЗО
ИСКАНДАР (ТАХТГА) ЎТИРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Искандарнинг Шерозга келганлиги ва мирзо Пир Муҳаммад унга дилжўйлик кўрсатганлиги ҳақида юқорида арз ерига етказиб ўтилган эди³⁶. (Шундан сўнг) мирзо Пир Муҳаммад Кермон вилоятини қўлга олишга отланиб, йўлга чиқди ва бир қанча йўл юргач, Дужоҳа³⁷ манзилига етди. (Бу ерда) мирзо Пир Муҳаммаднинг ўзи табибзодалиқдан³⁸ амирлик мартабасига етказиб, мулку мол ишларида мутлақ соҳиб ихтиёр қилиб қўйгани Хожа Ҳусайн шарбатдор нопок бир тўда бебоклар билан сотқинликка иттифоқ тузди ва ярим кечада у пок қалб одил подшоҳнинг чодирига кириб, уни шаҳидлик даражасига етказди. Бундан огоҳ бўлган мирзо Искандар иккита ҳамроҳи билан Шероз йўлига равона бўлиб, икки кечакундуздан кейин иқболу (161) саодат билан давлат дарвозасидан кириб келди ва (Шерозда) шаҳид бўлган бахтли мирзонинг қойим мақоми бўлиб турган амир Темурхожанинг уйига бориб, аҳволни баён қилди.

Шаҳарда турган амирлар³⁹ бу (суиқасд) ҳаракати мирзо Искандардан содир бўлган деб гумон қилдилар, (аммо) лашкар аҳли етиб келиб⁴⁰, бўлиб ўтган воқеани ошкора қилганларидан кейин аъёнлар ва кул улар мирзо Искандарга байъат қилиб, уни подшоҳликка кўтардилар. Кул уларнинг каттаси бўлган Хожа Алоуддин Муҳаммад шаҳар ва боруни ўз тасарруфига олишга киришди.

Бахтли подшоҳни (ўлдириш) воқесидан фориф бўлган Хожа Ҳусайн ўз биродари Хожа Алига мирзо Искандарнинг васоқига бориб унга ҳам шаҳидлик шарбатини ичиришни буюрди⁴¹. Мисра: (мирзо Искандар эса) шамолга ҳамроҳ бўлиб Шерозга жўнаган эди. Амир Абдусамад⁴² шу замониёқ Язд тарафига жўнади, қолган амирлар Ҳусайн нопокка⁴³ муте бўлдилар. У малъун мумкин қадар кўп куч билан Шероз рўбарўсига





келди ва Саодат майдони дарвозаси унинг боши узра соябон тутиб, шаҳарнинг тўрт тарафидан жанг бошлади. У Мурдастон дарвозасига келиб, кулу Алоуддин Муҳаммад билан сўзлашди ва дағал жавоблар олди. Мирзо Искандар дарвоза ичкарасида туриб у сўзларни эшитди⁴⁴.

Ўша куни то кеч киргунича ҳар икки тарафдан мардона тирандозликлар ва баҳодирона жанглар қилдилар. Кун охирилаганда (Хожа Ҳусайн) амирларидан бири Мурдастон дарвозасидан **(162)** шаҳарга кирди. Бундан огоҳ бўлган Хожа Ҳусайн саросимага тушди ва Жаъфаробод йўли билан юртга жўнади. Амирлар ва лашкар мирзо Искандарга мойил бўлдилар. Мирзо Искандар шамшир яланғочлаб туриб, амирлар ва лашкар шаҳарга кирсин учун Мурдастон дарвозасини очтирди ва ўша қоронғу кечада гўё қиёмат куни пулсиротдан ўтиш (воқеаси) содир бўлди. Эртаси эрталаб ўз хожасини ўлдирган у нобакор кўрнамак (Хожа Ҳусайн) Кермонга қараб қочди. Мирзо Искандар ёвузликларининг учқуни аланга олган бир нечта кишини жазога буюрди; Форс мамлакати монеликсиз ва баҳсу низосиз ҳаққоний тарзда ворислик ҳуқуқи бўйича (мирзо Искандарга) бўйсуниб, унинг қўл остига ўтди. Байт:

Уни мақташда «иккинчи Искандар», — десам раводир,
чунки у мамлакат саддини Искандардан кўра яхшироқ
тиклади.

Мирзо Пир Муҳаммад манғлоий тариқида Кермонга жўнатган амирлар⁴⁵ бу хабарни эшитиб тарқалиб кетдилар⁴⁶ ва Шерозга қараб юзландилар. Амир Сиддиқ йўл асносида лаънати Ҳусайнни тутиб олди ва унинг бир қулоғини белги сифатида **(163)** ханжар билан кесиб мирзо Искандар ҳузурига жўнатди. Хожа Ҳусайнни руҳи поклангур Шайх Саъдийнинг мозорига келтириб, соқол ва мўйлабларини қисман тарошладилар ва аёлларга ўхшатиб ясантириб ҳўкизга миндирдилар ва бошига давлат кулоҳини қўйиб, мирзо Искандар ҳузурига келтирдилар. Мирзо Искандар ундан: «Нега биродаримни ўлдиришга қасд қилдинг?» — деб сўраганида у: «Агар мен унга



қасд қилган бўлсам, (натижаси) сен учун ёмон бўлиб чиқмади», — деб жавоб берди. Мирзо Искандар пичоқ чиқариб ўз қўли билан унинг ўнг кўзини ўйиб олди ва чўқмоқ билан ҳалок қилишга буюрди. Унинг калласини Исфаҳонга юбордилар, шум танасини эса, икки-уч кун осиб қўйгандан кейин, куйдирдилар⁴⁷.

Барча амирлар мирзо Искандар ҳузурига йиғилдилар, (аммо) Язднинг доруғаси⁴⁸, Умаршайх хонадонининг қадимий навкари эканлигига қарамай, муҳолифатчилик қилиб, амир Абдусаммад ва Тоҳирни банд қилди ва унинг маҳдумаси бўлмиш Беги Мулк оқони ғорат қилиб шаҳардан қувиб чиқарди⁴⁹.

Мирзо Искандар бундан хабар топгач, амир Абдуллоҳ, Абдулкарим ва Хожа Маҳмуд Хоразмийларни Яздни муҳосара қилишга юбориб, ўзи⁵⁰ Исфаҳонга равона бўлди ва Кўшки Зар саҳросида қурултой чақирди. (164)



СУЛТОН МУЪТАСИМ (ВОҚЕАСИ) ЗИКРИ



Увайсия хонадонининг умидгоҳи ва Музаффария хонадонининг пушти паноҳи бўлган Султон Муътасим ибн Зайнулобидин ибн Шоҳ Шужо бундан илгарироқ ўлдирилди. Бунинг тафсилоти шундай: Унинг отасини Самарқандга олиб кетганларида Султон Муътасим Шом тарафига бориб қолган, сўнграқ, ҳазрат соҳибқироннинг (вафоти) воқеасидан кейин эса, Ироқ ва Озарбайжонга йўл олган эди⁵¹. Амир Қаро Юсуф унга нисбатан яхши муносабатда бўлди⁵² ва у бир неча кунни Табризда айш-ишратда ўтказди. Сўнг у амир Бистом Жогир билан иттифоқликда ва Қози Аҳмад Соидийнинг⁵³ раҳбарлигида Исфаҳонга юрди.

Исфаҳонда турган мирзо Умаршайх ибн мирзо Пир Муҳаммад, амир Саид барлос ва амир Жалбоншоҳлар⁵⁴ унга рўбарў чиқдилар-у, лекин жанг қилмай Яздга қараб юзландилар⁵⁵. Жалбоншоҳнинг навкари Амиршоҳ Кошонда турган эди, у соҳиби аъзам Хожа Фиёсуддин Сейди Аҳмад билан иттифоқликда шаҳарни забт қилиб ўзларини кошонликлардану



кошонликларни Султон Муътасим лашкаридан қўриқлаб турдилар ва эҳтиётлик шартини бажо келтирдилар.

Амир Фозил Яздга жўнаб кетаётган мирзо Умаршайхдан жудо бўлиб, Кўшки Зарга — мирзо Искандарнинг ҳузурига **(165)** келди ва аҳволни арзга етказди.

Мирзо Искандар⁵⁶ амир Сиддиқ, амир Каюмарс ва (амир) Баёнларни⁵⁷ жанг қилмай Язд тарафига кетган амирлар орқасидан жўнатди-да, ўзи (бутун лашкар билан) Султон Муътасимга (қарши) кўзғолди⁵⁸. Оташгоҳ (мавзеи) яқинида икки лашкар бир-бири билан тўқнашиб, жанг бошланди. Форснинг аслзода ва аёнлари Султон Муътасим тарафига ўтиб кетдилар ва душман бу билан дадилланиб, мирзо Искандарнинг қўли томон от қўйди⁵⁹. Аммо исқандарона лашкар ҳайдарона билан кучи билан Музаффарийлар хонадони (лашкари)нинг чангини чиқарди ва Султон Муътасимнинг сипоҳи орқага чекиниб, қочишга тутинди; Озарбайжон ва Ироқнинг аксар сардорлари қўлга тушиб, тақдир пойбанди бўлдилар.

Султон Муътасим Исфаҳон дарвозасига келиб, отини ариқдан сакратмоқчи бўлган эди, у оғир киши бўлганлигидан ўзини (от устида) тутиб тура олмай орқага йиқилди. Унинг кетидан бир довьорак (навкар) етиб келиб, бошини танидан жудо қилди ва унинг фитна оташи ўчди. Малик Фахруддин Натанзий ҳам ўлдирилди, амир Бистом Жогир Рай тарафига **(166)** жўнади.

Қози Низомуддин Аҳмад Соидий таассублик бўйинбоғини гарданига илиб, Чаҳордонга ва Дудонга раиятлари билан иттифоқлашиб қисқа андишалиқдан узоқ режани тузди. Мирзо Искандар неча бор элчи юборса ҳам фойда бермади ва (қози Низомуддин сўзга) қулоқ солмади⁶⁰. Шу восита билан ўша баҳор, ёз фаслари ва кузнинг ярмигача Исфаҳоннинг атрофлари бутунлай хароб бўлди⁶¹.

Шу орада мирзо Рустам⁶² ҳазрат хоқони саиддан ижозат олиб, Исфаҳонга яқин етиб келди. Жаҳон довьоракларининг пешқадами бўлган қози Аҳмад Соидий бошқа сардорлар билан биргалиқда мирзо Рустамни кутиб олди. Бундан хабар

топган мирзо Искандар Язд ҳибсидан ҳалос топиб Варзана томонига келган амир Абдусамадни (Яздга) жўнатди⁶³, Амирхон⁶⁴ Саид барлосни Журбодқонни босқин қилишга тайинлади. (Сўнг) исқандарона мавқаб дорулмулк Шероз томон юзланди.

Мирзо Пир Муҳаммаднинг Исфаҳондан Яздга қараб кетаётган бир гуруҳ амирлари билан мирзо Искандарнинг улар изидан йўлга чиққан амирлари Сиддиқ, Каюмарс ва Баёнлар тўқнашиб, жанг қилдилар; мирзо Искандарнинг лашкари ғолиб келди. Амир Жалбоншоҳ барлос Сиддиқ ва Каюмарсларга қўшилди, амир Шайх Муҳаммад Жавон ва Амирхон Саид барлослар Кермон йўли билан Хуросонга бориб, мирзо **(167)** Рустамга қўшилдилар⁶⁵; (мирзо Рустам эса), уларнинг келиши боис бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, (хоқони саид) ижозати билан Ироққа келди.

Мирзо Искандарнинг Яздни муҳосара қилиш учун кетган амирлари (аҳволи қуйидагича); яздликлар (қамалдан) танг бўлишгач, (асирда тутганлари) амир Абдусамадни ҳибсдан бўшатиб сулҳ тузиш учун Мирзо Искандарнинг ҳузурига жўнатдилар; Тоҳирни ҳам қўйиб юбордилар. Яздликларнинг сардори бўлган Абу Бакр Тоҳирни ўзига қойим мақом қилиб қолдириб, кун ярмида қалъадан ташқари чиқди⁶⁶. Тоҳир фурсатни ғанимат билди-да, қалъанинг шаҳар тарафидаги (ички) дарвозасини беркитиб туриб, ташқи дарвозасини очди ва бир хабарчини шамолга ҳамроҳ қилиб амирлар ҳузурига жўнатди. Амирлар тезлик билан қалъага босқин ясаб, уни забт қилдилар; фитначиларнинг кўпчилиги қатл қилинди⁶⁷. Мирзо Искандар амир Юсуф Жалилни Язд ҳокимлигига тайинлади.

Форс мамлакатлари ва Ажам Ироқининг баъзи ерлари мирзо Искандарга бўйсуниб уни таниганидан кейин, у ҳазрат хоқони саид ҳузурига бир мактуб ёзиб: шаҳиду саид биродаримнинг жонсўз воқеасидан кейин ишлар забт этувчи давлат шуҳрати кўмагида муқим қоида бўйича интизомга тушди ва **(168)** мамлакатлар юзаси зиддиятлар заҳматида ҳалос бўлди, — деб арзга етказди ва яна: «Биродарлардан қайси бирини маъ-

қул топсангиз Ироққа номзод қилиб тайинланг, токи улар бир-бирларига мадаккор ва кўмақдош бўлсинлар», — деб илтимос қилди.

Ҳазрат хоқони саид ихтиёр рақамини мирзо Бойқаро номига тортди ва ногораю байроқлар, қулбаччаю ходимлар ва бошқа подшоҳлик асбобларини тартибга солиб, уни (Ироққа) жўнатди ва мирзо Искандарга (қуйидагича) мактуб ёзди: «Яздоний лутф ва раббоний фазл бизнинг салафларимизга иноят юзасидан амр бериш ва ҳукм юргизишни ато қилди ҳам бу (марҳамат) салафлардан кейинги авлодларга етиб келди. Худойи таоло у фарзандга Тахтгоҳи Сулаймон алайҳиссалом деб ном олган бир мамлакатнинг амр бериш ва ман этиш ишлари калитини топширди. Бунинг шукрини бажо келтириш керакким, токи бу шукр давлат давомига сабаб бўлғай. Унинг илтимосига биноан, (оятда) <биз сенинг билагинга биродаринг орқали қувват берамиз>⁶⁸ (дейилганидек) мирзо Бойқарони у тарафга жўнатдик. Энди аҳиллик шартлари амалга ошмоғи ва мувофиқлик ишлари юришиб кетмоғи учун (мирзо Бойқаро) лутф-марҳамат йўлида қатъий турмоғи лозим. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, у жаноб фарзанд бу насиҳатларга муҳтож эмас; лекин (мирзо Искандар) бу сўзларни унинг эсига солиб турмоқ учун такрор қилиб туриши лозим. Шунингдек, у фарзанд (мирзо Искандар)нинг олижаноблик ҳислари ва нозик табиатидан кутилган нарса шуки, у ўз туғишган биродарларини ўз шафқати ҳимоясида тутсин ҳамда қавм-қариндошларни ҳимоя қилиш иши давлат турғунлигида жуда катта таъсирга эга эканлиги туфайли, энди ака-укаларга бизнинг самимий шафқат **(169)** (кўрсатиб туришимизни) лозим деб билсин ва доимо хат алмашилиб туриш йўлидан юриб, элчиликлар эшигини очиқ тутсин, бирор орзуси бўлса маълум қилсин, токи иншооллоҳи таоло, у вазифаларни тўла бажаришда барча саъй-ҳаракат қўлланилғай ва (у орзу) рўёбга чиққай».

**МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОН (ИБН МИРЗО
МИРОНШОҲ)НИНГ ИРОҶ ВА ОЗАРБАЙЖОН
ТОМОН ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Халил Султон ҳазрат хоқони саидга мулозим бўлиб Мовароуннаҳрдан Ҳиротга келган эди, онҳазрат уни яхши бир ерга туширди ва унга етарли миқдорда маош тайин қилиб⁶⁹, навкарларига ҳам меҳрибонликлар кўрсатди. Мирзо Халил Султон бир неча кунни айш-ишратда ўтказгач, хизматга киришди ва кеча-кундуз ўзини онҳазрат давлати қасрининг соябонидаги нақш қилиб, салтанат тахти поясига мулозимлик қилишни ҳожатлар қибласи деб билди.

Онҳазратнинг меҳр-муҳаббати жўшга келиб, унинг учун салтанат асбобларини муҳайё қилди ва амир Ҳамза қатуқу, Бек Фўлод, Хизр Сипоҳий, Садр Ҳасан ва Хожагийлар каби номдор амирларни ўн минг номдор суворий билан унга қўшиб (собиқан) унинг марҳум отаси мирзо Мироншоҳ девонига тааллуқли бўлган Ажам Ироқи ва Озарбайжонга юзланишни ва эплаган ерларини (бошқалардан) халос қилиб олиб, қайси ерни маслаҳатдан деб билса, ўша ерда мақом қилишни тайинлади. Онҳазрат шоҳона байроқларнинг ҳам изма-из у ерларга юзланажagini унга билдирди. Мирзо Халил еттинчи зу-л-қаъдада (13 март, 1410) Ироқ томон жўнади.

Шу орада мирзо Искандарнинг навқари Хурқўжоқ **(170)** қавчин Форс тарафидан етиб келиб шоҳона совға-саломларни арзга етказди ва у диёр аҳволини сўзлаб берди. Онҳазрат унга лутф-иноятлар кўрсатиб, хурсанд қилиб қайтарди ва яхши сўзларни айтиб юборди.

**АРАБ ВА АЖАМ ИРОҚЛАРИ ВОҚЕАЛАРИ
ВА СУЛТОН АҲМАДНИНГ АҲВОЛИ ЗИКРИ**

Султон Аҳмад ўтган йили Хузистон вилоятини забт қилганидан кейин у қалъаларга⁷⁰ Мақсуд найзадорни тайин қилиб, доруссалтана Бағдодга жўнади⁷¹. Қиш охишлаб қолганида Бағдод-

да эканлигида бетобликка учраб, табибларнинг тавсияси билан яйлоқ ҳавосини майл қилди⁷² ва руҳи поклангур шайхул-машойих Увайс Қаранийнинг зиёратгоҳигача келган эдики, унинг мизожи сиҳатлик томон юз тутди. Сўнг амирлар уни Султония томон юриш қилишга ундадилар ва: «Бистом Жогир Исфаҳонга кетган ва у ерда⁷³ унинг ўғли Боязид — бир гўдак ўтирибди, сизнинг ёлғиз овозангизни эшитиши биланоқ қалъани ташлаб қочади», — деб тасвир қилдилар. Бунга Хуррамшоҳ Даргузиний кўп саъй кўрсатди. Султон (бунга кўниб) Ҳамадонга етгач, эшитдики, Бистом шикаста ҳол бўлиб Исфаҳондан (171) қайтган⁷⁴ ва Султон (Аҳмад)нинг юришидан огоҳ бўлиб, ўз биродари Маъсумни Султонияга қўйган ва ўзи Ардабилга жўнаган экан.

Султон (Аҳмад) Султония қўруқига келиб тушди. Атроф (ерлар)нинг ҳокимлари, хусусан, зўрлик билан Қазвинга ҳоким бўлиб олган Саййид Абдураззоқ, Султон (Аҳмад)нинг ҳузурига келишиб, подшоҳона иззат-икромлар билан тақдирландилар. Султон (Аҳмад) Маъсумнинг ҳузурига элчи юбориб, яхшилик ваъдаларини берди, аммо Маъсум бунга илтифот қилмади. Султон (Аҳмад): «Сабр қилиб турайлик, унинг ўзи бизнинг ҳузуримизга келиб қолар», — деди.

Шу аснода Увайс исмли бир киши Султон (Аҳмад)нинг ўғли сифатида танилганлиги ва бир гуруҳ муфсидлар унинг димоғида салтанат хаёлини пайдо қилганликлари ҳақида Бағдоддан хабар келди. Султон (Аҳмад) учун ортиқ тўхтаб туришга мажол қолмади ва у тез суръат билан Бағдод яқинига етиб келиб⁷⁵, у жамоатнинг бирлик тугунини бир-биридан ажратиб ташлади; уларнинг ҳар бири ҳар тарафга қараб қочди. Бу фасоднинг хамиртуруши бўлган Моне ибн Шис⁷⁶ ва мазкур Увайс ҳибсга олиндилар⁷⁷.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АМИР ҚАРО ЮСУФ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Амир Қаро Юсуф баҳор мавсумида амир Шамсуддин Муҳаммад Давотий⁷⁸, амир Сейди Аҳмад⁷⁹ (172) ва Узун Шам-

суддинлар билан биргаликда Муш саҳросига қараб юрди. Мординнинг волийси бўлмиш малик Солиҳ амир Қаро Усмоннинг⁸⁰ Мординга қасд қилганлиги ва агар ёрдамга етиб келмасалар ихтиёр қўлдан кетажаги ҳақида хабар юборди.

Амир Юсуф⁸¹ шамолнинг буроқ (оти) ўта олмайдиган ва уни кўришдан ҳайратга тушиб фалакнинг боши айланиб турган бир биёбон йўли билан Оmid⁸² чегарасига етиб келди. Амир Қаро Усмон лашкарни саҳрога чиқариб ҳар икки сипоҳ бир-бирларига тўқнашдилар ва улар орасида зўр муҳораба содир бўлди: Муш саҳроси ваҳший ҳайвонлару йиртқич қушлар учун серфойда бир палос ва ясатилган бир дастурхонга айланди. Оқибат Қаро Юсуф ғолиб келди ва Мордин қалъасини қўлга киритиб, у ерга бир доругани⁸³ тайин қилди. Сўнг лашкарга (қайтишга) ижозат берди ва ўша ёзни Алотоқ яйлоқида ўтказиб куз фаслида Табриз давлатхонасига келди ва Шакий вилоятига лашкар юборди⁸⁴. У ернинг волийси амир Сейди Аҳмад⁸⁵ лашкар билан унга қарши чиқди⁸⁶. Қаро Юсуфнинг кишилари жанг қилишни лозим топмай, Ширвоннинг баъзи мавзеларини ғорат қилиб, **(173)** Табризга қайтдилар.

Шаъбон ойининг ўнинчисида (18 декабрь, 1409) Султон Аҳмад: «Ҳамадон ўлкасини яйлов қилиш учун менга ўтказсин» — деб илтимос қилиб одам юборди. Амир Юсуф илтимосга илтифот қилмай, келган кишини қайтариб юборди.

Йигирма еттинчи шаъбонда⁸⁷ (4 январь, 1410) Малик Иззуддин Шер⁸⁸ муносиб совғалар билан келиб, амир Юсуфни Ширвон тарафига лашкар юборишдан тўхтатди ва Ширвонга одамлар юбориб⁸⁹ амир Шайх Иброҳимни сулҳ тузишга даъват қилди. У ҳам мусулмонларнинг маслаҳатига биноан узилган сулҳ ишларини улади.

Амир Юсуф у кишни Табризда ўтказди; у йили қурғоқчилик йили эди. Баҳор фаслида ўнинчи зу-л-қаъдада (16 март, 1410) Каёмард Толиқоний ва Мазид Баканалар Қазвин ерларини ғорат қилганликлари ҳақида хабар келди. Амир Бистом Қазвин чегараларида уларга етишди⁹⁰ ва уруш олови аланга олиб, Бистом ғолиб келди.

Амир Юсуф Алотоқдан Авникка келди⁹¹. Бу ерда бир гуруҳ кишилар унга Арзинжон ҳоқими Шайх Ҳасан⁹² устидан шиқоят қилдилар. Амир Юсуф қирқ беш кун давомида муҳосара қилганидан кейин Арзинжоннинг аҳолиси танглиқда қолиб итоатга келдилар ва ялиниб-ёлбордилар; амир Юсуф уларга марҳамат қилди ва Шайх Ҳасан муносиб совғалар юбориб, ўзи ҳам хизматга келди. Амир Юсуф унга лутф-иноятлар кўрсатиб Арз вилоятдан яхши бир қалъани унга берди. Арзинжонни эса унинг вазири бўлмиш Носируддин Пир Умарга топширди.

Бу аҳвол саккиз юз ўн учинчи (1410—1411) йил ойларида воқе бўлди ва шу орада Султон Аҳмаднинг⁹³ Табризга юриш қилганлиги хабари келди. (174)

САККИЗ ЮЗ ЎН УЧИНЧИ

(1410—1411)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

БИРЖИС (СИТОРАСИ) ҚАДРИГАЮ БАҲРОМ

**ҚАҲРИГА ЭГА БЎЛГАН ПОДШОҲ
(ШОҲРУХ)НИНГ МОВАРОУННАҲР
ВИЛОЯТИГА ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони саид Мовароуннаҳрга юришга жазм қилди. Бу юришга (812 йил) зу-л-ҳижжа ойининг охирларида (5 май, 1410) етиб келган (қуйидаги) хабар сабаб бўлган эди: амир Шайх Нуруддин бир фитна гардини тўзителиб ва бу гард тупроғини ўз тириклиги пешонасига сочиб, бир тўда бебоклар билан¹ Самарқанд атрофига етиб келди. Амир Шоҳмалик Самарқанддан (лашкар билан) ташқари чиқиб, (мухолифлар) Қизилработ яқинида бир-бирларига дуч келдилар ва бир кечани посбонлар қўйиб ўтказдилар². Байт:

Тоғлар ортидан тонг ёруғлиғи бош кўтаргач,
узоқдан жилоланиб турган сипар кўзга чалинди. (175)

Ҳар икки лашкар сафларни ростладилар³. Шайх Нуруддин турган томонда бир неча тепаликлар бўлиб, унинг лашкари тўла-тўкис кўзга кўринмас эди. Унинг чап ва ўнг қанотлари бирлашиб туриб, барчаси бирданига ҳамла қилди⁴ ва амир Шоҳмаликнинг қўлига зарба бериб ўрнидан қўзғатди. Амир Вафодор асирга олиниб, амир Шоҳмаликнинг лашкарига бутунлай шикаст етди. Амир Шоҳмалик орқага қайтиб⁵ Қоратепа томонига чиқиб кетди ва Кеш ҳам Самарқанд оралиғида бўлган Алоқасроқ тоғида паноҳ тортди.

Бу кечмиш мазмуни азиз қулоқларга етишгач: «Амир Мизроб баҳодир, амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Тукал барлос, амир Нуширвон барлос, амир Муҳаммад Сўфи тархон, амир Юсуф-хожа⁶ ва амир Ажабшерлар каби сипар тутган ва қуёшу ой янглиғ тиф урувчи номдор амирлар Мовароуннаҳр томон юзлансинлар», — деган фармон содир бўлди. Амир Ҳасан Сўфи тархон⁷, (176) амир Муҳаммадбек ва амир Муҳаммадхожалар каби бир тўда амирларни Қумис ва Мозандарон вилояти чегараларидан хабардор бўлиб турсинлар, — деб ўша томонга боришга номзод қилинди. Бахтли шаҳзода Муиззуддин мирзо Бойсунғур доруссалтана Ҳиротда онҳазратнинг қойим мақоми қилиб қолдириди⁸. Ҳумоюн мавқаб саодатли толе ва бахтли фол билан ўн тўртинчи муҳаррамда (19 май, 1410) Мовароуннаҳрга юриш ниятида йўлга чиқди.

Марв манзилига (етилганда) Самарқанддан Хожа Комилуддин⁹ Абдулаввал, Хожа Исомуддин, қози Салоҳуддин, мавлоно Қутбуддин, Амираки Донишманд ва Хожа Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсийлар¹⁰ бошчилик қилиб турган Самарқанд катталари томонидан юборилган арза-хат етиб келди¹¹. Хатнинг мазмуни шундай эди: (812 йил) ўн олтинчи зу-л-ҳижжа (21 апрель, 1410) душанба куни амир Шайх Нуруддин ва амир Шоҳмаликлар жанг қилганликлари хабари Самарқандга етди. Худди шу куни Муҳаммад ал-Бақро (шаҳар) дарвозасига келиб Шайх Нуруддиннинг сўзларини етказган эди, самарқандликлар чарх ўқи билан шундай урдиларки, уни палосга солиб қайтариб олиб кетдилар. Жума куни (25 апрель, 1410) эса амир Шайх Нуруд-

диннинг ўзи муҳофазат қилиниши Хожа Исомуддин ва Шайхзода Софаржийнинг авлодига топширилган Шайхзода дарвозасига келиб сўз сўзлаган эди, унга бирор киши ҳам жавоб бермади; сўнг у Оҳанин дарвозасига бориб, бу ерда турган Хожа Абдулаввал ва қози Салоҳуддинларга сўз айтди. Хожа Абдулаввал унга жавобан: «Биз толиби илмлармиз, ҳукумат билан бизнинг ишимиз йўқ, бизнинг ҳокимимиз мирзо Шоҳрухдир; у ўз ўғлини бу ерга ноибликка (177) қолдирган эди, сизлар у кишини қочириб юбордингиз. Биз эса, токи ҳоким (Шоҳрух)дан ижозат бўлмас экан, сизларга ихтиёр бермаймиз», — деб айтди. (Шаҳар) улуғлари бу сўзларни арз қилгандан кейин шаҳар фуқароларини илож борица тезроқ золимлар қўлидан халос қилишни илтимос қилган эдилар, ҳазрат хоқони сайд қуюндек бир чопарни Самарқандга юбориб¹² уларга ҳумоюн юриш суръатидан башорат берди.

(Шоҳрух) Жижикту манзилига етганида амир Шоҳмаликнинг навкари Бой Бахший келиб (ўз хожасининг): «Мирзо Улуғбек Келифпул мавзеида сув ёқасида ўлтирибди, бу банда эса амир Нуширвон билан Самарқандга қараб жўнадим», — деган арзасини етказди. Қулбула мавзеида эса амир Мизроб томонидан: «Амир Шайх Нуруддин етиб келди»¹³, — деган хабар олинди. Бунинг шарҳи шундай: Шайх Нуруддин (амир Шоҳмалик устидан) зафар топганидан кейин амир Рустам Тағой Буқони Бухорони забт қилишга, Чингиз ўғлонни эса Кешга жўнатиб, ўзи Самарқандга юзланди. Бироқ, у ерда сўзи ўтмагач, ўз амакиваччаси амир Шайх Ҳасанга¹⁴ сув ёқасига бориб Керкин ҳисорини муҳосара қилишни буюрди. Лекин шу аснода амир Худойдод Ҳусайнийнинг ўғли амир Шайх Нуруддиндан ижозатсиз ўз манзили вилоятига жўнаб кетиб, (Шайх Нуруддиннинг) қуввати бутунлай заифлашди ва у асир қилиб олиб юргани (амир) Вафодорни қатлга етказиб, Термизга келди. Бу ерда у Ҳисор¹⁵ вилоятида турган мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонни ҳар хил ҳийла ва тадбирлар билан¹⁶ ўз ҳузурига келтирди. Шу орада у амир (178) Шоҳмаликнинг Самарқандга, зафар нишонли байроқ-

лар эса Хуросон тарафидан Омуяга етиб келганлигини эшитди.

Шайх Нуруддин шояд Самарқанд аҳолиси кутиб олса, деган умид билан мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни Самарқандга олиб борди ҳамда Чингиз ўғлон ва Абдулкарим (ибн) амир Сайфуддинларни¹⁷ Термизда амир Мизробга қарши қолдириб, Султон Боязидни мирзо Улуғбекнинг йўлини тўсиб турсин учун Келифга юборди. Ўзи эса Самарқандга бориб, шаҳар устидан ғалаба қозона олмагач, икки-уч кунни Дилкушо боғида ва Кониғилда ўтказди.

Ҳазрат хоқони саид Қовту манзилига етганида амир Шоҳмаликнинг навқари келиб Давлат Темур тавочининг¹⁸ калласини ҳумоюн ўрдуга етказди. Онҳазрат денгиздек тўлқинланиб турган лашқарлар билан Жайхун қирғоғига, Мирзо Улуғбек турган Келиф (манзили)га келди. Мухолифлар рўбарўсида қочиб-қувиб юрган Султон Боязид фарқад (юлдузи)га суркалувчи туғлару осмонни безатувчи байроқларнинг етиб келганлигини эшитгач, қочишга юз тутиб, чодирларни ташлаб кетди: у <кимки бошини омон сақлаб қолган бўлса, фойда шуники> (деган мақол) мазмунинигина (179) қўлга киритди, холос. Султон Боязиднинг қочганлиги хабари Термизда (турган) Чингиз ўғлон ва Абдулкаримларга етишгач, улар ҳам қатъиян қочишни ихтиёр қилдилар.

Ғалаба ҳамроҳи бўлган аскарлар оловни алангалантирувчи оёқлари қуюнини Дажла ва Фирот унга нисбатан ариқчадек келадиган, Кур ва Арс (дарёлари) унинг олдида бир чашмадек бўлиб кўринадиган, Синд ва Ҳирманд унинг ёнида тўғри тортилган чизикдек бўлган ғарқ этувчи дарё (Жайхун)га қараб йўналтирсинлар, деган қазодек кескин фармон жорий бўлди. Ўн еттинчи сафар (21 июнь, 1410) жума куни волиб мавқаб сувдан ўтди. Амир Мизроб¹⁹ ҳам Термиз кечигидан ўтиб олий ўрдуга келди. Онҳазрат Мирзо Улуғбек ва амир Мизробларни Кеш томонига жўнатиб, ўзи оҳиста равона бўлди. Байт:

У эс-хушу раъй билан аста-секин йўл босарди,
чунки жангда суръат кўрсатиш — пушаймонлик келтиради.

Амир Шайх Нуруддин зафарпаноҳ сипоҳнинг (Жайхундан) ўтганлигидан хабар топгач, қатъийлик кўрсатиб Самарқанд атрофидан сув ёқаси томон жўнади. Амир Шоҳмалик Самарқанднинг барча отлиғу пиёдаларини жам қилиб, филлар ва (шаҳар) улуғлари билан бирга амир Шайх Нуруддинга қарши жанг қилиш ниятида шаҳардан ташқари чиқди. Амир Шайх Нуруддин жиловни орқага буриб самарқандликлар устига от қўйган эди, унинг савлати самарқандликларни паришонликка солди²⁰. У эса, қочиб кетган самарқандликларнинг аслаҳа ва **(180)** молларини қўлга киритгач, шавкати зиёда бўлди ҳамда мағрурликка берилиб кетиб, ғалаба ёр лашкарга қарши чиқа олишига ўз-ўзини ишонтирди.

Амир Шоҳмаликнинг иккинчи марта (енгилганлиги) воқеаси туфайли Самарқанд улуғлари бир оз маломат билдирган эдилар, амир бу улуғлардан ҳадиксираб қолди ва уларни ўзига ҳамроҳ қилиб шаҳардан олиб чиқди ҳамда ўз вилоятдан беш юз отлиқ билан амир Шоҳмаликка мададга етиб келган мирзо Аҳмад Мирак²¹ билан биргаликда, (хоқони саид) ўрдусига қараб юзланди. Қолган амирлар ва сипоҳийлар (хоқони саиднинг) палосини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар.

Мирзо Улуғбек Кеш ерларидаги қавчинларни тўплаб зафар йўдоши бўлган мавкабга келиб қўшилди ва кўп сонли кишилар тўдаси (хоқони саидга) хизмат сафига тизилди²².

Амир Шайх Нуруддин ҳам жангу жадал ва уришишу ўлдиришга ҳозирланиб Қизилработ ва Оби Ём атрофларида отлиқ ва пиёдалардан ўнг қанот ва чап қанот, қ а л б ва ж а н о ҳ л а р н и ростлаб сипоҳ тузиш шартларию лашкар тортиш қоидаларини бажо келтирди. Хоқони саид ҳазратларининг сипоҳи эса улуғ подшоҳ (Оллоҳ)нинг мадади билан тартибга келтирилган эди.

Ҳар икки сипоҳ саф тортиб бир-бирига қарши рўбарў келган вақтда амир Шайх Нуруддин амир Мубашшир борасида шубҳага тушиб уни қатл қилди. <Кимки золимга кўмак берса, **(181)** Оллоҳ унинг устида ўша золимни ҳукмрон қилиб қўяди>, деган буйруқ ўз сирини ошкор қилди. Ҳар икки тараф-

нинг диловарлари майдон томон юзланиб, уруш оташи баланд кўтарилди ва қатл олови аланга олди. Амир Худойдоднинг бир ўғли²³ душман томонда туриб мардонавор жанглар қилмоқда эди, мирзо Аҳмад Мирак илгари юриб уни чекинтирди ва Бойдуни (отдан) туширди. Қавчинлар шижоат асарларини кўрсатдилар. Онҳазрат, — мисра, — «Ҳамиша ғолибу зафарли бўлгин» (куйини) ўзига жанг оҳанги қилиб олди; қўлнинг ботирлари ва қалбнинг диловарлари бараварига ҳаракатга келдилар, фатҳу зафар насими хоқони саид ҳазратларининг давлат байроғи томон эсди ва мағрур Шайх Нуруддин енгилиб, шундай сон-саноқсиз катта лашкар бир соат ичида бало поймолию ранжу алам сипарининг йўлдоши бўлди. Назм:

Худди гулдек, лоладек, наргисдегу ёсумандек
этак йиртиқ, дил қоронғу, бош эгигу умр кўтоҳ.

Баъзиларга азалий саодат раҳнамолик қилиб, ожизлик юзини бечоралик остонасига қўйдилар ва ўз журму гуноҳлари узрхоҳлигига <Биз ўз гуноҳларимизни эътироф қилдик, чиқиб кетишга бирор йўл йўқмикин?>²⁴ оятини кафил келтирдилар. Жазоланиши тегиш бўлган бир гуруҳга онҳазрат иноят қилиб (гуноҳларидан ўтди). Тўққизинчи рабиъ ал-аввалда (12 июль, 1410), шанба куни (айтилган) воқеалар бўлиб ўтди, ўн биринчи куни (14 июль, 1410) эса ҳумо ҳашаматли соябон давлат соясини яна доруссалтана Самарқанд устига ташлаб байроқлар офтобининг шуъласи ва чодирлар ойининг нури у шаҳар атрофини мунаввар қилди. (Хоқони саид) улуғвор отаси, яъни номдор соҳибқирон (Амир Темур)нинг **(182)** (қабрини) зиёрат қилиб, сўнг бошқа табаррук қабрлар (зиёратига) киришди ва у диёру шаҳарлар улуғларининг руҳларидан мадад тилади. Самарқанд аҳолиси қайтадан бахтсизликлар чангию ҳодисалар панжасидан халос топиб, табрик шартларини бажо келтирдилар. Онҳазрат уларнинг ҳар бирига ўз рутбасига яраша яқинлик палосидан ўрин берди²⁵ ва амир Шоҳмаликни²⁶ номдор сипоҳ билан Ўтрорга юбориб у диёрда Шайх Нуруддиннинг тобеларидан кимни кўрса йўқ қилишни буюрди²⁷.

Мовароуннаҳр мамлакатларининг муҳим ишлари янгидан тартибга тушиб, ишлар қайтадан аниқ бир турғунликка юз ўтиргач, хоқони сайд ҳазратлари бахтли фол ва саодатли толе билан орқага қайтишга қарор бериб, йигирманчи рабиъ ал-аввалда²⁸ (23 июль, 1410) доруссалтана Самарқанддан Хуросон томон равона бўлди. Кеш атрофига етилганида аъло раъйга Ҳамзайи Сулдуз ва бир тўда фитна қўзғатувчилар Шайх Нуруддин мағлубиятга учраганидан кейин Ҳисори Шодмон тарафига жўнаб, ҳали ҳам қайсарлик ва фитначилиқдан қўл тортмаганликлари ҳақида арз қилдилар. Онҳазрат у муфсидларнинг фасодини даф қилмоқ учун амир Мизробни юборди. Зафар шиорли мавкаб Хузордан илғор қилиб чиқиб, жаҳонкушолик жиловини ғизол рафтору ғизола кўз тулпорга топширди ва осмоннинг кўк отига минган қуёш каби отга миниб, йўлга равона бўлди ҳамда рабиъ ал-охир ойининг бошларида (3 август, 1410) доруссалтана Ҳиротга келиб тушди. Мисра: Сенинг байроқларинг олам аҳллари учун бахт келтирсин! (183)

ҲУМОЮН МАВКАБ ДАВЛАТ ПОЙТАХТИГА ЕТИБ ОРОМ ТОПГАНДАН КЕЙИН АТРОФ ЭЛЧИЛАРИНИНГ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Доруссалтана Ҳирот ҳумоюн мавкаб келиб қўнганлиги саодатидан равнақу сафо топиб ва адолат сочувчи нурлар у мамлакат атрофларига тарқалиб, жаҳон аҳлини беҳисоб иноятлар билан баҳраманд қилгач ва хайр-эҳсон маросимлари ҳам эзгулик тартибларини ниҳоятига еткизгач, албатта бутун олам улуғлари умид билан у муаззам даргоҳга юзландилар ва онҳазратнинг давлат офтоби нурида ўзларига худди заррадек жило бердилар, элчилар ҳам мактубларни ҳар хил йўллар ва турли-туман баҳоналар билан султонлар паноҳи даргоҳига йўналтирдилар: амир Идику баҳодир Ўзбек вилояти ва Дашти Қипчоқдан, амир Шайх Иброҳим Дарбанд ва Ширвонот вилоятидан, амир Саййид Иззуддин Ҳазора Жарибдан, амир

Сайид Аликиёнинг ўғли Сорий шаҳридан, амир Ҳасанкиё Ферузқуҳ қалъаси ва Гармсер ҳам Қандаҳор вилоятидан. (Хуллас) шу вилоятлардан бир неча кунгача бирин-кетин элчилар кела бердилар ҳамда муносиб совғаларни тақдим қилиб, ўз ҳокимлари сўзини улуғ амирлар орқали (хоқони саидга) арзга **(184)** етказиб турдилар; жаҳон паноҳи бўлмиш даргоҳ жаҳон маликларининг саждагоҳига ва Эрон ҳам Турон улуғларининг бўса жойига айланди. Байт:

Унинг эшигида маликлар сажда келтириб турганлиги учун
пешоналар кўпайиб кетганлигидан, у ерга қадам қўйишга
имкон йўқ.

Хоқони саид ҳазратлари элчиларни қабул мурувватию лутф-эҳсон эътибори билан иззат-икромга сазовор қилди ва ҳам-маларига беҳад иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишлари учун ижозат буюрди.

МАВДУД ГАРМСЕРИЙ ВА ПИРАКНИНГ ОЛАМПАНОҲ ДАРГОҲГА КЕЛГАНЛИКЛАРИ ЗИКРИ²⁹

Олампаноҳ даргоҳга элчилар юборган Гармсер ва Қандаҳорнинг амирлари арз қилиш асносида³⁰ амир Тумон Қандаҳорийнинг биродари амир Қутлунинг ўғли бўлмиш Пирак номи билан машҳур Пир Муҳаммад Мавдудга қарши хуруж қилиб³¹, уни вилоятдан ташқари чиқариб юборганлиги ҳақида хабар берган эдилар. Мавдуд ва Пирак иккаласи бирин-кетин етиб келишиб олампаноҳ даргоҳ тупроғини умид кўзларига сурма қилиб тортдилар. <Бир-бири билан қўшила олмайдиган икки зид (нарсадек)> бўлган Мавдуд ва Пирак бир уйнинг эшигида мулозимлик қилиб турдилар. Байт:

Унинг давлати ҳавоси жаҳонни шундай бир
тартибга солдики,
зид кишилар табиатидан ҳам носозлик йўқолди.

Улуғ амирлар олий девонда уларнинг ўзаро муомаласи ҳақида сўроқ қилиб, бу кечмишни тубдан ўргандилар. Бу воқеа сура-
тининг **(185)** адолат ойнасидаги акси шуни кўрсатдики, кўнги-
сизлик губори ҳақиқатан ҳам Мавдуд томонидан кўтарилган
экан³². Хоқони саид ҳазратлари ўтган ишни <Оллоҳ ўтган
ишларни кечирсин>³³ (ояти) қабилида санаб, келажак учун:
«Хукумат Пиракка топширилсин³⁴, Мавдуд эса аъло тахт по-
ясида мулозиматда бўлсин», — деган олий буйруқни марҳамат
қилди.

ЎАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ ШУ ЙИЛИ ҚУРИБ ТАМОМЛАНГАН МАДРАСАСИ ВА ХОНАҚОҲИНИНГ ЗИКРИ³⁵

Хуמוюнфол мавкаб Мовароуннаҳрдан қайтиб келган ана
шу (813—1410) йили доруссалтана Ҳирот ғоятда маъмур ва
обод эди. Хоқони саид ҳазратлари бунёд қилишга буюрган
мадраса ва хонақоҳ қуриб тамомланди ва бу ернинг таровату
латофатидан у шаҳар тўла-тўқис гўзаллик касб этди.

Шу ўринда хушхиром қалам сахийлиги рақам дастёрлигида
доруссалтана Ҳиротнинг сифати томон бир неча қадам қўйгу-
сидир.

Доруссалтана Ҳиротнинг сифати: доруссалтана Ҳирот Эрам
бўстонидан ҳам дилкушороқ бир шаҳар ва олам гулистонла-
ридан ҳам роҳатбахшроқ бир манзилдир. У бир нусхаки, ой
юзлилар кокилидек дилларга матлуб; шундай бир манзилки,
кумуш танлилар чеҳрасидек кишига қувонч бағишлайди: унинг
шабадаси нафасларидан Исо дамнинг хосиятлари аён; Хизр
сувининг ҳаётию жонпарвар боданинг қувончи унинг ҳавоси
сифатлари олдида гангиб қолган; жонга роҳат бахш этувчи
ҳавоси **(186)** нафислик ва мўътадилликда баҳор насимига манба:
тотли сувлар бўйида жойлашган зарнигор қасрлари (оятдаги)
<шундай боғлардирки, улар тагида анҳорлар равон>³⁶ (мад-
ҳи)га монанд, дил истаги бўлган иморатларининг наътини <ус-
тунлар билан кўрк берилган Эрам>, мислсиз тарабхоналари-

нинг сифатини эса <унга ўхшаши бирон мамлакатда ҳам яратилмаган>³⁷ (деган оятлар) акс эттиради. Унинг азиз юзи фиरोқида куйишдан Мисрнинг жомаси нил рангига бўялган ва унинг зилол суви рашкидан Нил (дарёси) чироғига тош теккан. Байт:

Ҳерий анҳорининг обрўси олдида Миср жамолига
тортилган Нилнинг равнақу баҳоси йўқдир.

Унинг суви Кавсар (чашмаси) кўзига тупроқ сочгану (оби) ҳайвон чашмасини ҳайрат зулматига жойлаб қўйган.

Тўртинчи иқлим мамлакатларидан энг шуҳратлиси деб ҳисобласа бўладиган Хуросон мамлакати шаҳарлари ичида доруссалтана Ҳирот қарийб марказда жойлашган; чунки ҳар иқлимнинг узунлигини бошланғич (жой) бўлган Жазоири Холидотдан бир юз саксон даража ва кенгликни х а т т и и с - т и в о дан тўқсон даража деб қабул қилганлар. Ана шу тўқсон даражадан олтмиш олти даражаси маъмур жойлардир, қолган икки тарафида иссиқ ва совуқликнинг ўта зўрлиги туфайли инсон боласи яшаб туrolмайди; Ҳиротнинг узунлиги тўқсон тўрт даража ва бир каср, кенлиги эса ўттиз тўрт даража ва бир касрдир. Бу ёзилгандан равшан бўлдики, доруссалтана Ҳирот оламнинг маъмур марказига нисбатан шаҳарларнинг энг яқинидир: <марказга яқинроқ бўлгани мўътадилликка яқиндир ва бундай ерда (кишилар) ғоятда фазлу камолга эришадилар>.

Ҳазрат хоқони саид бу шаҳарни салтанат тахти қароргоҳи ва халифалик доирасининг маркази қилиб олган вақтда унинг буйруғи билан қадим вақтлардан бери усти тўла ёпилмай қолиб, бозор аҳли гарду ғубор ҳам ёғин (сувлар) йиғилишидан кўп заҳмат тортиб келаётган шаҳар бозорларини бузиб ташладилар ва (187) янгитдан ганч ва пишиқ фиштдан бозорлар кўтардилар ва олий тоқлар қуриб устини ёпдилар; баъзи-баъзи жойларини ёруғлик тушсин учун очиқ қолдириб, қолган жойларини беркитдилар. Бозорларнинг ҳар бири жаҳон кўзига бир нигору замона чаманида бир баҳордек бўлиб юз кўрсат-

ди. Чорсунинг ўрнашиши тўрт тарафи баробар, тўртбурчак шаклида бўлиб, мавзеларнинг сараси бўлмиш (Ҳирот шаҳри) доирасининг марказида воқеадир; тўрт дарвозадан тўртта бозор у чорсу томон чўзилган.

Мадраса ва маорифпаноҳ хонақоҳнинг жойлашиши:

Шаҳар шимолидаги қалъанинг жануб этагида бир-бирига уланган олий мадраса ва улуғ бир хонақоҳ (қурилиб), бу жойнинг ўртасида катта бир сарой саҳни, суфа, баланд бир тоқ (барпо қилинди) ва икки тарафидан ажойиб тарзда тикланган иккита баланд минора қад кўтарди; тилло ва ложувардларнинг ярақлашидан у мавзенинг дарвозаю деворлари томон қувонч тарқатувчи нурлар порлади. Зийрак фикр муҳандислар ва нозик ишлар қилувчи тезкор бинокорлар зўр санъат ва камоли диққат кўрсатиб, унинг бурчакларини улаш қодаларини мустақамликнинг энг олий поғоналарига ва пишиқликнинг энг юқори даражаларига етказиб тикладилар.

Шу йили, яъни (саккиз юз) ўн учинчи (1410—1411) йили, бу икки мўъжизали муассаса қуриб битказилиши шарафига ва камол чегарасига етди ва (шундан бери) ер юзида, (яъни) Рум сарҳадидан токи Чиннинг энг йироқ ерларигача ҳеч бир ерда дарс (ўқиш) ва фатво (ўрганиш) учун бу икки иморат латофатига эга бўлган бирор мавзе ва унинг тароватига ўхшаш бирор мавқени кўрсата олмайдилар. (Диннинг) асослари ва шахобчаларини тушунтирувчи фанларга оид ҳамда ақл билан етиладиган ва қонуний (масалаларни) ўз ичига олган китобларнинг аслларини сандиқларга солиб тахту муҳайё қилинган, атоқли уламоларнинг ҳар бирини бир гуруҳ кишиларга дарс беришга ва хосу омга тушунтиришлар ўтказишга тайинлаб қўйилган, **(188)** ва уларнинг тақвоси чашмасию жавоб-фатволари билан дин чамани серсув ва гуллаб яшнаган, зийрак талабалар ва таҳсил аҳли (оятдаги) <савдо-сотик ишлари у кишиларни Оллоҳнинг зикрини айтишдан чалғита олмайди>³⁸ (деган сўзлар мазмуни)га мойил. Байт:

Барчасининг дили субҳи содиқдек пок,

(чунки) <улар кечанинг оз қисмидагина ухлаганлар>³⁹

<Токи сен ўзингни илм йўлига бутунлай
бағишламагунингча
илм сенга ҳеч нарса бермайди>

(деган ҳадис)нинг нақши <билувчи ва билмовчилар бир-бирларига тенг кела оладиларми?>⁴⁰ (деган оят) қалами билан соф рағбат сафҳасига чизилган, ислом подшоҳининг инъоми фазилатларидан барча керакли нарсалар ва дарс ҳам такрор учун (тўланадиган) нафақалар сингари яшаш воситалари муҳайё қилинган. <Бу, шунчаки, эслатиб қўйишдир (аслида) ҳудожўйлар учун ҳақиқатан ҳам гўзал макон ато қилинади>⁴².

Умматлардан етишган уламоларнинг билимдонлари ва имомлардан етишган фозилларнинг улуғлари орасида ҳар бирининг хатти-ҳаракат турлари пайғамбарлар саййиди (Муҳаммад)нинг мустаҳкам дини корхонасига мадор бўлган, билимлари офтобидан Муштарий (ситораси) саодат ёруғлигини қарз олувчи, зийракликдаги маҳоратларидан эса Уторид (ситораси) илмлар сирларини (очишни) илтимос қилувчи тўрт кишини олий мадрасага мударрисликка тайин қилдилар. Улардан бири: жаноб мавлонойи аъзам, умматлар билимдонларининг раҳбари мавлоно Жалолуддин Юсуф Увбаҳий, иккинчиси: жаноби олий, олимлару аҳоли мурожаат қиладиган мавлоно Жалолуддин Юсуф Ҳаллож, учинчиси: мавлонойи аъзам, камолот эгаларининг энг улуғи Мавлоно Низомуддин Абдурраҳим Ёр Аҳмад ва тўртинчиси: мавлоно имом, инсоният олимларининг афзали Хожа Насируддин Лутфуллоҳ ибн Хожа Азизуллоҳлар эди.

Буларни (вазифага) ўтирғизиш куни **(189)** ҳоқони саид ҳазратлари у муборак ерга ташриф буюрди ва замона улуғлари ҳам одамзод фахрланувчи кишилар ҳозир бўлдилар. Мазкур билимдон олимлар фикҳ, тафсир каби ислом илмлари бўйича дилга ёқимли ифодалар билан дарс беришга машғул бўлдилар ва баён қилиш майдонида илғорлик тўпини билим чавғони билан барчадан илгари сурдилар.

Маорифпаноҳ хонақоҳга шайхлик мансаби жаноб шайхулисломи аъзам, олам машойихларининг раҳбари Хожа Алоуд-

дин Али Чиштиёга топширибди. У хонадон машойихлари улуғлигининг таърифи шарҳу баёнга муҳтож эмас; мисра: <Тоғ устида ёқилган ўтдан ҳам равшанроқ>. Шунингдек хонақоҳга имом, муаззин, воиз ва бошқа хизматчилардан иборат ҳар хил ишларни бошқарувчилар ва юмушларни бажарувчилар тайинланди, бу икки муассасанинг ўзига муносиб вақфлари эса иштирокчилик-шериклик йўли билан⁴³ муқаррар бўлди.

Бу йили, яъни (саккиз юз) етмиш тўртинчи (1469—1470) йили бу икки жой ғоятда хотиржамлик ва мўлчилик ҳолатидадир, шайхлик мансаби фуқаролар ходими, бу варақларнинг тўпловчиси Абдураззоқ ибн Исҳоққа топшириб қўйилган. Мисра: Ҳар кимнинг навбати беш кундир.

Алқисса, Ислом қуббаси бўлиш Ҳирот хоқони саид ҳазратларига тахтгоҳ бўлиш шарофати туфайли султонлар устунлари жамланган, ер юзи подшоҳларининг хуршиди тулуъ қиладиган ерга ҳамда фозиллару авлиёлар каъбаси, азизу олимлар қибласи, сўфилар қутбларию дин арбобларининг маскани ва <дарвишлару художўйларнинг бошпанаси>га айланди. Қитъа:

Жума куни унинг (намозхонлар) тўпланадиган жоме

(масжиди) жамоатнинг (кўплигидан)

ҳажжи акбар кунидаги Каъба билан рақобат қилади.

Ундаги фозил кишиларнинг барчаси турли-туман илмлардан

тўла хабардор бўлиб,

ҳар бири ўз даври нодирларининг нодири эди.

Ҳирот шаҳри шу даража ривожу равнақ топдики, унинг боғларининг латофати Бағдод рухсоридан Дажла ёшини равон қилди ва меваларининг серсувлиги Самарқанд мевасини (190) унутилиш тоқининг бир бурчагига ирғитди. Мисра: Бу ҳаммаси улуғ султон Шоҳрухнинг давлати туфайли эди.

Доруссалтана Ҳиротнинг қурилиши, унинг булуқларининг аҳволи ва вилоятларининг ҳолати тавсифини икки тиллик қалам шарҳу баёни билан тўла ифодалаб таҳрир қилган. Уни мутолаа қилишга кимники майли бўлса, унга айтгинки, бу ҳақда

ёзилган алоҳида рисолаи ўз шафоатли назарига мушарраф қилсин. Мисра: Унга кимнинг майли бўлса назар ташласин.

Боғи Сафиднинг барпо этилганлиги ва кўшк қурилганлиги зикри:

Доно муҳандислар ва моҳир бинокорлар хоқони саид ҳазратларининг буйруғи билан Ҳиротнинг шимол-шарқида, умид майдонидек кенг, еру фалак чўққисидек баланд тепалиқда, илгарироқ Боғи Сафид деб номланиб келган мавзеда⁴⁴ зулқаъда ойининг йигирма тўртинчисида⁴⁵ жума куни (20 март, 1411) бахтли толе ва саодатли соатда бир иморатга асос солдилар ва жаннат боғининг эшикларини жаҳон аҳлига қарата очдилар. Улар энг маъқул бир суратда тарҳ чизиб, <аввал ўйлаб олиб, сўнг иш бошлаш керак> (мақолини) ақл кўзи билан кўрдилар.

У шундай бир пойдеворки, жаҳон барпо бўлиб, олам яратилгандан бери бирор киши унга ўхшашини кўрсата олган эмас, у шундай бир боғки, унинг насимининг муаттар иси мушку анбар ҳидини жон димоғига йўллайди; у шундай бир кўшкки, ўз мартабаси баландлигини фалақдан ўтказади ва кўтарилиш авжини то Муштарий тепасигача етказади. Қитъа: **(191)**

Чаман жозибадорликда худди дўст дийдоридегу,
ундаги сарой кўркамлиқда худди ёр чехрасидекдир.
Бирини осмондаги Саъд (юдузи) маъмур қилгану
иккинчисига қутли бахт меъморлик қилган.

Унинг муқарнас айвонининг тўрт тоқи Кайвон (сайёраси)-нинг қуббасимон тоқига етказиб қурилган, баланд қасрининг кунгираси эса Муштарий (сайёраси)нинг камаридан (юқори) ўтказилган, деворининг изораси⁴⁶ яшм тошидан ишланиб, устига бўрттириб ишланган расмлар чизиб, нақшланган. Кимки у (боғ) сайлига эришган ёки у шодлик саройига етишган бўлса, у олий жаннатнинг руҳпарвар оромини ҳис қилган бўлади. Байт:

Унинг ариқларида гулоб оқиб турибди дейсан.

Унинг ҳидига йўловчи ҳам шодмон бўлади.

Эпчил қўлли наққошлар ҳар бир хонага (ўз ҳунарларидан) бир нусха ясаганлар ва ҳар бир болохонага худди Чин сурат-хонасидек бир манзарани ишлаганлар.

Шундай олий бир иморат ва гардун саҳнидек улкан бир пойдевор онҳазратнинг давлати ва улуғвор ҳиммати баракати билан андак муддатда тамомланди. Мисра: Фоят латофатли ва кўркам қилиб қурилди.

БОДҒИС ЯЙЛОҚИ ТОМОН ҲУМОЮН ЮРИШ ВА (ТУРЛИ) МАМЛАКАТЛАРДАН ЭЛЧИЛАР КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ғалаба шиорли мавқаб баҳор бошларида яйлоққа чиқишга майл қилди ва зу-л-қаъда ойининг охирларида (26 март, 1411) Бодғис томон (192) юзланди. У хуррамбахш очиқ майдонда лашкарларнинг табақалари ўз хайл ва ҳашамлари⁴⁷ билан бахт қуёшининг болқиш ери бўлмиш зафар оятлари битилган байроқ соясида жам бўлдилар⁴⁸.

Ўзбек вилоятига, амир Идику ҳузурига кетган Абон тавочи қайтиб келиб, «амир Идику (хоқони саид)нинг қадр-қимматини улуғлаш ва амр-фармонини ҳурматлаш борасида бирор дақиқани ҳам риоясиз ўтказмади, мактуб етиб борганлиги муносабати билан ифтихор бошини фалакка кўтарди», — деб арз қилди. Амир Идику амир Абоннинг чечан тили билан қайтарган жавоб сўзлар ва унинг ширин адосига ҳавола қилган ҳикоятлардан хайрихоҳликлар иси содиқлик димоғига етиб келди⁴⁹; мазмуни шундай: «Мен онҳазратнинг қули ва хизматкориман, ҳар нимаики буюрсалар фармонни адо этувчиман; онҳазратнинг илтифотларидан илтимос шуки, шу тариқа (бизга) риоя қилиб, иттифоқсизлик пардасини кўтариш ва дўстлик эшигини очиш борасида мухлислар учун юпанч бўлган элчилар алмашиниш ва мактублар ёзишиш йўлини очиқ ва сер-

қатнов тутсинлар, ғаразгуйларнинг сўзларига илтифот қилмасинлар ва лойиқ хизматларни бажаришга ишорат қилишдан бизни дариф тутмасинлар, чунки биз хизматни адо этишда давлатхоҳлик асарларини зоҳир қилурмиз». Байт:

Худо ҳақи, сен ғаразли кишилар сўзига қулоқ солмагин!
Бизнинг дўстимиз бўлгинки, биз дилу жондан сенга
дўстмиз.

Шунингдек, бундан илгарироқ атроф мамлакатлардан келган элчилар (193) билан бирга у мамлакатларга юборилган элчилар барчаси шоду хуррам қайтишиб, олий ўрдуга етдилар.

АЖАМ ИРОҚИДА ВОҚЕ БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Мирзо Искандар Форс мамлакатларини забт қилиб бўлгач, баланд ҳиммати камандини Ажам Ироқини босиб олиш қасри кунгурасига ташлади ва амир Абдуссамад ҳам амир Сиддиқларни Исфаҳон томон йўлади. Улар Варзана қасабасига келдилар ва унинг қалъасини мустаҳкамладилар. Бундан хабар топган мирзо Рустам қалъани муҳосара қилди. Мирзо Искандар бундан огоҳ бўлиб, амир Тўлак ва амир Юсуф Жалилларни мададга жўнатди ва ўзи йўлга чиқди.

Тулак ва Юсуф Жалилларнинг келганлигидан воқиф бўлган мирзо Рустам уларга қарши юрди, аммо улар Рустам майдони марди бўлмаганликлари сабабли хароба бўлиб ётган Дасжирд қалъасига паноҳ тортдилар. Мирзо Рустам ва шу орада Ироққа келган мирзо Бойқаро (бирлашиб) муҳосарага киришмоқчи бўлганларида, ногоҳ, мирзо Искандарнинг Қасри Зардга етиб келганлигини эшитдилар. Мирзо Рустам Исфаҳонга қараб жўнади. Мирзо Искандар шундай шошинч келмоқда эдики, искандарийлар баъзи рустамийларни (йўлда) тутиб олар эдилар; шу тарзда суръат билан кела бердилар. Мирзо Рустам (Исфаҳондан) уч фарсанг (масофада) унга қарши чиқиб,

икки лашкар бир-бирига етишди. Мисра: Ноғора шовқинию карнай бонги кўтарилди.

Бу икки лашкар худди кўк денгизининг мавжлари ёки маҳшар даштининг тўдаларидек бир-бирига ташланди. Мирзо Искандар зафар топди, мирзо Рустам эса (чекиниб) Исфаҳонга кирди. Мирзо Искандар Оташгоҳ деган мавзегга тушди.

Юқорида батафсил айтиб ўтилганидек, бундан илгарироқ мирзо Халил Султон хоқони сайднинг фармонига биноан ўн минг суворийлар билан Хуросондан Ироқ ва Озарбайжон тарафига келган ҳамда (фармонга кўра) у қаерни хоҳласа шу ерда туришга қарор қилинган эди⁵⁰. У бир неча вақт Рай вилоятида бўлди. Шу аснода мирзо Рустам одам юбориб ундан ёрдам сўради. Мирзо Халил Султон ака-укалар ўртасида битим ўрнатиш қасдида йўлга чиқди. Аммо у мирзо Искандарга ҳарчанд сулҳ пайғомини юборса ҳам фойда бермади. Мирзо Искандар Исфаҳоннинг бир тарафида мақом қилиб турган эди, мирзо Халил Султон иккинчи тарафдан Исфаҳонга кириб келди.

Мирзо Искандар ҳар куни бир гуруҳ (аскар)ни шаҳар дарвозасига (194) юборар ва икки тарафдан қаттиқ жанглр воқе бўлар эди. Бироқ озиқ-овқат йўқлигидан исфаҳонликларнинг қуввати кетиб, маишат асбоблари танглигидан тоқатлари тоқ бўлди. Мирзо Рустам зарурат юзасидан Исфаҳонни ташлаб, амир Қаро Юсуф томон жўнади, мирзо Искандар бир гуруҳни то Қумгача унинг орқасидан жўнатди-ю, лекин улар ета олмадилар. Мирзо Халил Султон ҳануз Исфаҳонда турар ва мирзо Искандар унга нисбатан илгаригидек душманлик ва хусуматни давом эттирарди. Шу ҳолатда шул ва курдларнинг лашкаридан бир тўдаси мирзо Искандарнинг ижозатисиз қайтиб кетдилар ва шу сабабли у муҳосарани тарк қилиб, Шероз томон юзланди; исфаҳонликлар эса қимматчилик ранжи ва қаҳат балосига мубтало бўлдилар; очарчилик олови аланга олиб, қаҳатчилик ташвиши ҳаддан ошди. Жониворлардан қайси бирининг бўлмасин пешонасида ҳалоллик доғи бўлса, ҳар ким уни мумкин бўлган нарса эвазига сотиб олар, лекин бу билан

у ҳеч бир ерга етиб бора олмас эди. Иморатларнинг барча ёғочлари ва айвонларнинг устунлари ўтин ўрнида ёқилди. Байт:

Сенинг қаҳринг оташи ҳўлу қуруқ аралаш
барчани куйдирди —
тўқайга ўт кетган вақтда худди шундай
бўлади.

У вақтда Исфаҳонда қамалда бўлган кишилар замони ҳақида (ҳозирги) кунларда⁵¹ айтадиларки, мирзо Халил Султон бир дарвешнинг полизи тепасига борган; дарвеш қудуқдан сув тортиб шаҳарда экин эккан эди, у қовун келтириб хизматкорлик шартини адога етказди. Мирзо дарвешга бирор иноят кўрса-тишни истаган бўлса ҳам, бироқ бунга муяссар бўлолмай дарвешдан узр сўраган. <Эй кўзи очик кишилар, ибрат олинглар!>⁵².

Мирзо Халил Исфаҳондан Райга келиб аъло тахт поясига: «Қаҳатчилик туфайли Исфаҳонда туриш мумкин бўлмаганлигидан Рай тарафга қайтиб келдик⁵³, энди ҳар нимаики буюрсалар, шунга амал қилинажак», — деган мазмунда арз-мактуб йўллади. (195)

**СУЛТОН АҲМАДНИНГ ТАБРИЗГА КЕЛГАНЛИГИ
ВА АМИР ҚАРО ЮСУФ ИБН АМИР ҚАРО
МУҲАММАД ТУРКМОННИНГ ФАРМОНИ
БИЛАН ҚАТЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Султон Аҳмад ўн иккинчи муҳаррамда (17 май, 1410) до-руссалом Бағдоддан Озарбайжонга қараб жўнади ва Ҳамадон атрофида у ер курдларини ўз қудрат панжасига бўйсундирди. Шоҳ Муҳаммад ибн амир Қаро Юсуф Ужон яйлоқида бундан воқиф бўлиб, Хўйга қараб жўнади. Султон (Аҳмад) йигирма саккизинчи рабиъ ал-аввалда (31 июль, 1410) Табриз давлатхо-насига келиб тушди ва Шоҳ Муҳаммаднинг орқасидан аскар-лар юборди. Улар Салмосда⁵⁴ Шоҳ Муҳаммадга етиб, қочириб юбордилар.



Бу аҳвол содир бўлган вақтда амир Қаро Юсуф Арзинжон вилоятида бўлиб, у тарафларнинг муҳим ишларини қўлга олиш ва ё с о м и ш и й қилиш билан банд эди. Бунинг шарҳи юқорида ўтди⁵⁵. Бу хабарни эшитгач, у Табризга қараб юзланди⁵⁶ ва йигирма саккизинчи рабиъ ал-охирда жума куни (30 август, 1410) Табриздан оралиғи икки фарсах бўлган Асад қишлоғида Султон (Аҳмад) ва Қаро Юсуф бир-бирларига тўқнашиб, сафларни ростладилар, уруш ва ўлдириш асбобларини тартибга солиб, жангу жадал эшикларини очдилар. Байт:

Олмос ўқлару бургут парларидан
офтобнинг юзи ҳеч кўринмас эди.

Қизил сув Сурхобдан худди

анҳордек

Сардруднинг этагига қараб оқишга бошлади. (196)

Уруш олови аланга олиб, унинг шуъласи ҳароратидан далирлар жони куяр эди. Султон (Аҳмад) шахсан ўзи мардонатор жанглар ва баҳодирона саъй-ҳаракатлар кўрсатди-ю, аммо,— мисра, — саодат ёр бўлмагандан кейин ортиқча уришидан нима фойда (деганларидек), Султон (Аҳмад)нинг сипоҳи туркмонлар майдонига (бас келадиган) мардлардан эмас эди. Байт:

Иттифоқо заҳарли сув юритилган бир ўқ

қудратли подшоҳнинг билагига келиб қўнди.



Шуҳратли шоҳ Аҳмаднинг далир (йигит)лари

узоқ йўлни кўзлаб отланиб қолдилар.

Улар тезроқ қочиб қутулишни ғанимат билиб

тутун янглиғ саросимага тушдилар.

Аҳмадийлар юзларини қочишга тутиб, юсуфийлар қўллари ғанимат йиғишга чўздилар. Султон (Аҳмад) ўзини бир боғга олган эди, Табриз разилларидан Баҳовуддин Жулоҳ исмли биттаси амир Юсуфни бундан хабардор қилиб, бир тўда (аскарлар)⁵⁷ Султон Аҳмадни қидириб келиб қолдилар. Подшоҳнинг кўзи уларга тушгач, — байт, —



Шоҳ ўзининг куни битиб,

Қаро Юсуф туркмон қўлида ҳалок

бўлажагини тушунди

ҳамда <Оллоҳ таолонинг буйруғига рози бўлдик> (сўзларининг)
ҳукми билан бу байтни ўқиди:

Пок тангрининг лутфи менга қаратилган

бўлгач,

менда ўлимдан сира қўрқинч бўлмайди.

У қўлини бандга ва гарданини камандга бериб, Қаро Юсуф-нинг ҳузурига келди ва турли-туман ҳикоятлардан кейин мазкур амирнинг фармони билан Жуна (?)да⁵⁸ ҳалок бўлди.

Бу хабар хоқони саид ҳазратларига арзга етказилганида, у бир неча йиллар давомида Султон (Аҳмад)нинг мулозими бўлган Хожа Абдулқодир гўяндадан: **(197)** «Султон Аҳмадга атаб ҳеч нарса туздингми?» — деб сўради. Хожа ушбу рубоий-тарихни тузиб, ҳисобини чиқариб арзга етказди. Рубоий:

Абдулқодир, сен кўзингдан ҳар дам қон

тўккин,

Фалакнинг гардиши билан баҳслашиб ўтиришга

ўрин йўқ.

У шоҳлик осмонининг ойи учун ногоҳ

«Қасди Табриз» (813) вафот тарихига айланди.

Шундай қилиб, Султон Аҳмадни қатлга етказгандан кейин икки-уч кун дафн қилмай ташлаб қўйдилар, чунки фитначилар уни соғ-саломат (жангдан) чиқиб кетди, деб овоза тарқатган эдилар. Шундай кейин табризликлар ижозат сўрашиб, Султон (Аҳмад)нинг ўз васиятига биноан, уни Дамашқия мазорига — онаси ва биродарининг ёнига дафн қилдилар. Байт:

Табризликлар уни тупроққа топширдилару,

диллари чок-чок бўлган ҳолда уйларига жўнадилар.

Ўз амакиси (Султон Аҳмад)га мулозимлик қилиб Табризга келган Шоҳвалад ибн шаҳзода Шайх Али ибн Султон Увайс

ҳамда Абдулжуз қалъасида маҳбус бўлиб ётган Султон Алоуд-давла ибн Султон Аҳмадлар ҳам шаҳидлик шарбатини тотдилар ва Дамашқия (мозори)га бош қўйдилар.

Султон (Аҳмад Бағдоддан) Табриз юришига отланган вақтда Ширвон подшоҳи амир Шайх Иброҳимдан ёрдам сўраган эди, у ўз ўғли Каюмарсни жўнатди. Каюмарс Султон Аҳмад мағлубиятга учраган куни Табризга яқин келиб, — мисра, на сафар қилишни ва на қўниб туришни билмай, ҳайратда турган эди, **(198)** амир Қаро Юсуф уни қўлга олди ва Иржис қалъасига ҳибс қилди. Амир Шайх Иброҳим унинг эвазига қанча мол ваъда қилса ҳам фойда бермади⁵⁹.

Амир Юсуфга бу ғалабалар муяссар бўлгандан кейин у Султон Аҳмадга мадад берган табризликларни фораг қилишдан кечди⁶⁰ ва уларнинг гуноҳидан ўтиб, Маранд йўли билан ўз юртига қараб жўнади; бир неча вақт у ерда туриб, сўнг қишлоқ учун Табризга келди⁶¹. Шу аснода у мирзо Рустамнинг, юқорида айтиб ўтилганидек, ўз биродари муҳорабасидан ва Исфаҳон қаҳатидан қочиб Табризга қараб келаётганлигини эшитди⁶². Амир Қаро Юсуф иззат-икром шартларини бажо келтириб бир неча кун давомида катта тўйлар берди. Сўнг мирзо Рустамни жўнатишга отланиб, ражаб ойининг ўртала-рида⁶³ (13 ноябрь, 1410) Марофа томон келди. У Лайлон яқинига етганида Араб Ироқи томонидан амир Муҳаммад Сору туркмон⁶⁴ етиб келиб ҳурмат-эътиборга мушарраф бўлди. (Амир Қаро Юсуф) ражаб ойининг охирларида⁶⁵ (28 ноябрь, 1410) мирзо Рустам ва навкарларига хусравона хизматлару шоҳона кийимлар тайин қилди, яхши отлар улашди ҳамда ўзининг ишончли навкарларидан бир гуруҳини унга мулозим қилиб жўнатиб юборди, ўзи эса шавкату улуғворлик билан Табриз томон йўналди⁶⁶ **(199)**.

САККИЗ ЮЗ ЎН ТЎРТИНЧИ

(1411—1412)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ХУРОСОНДА ВОҚЕ БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Хазрат хоқони саид бу йил бошланишида саодат ва иқбол билан Бодғис яйлоқида турганлиги шарҳини сўзга пардоз берувчи қаламнинг учи юқорида баён этиб ўтган эди¹.

Шу миёнада мирзо Умаршайх ибн мирзо Пир Муҳаммад Форс ва Ироқ томонидан онҳазратнинг хизматига етиб келди. Бунинг сабаби қуйидагича эди: мирзо Искандар у мамлакатларни ўз тасарруфига киргизганидан кейин, ўз биродарзолари бўлмиш мирзо Умаршайх ва мирзо Султон Али ибн мирзо Рустамларни мамлакатдан чиқариб юборишни шу вақт учун мувофиқ деб топди. Чунки ворислик ва ҳуқуқ жиҳатидан уларнинг салтанатга (эга бўлиш) рағбатлари равшан эди. (Шунинг учун) мирзо Искандар: «Ногоҳ бир гуруҳ кишилар уларни мулк талабида бош кўтаришга ундаб қолсалар, менинг салтанатимда тартибсизлик юз бериб давлатимга завола етади», — деган хаёл билан ваҳимага тушди. Аммо шаҳзодалар бу маънидан холи ва йироқ эдилар. Қисқаси, улар доруломон Хуросонга қараб юзландилар ва муҳаррам ойининг охирларида (24 май, 1411) Бодғис яйлоқида (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш саодатини топиб, кимё хосият назарга манзур бўлдилар.

Шунингдек, (хоқони саид) Бодғис яйлоқида эканлигида Ҳиндустон элчиси етиб келди. У мулклардан баъзиларининг подшоҳи бўлмиш Хизрхон итоаткорлик изҳор қилиб, у диёр ақобирларининг бирдамлик воситаси бўлмиш Мултон қозисини тухфа ва ҳадялар билан жўнатган ҳамда у орқали онҳазратнинг ном ва лақаблари билан минбарларни зийнатлаб, диндорларни нақшлаганлигини² арзга етказтирган эди. Онҳазратнинг илтимосларини (200) ижобатга йўлдош қилди ҳамда³ устига қимматбаҳо сарполар ёпиб, инъом-икромлар кўрсатди



ва қайтиб кетишга ижозат берди. (Шу орада) Мирзо Улуғбекнинг навкари Ҳамзайи ч у х р а етиб келди ва мўғуллардан бирини банд ҳолда етказди ҳамда амир Шайх Нуруддиннинг Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхон олдига борганлиги, (Муҳаммадхон) эса Шамъи Жаҳонни⁴ унга мададга юборганлиги ва улар Сайрамга яқин келганликлари ҳақида арз қилди. Бу сўзнинг шарҳи, худо хоҳласа келгусида айтилади.

Амир Идику барлоснинг ўғли Султон Увайс Кермон томонидан элчи юбориб, мирзо Искандар Форс ва Ироқ мамлакатларини забт қилганлиги ҳам Кермонга қараб юриб, Кермон атрофларида кўп харобаликлар қилаётганлиги хабарини билдирди.

Шу орада яна Мирзо Улуғбекнинг навкари бир мўғулни бандга солиб келтирди ва севинтирувчи хабарларни арз қилди. Бунинг шарҳи кейин келади.

Шундан кейин ҳазрат хоқони саид Мовароуннаҳр тарафлардан улуғ хотирини жам қилиб, лашкарларга ижозат буюрди ва Бодғис майдонидан комронлик улови жilовини жаҳонни бошқариш пойтахти томон бўшатди ҳамда йигирманчи сафарда (13 июнь, 1411)⁵ доруссалтана Ҳиротдаги давлат паргорининг маркази ва халифалик доирасининг нуқтаси бўлган Боғи Зоғонга келди.

Шу кунларда Ширвон мамлакатидан амир Шайх Иброҳимнинг навкари етиб келиб подшоҳона совғаларни арзга етказди. Онҳазрат элчига меҳрибонлик буюрди ва марҳаматлар кўрсатиб, қайтариб юборди.



Амир Шоҳмалик Мўғулистон томонга бориб кўп ўлжа қўлга киритганлиги ҳақида Самарқанд тарафидан хабар келди. Бу сўз баёнга муҳтождир. (201)



АМИР ШАЙХ НУРУДДИННИНГ ИККИНЧИ МАРТА ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ ЗИКРИ



Амир Шайх Нуруддиннинг Самарқанд атрофида мағлубиятга учраганлиги ҳақида илгарироқ айтиб ўтилган эди⁶. Аммо



у ўз хаёлида мустақиллик савдосини сақлаб, ҳар замон бирор йўл бошини беркитар ва бирор ердан бир фитнани қўзғатар эди. Шунинг учун улуғ нўин амир Шоҳмалик: «Шайх Нуруддин исёнкорликни тарк қилмаяпти, агар фармон бўлса Савронни муҳосара қилсак, шояд у ваҳший ов тузоққа тушса» — деб олий тахт поясига арзнома юборди. Ҳазрат хоқони саид «у тарафни тузатишу бузиш ишлари у (Шоҳмалик)нинг ўз уҳдасига ҳаволадир, ҳар ниманики маслаҳатдан деб билса шуни қила берсин», — деб буюрди.

Амир Шоҳмалик ўтган йил рамазон ойининг ўрталарида⁷ (11 январь, 1411) Самарқанддан Саврон томон отланиб⁸, амир Мусоко ва амир Ҳамза тархонларни манғлоёга тайин қилди⁹. Амир Шайх Нуруддин бундан хабар топиб қочиш йўлига юзланди ва мўғуллардан паноҳ излади. Манғлоё амирлари унинг кетидан бориб, ундан орқада қолган кишиларни мол галасида шердан ва қўй подасида бўридан келадиган оқибатга мубтало қилиб, қайтиб келдилар. Амир Шоҳмалик у мулкда бир тарафнинг эгаси бўлмиш амир Худойдод Ҳусайнийнинг ўғли амир Абдулхолиққа: «Бизнинг лашкар қайтгандан кейин Шайх Нуруддин ҳар қалай ўзини эркин сезиб Савронга келар, (Абдулхолиқ) пистирмада туриши лозим, шунда уни қўлга олиши эҳтимолдан йироқ эмас», — деб хабар берди. Амир Абдулхолиқ билан амир Шайх Нуруддиннинг ораларида катта адоват мавжудлиги туфайли (Абдулхолиқ), — мисра, — тиф тортиб йўл бошида пистирмага ўтирди.

Амир Шайх Нуруддин бундан беҳабар вилоятга кириб келди. Амир Абдулхолиқ ногаҳондан унинг устига от қўйди ва кўп жанглар қилиб, унинг жамоатини тарқатиб юборди. Амир Шайх Нуруддин ўтгиз отлиқ билан яна мўғул томонга қараб кетди. **(202)** Амир Абдулхолиқ гарчи уни қўлга олишга қодир бўлса ҳам, бироқ «Мен уни орадан кўтариб ташласам, амир Шоҳмалик мени ҳам бу тарафда қолдирмайди», — деган андишага борди. Қисқаси, амир Абдулхолиқ (кўп) фаниматлар, жумладан ўн минг от ўлжа қилди, аммо ўзи бетобликка учраб ўн етти кундан кейин вафот топди. Байт:

Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан қўрққин,
токи баланд фалак (бахт-саодатингни) яксон
қилмасин!

Амир Шоҳмалик у ерларни бўйсундирганидан кейин амир Абдулхолиқнинг ўрнини¹⁰ Дулдойнинг ўғли, кўринишидан мардоналик далиллари ва билимдонлик белгилари кўзга ташланиб турган Темурмаликка топширди.

Амир Шайх Нуруддин Хизрхожанинг¹¹ ўғли, Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхоннинг ҳузурига бориб, унинг ундови бўйича амир Шоҳмаликнинг у ерда турган элчиларини ҳибсга олдилар ҳамда хон ўн беш минг кишини ўз биродари Шамъи Жаҳон билан Мовароуннаҳрга юришга тайин қилди. Амир Шоҳмалик бундан хабар топиб бу аҳвол ҳақида олий тахт поясига арз қилди, сўнгра Мирзо Улуғбек Самарқандда қолиб, амир Шоҳмалик мухолифларга қарши урушга жўнашга жазм қилди.

Мўғуллар амир Абдулхолиқнинг кишилари тасарруфида бўлган Сайрам қалъасини муҳосара қилиш билан машғул бўлиб турган вақтларда амир Шоҳмаликнинг йўлга чиққанлигидан хабар топдилар ва унга қарши юзландилар. Амир Шоҳмалик уларнинг йўлга чиққанлигидан огоҳ бўлиб, бир тадбирни ўйладики, у тадбир тақдирга мувофиқ келди. Унинг шарҳи шундай: амир Шоҳмалик ўзининг мақтовли навқари Шоястамни икки минг номдор суворийлар билан илғор тузиб Янги вилоятга **(203)** бостириб киришга ва у вилоятда бўлган мўғулларнинг¹² уйларини талон-торож қилишга тайинлади. Шоястам кеча-кундуз суръат билан йўл босиб, шундай шошилинич (ҳужум) қилдики, мухолифларни хотиржамлик тўшагида ғафлат уйқусида ётган ҳолда топди ва у тўдани талон-торожга етказиб, уй-жойларини ер билан яксон қилди ва кўп ўлжалар олиб, амир Шоҳмалик ҳузурига олти минг от¹³ келтирди. Бу хабарни эшитган мўғуллар¹⁴ бир-бирларидан ажралиб кетиб ҳар бири бир тарафга қараб қочди¹⁵.

Ҳумоюн мавкаб Бодғис яйлоқида турган вақтда амир Шоҳмалик мўғулларнинг қайтиб кетиш аҳволларини олий тахт поясига етказди. Онҳазрат, юқорида айтиб ўтилганидек, лашкарларга ижозат бериб, давлат пойтахтига мурожаат қилишга буюрди. Анбар холли қалам у мақолни сўзлашга берган ваъдасини бажариб мушк таратувчи бўлган аҳвол шарҳи мана шу.

ХОҚОНИ САИД ҲАЗРАТЛАРИНИНГ МОВАРОУННАҲРГА ЮЗЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Амир Шайх Нуруддин мўғуллар тарафидан ўзига бирор ҳамфикр гуруҳни ташкил қилолмай тама тиши умидсизлик милкида сингач, ҳийла ишлатиш йўлига ўтиб, Мўғулистонга кишилар юборди ва арзнома тариқида мўғулларга: «Амир Шоҳмалик сизларга дўст эмас, у макру ҳийла кўрсатаяпти» — деб бир неча бор айтдим, ишонмадинглар, мана энди у тамом улусга барҳам берди, агар бу кечмишнинг тадорикини кўрсангизлар унинг зарари яна ҳам зиёда бўлиши мумкин, — деб хабар берди.

Муҳаммадхон катта лашкар билан Мовароуннаҳрга жўнади (204) ва бу ҳақда Самарқандга хабар етгач, Мирзо Улуғбек воқеа шарҳини олий тахт поясига етказди. Ҳазрат Шоҳрухий лашкарларни тўплашга фармон берди ва иқболу саодат билан Мовароуннаҳрга юришга жазм қилди ҳамда рабиъ ал-аввал ойининг охирида чаҳоршанба куни (22 июль, 1411) доруссалтана Ҳиротдан Боғи Мухторга келди ва бир дунё лашкар билан йўлга равона бўлиб, Мурғоб сувига етди. (Бу ерда) Мирзо Улуғбекнинг чопари мўғуллар ўз вилоятларига қайтиб кетдилар, деган хабар етказди. Бу ҳолнинг шарҳи қисқача баён қилинганда қуйидагичадир: Муҳаммадхон ўз тахтгоҳидан чиқиб Янги ва Саврон орасида жойлашган Илонбоши¹⁶ деган мавзегга келди; амир Шайх Нуруддин унга қўшилди; Муҳаммадхон ўз давлат аъёнлари билан машварат қилган эди, кўп ишларни кўриб тажриба орттирган кишилар: «Биз Шайх Ну-

руддинни деб қувватли бир қавм ва шавкатли бир гуруҳ билан душманлик қилишимизнинг нима ҳожати бор; жангнинг натижаси қандай бўлиши эса номаълум, — дедилар. (Муҳаммадхон) Ҳофиз исмли бир элчини амир Шоҳмаликнинг ҳузурига юбориб: «Собиқан бизнинг орамизда бирор адоват йўқ эди, юз берган низо эса ғаразли кишиларнинг қўзғатиши билан воқе бўлди, энди биз сен билан дўстлик қилайлик, агар Шайх Нуруддин билан сенинг ораларингда низо бўлса, биз энди Шайх Нуруддинни ҳимоя қилмаймиз», — деган хабарни юборди. Амир Шоҳмалик элчига эътибор бериб, хушвақт қилиб қайтарди ва Наврўз Бахшийни шоҳона совға-саломлар билан Муҳаммадхон ҳузурига жўнатди. Икки тарафдан содиқлик қоидалари таъкид топди¹⁷.

Шу миёнада (хоқони саид ҳузурига) Мирзо Улуғбекнинг навқари Малик ясовул келиб, Мирзо Улуғбек билан амир Шоҳмалик орасида бир кудурат мавжуд эканлигини арзга етказди. Онҳазрат мўғулларнинг қайтиб кетганлиги ва Малик ясовулнинг хабари жиҳатидан Мовароуннаҳрга юриш бора-сида иккиланиб бир неча кун Жижикту майсазорида тўхтаб турди ва амир Саййид Али тархонни хабарларни текшириб аниқлаш учун Самарқандга жўнатди. Амир Саййид Али аҳволни суриштириб кўриб билдики, онҳазрат амир Шоҳмаликка иноят кўрсатиб Мовароуннаҳр мулкларига соҳиб ихтиёр қилиб тайинлаганидан бери¹⁸ (амир Шоҳмалик) барча ишларни кўпчилик раъйига мувофиқ тўғри фикр ва ўткир назар билан тартибга солган, Мирзо Улуғбекка нисбатан эса панд-насиҳат қилиш ва давлатхоҳлик кўрсатиш мақомида экан. **(205)** Аммо кўпчилик табиатига, хусусан подшоҳларга, насиҳат аччиқ туюлади, чунки улар ҳамма вақт тириклик таъмини ўзлари учун ширин ва мазали бўлишини истайдилар ва бутун оламни ўзларидан паст деб биладилар. Агар амир (Шоҳмалик) бирор маслаҳатга биноан шаҳзоданинг раъйига хилоф иш қилгудек бўлса, ғаразли кишилар уни бетартиблик ва бемулоҳазаликка йўйиб, бошқа бир суратда кўрсатадилар. Насиҳат адоватга сабаб бўлиб чиқишини (олдиндан) қандай гумон қилиш мумкин?! Байт:

Дори дардага сабаб бўлди; энди монеликнинг йўқолишию беморнинг тузалишига қандай умид бўлиши мумкин?

Ҳосидлар найрангию душманлар макри туфайли бундай кечмишларнинг содир бўлиб туриши, хусусан, султонлар¹⁹ даргоҳида кам учрайдиган ва фавқулодда бир ҳол эмас.

Қисқаси, амир Саййид Али тархон қайтиб келиб, аҳвол шарҳини арзга етказди. У тарафдан эса амир Шоҳмалик Мўғул (истон) томон юзланди.

Ҳазрат хоқони сайд мамлакатни салтанат номусига муносиб келадиган бир йўсинда идора қилишни истарди. Шунга биноан зафар нишонли мавкаб Самарқанд томон кўзгалди. Қуббат ул-ислом Балхга келиб Жайҳунга кўприк боғладилар ва ғалаба қўлдоши бўлган лашкар жумод ал-аввал ойининг йигирма биринчисида (10 сентябрь, 1411) (дарёдан) ўтди. Мирзо Улуғбек ва барча улуғлар Қашқо манзилида қўл ўпиш шарафига эришдилар. Онҳазрат худди офтоб ўз шараф уйига киргандек доруссалтана Самарқандга келиб қўнди ҳамда у диёр ақобирларининг ва номдор соҳибқирон (Темур)нинг мазорларига бориб, муҳтожларга дуою садақалар етказди ва сўнгра, Кониғил майсазорини лашкаргоҳ қилди. Бир неча кундан кейин амир Шоҳмаликнинг навқари²⁰ амир Шайх Нуруддиннинг калласини келтирди. Бу сўзнинг шарҳи нодир воқеалардан-дир. (206)

**АМИР ШОҲМАЛИКНИНГ НОДИР ТАДБИРИ
ТУФАЙЛИ АМИР ШАЙХ НУРУДДИННИНГ
ҲУРҚАДОҚ ҚЎЛИДА ҚАТЛАГ
ЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳар кимнинг толе даражаси кўтарилиши уни тўхтатувчи (бўлмиш) журму хатога етса, у (киши) саодат назаридан зиён-заҳмат асарини топади ва у қандай суратни ўзига нақш қилиб чизмасин, уни акслантирувчи ойнада ўзга нарса юз кўрсатади. Байт:

Замона минг турли нақшни ижод этади-ю,
аммо, биронтаси ҳам бизнинг тасаввуримиз
ойнасидагидек бўлмайди.

Бу маъни борасида бирор кишининг шак-шубҳаси бўлса ва у содир бўлган ҳикоятга бовар қилмаса, унга айтгин, бу ҳолни у ибрат кўзи билан мушоҳада қилсин ва бу ҳикоятни ҳуш қулоғи билан эшитсин, чунки илгаригилар (ёзган) тарихларда ва фозил кишилар асарларида бундай ҳодиса мутолаа қилинмаган ва кўрилмаган. Бу воқеа кайфияти қуйидагича:

Амир Шоҳмалик Мўғулистонга отланиб Сайхун қирғоғида кўприк боғлашга жазм қилган вақтда амир Шайх Нуруддин бундан огоҳ бўлиб бир хабарчини Чингиз ўғлон ҳузурига юборди ва: «Мен амир Шоҳмаликка ёмонлик қилдим, лекин ўзим узрхоҳлик қила олмайман, илтимос шуки, сен бизнинг орамизда восита бўлгин; бизнинг номимиздан ҳар ниманики ваъда қилсанг, ижро этгумиздир», — деган хабарни юборди. Чингиз ўғлон ўзининг таниқли навкарларидан бўлган ва сўзга усталикда лутф сувини қаҳр олови билан қориштирадиган Рамазон ўзбекни (амир Шоҳмалик ҳузурига) жўнатди ва: «Амирлик паноҳи (Шоҳмалик) дан умид шуки, у илтимосни рад қилмас ва насихатни қабул қилар, чунки, душманлик дарахти пушаймонлик мевасини, низо уруғи эса айрилиқ самарасини келтириши маълумдир. Илгарилар сизларнинг ораларингизда қадимий дўстлик ва бу билан боғланган муҳаббат мавжуд эди. Энди, агар у жаноб розилик қулоғи билан тингласалар, мен амир Шайх Нуруддиннинг бундан кейин рижойлик мақомига киришини (унинг номидан) қабул қилман», — деб буюрди. Амир Шоҳмалик эса бунга жавобан: «Агар (Шайх Нуруддин) чиндан ҳам сулҳ тузмоқчи бўлса, сўзи ишончга сазовор бўлсин учун, Тумон оғони, унинг биродари Шайх Ҳасанни, (207) навқари Шангумни ва ўғли Маҳмудшоҳни бизнинг ҳузуримизга жўнатсин, «Қайноқ сут ичиб оғзи куйган киши совуқ сувни ҳам пуфламасдан ичмайди», — деган масал машҳурдир; Шайх Нуруддин бизга кўп фириб берган», — деб жавоб берди.

Амир Шайх Нуруддин Чингиз тарафидан ноумид бўлганидан кейин тўрт ойдан бери ҳибсда тутиб тургани Алиқони амир Умар Тобоннинг навқари амир Мусоко ва амир Давлатхожалар ҳузурига юбориб: «Сизлар тоқай Шохмалик тарафидан турасизлар? Энди бизнинг тарафда туриб яраш битими тузиш вақти келди; агар у қаттиқ (шарт қўйиб) гапирадиган бўлса, сизлар мулоимлик билан ман қилинлар», — деб айттирди. Амирлар (Шохмалик билан) сўзлашдилар. Амир Шохмалик уларни амир Шайх Нуруддин ҳузурига жўнатиб ўзи кетма-кетидан Савронга келди ва бир хабарчини юбориб: «Агар ўз гуноҳингни эътироф қилиб, «Мен ёмон иш қилдим», — десанг сен билан сулҳ тузаман, йўқ эса бизнинг орамиз жангдир, холос», — деб айтди.

Амир Шайх Нуруддин эса: «Амир Шохмалик икки навқари билан қалъа дарвозасига келса, мен ҳам икки навқар билан чиқсам-да, элчисиз ва хат-хабарсиз юзма-юз сўзлашсак дурустроқ бўлар», — деб жавоб қайтарди. Шу қарорга асосан ҳар иккаласи бир-бирлари билан учрашиб, саломлашдилар ва қучоқлашиб сўрашдилар. Амир Шохмалик унга: «Бутун оламга маълумдирки, ҳазрат соҳибқирон сенга ўз фарзандидек тарбият бериб, амирлик улуғ мартабасига етказди, сен ўзинг инсоф қилиб айтгин: ҳеч бир яратилган банд бу хонадонга нисбатан шундай ҳурматсизлик қилишга журъат (208) кўрсата олганмики, сен кўрсатаяпсан?; майли, энди <ўтган ишни эсга олмайлик> — мисра, — чунки, улуғлар: <ўтган ишдан гапирмайдилар>, — деб айтганлар. Менинг ҳазрат хоқони санининг марҳаматларига эътимодим бор, агар сен кечирим сўраш мақомига келсанг, сенга бирор зарар-заҳмат етмайди», — деб айтган эди, амир Шайх Нуруддин: «Арқонки узилар экан, у қайта тузалмайди, агар тузалса, уланган ерида тугун қолади, — байт:

Ип узилса, уни боғлаб улаш мумкину,
лекин ўртасида тугун қолади», —

деб жавоб берди.

(Шундай қилиб) сулҳ сўзи қарор топмади. Амир Шоҳмалик Тумон оғо ҳузурига саломга келиб²¹, соҳибқирон ҳазратлари замонини эслаб йиғлашга тушди²². Амир Шоҳмалик Шайх Нуруддинга: «Кун кўтарилиб ҳаво исиб кетди, бизлар учун соябон ва бирор ейдиган нарса юбор, токи бир дам ором олайлик», — деди. Байт:

Бу манзилгоҳда туришинг учун бир неча кунгина фурсат
бор экан,
бирор дамни бўлса ҳам осойишта ўтказгин, чунки ҳамма
вақт ҳам шундай эмас.

Шу сўз билан (амир Шоҳмалик амир Нуруддинга) фириб берди. Дод, бу ғаддор дунё дастидан ва (кишиларнинг) бир-бирига фириб беришидан!

Алқисса, Мусоко ва амир Давлатхожалар бир неча бор келиб-кетишди-ю, лекин сулҳ сўзи бир ерда қарор топмади²³. (209) Амир Шайх Нуруддиннинг сулҳ тузмаслигига ишонган амир Шоҳмалик амирларга «Ҳурқадоқ» фикрини маслаҳатга ташлади. Амирлар эса: «Амир Шайх Нуруддин бундай йўл билан жонига қасд қилишга йўл қўядиган кишилардан эмас», — деб жавоб бердилар. Мисра: Ҳумо қуши бирор кишининг тузоғига бошини суқадими?! Амир Шоҳмалик амирларга бошқа сўз айтмай ўз-ўзича: «Бу иш далирликдан бошқа йўл билан ҳал бўлмайди ва бу сирни бирор кишига сўзлаш ҳам керак эмас», — деб қўйди. Мисра: агар оқиллар аҳлидан бўлсанг бунинг ҳаммасини ўзинггагина сўзлагин.

(Шундан сўнг) амир Шоҳмалик амирларга қараб: «бу бедавлатга яна бир бор насиҳат қилинглар, агар унинг ўзи ёки фарзанди хоқони саид ҳазратларининг ҳузурига бормайдиган бўлса, ўзининг иккита яхши навкарларидан юборсин, токи (биз) натижасиз қайтиб кетганлигимиз учун номусга қолмайлик», — деди²⁴. Амирлар (қалъа томон) бордилар; амир Шайх Нуруддин иккита отлик (навқари) билан қалъа яқинида улар билан сўзлашиб турганида амир Шоҳмалик Ҳурқадоққа қараб: «Сен менга худди биродар ўрнида, балки ундан ҳам азизроқ-

сан, агар бутун журъат қадамини илгари қўйиб, менинг хотиримга келган маънини бажаришга киришсанг, шояд зафар юз кўрсатар ва сенинг диловарлик номинг ҳам тириклик саҳифасида боқий қолар; амирлар орқага қайтаётган вақтда сен Шайх Нуруддиннинг олдига боришинг керак; у сени кўргач, албатта ўз ҳузурига чақириб оғушига тортмоқчи бўлади; сен яқин борганинга отдан тушгин, у сени оғушига оламан деб бошини эккан пайтда, уни дадил ва мардона шундай бағринга тортгинки, қўлларинг унинг орқасига ўтиб бирлашсин; шунда уни маҳкам ушлаб отдан тортиб тушир. Уни отдан тушириш сенинг уҳдангда, сени қўриқлаш эса бизнинг уҳдамизда»,— деди.

Хурқадоқ қалъа дарвозасига борди²⁵. Шайх Нуруддиннинг кўзи тушгач, уни овоз бериб чақирди; Хурқадоқ отдан тушдида, бир неча бор чўк тушиб (таъзим қилди), амир Шайх Нуруддин эгилиб, қучоғини очиб уни бағрига тортди, ғаддор Хурқадоқнинг қўллари амирнинг бели орқасида туташгач, уни бор кучи билан пастга тортди ва у ерга йиқилган ҳамоно сийнасига тиззасини қўйиб белидан шамширини суғурди. **(210)** Шайх Нуруддиннинг қалъа ташқарисида турган иккита навкари Хурқадоққа ташландилар ва улардан бири Хурқадоқнинг қўлига шамшир урди. Хурқадоқ эса Шайх Нуруддинни тиззаси тагида босиб турган ҳолда шамширини (навкарнинг) отига ҳавола қилиб шундай урдик, отнинг лаблари кесилиб тушди. Шундай қилиб, навкарларнинг отларини ҳуркитиб қочиргач, шамширни бечора Шайх Нуруддиннинг юзига чунонан зарб билан урдик, Шайх Нуруддиннинг тигни ушлаб тўхтатмоқчи бўлган қўл бармоқлари ва бош косасининг ярми билан бурни узилиб тушди. Амир Шоҳмалик узоқдан бир баландлик устида уларни кузатиб турган эди, Хурқадоқ қўлини баланд кўтарган вақтда²⁶ икки юзта мукамал қуролланган суворийлар билан от қўйиб қалъа дарвозасига етишди. Хурқадоқ ҳануз Шайх Нуруддиннинг сийнаси устида эди, мадад етиб келганидан кейин ўрнидан туриб Шайх Нуруддиннинг

бошига яна бир-икки шамшир урди ва бошини танидан жудо қилиб, хорлик тупроғига улоқтирди.

Амир Шайх Нуруддин агарчи бир неча кун амир Шоҳмалик билан низо шатранжида ўйнаб, қарама-қаршилик ва уруш майдонида душманлик отини чопган ҳамда фарзин орқасида фириб бандини пистирма қилиб қўйган бўлса-да, оқибат ёвнинг олиб бораётган ўйинидан кўзи чалғиди ва унинг мақр филбандини йўқ ҳисоблаб, ўзи мот хонасига ўтириб қолди ва ҳаёт тахтасидаги доналарни сочиб юборди. Байт:

Ўзининг фил ўйини билан гарчи фарзинни банд қилган
 бўлса ҳам,
 битта пиёда тазйиқида шаҳ билан рух отдан
 йироқ тушди.

Амир Шоҳмалик бундай зўр ишнинг уддасидан чиқа олган Хурқадоққа кўп лутф-марҳаматлар кўрғазди ва унга: «Бир умрга сендан мамнунмиз», — деб айтди. Хурқадоқ эса: «Мен бу хизматни адо этишда бир оз машаққат ҳис этган бўлсам ҳам, лекин жаноби олийнинг розилигини олиш умиди билан иш осонлашди; бундай ишни бахт ёрлик кўрсатмаган тақдирда бажариш мумкин эмас. Бу банданинг хизматкорлик номини улус орасида боқий қолдирадиган хизматдан кўра афзалроқ яна нима бўлиши мумкин? Бу ҳаммаси жаноби олий (амир Шоҳмалик)нинг тўғри фикр юритганликлари натижасидир», — деди.

Амир Шоҳмалик бу воқеадан кейин Саврон қалъасини муҳосара қилди. Ҳазрат хоқони саид амир Шоҳмаликни чақиртириб: «Қалъа аҳолиси сендан ваҳимада, сен бизнинг ҳузуримизга келгин, токи биз одам юбориб, уларни чақиртирайлик», — деди. Амир Шоҳмалик фармон камарини боғлаб, юзини <уни кўрганинга нозу неъмат ва чексиз ҳокимлик ҳис этасан>²⁷ (оятига монанд) беҳиштсифат (Самарқанд) томон қаратди. Мисра: Бахтли кишилар камаридан қўлингни узмагин. (211)

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ МОВАРОУННАҲР ТАРАФИДАН ҚАЙТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мовароуннаҳр вилоятларининг муҳим ишлари янги тдан саришта қилиниб, мамлакат атрофлари бебоклар офатидан омон сақлаб қолингач, ҳазрат хоқони саид (Хуросонга) қайтишга буюрди ва ғалаба ёр мавкаб Кониғилдан кўчиб Кўкгунбазга келди. Бу ерда мирзо Аҳмад Мирак итоат камарини белига боғлаб (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш шарафига етишди ва иноятлар билан тақдирланди; амир Шоҳмалик ҳам (шу ерда) мулозимат кўрсатиш саодатига мушарраф бўлиб, илтифот офтоби улуғлик авжидан унинг аҳволи чеҳраси узра порлади. Мирзо Улуғбек ўша манзилда катта бир тўй қилиб подшоҳона тухфаларни арзга етказди.

Амир Шайх Нуруддиннинг биродари амир Шайх Ҳасан арза-хат юбориб итоат изҳор қилди, онҳазрат (унинг олдига) Тукал ч у х р а н и жўнатиб: «Агар (бизга) эл бўлсанг Тумон офони ҳузуримизга юбор», — деб буюрди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмалик ораларида андак ғубор воқе бўлганлиги туфайли «Амир Шоҳмалик²⁸ Хуросонга қараб юрсин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди.

Олий мавкаб давлат юлдузи ва иқбол (ҳамроҳлигида) доруссалтана Ҳиротга келиб тушди. Бир неча кундан кейин улуғ бону Тумон офо етиб келиб, онҳазрат у бонуни улуғлашда иззат-ҳурмат шартларини адо этиб, Кусавия қасабасини с у ю р ф о л тарзида унинг ноибларига топширди²⁹. Ҳозирда³⁰ у қасаба ва атрофларида Тумон офонинг хайрли ёдгорликларидан бўлган мадраса, хонақоҳ ва работ бағоят маъмурдир. (212)

МИРЗО ХАЛИЛ СУЛТОН ВА УНИНГ ВОЛИДАСИ ХОНЗОДАНИНГ ВАФОТИ ЗИКРИ

Ғалаба ёр мавкаб доруссалтана Ҳиротга етиб келгач, жаҳон аҳлининг шаҳзодаси Насируддин мирзо Халил Султоннинг Рай мулкида икки-уч кунлик бетобликдан сўнг ўн олтин-

чи ражабда (3 ноябрь, 1411) ёшлик ҳасрати билан тупроқ манзилига равона бўлганлиги (ҳақидаги) жон куйдирувчи ва жиғар ўртовчи воқеа хабарини эшитди. Бу ҳодисанинг содир бўлганлиги ва бу бахтсизликнинг (бошга) тушганлигидан азизларнинг диллари оташда куйиб, жонлари ҳаяжонга тушди. Байт:

Дўстларнинг қонли кўз ёши шундай тўлқинга келдики,
Йиғидан осмон тўфон бетидаги хубобга айланди.

Халил вафоти ноғорасининг титроқли садоси зарбасидан кулоқлар ҳануз халос бўлмай туриб, унинг онаси маҳди улё Хонзоданинг (бу дунёдан) кўчганлиги товуши димоғ қасрининг баланд ерларига ва хаёл ҳужрасининг юқори токчаларига чирмашди. Мисра: Ҳали бир дард тузалмай туриб, иккинчиси етишди. У муаззам бону Машҳади муқаддаси Ризавийда вафот топди ва бузругворнинг мозори ёнига дафн қилинди. Масал: бир одам ва унинг аҳволи, умрининг бошланиши-ю оқибат, тамомланиши худди бир мусофир қабилидадир. Унинг (бош) манзили бешигу охириги маскани лаҳаддир. Бу икки жой орасида бир нечта санокли қўним ерлар, бир нечта чегараланиб қўйилган кунлар бўлиб, ҳар йил бир қўниш ер, ҳар фасл — бир работ, ҳар ой — бир фарсанг, ҳар ҳафта — бир мил, ҳар кун — бир қадар, ҳар соат — бир масофат ва ҳар дам бир қадамдир; бироқ инсон охират манзили (ғами)дан фориф ҳолда бу ораликда хотиржам ўтиради. Рубойи:

Бохабар бўлгинки, умр афсонаси охирига етди,
умр парвонасининг шами эришга бошлади.
Сен ғофилу хушдил ўтирибсан, аммо ажал шамоли
умид сомонини ҳам, умр донасини ҳам созуриб кетаяпти.

ФОРС ВА ИРОҚ МАМЛАКАТЛАРИ КЕЧМИШЛАРИНИНГ ЗИКРИ (213)

Мирзо Искандар сафар ойида (25 май—22 июнь, 1411) Форс мамлакатларидан каттагина бир лашкар тузиб, Кермон

вилоятига қараб жўнади ва аввало, Сиржонга етиб, уни қамал қилди. Сиржонликлар ташқаридаги истехкомни қолдириб, тоғдаги қалъага қочишга мажбур бўлдилар. Мирзо Искандар бир гуруҳни уларни муҳосара қилишга қолдириб³¹, Кермонга юзланди. Унинг лашкари қаергаки бориб етган бўлса, у ердаги иморату зироатдан асар қолмади. У бир гуруҳ амирларни илғор тарзида Бум, Жируфт ва Гармсеротнинг бошқа (ерлари) томон жўнатиб, ўзи Кермон атрофига келди.

Сиржонни қамал қилиш учун қолган аскарлар айш-ишрат билан машғул бўлиб, эҳтиёткорлик чораларига совуққонлик билан қарадилар. Қалъа аҳли кечаси тўсатдан ҳужум қилиб шундай бир ғорат келтирдиларки, қамал қилиб турган амирлар бир оту бир қамчин билангина лашкарга етиб келдилар. Мирзо Искандар дарғазаб бўлиб, қочиб келганларга шундай қаттиқ таъзир бердики, бу бошқалар учун ибрат бўлди. Мирзо Искандар амир Абдуссамадни Хабис томонга юбориб, Султон Ҳусайн уни даф қилиш учун Кермондан йўлга чиқди; улар орасида қаттиқ жанг воқе бўлди; оқибат Бурҳонуддин Абдуссамад зафар топди³². Шунингдек, Гармсерот томонга борган амирлар ҳам ғалаба қозонишиб, ҳар икки гуруҳ музаффар ва ғолиб қайтиб келдилар.

Мирзо Искандар Кермон рўбарўсига келиб тушди. Кермонликлар кўнгли поклангур муртазойи аъзам Саййид Шамсуддин Бумийни шаҳардан ташқари чиқариб, м о л ва х а р о ж (тўлаш)ни қабул қилганликларини (билдирдилар). Мирзо Искандар бу улуғ саййидга нисбатан яхши эътиқодга эга эканлиги ҳамда: «Мирзо Рустам Қаро Юсуфнинг даргоҳидан қайтиб Исфаҳонга етди, Қутбуддин Торий исён кўтарди», — деган хабарларини эшитганлиги туфайли, бу (214) маънилар мирзо Искандарнинг Саййид (Шамсуддин) илтимосини қабул қилиб сулҳ тузишига ва Шероз томон қайтишига сабаб бўлди.

Мирзо Рустам Табриз томондан Исфаҳонга келгач, (Исфаҳонда) соҳиб ихтиёр бўлган Хожа Аҳмад Соидий Ироқнинг бошқа ақобирлари билан уни кутиб олди. Мирзо Рустам бир-икки ойни Исфаҳонда айш-ишрат ва комронликда ўтказди.

Хожа Аҳмад Соидий Рустам ҳукмларига хилофлик кўрсатиб юрган эди, мирзо Рустам уни қатл қилиш борасида давлат аркони билан машварат тузиб, яқин орада воқе бўладиган ийди азҳо муносабати билан муборакбод қилгани келганида уни танҳо мажлисга олиб кириб орадан кўтаришга қарор бердилар. Ана шу қарорга биноан Хожа Аҳмад Соидийнинг иши тамом бўлди. Мисра: «Кимки ўлса — у тамом бўлди», — (деган сўзни) эшитмаганмисан?

(Шундан кейин) исфаҳонликларнинг мирзо Рустамга нисбатан диллари бузилди ва мирзо Искандар ҳам Исфаҳонга яқинлаб етди. Мирзо Рустам унга қарши туришга куч-қудрати йўқлиги учун зарурат юзасидан, Хуросон томон равона бўлди³³.

АМИР ҚАРО ЮСУФ ВА ФАРЗАНДАРИНИНГ ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Амир Қаро Юсуф султон Аҳмад борасида хотирини жам қилиб дорулмулк Табризни қўлга киритгач, ўз авлодида «хон» исми бўлишини орзу қилиб қолди. Шунга биноан олтин тахт курдириб катта тўй (215) ташкил этди. Тўйга Озарбайжон аъёнларининг улуғларини таклиф қилди ва ўз ўғилларининг тўнғичи бўлган Пирбудоқни тож ва камар билан сарафроз этиб подшоҳликка кўтарди ва олтин тахтга ўтқазиб, ўзи навкарлардек унинг ҳузурида хизматга бел боғлади; бир неча кун давомида улуғ тўйлар бериб, Озарбайжон аъёнлари ва туркмон умароларига подшоҳона сарполар, хусравона камарлар тақдим қилди. Улар ҳам муносиб ҳадяларни келтириб қўйдилар. Тўйдан кейин фармонлар унвонига шундай ёзар эдилар: «Султон Пирбудоқ ярлиғидан Абу-н-Наср Юсуф баҳодир нўён сўзимиз»³⁴.

Яна шу йили амир Қаро Юсуфнинг ўғли Шоҳ Муҳаммад Бағдодни бўйсундирди. Бу шундай содир бўлди. Султон Аҳмаднинг (вафоти) воқеасидан кейин шаҳзода Валад ибн шаҳзода Шайх Али ибн Султон Увайсининг авлодлари, яъни Султон

Маҳмуд, Султон Муҳаммад ва Султон Увайслар Бағдодга ҳоким бўлдилар. Уларнинг орасида катта қарама-қаршилик бошланди³⁵. (Шунда) амир Шоҳ Муҳаммад ибн амир Юсуф Ардабилда эди, у (Бағдод) хабарларини эшитгач, Бағдод мулкани тама қилиб қолди ва илғор тузиб тўсатдан Суқсултон дарвозасига келиб тушди³⁶. Шу миёнада Шоҳ Валаднинг катта ўғли Султон Маҳмуд ҳоким эди-ю, лекин унинг номидан Абдураҳим маллоҳ соҳиб ихтиёр эди³⁷. Бир гуруҳ фитначилар подшоҳ (Султон Аҳмад) даврида шихна ва доруға бўлиб турган амир Бахшойишга: «Сен турган жойда бу (216) маллоҳ-кемачига ҳукуматни бошқаришга қандай ўрин бор», — деб айтдилар ва иттифоқ тузишиб маллоҳни қатлга етказдилар. Бағдод ғавво ичида қолди. Шоҳ Валаднинг авлодлари ва Султон Увайснинг қизи Денди Султон Бағдодни ташлаб кетишга мажбур бўлиб, Шустар томонга қочдилар. Шоҳ Муҳаммад эса Бағдодни олди ҳамда Ҳийт қалъасининг ва Курдистоннинг баъзи ерларини истило панжасига киритиб, унинг фармони йиллар давомида у мамлакатда жорий бўлиб қолди.

САККИЗ ЮЗ ЎН БЕШИНЧИ

(1412—1413)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ВА

ЎН ТЎРТИНЧИ

(1411—1412)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ДАВОМИ

Мирзо Рустам саккиз юз¹ ўн тўртинчи йил ойларининг охирларида (март-апрель, 1412) ҳазрат хоқони саиднинг даргоҳига паноҳ тортиб келиб, унинг қўлини ўпиш шарафига етишди. Байт:

Унинг даргоҳига омию шариф кишилар юзландилар,
фармонига қазою қадар ҳам қулоқ солади.

Онҳазрат ўзининг чин шавкати ва улуғворлик ахлоқи бўйича уни азизу мукаррам тутиб, иноят кўзию марҳамат назарини унинг аҳволини тузатиш ишига қаратди, унга нисбатан яна бир бор подшоҳона илтифот ва хусравона ғамхўрлик кўрсатди ва салтанат асбобларини тартибга келтириб Ироқ томонга жўнатди. Онҳазрат қиш фаслини Ҳиротда ўтказишга буюрди.

**(ХОҚОНИ САИДНИНГ) МАШҲАДИ
МУҚАДДАС ЗИЁРАТИГА БОРГАНЛИГИ,
БАЪЗИ КЕЧМИШ ВА ҲИКОЯТЛАР**

Совуқнинг сипоҳи юзини мағлубият ва тамомланиш сари қаратиб ҳаво мизожи нашъу намо (нағмасини) бошлаган ва сабонинг мўътадиллик бахш этувчи насими ўсиб келаётган авлод тарбиясида Масийҳо дамани уриб, жаҳонга тоб берувчи офтоб гавҳар сочувчи булут ҳамкорлигида ер сирларини зоҳир қилишга бошлаган бир вақтда ғайб матлаининг офтобию равшанлик мажлисининг жаҳоннумо жоми бўлмиш ҳазрат хоқони саиднинг раъйи қурбон байрами мавсумида таҳқиқ аҳли ҳаж қилиш билан баробар қўйганлари Машҳади муқаддаси Ризавий зиёратини бажо келтиришни лозим топди ва зу-л-қаъда ойининг тўққизинчисида (22 февраль, 1412), — байт, —

Ҳар бурчакда сабо шамоли минглаб мушк
халтачаларини очган
ва ҳар манзилда булут минглаб марварид
шодаларини узган

бир вақтда доруссалтана Ҳиротдан йўлга чиқишга буюрди.
(217)

Шу миёнада² шухратли қулоқларга Мавдуд Гармсери (воқеаси) эшитилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, олампаҳо даргоҳга илтижо қилиб келган ва бир неча вақт Ҳиротда ҳумоюн даргоҳга мулозим бўлиб юрган Мавдуд Гармсери, унинг бу ерда туриш муддати узайиб кетиб у билан низо қилувчи томон³ бағоят қувват топгач, бир неча бор <кеча (кундузга)

ҳомиладордир> (мақоли) дамани тортар ва «шояд», «кошки» (сўзлари билан) ўзини юпантирар эди. Фалаба ёр мавкаб Машҳади муқаддасга йўл олган ана шу вақтда эса у, фурсатни ғанимат топиб, йўл асносида Гармсерга қараб жўнади⁴. Онҳазрат унинг аҳволини суриштириб билиб келиш учун бир кишини Ҳиротга юборди.

Онҳазратнинг давлат қуввати шундай эдики, кимки дилида бирор зидлик ўйласа, жонини омон сақлай олмас ва кимки унинг давлатига орқа ўтирса, тезликда ранжу машаққатга дучор бўлар эди. Шундай қилиб, Мавдуд Гармсерий Барсин манзилига етган вақтда бу ерда шикор қилиб юрган балужлар раису меҳтарлари Али Темур ундан: «Бу тарафга қандай қилиб келиб қолдинг?» — деб сўради. Мавдуд Гармсерий: «Мени онҳазрат вилоятга юборди» — деб жавоб берди. Али Темур унга: «Иноятнома кўрсатишинг керак, бўлмаса тўхтатиб турамиз», — деди. Мавдуд эса тиф яланғочлаб балужлардан бир нечтасини мажруҳ қилди, баъзиларини эса шаҳидлик даражасига етказди. Али Темур қочди; Мавдуд унинг изидан от чопиб, қувиб кетаётган эди. Али Темурнинг ўғли Мавдуднинг кетидан, — мисра, — гўзаллар қошидек бир камонни кафтига ушлаб, (218) шундай бир ўқ отдики, сийнасида тешиб чиқди ва отдан йиқилди, йўқлик ўқи қазо каманди ҳалқасидан (чиқиб) унинг жонини мўлжалга олди. Балужлар жамоати Мавдуднинг кишиларини боғлаб, Мавдуднинг боши билан Ҳиротга юбордилар. Мавдуд воқеасини суриштириб билмоқ учун ҳумоюн ўрдудан келган хабарчи, Мавдуднинг бошини олиб бир кунда Ҳиротга етди. Мисра: Кимки сенинг ҳукмингдан бош товлаган бўлса, у ўз жонини елга совурди.

Ҳумоюн мавкаб саодатли толе ва бахтли юлдуз билан, — қитъа:

Хуршид ўз шараф буржиге етадиган бир вақтдаю
сабо саҳро томон лашкар тортган бир пайтда,
булут лола оғзини инжу конига айлантириб,
шамол сабзалар канорини анбарга маскан

этганида, —

Машҳади муқаддасга етди ва зиёрат шартларини бажо келтириб, эҳтиёжмандларга садақалар етказди.

Қумис мамлакатининг ҳокими, юқорида бир неча ерда улуғлиги зикр этиб ўтилган муртазойи аъзам Саййид Иззуддин яхши хулқ ва соф ақида юзасидан мулозимат шарафига етишди ва у кишидек бир улуғвордан бундай бир ҳазрат учун муносиб келадиган пешкашларни муҳайё қилди ҳамда қабулга (кириш) иззатига етишиб, подшоҳона илтифотлар билан сарафроз этилди ва олий даражали амирлар, номдор маликлар ҳам буюк саййидлар қаторидан ўрин олди. Сорий шаҳридан амир Саййид Алининг навқари ва Ферузқўҳдан амир Ҳасанкиёнинг биродари пешкашлар ва арза-хатлар келтирдилар ва уларнинг аҳволи жамоли ихлос либоси билан безанди.

Ҳумоюн байроқлар дорулмулк Ҳиротга қайтишга отланиб, амир Саййид Иззуддин давлату саодат янглиф мулозимликда бўлди. Табиатнинг эпчил қўллик наққоши баҳор фаслининг кўриниш тасвири устида ўз ҳунарини кўрсатаётган бир мавсумда онҳазрат Бодғис йўли билан йўл-йўлакай шикор қилиб ва ов овлаб, (саккиз юз ўн бешинчи йил), муҳаррам ойининг ўнинчисида жума куни (22 апрель, 1412) доруссалтана Ҳиротда мақом тутди ва оромга эришди.

ХИТОЙ ПОДШОҲИ ЭЛЧИЛАРИНИНГ КЕЛГАНЛИГИ (219)

Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Хоқони саид томонидан): «Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди.

Амирлар истиқбол расми бўйича (шаҳардан) ташқари чиқиб элчиларнинг ҳаммасини иззат-ҳурмат билан шаҳарга олиб кирдилар. (Бу) худди ёшлик чоғидек шодликни орттирувчи бир замон ва висол кечасидек ғамни тарқатувчи бир он эди.

Ҳазрат хоқони саиднинг фармони бўйича Боғи Зоғонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат, шер ҳайбат ясовуллар ҳар кимнинг (ўзига хос) жой ва макон тайин қилдилар. Ҳазрат хоқони саид баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чеҳра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни қўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар. Хитой подшоҳининг мактуби қуйидаги мазмунда эди.

Хитой подшоҳи мактубининг сурати: «Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шоҳрух баҳодир учун нома юбормоқда! Биз фикр қиламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойиқни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин деб яратган. Биз худойи таолонинг мададкорлигида илоҳий ҳукмга бўйсуниб жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли биз яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз, ҳаммани бир текис, баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан, худованди таолонинг амрига итоат қилиб келмоқдасан, раият ва аскарларни парвариш қилиб, уларнинг ҳаммасига эҳсону яхшилиқлар кўрсатибсан; шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. (220) Алалхусус, кимхоб ва тарқу кийимларни етказсин учун, элчи юбордик; элчи у ерга етиб боргач⁵, сен бизнинг сўзларимизга ҳурмат билан қараб марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан, катта-кичик ҳамма шодмон бўлибдилар ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан; элчилар сенинг саломингни, отлар ҳам у диёр матоларидан иборат туҳфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканлигингни кўрдим: сен мақтов ва навозишга сазовор экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди. Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва туҳфаларни қатъ қилмаган. Шу сабабли (Той-Зуй) у диёрнинг (Хитойдаги) одамларига омон бериб, ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отангинг ҳиммат ва равишига яхши мутобиат қилибсан. Энди Су-



Жўнинг Касой ҳазораси одамларидан Ду-Жихун-Бойни ва Сун-Қунг-Жи садаси (дан) Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларни юборамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар.

Халил Султон сенинг биродарзоданг; ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату раъйимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу».

Бу мактубга қўшиб яна бир мактубни юборган эдилар, унда жўнатилган совға-туҳфалар муфассал тарзда битилган эди. (221) Яна бир (мактуб) йўл хати⁶ қабилида бўлиб, у элчилар учун эди. Уч мактубнинг ҳар бири⁷ форс хати билан форс тилида⁸ ёзилган ва худди ўша мактубда сўз мазмуни мўғул хати билан туркий тилда ёзилган, яна ўша мактубда ўша мазмунни хитой хати билан ўз (хитой) тилида ёзган.


Хоқони саид ҳазратлари мактубни (ўқиттириб) эшитиб, унинг нозик мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилди ва мақсадларини тўла тушуниб олгач, ҳаммани иштирок этишга чақириб, «Амирлар элчилар шарафига тўй берсинлар», — деган фармон содир бўлди.



МАЛИК ҚУТБУДДИННИНГ СЕИСТОНДАН КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Илгарироқ бандалик хизматларидан ўзини четга олиб юрган⁹ Малик Қутбуддин ибн Малик Маҳмуд шу миёнада хоқони саид ҳазратларининг лутф-марҳаматига эътимод қўйиб, доруссалтана Ҳиротга келди ва улуғ амирларни шафе келтириб, қўлларини узр этагига осди. Амирлар: «Малик Қутбуддин гарчи хизматкорлик йўлида сабот мавзеидан тойиб кетган бўлса ҳам (энди) <ё раббий, биз ўзимиз-ўзимизга зулм қилдик>¹⁰ деб, қўлига тиғу кафан ушлаб олампаноҳ даргоҳга



юзланибди, — деб арз қилдилар. Онҳазратнинг нурли замири ойнаси ваҳшат ғуборидан покланиб, Малик Қутбуддин қўл ўпиш саодатини топди ва онҳазратнинг марҳаматига умид боғлаб янги ҳаётга ишонч ҳосил қилди ҳамда унинг: <(эй тангрим), пайғамбарларинг (орқали) бизга ваъда қилган нарсангни ато этгин>¹¹, деб қилган дуоси мустажоб келиб, гуноҳи афв этилди. Байт:

Бирон хатога йўл қўйган киши узр сўрагани дуруст,
ахир одам ҳам узр сўраганлигидан бир натижага етишган,—

(Малик Қутбуддин) ҳар йили нақд пулу буюмларни муҳайё қилиб хизонаи омирага юбориб туриш, лозим бўлган хизматга тайёр туриш, илгариги харождан нимаики тўланмай қолган бўлса, адога етказиш ва бандалик вазифасини бажо келтириш шартларини қабул қилди. Онҳазрат Нимруз мулкани Малик (Қутбуддин) ихтиёрига топширди. (222)

ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИ ЖЎНАТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Хитой элчиларининг муҳим ишлари тўла битганидан кейин, уларга ижозат берилиб, қайтиб кетдилар. Шайх Муҳаммад Бахший элчилик расми бўйича улар билан бирга равона бўлди. Хитой подшоҳи то шу вақтгача ислом динини қабул қилмаганлиги ва шариат талаби бўйича иш тутмаётганлиги сабабли ҳазрат хоқони сайд дўстлик юзасидан: «Зораки у ҳидоят нури туфайли имонга мушарраф бўлса», — деган умидда араб ва форс тиларида ёзилган икки насихатномани юборди.

Арабча мактуб сурати: <Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Бир Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир! Оллоҳнинг расули, яъни Муҳаммад алайҳиссалом айтган: менинг умматларимдан кимки Оллоҳнинг амрига ҳозир турса, у сира камлик кўрмайди, уларни хорловчи ва уларга зидлик қилувчилар ғалаба қозона олмайдилар. Оллоҳнинг амри (билан қиёмат қоим) бўлгунига қадар улар шундай (азизликда) бора берадилар.

Оллоҳи таоло Одамни ва унинг зурриётини яратмоқчи бўлганида: «Мен махфий бир ганж эдим, ўзимни танитмоқни истаб махлуқларни яратдим», — деди. Шунга кўра маълум бўладики, қудрати улуғ, сўзи устун бўлган зотнинг инсон навини яратишдан (кўзда тутган) ҳикмати ўзини танитиш аломатларини тиргизиш ва ҳидоят ҳам имон байроқларини баланд кўтаришдир. У, гарчи кўп худоликлар севмасалар ҳам, (ҳақ динни) барча динлардан устун қилмоқ **(223)** ҳамда шариатни, ҳукмларни ҳам ҳалолу ҳаром қонун-қоидаларини (инсонларга) ўргатмоқ учун, ўз расули (Муҳаммад)ни ҳидоят ва ҳақ дин билан (инсонлар орасига) юборди ҳамда унга, мункирларни гунгу лол қилиб низо ва мунозаралардан тилларини тийсин учун, мўъжиза тариқасида шуҳратли Қуръонни ато қилди ва ўз комил иноятию тўлиқ ҳидояти билан у Қуръонни қиёматгача жорий қолдирди. У ўз қудрати билан ҳамма вақту замон ва фурсату онларда Шарқ, Фарб ва Чиндан иборат оламнинг барча ерларида қудрат ва имкон эгасию беҳисоб лашқар ва салтанат соҳибини тайин қилди ва (уларнинг зиммасига) адолат ва эҳсон бозорларига ривож бериш, барча халойиқ бошига амну омонлик қанотларини ёйиш, халойиқни (шариатда) рухсат этилган ишларга йўллаб, ман этилган ишлар ва туғёнлардан қайтариш, улар кўмагида шарафли шариат мартабасини улғайтириш, Оллоҳнинг яккаю ягоналигини уқтириб улар орасидан кўп худолик ва кофирликни йироқлатиш (вазифасини юклади).

Оллоҳи таоло ўз азалий лутфу марҳамати ҳам абадий фазли билан пок шариат қонунларини барпо этиш ҳам зоҳир тариқат қоидаларини давом эттиришга бизни муваффақ қилди ҳамда Оллоҳга ҳамд бўлсинки, халойиқ ва раиятлар орасида содир бўлиб турувчи воқеа ва кечмишларни пайғамбар шариати ва сара ҳукмлари бўйича ажрим қилиб туришни бизга амр қилди. **(224)** Илмларнинг нишонун белгилари йўқ бўлиб кетмасин ҳамда шариатнинг асар ва маросимлари унутилмасин учун бизга ҳар бир ерда масжиду мадрасалар қуриш ва хонақоҳу ибодатхоналарни обод қилишни буюрди.

Бу паст дунё ва унинг салтанати бақосига, ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига ҳаққонияту тўғрилиқни қўллаб-қувватлаш ва хайру савоб умидида ер юзидан кўп худолигу кофирлик зарарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (хоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қилсалар ҳамда элчилар ҳам хабарчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват топса ва (бинобарин), мамлакатлар атрофларидаги халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса. Раҳбарлик (қилувчи)га эргашганларга салом! Оллоҳ бандаларига меҳрибондир!>

Форсча мактуб сурати: Шоҳрух султондан Дой-Минг подшоҳ тарафига таърифга сизмас (беҳад) саломлар!

Худованди таоло етук ҳикмат ва тўлиқ қудрати билан Одам алайҳиссаломни яратгач, унинг фарзандларидан баъзиларини пайғамбар ва расул қилиб, (225) ҳақ йўлга даъват қилсинлар учун уларни чинакамига халқ орасига юборди. Яна, бу пайғамбарлардан баъзиларига, масалан, Иброҳим, Мусо ва Довуд алайҳиссаломларга китоб юбориб шариатдан таълим берди ва ўша замон халқига шариатга амал қилишни ва (мазкур пайғамбарлар) динида бўлишни буюрди. Бу расулларнинг барчаси кишиларни бир динга ва худопарастликка даъват қилиб, офтоб, ой, юлдуз, шайтон ва бутларга сифинишдан қайтардилар.

Бу расулларнинг ҳар бирига махсус бир шариат бўлиб, лекин худонинг якка-ягоналиги борасида ҳаммалари бир эдилар.

Расулик ва пайғамбарлик навбати бизнинг расулимиз Муҳаммад мустафога — саллоллоҳу алайҳи ва саллам — етгач, бошқа шариатлар мансух бўлиб, у охир уз-замон расули ва пайғамбари бўлди. Бутун олам аҳли: амиру султон, фанию вазир, фақир ҳам каттаю кичик барчаси унинг шариатига амал

қилишлари лозим ҳамда ўтган дин ва шариатларни тарк қилишлари керак. Ҳақиқий ва тўғри эътиқод ана шудир ва мусулмонлик ҳам шундан иборатдир.

Бундан бир неча йиллар илгари Чингизхон хуруж қилди ва ўзининг баъзи фарзандларини вилоятлар ва мамлакатларга жўнатди: Жўжихонни Сарой, Қрим ва Дашти Қипчоқ тарафларга юборди. У ерда яна Ўзбек, Жонийхон ва Ўрусхонларга ўхшаш баъзи подшоҳлар ислом ва мусулмонлик тепасида туриб, ҳазрат Муҳаммад мустафонинг — саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам — шариатига амал қилиб келганлар. Ҳалоқухонни Хуросон, Ироқ мамлакатлари ва атроф ерларга муқаррар қилдилар. Ана шундан кейин (226) у мамлакатларнинг ҳокими бўлган унинг баъзи фарзандлари, масалан, ростгуй подшоҳ Фозон, Улжойту Султон ва бахтли подшоҳ Абу Саидлар дилларида Муҳаммаднинг — саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама — шариати офтоби бўлганлиги туфайли, ислом ва мусулмонлик тепасида турдилар ҳамда ислом дини(ни қабул қилиш) саодатига мушарраф бўлиб, охиратга жўнадилар. Шу тарзда ҳукмдорлик ва фармонраволик, султонлик ва комронлик навбати менинг падарим ҳам ҳазратим ётган тупроғи пок бўлгур Амир Темур кўрагонга етди. У киши ҳам барча мамлакатларда Муҳаммаднинг — саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам — шариатига амал қилдилар. У киши салтанат ва жаҳондорлик қилган вақтларда аҳли имон ва ислом тўла равнақ топган эди.

(Ҳозирда) худованди таолонинг лутфу фазли билан бу Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ¹² ва бошқа мамлакатлар (бининг) тасарруф қўлимизга кириб, мамлакатларнинг барча ерларида пайғамбарнинг муқаддас шариати тақозосича ҳукм юритадилар; эзгулик ишларни бажаришга амр қилиниб, ман этилган амаллардан қайтарилмоқда ва Чингизхоннинг ярғу ва қоидалари жорийдир. Қиёматда халосу нажот топиш ва бу дунёда салтанату давлатга эга бўлиш имону ислом ва худованди таолонинг инояти сабаби билангина қўлга кириши аниқ билиниб, таҳқиқ қилинган бўлгач, раиятга нисбатан адолат ва инсоф юзасидан иш кўриб яшаш вожибдир.

Оллоҳ таолонинг лутфу карамидан умид шуки, жаноблари ҳам у мамлакатларда ҳазрат Муҳаммад расулуллоҳнинг — саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам — шариатига амал қилиб, мусулмонларга қувват бағишласалар, токи (шу сабаб бўлиб) бу дунёдаги бир неча кунлик подшоҳлик, (оятда): <Албатта сен учун охират бу дунёдан кўра яхшидир>¹³ дейилганидек, охират подшоҳлигига **(227)** уланса.

Шу кунларда у (Хитой) тарафдан элчилар етиб келиб туҳфалар етказдилар ва жанобингизнинг саломатликлари, у мамлакатлардаги маъмурчилик хабарларини сўзлаб бердилар. <Оталарнинг (ўзаро) муҳаббати, болаларни (бир-бирига) яқинлаштиради> (деган мақол) тақозосича, оталар орасидаги муҳаббат ва дўстлик (биз орқали) янгиланди. Биз ҳам бу тарафдан, саломатлик хабарини етказсин учун, Муҳаммад Бахший элчини юбордик; шу нарса муқаррардирки, савдогарларнинг тинч-омон бориб келишлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлур, чунки бу маъний мамлакатлар ободонлиги ва бу дунё ҳам охиратда яхши номга эга бўлиш сабабидир.

Бирликка риоя қилиш мадади ва муҳаббат шартлари ғам-хўрлиги итоаткорлар аҳлига йўлдош бўлгай!».

Ҳазрат хоқони саид Муҳаммад Қаромоннинг Рум совға-саломларини келтирган элчиси, Малик Қутбуддин Сеистоний ва Пиракнинг Гармсердан келган элчиси каби атроф (мамлакатлар) элчиларининг барча илтимосларини бажо келтириб ва инъом-икромлар билан тақдирлаб қайтиб кетишларига ижозат берди. Мисра: Улар хушдилу хуррам бўлиб қайтиб кетдилар.

БАДАХШОН ШОҲЛАРИ ВА УЛАР ТОМОН ЭЛЧИ КЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шоҳ Баҳоуддин Бадахшоний ҳазрат хоқони саид ҳузурига бир хабарчини йўллаб: **(228)** «Бир ишончли кишини юборинглар, токи мен (у орқали) вилоят молини жўнатиб ҳамда ўз фарзандларимни (хоқони саидга) мулозимликка мушарраф қилай», — деб илтимос қилган эди. Онҳазрат ўзининг аёнла-

ридан бўлган амир Ҳамза қатуқуни жўнатди. Бу номи тилга олинган (амир) у ерга етиб борса, Шоҳ Баҳоуддин бир хомхаёл — мустақиллик андишасига ўз хотиридан йўл берган экан, ҳукмларга бўйин эгмади. (Яна) у мирзо Ийжалнинг навкарлари билан уруш олиб бораётган эди.

Амир Ҳамза қайтиб келиб воқеа суратини арзга етказди. Онҳазрат: «Улуғ амирлар амир Мизроб баҳодир, амир Саййид Али тархон ва амир Ферузшоҳлар Балх томон юзланиб мирзо Иброҳим Султоннинг фалакка бош тортган соябони остига кирсинлар»¹⁴, — деб буюрди. Амирлар етиб бордилар ва мирзо Иброҳим Султон уларнинг ҳаммасига инъомлар тақдим қилди. Сўнг бу шаҳзода ва амирлар Бадахшонга қараб жўнадилар. Улар Бағлон йўли билан Ишкамишга етдилар, Баҳоуддин эса Бадахшон томон қочди. Лашкарлар амирлар билан биргаликда Бадахшонга кирдилар; **(229)** мирзо Иброҳим Султон пиёда лашкарлар билан Кешмда тўхтаб турди. Шоҳ Баҳоуддин тоғу тошлар ва сердарахт чакалақлар орасига кириб кетган эди. Фалаба ёр лашкар Кони Лаъдан ўтиб Саъбон, Фунд ва Помир вилоятига кирди — бу мавзе Жайхун сувининг бош манбаидир — ва бу ердан ҳам ўтишгач, Шоҳ Баҳоуддиннинг юклари лашкар қўлига тушди. Амирлар шундай тоғларга кўтарилдиларки, бундай жойга биронта бегона кишининг бора олиши тоғлик халқларнинг хаёлларига келмаган эди. Кимки (амирлар ҳузурига) эл бўлиб келган бўлса, у мол ва жонини омон сақлаб қолди.

Лашкар аҳли орқага қайтиб кўп ғаниматлар билан Бадахшон шаҳрига етдилар ва у вилоят ҳукуматини Шоҳ Баҳоуддиннинг биродари Шоҳ Маҳмудга топширдилар, чунки у илгарироқ олампаноҳ даргоҳга келиб яхши бандалик намуналарини зоҳир қилган эди. Яна: «У мирзо Ийжалнинг байроғи соясида бўлсин», — деган фармон ҳам содир бўлди.

Шу аснода Мирзо Улуғбекнинг муҳтарам ҳарами садаф янглиғ бир дурдонага ҳомиладор бўлганлиги хабари шуҳратли қулоқларга эшитилди¹⁵. Ҳазрат хоқони сайд ўз авлодига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатининг ошиб-тошганлиги туфай-

ли: (230) «У шараф садафини муҳлати етиб туғилмасидан илгари Хуросонга келтирсинлар», — деб фармон берди. Улар фармонга мувофиқ подшоҳона тахтиравон безатишиб, оғолар ва хожа саролар билан биргаликда Хуросонга юзландилар. Доруссалтана Ҳиротга яқин жойда уларни оғолар ва хотинлар қарши олишиб Боғи Зоғонга туширдилар. Жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида¹⁶ (18 август, 1412) ҳумоюн хонзода Бегико йўқлик қоронғулигидан борлиқ рўшнолигига қадам қўйди ва чаҳоршанба куни мазкур ойнинг ўн бешинчисида (23 август, 1412) улуғ бир тўй берилди.

ШУ САККИЗ ЮЗ ЎН БЕШИНЧИ (1412—1413) ЙИЛИ АЪЛО ДЕВОНГА ДОХИЛ БЎЛГАН ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Бу дафтарда Хоразмнинг аҳволи ҳали ёритилмаганлиги туфайли, қаламнинг рақами (у вилоят аҳволини хоқони саиднинг) қутли фолли тахтга ўтириши вақтидан бошлаб йилмайил қисқа-қисқа қилиб ёритишга ва у вилоят воқеалари шарҳини тақрир қилиб ўтишга жазм қилди.

Аҳвол қуйидагилардан иборат: соҳибқирон ҳазратларининг (вафоти) воқеаси даврида амир Мусоко (231) Хоразм ҳокими эди¹⁷. Биринчи жилдда муфассал айтиб ўтилганидек, (соҳибқирон) ҳазратлари саккиз юз олтинчи йили (1403—1404) Румдан (кўчириб) келтирган қаро тотор қавми¹⁸ мирзо Халил султоннинг салтанати замонида Мовароуннаҳр вилоятидан қочиб Хоразмга кетди¹⁹ ва бу қавм билан амир Мусоко ўртасида жанг оташи аланга олди ҳамда қаро тоторлар алангаси учқуни Хоразм ерларини куйдириб, улар Румга қараб жўнадилар²⁰. Шодихоннинг²¹ амир ул-умароси амир Идику Дашти (Қипчоқ) томонидан Хоразмни эгаллаш тамасида йўлга чиқди. Амир Мусоко Мовароуннаҳрга жўнади²² ва амир Идику саккиз юз саккизинчи йил ражаб ойида (23 декабрь, 1405 — 21 январь, 1406) Хоразмни эгаллади ҳамда бу ерга амир Анкони ҳоким қилиб қолдириб, ўзи Дашти (Қипчоқ) томонга жўнади. Бир тўда

ироқликлар ийди рамазон куни (1 шаввол 808 — 22 март, 1406) мирзо Халил Султондан юз ўгиришиб Самарқанддан Хоразмга жўнадилар ва у ерга етиб боргач, Мозандаронда ҳазрат хоқони саиднинг жангидан қочиб Хоразмга паноҳ тортиб кетган Пир подшоҳ ибн Луқмон подшоҳ ибн Тағой Темурхонни (232) подшоҳликка кўтардилар; мирзо Халил Султондан олганлари беҳисоб олтинларни, нисор қилиш расмини адо этиб елга совурдилар, сўнгра Мозандаронга қараб йўналдилар. Уларнинг Мозандаронга келганликлари қиссаси юқорида зикр қилинди²³.

(Саккиз юз) ўн биринчи йил (1408—1409) ойларида Шоди-хон вафот топиб, Фўлодхон подшоҳ бўлгунига қадар Хоразмда амир Анко ҳокимлиги барқарор эди. Аммо амир Идику аҳдлашилган йўсинга биноан (Фўлодхон ҳузурида ҳам) соҳиб ихтиёр бўлганлигидан у Анкони чақириб олиб, Хоразм ҳокимлигига Бағалжани тайин қилди. Фўлодхон (саккиз юз) ўн учинчи йил ойларида (1410—1411) вафот топиб Темур Қутлуғхоннинг ўғли Темурхон²⁴ подшоҳ бўлди ва амир Идикуга қасд қилди. Амир Идику енгилиб Хоразмга келди ва²⁵ (лашкарларини) ўнглаб олиб улус томон кетди. Хоразмдан ўн кунлик йўл бўлган Сом мавзеида Темурхон томонидан (юборилган) Ажак баҳодир ва Ғозонлар (233) унга дуч келиб жанг қилишга бел боғладилар. Бундан илгарироқ Хоразм ҳокими қилиб тайинланган Бағалжа қатлга етказилиб, амир Идику шикаст топди ва Хоразмга келди. Бу ҳол (саккиз юз) ўн тўртинчи йил бошларида (апрель—май, 1411) содир бўлди. Дакана ва Ғозонлар амир Идику изидан Хоразмга келиб, уни олти ой муҳосара қилдилар.

Шу миёнада Тўқтамишхоннинг ўғли Жалолуддин Султон Темурхонга шикаст етказиб, ўрдусини ғорат қилганлиги ва Темурхон (Хоразмга) келаётганлиги хабари эшитилди. Шунингдек, Жалолуддин Султоннинг чопари келиб унинг: «Бундан илгари Темурхон (хон) эди, сизлар унинг учун шамшир урар эдинглар, энди эса мен хон бўлдим, (мен учун) саъй-ҳаракат кўрсатиб, бизнинг душманамиз бўлган Идикуни қўлга

олинглар», — деган хабарини етказди. Ва яна Жалолуддин Султон одам юбориб: «Агар Идику ўз ўғли Султон Маҳмудни ва бу ўғли никоҳида бўлган менинг синглимни юборса ва менинг номимдан пул зарб қилиб (номимни) х у т б а да ёдлатса, у билан жанг қилмасдан қайтиб келинглари, — (деган хабарни билдирди).

Жалолуддин Султоннинг синглисини ўз никоҳига олган амир Ғозон сулҳ тузишга майл қилди. (Лекин) Темурхоннинг синглисини олган Дакана ўзини у хабардан беҳабардек (234) ҳисоблади.

Шу ҳолда фалақдан жабр кўрган Темур²⁶ Хоразмга яқин етди. Ғозон Даканани шароб ичиш билан машғул қилиб қўйдида, ўз навқари Жонхожани²⁷ юбориб бахти қаро Темурхонни қатлга етказтирди. Буни эшитган Жалолуддин Султон амир Ғозондан миннатдор бўлиб: «Ғозон бизнинг хонимиздир²⁸, унинг буйруғини бизнинг ҳукмимиз деб билинглари», — деган нишон-хат юборди. Амир Дакана эса Темурхон учун аза тутди²⁹.

(Хоразмни) муҳосара қилиб турган амирлар ичида уруғ жиҳатидан энг улуғи Хизр ўғлон бўлиб, ундан кейин Дакана ва улардан кейин Ғозон эди. (Темурхонни ўлдириш) воқеаси билан (Ғозон) ҳаммадан ҳам юқорироқ кўтарилди. Амир Идику сулҳ тузди ва (шаҳардан) ташқари чиқиб (ҳаммалари) бир-бирларига тўй бердилар. Амирлар муҳосарани тарк қилиб Жалолуддин Султон томон юзландилар.

Қажулой баҳодир Балуқие³⁰ мавзеида уларга етиб олиб: «Хоразмни олмай нега қайтдинглар?» — деб таъна қилди. Амирлар унга жавобан: «Бизлар ўн минг киши билан тўла етти ой давомида муҳораба ва муҳосара қилиб, олишнинг уҳдасидан чиқа олмадик. Сенда эса уч-тўрт минг кишидан ортиқ одам йўқ, қайтиб кетган дурустроқ, чунки биз сулҳ сўзларини айтдик ва (амир Идику) ўз ўғлини хон ҳузурига юборади», — дедилар. Қажулой эса: «Идикуга менинг бир пуф дейишим кифоя қилади»³¹, — деб мақтанди ва шу мағрурлик билан Хоразмга қараб жўнади.



Амир Идику бундан хабар топиб, унга қарши отланди. Унинг лашкари камроқ бўлганлиги туфайли у макру фириб йўлига ўтиб, кечаси йўл юрар, кундузи эса пинҳон ўтирар эди. **(235)** (Икки лашкар) бир-бирига яқинлашгач, амир Идику ўз лашкарини иккига бўлди. Улардан бирига душманга рўбарў келгач, жанг бошлаб қўйиб, сўнг енгилгандек тарқалиб кетишни буюрди. Амир Идику лашкарига эски наMAT, от ёпиғи ва тўрваларини бўқчалар шаклида тутиб олиб, қочиб кетаётган вақтда ҳар тарафга ташлаб боришни тайинлаб қўйган эди.

Амир Қажулой етиб келгач, амир Идикунинг кишилари жангни бошлаб қўйиб, сўнг қочишга тутундилар. Қажулойнинг лашкари душман шу экан, деган тасаввур билан, ўлжа олиш ҳирсида қочувчилар кетидан от қўйдилар. Байт:

Одамзоддан қандай ажабланиш мумкинки, балиқ
ҳам сувда
ҳирс туфайли жонини нафси учун қурбон қилади.

Шу пайтда амир Идику баҳодир ярақлаб турган тиглару чақнаб турган найзалар тутиб бошқа томондан етиб келди. Қажулой ўз лашкари душман кетидан кетганлигига қарамай жанг қилишдан ўзга чора тополмади ва баҳодирона саъй-ҳаракатлар ва диловарона ҳамлалар қилса-да, оқибат қатлга етди. Амир Идику унинг калласини Хоразмга юборди-да, туғини тиклаб қўйишга буюрди, унинг ноғорачилари эса ноғора чалиб турдилар. Ўлжа кетидан кетган душманлар ўз туғларини кўриб тўда-тўда бўлишиб кела бердилар ва бало домига тушиб, гарданни фул хорлигигаю қўлни банд боғичига тута бердилар. Шу тадбир билан минггача одам асир олинди ва амир Идикунинг лашкари ўлжалар билан Хоразмга қайтиб келди. Асирларни мустаҳкам бандларга солдилар-да: «Улардан биронтаси қочиб кетгудек бўлса, унга қараб турувчи киши қатлга етказилади ва бутун маҳалласи ғорат қилинади», — деган шарт билан раиятга топширдилар. **(236)** Шаҳар аҳолиси заҳмат остида қолди.

Шу йили, яъни (саккиз юз) ўн бешинчи санада (1412—1413) ҳазрат хоқони сайд³² Хоразмга бир лашкар тайин қилди. Хуросон амирларидан амир Алико ва амир Илёсхожалар³³ кўп




сонли сипоҳ билан равона бўлдилар. Мовароуннаҳрдан эса беш минг отлик билан амир Мусоко у диёрга жўнади³⁴. (Икки лашкар) Хоразмга яқин ерда бир-бирига қўшилди.

У вақтларда (Хоразмда) амир Идикунинг ўғли Муборакшоҳ ҳоким бўлиб, Бекижак девон амири ва садр қози (мансабида) эди³⁵. Лашкар келаётганлиги хабари аниқлангач, мулк аъёнлари жам бўлишиб кенгаш туздилар. Кўпчилик сулҳ тузишни маслаҳатдан деб биларди, баъзилар шаҳарни ташлаб кетиш йўлини танлар, қолганлар эса қарши туриб жанг қилишни ихтиёр қилар эдилар. Шу аснода амир Алико элчи юборди-да, уларни юпантириб ўзига оғдиргандек бўлди. Сулҳ тарафдорлари совға-саломлар чиқардилар ва хоразмликларнинг аксарии сулҳ тузишга мойил бўлдилар. (Бироқ) амир Саййид Али ва амир Илёсхожаларнинг навкарлари бир ерга бориб³⁶ бир қанча кишиларни ўлдирган ва асир олган эдилар, хоразмликлар ваҳимага тушдилар ва жанг қилишга мойил бўлиб турган бир гуруҳ журъат топди ҳамда хосу ордан иборат катта бир тўда (шаҳардан) ташқари чиқиб, жанг бошланиб кетди. Орада сулҳ тузиш сўзлари айтилиб турганлиги сабабли лашкарлар ҳар тарафда тарқоқ ҳолда эдилар³⁷. Хоразмликлар ўша куни то кечгача **(237)** қаттиқ жанг қилдилар, кечаси эса: «Амир Идику ва Чингиз ўғлон етиб келишди», — деган овозани тарқатиб, шодлик новорасини чалдилар.

Кундузи хоразмликлар журъатини кўрган, кечаси эса Идику (келганлиги) хабарини эшитган амирлар³⁸ кечасиёқ от жилловини орқага бурдилар. Хоразмликлар орқадан келиб, уларнинг юкларини ўлжа қилдилар.

Ҳазрат хоқони сайд бу хабарни эшитишдан ғазабга келиб³⁹ «амир Саййид Али тархон ва амир Шоҳмаликлар⁴⁰ Хоразмга юриш қилсинлар, Мовароуннаҳр лашкари ҳам уларнинг ҳузурига келсин», — деб фармон берди⁴¹. Онҳазрат ўтган навбат юришда раиятга зулм ўтказганлардан қайси бирини аниқлаган бўлса, уни қаттиқ койиди ва: «Бу гал илоҳий мадад билан Хоразм қўлга киритилса, ўтган навбат журъат кўрсатган жамоатдан интиқом олсинлар, лекин қолган раиятга бирор заҳмат ўтказмасинлар», — деб буюрди.



Амирлар Хоразмга яқинлашгач, амир Идикунинг ўғли (Муборакшоҳ) Хоразм аҳолисига кўп хархашалар (238) қилиб, беҳисоб мол йиғиб олганлиги ҳамда: «Сизлар душман тарафини оддинглар, совғалар чиқардинглар», — деган баҳона билан баъзиларни ўлдирган ва бир гуруҳни бандга солганлиги, бинобарин, хоразмликлар ундан безор эканликлари⁴² хабарини эшитдилар. Яна улар ҳазрат хоқони саид Хоразм раиятига зулм ўтказган бир кишининг қулоқ-бурнини кестирганлиги ва шу туфайли раиятлар табъан бу тарафга мойил эканликлари, Идикунинг ўғли (Муборакшоҳ) саросимага тушиб отаси томон қочиб кетганлиги хабарини ҳам олдилар.

Амирлар бу хабарларни аниқ билгач, шаҳар рўбарўсига келиб турдилар. Шаҳарнинг саййидлари, уламо ва аъёнлари совға-саломлар ва тухфалар олиб чиқиб, шаҳарни таслим қилдилар. Амирлар эса зафар ва ғалаба топиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр томон қайтиб кетдилар.



Амир Шоҳмалик бир неча кун (Хоразмда қолиб) ишларни қўлга олиш, аҳолининг эҳтиёжларини саришта қилиш, мамлакат қоидаларини тартибга солиш, адолат қонунларини ўрнатиш билан шуғулланди ва ўзининг салобатли раъйи ва ўткир хотири тақозосича хосу омнинг барча эҳтиёжларини саранжом қилди; сўнг у ернинг муҳофазати учун яхши навкарлардан қолдириб, ўзи олий тахт поясига юзланди ва (саккиз юз) ўн олтинчи йил бошларида (апрель, 1413) доруссалтана Ҳиротга етиб, чексиз меҳрибонликлар билан тақдирланди. Бир неча вақтдан кейин Хоразм ҳукумати унга топширилиб, ҳаётининг охири кунларигача унинг қўлида бўлди.



ФОРС ВА ИРОҚ АҲВОЛИ ВА МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ ҚУМ ШАҲРИНИ ОЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Мирзо Искандар Форс ва Ироқ мамлакатларида мутлақ ҳукмрон бўлиб олганидан кейин Қум шаҳрини бўйсундиришга қасд қилди ва Хожа Муҳаммад Қумийнинг ўз ҳузурига



келишини талаб қилиб бир неча (бор) элчи юбориб, Хожанинг одамлари орасида бир хушбичим бесоқол бор эди, уни ҳам талаб қилди. (Аmmo) Хожани ҳеч бир йўл билан сўзга кўндириб бўлмагач, мирзо **(239)** Искандар Қумни муҳосара қилишга жазм қилиб, унинг атроф ерларидаги қалъаларни босиб олди ва Гаю қалъасининг⁴³ кутволи бўлмиш Али Дамасар исмли кишини бандга солиб Қум дарвозасига олиб борди. Қумда жангга қодир кишилар кўп бўлиб, улар қаттиқ жанглар қилдилар ва⁴⁴ мирзо Искандарнинг иши сира олдига босмади.

Шу ҳолда Сованинг ҳокими Насруллоҳ Саҳроий: «Қум олингандан кейин навбат Совага етади», — деб ўйлаб, гарчи Муҳаммад Қумий билан оралари яхши бўлмаса ҳам, ўз амакиваччаси Имод Гўрни бир неча илдам сипоҳ билан мададга юборди ва шу сабабли Хожа Муҳаммаднинг қувват ва шавкати ортиб кетди. Мирзо Искандар Қум рўбарўсидан қўзғолиб Исфаҳонга жўнамоқчи бўлиб турган эди, Хожа Муҳаммаднинг эътимодли кишиларидан бири бўлган Музаффар Фарохоний мирзо Искандарга бир хат юбориб⁴⁵: «Агар Қум молини идора қилиш ишини⁴⁶ менга топширсалар ва буни аҳду қасам билан тасдиқласалар шаҳарни таслим қиламан», — деб хабар берди. (Орада) аҳду паймон мустаҳкамланганидан кейин у ҳаромнамак макру фирибни бошлаб юбориб, кўпчилиги қалъада турган Қум раиятини шаҳар муҳофазати учун шаҳарга юбориш дуруст бўлишини Хожа Муҳаммадга маъқуллади ва (бу билан) одамларни шаҳарга тарқатиб юборди, ўзи эса хос кишилари ва Хожа Муҳаммаднинг биродарзодаси амир Маҳмуд⁴⁷ билан биргаликда муҳофазат расми бўйича шаҳарда айланиб юриб амир Маҳмуднинг мулозимларини⁴⁸ ҳар хил баҳоналар билан ҳар ер-ҳар ерда қолдириб борди. Натижада амир Маҳмуднинг ёнида **(240)** беш-олтитадан ортиқ одам қолмади; сўнгра, Канкон дарвозасидан ташқари чиққач, (Музаффар Фарохоний) амир Маҳмудни бандга олди. Нонкўр Музаффарнинг маслаҳати бўйича шу дарвоза ташқарисидаги Хожа Али Сафий хонақосида (яшириниб) турган мирзо Искандар лашкаридан бир гуруҳи сотқинлик пистирмасидан чиқиб

шаҳарга ёпирилди ва амир Маҳмудни боғланган ҳолда қалъа тагига олиб бордилар. Қалъада Хожа Муҳаммад ҳузурида душманни даф қилишга кириша оладиган даражада кўп одам бўлмаганлигидан қалъадан ташқари чиқишга мажбур бўлди. Уни Исфаҳонга олиб кетдилар. Хожа Муҳаммадни биродарзодаси билан бирга қатл қилдилар. Қум ҳукумати Абдуллоҳ парвоначига ўтиб, молни бошқариш эса (мазкур) аҳдга мувофиқ Музаффар (Фароҳоний)га топширилди.

Мирзо Искандар шу йили Исфаҳонни тахтгоҳ қилди⁴⁹. Мисра: Исфаҳон ўзгача бир гўзаллик касб этди.



ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТИ ВА АМИР ҚАРО ЮСУФ ТУРКМОН АҲВОЛИ ЗИКРИ



Амир Қаро Юсуф (саккиз юз) ўн тўртинчи йил охирида (февраль-март, 1412) Алотоқда яйлоқ қилиб (саккиз юз ўн) бешинчи йил бошларида (март-апрель, 1412) Диёрбакрга жўнади⁵⁰ ва юқорида айтиб ўтилганидек⁵¹, (ўзи) подшоҳликка кўтариб қўйган ўғли Пир Будоқ шарафига катта бир тўй ташкил қилиб, мингта қўй ва юзта бия сўйдирди, Озарбайжоннинг амир ҳам аъёнларига ва туркмонларнинг катталарига яхши отлар, **(241)** зарҳал пўстинлар улашди ва бутун сипоҳга илтифотлар кўрсатди. Бор гап шундан иборатки, номлари кеча ва кундуз варақларига битилган замона сардорлари орасида биронтаси ҳам амир Қаро Юсуфникидан кўра мукамалроқ оройиш берилган лашкарга эга эмас эди.

Қисқаси, (амир Қаро Юсуф) тўйдан кейин Бидлисга қараб жўнади, у ернинг волийси амир Шамсуддин хизмат шартларини бажо келтирди. Сўнг ундан Сору қалъасига юзланиб, бир гуруҳ (лашкар)ни уни муҳосара қилиш учун қолдирди-да, ўзи Мординга келиб, бу жойдаги қалъага хазиналарни қўйди ва қалъа кутволлигини Қаро баҳодирга топширгач, Омид (шаҳри) ва амир Қаро Усмон томонга равона бўлди. У Омид ва Жармукдаги экинларга мол ёйиб юборган эди, Жармук аҳолиси омонлик сўради. Амир Қаро Юсуф «Мингта от берасизлар»

деб шарт қўйиб, омонлик берди. Аммо улар (шартни) бажо келтиришда ҳар хил баҳоналар қилган эдилар, аммо Юсуф катта бир тўда билан қалъага босқин қилди, кўп халойиқ қатлга етди⁵². (Амир Қаро Юсуф) у ердан Арғун шаҳрига келди; амир Қаро Усмон унга қарши муҳорабага чиқди, аммо шикаст еб қалъага кириб беркинди⁵³. Амир Қаро Юсуф шаҳарни талон-торож қилиб, қайтиб кетишга жазм қилди ва Фирот сувидан ўтиб Муш саҳросига юзланди ҳамда лашкарга ижозат бериб⁵⁴ Табризга келди. Бу ерда у ўзининг Ардабилга жўнатган лашкарлари Жогир авлоди устидан ғалаба қозона олмаганлиги ва амир Бистом (242) Султонияда эканлигини эшитди.

Амир Қаро Юсуф Ажам Ироқи томон йўл тутиб, жумод ал-охирнинг ўрталарида (22 сентябрь, 1412) Султонияга келди. Пайғому номалар Жогир авлодининг қулоғига жо бўлмагач, иш қаҳру вазабга ўтиб, Султониянинг уй-жойлари вайрон бўлди ва амир Юсуф йигирманчи ражабда (26 октябрь, 1412) Табризга қайтди. Лекин у Қаробоғ ва Ширвон туркмонларидан хотиржам бўлмаганлиги туфайли ўн иккинчи шаъбонда (17 ноябрь, 1412) Табриздан илғор қилиб чиқиб Қаробоғга келди ва Иброҳим ҳузурига элчи юбориб, уни сулҳ тузишга даъват қилди. Амир Сейди Аҳмад Шакий ва Каштандил гуржилар⁵⁵ амир Шайх Иброҳим билан иттифоқ тузишиб, сулҳга келмадилар. Амир Қаро Юсуф Арс сувидан ўтиб⁵⁶ ҳар икки тарафдан кўп жанглар қилдилар. Амир Шайх Иброҳим, унинг биродари Шайх Баҳлул ва Каштандил гуржи катта бир тўда билан⁵⁷ қўлга тушдилар. Амир Қаро Юсуф Каштандил гуржи ва унинг биродарларини а з н о у р лардан уч юз нафари билан қўшиб обдор тиф билан (чопиб) дўзах оташига жўнатди ва Шамохийни талон-торож қилиб⁵⁸, Озарбайжонга келди. Бу ердан юз т у м о н чорпони⁵⁹ ҳайдаб олиб келаётган эди, уларнинг кўп қисми совуқдан ҳалок бўлди⁶⁰. Амир Шайх Иброҳим, (243) Шайх Баҳлул ва мавлоно Заҳируддин қозиларни⁶¹ бандга солиб Табризга келтирдилар. Сулҳга рози бўлмаган бир гуруҳни ҳибс ва бандга мубтало қилдилар. Амир Юсуф амир Шайх Иброҳим гарданига унинг Ширвон саройидаги безак⁶² асбобларини

хазинага топширишни, Шайх Баҳдул гарданига икки юз ироқий тумон, мавлоно қозига эса юз тумон тўлашни юклаб, (ҳибсдан) халос қилишга ваъда берди. Тайин қилинган молларни адога етказган, Шайх Баҳдул ва қози ижозат топдилар⁶³. Амир Шайх Иброҳим эса Табризда қолиб, эрта баҳорда эҳсонуну иноят ва омонлик каромати унинг тириклигига йўлдош бўлди ва у ўз диёрига жўнади. (Саккиз юз) ўн олтинчи йил муҳаррам ойининг охирида (2 май, 1413) амир Юсуф Ужон яйлоқига йўл олди. Бистомнинг биродарзодаси Мансур Табризда маҳбус эди.

САККИЗ ЮЗ ЎН ОЛТИНЧИ

(1413—1414)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МИРЗО МУҲАММАД ЖАҲОНГИР ИБН МИРЗО МУҲАММАД СУЛТОННИНГ УЙЛАНГАНЛИГИ ҲИКОЯТИ

Ҳазрат хоқони саид илоҳий амрларга бўйсуниб, салтанат қутчасининг дурри бўлмиш кеча қоронғусини ёритувчи гавҳарни муносиб бир тенгқурига қўшиб, пайғамбар суннати бўйича уйлантириб қўйишни истади. Оламни қамровчи фикр жаҳон атрофларида жавлон урди ва бу ишнинг рақами шуҳратли ҳазрат соҳибқироннинг набиралари (дан бири)га қарор топиб, мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонни (уйлантиришга) тайин қилди.

Давлат арбоблари ва ҳазрат (хоқони саид)нинг аъёнлари сочқилар келтириб, зарлар сочдилар; фаррошхонага тегишли чодир, шийпон, ошхона, сувхона, соябон ва айвонлардан иборат (244) тўлиқ асбоб-ускуналарнинг бир неча дастаси муҳайё қилинди. Ҳилол нағалли хачирлар, елдек югурувчи отлар ва чўлларни босиб ўтувчи тоғ ҳайбатли туялар ҳисобсиз қатор-қатори билан чароғон қилиниб, бўстон каби ранго-ранг гуллар билан безатилди. Моҳир мунажжимлар вақт толеини

танладилар ва саййидлар, қозилар, ақобирлар ҳам ашрафлар Боғи Зоғонга келтирилиб, ўн тўртинчи жумод ал-охирда (11 сентябрь, 1413) салтанат садафида парвариш топган бир дурни давлат буржининг дурри бўлмиш мирзо Муҳаммад Жаҳонгир никоҳига киритилди. Мисра: Бу ҳумоюн никоҳ муборак бўлсин!

ХОҚОНИ САИД ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ОЗАРБАЙЖОНГА ЮРИШ ҚАСДИДА МОЗАНДАРОНДА ҚИШЛОВ БУЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Бахтли подшоҳ Муиззуддин мирзо Мироншоҳ шаҳиднинг фожиали (ўлими) воқеаси¹ (245) Озарбайжонда юз берган вақтдан бошлаб ҳазрат хоқони саид доимо Озарбайжонга юриш қилиш фикрида бўлиб, муҳолифлардан интиқом олиш нақшини фикр лавҳасига чизар эди-ю, аммо, юқорида арз қилиб ўтилганидек, Мовароуннаҳр ва Хуросон мамлакатларида, Ҳиндустон чегараларигача (бўлган жойларда) воқе бўлиб турган ҳодисалар жиҳатидан у қарор кечикиш тугунида қолиб келган эди². Энди эса, илоҳий иноят кўмаги ва осмоний давлат мадади билан у мамлакатларнинг барчаси забт қилиниб бўлгач ҳамда Араб Ироқи ва Озарбайжон мамлақатида воқе бўлган тўнтариш ва амир Қаро Юсуф туркмон истилоси (хабарлари) шуҳратли қулоқларга етгач, онҳазрат Ироқ ва Озарбайжонни бўйсундиришга жазм қилди ҳамда «Мовароуннаҳр ва Хоразм лашкарлари шу тарафлардан бохабар бўлиб, эҳтиёт қилиб турсинлар, қолган лашкарлар эса (оятдаги) <улар бир соат ҳам кечикмайдилар ва шунингдек, илгариламайдилар>³ (сўзларининг) белгилашича (ўз вақтида) етиб келсинлар»⁴, — деган жаҳон бўйсунувчи фармон⁵ атроф ерларга жўнатилди. Уруш олотлари ва жанг асбоблари тартибга келтирилди, темир тоғдек ва тўлқин уриб турган денгиздек лашкар мунтазам бўлди. Байт:

Тоғ кўринишли сипоҳнинг бир тўдаси иккинчисига қўшилиб,
денгиз юзида бир-бирига уланувчи тўлқинларни эслатар эди.

Лашкар аҳлининг барчаси зирҳ тешувчи найзалар (тутгану) бошдан-оёқ темирга кўмилиб, кўринмай қолган. (246)

Самарқанддан келтирилган тоғдек баҳайбат ва девсавлат бир неча занжир филлар лашкар олдига қўйилган. Ҳар бир филнинг жусса йўғонлиги кенг бир тепалигу, кўринишдаги ҳайбати азим бир тоғдек эди. Байт:

Ҳар бири осмондек улуғвор баҳайбат филларнинг
жуссаси тоғдегу, аммо тезлиги дарёдек.

Онҳазрат ўн саккизинчи ражабда (14 октябрь, 1413) дорус-салтана Ҳиротдан йўлга чиқди. Ғалаба ёр лашкар Нишопурга етганида, — мисра — шуъласидан офтоб тобланувчи нурли раъй мирзо Искандарга бир мактуб юбориб, ҳумоюн юриш (мақсадлари) ҳақида уни огоҳлантириб қўйишни тақозо қилди. Равшан замирили дабир қуйидаги иборатлар билан бир номани ёзди.

Мирзо Искандарга юборилган мактуб сурати: «Маликлиги абадий давом этгур азиз фарзандим беқиёс саломлар билан тақдирлангач, билсинки, илоҳий фазл файзи ва чексиз кўмаклар туфайли бу мамлакатлар турғунлик йўлида қарор топиб, бу вилоятлар ишлари доимийлик кўчасида кетмоқда, ҳар замон абадият боргоҳию ягоналик даргоҳидан қарам дурлари (247) ва лутфу эҳсон белгилари бизнинг давлатимиз насиби ва ҳашаматимиз қисмати бўлиб келмоқда; биз хотиримиздан ўтказган ҳар бир мурод амалга ошишига иқбол ҳамкорлик қилмоқда ва замона мувофиқатчилик кўрсатмоқда. Энди (бизнинг) ҳимматимиз Қаро Юсуф туркмоннинг бирлигини бўлиб ташлаб, тарқоқ қисмларини яксон қилишга ҳамда Озарбайжон вилоятларини забт этиб бўйсундиришга қаратилган. Ҳозир (биз) шундай қарорга жазм қилдик: қишни Мозандаронда ўтказамиз ва илк баҳор кириши билан шоҳлик байроқларини тиклаб, лашкарнинг сувораю пиёдаларини филсифат отлар билан бу муҳим ишга сафарбар қиламиз ва душманнинг фарзин тузоғини барбод қилиб, унинг устидан ғалаба қозонамиз.

Негаки, биродаримиз ва хоҷамиз шаҳид кетган бахтли подшоҳ (мирзо Мироншоҳ)нинг фожиали (ўлими) юз берган замондан бери узлуксиз у кечмишнинг тадорикини кўришни биз учун зарурий, балки мажбурий иш деб ҳисоблаб келдик. Аммо, жаноб фарзандимизга маълум бўлганидек, бу мамлакатларда содир бўлган баъзи кечмишлар туфайли у тарафга юзланиш муяссар бўлмай келди. Бугун эса, Оллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, Хоразм, Хуросон, Зобул ва Кобуддан Ҳиндустон чегараларигача, Мовароуннаҳр мамлакатидан Туркистон ерларигача ҳамда Табаристоннинг тамом ерлари билан бирга Мозандарон бандаларимиз қўли остидадир; атроф-жавонибдан **(248)** хотиримиз жам. Ҳақ таоло бизга интиқом қуввати-ни ато қилиб, ҳар бири хайқирган булуту ёрқин чақмоқдек бўлган юз минг суворийлар ҳумоюн ўрдуда мулозимдир. Боқийлик тугуни ечилишидан омон бўлгур бу хонадонга қарши ҳеч бир махлуқ Қаро Юсуф кўрсатганчалик журъат кўрсата олган эмас. Аҳвол шундай эканлигига қарамай, у истибдод савдосини димоғидан қувиб чиқариш ўрнига муҳолифатчилик йўлида давом этмоқда. Ундан интиқом олиш бизу сен учун табиат ҳам шарият, ақл ҳам нақл юзасидан вожибдир ва уни даф қилиш фарздир. Агар биз икки орада алоқа йўлини очиқ тутмасак бирлик йўлини мустаҳкамламасак ва фойда олиш ҳам зарарни қайтаришда шерик ва яқдил бўлмасак душман қувват топиб, унинг мамлакат (олиш)га бўлган тамаси зўраяди⁶.

Энди биздан лозимдирки, илк баҳорда лашкар билан йўлга чиқиб Рай атрофида учрашсак ва жам бўлиб туриб бу муҳим ишга киришиб ҳар ниманики вақт тақозо қилса, **(249)** адога етказсак. Бу учрашувдан илгари (мирзо Искандар) ўз амирларидан қайси бирини маъқул топса, бизнинг ҳузуримизга юборса, (биз у билан) маслаҳатлашиб олгач, қандай қарорга келсак, шунини адога етказилса; иншо Оллоҳу таоло!

Нома ёзиб тугаллангач, муҳрланиш шарафини топди ва Абу Саид малик орқали (мирзо Искандарга) жўнатилди. Мезон уча бошлаган ва куз фасли мўътадиллик йўлидан Сухайл (юлдузи)нинг тулуи томон оғишга майл қилган, — байт.

Зар парчасини тарозу палласига солиб
 қуёшнинг заргар устоди ишга киришган, —

ва хазон фарроши боғу бўстон саҳнини зар тикилган палосга
 айлантириб, ҳар томонга ҳафтранг мато тўшаган, — назм:

Бутун олам қудратли подшоҳ қадамлари шарафига
 ҳафтранг матодан иборат палос тўшаган,
 Подшоҳнинг саодатли мавкабига нисор қилмоқ учун
 (дарахт) шохлари беҳисоб зарлар тўккан, —

бир мавсумда хоқони саид ҳазратлари (йўл-йўлакай) шикор
 қилиб, ов овлаб Мозандарон ўлкасига кириб келди. Ақобирла-
 ру шарафли кишилар ҳар тарафдан ҳумоюн ўрдуга юз тутди-
 лар; Ҳазора Жарибдан⁷ амир Иззуддин, (250) Ферузқўҳдан
 амир Ҳасанкиё, Омул ва Сорийдан амир Али ва Гилон ерлари
 ҳокимлари жаҳонпаноҳ даргоҳга жам бўлдилар ва мартабала-
 рига яраша иноят ҳам лутф-марҳаматлар билан тақдирланди-
 лар; уларнинг арз шарафига етказган истак ва илтимослари
 инобатга олинди ва улар ижозат сўраб, ўз машғулоти ва амал-
 ларига жўнадилар.

МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ МУХОЛИФАТЧИЛИГИ ВА ДУШМАНЛИК ИЗҲОР ҚИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Зафар нишонли мавкаб Мозандарон қишловида турган
 вақтда Абу Саид малик Исфаҳон томондан қайтди ва мирзо
 Искандарнинг мизожи мўътадиллик қонун-қоидасидан четга
 оққанлигини арзга етказди. Бу ҳол шундай воқеа бўлган эди:
 юқорида айтиб ўтилганидек⁸, мирзо Пир Муҳаммад воқеаси
 содир бўлиб, мирзо Искандар Ироқ ва Форс салтанат тахтида
 макон тутгач, у хутба ва пул зарбини ҳазрат хоқони саиднинг
 ном ва лақаблари билан безатган ҳамда бу хабарни етказиш
 учун Хуросонга элчи юборган эди. Аммо, унинг хазиналари
 гавҳару зарга тўлиб, сипоҳининг сони офтоб зарраларидан
 ҳам кўпайиб кетгач, у қудратлилиқ туғини фалак ул-афлок

қуббасигача кўтарди ва салтанат оятини учар юлдузларнинг қаламлари билан юлдузлар пешонасига битди; унинг ҳайбати таъсири дилларда кун сайин кўпайиб, вилоятларининг майдони соат сайин кенгайиб борди ва охири мустақиллик байроғини осмон томига кўтариб онҳазратга итоат қилиш бўйинбоғидан бошини тортди ҳамда бирор зоҳир ҳужжат ё аниқ бир далилсиз: «Онҳазрат Форс ва Ироқни босиб олмоқ учун Мозандаронга келган», — деб гумон қилди ва нотўғри бир гумон билан, (251) (оятда) <гумон (кишини бўлажак) ҳақиқатдан заррача ҳам сақлай олмайди>⁹ (дейилганидек), умид шайтони ва мол-мулкнинг кўплиги уни шу ҳолга келтирдик, у ғурур ва гарданкашлик юзасидан Абу Саид малик билан бирга юборган кишиси орқали (хоқони саидга) номақбул бир жавобни арзга етказди.

Онҳазрат у сўзларга илтифот қилмай: «Агар ўзи келолмаса, зарур деб топгани миқдорда лашкар билан бир амирни юборсин»¹⁰, — деб буюрди ҳамда унинг навкарини хушмуомалалик билан қайтариб юборди. Навкар мирзо Искандар ҳузурига етиб бориб, аҳволни арз қилди. Бахтсизлик ва толе наҳслиги мирзо Искандарни бало чоҳию йўқлик жарига ташлади. Байт:

Аслий бахтсизлик бирор кишига ёпишган экан,
у киши охири бир куни шу бахтсизлик шарбатини тотади.

Алқисса, мирзо Искандар мухолифатчилик кўрсатиб, хутба ва пул зарбини ўз номига ўтказди. Хуросон йўлини беркитиб чегараларга суворийларни жўнатди; бир гуруҳ (лашкарни) Исфаҳондан Симнонга юбориб, Сўфиободни ғорат қилдирди. Бир тўда лашкар биёбон йўли билан Хуросоннинг Қўҳистонига келган эди, бу диёр кишилари хабардор бўлганликлари сабабли, хуросонликлар тиғи зарбидан у лашкар қочиб кетди.

Бир гуруҳ¹¹ беоқибат хушомадгўйлар мирзо Искандарни мухолифатчилик йўлига ундар ва шундай бир хатарли ишни яхши тадбир деб тушунар эдилар. Аммо бу борада мирзо Искандарнинг ўзининг ҳам бирор киши (маслаҳати)га эҳтиёжи йўқ эди. Чунки у йигитликнинг энг гуллаган чоғи ва тирик-



ликнинг энг яхши вақтида ганжу сипоҳга мағрур, тожу тахтга масрур бўлиб, нафсоний шаҳватлару жисмоний лаззатларни шодлик қадахларини ичиш билан қўшиб, ҳар бир кунни кечга етказар ва ҳар бир кеча гул юзлилар қучоғида бўлиб, кечги шафақни тонгги нурга улар эди. (Бу ҳол) узлуксиз давом эта берганлиги туфайли, доимо янги хил ичимликлар ва бошқа-бошқа кайфлантирувчи нарсалар¹² даркор эди. Маснавий: (252)

Агар подшоҳ мастлигу уйқуга майл қилса
 унинг мулк ишлари бегумон хароб бўлғусидир.
 (Мамлакатни) идора қилиш — бу ранж меҳнатларга
 бардош бериш демақдир, —
 ўйин-кулгию май ичиш эмас!
 Агар шоҳ доимо огоҳ бўлса,
 дунёнинг барча ишлари тартибли бўлғусидир.

<Эй танграм, адолатли ва хайр-эҳсонли бўлишга муваффақ қилгин!>



МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ АТРОФ ЕРЛАРГА ЭЛЧИ ЮБОРГАНЛИГИ ВА ДУШМАНЛИК ИЗҲОР ҚИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Мирзо Искандар душманлик изҳор қилиб, аввало йўлларни беркитишга буюрди ва унинг тайин қилишича, бир гуруҳ кишилар ғалаба ёр лашкарнинг ўтиш йўли — Рай ноҳияларига¹³ ўт қўйдилар. Аммо бу тадбир денгизни «кўмиб ташлайман» деб қўрқитишу ерни оёқ билан босиб зилзиладан тўхта-тишга уриниш билан баробар эди. Яна унинг беҳуда уринишларидан бири шуки, у чегараларга тортиқ-туҳфалар юбориб, ўзининг исёнкорлик ва душманлик йўлига ўтганлигини (бошқалар) хотирига (ҳам) жо қилди. Жумладан, у Кофий Ислон (исмли кишини) Сеистон, Қандаҳор ва Гармсер тарафларга номзод қилиб, бир нечта чопқир от, заррин эгарлар ва ҳашаматли сарполарни мазкур вилоятлар сардорларига юборди.



Кофий Ислонга Шоҳ Баҳром ҳамроҳ эди¹⁴. (Мирзо Искандар улар орқали): «<Мусулмонлар ишига қоим турувчи ва амирулмўминининг волийси бўлмиш Султон Искандарнинг барча итоат этиши зарур бўлган буйруғидан>, деган ибора билан бошланувчи мактублар юборди; мазмуни шундай.

<Сен мулкни кимга хоҳласанг шунга ато этасан>¹⁵ (ояти)га мувофиқ олий мартабали азиз ҳазрат (тангри)миз **(253)** мамлакатлар султонлигини бизга ато этди; (энди) азалий иноятдан умидвормизки, бу (иноят) маъниларининг манбалари кундан кунга ортиб борғусидир. Ҳозир бизнинг саъй назаримиз йўналтирилган иш ва мақсад нуримиз тушадиган ўрин улуғ бобомиз амир соҳибқироннинг қўл остида бўлган мамлакатларни тамоман бўйсундиришдир. Ўзини барча туркмонлар устидан ҳомий деб тасаввур қилаётган Қаро Юсуф бизнинг бир ҳамламузга ҳам бардош бера олмайди. Байт:

Сел, агарчи, тошни юмалатишга қодир бўлса ҳам,
денгизга бориб етгач, тўхтаб қолади.

Шоҳрух ҳазратлари бизга нисбатан элик, хешлик ва дўстлик йўлини тутиб келган замонгача биз ҳам у кишига нисбатан риоят қилиб келдик. Лекин ҳозир эса у киши катта лашкар билан Мозандаронга юзланибди. Биз ҳам Исфаҳонни олий лашкаргоҳ қилдик; бу ерга илк баҳорда етмиш минг суворий жам бўлиши муқаррар.

У (Сеистон, Қандаҳор, Гармсёр ҳукмдор)ларидан лозимки, биз билан ҳамжиҳат бўлиб, суворийларини Ҳирот атрофларигача сурсинлар; бу кечмишни даф қилганимиздан кейин у вилоятни Кобулу Зобул ва Хуросоннинг баъзи ерлари билан қўшиб, уларга суюрғол қилиб бергумиздир. **(254)**

(Бу билан) мирзо Искандар <(уйнинг) шипини ишлаб олиб сўнг нақшлаш керак> деган машҳур масални унутиш пештоқиға қўйди. Байт:

Рахш (номли от) эгаси Рустам шундай деган;
«Даштдаги овланмаган оҳуни (бировга) бағишламагин».

Қисқаси, Кофий Ислон Сеистонга жўнади. Тасодифан Уштурон работида Табас доруғасининг навқари уни таниб, отлар ва тортиқларни кўрди ва доруссалтана Ҳиротга арзнома юборди¹⁶. Ҳиротда ҳазрат хоқони саиднинг қойим мақоми бўлиб турган мирзо Суюрғатмишнинг буйруғи билан Малик Қутбуддин номига: «У тараф (Сеистон)га Ироқдан Кофий Ислон келибди, уни топиб бу томонга юборсинлар», — (деган мазмунда) бир нишон-хат юборилди¹⁷. (Шу орада) Кофий Ислон у тарафдан Сеистон ерларига¹⁸ етиб келиб, ўзининг келганлиги ҳақида хабар берди. Малик (Қутбуддин) шу заҳотиёқ одамлар юборди, уни ушлаб бандга солдилар ва мактуб ҳам туҳфалари билан қўшиб Ҳиротга олиб бордилар. Ҳиротдан эса уни ҳумоюн ўрдуга етказдилар¹⁹.

Мирзо Искандарнинг муҳолифатчилиги ҳақидаги ҳикоятларни ҳасад ва туҳматдан холи эмас деб ўйлаб, шак-шубҳада юрган ҳазрат хоқони саид унинг мактубларини муҳру нишон ва хотимаю унволлари билан кўздан кечиргач, энди бунга чиндан инониб ҳақиқат чеҳрасидан гумон пардасини олиб ташлади. Аммо аҳвол шундай эканлигига қарамай, (255) он-ҳазрат зиддият майдонига чиқишни истамади. Шеър:

Агар сен ярамас одамнинг қилган ишига қарши
иш кўрсанг.
қасам ичиб айтаманки, сен ҳам у ярамас одамга
тенг бўлиб қоласан.

Амирлар эса: «Мирзо Искандар исён овозасини жаҳонга тарқатиб, тинч оламини нотинчликка келтирганидан кейин унга қарши сиёсат қилишда бепарволикка йўл қўйилса, салтанат шодаси тартибга келмайди, — байт:

Агар султоннинг сиёсат тиғи бўлмаса
подшоҳлик биноти бутунлай вайронликка учрайди, —

<бузуқликни бузуқлик билан ва ёмонликни ёмонлик билан даф қилинади> (деган ибора) йўлидан четга чиқмаслик керак», — деб арз қилдилар. Бироқ онҳазрат: «Сизлар айтган гап

айни савоб ва подшоҳлик фойдасига қаратилгандир, аммо агар фарзанд Искандар нодонлик ва ёшлик ғурури юзасидан ноўрин ҳаракатларга қадам қўйган бўлса, мумкинки, насихат билан гафлат пахтаси унинг қулоғидан чиқар ва ўз қилмишининг қабиҳлиги ҳам феълининг шармандалигидан воқиф бўлиб, тавба ва инобат эшигидан кириб келар; бордию у бизга душман бўлса, унинг қўлидан нима ҳам келарди?, — байт:

Агар душман билан сулҳ тузишга муяссар бўлинса,
сулҳ юзасидан иттифоқликда бўлиш, жанг қилишдан
афзалдир, —

бизнинг фикримиз шуки, раиятлар заҳмат тортмасинлар», — деб жавоб берди. Амирлар дуо қилдилар.

ИККИ ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОНДАГИ АҲВОЛ, МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ УРУШ ҚИЛИШ ҚАСДИДА РАВОНА БЎЛГАНЛИГИ ВА ЙЎЛДАН ҚАЙТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Амир Қаро Юсуф қиш фаслини Табризда ўтказиб, илк баҳорда ўз вилоятига жўнади ва юқорида айтиб ўтилганидек²⁰, Табризда бандда сақлаб тургани амир Шайх Иброҳимни қўйиб юборди. (256) Шунингдек, Табризда асирликда ётган Бистом Жогирнинг биродарзодаси, Мансурнинг ўғли Муҳаммад борасида иноятлар буюриб, Ардабил ва Халхол²¹ вилоятини суюрғол тарзида унга инъом қилди.

Шу кунларда Озарбайжон аҳолиси ҳосилсизлик ва қаҳатчилик балосига мубтало бўлган эдилар. Фалланинг нархи шу даражага етдики, — мисра, — ундан баландроқ даража (киши) хаёлида ҳам қолмади. Байт:

Буғдой нархи шунчалик қимматлашиб кетдики,
Битта бошоқ қийматда худди уловдек бўлиб
қолди.



Қаро Юсуф²² ёз фаслида Ажам Ироқига келди ва у диёрнинг, хусусан, Султония ва Қазвин²³ шаҳарларининг аҳволида тамом харобалик юз берди. Ногоҳ амир Юсуф ўзи қолдириб келгани Мансурнинг ўғли Муҳаммаднинг яна қайтадан мухолифатчилик қилганлиги ва жумод ал-аввал ойининг бошида (30 июль, 1413) Хожа Жамолуддин Сафавийни Ардабилда бандга олиб (у ерда) мавжуд бўлган от-уловлар ва нақд (бойлик)ларни талон-тарож елига совурганлиги ва Хожани Ардабилга яқин жойлашган Фараж қалъасида ҳибсга солиб қўйганлигини эшитди, Ҳамадон атрофига етганида эса мирзо Искандарнинг (юриш қилиб) келганлиги хабари етишди.

Бу сўзнинг шарҳи шундай: мирзо Искандар Ироқ ва Форсни бўйсундириб²⁴ Исфаҳонни (257) салтанат пойтахти қилиб олган эди. Бу ерда у олий иморатлар қурдириб, султонлик асосини шундай барпо этдики, — мисра, — Ажам подшоҳларидан ҳеч бирининг ёдида ҳам бундайи бўлмаган. Сўнг унинг ҳиммати лочини баландлик авжида парвоз қилиб, Озарбайжон мулкини қўлга киритиш қасдида Луристон йўли билан жўнади ҳамда сон-саноксиз лашкар билан Неҳованд чегараларига етиб келди. Унинг йўлга чиққанини эшитган амир Қаро Юсуф у тарафдан (отланиб), ҳар икки лашкар бир-бирларига қарши яқин келдилар.

Аммо илоҳий хоҳиш туфайли амир Қаро Юсуфга бетоблик етишиб, заифлик асари зоҳир бўлди, унинг кишиларидан ҳам кўпчилиги бемор бўлиб қолди ва у (жангга киришмай) қайтиб кетишга мажбур бўлди. Мирзо Искандар бундан хабар топиб, «амир Қаро Юсуф биздан қўрққанидан қочиб, ожизлик қўлини заифлик ва беморлик этагига урди», — деди. Шаҳзода ифтихор бошини то макон авжига кўтариб, баланд ҳиммат камарини осмон кунгурасига отди; алқисса, у зўр улуғворлик билан Исфаҳонга қайтди.

Амир Қаро Юсуф эса (Неҳованд атрофидан) қайтиш асносида Говруд қалъасига етди. Бу қалъани бошпана қилиб олиб амир Юсуфга қарши мухолифатчилик дамани уриб келаётган



амир Бобо Ҳожи²⁵ энди мувофиқатчилик йўлидан юриб, туҳфа ва совғалар билан унинг ҳузурига келди. Амир Юсуф тўла иззат-икром кўрсатиб Говруд атрофида жойлашган вилоятларни унга суюрғол қилиб берди ҳамда лашкарга ижозат бериб, жумод ал-охир ойининг ўнинчисида (8 август, 1413) Табриз давлатхонасига келиб тушди. (258)

Шу йили Шоҳ Муҳаммад ибн амир Қаро Юсуф Бағдоддан (чиқиб) Шаҳрзур ҳокими амир (Муҳаммад) Сору туркмонга қасд қилди. Ҳар икки тарафдан саъй-ҳаракатлар қилиниб, охири Шоҳ Муҳаммад ғолиб келди ва амир Муҳаммадни тутиб олиб Ҳийт қалъасига қамаб қўйди, унинг фарзандларини эса Бағдодда қамаб қўйиб²⁶ айш-ишрат билан машғул бўлди.

Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ ас-Самарқандий шу йили доруссалтана Ҳиротда ўн иккинчи шаъбонда (7 ноябрь, 1413) йўқлик зулматидан борлиқ мулкига қадам қўйдим. Қитъа:

Мен нега (бу дунёга) келдим-у (илгари) қаерда

эдим? — аён бўлмади.

Афсуски надоматлар бўлсинки, мен ўз жонимдан

ғофилман.

Таркиб саройчасида тан тахтабанди бўлганим

ҳолда

мен қандай қилиб муқаддас олам фазосида

айлана олардим?

Агар менинг дилим қонидан шавқ иси келса,

ажабланмагин, чунки мен Хўтан нофасига

ҳамдардман.

Умид шуки оқибат хотиржамлик бўлғай, иншо Оллоҳу тало!



САККИЗ ЮЗ ЎН ЕТТИНЧИ

(1414—1415)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МИРЗО БОЙСУНҒУРНИ МОЗАНДАРОНДАН
ХУРОСОНГА ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Қиш фасли охирига етиб, баҳорнинг жонпарвар майин шабадаси сахрою майсазорлар, чаману гулзорлар узра эсишга бошлагач, ҳазрат хоқони саид¹ саодатманд фарзанд, — байт:

Ёш ва баланд толе, равшан ақли,
давлатда ёшу, аммо тадбирда пир, — (259)

подшоҳлик даражаларининг энг шарафли ўрнига (лойиқ эканлигига) илоҳий марҳаматлар нурлари ёрқин пешонасида аён бўлган, қудратлилик далиллари ва подшоҳлик белгилари ҳумоюн манглайдан равшан кўриниб турган салтанат ва диннинг кўмакчиси мирзо Бойсунғурни Хуросон мамлакатини² идора қилиб туришга тайинлади ва шаҳзода муҳаррам ойининг бошларида (23 март, 1414) шуҳратли узангию жаҳонкушо жиловни Мозандарон қишловидан Хуросон томон бурди ва худди оламга оройиш берувчи хуршиддек ўз шараф уйи томон юзланиб, у мамлакат устига ҳумоюн соя ташлади ва тўртинчи сафарда (25 апрель, 1414) давлат пойтахтига келиб тушди. Мисра: Унинг қадамидан Ҳирот шаҳри жаннат рашкини келтирувчи бўлди. Унинг бахтли мавкаби хосияти ва ҳумоюн талъатининг кўриниши туфайли олам аҳллари иқбол соясида ором олдилар ва жаҳон аҳллари амну омонлик тўшагида уйқуга толдилар. Қитъа:

Искандар Ҳерийга асос солган вақтида
агар (бу) шоҳнинг давлату иқболидан
хабардор бўлганида эди,
бу ерда у тупроқ ўрнига анбар
қориб (лой қилган)
ва тош ўрнига гавҳар терган
бўлу р эди.

(Шаҳарнинг) акобир ва ашрофлари унинг оти ғуборини сур-
ма мисол ифтихор кўзларига тортиб айтар эдилар, — байт, —

Сенинг самандинг туёғидан (кўтарилган)
ғуборнинг нозли кўниш ери
кўз мушкин болишининг икки
чеккаси бўлсин.

САЙЙИД АЛИКИЁНИНГ СОРИЙ ВИЛОЯТИДА³ ИТОАТСИЗЛИК ҚИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Зафар нишонли лашкар Мозандаронда⁴ қишлолда турган вақтида бир тўда ғаразли кишилар (260) Саййид Аликиёга⁵ унинг <ақраболар бамисоли илон-чаёндирлар> (мақоли) сифатига эга бўлган хешу ақрабо ва биродарлари амирлару ноиблар ҳузурида унинг гуноҳларини ҳисоблашиб, у вилоятни идора қилишни бирор бошқа кишига топширишни истаганликлари ва (хоқони саиднинг) ҳумоюн мизожи унга нисбатан ўзгарганлиги ҳақида сўзладилар.

Шу орада Саййид Аликиёни ҳумоюн ўрдуга талаб қилган эдилар, у ваҳимага тушиб ноўрин сохта бир узр ва номақбул бир сўзни айтди. Унинг баҳона қилиб (келмаганлиги) ҳазрат хоқони саидга ажиб ва ғариб туюлди, негаки онҳазратнинг инояти туфайли кенг бир мамлакат унинг тасарруфида эди⁶. Онҳазрат улуғ амирлар: амир Мизроб баҳодир ва амир Илёс-хожани⁷ унинг вилоятига боришга номзод қилиб, уларга: «Унга тўқнаш келишдан олдин хабарчи юбориб айтинглари, агар у бирор ғаразли кишининг сўзига биноан ваҳимага тушган бўлса, биз шариат изнисиз бирон банданинг мол-мулкига қасд қилмаслигимиз, адду эҳсон йўлидан четга чиқишни истамаслигимиз ва зулму тугён кўчасидан югурмаслигимиз бутун олам аҳлига маълумдир. У ўзини ҳалокат жарига ташлаб бало каманди ҳалқасига мубтало бўлмасин, вилоят харобаликка айланиб ноҳақ қон тўкилишига олиб келувчи ҳаракатлар қилмасин ва инсоф суратини ақл кўзидан беркитмасин; аввало у

биз унга нисбатан кўрсатган иноятимизни равшан кўз билан мушоҳада қилиб кўрсин ва **(261)** иккинчидан, у (ўйлаган) ҳодиса қаерга бориб етиши устида ўйласин. Йигирма тўрт йил бўлдики, жаноб марҳум падаримиз (Темур) у мамлакатни шамшир билан бўйсиндириб, у мулкнинг ҳукмдорлигини яна у (сайид)-ларга топшириб қўйган; биз ҳам ўша қоидага амал қилиб келдик; биз, албатта, онҳазратнинг фармонида ўзгариш содир бўлишини истамаймиз, акс ҳолда, бу муҳим иш амалга ошишини кузатиб турувчи кишилар кўпдирлар».

Амир Сайид Аликиё амирларнинг йўлга чиққанликлари ва аъло ҳазратнинг буйруғидан хабар топгач, амирлар ҳузурига кишилар юбориб, хизматларни қабул қилди ҳамда ўз ўғлини лашкар ва ҳадиялар билан ҳумоюн ўрдуга юборди. Онҳазрат унинг гуноҳидан ўтиб, авф лутфини ато этди.

ШУ ЙИЛИ МОВАРОУННАҲР ВИЛОЯТИДА СОДИР БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Хоқони саид) Мозандаронга қишлоқ учун жўнаш асносида: «Мовароуннаҳр лашкарлари у тарафдан хабардор бўлиб турсинлар», — деб фармон берганлиги собиқан айтиб ўтилган эди. (Шунга биноан) Мирзо Улуғбек элчи юбориб, Амирак Аҳмадни⁸ (Самарқандга) чақиртирган эди, мирзо Амирак Аҳмад кўрқиб, келишдан бош тортди ва: «Мен Мирзо Улуғбекнинг мизождан кўрқаман, (шунинг учун) бора олмайман ва лекин бир давлатгоҳ бандаман»⁹, — деб жавоб берди. Мирзо Улуғбек ўзининг ишончли кишиси бўлмиш амир Боязид парвоначини Андижон тарафига юбориб: «Унинг сўзи менинг сўзим, **(262)** ҳар қандай шарт ва аҳд тузса, мен шунга розиман», — деди. Амир Боязид (мирзо Амирак Аҳмад) ҳузурига етиб, ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бирор натижага эриша олмади, аммо (мирзо Аҳмад) ўз ўғлини хизматга юборишга ваъда қилди, бироқ бу ваъда (муҳлати) охирига етдию ўғли келмади.

Мирзо Улуғбек кўрагон Андижонга қараб юрди. Мирзо Амирак Аҳмад у ернинг қалъаларини мустаҳкамлаб, тоққа

чиқиб кетди. Мирзо Улуғбек у ернинг энг катта қалъаси бўлган Аҳси қалъасини муҳосара қилди. У шундай қалъаки, унинг мезаналаридан фалак бошоқ (юлдуз)ларини териб олиш ва баланд хоналаридан фаришталар гулгуласини эшитиш мумкин эди.

Қалъа аҳолиси қалъанинг мустаҳкамлигига мағрур бўлишиб жанг аслаҳаларини ҳозирладилар. Ғалаба ёр лашкар қалъа атрофини зирҳ кўзию ари уясидек (илма тешик) қилиб қалъани эгаллади ва лашкар аҳли қўлига кўп бойликлар кирди. Мирзо Улуғбек раиятга тинчлик майдони ва омонлик маконидан ўрин берди ҳамда Поянда баковулни кутвол тайинлаб, Андижон томон йўл олди. Мирзо Амирак Аҳмад чиқиш қийин бўлган баланд тоғларга кетиб қолган эди; Мирзо Улуғбек амир Мусоко ва амир Муҳаммад Тобонларни Андижонни идора қилишга тайинлаб, ғалаба ёр мавкаб Самарқандга қайтди¹⁰.

Мирзо Амирак Аҳмад Мирзо Улуғбекнинг қайтиб кетганлигидан хабар топиб, Мўғулистондан мадад учун келган бир лашкар билан Андижонга жўнади. Амир Мусоко ва амир Муҳаммад Тобон ва амир Али қавчинлар жанг қилиш қасдида Андижондан ташқари чиқиб, Ўш атрофига етдилар ва душман аҳволдан беҳабар бўлганликлари учун, эҳтиётсиз шу ерга тушдилар. (263) Мирзо Амирак (Аҳмад) эса уларнинг ҳолидан огоҳ эди, ногоҳондан улар тепасига бостириб келиб амир Мусоко, амир Муҳаммад Тобон, амир Али ва бошқа баҳодирларни қатлга етказди. Амир Сулаймоншоҳнинг ўғли амир Рустам душманлар билан йўл-йўлакай жанг қилиб Андижонга қараб юрди. Мирзо Аҳмад Андижонгача келиб, кўп жанглар бўлди. Амир Рустам ва қолган амирлар Андижонни қўлда сақлаб турдилар; мўғуллар ўлжа олиб Мўғулистонга қайтдилар¹¹.

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ ИРОҚ ВА ФОРС МАМЛАКАТЛАРИ ТОМОН ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Оламни ёритувчи офтоб баҳорги эътидол нуқтасининг рўбарўсига етиб, хуршид Жамшиди (қуёш) подшоҳлик саро-

пардаси ипини балиқ думидан қўзичоқ гарданига боғлаб ҳут ҳовузидан ҳамал сайлгоҳига етгач, ҳазрат хоқони саид¹² ўн тўртинчи муҳаррам (5 апрель, 1414) Мозандарон ўлкасидан Рай мулки томон жўнади. Байт:

Қуюн янглиғ чопқир отлар тақаси
 (чақнаши)дан сен
 ер яна бир осмонга айланди, —
 дер эдинг.

Ғалаба оятлари битилган байроқлар Домгон ерлари устига ҳумоюн соясини ташлагач, амир (264) Бистомнинг элчиси Султониядан етиб келиб, унинг (қуйидаги) арзасини етказди: «Бу банда онҳазратнинг хизматкориман: хизмат камарини белга боғлаб ва қуллиқ ҳалқасини қулоққа тақиб фармонга мунтазирман. Мисра: ҳар нимагаки ҳукм қилсанг, сенинг фармонинг жорийдир. Ҳумоюн юриш (ҳақидаги) хайрли (хабар)ни эшитганимдан сўнг хизматда туриш расми бўйича (бориб) ер ўпсаммикин? — деган ният бор эди-ю, аммо кундалиқ монеликлар адолат шиорли ҳукмдор хотирига равшан бўлғай! Агар бахт-саодатдан дарак берувчи байроқлар бу томон юзлангудек бўлса, қудратли ҳукмдордан ўтинч шуки, огоҳлантириш шарафини илгарироқ бизга ато қилсалар, токи, тайин қилиниши бўйича хизматчилар учун зарур нарсаларни саранжом қилсам ва лашкар аҳлига тортиладиган т а ф о р ҳам отлар учун тайёрланадиган тақаларни қабул эътиборига мақбул бўларли қилиб тайёрланса. Байт:

Дунёда кимки сенинг қабул қилиш эътиборингни
 қозонган бўлса,
 унинг ҳиммат кўзига Рай мулки хор бўлиб
 кўринади.

Ҳуш қулоғини у тараф хабарларини эшитишга йўналтириб ва дилу жонни фармонга бўйсунуш (йўлига) топшириб, — байт, —

Ҳаммамиз сен кўринарсан деган умидда
кўзмизу,
қандай фармон беришингни кутиб, барчамиз
қулоқмиз».

Онҳазрат амир Бистомнинг элчисига меҳрибонлик кўрсатди, у билан бирга бир навкарни жўнатиб: «Унинг яхши банда эканлигидан хабардор бўлдик, қалъани мустаҳкамлаб, ўз ўғли ё биродарини ҳумоюн ўрдуга юборсин, — мисра, — токи унинг сўзига ишончимиз зиёда бўлсин» — деган хабарни юборди.

Ҳумоюн мавкаб Рай яқинига етганда мирзо Искандарнинг бир қанча навкарлари Исфаҳондан **(265)** қочиб келдилар ва Исфаҳондан Сова муҳорабаси учун лашкар тайинланганлиги хабарини арзга етказдилар. Бунинг сабаби қуйидагича эди. Зафар нишонли байроқлар Мозандарон қишловида турган вақтда Сова ҳокими Насруллоҳ Саҳроий доруға (тайинлашни) илтимос қилди. Онҳазрат илтимосни қабул қилиб, Совага бир навкарни юборди.

Мирзо Искандар бундан огоҳ бўлиб, амир Юсуф Жалил, амир Жалбоншоҳ барлос, амир Баён қавчин, амир Абдуллоҳ парвоначи ва Саъдуллоҳларни Совани муҳосара қилишга тайин қилди. Аъло ҳазрат бу ҳолдан вақиф бўлиб, Сова раиятлари у гуруҳнинг зарар-заҳматидан халос топсинлар, деган мақсадда Оллоҳ мадад бергур ғалаба ёр лашкардан бир гуруҳини Насруллоҳ ғалабасини (таъминлашга) тайин қилди. Амир Ҳасан Сўфи тархон, амир Саййид Али тархон, амир Давлатхожа иноқ ва амир Чаҳоршанбалар ғалаба шиорли ўн минг суворийлар билан у тарафга жўнадилар.

Мирзо Искандарнинг амирлари бу амирларнинг йўлга чиққанликлари ва ҳазрати аълонинг қароридан хабар топиб, бир-бирлари билан машварат туздилар ва бир оғиздан: «Биз ҳаммамиз ҳазрат соҳибқироннинг банда ва бандазодаларимиз, **(266)** гарчи мирзо Искандар у ҳазратнинг набираси бўлса ҳам, аммо унинг сўз ва амалига эътимод йўқ; Шоҳрух ҳазратлари эса соҳибқироннинг фарзандидир ва фарзанд, хусусан олам иқлим-

лари ва рубъи маскуннинг подшоҳи бўлган бир фарзанд, волийликда набирадан кўра авлодир», — деб айтдилар. Бу маъниларни баён қилгач, амирлар ҳар бири ўзидан бошқасини онҳазратга бўйсунушга рағбатлироқ кўриб, ҳаммалари ғалаба ёр лашкар билан жанг қилмасликка иттифоқ туздилар. Аммо амир Жалил, юқорида айтиб ўтилганидек, Жаҳонмулк воқеасида¹³ қарши тараф билан иттифоқ бўлганлиги туфайли унга ишончсизлик билан қараб, тутиб бандга солдилар ва номдор амирларга бориб қўшилдилар. Онҳазрат хануз Рай мулкида турган эдики, фатҳ ойнасида бу сурат юз кўрсатди ва юришнинг бошланишидаёқ ҳеч қурбонсиз ва саъй-ҳаракатсиз шундай бир ғалаба муяссар бўлди.

Зафар шиорли мавкаб Шаҳриёр қалъасига келганида Баён қавчин, Абдуллоҳ парвоначининг ўғли ва Саъдуллоҳлар ер ўпиш шарафига муяссар бўлдилар, уларнинг кетма-кетидан Насруллоҳ Саҳройи ҳам қулик қилиш саодатига етишиб бахтиёр бўлди ва лутф-иноятлар билан сарафроз этилди. Сўнг ғалаба байроқлари бахту давлат соясини Сова вилоятига ташлади; амир Ҳасан Сўфи, амир Саййид Али¹⁴ ва мирзо Искандарнинг бошқа амирлари етиб келиб, Юсуф Жалилни боғлиқ ҳолда етказдилар. Онҳазрат янги келиб қўшилган амирлар борасида ғоят зўр иноятлар кўрсатди. Амир Юсуф Жалил Жаҳонмулк воқеасидан кейин олам атрофларида саргардон бўлиб юриб турли-туман ҳодисаларни бошидан кечирган ва оқибат, отаси билан биргаликда Каъбайи муаззамага зиёрат қилиш билан (267) файз топган, ундан кейин эса мирзо Искандарга мулозим бўлган эди. Уни (хоқони саид) ҳузурига келтирганларида онҳазрат унинг жаримасини афв этиб, гуноҳини йўқ деб фараз қилди ва <ўтган ишни Оллоҳ кечирсин>¹⁵ (ояти) мазмунини <султон Оллоҳнинг (ердаги соясидир> деган буйруқ лавҳасига чизди ва шу туфайли Юсуф Жалил кучли дил ва соф умид билан гуноҳлари учун кечирим сўради: <гуноҳқорнинг шафоатчиси — ўз иқрори ва узр айтиши — тавбасидир>.

Онҳазрат Қум ҳокимлигини Абдуллоҳ парвоначига бағишлаб, амир Юсуф Ҳожи вазирни қалъани идора қилиш ва кутволлик ишига тайинлади.

СОВА САҲРОСИДА¹⁶ ШИКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид Сова саҳросининг дилкушо фазосида ов овлаш нашъаси ва шикор қилиш айшини истади. Байт:

Подшоҳнинг раъйи шикор нашъасини
истагач, у
аввало, лутфу марҳамат билан замона
дилини овлади.
У давлат уловига сувор бўлган
вақтида
ер юзи хусравларидан виқорли эди.

Биёбонда айниқса баҳор фаслида, қулон кўп учрар эди. Номдор лашкар тоғу саҳроларни яргача қилиб шикор қамурғаси бир-бирига уланди. Ов итлари югуришга, қоплонлар ҳайқиришга, бургуту шоҳинлар ва қирғию лочинлар учишга бошладилар. Қитъа:

Сенинг бургутинг ўз қанотларини
ёзганида
қуёш ваҳимага келадию, ой
ҳадиксирашга тушади (268)
Сенинг бургутинг қанот тагига олган
ҳар бир ов
эртага тубо сояси тагида ўтлайди.

Ваҳший ҳайвонларга даштда чопиш учун майдон, қушларда эса ҳавода учишга мажол қолмади¹⁷. Онҳазрат номдор амирлару саодатли вазирлар ва Баҳром қувватли паҳлавонлар билан биргаликда энг қутли соатда ойдек сайр этувчи ҳилол

тақали отларга худди фалакнинг сабзранг оти устидаги қуёшдек миндилар, ваҳший ҳайвонлар қонидан сахрою биёбон лозорга айланди. Қулон ва оҳулар кўп ўлдирилиб, йиртқич ҳайвонлар учун сертаом дастурхон ёзилди.

Сўнг зафар нишонли мавкаб Жаро ва Фароҳонга келди. Бундан илгарироқ амир Ҳасан Сўфи ва амир Илёсхожалар ўша атрофда бўлган Ийғон қалъасини қамал қилиб турган, аммо ҳалигача уни фатҳ қила олмаган эдилар, онҳазрат бир гуруҳни уларга мададга юборди ва забт этувчи давлат шуҳрати билан қалъа бўйсундирилди.

Гўргонда Исфаҳон раисларидан уч киши зафар ошиён остонага (бош уриб) келдилар¹⁸ ва подшоҳона иноятлар ва хусравона илтифотлар билан тақдирландилар. (269)

ЗАФАР НИШОНЛИ МАВКАБНИНГ ИСФАҲОН АТРОФИГА ЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Зафар оятлари битилган байроқлар Исфаҳонга яқин етиб, Исфаҳондан икки фарсах масофада бўлган Боғи Рустам манзилига қўнғач, ҳар кимгаки саодат ёрлик қилган бўлса, у Исфаҳондан юз ўтириб (хоқони саиднинг) қулбачча ва хизматкорлари қаторига тизилди. Амир Аббоснинг хешларидан бўлган Шайх Муҳаммад¹⁹ (Исфаҳондан) қочиб келди, унинг кетидан Шайх Али қозоқ уч юз отлиқ билан²⁰ ҳумоюн лашкаргоҳга етишди. Оташгоҳ деган мақомда бир тўда ҳашиялар олампаҳо даргоҳга келиб: «Бизнинг ҳашиялар миз Исфаҳон дарвозасининг ташқарисида, агар марҳамат қилиб бир гуруҳ диловарларни шаҳарга яқин боришга буюрсалар, шоядки у мискинлар у балодан халос топсалар», — деб арз қилдилар. «Амир Мизроб баҳодир ва амир Илёсхожалар шаҳарга яқин бориб ҳашияларнинг олий ўрдуга етиб келишларига кўмаклашсинлар», — деган ҳумоюн ҳукм содир бўлди. Амирлар худди ер юзини кезувчи қуюндек ва юқоридан пастга оқувчи селдек шаҳарга йўналдилар. Мирзо Искандарнинг қаровуллари уларга қарши чиқиб, икки тарафдан жанг сафининг дило-

варлари, диловарлик маъракаснинг паҳлавонлари, қаҳрамонлик денгизининг наҳанглари бўлмиш марди майдон кишилар — ҳаммалари жанговару бетоқат бўлиб, бетма-бет келдилар, жанг ўрмони шерларининг (270) ва ору номус майдони далирларининг диллари офтоб шуъласидек ҳаяжонга келди. Ўз биродарининг жафосидан дилозурда бўлган мирзо Бойқаро оташ каби алангаланиб, дарёдек жўшқин урди; тоғни тешувчи найза учи билан суворийни эгарга, эгарни отга ва отни ерга тикиб қўювчи ҳамда чақмоқ феъли тиф (билан) жанг майдони атрофида жаҳонсўз олов ёқувчи бўлмиш амирлар: амир Жалбоншоҳ барлос, Лутфуллоҳ Боёнтемур, амир Шайх Али баҳодирнинг ўғли Хизрхожа, Тукал боварчи ва Алишоҳ Озодлар ҳамла қилдилар. Исфаҳон жангчилари биринчи ҳамладаёқ турган ўринларини қолдириб, (шаҳар ичидаги) маҳаллалар томон юзландилар, ғалаба ёр сипоҳнинг баҳодирлари улар кетидан йўналиб жаҳонни куйдирувчи тиф ва ўт қўювчи ўқлар билан жанг майдони тупроғини қонга қориштирдилар.

Амир Лутфуллоҳ кўприк бошида ҳ а ш а м и й ларни ўтказиб турар эди; душман унга қанчалик қасд қилмасин, у ҳаммасини шамшир билан ярадор қилиб орқага қайтарарди. У тарафдан амир Абдуссамад ва амир Жунайдлар баҳодирона ҳамлалар қилдилар, аммо Лутфуллоҳни кўприк бошидан четлата олмадилар. У ўн жойидан яраланган, шамшири синган бўлса ҳам шу ҳолда жанг қилар эди. Оқибат исфаҳонликлар қочишга юз тутиб, диловарлар ҳ а ш а м и й ларни ҳумоюн ўрдуга олиб келдилар.

Биринчи тўқнашишдаёқ ўз лашкарига етган шикасту ўлдирилган (271) ва ярадор бўлганлар аҳволи ҳақида эшитган мирзо Искандарга ҳайрат волиб келиб, унинг табиатида ғайрат оташи аланга олди-ю, аммо ғалаба шиорли сипоҳ аҳволи саҳифаларидан фатҳу зафар белгиларини мушоҳада қилди ва ўз умидлари юзида иқбол заволи аломатларини равшан кўрди. У ўз аркони давлатини хилватга чақириб маслаҳатлашди. Барча сипоҳ билан шаҳардан ташқари чиқишга қарор қилдилар. Офтоб зарраларидек беҳисоб ва булут томчиларидек бепоён бир лашкар, — байт:

Тўлқин уриб турган даҳшатли сел денгизидек
 бир лашкар,
 тоғдек барқарору пойдордир.
 Аскарлар барчаси Баҳром таъбу кайвон хушли
 ва ҳаммаси пўлат қалпоғу темир (зирх) кийган, —

шаҳардан ташқари чиқди, аммо улар билмадиларки, — байт, —

Ҳар кимгаки бахт раҳбарлик қилмас экан
 кўрсатган жидду жаҳди унга қўлдошлик
 қилмайди.

Ҳазрат хоқони саид жанг ноғорасини уришга буюрди ва қазодек кескин аҳдли диловарлар худди умрдек тез чопувчи ел оёқ (отларга миниб) юзларини шаҳар аҳдини қирғин қилишга қаратдилар. Байт:

Гардун ҳашаматли подшоҳ ҳукми
 билан
 тоғдек лашкар дарё каби
 жўшқинга келди.

Ҳар икки тараф сафлари ва икки томон лашкарлари ростлангач²¹, мирзо Искандар ғалаба ёр лашкарнинг савлат ва важоҳатини кўриб, унга қарши туришга тоб келтира олмаслигини сезди ва Ироқ сардорлари ҳам Форс мағрурлари маслаҳат ва иттифоқ тузишиб, — мисра, — орқага чекинишдан бошқа чора топмадилар, сўнг (оятдаги) <улар нафратланишиб орқага чекинадилар>²² (сўзларини) ўқиб (жангдан) юз ўтирдилар. Ғалаба ёр лашкар (272) қочувчилар кетидан таъқиб қилиб, кўп халқ қатлга етди; мирзо Искандарнинг ҳам қўлга тушишига оз қолган эди-ю, бироқ у минг хил ҳийла билан Исфаҳонга кириб олди. Ғалаба ёр мавкаб Исфаҳон рўбарўсига келиб тушди²³. Шу ерда Шаҳриёр қалъасидан Шайх Вардий ва Султония қалъасидан амир Бистомнинг ўғли Боязидлар олампаҳоқ даргоҳга келиб иноятлар билан тақдирландилар.

Шу аснода ногоҳ уч суворий буронғордаги дарвозадан пинҳон ташқари чиқиб жангга киришдилар, амир Илёсхожа уларга рўбарў чиқиб кўпларини қатлга етказди, қолганлари енгилган, шикастланган ҳолда шаҳарга қочдилар. Аммо амир Илёсхожага ҳам захм етди. Ҳазрат хоқони саиднинг буйруғи билан ҳисор деворларини арқон тортиб ўлчаб²⁴ амирларга тақсим қилиб берилди; шу тарзда бирор киши ҳам шаҳардан беҳосдан ташқари чиқа олмас эди. Ўн тўртинчи рабиъ ал-аввалда (3 июль, 1414) бир жаҳон лашкар тумон-тумон ва қўшун-қўшун бўлишиб шаҳар атрофини қуршади.

ДОРУЛМУЛК ШЕРОЗ ФАТҲ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА БУНИНГ ШАРҲИ

Ҳазрат хоқони саиднинг ҳумоюн мавкаби хабари дорул-мулк Шерозга етгач, (273) (шаҳар) оқсоқоллари ва кулулар мирзо Искандарнинг доруғаси Шайх Муҳаммад Сориқ²⁵ билан иттифоқликда оқилона фикр юритиб: «Онҳазратнинг Исфаҳонни фатҳ қилишига шак-шубҳа йўқ; у бизни даъват ҳам қилган; агар биз илгарироқ одамлар юбориб унга давлат-хоҳ эканлигимизни арз қилсак, бир хизматни бажо келтирган бўламиз», — дедилар ҳамда, шу келишувга биноан, мирзо Искандарнинг ишончли кишилари бўлган мирзо Искандарнинг ўғлини, амир Абдуссамаднинг ўғилларини ва Шайх ясовул, Юсуф қурчи ҳам Доробларни²⁶ бандга солиб қўйдилар, сўнг хутба ўқиш ва пул зарб қилишни ҳумоюн ном ва лақаблар билан безатиб, олампаноҳ даргоҳга туҳфа ва ҳадялар юбордилар. Ҳазрат хоқони саид Бакана Бахший ва Лутфуллоҳ Боён-темурларни²⁷ у мамлакат моли ва ҳукуматини (бошқаришга) тайин қилди ва амир Ҳасан Сўфи ва амир Жалбоншоҳ бар-лосларни мирзо Искандарнинг ўғлини ва амир Абдуссамаднинг ўғилларини олиб келишга жўнатди.

Шу миёнада мирзо Искандарнинг ишончли кишиси бўлган ва (шаҳар қалъасининг) эътиборли бир буржини муҳофаза қилиб турган Султоншоҳ чуҳранинг навкарлари ҳаромна-

маклик қилиб уни ўлдирдилар ва олий ўрдуга (қочиб) келдилар. Шу қабилда (274) ҳар куни ва ҳар замон исфаҳонликларга нуқсон етиб, галаба ёр лашкарнинг қуввати ортиб борди. Исфаҳонликлар довюраклик лофини уриб (шаҳардан) ташқари чиқишар, диловар паҳлавонлар уларга қарши боришар, аввал бир-бирларини ўқ учига нишонга олишиб (сўнг) ўқу камонни қўйиб, тиғу найзани кўтаришар ҳамда соқолу ёқалардан тортқилашиб, бирор мўйни ҳам жангда соғ қолдирмас эдилар. Шу алфозда қамал муддати элик кунга чўзилди.

Шу кунларда мамлакат атрофларидан жаҳонпаноҳ даргоҳга хабарлар келиб турди. Аввало Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдан Шайхуйи Қароуносни юбориб, юқорида зикр қилинганидек²⁸, амир Мусоко, амир Муҳаммад Тобон ва амир Али қавчинларнинг мирзо Амирак Аҳмад²⁹ қўлида қатлга етганликлари ҳикоятини арзга етказди. Онҳазрат у номдор амирларнинг қатл қилинганликлари борасида қайғуланди ва: «Ҳозир олий ҳимматимиз олдида турган вазифа Ироқдаги ишлардир, бу (иш)лардан фориглик юз кўрсатгач, унинг тадорики, иншооллоҳу таоло, давлат пойтахти (Ҳирот)да кўрилади», — деб буюрди.

Яна Шероздан Бакана Бахшийнинг навқари келиб, амир Лутфуллоҳ Боёнтемур Жалбоншоҳнинг хуруж қилиш нияти бор, деган гумон билан уни қатлга етказганлигини арз қилди. Онҳазрат (275) шундай бир ишда текширувсиз амал қилган нодон Лутфуллоҳни ва Бакана Бахшийни (вазифаларидан) бекор қилди ҳамда амир Саййид Али тархонни у ерга ҳоким тайинлаб у маккорлик (сабабини) таҳқиқ қилишга буюрди.

Яна Тестар вилоятдан Султон Увайснинг қизи Денди Султоннинг элчилари етиб келиб итоаткорлик изҳор қилдилар. Онҳазрат уларга меҳрибонлик кўрсатиб (қайтишларига) ижозат буюрди.

Яна: (онҳазрат) Исфаҳонни қамал қилишга қасд қилган вақтида Абдуллоҳ парвоначи ва Али Дарвешларни Кошон та-рафга юборган эди, улар раиятни эл қилиб вилоятни бўйсундирдилар ва улардан арза-хат келди³⁰.

СИМНОН ҚОЗИСИ МАВЛОНО ФИЁСУДДИННИ
ИСФАҲОНГА ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Исфаҳон қамал қилиниб турган вақтда ҳумоюн қулоқларга: мирзо Искандар ўз хатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиб, хутба ўқиш ва пул зарб қилишни яна онҳазратнинг лақаблари билан безатар эмиш (деган овоза) етишди. Ҳазрат хоқони саиднинг подшоҳона раҳм-шафқати ва хусравона марҳамати мирзо Искандарга панд-насихат қилиб уни хайрли йўлга чорлаш учун баҳона талаб қилар ҳамда шу туфайли мирзо Искандар вафлат уйқусидан уйғониб, бундан сўнг уруш олови (276) аланга олмаса ва у тарафда зарурат юзасидан турган қадим хизматкорлар (бу алангада) куйиб кетмаса, деган умидда эди. Шунга биноан художўй донишманд мавлоно Фиёсуддин Симнонийни Исфаҳонга киритиб, у орқали мирзо Искандарга «Мамлакат хароб бўлмаслиги ва раият ташвишга тушмаслиги учун сулҳ сўзи ҳар икки тараф маслаҳатию ҳар икки томон ислоҳига тегишлидир», — деб айтишга қарор қилинди. Қози шаҳарга кириб элчилик сўзини арзга етказди. Аммо мирзо Искандар бирор дақиқани ҳам тажанглик, қўпол сўзлик, мазаммат ва фисқ-фужурдан холи ўтказмади ва асоссиз зўравонлик қилишдан сира андишага бормади, натижада, тақдир тақозоси бўйича, ўз қилмишига яраша жазосини топди.

Қози қайтиб келиб ўтган можаро суратини арзга етказди. Ҳазрат хоқони саид, афсус, юз афсуски, мирзо Искандар сулҳ сўзини ожизлик ва нуқсонлиликка йўйганлигини тушунди ва: «Унинг мизожини даволаш қаҳрдан бошқа нарсани кўтармас экан ва унинг фасоди маддасини даф қилиш шамширдан бўлак тадбирга йўл қўймас экан», — деб буюрди. Шеър:

<Биз ўз одатимиз бўйича беозорлик кийимини
кийган кишилармиз-у,
аммо, баъзан, ғазабга келгудек бўлсак,
(душман қонидан) тепаликларни суғорамиз>.

Бир неча кундан кейин мирзо Искандар ўзининг амирлари ичида энг улуғи ва диёнат у дониш билан безанган амир Тукал Қарқаро билан Муҳаммадбекни икки-учта от билан онҳазрат ҳузурига чиқариб: «Агар онҳазрат қайтиб кетсалар, мен хотиржамлик билан у кишининг ҳузурига бораман», — деб илтимос қилди. Онҳазрат эса: «агар бизнинг ҳузуримизга келса, биз уни азиз тутамиз, агар келмаса, Язд ва Ҳамадон тарафга жўнасин, биз унинг йўлини очиб берамиз» — деб жавоб юборди. (277) Мирзо Искандарнинг элчилари қайтиб бориб, унга бу сўзларни айтдилар, у рози бўлмади ва шу тарзда исёнкорлик мавқеида тура берди. Ҳар куни жанг бўлар, бордию номдор сипоҳ кишилари кўп жидду жаҳд кўрсатиб девор тепасига чиққудек бўлсалар, деворнинг шаҳар тарафи йигирма газ тик кўтарилганлиги³¹ сабабли, шаҳар кишилари ўқ захми билан ташқаридан (кўтарилганларни) девор тепасидан йироқлаштирар эдилар.

Шу аснода онҳазрат амир Султон Боязид барлос ва амир Чақмоқ, Шомийларни Абаркўҳни забт қилишга юборди.

СУЛТОНИЙ ЖАНГ ВА ИСФАҲОННИНГ ФАТҲ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Исфаҳон қамали муддати узоққа чўзилиб кетгач, ҳазрат хоқони саид бутун ҳимматни Исфаҳоннинг муҳим ишларини тамомлашга қаратиб, оламни забт этувчи байроқларни юқори кўтарди; бахт тонгининг болқиш (куни) бўлган иккинчи жумод ал-аввалда (20 июль, 1414) унинг фармони билан далир ва диловарлар худди қаҳрли шеру даҳшатли филлардек ҳаракатга келдилар; карнай фарёди ва ноғора садосидан тескари тўнкарилган гардун тоғорасига фулғула тушди ва наъра ҳам фарёд овози парвин ситораларию баланд чарх қуббасига етди. Байт:

Ноғораларнинг наъра ва фулғула садоси шу даражага
етдики,
осмон ўз қулоғига (юлдузлардан)
пахта тикиб олди.

Жангчилар булут ва қуюндек ҳаракатга келиб камондан отилган ўқлар худди селдек ёғди. (Камон) ўқи элчиси тадбир кўришдан тўхтаб қолиб иш найза тили ва қилич хабарчилиги-га тушгач, ҳар икки тараф баҳодирлари ва икки томон диловарлари бир-бирларининг гирибонларидан тутиб, дашна ва ханжар билан иш кўришар ва каллаларни худди коптоқдек жанг майдонига итқитишар эди. Байт:

Мурдалар ҳар тарафдан бир-бирига
шунчалик зичлашиб кетган эдики,
лашкар учун жанг йўли беркилиб
қолган эди. (278)

Ер одамлар қонидан тўлқин
уришга бошлагану,
сипарлар гишт, совутлар кафанга
айланган эди.

Ўша куни кун чиқишдан кун ботгунига қадар тангрининг қаҳри руҳлар билан қиёфалар орасида жудолик фармонини бериб турди; зарба урувчию зарба еяётган, ғолибу мағлуб ўрта-сида фарқ йўқ эди, яраланган ва ўлдирилганлардан дашт юзи тоғу қирлар тусини олди ва қатл қилинганлар қони сувидан Исфаҳоннинг Зиндаруд (дарёси) лоззор рангига кирди³².

Оқибат фатҳу зафар шабадаси ҳазрат хоқони саиднинг байроғи томон эсиб, душман бахтининг байроғи унинг ўз бахтидек қайрилди. Ғалаба ёр лашкар деворга нарвонлар қўйиб кўтарилди, муҳолифлар эса оёқдан қулади. Мирзо Искандар ўзининг хос кишилари билан қалъага юзланди ва уларнинг паришон ҳолларига мувофиқ кеча қоронғулиги туша бошладди. Байт:

Осмондаги банот ан-наъш ва парвин
юлдузлари
(юзларига) мушкин ниқоблар тортдилар.

Ғалаба ёр лашкарлар ҳисор деворлари устида машғалалар ёқтилар; у кеча машғалалар ёруғлигидан кундуз билан тенгла-

шар эди. Шу аснода амир Абдуссамад (мирзо Искандардан) юз ўгириб онҳазратнинг ҳузурига келди. Мирзо Искандар Абдуссамаднинг қочиб кетганлигидан огоҳ бўлиб, ғамли дилидан жигарни куйдирувчи оҳ тортди ва саросимага тушиб, қалъани ташлаб қочди. Эртаси куни эрта билан, — мисра: жаҳон офтоб нуридан равшан бўлгач, — ғалаба паноҳидаги сипоҳ қоратгарчилик кўчасига оёқ қўйиб талон-торожга қўл чўзди: **(279)** қийматбаҳо безаклар, нақд хазиналар, хотинларнинг нозик безаклари, латиф идишлар, гўзал гулдонлар, ғаройиб газламаматолар ва ажойиб моллар лашкар аҳли қўлига шунчалик мўл тушдики, уларнинг кўплигидан диллардаги тамагирлик хангомасининг баракаси учди ва ўлжаларнинг беҳисоб адади (лашкар) хотирида бўлган эҳтиёж дарвозасини беркитди.

Ҳазрат хоқони сайдга бу фатҳ муяссар бўлгач, у давлат орқасини салтанат маснадига қўйди ва бераҳм золимлар расм-русумини ман қилиб, озода дил одиллар қонунини жорий қилди; Мовароуннаҳр, Туркистон, Кобул, Ғазнин, Ҳиндустон, Хуросон, Хоразм, Мозандарон ва Табаристон мамлакатларига фатҳномалар йўллаб, тангрига шукр айтиш шартлари адосига киришди.

Мирзо Искандар қалъадан ташқари чиқиб кетгач, бир гуруҳ (лашкар) унинг изидан бориб ушлаб олди ва ҳазрат хоқони сайд хизматига етказди. Ундан ҳар қанча савол сўрамасинлар, сўзлаш тилини беркитиб, жавоб бермади ва қилган жинояти таассуротидан шарманда ҳолда бошини қуйи солиб тура берди. Онҳазрат унга қон-қариндошлик риоятини кўрсатди ва уни, ака-укалик оқибатларига бепарволик қилмас (деган умидда), биродари мирзо Рустам қўлига топширди; аммо самовий сайёралар нақшининг ўзи ва фалак давронининг шатранж териши ака-укалик тошини шундай бир тарзда иложсизлик (хонаси)га ташлади ва қазонинг нард ўйинчиси даҳр палосида шундай бир йўлни ўйнадики, жаҳон аҳли ҳайрат бармоғини **(280)** тафаккур тиши билан тишлади. Нозиклигидан ҳурнинг кўз қорачиғи пардасида ўтирганида «Ўрин қаттиқлик қилди», — деб йироқлашадиган бир шахс — мирзо Искандарнинг кўзига те-

мир милни тоблаб туриб жабр билан тортдилар. Бу куйишдан у ҳалокатга етказувчи касалликка учраб қолишига ва девоналик сабаблари ҳаддан ортишига оз қолди. Унинг султонлик навбати охирига етди ва халифалик даври эскиришга юз тутди. Жафопеша чархнинг айланишидан ва хато хаёлли осмон жабридан у бахту давлат охирига етди ва у саодат тамом бўлди.

ИСФАҲОН ФАТҲ ЭТИЛГАНИДАН КЕЙИН ВОҚЕ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР ЗИКРИ

Ироқ дорулмулки (Исфаҳон) жаҳон султониға бўйсуниб фатҳ қилинган ва сардорлар бошию гарданкашлар бўйни тоат бўйинтуруғи ва хизматкорлик ҳалқасига кирган, онҳазрат лашкарни форатгарчиликдан тўхтатди ва:

«Кишиларга яхшилик қилгин, (шунда) уларнинг
қалбларини ўзинга қул қилиб оласан,
чунки эҳсон, кўпинча, инсонни қул
қилгандир», —

деган шеър мазмунига амал қилиб, амну омонлик соясини Исфаҳоннинг хосу омлари устига туширди, ҳаммага адлнинг дахлсиз ерию эҳсоннинг ҳузур-ҳаловат жойидан бошпана қурди: мозорларга назр атагани юз минг ка па кий дин орни фақирлар ва муҳтожларга етказди ҳамда (девонга йиғилиши тегиш бўлган) юнт йили молининг учдан бирини раиятга бағишлади³³, (281) давлатнинг муҳим ишларини интизомга келтириб саришта қилишга киришди ва мамлакатларни итоатга келтириш ва йўлларни тинч сақлаш ишларида жидду жаҳд кўрсатди, лашкардан бир қисмига Хуросонга қайтишга ижозат буюриб, (улар орқали) хос хазиналар, қимматбаҳо безаклар, дурлар, тилла ва кумуш идишлар, ҳиндий, мисрий ва чиний аслаҳалар, қуроқлар ва фаррошхонани³⁴ доруссалтана Ҳиротга жўнатди. Форс ва Ироқ мамлакатларини муносиб кишиларига иноят қилди. Чунончи, мушкин рақам қаламнинг физиоли (бу ҳақда) замона димоғини муаттар қилғусидир.

**ИСФАҲОН ҲУКУМАТИНИ МИРЗО РУСТАМ
ИБН МИРЗО УМАРШАЙХГА
ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Рустам узоқ муддат давомида Мовароуннаҳр мамлакатлари, Хуросон ва Мозандарон вилояти (юришлари)-да ҳазрат хоқони сайднинг мулозими бўлган, бир неча жангларда қатнашиб жонбозлик ишларида тахт турган ҳамда бундан илгари неча йиллар Исфаҳонда ҳоким ва фармон юргизувчи ҳам бўлган эди. Шафқатли яратувчининг кўмаги билан тамом Форс ва Ироқ мамлакатлари қудратли қўл остида қарор топган ҳамда минбарлар тепасию динорлар юзи ҳумоюн ном ва лақаблар билан зебу зийнат касб этган вақтда эса, онҳазрат Ироқ тахти ҳукумати ва дорулмулк Исфаҳонни идора қилишни қайтадан муаззам подшоҳ мирзо Рустамга топширди (282) ва у жаноб яна у мамлакатнинг фармонраволик тахтига ўтирди, ақобир ва шариф кишилар (баъзилари) хоҳишдан, (баъзилари) қўрқинчдан унинг ҳукми хатига бош қўйдилар ва Ироқ дорулмулки (Исфаҳон)нинг улуғлари ман этишу маъқуллаш ҳукмлари бўйича қуллик жilовини унинг иноят қўлига тутқиздилар. Байт:

Бизнинг қўлимизда бирор иродат жilови бўлмагач,
у (тангри)нинг ўз карами нима қилар экан, деб
ташлаб қўйдик.

Мирзо Рустам ҳам машаққат остида бахтсизлик поймоли бўлиб қолган раиятларга иноят ва меҳрибонлик юзасидан қараб, илгари кунларда ҳар хил жаримали ишлар ва жиноятларга қадам қўйиб келган бир гуруҳни йўқдек ҳисоблади³⁵. Жабру бедодлик сабабли ҳар тарафга кетиб қолган у диёрнинг аҳолиси тўла адолат ва раҳм-шафқат туфайли яна ватанларига юз тутдилар. Токи мирзо Рустам ҳаёт экан, Исфаҳон мулкани бошқариш, фармонга мувофиқ, унинг девони ноиблари қўлига топширилиб қўйилган эди.

ҲАМАДОН ВА ЛУРИСТОН ВИЛОЯТИНИ МИРЗО
БОЙҚАРОГА ТОПШИРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Бойқаро йигитликнинг бошланиши ва ёшликнинг энг сара даврида жасурлик ва паҳлавонлик майдонига (283) кирган ва унинг хусусиятларида мардоналик далиллари ва донолик белгилари аниқ ва равшан намоён эди. Ҳазрат хоқони саид унинг ҳолига иноят кўзи билан қараб ва марҳамат назарини у томон йўналтириб, Ҳамадон ҳукумати, Вуружа ва Неҳованд қалъаларини ва бутун Луристонни унга суюрғол қилиб берди ва ўз ҳимматини одиллик ва олижаноблик билан жаҳон аҳлининг оройиш ва осойишига сарф қилмоққа, бирор махлуқ зулм қўлини бошқа биров юзига кўтаришига йўл қўймасликка, кучли ва кучсиз, авом ва шариф орасида инсоф ва адолат эшикларини очиб қўймоққа ҳамда олам мамлакатларининг учувчи (қуш)лари ва яхши ахлоқ тарқатувчилари бўлмиш савдогарлар ҳолига лозим тарзда ғамхўрлик қилмоққа буюрди. Мирзо Бойқаро у насиҳатларни розилик қулоғи билан эшитди ва чегаралардан хабардор бўлиб туриш ҳам аҳдпаймонларни муҳофазат қилишни жаҳондорлик шариатида вожибу лозим билиб, у мамлакатлар сари юзланди.

Шоҳрух ҳазратлари бошқа мулкларни саришта қилиш ва қолган ишларни тартибга солишга киришиб, Рай вилоятини мирзо Ийжал ибн мирзо Мироншоҳга, Қум мамлакатини шаҳзода Саъд Ваққосга топширди. Буларнинг ҳар бирлари хонлик боғидан бир дарахту жаҳондорлик дарахтидан бир мева эдилар. Бу вилоятлардан олинадиган даромадни (хоқони саид) уларнинг девонлари харажати учун тайин қилди ҳам оталарча насиҳатлар эшикларини уларнинг бахт-саодати юзига очди ва ҳар бирлари учун подшоҳона ҳашамат асбобларини мукаммал қилгач, (насиҳатга бошлаб) адолат қонунлари ва (284) салтанат қоидалари бўйича олиҳиммат оталари ва улуғ боболарига эргашишни ҳамда хотирлар дўстлик ҳам муҳаббатга бўйсуниб кўниксин ва у шаҳар-диёрларнинг ободонлигига сабаб бўлсин учун, у мавзеларнинг акобирлари ва шариф кишиларига меҳ-

рибонлик назари билан лутф-марҳамат кўрсатиб тўла ҳомийлик қилишни буюрди. Шаҳзодалар насихатларни тинглаб ўз вилоятларига жўнадилар.

ХУШВАҚТУ ХУШҲОЛЛИК ОНЛАРИДА ДОРУЛМУЛК ШЕРОЗ ТОМОН ҲУМОЮН ЮРИШ ЗИКРИ

Ҳумоюн хотир Ироқ мамлакатлари муҳим ишларидан фароғат топгандан кейин давлату саодат жиловини Форс дорулмулки (Шероз) томон бурди ва саодатманд фарзанд мирзо Иброҳим Султонни³⁶ уфруқни бошқариб туришга қолдириб, суръату хушҳоллик байроғини Шероз томон тиклади. Ҳумоюн байроқнинг оий бахт толеи ва саодат юлдузи билан Шероз ерлари уфқидан тулуъ қилиб, онҳазратнинг талъат офтоби у мамлакат атрофида шуълалангач, Шулистон ва Луристон ҳокимлари ҳам бошқа амирлар ва сардорлар ҳумоюн ўрду сари юзландилар ва подшоҳона илтифотлар билан фахрланиш ва сарафроз бўлишга эришдилар; Шероз аҳолиси, хусусан, бундан илгарироқ бандалик шартларини зоҳир қилган бир гуруҳ, махсус иноятга сазовор бўлди.

Амирлар ифтихори бўлмиш қудратли амир — амир Мизроб баҳодир у мамлакатларни идора қилишга муқаррар қилиниб, (285) унга мулозимликка ўн минг отлиқ тайинланди. У вилоят — ғарб томондан то Ҳузустонгача, жанубдан эса то Ҳўрмузгача, — ҳаммаси унга топширилди. Аммо ўша кунларда³⁷ амир Мизробда бир касалик пайдо бўлиб, табиблар иложини қилишдан ожиз қолдилар ва унинг руҳи қуши тан қафаси танглигидан арвоҳлар оламининг оромбахш фазосига бориб етди. Байт:

Бу кўнгил очар қаср шундай бир кўнгилсизликдан

иборатки,

энди ўринни иситиб олганингда сенга: «тур», — дейди.

Онҳазрат амир Мизробнинг бола-чақаларига меҳрибончилик кўрсатди ва (ўғруқдан) мирзо Иброҳим Султонни чақиртирди.

ШЕРОЗ МАМЛАКАТИНИ ОЛИШАЪН ШАҲЗОДА МИРЗО ИБРОҲИМ СУЛТОНГА СУЮРФОЛ ҚИЛИБ БЕРИЛГАНЛИГИ³⁸ ЗИКРИ

Жаҳон султонининг офтоб янглиғ равшан раъйи мамлакат осмонининг қуёши ва салтанат кўкининг ойи бўлмиш мирзо Иброҳим Султонни Форс мамлакати ва унга тобе ерлар салтанат (тахти)га тайин қилишни тақозо этди (286) ва: «Давлат турғунлиги сипоҳ ҳам ҳашамлар миқдорини, қуллар ҳам хизматкорлар мартабаларини билишдадир, мамлакатнинг сунъичиғи эса аксар омма ишларидаги нозикликларга риоя қилиш, чегараларни мустаҳкамлаш, раият аҳволига ғамхўрлик кўрса тиш ва дину давлатни тартибли тутишдадир, — деб буюрди. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, у саодатманд фарзанднинг қобилиятлари бу сўзларга муҳтожликдан юқоридир, аммо оталик меҳршафқати бўйича подшоҳона насиҳат баён қилинади:

У (мирзо Иброҳим Султон) шундай қилмоғи лозимки, раиятлар раҳм-шафқат тўшагида осойишталик роҳатини суриб, дуо қилиш билан машғул бўлсинлар ва хатарсизлик лаззати ҳам инсоф ҳаловатини жон завқи билан ҳис этсинлар; у шундай қатъий ҳукм жорий қилсинки, ноиблар сира ҳам адолат йўлидан ташқари чиқмасинлар ва девонга тегишли молларни ҳосил қилишда ўрнатилган қоидадан нари ўтмасинлар. (Ана шунда) мулк тароватини янгиловчи бўлган яхши ном ва давлат асосини мустаҳкамловчи бўлган дуои хайр, улуғлик чеҳрасининг кўрки бўлмиш гўзал мақтовлару бекаму кўст саодат сабаби бўлмиш мўл мукофотлар биз учун ҳам, у саодатманд фарзанд учун ҳам ҳосил бўлғусидир. Байт:

Сенинг ҳақингда яхши номлилик шуҳрати
тарқалмоғи

ва хушъфеллик зикри сендан ёдгор
қолмоғи учун.

Агар сен «Давлат ер-мулклари менинг қудрат қўлимга кириб, раиятнинг (менга) тобеликка рағбати ортсин», — десанг ҳамда мақтовли сифатларинг билан бутун дунёдаги маликлардан устун туришни истасанг, ана шу эшитганинг қоидага биноан иш тутгин ва бундан нари ўтмагин.

Олижаноб шаҳзода хизмат ерини ўпиб, у эъзоз-икромлар ва Форс дорулмулки, яъни Шероз учун хурсандлик билдирди ҳамда ожизлик юзини ихлос ерига суртиб айтди: — байт, —

Мен шоҳнинг камтарин бандасиманки,
Ҳамма вақт унинг даргоҳи тупроғини
ўпаман.
Шоҳ даргоҳининг тупроғини (кечаю кундуз)
ўпмоқ учун
қуёш ва ой тепасига чодир тикиб
олганман. (287)

Шунингдек, бу қулнинг пок ният ва чин мақсади нури хотир учун равшан бўлсинки, агар бутун умр бўйи худди шакарқамишдек хизмат камарини белга боғлаб юрсам ҳам шоҳнинг биргина марҳамати (қуллиғини) ўрнига қўя олишдан ожизман. Қитъа:

Агар менинг тилим у жаҳон шоҳи
шукрини айтмоқ учун
сўз сўзловчи тўтилар сингари ҳар дамда
шакар сочувчи бўлса
ва менинг ҳар битта сочимга мингтадан
тил тўғри келса ҳам
унинг юз минг (мадҳидан) битгасини
айтиб битира олмайди.

Онҳазрат унинг ақлу билимининг тўлиқлигига офаринлар айтиб, Форснинг аркони давлатини унга итоатда бўлишга тарғиб

қилди. У мамлакат аҳолиси бахт-саодат юзини шоҳ даргоҳининг хизматига тутдилар. Шаҳзода улуғлик ва қудратлилик қароргоҳида денгиздек сахий қўлни очди ва Жамшид ҳашаматига эга бўлган боргоҳда хосу ом учун қабул маросими тузди. Қадр-қийматнинг ортиши, овоза тарқалиши, мақтовларнинг олийлиги ва мартабаларнинг улуғлиги борасида дўстлар ҳаққоний баҳо бериб, душманлар эътироф билдирдилар. Мисра: <Фазилат шундай нарсаки, уни душманлар ҳам тан оладилар>.

ОЛАМНИ ЗАБТ ЭТУВЧИ СУЛТОННИНГ ХУРОСОН ТОМОН ҚАЙТГАНЛИГИ ВА САМАРҚАНДДАН МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Жаҳон султони бўлмиш ҳазрат ўзининг офтобдек равшан фикри нури билан Форс (288) ва Ироқ мамлакатларини забт қилиб, вилоятларни (ҳокимликка) ҳақли кишилар қўлига топширгач, юриш оёғини қайтиш узангисига қўйиб, давлат жиловини жаҳонни босиб ўтувчи чопқир от (ихтиёрига) берди ва Форс тахтгоҳидан дорулибода Яздга келди. (Бу ердан) биёбон йўли билан Хуросоннинг Қўҳистонига ўтди ва Жунобод қасабасида муртазойи аъзам бутун оламдаги улуғ вазирларнинг ифтихори амир Саййид Зайнул обидиннинг висоқи-га келиб тушди. Зикр этилган саййид мақтовли хизматларни ўрнига қўйиб турли-туман тухфалар ва муносиб совғаларни тақдим этди. Чунончи мавлоно Мақаррий Қўҳистоний уни шарҳловчи қасидада шундай дейди: Абъёт:

Ироқ мулки фатҳ қилиндию дин байроқлари
тикланди,
душман у фатҳдан синдию дўстлар у
тикланишдан манфаат топди.
Шоҳнинг иши сўзини юз мил (масофа)дан
туриб инкор қилган кишининг
кўзу қулоғи, у яқин келганида, мил
тортилиб кўру кар бўлди.

Ҳақ таоло давлат ато қилган кишининг
 иши — давлат иши бўлгач,
 бир сиқим ботиллар қўлидан унга қандай
 қилиб зарар етсин?!
 Йўл машаққати ва қоронғулик Искандаргаю
 чашмадан оби ҳаёт ичиш Хизрга насиб бўлган.
 Ширин фироқи аччиқлиги Фарҳоднинг улушига
 тушгану
 Хусрав эса Исфаҳонда лабларини шакардан
 ширин қилган.
 Улуғ хусрав (хоқони саид) Ироқдан Қўҳистонга
 кирди,
 Фатҳу зафар унга ҳамроҳ эди; (сен) иқболу
 давлатни кўргин. (289)
 Жунобод тупроғининг қиймати хосу омнинг
 наздида
 Исфаҳон сурмасидан афзалроқ бўлди, чунки
 (бу тупроқ)
 у (хусрав)нинг ўтиш жойи бўлди.
 У (шоҳ) ногоҳ пайғамбарнинг кўз нури (Саййид)
 манзилига келди, чунки
 у (Саййид) улуғворлигу олий сифатлар манбаи,
 фазлу ҳунар эгаси эди.
 Мир Зайнулобидин шундайки, улуғворлиги
 туфайли,
 унинг пешонасидан саодат нури ёруғлиги
 ойдек кўринарди.
 Султонлар базмига муносиб тарзда у шоҳга атаб
 бир тўй бердики,
 унинг сифатини айтсам, ҳар бир нарсадан ҳам
 аълороқ эди.
 Шоҳ унинг хизматидан шоду хуррам бўлиб
 меҳрибонлик билан дурлар қутигасидан
 қулфни очди.

Ғалабаю давлат, комёблигу комронлик билан
кишваркушолик байроғи пойтахт томон
ёйилди.

Шундай қилиб, йигирма иккинчи ражабда (7 октябрь, 1414) доруссалтана Ҳиротга тантана билан келиб қўнди. Ҳиротда онҳазратнинг қойим мақоми бўлиб турган мирзо Бойсунғур (олтин-кумушлар) нисор қилиш ва тухфалар тақдим қилиш расм-русумларини ўрнига қўйди ва (хоқони саид томонидан) иззатланиш шарафига етишиб, сарафроз бўлди. Атроф ерлар сардорлари ва узоқ ўлкалар гарданкашлари ҳумоюн боргоҳ ва саодатли даргоҳга юзланиб ўз бахтиёр юзларига саодат эшикларини очдилар. (290)

Ажам Ироқининг қадимий улуғ умароларидан бўлган ва ўз хайлуҳашамлари, қуллари ва хизматкорлари билан Султония ва Ардабилдан то Гилон, Аррон ва Муғон чегараларигача яйлоқ ва қишлоқ қилиб юрган амир Бистом Жогир шу аснода хизматкорлик йўлидан юриб доруссалтана Ҳиротга келди. Шунингдек, амир Каюмарс Рустамдорийнинг биродари Тожуддавла Рустамдордан, Насруллоҳ Саҳроий Совадан, Султон тавочининг ўғли Шоҳ Вайс³⁹ Фазнин тарафдан етиб келдилар ва турли-туман лутф-марҳаматлар билан тақдирландилар. Яна шу кунларда амир Қаро Юсуф томонидан шаҳаншоҳлик даргоҳига давлатхоҳлик йўлини тутганликни билдирувчи даракчи ва мактуб келди; Саййид Абдуллатифнинг биродари Саййид Абдулкаҳф Оллоҳ шарафу ҳурматини улғайтиргур Маккайи муаззама томондан Макка ҳокимининг мактуби билан етиб келди. Ҳазрат хоқони саид, — байт:

У шундай хусравдирки, ҳар ким унинг (олдида)
ер ўпса
ифтихордан осмон чўққисига оёқ қўяди, —

ҳаммага ўзига хос подшоҳона инъомлар улашиб, хусравона иззат-икромлар кўрсатди.

Шу аснода салтанат қутигасининг дурри, халифалик буржининг ёруғ юлдузи, — байт:

У бир шоҳдирки, унинг жамолидан мамлакат
камол топган,
нурли фикри ёғдусидан эса бутун олам
гўзаллик касб этган, —


Мирзо Улуғбек кўрагон Мовароуннаҳр тарафидан⁴⁰ Хуросонга келди ва ўн иккинчи рамазонда (25 ноябрь, 1414) **(291)** до-руссалтана Ҳиротга етиб, ҳазрат хоқони саидга мулозамат қилишга мушарраф бўлди, — байт:

Агар ўғил шундай бўлса — бу ота
чеҳрасининг қувончидир,
Агар ота шундай бўлса — бу ўғил
дилининг шодлигидир, —

ва салтанат дийдасининг гули, халифалик дийдасининг нури, яъни бахту қудрат эгаси бўлмиш биродари мирзо Бойсунғур баҳодир билан биргалиқда пояси фарқад (юлдузи)га суркалган тахт мулозиматини бажо келтирди⁴¹. Давлат офтоби саодат машриқидан мамлакат атрофларига ёруғлик сочди ва жаҳон аҳлининг кўзлари бу икки дин ва давлат нури дийдаларининг зоҳир бўлишлари шуъласидан равшанлик топди. Бу икки Жамшид белгили офтоб юз шаҳзодаларнинг қўлтиққа кириши туфайли давлат билаги кучланди ва қасос майдонининг икки шаҳсувори билан дин сипоҳининг пушт-ҳимояси қувватланди. Байт:

Жаҳоннинг мақсади бунисининг давлатию
Фалакнинг мақсади — унисининг савлатидир.

Мулк бағишловчи икки кишваркушо ва офтоб юзли икки муштарий раъй (шаҳзодалар) ота тахтининг олдида тургач, онҳазрат забони ҳол билан қудрат эгаси бўлмиш ягона малик шукрини бажо келтирди. Шеър:



<Оллоҳнинг бандаларга берган неъматини кўпдир,
лекин у неъматларнинг энг улуғи —
фарзандларнинг аслигидир>.

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИД ТОМОНИДАН САОДАТМАНД ФАРЗАНД МИРЗО БОЙСУНҒУРГА ИНОЯТ ҚИЛИНГАН ВИЛОЯТЛАР ЗИКРИ

Муқаддас ҳақ таоло саодат эшикларини ҳазрат хоқони саиднинг давлати юзига қарата очиб, (292) олам аҳлининг ихтиёр жиловини унинг қудратли қўлига тутқазгач, у оқиллик кўзи билан <сен бу дунёда ўз насибангни унутмагин> (ояти)-нинг ҳақиқий (мазмуни) устида тегишлича ўйлаб кўриб, (шу оятдаги) <Оллоҳ сенга яхшилик қилиб турганидек, сен ҳам (кишиларга) яхшилик қилгин>⁴² (ҳукмидан) ташқари чиқмади ва барча халойиқни ўз шафқатидан баҳраманд қилди. Хусусан, у ўз фарзандлари ва қавм-қариндошларини мамлакатлар устидан султонликка етказди, ҳумоюн хутба ва қутли пул зарби билан безанган ҳар бир шаҳарни ақл асарларига амал қилувчи ва адолат нурларига эътиқоди бўлган бир давлатманднинг қўлига топширди.

Онҳазрат саодатманд фарзанд, салтанат дарахтининг мева-си ва халифалик боғининг ниҳоли, султонлик маржонининг боғичи ва жаҳондорлик ипларининг уловчиси, дунё ва диннинг шуҳрати мирзо Бойсунғур баҳодирнинг улуғ иқболи ва куч-қудрати кўриниб турганлиги борасида фикр юритди ва унинг ёрқин пешонасида давлат офтобини равшан кўргач, илоҳий марҳамат шукрини адога етказиб, дурдек тизилган калом мазмунини тилдан ўтказди, яъни:

«Беқиёс мақтовлар ҳазрат худовандга бўлсинким, у бизнинг улуғлик тожимизни <авлодларимиз — жигарларимиздир> (деган ҳадис)нинг лаълу ёқути билан безатиб, қуёш тождан (ҳам баланд) кўтарди, бизнинг насабимиз булутли қатраларини оламни ёритувчи дурларнинг шарафли садафига жойлади ва бизнинг афзаллик уфқимиздан оламни ёритувчи

бир қанча нурлар тулуъ қилиб, одам зурриёти зарраларига ҳар бир назардан бир қуёш порлади. (Оллоҳ таоло) бизнинг баланд толеимиз борасида насибаларидан Муштарий сайёраси абадий саодат тиловчи бу бахт юлдузларини жамлар экан, **(293)** улар орасида шундай муносабатлар ҳосил қилдики, унинг таъсироти бизнинг давлатимиз кунлари учун, — мисра, — буткул иқбол ва комронлик башоратини берди ҳамда бу бахт юлдузларини тўплаш билан, асл авлодимизга шундай нуроний чироғлардан рўшнолик ато қилдики, юлдузлар шоҳи ўз нур этагини дарвешлар сингари ёйиб, уларнинг нури ёруғлигини тергусидир. (Оллоҳ таоло) бизнинг вужудимиз қуёшига ёшлик навбаҳорию жаҳондорлик наврўзини бағишлаб, (ҳукмронлик) давримиз гулистонида шундай янги очилган гуллар билан анбар исли шабада орттирганлигидек бир шарафли даражанинг шукронаси учун биз энди жаҳонни кўрувчи кўзимиз қорачигини олам атрофларига йўналтириб, ақл кўзию зийраклик назари билан кузатиб туришимиз лозим ва маслаҳатдан деб билганимиз мамлакатга ўз нури дийдаминини юборишимиз бизнинг гарданимиздаги қарз ҳам фарздир».

Ана шу қарорга мувофиқ оламни тартибга солувчи фикр қуйидаги ҳукми тақозо қилди: «Биз лаёқатли азиз фарзандимиз, салтанат тожининг қимматбаҳо дурри, мамлакат маржонининг боғичи, дунё ва диннинг шуҳрати, ғайб раҳмати ёмғиридан вужудга келган халифалик тожиги безак берувчи бир дур ва салтанат узугига жило бахш этувчи давлат осмонидаги қуёш бўлмиш мирзо Бойсунғур баҳодирга янги бир инъомни ато этамиз ва кенг бир мамлакатни унинг ихтиёрига топширамиз, унинг девонига шижоатли шерсифат амирларни, камолот эгаси бўлган Собий билимли вазирларни жам қиламиз, олам уламоларию одамзод фузалолари, мулоҳазакор ҳозиржавоблару санъаткор шоирларни унинг мулозимлари қаторига тарамиз. Шунга биноан **(294)** Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Самалқон, Жармағон, Хабушон, Нисо ва Ёзир вилояти, бутун Мозандарон, Астробод, Шосмон, Кабуджома ҳамда Журжонга тегишли барча ерларни у фарзандга тақдим қилдик⁴³ ва у вило-

ятларнинг муҳим ишлари жиловини унинг ноиблик саъй-ҳаракати қўлига топширдик. Маълумдурки, Оллоҳнинг назарига лойиқ бўлгур у нури дийдамиз ёқут қутичадан сукут муҳри олиб ташланган бешикка беланиш вақтидан тортиб, токи хуррамлик палосида (давлат ишларини) ёйишу йиғиш қудратига қодир бўлгани бу замонгача абадий саодат ва илоҳий иноят томонидан барча ҳолларда мақтовли хислатлару шуҳратли амалларга эга бўлган, мушоҳада қилувчилар назарида унинг сурату қилмишлари таҳсинга сазовор кўринган ва <менинг эгам менига тарбия берди> (деган ҳадис) раҳбарлиги остида тарбиячилар таълимидан тўла фойдаланиб, илоҳий илҳомлар нурлари унинг огоҳлик ойнасида жилоланган. Аммо, шундай эканлигига қарамай, оталарнинг меҳршафқати кўз мардуми (фарзанд)га нисбатан, — мисра, — офтоб янглиғ кўзга равшанлик бағишловчи бўлганлиги туфайли, <Оллоҳ ўз нури томон истаган кишисини элтади>⁴⁴ (деган оят) чақмоғидан чиқувчи ёғду бўлмиш ўз порлоқ фикримиздан бир шуъласини унга раҳбарлик қилувчи туморга айлантиришни истадик, токи бу тумор ёруғлигида (у фарзанд) жаҳон нотекисликларини зийрак кўз билан аниқ кўриб, ўнқир-чўнқирликларини қайсар-ўзбошимчалар кўзи билан тўлатсин ва гуноҳлардан тийиш қўлини <Оллоҳнинг (тортган) ипи>га чуқур эътиқод билан маҳкамлаб, инсоф таноби риштасини ғоят узунликдан машриқу мағрибларга етказсин; Оллоҳ соясининг соябонидан намуна бўлмиш унинг ғамхўрлик офтоби соясида раиятлар шундай осойиш топсинларки, ўсимликлар учун булут этаги остида, нилуфар учун сувда ва кўз учун қовоқ тўшагида уйқуга кетиш онлари ҳосил бўлсин; **(295)** адолат ноғораси овозини шу даража баланд кўтарсинки, унинг ғулғуласидан Нуширвон ўз мангу уйқусидан турсин ва зулм шу даража ваҳимага тушсинки, Заҳҳокнинг қонун-қоидалари оёқ чиқариб орқага қочсин, вилоятнинг чорсусида инсофнинг икки алифидан⁴⁵ иккита сиёсат дорини тикласинки, исёнкор ёшлар учун уни кўришдан олий мартаба намоён бўлсин; офтоб сингари оламнинг шарқу ғарбига айғоқчилар тайин қилсинки, масалан, агар офтоб бирор дарвешнинг кулбаси ичига иссиқлик

қилиб бош суқса ва фарзанднинг лутф-марҳамати бундан огоҳ бўлса, кафтининг булути билан роҳат пардасини унинг устида кўтарсин ва ҳар ердаки муҳтожлик қиссаси бармоқлар чакалакзоридан ғунча мисол бош кўтарса, у томон эҳсон шабадасини йўналтирсин ва у беварг (ғунча)дан умид чаманида мурод гулини очилтирсин; камон бел кексаларнинг оҳи тиконидан бепарво ухлмасин, чунки уларнинг эрта саҳарларда тортган оҳлари ўқи равшан ойнинг сипарини ҳам тешиб ўтади; саййидлар, уламолар ва машойихларни инъом лутфларию иззат-икром мукофотлари, улуғлаш маросимларию ҳурматлаш қоидалари билан азизу мукаррам тутсин ва иноят кўзи ҳам марҳамат назарини уларга тиксин; агар у (фарзанд) лашкар доиралари (унинг ҳузурида) ўз қоматларини паргорсифат букиб ер ўпишларини истаса, тангалар доираларини тупроқ юзида шундай айлантисинки, ҳайратидан осмон паргорининг боши айланиб қолсин ва агарда, бу савдо ташвиши шунча нақд пул қаердан жамланади (деган андишада) улуғ хотирни саргардон қилиб қўйгудек бўлса, аниқ билсинки, лашкарлар доираси ана шу иш учун (жам қилинган)дир, ҳар қачон султон лашкарининг филдираклари айланишга бошласа, шайтоний тангалар филдиракларини шу қадар кўп қўлга киритиш мумкинки, уни саранжом қилиб олиш сира мумкин эмас, ҳатто хазина айланаси шундай бир доирани ташкил қилиши мумкинки, фикр-андишанинг саргардон паргори у доира атрофини ихота қилиб олишга мурассар бўлолмайди. Қачонки ишнинг паргори ана шу марказ устида тик туриб олса, ундан кейин осмон доиралари у фарзанднинг хоҳиши атрофида, — мисра, — худди зарҳалчининг қўли остида паргор айланганидек, айлана беради. **(296)** Шон-шуҳратда саройлар дурри бўлмиш бир гуруҳ баҳодирларни, гарчи улар ному насаб силсиласида катта қийматга эга бўлмасалар ҳам, хусравлик даргоҳининг (хизматчилари) қаторидан йироқлаштирмасин ва уларнинг ишларини тартибга солишни иззат белбоғининг беагаи ва давлат шамшири камарининг зийнати деб билсин. Эҳтиёж кўзларини осмонга тикиб ўз ишларига равнақ тиловчи, осмон эса ўз тўла меҳри билан булут жигарини

қатра-қатра қилиб уларнинг экинлари устига лутф томчиларини ёғдирувчи ва ер ўзининг пора-пора бағрида уларнинг пароканда улуғларига парвариш бериб умидларини кўкартирувчи деҳқонлар билан бўлган муносабатида инсоф йўлидан юрсин, токи қалам аҳлининг⁴⁶ зулм рақами дудидан, — мисра, — шоҳ хирмониға ўт тушмасин.

Мазкур вилоятларнинг умаро ва кубаролари, саййидлар ва қозилари, имомлар ва қавмлари, хизматкорлар ва (саройға) яқин кишилари, оддий раиятлар ва барча бариятларининг (бизнинг фарзандга нисбатан) тутган йўллари эса шундай бўлмоғи лозим; улар бизнинг азиз фарзандимизни ўзларининг подшоҳ ва фармонбардорлари деб билиб, у мамлакатларнинг барчасини унинг ҳукмига маҳкум деб танисинлар, у вилоятларга саодат бағишлаб турган унинг иқболу давлатини улуф бир ғанимат ва улкан бир ҳадя ҳисоблаб, илоҳий эҳсон шукрию султоний мадҳу санони бажо келтирсинлар, (саккиз юз) ўн саккизинчи йил бошланишидан (13 март, 1415) тортиб у вилоятлар муомалалари бўйича энг азиз фарзанднинг ноиб ва гумашталарига жавоб-ҳисоб берсинлар ҳамда худонинг хоҳиши билан, унинг адолат ва марҳамати ортиб боришига сабаб бўлсин учун бошларини тоат бўйинтуруғидан ва гарданларини итоат бўйинбоғидан товламасинлар!» (297)

САККИЗ ЮЗ ЎН САККИЗИНЧИ

(1415—1416)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ САРАХС

ТОМОНГА ЮРГАНЛИГИ ВА МИРЗО

БОЙСУНҒУРНИНГ ТУС' ТОМОН ЖЎНАГАНЛИГИ

Мурли табиатларга эга бўлган мавжудотларнинг мизожлари нашъу намодан ҳаяжонга келиб, хушовоз қушлар парвоз қилишга бошлаган илк баҳор фасли ва кеча-кундуз баробарлашган вақтда (саккиз юз) ўн еттинчи йил зу-л-ҳижжа ойи-

нинг ўртасида (25 февраль, 1415) ҳазрат хоқони саид дорус-салтана Ҳиротдан Сарахс томон юрди ва у шаҳарда машойихлар (қабрларини) зиёрат қилиш шарафини топиб, муборак Миҳнага жўнади ва яхшилигу ёмонликдан дарак бера олувчи тариқат султони руҳи муқаддас бўлгур Шайх Абу Саид Абул-Хайрнинг илоҳий нур ёғиладиган ер бўлмиш мозорига бориб, у мақомнинг зиёрат шартлари ва одобларини бажо келтирди ҳамда бир неча кун Ховарон даштининг саҳроларида ов қилиш қасдида от сурди: кўп турналар қирғий, шоҳин ва шунқорлар чангалига тушиб, афгор бўлдилар. (298)

Шикордан бўшагандан кейин аниқликда донг таратган фикр жавонбахт шаҳзода Улуғбекка Мовароуннаҳрга қайтиш ижозатини берди; амир Бистом Жогир, Тожуддавла Рустамдорийлар каби атрофдан келган амирларга ҳам қайтишга рухсат берди.

(Саккиз юз) ўн еттинчи йил зу-л-ҳижжа ойининг охирларида (12 март, 1415) жаноб мирзо Бойсунғур баҳодир яқиндагина ўз девони ихтиёрига топширилган вилоятлар томон отланди² ва улуғлару кичикларнинг хотир ва фикрларини ўзига мойил қилмоқ учун у ерларга келиб қўнди. Аҳоли ва улуғлар у шаҳарларнинг осойиш ва оромига сабаб бўлмиш олий мавкабнинг қадамларини шарафлаб, кутиб олиш расм-русумлари, улуғлаш ва ҳурматлаш шартларини бажо келтирдилар. Шаҳзода у шаҳарлар аҳволида содир бўлган ҳар бир ноўринликни турли меҳрибонлигу иноятлар кўрсатиб ислоҳга келтирди ва бир неча кун ов овлаш ва қуш учирини билан машғул бўлди. Байт:

Унинг кафтидан учирилган ҳар
бир овчи қуш
осмон қушларининг барчасини
тор-мор келтирди.

Бир неча вақтдан кейин мирзо Бойсунғур султонлар паноҳи (Шоҳрух)нинг боргоҳига қайтиб келди. Сўнг ҳазрат хоқони саид Бодғис вилояти томон йўлга чиқди. Муҳаррам ойининг бошларида (13 март, 1415) Хоразм тарафда бўлган амир-

лар олий ўрдуга етиб келдилар ва у диёр аҳволи қудратли н ўй и н амир Шоҳмаликнинг мақтовли тадбири билан тинчланганлиги хабарини арзга етказдилар. (299) Элчи сифатида амир Қаро Юсуф ҳузурига кетган амир Ҳасанко қайтиб келиб, у мамлакатлар аҳволи ҳақида арз қилди; муҳаррам ойининг ўрталарида (27 март, 1415) амир Шоҳмалик ҳумоюн мавкабга келиб қўшилди.

Шу кунларда Хуросонда шунчалик кўп ёмғир ёғдики, иморатлар вайрон бўлиб, ер ости ариқларининг³ аксари тўлиб қолди.

Сафар ойининг ўрталарида (26 апрель, 1415) Шустар тарафдан Султон Увайснинг қизи Деңди Султон вафот топганлиги ҳақида хабар етди ва онҳазрат амир Тукал барлосни Форс томонга, мирзо Иброҳим Султон ҳузурига жўнатди. Сўнгра ҳумоюн байроқлар доруссалтана Ҳиротга қайтишга қарор берди ва рабиъ ал-аввал ойининг иккинчисида (12 май, 1415) давлату иқбол билан Боғи Зоғонга келиб қўнди.

ДОРУССАЛТАНА ҲИРОТ ҚАЛЪАСИНИНГ БИНО ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

«**М**енга келажак (авлодлар) учун ҳақиқатни сўзлагувчи тил бергин⁴» (деган оят) тақозосига биноан, зийрак кишилар ўз номларини йўқлик селоби кунлар саҳифасидан ўчириб ташлай олмайдиган, фитна ва бузуқликлар тўфони тўзитаиб ва йўқотиб юбормайдиган бир тарзда боқий қолиши учун саъй-ҳаракатлар кўрсатганлар. Ҳушёр ва оқил киши шундай бир бино қуришга кўшиш қиладики, замона тўдаси тупроғининг ғубори унинг чехраси ҳуснини беркитмасин ҳамда у кишининг улуғ исми ва ўрнатган олижаноб расм-русумлари бебақо дунёда ёдгор бўлиб қолсин.

Ана шу муқаддимага асосан ҳазрат хоқони саид (300) шу (саккиз юз ўн саккизинчи) йили доруссалтана Ҳиротда бир метин истеҳком кўтариш, мустаҳкам бир қалъа қуришга ишорат қилди. Шеър:

<Биздан қолган осор-ёдгорликлар бизнинг ким
 бўлганлигимиздан далолат беради,
 демак биздан кейин осор-ёдгорликларимизга
 назар қилингиз!>⁵

Бу қалъа шаҳарнинг шимол тарафидаги деворга қурилган бўлиб, карт маликлари замонида Малик Фахруддин қурган ва Ихтиёруддин ҳисори номи билан машҳур эди. Малик Фахруддиннинг навқари Муҳаммад Сом шу қалъада Худобанда Улжойту Султоннинг мўътабар амирларидан бўлган амир Доғнишмандни қатл қилган. Амир соҳибқирон (Темур) Ҳиротни фатҳ қилган вақтида шаҳар деворларини хароб қилди-ю⁶, аммо қалъани ишончли кишиларга топширди: бир қанча вақтдан кейин эса қалъа билан шаҳарнинг аслий девори орасида, токи қалъага саркуб бўлмасин учун, ф о с и л а пайдо қилсинлар деб буюрди: Шарқ томондан элик газ деворни (йиқитиб) ерга етказдилар ва **(301)** нусхага биноан, етти юз минг киши ишлади⁷. Ҳазрат хоқони сайд жаҳон салтанати тахтини шарафли қилгач, шаҳар қурилиши борасида яна қайтадан янги тарҳ чизди⁸ чунончи бунинг шарҳи баён қилиб ўтилди⁹. Онҳазрат бу йили тупроқ устига хом ғиштдан қурилган ўша қадимий ҳисор (ўрнига) тош, оҳақ, ганч ва пишиқ ғиштдан бир қалъа қуришга буюрдикки, тупроқ юзида бу каби мустаҳкам бир бино ва бу каби қаттиқ бир пойдеворни ҳеч бир мамлакатда бундан кўркамроқ қилиб қурган эмаслар. Байт:

Унинг қаттиқ тоши тоза жавҳарлардир,
 пойдевори эса худди ердек фалаклар
 устунидир.

Қалъанинг сифати ва қурилиш тарихига бағишлаб ёзилган бир неча байт келтирилади. Байтлардан баъзилари кошинга, **(303)** муборак қалъанинг китобасига битилган¹⁰. Қитъа:

Яхши замондаю қутли толеда,
 бу олий қалъага асос солдилар, (яъни:)
 пайғамбарнинг Бутиҳодан Ясрибга
 ҳижратидан кейинги

«зод», «ё» ва «ҳе» йили,
 иккинчи рабиъда¹¹.
 Аввал Ҳерий шаҳрини шундай бир тарзда
 ишладиларки,
 унда бешта дарвоза муқаррар бўлди. (304)
 Унинг ҳисори буржларини ана
 шу бешни яна бешга
 зарб уриб санагину томоша қилгин.
 Агар сен бу соҳада билимдон бўлсангу
 синчиклаб қарасанг,
 унинг мустаҳкам қурилганлиги далилини
 англаб оласан.
 Унинг асл — негизи кўпайиб борадию
 йўқ бўлмайди,
 чунки бу адад маҳшар кунига
 боқий туради.
 Унинг ичкари ва ташқарисига муҳандис
 муқарнас шаклида қасрлару
 юмалоқ буржлар ишлаган,
 Уларнинг латофати Кисро айвонидегу
 мустаҳкамлиги Садди Искандардек.
 Унинг равоқи биноси худди кайвон
 айвонидек
 даврон зилзилалари таъсиридан қуламай
 туради.
 Унинг бошдан-оёғи ҳаммаси зеб-зийнатдан
 иборату
 бурчаклари бутунлай зар ва гавҳардан.
 Унинг пойдевори устунлар жисмида
 жондегу
 шакли шамойили юдузлар кўзига
 нурдир.
 Унинг хайрли тамомланганлиги учун тангрига ҳамд бўлсин!

**МИРЗО АМИРАК АҲМАД ИБН МИРЗО
УМАРШАЙХГА ЮПАНЧНОМА
ЮБОРИЛГАНЛИГИ**

Мирзо Аҳмад Мирак Андижон атрофида, юқорида айтиб ўтилганидек¹², амир Мусоко, Муҳаммад Тобон ва Али қавчинларни қатлга етказганидан кейин Мирзо Улуғбекдан кўрқиб Мўғулистонга, Муҳаммадхон ҳузурига бориш мақсадида Кошфар томон жўнади. Ҳазрат хоқони саид мирзо Аҳмаднинг кетиб қолганлиги хабарини эшитиб, **(305)** унинг навқари Туқални бир юпанчнома билан йўллади. Нома мазмуни шундай:

Оллоҳи таоло унга узлуксиз абадий саодатлар ато этиб ва муродларини доимо ҳосил қилиб, боқий сақласин!>»

Шабадаси лутф-марҳаматнинг баракали маконидан кўтарилиб шод-хуррамлик дамлари чамани бўйлаб эсувчи бизнинг кўпдан-кўп саломлару турли-туман эзгу тилақларимизни (мирзо Аҳмад) меҳрибонлик беағи билан зийнатлаб ва абадий мойиллик зеб-зийнати билан ясантириб, ўйлаб кўрсин ва бизнинг хушбўй хотиримиз ва барча ёрқин фикрларимизни (ҳозирги) аҳволга мувофиқ деб билсин! У азиз фарзанд билан учрашишга бўлган иштиёқ ва орзуларимизни ҳаддан ортиқ деб тасаввур этсин; бизнинг учрашув завқига етишмоғимиз учун (тангрининг) кўмаги насиб бўлсин! Оллоҳга ҳамд ва миннатдорликлар бўлсинки, (ушбу нома) доруссалтана Ҳиротдан рабиъ ал-аввалнинг ўн олтинчисида (26 май, 1415) илоҳий кўмаклар учун шукр баён этилиши лозим бўлган бир пайтда жўнатилмоқда.

Эшитишимизга қараганда у (мирзо Аҳмад) билан фарзанд Улуғбек орасида фисқу фасодчиларнинг номўътабар сўзларига эътиборан шаҳарлар ва фуқароларнинг ташвишларини орттирувчи кечмиш юз берибди. Бу хабарни биз Ироқ мамлакатада эканлигимизда эшитдик, аммо, масофа йироқлиги туфайли, унинг тадорикини кўришга кириша олмадик; доруссалтана Ҳиротга қайтиб келгандан кейин эса эшитдикки, у фарзанд Мўғулистон томон кетаётган эмиш. **(306)** (Бу ҳол

биз учун бағоят (маслаҳатдан) йироқ ва ажиб туюлди. Чунки биродарлар ва фарзандларга нисбатан бизнинг <бешиқдан тобутгача> ғамхўр эканлигимиз унга маълумдир. Ота-болалик биноси <қўзғалмай турувчи тоғлардек> собит бўлмоғи учун у (фарзанд) бизнинг ҳузуримизга ҳомийлик паноҳини сўраб келишига ишончимиз комил ва эътиқодимиз кучлидир. Бу сўзларни туғишганлик вазифаларини адо этиш мусулмонлик ҳам мусулмонларга ғамхўрлик қилиш юзасидан айтилди. Такаллуфу мақтанчоқлик, макр-ҳийлага йўйиб кек сақлаш бизлар учун уятдир. Эҳтимолки, мулозимликда юрган бир гуруҳ кишилар мазкур ноўрин ҳаракатлар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий тарзда улар томонидан содир бўлганлиги туфайли, ваҳимага тушиб, у фарзанднинг (бизнинг ҳузуримизга келишига) монелик қиларлар. (Мирзо Аҳмад) уларнинг барчасини ишонтирсинки, биз ҳаммаларининг жарималарини афв қилдик: <ўтган ишдан гапирмайдилар>. Ҳақ устига ҳақдирки, уларнинг ҳаммасига раҳм-шафқат паноҳидан бошпана бергумиздир. <Кўмак берувчи сахий тангридир>. Мисра: Умринг ақл-идрок натижасидек боқий бўлсин!» (307).

АМИР ҚАРО ЮСУФНИНГ ЭЛЧИСИ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА МИРЗО ИЙЖАЛНИНГ ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ ХАБАРИ

Амир Қаро Юсуф муҳаррам ойининг охирида (11 апрель, 1415) сўзамолликда хосу ом орасида машҳур бўлган ўзига яқин кишиларидан бири Мардоншоҳни (хоқони саид ҳузурига) юборди. Бу элчи палос ўпиш шарафига муяссар бўлгач, улуғ амирлар воситачилигида бир мактубни арзга етказди. Мазмуни шундай: Агар онҳазрат Султония қалъасини бизга ато қилсалар, давлатхоҳлик вазифаси нима бўлса, бажо келтираман¹³.

Ҳазрат хоқони саид унга: «Садоқат нишони шу бўладики, элчилар бориб-келиб турсинлар ва у ўз ўғлини бизнинг ҳузуримизга юборсин. У шундай қилган вақтдагина биз у диёр-

нинг султонлигини, Султония қалъасигача қанча (жой) бўлса, унга ато қиламиз», — деган жавобни юборди ва элчига меҳрибонлик кўрсатиб қайтишига ижозат берди.

Шу аснода, юқорида айтиб ўтилганидек¹⁴ онҳазрат Ироқ (308) ва Форсни фатҳ қилганидан сўнг Рай мамлакатини идора қилишга юборгани шаҳзода мирзо Ийжал¹⁵ бир неча кунни у мулкда айш-ишрат билан ўтказгандан кейин, жафокор замона ва бемехр осмоннинг хасади келиб, ҳалокатли касалга чалингани ва унинг руҳи қуши мазлум тан қафаси танглигидан юқори оламга парвоз қилишга қасд қилиб, муваққат олган ҳаётини муҳаррам ойининг охирларида (11 апрель, 1415) ажал сўровчисига топширганлиги ҳақида хабар келди. Байт:

Афсуски, у бахтли шоҳ дунёдан ўтди,
афсуски, шаҳзода Ийжал дунёдан ўтди.

Ҳазрат хоқони саид мирзо Ийжалнинг вафотига кўп қайғурди ва унинг ўрнига мирзо Илангирни тайин қилди. Амир Юсуфхожа, амир Қаноширин ва амир Ажабшерлар¹⁶ у вилоят томонларга тайин қилиндилар. Амир Илёсхожа катта лашкар билан Мозандарон томон равона бўлди¹⁷. Амир Қаро Юсуфнинг Султонияни олиш қасдида йўлга чиққанлиги хабари маълум бўлгач, онҳазрат амир Иброҳими амир Жаҳоншоҳни¹⁸ йигирма қўшун билан юбориб, (309) амир Қаро Юсуф юриш қилса, у ердаги амирлар билан иттифоқликда унга қарши чиқишга, бўлмаса у чегара ерларда туриб мамлакат атрофини саришта қилишга буюрди. Амирлар буйруққа биноан иш кўрдилар.

МИРЗО САЪД ВАҚҚОСНИНГ АМИР ҚАРО ЮСУФ ҲУЗУРИГА КЕТИБ ҚОЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳинчи рабиъ ал-аввалда (20 май, 1415) Қум шаҳри томонидан амирзода Саъд Ваққоснинг арза-мактуби етиб келди. Арза мазмуни шундай: «Амир Бистом Жогир амир Қаро Юсуфнинг Султония томон юрганлигини эшитиб, ўз ўғлини

қалъада қолдириб¹⁹ бу банда ҳузурига келди, мен уни қўлга олдим, қандай ҳукм бўлса, шунга амал қиламан».

Ҳазрат хоқони саид бу хабарни эшитишдан ғазабга келди ва унга жавобан: «Биз Бистомни тарбият қилганмиз²⁰, душман унга қасд қилиб, у бизнинг вилоятга паноҳ излаб келса унга лашкар ва мол билан ёрдам беришимиз керак, уни банд қилишга ҳеч ўрин йўқ, (ушбу) фармон етиб борган ондаёқ амир Бистомга муносиб тарзда иззат-икром кўрсатилсин», — деб буюрди. Бу муҳим ишни бажаришга Ардашер тавочи **(310)** тайин қилиниб²¹, амир Бистом номига тезликда бир юпанчно-ма юборилди.

Бир гуруҳ муфсидлар мирзо Саъд Ваққосга: «Сен Бистом-дек бир пешкашни қўлингда тутиб турибсан, (уни олиб) амир Қаро Юсуфнинг даргоҳига боришинг лозим; у бир умрга сендан мамнун бўлади» — дедилар²². Соддадил шаҳзода йўлдан оздирувчи қавмнинг сўзига учиб Қутлуқхожани Қумда уфруқ тепасида қолдирди ва Бистомни олиб уч юзта суворий билан бирга исёнкорлик биёбонию хатокорлик чўлида гумроҳ бўлиб, амир Юсуф томон юзланди. Амир Юсуф унинг қадамларини азиз тутди ва унинг қўллаб-қувватлашига ишониб, Ажам Ироқини тама қилди ва унга дилдорлик кўрсатиб айтди, — байт, —

Сен бир сарвдурсан, чаманга келдинг,
ўз уйингу ўз жойинг сари келдинг

ва амир Бистомга ҳам озодлик бағишлаб, меҳрибонлик кўрсатди. Мирзо Саъд Ваққос (шу ерда) яшашга майл қилиб, амир Қаро Юсуф амир Бистомнинг ўғли Ахий Фаражни Қумга боришга тайин қилди. Ахий Фараж шаҳзода (Саъд Ваққос)нинг ҳарамини Озарбайжонга олиб келиш учун йўлга чиқиб Қумга яқинлашди. Мирзо Саъд Ваққоснинг муҳтарам ҳарами Афо беги мирзо Мироншоҳнинг қизи бўлиб, **(311)** оқила ва олий ҳиммат бир хотин эди. Мазкур аҳволни кўриб, у ўз-ўзига: «Саъд Ваққос хато иш қилди, агар биз у бегона мамлакатга тушиб қолсак, — байт, —

Ҳар қанча яхшилик кўрсатилганда
 ҳам, оқибат
 душман қўлидан душманликдан
 бўлак иш келмайди,

энди ҳар лаҳзада унга қасд қилсалар керак: шундай бўлгач, туркмонлар ичида бизнинг ҳолимиз қандай кечади?» — деб айтди. У тадбирли, чуқур фикрли ва макр-ҳийлали (аёл) бўлганлиги туфайли ўз навкарларини қуроллантириб қўйди ва туркмонлар етиб келгач, уларнинг ҳаммасини асир қилиб олди-да, Саъд Ваққосни душман тарафига ўтишга рағбатлантирувчилардан бўлган Темур шайх, Қутлуқхожа ва Шайх Али Зиндалар²³ билан қўшиб қатлга етказди ва у шер хотин у номардларнинг калласини ўз навкари Шерзод орқали ҳазрат хоқони саид ҳузурига юбориб, бўлиб ўтган воқеа шарҳидан огоҳ қилди. Онҳазрат унинг бу мардоналиги учун кўпдан-кўп таҳсинлар айтди. Шеър:

Агар аёллар барчаси шундай
 бўлганида,
 улар эркаклардан устун турган
 бўлардилар.

Мисра: Унинг мавжудлиги туфайли қуёш муаннас эканлиги билан фахрланади.²⁴ (Хоқони саид) Шерзодга меҳрибончилик кўрсатди ва мирзо Рустамнинг навкари Шер Алини унга ҳамроҳ қилиб бир юпанчнома билан (312) Қумга жўнатди.

**МИРЗО БОЙҚАРОНИНГ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ
 ВА МИРЗО ИСКАНДАРНИНГ ЎЗ БИРОДАРИ
 МИРЗО РУСТАМ БУЙРУҒИ БИЛАН ҚАТЛ
 ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Саъд Ваққос туркмонларга қўшилганидан кейин Қум ва Кошон мамлакати Ҳамадонгача фитнаю ташвиш ўчоғига айланди. Исфаҳон фатҳи замонида мирзо Рустам мирзо

Искандарнинг кўзига мил тортган эди. (Бу иш) хоқони саид ҳазратларига маъқул келмай, у хира кўзли (мирзо Искандар) ни, ака-укалик меҳри қўзғалар деган умидда, иниси мирзо Бойқаро ҳузурига жўнатган эди. У эса, иниси ҳузурига етиб боргач, кечаю кундуз ўз хаёлида, — мисра — мамлакат (устидан ҳукмронлик)ни ўзгартириш нақшини чизар эди. У сувдан ҳам, ойнадан ҳам фитна аксини қидирар, уйқуда ҳам, бедорликда ҳам янгилик ҳодисалар талаб қилар эди. Агарчи у кўз равшанлигидан маҳрум бўлса ҳам, фитна қўзғатиш бобида (шахмат тахтасидан) равшан кўзликларнинг аспу руҳини ағдарарди. (Шунинг учун) у мирзо Саъд Ваққоснинг кетиб қолганлигини ғанимат билди ва фурсатни қулай ҳисоблаб, мирзо Бойқарога: «Сен бу ерларда ҳеч вайҳдан тинч-омон туролмайсан, чунки мирзо Саъд Ваққос туркмонлар лашкари билан босқин қилиши ва у ҳолда қочиб улгуришга илож қолмаслиги мумкин», — деди. Охири **(313)** улар, ўзларининг ақлсизлик ва бетадбирликлари туфайли, бир гуруҳ шум муфсидларнинг ифвоси билан Шерозга қасд қилишдек²⁵ қинфир хаёлни тўғри топдилар.

<Агар Оллоҳ бирор қавмнинг қўлидан
давлат кетишини истаса
(Уни сақлаб қолишга қаратилган) барча
тадбир хато кетади>.

Вақт кечишининг талаби, чарх ҳаракатининг маъқуллаши ва ўша кезларда воқе бўлган саратондаги икки нахс юлдуз бир-бирига яқинлашишининг натижаси Форс мамлакати ишларининг ҳодисалар таъсиридан тескари кетишини тақозо қилгач, мирзо Бойқаро ёшлик ғурурию фасод ёрилишининг тезлиги, балки азалий қазою қадар ёзмишига бўйсуниб, мирзо Искандар билан биргаликда Шероз томон отланди. Мирзо Искандарнинг навқари Мурод телба ақллилик қилиб Исфаҳон томон қочди ва уларнинг бузуқ фикридан мирзо Рустамни огоҳлантирди. Мирзо Рустам уларнинг бирдамлик боғичини бир-биридан ажратиб ташлаш мақсадида бир гуруҳ лаш-

карни йўлни тўсишга чиқарди. (Оятдаги) <Оллоҳ содир бўлиши лозим ишни ҳал қилмоғи учун>²⁶ (сўзлари)га мувофиқ бахт қоралиги ва толе нахслиги мирзо Искандарни йўқлик жарига улоқтирди. Исфаҳон лашкари Журбодқон яқинида мухолифларга етишди, мирзо Искандар Улусбек ва Асиллар²⁷ қўлига гирифтор бўлди ва уни Исфаҳонга, Рустами замон ҳузурига элтдилар. Шу сабабли мирзо Бойқаронинг қасд тиғи тўхтаб туриш қинидаю саъй-ҳаракат ўқи иккиланиш филофида қолиб, бир неча кунни Гандумонда ўтказди.

Мирзо Бойқаронинг мухолифатчилик қилганлиги хабарини эшитган мирзо Иброҳим Султон аркони давлатни **(314)** жам қилиб, машварат тузди ва мирзо Искандарнинг Шерозда турган Севинчхожа, Ўрдувон ва Мазид бошлиқ каби навкарларини бандга олиб, бир ишончли киши²⁸ орқали Хуросон томон йўллади. Бандилар Абарқуҳ ва Машҳади модари Сулаймон (алайҳиссалом) орасидаги Хонҳабаш²⁹ (деган жой)да у ишончли кишини қатлга етказиб, Гандумонга, мирзо Бойқаро ҳузурига бордилар-да, сустлик қилиб турганлиги учун уни койидилар ва шошилиш ҳаракат қилишга ундадилар. Байт:

Жаҳонгирлик иккиланиб туришни кўтармайди.

Жаҳонни илдам ҳаракат қилувчи кишигина

қўлда тутди.

Мирзо Бойқаро яна Шерозга отланди. Мирзо Иброҳим Султон ҳам жанг асбобини шайлаб унга қарши чиқди ва Байзо яқинида икки тараф жангчилари бир-бирлари билан тўқнашдилар. Карнай нолишию ноғора садоси осмоннинг тўнқарилган тоси тагига ғулғула солди ва наъраю фарёд овозаси далирларни беҳуд қилди. Байт:

Ноғора шовқинидан ҳаво шипида

нотинчлик зўрайди,

тиғ-шамширлар ялтирашидан ер

юзи машъаллар билан тўлди.

Шу аснода мирзо Иброҳим Султоннинг Шайх ч у х р а , Масъудшоҳ шул ва бошқалар каби баъзи навкарлари мирзо Бойқаро томон от қўйдилару, (лекин) орқага қайтиб, ўз валинеъматлари (мирзо Иброҳим Султон) юзига ўқ уздилар, бир гуруҳ ироқликлар (ҳам) мухолифат пардасида тик туриб шу йўлни тутдилар. **(315)** Мирзо Иброҳим Султон бу маънидан огоҳ бўлгач, жиловни Абарқуҳ томон буриб, кечаси Шерозга келди ва ўз онаси Тўти оғони ва хазинадан (бир қанча) нақд маблағни олиб, жўнади ва то Абарқуҳгача ҳеч бир ерда тўхтамади.

Мирзо Бойқаро рабиъ ал-аввал ойининг охирларида (9 июнь, 1415) жума куни эрта билан Шерознинг Истахр дарвозаси олдига келиб, то чошгоҳгача от устида турди. Шаҳар подшоҳсиз бўлганлиги учун саййидлар, қозилар, акобирлар ва куллар ташқари чиқиб мирзо Бойқарони шаҳарга олиб кирдилар.

Бу хабарни эшитган мирзо Рустам фитнанинг хамиртуруши бўлган мирзо Искандарни қатлга етказди. <У ўлмас (Оллоҳ) гина қудрат эгасидир>.

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ ФОРС³⁰ МАМЛАКАТИ ТОМОН ИККИНЧИ МАРТА ЮРИШИ

Ҳазрат хоқони саид мирзо Бойқаронинг мухолифатчилиги хабарини эшитгач, у кишининг зулматни қочирувчи чироғ ва жаҳонни очувчи калид бўлмиш оламоро фикри тадбир ойнасида мирзо Бойқаро қувватланиб кетишидан олдин уни даф қилиш лозимлигини мушоҳада қилди ҳамда амир Жалолуддин Ферузшоҳни жанговар сипоҳ билан Язд биёбони йўлидан боришга ва мирзо Иброҳимга қўшилиб,³¹ халални четлатиш ва иллатни йўқотишга киришишга буюрди, шунингдек, амир Гиёсуддин Шохмаликни Рай томонга юбориб, **(316)** у ерда турган амирларга қўшилишни тайинлади, амир Шайх Луқмон барлосга эса Хутталон, Қундуз, Бақлон ва у тарафлар лашкарини олий ўрдуга келтириш иши топширилди³². Андак бир вақт ичида жуда катта лашкар йиғилди. Байт:

Лашкарнинг қурол-яроғлари ҳозирланиб
улардан шоҳнинг дили хуррам бўлгач,

онҳазрат жумод ал-охир ойининг ўн еттинчисида (24 август, 1415) доруссалтана Ҳиротдан юришга буюрди. Байт:

Кечаси, хўроз қичқириш пайтида
(подшоҳ) даргоҳидан ноғора садоси
янгради.

Руҳи муқаддас бўлгур шайхулислом Аҳмади Жомнинг бу-
зургвор мозорида, у олий мақомни (зиёрат қилиш) одоблари-
ни адога етказгандан сўнг амир Қаро Юсуфнинг одамларидан
бир жосус қўлга туширилди ва у тарафнинг аҳволи маълум
бўлди.

Самарқанддан Мирзо Улуғбекнинг навқари етиб келиб,
«Мўғулистон подшоҳи Муҳаммадхон ҳақ даъватига «лаббай» —
деб қабул жавобини берди, унинг ўрнига Шамъи Жаҳоннинг
ўғли ва Хизрхожа ўғлоннинг набираси бўлмиш Нақши Жа-
ҳонни ўтқаздилар» — деган хабарни етказди.

Ғалаба ёр мавқаб Нишопурдан³³ ўтиб Бистом чегараларига
етиб келди (317) ва амир Алоуддин Алика Омул ва Сорийдан
хизматкорлик йўсунида амир Саййид Аликиёни мулозимат
қилиш давлатига етказди³⁴ ва у иноятлар билан тақдирланиб,
лашкарни тартибга келтириш учун ўз вилоятига жўнади³⁵.
Амир Ҳасанкиё Ферузқуҳ қалъасидан ҳумоюн ўрдуга етиб
келиб³⁶ хизмат ишларини ўрнига қўйди. Амир Бистомнинг
биродари амир Маъсум Ардабил тарафидан келди³⁷ ва Табриз
яқинида турган амир Қаро Юсуф аҳволи ҳақида арз қилди.

«Рай чегараларида турган амирлар Шероз томонга юзлан-
синлар», — деган жаҳон бўйсунувчи фармон содир бўлди.
«Жалолуддин Ферузшоҳ мирзо Иброҳим Султон билан бирга-
ликда Кўшки Зардга қараб юрсинлар ва илгарироқ жўнаб
кетган амирларга қўшилсинлар ҳамда иттифоқлик билан Ше-
роз томон ҳаракат қилсинлар» — (деган буйруқни етказиш
учун) Абарқуҳ тарафга хабарчи жўнади. Буйруққа биноан
лашкарлар Қасри Зарда бир-бирларига қўшилдилар³⁸. Байт:

Улар шу тариқа Қасри Зардга жўнадилар,
сипоҳ тўзонидан жаҳон ложувард (тусини)
олди. (318)

Мирзо Бойқаро лашкарлар отланганлиги хабарини эшитгач, тафаккур дараси ва ҳайрат йўлида саргардонликка тушган бўлса ҳам, аммо жасорат кўрсатиб, ўзини йўқотмади ва хомхаёллик андишаси билан: «Ғалаба ёр лашкарнинг ўзи бу тарафга отланган эмас, онҳазратнинг келиш овозаси мени кўрқитмоқ учун тарқатилган бўлса керак», — деб ўйлади.

Мирзо Иброҳим Султон³⁹ жаҳон лашкарлари билан Шероз яқинига келгач, мирзо Бойқаро ҳисорнинг тўрт деворини бошпана, пана жой ва паноҳ қилиб олди, ғалаба ёр лашкар эса Қум ва Кошон⁴⁰ йўли билан йигирма биринчи шаъбонда (26 октябрь, 1415) Исфаҳонга етиб келди; бу ерда мирзо Иброҳим Султоннинг чопари «Мирзо Бойқаро Шерозда турибди», — деган хабарни етказди. Онҳазрат бу хабарни эшитгач, подшоҳона жидду жаҳдни ҳаракатга келтириб, Михёр дашти мавзидан илғор тарзида қуюндек тез саманд (от)га минди ва ўнг томонида ғалаба сипоҳи, чап томонида зафар лашкари бўлган ҳолда учинчи рамазонда (6 ноябрь, 1415) фатҳ кўринишли байроқлар ва юлдузи порлаган чодирлар билан Оллоҳуакбар (мавзеи) уфқидан тулуъ қилиб, Шероз рўбарўсига етди ва Саодат майдонининг жон эркаловчи фазосида давлат саропардасини тикди. Мирзо Бойқаро зафар оятлари битилган байроқларнинг етиб келганлигидан хабар топгач, ойдин кечанинг юлдузи оламтоб офтоб ёруғлигига эға эмаслигини тушунди, — байт:

Ойнинг нур сочиб туриши
ёрқин офтобнинг пинҳонлик
вақтидагинадир, —

ва уруш ишларини тартибга солмай ва жангу жадал асбобларини ҳозирламай туриб, дарҳол ўз навқари Қишлоқни (319) жавонбахт шаҳзода Гиёсуддин мирзо Бойсунғур ҳузурига⁴¹ юборди ва ундан ҳомийлик қилишни сўради. Байт:

Мен — қулман, сенинг фармонингга
 мунтазирман,
 ҳатто бўйнимга тиф қўйсанг ҳам (тайёрман).

Шаҳзода (Бойсунғур) унинг илтимосини қабул қилиб, «Бу каби ишларнинг Бойқаро томонидан содир бўлиши ажиб ва кабиҳдир: аммо токи гуноҳкор киши гуноҳни қилиб улгурмагунча ва айбдор киши айбдорликни касб қилиб олмагунча афв ойнаси ёруғлик бермайди ва эҳсон чеҳраси маъқуллаш қиёфасини кўрсатмайди, энди, агар ижозат бўлса, уни тифу кафан билан олампаноҳ даргоҳга олиб келсам, токи (оятда келган) <кимки жаҳолат юзасидан гуноҳ қилиб, сўнг гуноҳини тузатиб тавба қилса — Оллоҳ кечирувчи ва меҳрибондир>,⁴² деган буйруқ безанса», — деб олий ҳазратга арзга етказди. Онҳазрат саодатманд фарзанднинг воситачилигини қабул этди.

Мирзо Бойқаро шанба куни кечаси, бешинчи рамазонда (8 ноябрь, 1415) шармсор ва хижил ҳолда Шероздан ташқари чиқиб (хоқони саиднинг) қўлини ўпиш шарафига етишди ва онҳазрат унинг хатоларини афв этаги билан ёпиб, ўтган ишдан кечди; оммага ибрат учун ёсога етказилган икки-уч кишидан бўлак ҳеч бир жон бирор жарима билан жазоланмади. (Хоқони саид) у мамлакат аҳолисига иноят назари билан қараб, айбдорлик аломатини, — мисра: — уларнинг тириклиги чеҳрасидан ўчирди. (320)

МИРЗО БОЙҚАРО ВОҚЕАСИДАН КЕЙИН СОДИР БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР ЗИКРИ

Олий ҳазрат (хоқони саид)нинг хоотири мирзо Бойқаро воқеасидан фориғ бўлганидан кейин, мирзо Бойқаро хижолатининг зўрлигидан мулозимат қилишга ботина олмаганлиги ва уни у мамлакатларда қолдириш ҳам беҳавотир бўлмаганлиги⁴³ туфайли, олий раъй мирзо Қайду билан ҳамсуҳбат бўлсин учун уни Қандаҳор ва Гармсер томонга юборишни лозим топди ва бир ишончли кишига топшириб, жўнатиб юборди. Сўнг олий

мавқаб дорулмулк Шерозга кирди. «Улуғ амирлар⁴⁴ ўз уҳдаларига топшириб қўйилган лашкарлар билан ўтлоқларга борсинлар, — деган қатъий фармон содир бўлди. Амир Ёдгоршоҳ арлот ва амир Нуширвон барлослар буронғор лашкарлари⁴⁵ билан Қалъайи сафид ва Шулистонга жўнадилар, амир Шоҳмалик эса жувонғор тумонлари билан Шабонгора⁴⁶ томон йўналди; мирзо Рустам Исфаҳонга кетди.

Онҳазрат бахтли Шероз шаҳрини турар жой қилди ва ҳукумат ишларига киришиб иғвочиларни тарқатиб юборди ва бевартиблик йўлига тушган Форс салтанатининг асоси онҳазратнинг адолати билан қайтадан тикланди. Луристон ва Шулистоннинг амирлари, — мисра, — олампаноҳ даргоҳга келдилар; малик Гўргин Лор вилояти ва дарёбор ноҳиятидан умидлар қаъбаси эҳромини белга боғлаб, иқбол қибласига етиш шарафига мушарраф бўлди ва подшоҳона пешкашларни арзга етказиб, қабулга муяссар бўлди. (321)

Онҳазрат уларнинг ҳаммасига инъомлар бериб ва иззатикром кўрсатиб, ўз ватан ва шаҳарлари томон қайтишларига ижозат берди.

Онҳазрат илгарироқ Шустарга элчи юбориб, Султон Увайс ибн Шоҳ Валад ибн шаҳзода Шайх Али ибн Султон Увайсга юпанч берган эди, Султон Увайс юборилган кишини азизу мукаррам тутиб ва унга бир хабарчини ҳамроҳ қилиб (юборган экан), улар Шерозга келдилар⁴⁷. Аъло ҳазрат элчига меҳрибонлик кўрсатиб, қайтиб кетишга рухсат берди ва муборак рамазон ойининг қолган қисмини Шерозда ўтказди. (Шу ерда эканлигида) шаввол ойининг қутли фолли ҳилоли оламини ёритувчи ўз нури билан жаҳонни мунаввар қилди (4 декабрь, 1415). Байт:

Хуррамлик куни юз кўрсатиб, рўза
поёнига етди,
Ийд султонининг байроғи майдон
бошига етди.

Онҳазрат ийд намозини адо этиш учун Мусалло томон отланди. Байт:

Мусалло шабадасию Рукнобод суви
шундай ёқимлики,
мусофирнинг ёдидан ўз ватанини
унуттиради.

Шероз аҳолиси минглаб иззат-икром кўрсатиб эҳтиёжманд-
лик тили билан айтар эди, — қитъа: — (322)

Ийд тантанасининг бошланиши
сен учун қутли бўлсин,
чунки сенинг талъатинг жаҳон
аҳли учун қутлидир.
Сенинг душманинг тўлиб битган
ойдек каму кўстликка юз тутсин-у,
аммо сенинг давлатинг худди ҳилолдек
кундан-кунга тўлишиб борсин.

АЖАМ ИРОҚИНИНГ БАЪЗИ МАМЛАКАТЛАРИНИ⁴⁸ УЛУҒ АМИР ИЛЁСХОЖА БАҲОДИРГА СУЮРФОЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ажам Ироқи мамлакатлари қайтадан, — мисра, — олий девонга тааллуқли бўлгач, ҳазрат хоқони саид ҳар бир вилоятга раиятлар унинг ғамхўрлиги ҳомийлигида ва ба р и я т л а р унинг ҳимояти паноҳида (эмин) бўла оладиган бир сардорни тайин қилди: улуғ н ў й и н , жанг кунининг Рустами амир Муборизуддин Илёсхожа баҳодирга⁴⁹ Қум, Кошон, Рай, Рустамдорларни Гилон чегараларигача (бўлган жойлар билан) бошқариш ишини топширди ва у вилоятларнинг барча муҳим ишлари жиловини унинг адолат ва шижоат панжасига тутқазди: «У вилоятларнинг моллари ва мутаважжихотини (323) унинг мулозими бўладиган лашкарлар харажати учун сарфласин ва <ўзидан мақбул ёдгорлигу дуруст эсдаликлар қолдирмоқ> учун, бу дунёю у дунёда яхши номлилик сабаби бўлмиш адолат ўрнатиш ва лутф-эҳсон кўрсатиш ишида эътиборсизлик-

ка йўл қўймасин, халойиқ мақсадларини (улар орасидаги) даражалар тафовутига яраша амалга ошириб <кишиларга ўз манзил-мартабаларига яраша муносабатда бўлинглар> (деган ҳадис) мулоҳазасидан ғофил бўлмасин, тўғрилиқ ва эгрилик, мамлакатни идора қилиш ва йўлларни муҳофазат қилишдан бақадри қудрат хабардор бўлиб, хабар юборишу олиб туриш мақсадида фалақдек эътиборли даргоҳга доимо элчилар йўллаб турсин ҳамда унинг қолдирган ёдгорликлари кишиларнинг мақтовига сазовор бўлсин учун, раиятни юпантиришда, вилоят ободончилигида, деҳқончиликка тарғиб қилишу қурилишларга рағбатлантиришда тўла саъй-ҳаракат кўрсатсин, фисқу фасодчиларга қаҳр қилиш ва ёвузларни тийиб қўйишда **(324)** жидду жаҳд қилсин», — деган олий фармон содир бўлди⁵⁰. Мисра: жаҳонда яхшилик қилишдан кўра дурустроқ бир иш йўқ.

УФҚЛАР СУЛТОНИ (ХОҚОНИ САИД)НИНГ МУРШИД ШАЙХ АБУ ИСҲОҚ⁵¹ (ҚАБРИ)НИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ УЧУН ОТЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Оқиллар аҳли учун худди оламини ёритувчи офтоб ёруғлигидек равшан ва каттаю кичик учун жаҳонни забт этувчи қуёш нуридек ойдиндирки, икки дунё саодатларини ҳосил қилиш ва икки манзил муродларини камолга етказиш дин валийлари-нинг муҳаббати воситаси билан ва (Оллоҳга) яқин бандалар илтифоти туфайлигина муяссар бўлиши мумкин. Шунга биноан ҳазрат хоқони саид муқаддас даражали, аршдек улуғвор, валийлик осмонининг қутби, ҳидоят сипеҳрининг ойи, халқни ҳақиқатга ундовчи, — шеър:

Оллоҳнинг дўсти (Иброҳим)га ҳамному унинг халқига
йўл кўрсатувчи,

Тангрининг нури кўмагида тўғри йўлга кирган, — унинг
қабри нурга чўмилсин!, —

Ҳидоят эгалари учун унинг эшиги

воситаю

кўкси эса валийлик сирлари хазинасидир.

Орзуларга етиштирувчиларга агар сен восита истасанг,
бундай воситанинг энг яхшиси—у кишига назр

қилишдир,—

яратувчи ҳазратнинг муқарриби, уфқлар қутби аш-шайх ал-муршид Абу Исҳоқ Иброҳим (қабри)ни зиёрат қилишга жазм қилди — унинг азиз руҳи ва барчага баробар баракати пок бўлсин, байт:

Олтин равоқли ва кумуш тоқли

қуббадаги ҳадис

Шайх Абу Исҳоқ (мақбараси) айвонига

битилган бир ёзувдир (325)

Шеър:

<Уч нарса ўз гўзаллиги билан дунёни

ёритиб туради:

қуёш, Абу Исҳоқ ва ой>

(Хоқони саид) ҳақиқатан ҳам мақбул тилакларнинг бол-қиш ери ва кутилган баракатларнинг манбаи бўлмиш у муборак қабрга етгач, ихлос ва эътиқод пешонасини фалак янглиф буюк остонага қўйди ҳамда иззатлаш, тавоф қилиш ва шу қабилда нимаики бўлса ҳаммасини бажо келтирди; (мақбарига) яқин турувчи (дуоғўй)лар ва (шу ер) сокинларини мўл инъом ва сахий иззат-икромлар билан хушвақт қилди. У ердан қайтишда⁵² (хоқони саид) ҳидоят осмонининг офтоби, валийлик доирасининг маркази кўнгли поклангур Сейди Довуднинг (қабрини) зиёрат қилди ва бутун оламдаги (бандаларнинг) энг сараси — (Муҳаммад пайғамбарнинг), — Оллоҳ унга, тобелари ва хонадонига ўз саломларини йўласин, — хирқасини ўпиш шарафини топди ва Козирун улуғларининг барча зиёратгоҳлари ва шаҳид бўлган жойларига бориб, улардан мадад тилади ва қўл йўли билан Шероз томон қайтди.

Онҳазратнинг инояти Форс мамлакати салтанатини қайтадан саодатманд фарзанд мирзо Иброҳим Султонга тақдим этди ва Тахтгоҳи Сулаймон (Шероз)ни идора қилишни унинг қутли адолатига топширди ҳамда: «Агар замона сенга ёмон кўз ташлагудек бўлса, шоядқи илоҳий ҳикмат шундан топилса», — мисра — ўйлаб кўрсанг, шоядқи, сенинг бахт-саодатинг шунда бўлса», — (деган умидда) шафқат тили билан насиҳат тариқида сўз очди, токи у ғафлат уйқусидан бедор бўлиб, ишлар оқибатини тийрак кўз билан кўрсин, хаёлий шарпа кўриниши ва ёз булутидек бўлмиш бахту давлат тасодифлари тахтига суюнмасин **(326)** ва замона воқеаси ҳам осмон ҳодисасидан хотиржам ўтирмасин. Мисра: Сен ғофиликда ўтирмагин, акс ҳолда осмон макридан эмин бўлмайсан. (Насиҳат шу:) «Оллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, умри узоқ бўлгур фарзанд (мирзо Иброҳим)нинг бемисол зотига замон нотинчликлари ва бахтсиз ҳодисалардан зарар-заҳмат етмади, безориларнинг уқтиришлари ва шайтон васвасаси (дилларида) макон қурган тоифа ўз қилмишлари жазосини кўрди ва хатти-ҳаракатлари сазасини чекди, энди эса улар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий равишда бошларини итоаткорлик чизифига қўйдилар; Оллоҳнинг фазлига умид зўрдирки, бундан кейин кундан-кунга давлат байроқлари баландроқ ва (уларга битилган) ғалаба оятлари узунроқ бўлур; у (мирзо Иброҳим) <Оллоҳнинг амри улуғланади> (сўзлари) суратини ўз хотири саҳифасига чизсин ва <Оллоҳ яратган (банда)ларга шафқат қилинсин> (сўзларига) риоя қилиб, шунга биноан иш тутсин».

Онҳазрат у мамлакат аслзодалари ва аъёнларига лутф-марҳаматлар кўрсатди. Форс мамлакатининг ишлари <аввал қандай бўлган бўлса, шу ҳолига қайтди, лекин (бир неча шахснинг) йўқ бўлиши ортиқча бўлди> (дейилганидек) саранжом топди. Аммо Форс аҳолиси ва шу ерда ватан тутганлардан баъзилари мазкур фитна сабабли қазою қадар поймоли ҳам хавфу хатар гирифтори бўлиб қолдилар. Оламни забт этувчи байроқлар нажот етказувчи маликнинг кўмаги билан Тахтгоҳи Сулаймон алайҳиссалом (Шероз)дан доруломон Кермонга қараб юз тутдилар.

ЗАФАР НИШОНЛИ МАВКАБНИНГ КЕРМОН МАМЛАКАТИ ТОМОН ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид Форс мамлакатини забт этишга қарор қилган вақтида (327) Кермон томонига, Султон Увайс ибн амир Идику барлос ҳузурига бир нишон — хат йўллаган эди; мазмуни шундай: «Ҳар кимгаки азалий саодат ёрлик қилса ва илоҳий иноят унинг фармонбардорлик нишонини <орангиздаги ҳукумат эгаларига (бўйсунингиз)>⁵³ (деган оят)нинг муҳри билан безантирса, халойиқ оммаси, хусусан, мамнуният билан кечган ўтмиш (даврлар)да қўлаб-қўлтиқланиб келган ва ота-боболари бу хонадонга хизмат қилишда мўъжиза асарларини кўрсатиб, баланд даражаю улуғ мансабларга эришган кишилар, у саодатмандга хизмат қилиш эҳромини боғлаб, ихлос хонасига юз тутмоқлари ҳамда унга итоат қилиш узангисини тутиб, ўз жилов-ихтиёрларини унинг иродаси кафтига тутқазмоқлари лозим. Яъни, бизнинг тарбият ва иноятимиз воситаси билан амирлик маснадида ўтирган жаноб биродаримиз олий зот ва олижаноб ахлоқ эгаси бўлмиш (Султон Увайс) дан кутган орзу-умидларимиз шуки, у ушбу машварат мазмунидан воқиф бўлган ондаёқ тўхтовсиз ва иккиланиш-тарадудсиз биз томонга йўналсин. Биз унга бир неча бор мактуб ёзиб илтимос қилдик, аммо илтимос ижобатга олинган-олинмаганлигидан ҳануз дарак бўлмади ва унинг (биз томонга) отланмоғига қандай монелик борлиги ҳам маълум эмас. Агар у ихлосмандлик ва итоаткорлик шартларини бажо келтирса, (оятдаги) <кимки яхшилик билан келса, унга шу каби яхшилик ўн чандон қайтарилади>⁵⁴ (деган сўзларга) асосан маликона ҳиммат ундови ва шоҳона ҳурмат саъй-ҳаракати тез орада хушҳоллик билан ихлос мевасию (328) саодат шуъласини кўрсатғусидир. Агар итоаткорлик бўйинтуруғидан бўйин товласа ва исёнкорлик унинг устидан ғолиб келиб, ўтмиш (хизматлари) ҳуқуқини итоатсизлик келажаги билан алмаштирса, ҳар қалай <бу-ўз қилмишларингиз туфайлидир>⁵⁵ (деган оят)нинг ҳукмига мувофиқ сиёсат тадбирлари унга қарши курашиш учун

оёққа турғизилади. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, бизда ҳимоят қилиш қудрати ҳам, жазо бериш қуввати ҳам мавжуддир».

Элчи Кермонга етиб бориб Султон Увайс аҳволини синчиклаб текширгач, (хоқони саид ҳузурига) келиш хаёли унинг хотирида йўқлигини аниқлади ва қайтиб келиб, (Султон Увайсининг) отланиши кечиктирилиши борасида айтган ноўрин узрини арзга етказди⁵⁶. Жавоб тўғрилиқдан йироқ бўлганлиги ва Исфаҳон фатҳи вақтида чақиртирилганида ҳам у сусткашлик кўрсатганлиги сабабли, унинг бу ноўрин узри илгариги (айб)ларига қўшилди; ҳумоюн мизож ўзгариб, ғазаб оташи аланга олди ва ғайрат жиловини Кермон волийсидан интиқом олишга бурди, одат бўйича хизматга келган унинг онаси ва навкарларини бандга олди; денгиз мавжларию юлдузлар тўдасидек кўп аскарлар Кермон томон йўлга тушди. Байт:

Саҳарлаб хўроз қичқирадиган пайтда
Фил елкасига новора ўрнатдилар. (329)

Зафар нишонли байроқлар ва юлдузи қутли соябон дорулмулк Шероздан тебранишга тушиб, Сиржон ерларига етиб келди⁵⁷. Онҳазрат Шох Шужоъ Кермонийнинг самимият бўстони товуслари ва муқаддаслик боғи қирғовуллари учун жилвагоҳ бўлмиш нурли қабрию муаттар машҳадини зиёрат қилишга бориб, зиёрат шартларини адо этди. Сўнг Сиржон қалъасини кўришга майл қилди⁵⁸. Бу шундай бир қалъаки, нилуфар рангли айвон осмон девонининг котиблари шарқ қуёшининг қалами билан гўё унинг китобасига:

Фалакнинг бу мағрурлиги шунданки,
У — Сиржон ҳисоридан бир бурждир, —

деб байт битганлар.

Шу аснода кўнгли поклангур муртазойи аъзам ва улуғ шайхулислом амир Саййид Шамсуддин Бумий Кермон томондан етиб келди ва онҳазрат бу жанобга иззат-икром кўрсатди. Саййид жаноблари <агар сен уларни жазоласанг — улар сенинг қулларинг-ку!>⁵⁹ (ояти) шафоати билан сўз очиб, (330)

агар онҳазрат лашкарни харобалик келтиришдан⁶⁰ тўхтатиб, юриш жilовини Хуросон томон бурсалар Султон Увайсни <У хоҳ истасин, хоҳ истамасин> доруссалтана Ҳиротга олиб келажагини айтди. Онҳазрат Султон Увайсдан ранжиган бўлса ҳам, у улуғ зотнинг шафоатини рад қилмади ва «Лашкар харобалик келтирмасин», — деган ҳумоюн ҳукм содир бўлди. Жируфт ва Гармсeротни босқин қилишга кетган амирлар қайтиб келдилар, сўнг зафар нишонли мавкаб Хуросон мамлакати томон қайтди.

САККИЗ ЮЗ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1416)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

КЕРМОН ВИЛОЯТИДАН ХУРОСОН МАМЛАКАТИГА ҚАЙТИШ ЗИКРИ

Кермон кечмиши муртазойи аъзам Саййид Шамсуддиннинг воситачилиги ва Султон Увайснинг келишга берган ваъдаси билан тўхтатилганидан кейин ҳазрат хоқони саид Сиржон қасабасидан чиқиб биёбон йўли билан Хуросонга йўналди, оламни забт этувчи хоқон қадамининг баракати билан Қўҳистон вилояти жаннат боғи¹ рашкини келтирувчи бўлди ва Хуросон аҳолиси шунчалар шодхуррамлик қилдики, — мисра, тил унинг васфини сўзлашдан ожиз. Улуғлару кичиклар, кучлилару заифлар, оддий халқу шариф кишилар ва ёшу қарилар ҳаммаси минг тил билан айтар эдилар:

Тангрига миннатдорликлар бўлсинки,
танга яна жон қайтиб келди.

Жонга хабар етдики, жонон қайтиб
келди.

Мулк чаманидан кетган барно қадли
сарв

чаман томон нозли хиром билан
қайтиб келди.
Яъни давлату дин кўмакчиси,
замон хусрави (Шохрух)
Форс мулкидан Хуросон томон
қайтиб келди. (331)

У ҳазрат муҳаррам ойининг ўрталарида (15 март, 1416) доруссалтана Ҳиротга келиб тушди ва бу шаҳар аҳолисига яхши иноят ва лутфу марҳамат юзасидан риоят қилди.

**МИРЗО АМИРАК АҲМАД ВА МИРЗО ИЛАНГИР
ҲАМДА УЛАРНИНГ БУЗУҚ ФИКРЛАРИ
ВА КАСОД ТАДБИРЛАРИ ЗИКРИ**

Андижонда Мирзо Улуғбекка қарши исён кўтариб, амирларни қатлга етказган ва Кошғар томонга кетиб қолган, аммо юқорида айтиб ўтилганидек², ҳазрат хоқони саид унга нисбатан қариндошларча риоят қилиб, юпанчнома юбориб (Ҳиротга) чақиртирган мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайх шу орада доруссалтана Ҳиротга етиб келиб, мулозимат қилиш шаарафига етишди. У мирзо Илангир ибн мирзо Абу Бакр билан ҳамтовоқ бўлиб олиб, иккалалари эртаю кеч бетиним шаробхўрлик билан машғул эдилар. Баъзи фитначи навкарлар уларнинг хотирига салтанат (332) хом хаёли ва маккорлик васвасасини ўрнатдилар ва бу кечмишнинг шарҳи шуҳратли қулоқларга эшитилди. Шу аҳвол асносида ва бу сўзлар тафтиш қилинаётганида мирзо Қайду олдидан арза хат келди, унинг мазмуни шундай: мирзо Бойқаро бир тоифа қонхўр бузуқиларни ўзига иттифоқдош қилиб мирзо Қайдута қасд қилди. Мирзо Қайду бу макрдан воқиф бўлиб, мирзо Бойқарони бандга олди ва фитначиларни йўқлик оламига жўнатди. Мирзо Бойқаро занжир ва ғул бандида онҳазратнинг ишоратини кутмоқда.

Қудратли амирлар ва номдор ноиблар: «<Яқин (қариндош)ларнинг энг яқини — чаёнларнинг чаёнидир> (мақоли)-

нинг ҳақиқати зоҳир бўлди, шаҳзодаларнинг қабих феъллари ва ор-номуссиз ишлари ҳадду ҳисобдан ўтиб кетди, гарчи уларнинг қўлидан бирор иш келмаса-да, аммо улар фитна кўтарилишига мунтазирдирлар, мабодо кутилмаганда бирор зарарзаҳмат етиб қолгудек бўлса, унинг тадорикини кўриб бўлмайди ва ундан кейин уларга эътимод ҳам қолмайди; уларга таъзир бериш шундай бир тарзда бўлсинки, зийрак кишининг ибрат кўзи ҳайратда қолсин, чунки неъматга куфр келтириш ва тарбиятни унутиш ҳаёт қасрининг бузилишига сабабу сабот лашкарининг енгилишига боисдир», — деб арз қилдилар.

Аҳвол шундай эканлигига қарамай онҳазрат шафқат қилиб: «Мирзо Амирак Аҳмад Каъба хонасига юзлансин, мирзо Бойқаро Синд дарёсидан ўтиб Ҳинд мамлакатларидан қай бир ерни истаса ўша жойда турсин, мирзо Илангирни эса кемага ўтқазсинлар (333), — мисра, — токи бахт толеи қаерга элтса (ўша ерга борар)», — деб буюрди. Уларнинг ҳар бирига бир нечтадан навкарни мулозим қилиб, (хоқони саид) қўлидаги мамлакатлар чегараларидан ташқари чиқардилар. Мисра: Улар бошқа қайтиб келмайдиган бўлиб жўнадилар.

ОЛАМ АҲЛЛАРИ ШАҲЗОДАСИ ФИЁСУДДИН МИРЗО БОЙСУНҒУР БАҲОДИРНИНГ ДЕВОН КУРСИСИГА ЎТИРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид тийрак хотири билим сирларининг хазиnasi ва ёрқин замири яратувчилик нурларининг чиқиш жойи бўлмиш, — байт, —

Подшоҳлик боғининг янги меваси
ва илоҳий гулшан гулдастаси

давлат ва диннинг таянчи мирзо Бойсунғурни аъло девон(ни бошқариш)га ўтирсин, — деб буюрди, токи у, — байт, —

Фарёдталабларнинг фарёдига етсин
ва додталабларнинг дилининг додига етсин.

Мақтовли сифатлар эгаси улуғ зот шаҳзода худди нур бағишловчи руҳ ва шаклга келтирувчи ақлдек бошига бахт-саодат тожи ва эғнига яшнаб турган қабо кийган ҳолда девон тахтини ўз қадамлари шуъласи билан безантирди ҳамда олам аҳлининг муҳим ишларини адолат тақозосича ҳал қилиб турди, гоҳо (ҳар хил) кечмишларни ва Оллоҳи таолонинг (подшоҳларга топширган) омонати бўлмиш раиятлар даъволарини (ҳадисда келган) <ҳаммангиз бамисоли подачиларсиз ва ҳар бирингиз ўз қарамоғидаги раиятлар устидан жавобгардирсиз> (деган сўзларга) биноан тинглаш билан машғул бўлиб (оятдаги) <сен кишилар орасида ҳақиқат билан ҳукм юритгин>³ (деган буйруқ)га асосан ҳукм чиқарар, гоҳо эса жафокор золимлар ҳолига ғазаб назари билан қараб (334) <сиз учун ҳаёт — қасос олишдадир>⁴ (деган оят) фармони бўйича иш тутар эди. Қудратли хоқоннинг девонида қабул маросими куни ўнгу сўл тарафда номдор маликлар ва замона донолари итоат камарини белга боғлаб турар ва ҳуш қулоғини фармон тинглашга тутиб, унга дилу жон билан бўйсунар эдилар. Қитъа:

Унинг эшиги сари султонлар шу қадар интилар —
диларки,
офтоб нури у ерда юз ҳийла билангина қабулга
муяссар бўларди,
Унинг инсофли эканлигига бутун жаҳонда бирор киши
шубҳа қилмайди.
Бирор кишининг дилига ҳам осмон гардишидан
озор етмайди.

РУҲИ ПОКЛАНГУР АМИР ШАМСУДДИН БУМИЙНИНГ КЕЛГАНЛИГИ (ЗИКРИ)⁵

Султон Увайс ибн амир Идику кечмишини (тинчитиш вази-
фасини) ўз бўйнига олган саййид жаноб амир Шамсуддин
Бумий Кермон томондан доруссалтана Ҳиротга келиб, гарчи
Султон Увайс ваъз-насиҳатларни кўп эшитган бўлса ҳам, улар-

дан андаккина бўлса-да қулоққа олмаганлигини ҳумоюн арзга етказди. Ҳазрат хоқони саиднинг ғазаб оташи аланга олиб, лашкарларни тўплашга буюрди ва номдор амирлар бошчилигида кўп лашкар Кермон томонга юришга номзод қилинди. Амирлар⁶: (Хуросондан) амир Иброҳим барлос, амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Ҳасан Сўфи тархон, (335) амир Алика кўкалтош, амир Ҳусайн Сўфи тархон, амир Фармоншайх, амир Қаноширин ва амир Мусо; Мовароуннаҳрдан: амир Одилбек, амир Искандар ва амир Абу Бакр Оқтемур⁷; Сеистондан: Шоҳ Қутбуддин; Фароҳдан: Шоҳ Искандар Наёлтегин ва Нимруз мамлакатининг бошқа сардорлари ҳам Форс⁸ ва Ироқнинг амирлари қирқ минг ғалаба шиор суворийлар билан рабиъ ал-охир ойининг бошларида (29 май, 1416) Кермон ерларига етдилар. Кермон фитнаю бало макони ҳам ранжу машаққат масканига айланди. Султон Увайс жангу жадалга ҳозирланиб шаҳардан ташқари чиқди, аммо зафар паноҳидаги сипоҳдан қўрқиб унга рўбарў тура олмай, ҳисор деворидан паноҳ тилаб чекинди. Байт:

Душман бизнинг ҳамламиз тигига
бардош бера олмагач,
Сомон сингари деворга
ёпишиб олди.

Ғалаба ёр лашкар ўқ учидек шиддат, ўткир тифдек тезлик ва бургут янглиғ зийраклик билан жанг олиб борар эди. Кермон сипоҳийлари дадиллик кўрсатиб муҳораба учун яқин келдилар. Ҳар куни нилуфар рангли майдон шоҳи (қуёш) жаҳонгирлик қасдида нилранг денгиз уфқидан бош кўтарган замондан жўнаш чодирини мағриб бинафшазори атрофига ўрнатган вақтгача ғулғула фазосининг довюраклари ва жангу жадал майдонининг сарбозлари ернинг тупроқ рангли палосини ботирлар қонидан лаъдек атлас тусига киргизар ва найзанинг тили ҳам жон олувчи шамшир баёни билан жанг шарҳию уриш-ўлдириш арзини ифодалар эдилар. Шу тарзда етмиш кун ўтиб, шаҳар аҳли тангликка тушди. Султон Увайс итоаткорлик би-

лан амирлар ҳузурига элчилар юбориб, агар ҳазрат хоқони саид **(336)** унинг хундан ўтишга марҳамат буюрсалар, эъти- мод қўйиб у ҳазратнинг хизматига етишажагини билдирди. Амирлар бу кечмиш баёнини аъло тахт поясига арзга етказди- лар. Ҳазрат (хоқони саид)нинг табиати аслида туғма марҳа- матга эга бўлганидан илтимосни қабул қилиб, «Султон Увайс бир неча бор ваъда қилди-ю, лекин ваъдасига вафо қилмади, энди, агар шу сўзига содиқ бўлса бирор ишончли кишини юборсин, аммо, шаҳар бўйсунмагунича, амирлар ўринлари- дан жилмасинлар», — (деди). Амирлар сулҳ тузишга рухсат олганларидан кейин, Султон Увайс билан аҳду паймон тузиб, у мамлакатнинг энг баобрў малиги бўлмиш амир Шайх Ҳасанни онҳазратнинг ҳузурига олиб бориш ва Кермон рўбарўсидан лашкарни жилдиришни маслаҳатдан деб билдилар. Кермон- ликлар шод-хуррам бўлишиб, амир Шайх Ҳасанни муқаррар қилинган нарсалар ва муносиб совғалар билан жўнатдилар; лашкарлар Кермон дарвозасидан йироқлашдилар. Амир Ҳасан Сўфи ва бошқа амирлар ражаб ойининг охирларида (23 сен- тябрь, 1416) Ҳиротга қайтдилар ва амир Шайх Ҳасанни (хо- қони саид) оёқларини ўпиш шарафига етказдилар. Амир Шайх Ҳасан: «Онҳазратнинг бебаҳо илтифоти ва асл хушфеълиги, гарчи унинг ҳар бир фармони учун бирор васиқа бўлиши ёки бирор аҳднома лозимлигидан юқори турса ҳам, аммо олам аҳли ва одамзод табақалари орасида муваффақият ва яхши аломат (тилаш) мақсадида тангри номини ўртага қўйиб аҳдла- шиб олиш оддий бир суннат ва машхур бир одатдир ва қул- лар билан эгалари орасида шу хилдаги муносабатлар воқе бўлиб келган. Шу туфайли, Султон Увайс ҳам ўзида ишонч ҳосил қилиб, ҳеч тараддудсиз **(337)** ер ўпишга отланмоғи учун (хо- қони саид) ҳазратларидан аҳднома олиб келишга бу қулни юборди», — деб арз қилди. Онҳазрат унга жавобан: «Тангрига ҳамд бўлсинки, агар истасак яхшилик билан ҳам, куч қўллаб ҳам унга ўз ҳукмимизни эшиттиришга етарли куч-қудратга эгамиз, аммо Султон Увайснинг илтимосига асосан яхши ният ва соф эътиқод билан Оллоҳи таолони ёд қиламизки, орамиз-

да бу аҳднома бунёдга келган ушбу соатдан бошлаб дилу тилда ва ботину зоҳирда ушбу сўзларни бирдек эътироф этаман, (яъни) султон Увайсга қарши дилимда ҳеч бир ёмонлигим йўқ ва унга қасд ҳам қилмайман, имкон борича унга қасд қилувчиларни даф этишга ҳаракат қиламан. Агар илгарилари мен мамлакат ишларини яхшилаш юзасидан ҳукм қилган ё баҳслашган, буйруқ берган ё бирор нома ёзган бўлсам, энди унинг хилофини қиламан. Токи у ўз ваъдасига вафо қилиб борар экан, биз ҳам ушбу битилган сўзларда қатъий турамиз ва бу аҳдга токи унинг тарафидан бирор нуқсон етмагунча, вафо қиламиз; энди у бизнинг паноҳимизга сифиниб бу томонга юзланмоғи лозимдир. Мисра: Биз томондан лутфу марҳамат ва иноят (кўрсатилади). Мухолифатчилик гап-сўзлари орага тушганлиги сабабли агар у келишдан бош тортса, унда лашкар юбориш салтанат ҳиммати зиммасидаги вазифадир, балки ўзимиз шахсан отланишимиз ҳам лозим бўлар. Агар келса, биродару фарзандлардан ҳам азизроқ бўлади». Амир Шайх Ҳасан ана шу аҳду паймон билан Кермонга қайтиб кетди. (338)



МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТЛАРИДА СОДИР БЎЛГАН КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ



Жаноб Мафисуддин Мирзо Улуғбек ўн еттинчи муҳаррамда (17 март, 1416) Хўжаңд сувининг соҳилида Шоҳрухия рўбарўсида ҳумоюн саропардасини тиклади⁹; Жабборберди Чингиз ўғлонни қувиб Ўзбек улусини бўйсундирганлиги ҳақида Хоразм томонидан хабар келди. Мирзо Улуғбек қайтиш тарадудини кўриб, Сайхунга кўприк боғлади ва сафар ойининг охирларида (28 апрель, 1416) Самарқандга етди¹⁰. Рабиъ ал-аввал ойида (29 апрель — 28 май, 1416) амир Ҳамза тархон у дунёга жўнади; биродарлари амир Муҳаммад Сўфи ва амир Саййид Аҳмад таъзия билдириш учун Мовароуннаҳрга келдилар. Мирзо Улуғбек уларга лутфу меҳрибонликлар кўрсатди ва иззат-икром билан қайтишларига рухсат берди. (Бўлиб ўтган) исён вақтида Кошғарда турган¹¹ мирзо Амирак Аҳмад,



(339) юқорида айтиб ўтилганидек¹², Хуросонга кетаётганида амир Шайх Али Тағойини ўз ноиб қилиб Кошғарда қолдирган эди. Амир Шайх Али ўз ўғлини Самарқандга юборди ва улў амир (Темур)нинг руҳини шафе келтириб Мирзо Улуғбекдан гуноҳларини афв этишни сўраттирди ва Кошғарга бир одам юборса, унга мамлакатни топшириб Самарқандга боражагини изҳор қилди. Мирзо Улуғбек Сиддиқ ва Али Такритларни жўнатди ва (Шайх Али) Тағойи Кошғарни уларга топшириб, Самарқандга келди; шаҳзода уни яхши қабул қилди. Ҳазрат хоқони саид Форс мамлакатидан Хуросонга қайтган вақтда Шамъи Жаҳоннинг ўғли Нақши Жаҳоннинг элчилари Мўғулистон тарафидан келиб, совға-саломлар ва у вилоятларнинг тансиқ нарсаларини келтирдилар ва итоаткорлик изҳор этдилар. Онҳазрат элчиларни инъом-эҳсонлар билан хурсанд қилиб, самимийлик омилларини мустаҳкамлаб, қайтишларига рухсат берди.

Ўзбек вилояти тарафидан Хожалоқнинг ўғиллари қочиб келиб, Ўзбек вилояти ғалаён кўтарганлиги ҳақида арз қилдилар¹³. (340)

МИРЗО ҚАЙДУНИНГ НАВКАРЛАРИ УНГА ҚАРШИ МУХОЛИФАТЧИЛИК ИЗҲОР ҚИЛГАНЛИКЛАРИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид Қандаҳор ва Афғонистон мамлакатларини Ҳиндустон чегараларигача мирзо Қайду баҳодирга суюрғол қилиб берган вақтида, у мамлакатлар ишларини саришта қилиб туриш учун унга мулозим тарзида¹⁴ амир Баҳлул барлосни тайин қилган эди. Бу амир Баҳлул амир Шайх Нуруддиннинг мухолифатчилиги вақтида¹⁵ у билан иттифоқ эди; Шайх Нуруддин мағлубиятга учраган вақтда амир Баҳлулни онҳазратнинг ҳузурига келтирдилар; онҳазрат меҳршафқатнинг зўрлигидан унинг гуноҳидан ўтиб, мирзо Қайдуга мулозим қилиб қўйди, чунки у ҳазрат соҳибқироннинг замонида мирзо Қайдунинг отаси мирзо Пир Муҳаммаднинг мулозими бўлган эди.

Баҳлул барлос Қайдунинг амир ул-умароси бўлиб олгач, ҳукумат мастлиги уни туз ҳақини унуттиришга олиб келди ва у (шаҳзоданинг) тарбиятларини йўқ деб билди, вафодорлик ва одамгарчилик одатларига қўл силтаб бебоклик этагини маҳкам тутди ҳамда итоаткорлик ёқасидан бош тортиб, Ҳасан ахточи, Луқмон Қаро ва Усмон Алилар каби бир гуруҳни ўзига иттифоқдош қилиб олди (341) ва ҳаммалари мирзо Қайдуни ордан кўтариб унинг ўрнига биродари мирзо Санжарни ўтирғизишга аҳд боғладилар.

Мирзо Қайду бундан огоҳ бўлиб ўзини улар орасидан четга тортди ва бу аҳвол ҳақида онҳазратга арзга етказди. Аъло ҳазрат (хоқони саид) амир Нуширвон ва бир гуруҳ қавчинларни ўн минг суворийлар билан¹⁶ у тарафга юришга тайин қилиб, мирзо Қайдуни ўз шуҳрат ўрнига ўтирғизиш, унинг муҳолифларини эса овораю саргардон қилишга буюрди.

Мирзо Пир Муҳаммаднинг душманлар орасида бўлган қадимий навқарлари ғалаба паноҳидаги сипоҳ овозасини эшитгач, ҳаромнамаклардан юз ўтириб, ўз валинеъматлари (мирзо Пир Муҳаммаднинг ўғли мирзо Қайду)га мойил бўлдилар; мирзо Қайду лашкар билан қувватлангач, офтоб янглиғ жаҳонни забт этувчи тифни яланғочлаб муҳолифлар устига юрди. Душман қарши туришга тоб келтиролмай заррадек тарқалиб-чочилиб кетди; мирзо Қайду зафар топиб, ғолибларча ўз бахти тахтига етишди. Баҳлул барлос ва Ҳасан ахточи онҳазратнинг карамига эътимод қўйиб, Хуросонга жўнадилар ва амирларни шафе келтириб гуноҳларини эътироф қилдилар. Онҳазрат уларнинг жарималари саҳифасига афв рақамини тортди ва у ўтмиш учун, гарчи маломат билдирган бўлса ҳам, жазо бермади. Мисра: гуноҳларни кечиришда унинг карами мингта шафедан афзалдир.

Шу аснода¹⁷ Ҳиндустон пойтахти Деҳлидан Хизрхоннинг элчиси етиб келди ва у билан биргаликда онҳазратнинг Форс мамлакатлари фатҳидан кейин у (Ҳиндустон) тарафга жўнатган (342) элчиси¹⁸ ҳам қайтиб келиб, иккалалари подшоҳона совға-саломларни тақдим қилдилар. Элчи: «Мирзо Қайду элчи

юбориб Ҳиндустон мамлакатларида унинг номи билан х у т б а ўқиб, пул зарб қилишга буюрди, биз эса онҳазратнинг ишоратларини кутиб турибмиз», — деб арз қилди (ва яна) «Ҳиндустон вилоятларининг аксари Хизрхоннинг фармониға тобедир¹⁹, фитнаға таскин бериш мақсадида х у т б а да унинг номи ёд қилинишиға н у в в о б ҳазратлари қандай қарайдилар?» — деган саволни изҳор қилди. Онҳазрат элчиға меҳрибонликлар кўрсатди ва унга бошқа бир элчини ҳамроҳ қилиб юбориб уларға: «Х у т б а да аввало ҳазрат Шохрухнинг лақабларини тилға олсинлар ва кейин Хизрхонни ёдласинлар», — деб буюрди. Элчилар шу буйруқ билан йўлга равона бўлдилар²⁰.

МИРЗО СУЮРҒАТМИШНИНГ БАДАХШОН ТОМОН ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шоҳ Некпайшоҳ²¹ ўн тўртинчи рабиъ ал-аввалда (12 май, 1416) Бадахшон тарафдан доруссалтана Ҳиротга келиб, жаҳонпаноҳ даргоҳда ўз биродарлари ва қариндошлари устидан шикоят қилди. Бу ҳикоятнинг шарҳи (қуйидагича): **(343)** Шох Баҳоуддин Бадахшон молини олиб кетсин учун элчи юборишни сўраган, лекин кейин (молни тўпламай) қайсарлик қилган, ғалаба ёр лашкар уни тутишға қасд қилганида эса у тоғ-тошларға қочиб беркинган эди; бу ҳақда (юқорида) батафсил сўзлаб ўтилган²². Амирлар Шох Баҳоуддинни қидириб Бадахшонда ҳар тарафға елиб-югурдилару, аммо ундан номунишон топмай, Бадахшон мамлакатини унинг биродари Шох Маҳмудға топширдилар. Шох Баҳоуддин Мўғул вилоятиға бориб, у ердан ноумид бўлиб қайтди²³ ва мазкур ножўя ҳаракатларидан қатъий назар, онҳазратнинг карамиға эътимод қўйиб, Ҳиротга келди ва Бадахшоннинг тартибсиз аҳволи ҳақида сўзлади. Онҳазратнинг тақдир нурларини ўзида акс эттирувчи улуғ хотири у мамлакатни забт этиб эғалик қилишни саодатманд фарзанд мирзо Суюрғатмиш баҳодирға²⁴ иноят қилди ва у ерларда буйруқ бериш ва ман қилиш жиловини унинг н у в в о б лик қобилияти кафтию зийраклик панжасига

тутқазди. Жаноб шаҳзода жумод ал-охир ойининг бошларида (27 июль, 1416) лашкарлар²⁵ билан у тарафга жўнади. У вилоят шаҳзоданинг қадамлари шарафи билан янги зийнат ва беандоза эътибор касб этди; у вилоят аҳолиси осойишталикка эришдилар. Амир Султон Аҳмад Ҳилол буйруққа биноан у тарафга жўнади²⁶ ва Шох Баҳоуддин ҳам кетишга ижозат олди. (344)

(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМАНЧИ

(1417—1418)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ШАҲЗОДА РУКНУДДИН МИРЗО АЛОУДДАВЛАНИНГ ТУФИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Бир саодатли юдуз туфайли олам
муборак толе касб этди:
мамлакат сардорлари учун кеча яна
бир бошчи пайдо бўлди.

Мурод юдузлари илоҳий иноятлар уфқидан тулуъ қилди ва комронлик юдузлари илоҳий кўмакларнинг болқиш жойидан кўтарилди, подшоҳлик айвонининг Кайвон (юдуз)и ўз шараф хонасига юз тутди ва салтанат осмонининг Биржис (юдуз)и камол авжига етди, яъни жумод ал-аввал ойи¹ юз кўрсатган панжшанба кечаси (16—17 июнь, 1417) шаҳзода Рукнуддин мирзо Алоуддавла ибн мирзо Бойсунғурнинг саодатли туфилиши воқе бўлди. Байт:

Оллоҳнинг кўмаги билан улуғлик
буржидан шоҳлик осмони учун
ҳумоюнфол бир юдуз тулуъ

қилди.

Равшан замир қуёш у кеча қоронғулиғини худди сурмадек кўзига тортди ва ўша нил (ранги) билан кундузнинг мафтун

қилувчи юзини пардозлади, гардун эса Парвин (юлдузлари зумраси) қийматига тенг бўлган бир шодани арз табақига қўйиб мағриб соф тонгини нисор қилмоқ учун келтирди. Байт:

Тонг у хушхабарни сўзлашга тилини
чиқарган вақтида
фалак унинг оғзини офтоб нуридан
зарга тўлатди.

Осмоний бахт-саодат у билан дўстлик қилишни истаган бир соат ва Муштарий (сайёраси) ундан саодат истифода қилган бир толеда (345) Зухра (сайёраси) руҳни шодлантирувчи навони чертиб Кайвон (сайёраси)дек улуғвор пирни рақсу жазабага келтирди, Баҳром (юлдузи) бахтиёрликдан Саъди акбар (сайёраси) шарафини топди, Уторид (сайёраси) офтоб устурлоби билан вақт белгилаб, ойнанинг кумушранг давотию учар юлдузнинг қаламини ишлатиб, субҳнинг (сиёҳи) ва шафақнинг шингарф (бўёғи) кўмагида шоҳона толе зойичасини фалаклар варақларига битди, у кўз нурининг талъатидан ҳазрат хоқони саид ва бахтли шаҳзода жаноб мирзо Бойсунғурнинг кўзлари равшан тортди, уларнинг муродлари ойнасида диллари тилаган сурат юз кўрсатди. Тангрининг фазлига умид барқарордирки, у (фарзанд) подшоҳликнинг аъло даражаларига кўтарилғусидир. Олоҳга ҳамд бўлсинки, хаёл ойнасида акс этган нақш амалда ҳам худди ўшандай жамол кўрсатди.

АМИР САЙЙИД ФАХРУДДИН ВАЗИРНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИНГ ОҚИБАТ ҲОЛИ ЗИКРИ

Шу йили қазойи осмоний тақозоси ва илоҳий тақдир ҳукми билан тириклик хумидан шундай бир ранг ошкора бўлди ва фалакнинг нард ўйини соққасидан шундай бир нақш юз кўрсатдики, бундай ҳол жаҳон бунёдга келгандан бошлаб бизнинг кунгача (346) тарихнавислар назарига тушмаган ва битикчилар қаламига олинмаган. Шунга биноан унинг шарҳи (бу ерда) келтирилади, токи билимдон кишилар ибрат кўзи ва

зийраклик назари билан тириклик аҳволи ва кечаю кундуз варақларига назар қилсинлар ҳамда ўткинчи давлатга мағрур бўлмасинлар. Мисра: гардуннинг (сенга бўлган) беш кунлик меҳр-шафқати афсонаю афсундангина иборатдир.

Бу сўзнинг тафсили шундан иборат: мирзо Бойсунғур девон маснадини шарафли қилган вақтда² амир Саййид Фахруддин мустақил равишда соҳиби девонликда ўтириб, қабул ёки рад, ҳал ёки банд қилиш ишларида³ яккаю ягона эди. У ўзига кўп аъёнлар ва ҳадсиз буюмлар ҳосил қилиб, мол-мулкнинг кўплигидан ўз даври Қорунига ва шаън-шавкат ғуруридан замон Фиръавнига айланган эди. Ўша кунларда ҳазрат хоқони саид мирзо Бойсунғурнинг саъй-ҳаракати билан соҳиби аъзам Хожа Низомуддин Аҳмад ибн Хожа Довудни Саййид (Фахруддин)га шерик қилиб девонга ўтирғизди. Мазкур соҳиб ўткир зеҳли, ҳозиржавоб киши эди; у кириш-чиқим ишларидан воқиф бўлгач, жиддий ё ҳазил тариқасида сермазмун мутойибалар сўзлаб юрар ва Саййиднинг зўрлик қилишига йўл қўймай келарди. Саййид бундан тоқати тоқ бўлса ҳам, аммо сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди; рақиби унинг яширин сирлари ва пинҳон фикрларидан воқиф бўлганлиги сабабли ҳадиксираши ортарди.

Саккиз юз ўнинчи (1407—1408) йили Хожа Фиёсуддин солор Симноний Саййид (Фахруддин) устидан маълумот ёзиб, уни бўшаттирди ва ўзи бир йил мири девон бўлди. Сўнг Саййид (Фахруддин ҳам) Хожа Фиёсуддин устидан уч юз тумон (етиш-маслиги ҳақида) маълумот ёзди. Хожа Фиёсуддин раиятга раҳмдиллик кўргазар эди-ю, аммо амирларнинг муҳим ишларини кўнгилдагидек саранжом қилмас эди. Хожани ва унинг о м и л ларини ҳисоб арзгоҳига келтирдилар; уларнинг йўл қўйган чалкашликлари текшириб аниқланди (347) ва ҳаммалари ҳибсга олиниб, Хожа Фиёсуддиннинг вазирлиги сел сингари тезда тўхтади; тақдир уни шундай қийноққа солдики, унинг тирноғи тагидан қон келди, қазо м у с т а в ф и й с и йўқлик қалами билан унинг ҳаёт саҳифасига туталланиш рақамини тортди. Саййид Фахруддин яна мустақил равишда соҳиби девон бўлди

ва ўзига (қарши) саъй-ҳаракат қилган жамоадан жабр-зулм билан мажбуран уч юз тумонни ундирди ва у тоифанинг қири-либ йўқ бўлиб кетиши учун кўп қабихликлар қилди. Байт:

Сен замон аҳли устидан ҳукм юритишга
эришган кунинг
келажак — оқибатга назар қилгину қўлингни
кўтоҳ тутгин.
Сен ситам қўлини чўзмагин; ёдингдан
чиқармагинки,
тангри мазлумлар додини тинглаш эшигини
беркитган эмас.

Қон тўкиш — танбеҳга лойиқ ишдир ва бундай қилувчи кишининг умри қисқадир.

Шундай қилиб Саййид (Фахруддин) бедараклик қаъридан яна тақдирланиш авжига кўтарилиб шундай даража ва мансабга эришдики, ундан юқориси тасаввурга ҳам сиғмайди: унинг ишлари равнақи шундай бир чегарага етдики, фармони жаҳон юзасида қазою қадардек сўзсиз жорий бўлди, унинг даргоҳи катгаю кичикнинг бошпанаси, боргоҳи эса фозилу олим, яхшию ёмон кишиларнинг умидгоҳига айланди; вазирликда унга муяссар бўлган нарса ҳеч бир вазир, балки амирга ҳам насиб бўлган эмас; у қалам аҳллари муродининг хулосаси чўққисига ва одамзод олиҳимматлигининг юқори поғоналарига етишди; қайси бир ишда бўлмасин тақдир унинг тадбирига мувофиқ келди: охири барча ишга қодирлик қуввати ва манманлик гурури унинг устидан шундай ҳукмрон бўлиб олдики, у девон аҳллари ва жаҳон улуғлари гарданига оёқ қўйди. Замона маликлари ва одамларнинг улуғлари, атроф ерлар шарифлари ва шу даврнинг аъёнлари унинг даргоҳига борганда, у биринчи галда ҳеч бир кимсани қабул қилмас эди. Унинг ҳузурига бир неча восита орқалигина рухсат берилар, (рухсат олган) киши яна бир неча тўсиқлардан ўтишга мажбур бўлар, мазкур саноқли кишилардан ташқари биронта одамда ҳам унинг олдига кириш учун имкон йўқ эди; кўпчилик у билан учраша олмай

қайтиб кетарди. «Агар бу соҳиб улуғворлик минорасидан йиқилғудек бўлса, юз порага парчаланиб кетади», — (деган фикр) оқиллар хотиридан кўп марталар ўтган эди. (348) Мисра: <унинг йиқилиши ҳам кўтарилиш даражасига қараб бўлади>.

Олижаноб шаҳзода мирзо Бойсунғур девон курсисига ўтириш шарафи билан уни безантирган ва ёрқин чақмоғу нурли офтобдан намуна бўлмиш тез зеҳну ўткир идроки билан ким-чиқим ишларини текширишга илтифот буюрган бу вақтда Саййид (Фахруддин)нинг номақбул ҳаёти сурати ва нодуруст тирикчилиги сифати, мусулмонлар мол-мулкига тамаси ва девон маблағларини ўзлаштираётганлиги ҳамда унинг барча хиёнат-жиноятлари намоён бўлди. Девон омиллари бу сўзлардан ҳарчанд воқиф бўлсалар ҳам, Саййиднинг сиёсати мавжуд экан, унга сўз қотишга мажол топиш ва қарши туришга юрак бетлашни маҳол деб билар эдилар.

Мирзо Бойсунғурнинг унга нисбатан муносабати ўзгаргач, Саййид томонидан бахтсизликка дучор қилинган амир Али Шақоний «икки юз тумон маблағнинг (нима бўлганлигини) равшан қиламан», — деб арзга етказди ва унинг нилуфар янглиф кўкарган юзи қизил гул сингари мусаффо очилиб, хандон бўлиб кетди. Олижаноб шаҳзода «Саййиднинг ким-чиқим ишлари текшириб аниқлансин», — деб буюрди. Мир Али биринчи бўлиб (Саййиднинг) хазинани ўзлаштирганлигини айтди. «Хазиналар кўздан кечирилсин», — деган фармон содир бўлди. Хазинадор Саййидга бериш учун бир қанча маблағни олиб кетган бир гуруҳга мурожаат қилиб: «хазина маблағини қайтариб олиб келинглар, токи ишнинг бетига чок тушмасин», — деди. Шу жумладан бири Хожа Пир Али ибн Муҳаммад Боязид бўлиб, у Саййиднинг сирларига маҳрам, яширин қилмишларидан хабардор эди. Унинг ва отасининг тилхатлари хазинадорнинг қўлида эди. Улар Саййидга даъвогар бўлиб, Саййид эса ҳар куни бир важ айтиб қайтарар эди. Шу тариқа сўз дағалликка бориб етиб, бу можаро узайиб кетди ҳамда Саййид билан Пир Али орасидаги келишмовчилик созининг ихтилоф пардасидан баланд оҳанг кўтарилди, балки иш парда

билан беркитиш даражасидан ўтди ва сир парда остидан ош-кора бўлди. (349)

Ҳазрат хоқони саид бу жамоатни ўз ҳузурига чақириб, юзма-юз сўроқ қилди; хазинадор «Зар-маблағни Пир Али олиб кетган», — деса, Пир Али «Саййидга берганман», — деди, Саййид эса бунинкор этди. Онҳазрат Саййидга нисбатан иноят қилиб: «Хазинадан ниманики олиб кетган бўлсалар ва бунга иқрор бўлсалар хазинага келтириб топширсинлар, кимнингки гарданида бирор нарса борлиги аниқланса қайтариб берсин», — деб буюрди ҳамда бу муомалага кимда ким аралашган бўлса, шуни хиёнатда айблаб бандга олди. Саййид эса (ҳануз) девон маснадида ҳукм юритувчи бўлиб, хазина маблағини қайтариб олиш ҳам унинг раъйига топширилган эди. Мазкур жамоанинг аҳволи мисрада (келтирилган) «Уларга ғам-хўрлик кўрсатиб ғам тортган кишининг ҳам ҳолига вой!» — деган даражага етди.

Бироқ бу сўзлар очик-ойдин ўртага тушиб, айғоқчилар илгари қўрқинчдан ўзларига ҳам айта олмай юрган гапларни энди баланд овоз билан сўзлаб дилларини бўшатишга киришгач, ҳазрат хоқони саид Саййиднинг кирим-чиқим ишларини тафтиш қилсинлар, деб буюрди. Унга моллар берган бир гуруҳнинг аксаридан хатлар олдилар. Саййид <хоҳ-нохоҳ> мушкул воқеа ва қўрқинчли таҳликага тушиб қолажани билди ҳамда рақиблар муддаосини қабул этиб, у маблағни ўзига ҳисор қилиб олишни ва ҳозирча нақд пул билан савол-жавобдан халос топишни, вақт тақозосича, маслаҳатдан деб ўйлади: икки юз тумон к а б а к и й (д и н о р) ни бир йил ичида тўлашга рози бўлди, чунончи ҳар кунига (тақсимланганда) ироқий зарнинг ўттиз уч минг уч юз ўттиз учу олтидан икки динорига тўғри келди⁴. Саййидни банд қилиб м у ҳ а с с и л г а топширдилар; Саййид шу аснода мирзо Бойсунғурдан нажот тилаб бир хат юборди, (мазмунини шундай): байт:

Жигар иситма алангасидаю юрак қон
тўлқинларида қолди,

агар бирор лутф кўрсатмоқчи бўлсанг —
мана ҳозир вақтидир. (350)

У ўз хатида авлод-аждоди ва барча суҳбатдошларига Оллоҳ саломини йўллагур пайғамбарнинг руҳини шафе келтирган эди. Жаноб шаҳзода унга (қуйидаги) жавобни юборди:

«Саййидликка лойиқ жаноб халос топиш борасида бир ишорат битиб, «ҳазрат пайғамбарнинг руҳи ҳаққи учун фарёдимга етсинлар», — деган эканлар, аммо ҳазрат пайғамбарнинг бу ишларга сира ҳам рози бўла олмаслигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир, — шеър:

<Сен ўз аслзода ота-боболаринг билан фахрланибсан,
тўғри, сен ҳақлисан, лекин уларнинг болалари қандай
ёмон бўлиб чиқди !?>

Шу билан бирга аниқ ва равшандирки, бизда у (Саййидга) ё оламдаги бирор бошқа бандага нисбатан заррача ҳам фарз йўқдир; у ўз қилмиши ва айтган гапларидан андиша қилсин. Байт:

Агар ёмонлик қилмаган бўлсанг, кишилардан
ҳадиксирамагин,
ҳамиша ўз қилмишинг ҳимоятига сиғингин.

<Тангри (гуноҳкорларга) муҳлат беради-ю, лекин бутунлай кечиб юбормайди> дейилганидек, кишиларнинг жони, хотин-болаларига қасд қилганликнинг жазосини тортишга тўғри келади; ёмон ишлар ва қабих қилмишлар жарима ва жазога сабаб бўлади. Байт:

Сен зулм ўтказдинг, энди эса ўзингга нисбатан адолат
тама қилмоқдасан, бунга эриша олмайсан,
кишиларга берган шарбатингдан ўзинг
ҳам тотиб кўришинг керак.

Бу жавобни эшитган Саййид ҳаётдан умидсизланиб, шаҳзоданинг онаси маҳди улё Гавҳаршод оғонинг кўмагидан паноҳ

излади ва ундан ҳомийлик илтимос қилди. Шаҳзоданинг шафқатли дили Саййиднинг нолаю тазаррулари ва паришон ҳолига ачиниб, уни банддан бўшатишга буюрди-ю, аммо (мазкур қарзнинг) кундалик бўлагини тўлаб туриш шарти барқарор қолган эди.

Саййид қайтадан вазирликни олиш иштиёқида на кечаси ухлар ва на кундузи тинчир эди. Унинг тама оташи шундай аланга олдики, у бутун олам молини ўз жиғилдонидаги бир луқма деб биларди; (351) девонга келтириб топширгани маблағнинг аксарини четдан йиққан нарсалардан тўплади: бир гуруҳдан нақд пул, баъзилардан эса қабола олди. У ёстикда ёнбошлаб ётгани ҳолда рафлат пахтасини қулоғидан олмади ва доимо оғзини очиб, тилини танглайга қўйиб, фалончидан мунча тумон, пистончидан уни ва буни ундириш мумкин (дер эди). Аммо замона унга омон бермади, қайғули кечмиш ва қўрқинч таҳликасидан турли-туман касаллик ва зидма-зид имлатларга мубтало бўлди. Вазирлик савдоси унинг димоғини эсанкиратиб, молихулиё сафроси калласи томон йўналди; юрак ўйноғи, нафас қисиши, сариқ касаллигининг ранги ва истисқо ташналиги унинг ичу тошида ғалаба қилиб, туролмай ётиб қолди; моҳир табибларнинг қўли унинг муолижасига кўтоҳлик қилди ва у кинахор сийнаси вазирлик ҳасратига тўлган, дили интиқом шиддатидан куйган, нафаси қиш шамолидек совуган, чехраси зарчўвадек сарғайган ҳолда минг дарду андух билан ўз қилмишининг гирифтори бўлиб, вужуд бандидан халос топди; жумод ал-аввал ойининг охирларида (15 июль, 1417) ҳаёт юкини мамот манзилига кўчирди.

Хуросон ва Ироқнинг машҳур кишилари, балки бутун дунёнинг улуғлари у (Саййид) ҳаёт экан, ўз ҳаётларига ишочлари йўқ эди. Унинг (ўлими) воқеаси куни халойиқ таъзия йиғинида рамзу ишорат билан табрик билдиран эдилар; ҳеч замонда ана шундай бир мажлис кўрилмаган бўлса керак. Мисра: Хосу ом амну омонлик хабарини тарқатар эдилар. Хожа Муршид мунший Саййиднинг вафоти тарихини шундай ифодалаган. Қитъа:

Ҳашаматлиликда фалак шипидан баландлик
 қиладиган,
 аср машҳури, уфқлар сарвари,
 диннинг фахри
 қазо зарбасидан якшанба куни
 кечаси
 шикаст топганлиги садоси осмон
 гумбазида янгради. (352)
 Унинг вафоти тарихини чуқур ўйлаб кўриб
 шундан билиб олгин:
 Бутун жаҳон аҳлининг дили унинг дастидан
 эминдир⁶.

Тухфалар бағишловчи (тангри)нинг карамидан умид шуки, ишлар оқибати буткул хайрли бўлғай! Мисра: Мурувватли кишилар туфайли ишлар осонлик билан тугалгусидир!

МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОННИНГ ХУРОСОНГА КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА МОВАРОУННАҲР КЕЧМИШЛАРИ ШАРҲИ

Давлат ва диннинг таянчи Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрдан Хуросон томон отланди⁷ ва Жайхундан ўтгач, унинг келаётганлиги хабари ҳазрат хоқони саидга етди. Маҳди улё Гавҳаршод оғо, Фиёсуддин мирзо Бойсунғур, мирзо Муҳаммад Жаҳонгир⁸, мирзо Муҳаммад Жўгий ва бошқа шаҳзодалар, нўинлар ва улуғ амирлар бир неча фарсанг ергача унга рўбарў чиқиб, кутиб олдилар ҳамда иззат-икром ва улуғлаш шартларини бажо келтирдилар. Ўн тўққизинчи рабиъ ал-аввалда (6 май, 1417) шаҳзода ҳазрат хоқони саиднинг оғушига кириш шарафидан саодат топди ва онҳазрат, — мисра, — фарзанд дийдорини кўриб шодмон бўлди. Бир неча кун подшоҳона тўйлар ва хусравона базмлар туздилар. (353)

Шу ойнинг охирида⁹ (17 май, 1417) бундан бир неча ой илгари келган Хитой элчиларига зиёфат тузиб, инъомлар

бериб, совға-саломлар тайин қилинди ва улар қайтишга ижозат олдилар. Кермон томондан келган Султон Увайс ибн амир Идикуни ҳам шу ой охирида Самарқандга жўнатдилар¹⁰.

Рабиъ ал-охир ойининг бошларида (18 май, 1417) Мирзо Улуғбек шу орада Хоразмдан келган мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ва амир Шоҳмаликлар шарафига катта тўй берди ва қолган амирларга подшоҳона кийимлар¹¹, яхши отлар билан дилжўйлик кўрсатди; мирзо Бойсунғурнинг амирлари ва яқинларига илтифотлар билдирди; сўнг, жумод ал-аввалнинг бошларида (16 июнь, 1417) Мовароуннаҳрга отланиб, мирзо Муҳаммад Жўғийни¹² бирга олиб кетди ва бир ҳафтада¹³ Ҳиротдан Самарқандга етди; қишлов¹⁴ керак-яроқларини Тарк суви яқинида муҳайё қилишга буюриб, йигирма биринчи рамазонда (6 ноябрь, 1417) шу қишлов юртига келиб тушди; лашкарлар (шу ерга) йиғилдилар. Мирзо Улуғбек бандга солиб ушлаб тургани бир неча ўзбек ўғлонларини банддан бўшатиб, вилоятларига қайтариб юборди¹⁵ ва ўнинчи ҳут, яъни (саккиз юз) йигирма (биринчи)¹⁶ йил муҳаррам ойининг бошларида (8 февраль, 1418) қишлов юртидан Самарқанд томон қайтди. (354)

ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИ КЕЛГАНЛИГИ ВА УЛАР БИЛАН АМИР АРДАШЕР ТАВОЧИНИНГ ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Хитой подшоҳи Дой-Минг хон яна элчилар юбориб, улар (шу 820 йили) рабиъ ал-аввал ойида (18 апрель — 17 май, 1417) (Ҳиротга) етиб келдилар. Уларнинг бошлиқлари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар¹⁷ уч юз отлиқ билан бирга совға-саломлар, шунқорлар, атлас ва кимхоблар, т а рғ у, чинни асбоблар ва бошқалардан иборат кўп ҳадяларни келтирдилар; шаҳзодалар ва оғолар учун эса алоҳида¹⁸ подшоҳона ҳадялар келтирган эдилар. Шунингдек, ўтмишдаги алоқаларни (яқунловчи) безак бўладиган ва келажакдаги ўзаро хайрхоҳлик учун асос бўладиган сўзларни ўз ичига олган бир мактубни ҳам келтирдилар. Мазмуни шундай: «Ҳар икки томондан

ҳам ғайрилиқ ва бегоналиқ пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар бежавотир бўлсин».

Биринчи марта (Хитой) элчилари келиб, яна қайтиб кетаётган вақтларида (355) амир Саййид Аҳмад тархон подшоҳга атаб бир тўриқ отни юборган эди. У от подшоҳ назарида ғоят таҳсинга сазовор кўринган ва подшоҳ от эвазига амир Саййид Аҳмадга кўп ҳадялар жўнатган ва ўша отнинг жilовини икки тарафдан икки ахточи тутиб турган ҳолдаги (Хитой) наққошлари чизган расмини ҳам юборишган эди. Элчиларни меҳмон қилиб, керак-яроқларини ҳозирлаб, юқорида айтилганидек, қайтариб юбордилар. Онҳазрат Ардашер тавочини элчиларга ҳамроҳ қилиб Хитой томон жўнатди.

ҒАЛАБА НИШОНЛИ БАЙРОҚНИНГ ҚАНДАҲОР ВИЛОЯТИ ТОМОН ОТЛАНГАНЛИГИ ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид Форс мамлакатларини иккинчи марта фатҳ этган вақтда мирзо Бойқарога, унинг қабиҳ қилмишларидан қатъий назар, шафқат ва марҳамат кўрсатди ҳамда қариндошлиқ талабини бажо келтириб, уни мирзо Қайду билан бирга бўлсин учун, Қандаҳор тарафга¹⁹ юборди; мирзо Қайду унга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатиб турган бўлсада, аммо мирзо Бойқаро (ўтган ишдан) ибрат ва тарбия олмай унга қасд қилиш хаёлида эди. Мирзо Қайду бундан огоҳ бўлиб, уни бандга олди ва воқеа тафсилотини олий тахт поясига арзга етказди. «Уни Синд сувидан ўтказиб юборилсин, токи у Ҳинд мулкида қайси жойни истаса ўша ерда турсин», — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. (356) (Хоқони саиднинг) ҳукмига биноан (Қандаҳор) вилоятларида ҳар бири бир тарафнинг соҳиби бўлиб турган Сайфал Қандаҳорийнинг ўғли (Султон Боязид) ва Малик Муҳаммадлар бир-бирлари билан низолашаётганликлари ва раият ғоятда ранж-машаққат остида

қолганлиги ҳақида шу орада хабар етди. Онҳазрат у тарафга амир Ҳасан Сўфи тархонни юборди²⁰. Амир у тарафларга етиб боргач, Султон тавочининг Шоҳ Увайс номли ўғли Ғазнинни муҳосара қилиб турганлиги, Сайфалнинг ўғли Султон Боязид Гармсерга кирганлиги, бир тўда афғон ўғрилари Гармсерда, Қандаҳор атрофларида ва Синд суви бўйларигача (бўлган ерларда) одамларни додга келтирганликларини²¹ эшитди. Амир Ҳасан Сўфи бу аҳвол хабарини (Ҳиротга) юборди. Ҳазрат хоқони сайд қиш фаслини у ерда қишлаб ўтказишни давлат иши юзасидан тўғри топди.

Мирзо Қайду мирзо Бойқарони ҳали Ҳиндустон томонга жўнатмай турган эди, онҳазрат мирзо Қайду ҳузурига бир хабарчини юбориб, «Мирзо Бойқаро Ҳинд тарафга кетмаган экан, энди уни бу томонга жўнатсин», — деб буюрди. Зафар оятлари битилган байроқлар сунбуланинг ярмида, ражаб ойининг ўртасида (28 август, 1417) доуссалтана Ҳиротдан Пули Молонга келди ва бу манзилда²² (357) фатҳ тилаш дуосини адо этиш билан машғул бўлди.

Шу куни мирзо Қайду олдидан Жаҳон Уч Қаро келди ва мирзо Бойқаронинг келаётганлиги хабарини арзга етказди. Онҳазрат Жаҳонни ўша куниёқ мирзо Қайду ҳузурига жўнатиб: «Биз ҳазора жиҳатидан²³ у тарафга қараб отландик, хотирига ёмон фикр келмасин», — деган хабарни йўлади. Мирзо Бойқаро етиб келгач, онҳазрат унга Хизрхожани мулозим қилиб Самарқандга жўнатди, сўнг зафар шиорли мавкаб уч кунда Исфизор қасабасига етиб келиб Сари Пули Таббон (мавзеи)да жаҳонни қопловчи саропардани тиклади²⁴. (Шу ерда) мирзо Бойсунғур ҳумоюн ўрдуга келиб қўшилди. Бир ҳафтадан кейин²⁵ зафар ёр бўлган узангилар ҳаракатга келиб ва елдек кезувчи тулпор манзил-мароҳилларни ўтиб, ўн тўртинчи шаъбонда (26 сентябрь, 1417) қишлоқ юрти учун муқаррар қилинган Ҳирманд суви лабига етиб тўхтади.

Эртаси куни Қандаҳор томонидан амир Ҳасан Сўфи етиб келди ва номдор амирлар кўп лашкарлар билан илғор қилиш мақсадида отга миндилар. Онҳазрат Сатизуни мирзо Қайду

ҳузурига юбориб, **(358)** «У ўша тарафдан яқинлаб келсин, ҳумоюн мавкаб эса бу тарафдан йўлга чиқади ва шу тарзда иттифоқлик билан ҳазора орадан кўтарилади», — деб буюрди.

Ёвуз табиатлилар орасида бир гуруҳ яхши кишилар бўлиши ҳам мумкинлиги ва улар ёмон қилмишлару қабих хатти-ҳаракатларда у бебокларга мувофиқатчилик кўрсатмаётган бўлсалар-да, зафарпаноҳ сипоҳ у диёр устига қудрат қўлини чўзган вақтда у бечоралар ҳам шубҳасиз машаққат ва бахтсизлик поймоли бўлиб қолишлари мумкинлигини назарга олиб, онҳазрат садри олий мансабини ўтаб турган мавлоно Садруддин Иброҳимни ҳазора томон юборди ва уларнинг калонтарларига насиҳат қилиб, хизматга келтиришни буюрди.

Шу аснода ҳазрат соҳибқирон Ҳиндустон фатҳи замонида²⁶ тарбият қилгани Рой Зулҳин бахт раҳнамолик қилиб худди иқболдек олампаноҳ даргоҳга келди ва палос ўпиш иззатига етишиб, подшоҳона лутф-марҳаматлар билан тақдирланди.

Мирзо Суюрғатмиш улуғ амирлар: амир Иброҳим (ибн) амир Жаҳоншоҳ ва амир Нуширвон билан Бадахшондан йўлга чиқишиб, ҳумоюн ўрдуга етиб келдилар; Малик Қутбуддин эса Сеистон лашкари билан келиб қўшилди ҳамда фалаклар доираларидек кўп бир сипоҳ ва офтоб зарраларидек ҳисобсиз бир лашкар осмон мисол байроқлар соясига йиғилдилар; ғалаба шиорли мавкаб Қандаҳор томон йўлга чиқди ва йигирма иккинчи шаъбонда (4 октябрь, 1417) Қандаҳор рўбарўсига келиб тушди; мирзо Бойсунғурнинг амирлари²⁷ ҳазора томонга илғор сифатида юришга муқаррар қилиндилар. **(359)** Шу ойнинг охирларида²⁸ (11 октябрь, 1417) мавлоно Садруддин Иброҳим²⁹ етиб келди ва: «Ҳазора сардорлари³⁰ палос ўпиш шарафига эришиш учун келмоқдалар», — деб арз қилди. Шу сабабли илғор тузишга отланган амирлар тўхтаб турдилар³¹. Шўрий хайлхонаси қайсарлик қилиб бўйсунмаётганлиги хабари шуҳратли қулоқларга етди ва «Амир Юсуфхожа, амир Нуширвон ва амир Ҳамзалар³² уларнинг хонумонига ғорат ва торож оташини ташласинлар ва у йўлтўсарларнинг фасоди маддасини буткул йўқотсинлар, — деган олий фармон содир

бўлди. Муборак рамазон ойининг учинчисида (14 октябрь, 1417) Ғазнин вилояти ва шаҳрининг ақобирлари қози Хожа Луқмон, Малик ва бошқалар, — мисра: олампаҳо даргоҳга келдилар ва бармул хайлхонаси ва харшувоний афғонининг калонтарлари (хоқони саид ҳузурида) ер ўпиш шарафига етишдилар.

Сатизу мирзо Қайду олдида келиб шаҳзода (Қайду) қочиб кетганлигини арз қилди. Онҳазрат: «қўрққан бўлса керак», — деб қўя қолди ва раҳми келиб, унинг кетидан ҳеч кимни юбормади. Ойининг тўққизинчисида (20 октябрь, 1417) мирзо Қайду тарафидан Бахт Мурад келиб Кобулда шаҳзоданинг кишиларидан ҳеч ким қолмаганлигини билдирди. (360)

Онҳазрат амир Иброҳими амир Жаҳоншоҳни у (Кобул) тарафга номзод қилиб, агар Қайду келиб сулҳ тузса, вилоятни унга топшириб қайтиб келишни, бўлмаса у мамлакатни забт этишни буюрди³³. Икки кундан кейин мирзо Қайдунинг биродари мирзо Санжар (хоқони саид) ҳузурига келиб, подшоҳона лутф-марҳаматлар билан тақдирланди. Ҳазоранинг амирлари ва калонтарлари зотдор отлар юборишиб, молу манол (тўлаш) ни қабул қилдилар. Сўнгра ҳумоюн мавкаб бахт-саодат ёрлигида Ҳирманд суви лабида бўлган уғруқ томон қайтиб келди.

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ ҲУМОЮН ҚЎЛИГА СИНИШ АЗИЯТИ ЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мулк эгаси бўлмиш ҳазрат (тангри)нинг инояти олам мамлакати салтанати эшикларини ҳазрат хоқони саид юзига очиб ва жаҳон аҳлининг муҳим ишлари жilовини онҳазратнинг иродати кафтига тутқазиб унинг саодат офтобини <Оллоҳнинг сояси> (дейилувчи) олий даражага етказгач, унинг давлати соябонини энг юқори фалакнинг тепасидан ўтказди. Қитъа:

Ўтган маликларнинг ҳам фатҳ юдузлари
бундан илгари

гоҳ-гоҳ саодат осмонига кўтарилган.
 Лекин, энди эса, ҳар дамда юз зафар
 офтоби
 <Оллоҳнинг сояси> (хоқони саид)нинг
 соябонидан тулуъ қилмоқда.

У қайси томонга юз тутмасин, фатҳу зафар унинг истиқболига чиқди ва қайси тарафгаки отланмасин, давлату саодат унинг ғалаба йўлоши бўлган узангисига мулозимлик қилди. Байт:

Қай томонга кўз тутсанг — зафар жилвасию,
 қай томонга қулоқ солсанг — омонлик хабари.

(Аммо) Қандаҳор юришида, номдор амирлар ҳар тарафдан зафар топиб бахтиёрлик билан қайтиб келганларида, замона **(361)** онҳазратнинг хуррамлик ҳолати жамолига ёмон кўз нилини суртишни истаб қолди. Шунга биноан (хоқони саид) жаҳонни фатҳ этувчи жиловни ҳумоюн уғруқ ва қишлоб юрти томон бурган пайтда физол рафтор, физола дийдор, суҳайл кўзли, осмон жуссали, кайвон қаҳрли, муштарий пешонали, баҳром зардали, офтобдек ёрқин, зуҳродек қувноқ, уториддек зийрак, ой суратли саман от устига мовий осмон тепасидаги офтоб сингари минди. У от булут янглиф учқур бир тулпор эдики, ҳавода худди чақмоқдек беором эди ва оташ табиатли бир ел оёқ эдики, тупроқ палосини сув сингари хушхиромлик билан босиб ўтарди; от елиб-югуриб, ирғишлаб турган асносида ёмон кўз зарарини даф қилмоқ учун бирдан тўхтаб қолган эди, иззат оёғини кайвон тепасига қўядиган у ҳазрат от устидан ер юзига йиқилиб, муборак қўлига синиш фалокати етишди; жаҳон жонидан фиғон кўтарилди, саодат ва иқболнинг кўрар кўзи бўлмиш онҳазратнинг бемисол вужудига машғум замона хоҳиши билан нотавонлик зарбаси етишди, олам султонларининг бўса қиладиган жойи бўлишга лойиқ бир қўл замонанинг ёмон кўзидан синиш фалокатига учрамаслиги лозим бўлса-да, лекин даргоҳи кибриёнинг хос кишилари бўлган пайғамбарлар ҳам ана шундай заҳматга мубтало бўлганлар:

жаҳонга офтобдек ёрқин нурлар кўрсатган Мусо алайҳиссаломнинг қўли (бундай бўлишидан) аввал душман оташи шуъласидан куйиши лозим бўлган эди. Тишлари ва ширин сўз тилларидан оламни ёритувчи ваҳий дурри порлаган ҳазрат Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳ ва салламнинг ҳам гавҳар сочувчи тиши синиш нуқсонига учраган эди.

Алқисса, синиш фалокати юз берган вақтда ҳумоюн ўрдуда ҳозиқ шикастабанд йўқ эди, бир чопар шамол билан биргаликда доруссалтана Ҳиротга етиб келди ва бу фан моҳирларидан бўлган Устод Мируйи камонгар шамол ва елга ҳамроҳ бўлиб олий ўрдуга етишиб, Афлотун ҳикматию Букрот маърифати билан ҳар турли муолажаларни қўллашда моҳирлик кўрсатди, иллатни йироқлатиш ва сиҳатликни тиклашда <муқаддас руҳ — Жабраил алайҳиссаломдан куч-қувват олгандир> (деган сўзлар) далилини зоҳир қилди ҳамда, — мисра: — **(362)** «Гўшанишинлар дуоси балони қайтаради», — (деганларидек), гўшанишинлар дуосининг кўмаги ва <ихлосманд кишилар дуоси ижобатга олинади>, (дейилганидек), ихлосмандларнинг яхши тилаги билан қуёшдек нурли вужуд бетоблик чуқурлигидан соғломлик юксаклигига етишди ва ранжу нотапонлик бахтиёрлик билан алмашинди. Мисра: Касаллик заволатопиб сиҳатлик камолга етмоқда.

Устод Миру турли-туман иззат-икромлар ва минглаб инъомлардан шундай баҳраманд бўлдики, умр бўйи фақирлигу дарвишликнинг ранж-машаққатини тортмади.

ВАЗИР ТАЙИН ҚИЛИНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шу аснода жаҳонни безатувчи фикр вазирлик курсисининг тури шундай бир вазирнинг ўрни билан безатилишини тақозо қилдики, у вазир ўз тўғри раъйи ва тийрак фикри билан Осафнинг сиёқию Низомулмулк Тусийнинг дастурига амал қилсин ҳамда мулку дин қалами унинг сўл (қўли) учун кон бўлган ўнг (қўл)ида қарор топиб, иззату қудрат муҳри ўнг (қўл) асарларига эга бўлган чап (қўл)ига ўрнашишга мушар-

раф бўлсин ва ер юзи ҳумоюн раъйнинг шуъласидан, — мисра, — офтоб ёруғлигидек равшанлик касб этиб, бутун олам унинг Осаф тадбирли дастур битувчи қалами сайридан гулшан тароватини топсин.

Бу калималар мазмунидан англашилувчи ҳукм ва бу муқаддиманинг сабоқи билан ҳазрат хоқони саид вазирлик мансабини **(363)** энг улуғ хожа, бутун олам улуғ вазирларининг раҳбари Хожа Фиёсуддин Пир Аҳмад ал-Хавофийга топширишни маъқул топди ва ҳал ёки банд қилиш, олиш ёки тарқатиш жловини унинг қобилият кафти ва билимдонлик панжасига тутқазди. У ҳам камоли иш билармонлигидан девонга тегишли молларни орттириш ишига шундай бир тарзда киришдики, ҳам раиятни риоят қилиш эътиборда тутилди ва ҳам девоннинг муҳим ишларида етишмовчилигу совуққонликка йўл қўйилмади.

Ҳақимлар томонидан сўзланган ва улуғлар китобларида битилганки, подшоҳ шахсан ўзи қанчалик етук, одил, салтанат ишларини юритишга қобил ва лойиқ бўлса ҳам, бироқ истеъдодли кордон вазирларсиз мамлакат иши тартибга келмайди. Шеър:

<Халифаларнинг уринган ишларини тўғри ҳал қилишлари вазирларнинг иқтидорли эканлигига боғлиқдир>.

Чунки маликлар ўз шариф шахсиятлари билан (бевосита) мулк ишларига машғул бўлсалар, улар подшоҳ эмас, вазир бўлиб қоладилар; модомики вазирнинг бўлишлиги шарт экан ва вазир подшоҳнинг қўли, дили, **(364)** тили, кўзи ва қулоғи экан, (подшоҳ) молу мулк ва лашкар борасида, яширин ишларида ўз муборак тани ва аъзоларига эътимод қўйганидек, (вазирга ҳам) эътимод билан қарасин, таъна қилувчиларнинг таънасию қабиҳлик қилувчиларнинг қабиҳлигига йўл қўймасин, чунки, мазкур муқаддимага биноан, вазирга қилинган таъна шахсан подшоҳга бориб тегадиган таънадир; доно вазир ва муносиб ноиб ҳар қуни ҳам топила бермайди; султонлик мақомидан кейин турувчи вазирлик мансабидан олийроқ ҳеч бир мансаб йўқдир.

Шундай қилиб, девон маснади жаноб хожанинг вужудига мушарраф бўлгач, ҳазрат хоқони саиднинг адолати худди офтоб ёруғлигидек оламнинг шарқу ғарбига етди ва ўттиз йил мобайнида етти кишварнинг мамлакатлари у донишманд ва зирнинг тадбиркорлиги билан олий беҳиштнинг тароватия Чин суратхонасининг латофатига эга бўлиб турди. Ажойиботларни ёзиб борувчи қалам кеча ва кундуз варақларига у замонлар шарҳини битгусидир. Байт:

Тадбиркор шаҳаншоҳу доно вазир
озгина вақт ичида олам соҳиби бўлдилар.
Хуршид чехрали шоҳларнинг барча ишлари (довруғи)
вазирлар раъйи туфайли то осмонгача таралади.
Вазирлик шундайу подшоҳлик инчунин (бўлгач),
нега жаҳон шундай барқарорликка эга бўлмасин?!

**ЖАҲОН СУЛТОНИНИНГ ҚИШЛОВ ЮРТИГА
ЕТГАНЛИГИ, АТРОФ (ЕРЛАР)ДАН ХАБАРЛАР
КЕЛГАНЛИГИ ВА ДАВЛАТ ПОЙТАХТИГА
ҚАЙТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони саид рамазон ойининг ўртасида (26 октябрь, 1417) Ҳирмаңд суви ёқасида турган ҳумоюн уғруққа етиб келди. Шу (365) ерда³⁴ мирзо Али ибн мирзо Рустам Исфаҳон томондан келиб, подшоҳона совғаларни арзга етказди ва қабулда бўлиш иззатига эришди. Рамазоннинг охирларида (10 ноябрь, 1417) амир Иброҳим (ибн) амир Жаҳоншоҳ Кобул тарафдан келиб, мирзо Қайду Кобулга келганлиги ва ҳумоюн ўрду томон йўналганлиги ҳақида арз қилди. Амир Шайх Луқмон барлос ҳазора аҳолиси тўлашга аҳд қилган молларни ундирмоқ учун жўнаб кетди. Мирзо Суюрғатмиш фармонга мувофиқ ўз вилоятлари томон юзланди³⁵. Илғор тариқида шўрий хайлхонасига кетган амир Нуширвон, амир Юсуфхожа ва амир Ҳамзалар у диёрда ҳукмронлик ва қудрат белгиларини зоҳир қилиб музаффар ва голиб бўлиб қайтиб келди-



лар. Мирзо Али ибн мирзо Рустам тўқис инъомлар ва сўзга сифмас иззат-икромлар билан тақдирланиб, ижозатга мувофиқ (Исфаҳонга) қайтиб кетди³⁶.

Шу орада ҳазоранинг аффон жамоати тўламоқчи бўлган молларни адо этишдан бўйин товлаётганлиги хабари ҳумоюн арзга етди ва онҳазрат амир Муҳаммад Сўфи тархон, амир Мусо ва амир Бўталарни у жамоатни босқин қилишга тайинлади. Амирлар уларнинг ишини саранжом қилиб, барчасининг бунёдини қуриштириб, йигирманчи зу-л-қаъдада (29 декабрь, 1417) ўлжа-ғаниматлар билан қайтиб келдилар. **(366)**

Онҳазрат зу-л-ҳижжа ойининг ўртасида (23 январь, 1418) қайтишга отланиб, қишлоқ юртидан кўчишга буюрди. Дашту тоғлар атрофи турли-туман райҳонлару лолазорлар билан тўлиб, маҳбуб чехрасининг аксию ёр рухсорининг кўринишини эслатувчи илк баҳор пайтида зафар ояти битилган байроқ йўлга отланди. Байт:


Кўч турган ердан туялар қўнғироғининг садоси янграб
лашкарнинг олд қисми йўлга тушди.

Гавҳар тусли рангин байроқларнинг кўплигидан
бутун саҳро юзи навбаҳорга айланди.

Оламни забт этувчи шоҳ узангига оёқ қўйгач,
ер юзи чангини осмонгача кўтарди.

Мирзо Санжар³⁶, амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Алико ва амир Ферузшоҳлар у мамлакатни идора қилиб туриш ва мирзо Қайдунни дилхушлик билан Ҳиротга келтиришга, келмаган тақдирда эса унинг улусига бостириб кириб, ўзини топиб, аъло тахт поясига етказишга тайин қилиндилар³⁸. Мисра: агар келмаса, давлат уни мўйидан сургаб келтиради. Онҳазрат амир Абдуссамадни Гармсерни идора қилишга тайинлади ва амир Ҳисомни Қандаҳор қалъаси кутволлигига белгилаб, ғалаба ёр байроқ юзини халифалик пойтахти (Ҳирот) томон бурди. Байт:

Замона унинг истагигаю юлдузлар
фармонига бўйсунди.



Фалаклар унинг фармони чизигига
бош қўйган.

Иззатли улугвор мавкаб (821 йил) азиз муҳаррам ойининг иккинчисида (9 февраль, 1418) доруссалтана Ҳиротга етишди ва Хуросон аёнлари, хусусан, у қутли шаҳарнинг аҳолиси (зар) нисор қилишу пешкаш келтириш маросимларини адо этдилар. Байт:

Шаҳар улуғлари офаринлар ўқиб
у дурдона устидан гавҳар сочдилар. (367)

Мирзо Қайдунли олиб келишга кетган бир гуруҳ амирлар уни кўндириш учун кўп саъй-ҳаракатлар кўрсатдилар; онҳазратнинг марҳамати шаҳзодага маълум бўлгач, у амирлар билан бирга Ҳирот томон йўналди ва муҳаррамнинг охирида (9 март, 1418) баракатли бармоқларни ўпиш шарафини топиб, чексиз иноятлар билан фахрланди ва бахтиёрликка эришди.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА БИРИНЧИ

(1418)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ОЗАРБАЙЖОН ЭЛЧИЛАРИГА ҚАЙТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА МИРЗО САЪД ВАҚҚОСНИНГ ВАФОТИ ХАБАРИ

Хумоюн мавкаб Қандаҳор юришидан зафар топиб бахтиёрлик билан қайтиб келгач, амир Қаро Юсуф ва амир Қаро Усмонларнинг илгарироқ Озарбайжон томонидан келган элчиларига¹ меҳрибонлик кўрсатди ва уларга сафар ойида (10 март — 7 апрель, 1418) қайтиб кетишга ижозат берди.

Рабиъ ал-аввал ойининг бошларида (8 апрель, 1418), юқорида айтиб ўтилганидек², ҳеч бир сабабсиз хоқони сайд ҳазратларидан юз ўтириб, ўзининг суюрғоли бўлган Қум мамлака-



тини ташлаб Озарбайжонга жўнаб кетган мирзо Саъд Ваққос (368) йигитликнинг бошланишию ҳаётининг гуллаган чоғида бу омонат манзилдан абадият саройига кўчди³. Онҳазрат у хушхулқ, покиза сурат шаҳзоданинг жудолигидан малулу маҳзун бўлиб, таъзия маросимини бажо келтирди. Мисра: Ҳа, оламнинг барча кору бори — ҳечдир.




БАДАХШОН ВИЛОЯТИНИ БЎЙСУНДИРИШ УЧУН АМИРЛАР ЮБОРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ



Шу орада Бадахшон шоҳлари исён кўтаришни изҳор қилаётганликлари⁴ хабари шуҳратли қулоқларга етди. Ҳазрат хоқони саид элчилик расм-русумлари ва одоб-қоидаларини яхши билувчи Саййид Аҳмад Алп Қарони⁵ шоҳлар томон жўнатди. Саййид Аҳмад у ерга етиб борди, лекин ваъда-ваъид сўзларию тарғиб-тарбият ундовлари у тоифа замиридан ўрин олмади. Саййид Аҳмад (Ҳиротга) қайтиб келди ва «Шоҳлар тоғтошларни орқа қилиб итоат бўйинбоғидан бош тортмоқдалар», — деб арз қилди. Онҳазрат улуғ амирлар: амир Иброҳими Жаҳоншоҳ⁶, амир Шайх Лукмон, амир Муҳаммад Сўфи тархон, (369) амир Ферузшоҳ⁷ ва амир Ҳамзаларга Қундуз, Бақлон, Хутгалон, Арҳанг ва Соли Сарой сипоҳларини жам қилиб бахтиёр шаҳзода мирзо Суюрғатмиш байроқлари соясида Бадахшон томон юзланишни буюрди.

Амирлар Балхга етиб боргач, (улар ҳузурига) шоҳларнинг энг улуғи бўлмиш Шоҳ Баҳоуддин Бадахшон томонидан етиб келди. Амирлар унга: «Шоҳларнинг энг улуғи сенсан, агар сен у вилоят м о л ини соҳибқирон ҳазратлари замонидаги дастур бўйича хазонайи омирага етказсанг, биз у вилоят ҳокимлигини ҳазрат хоқони саид сенга бериши учун ҳомийлик кўрсатамиз», — дедилар. Шоҳ эса: «Мен ибодат қилишга ҳам вақтим етмайди; вилоят ихтиёри ўғлим ва биродаримдадир», — деб жавоб берди. Амирлар унинг ўғли ва биродари ҳузурига элчи



юбордилар, аммо улар маъқул жавоб бермадилар. Амирлар бу аҳволни аъло тахт поясига арзга етказдилар; (хоқони саиддан:) «Шоҳ Баҳоуддинни Ҳиротга юбориб, амирларнинг ўзлари Бадахшонга юрсинлар ва токи у ер муомиласи узил-кесил ҳал бўлмагунча орқага қайтмасинлар», — деган фармон бўлди. Амирлар фармонга амал қилиб йўлга тушдилар. Мирзо Улуғбек улуғ амирларга мадад учун беш минг суворий юборди. Фармонга мувофиқ вилоятларнинг лашкарлари жам бўлдилар. Байт:

Кўҳи Қофдек салмоқдор улкан бир сипоҳ
Барчаси тош ёрувчию, темир тешувчи. (370)

Амирлар ва лашкарлар Кешм мавзеига етганларида довураклик лофини уриб шаън-шавкатга мағрур бўлиб юрган Шоҳ Баҳоуддиннинг ўғли ақли камлигидан катта бир хатарли иш қилиб қўйганлиги ва фикр калталигидан узоқ ниятларни олдинга сурганлигини тушунди ҳамда улуғ авлиёларнинг пешқадамларидан бўлган шайхулислом Хожа Тожуддин Ҳасан Атторни⁸ шафе қилиб бошини қуллик чизигига ва оёғини фармонбардорлик доирасига қўйди. Жаноб шайхулислом улуғ амирлар билан учрашиб шафоат сўзини ўртага солди. Амирлар жаноб шайхулисломнинг воситачилиги ҳақида аъло тахт поясига арз қилдилар. Онҳазрат жаноб шайх Хожанинг шафоатчилигига қабул назари билан қараб мақбул тутиб, бадахшонликлар гуноҳини авф этаги билан ёпди ва уларнинг жарималари саҳифаси устидан эҳсон чизигини тортди. Бадахшонликлар аҳдлашилган м о л ни қўшимчаси билан тўлашни қабул қилдилар; амирлар зафар ва ғалаба билан рамазон ойининг бошларида (2 октябрь, 1418) (Ҳиротга) қайтиб келдилар. Бадахшон ҳукумати шоҳлар қўлида барқарор қолди ва бу борада ҳумоюн нишон жорий бўлди. Байт:

Агар кишилар муҳтожларга зар берсалар,
У (хоқони саид) зар ўрнига шаҳру кишвар беради. (371)

МИРЗО ҚАЙДУ ИСЁН КЎТАРГАНЛИГИ ВА ҚЎЛГА ТУШГАНЛИГИ ЗИКРИ

Азалий иноят саодат эшикларини юзига очган ва абадий иродат эзгулик суратини мақсуд ойнасида кўрсатган ҳар бир давлатманд ўз қавм-қариндошларини худди фарзанд-биродарликларидек билмоғи ва илоҳий марҳаматдан уларнинг барчасини баҳраманд қилмоғи лозимдир. Чунончи, ҳазрат хоқони саид мамлакатга эгалик қилиш ишида ўзининг барча хеш-ақраболарига шериклик эшикларини очиб қўйди ва улардан ҳар бирига бир вилоят ёки мамлакатни тайин қилди. Бу лутфу карам эвазига у муаззам сулоладан талаб этиладиган нарса эса давлат дуоси билан машғул бўлиш, лутфу марҳаматни тан олиб ғоят жидду жаҳд билан шукр бажо келтириш, куфрони неъматдан ўзни тайиш ва итоат ҳам ҳожатмандлик мақомида туриш эди; <кимки шукр қилса — у ўзи учун шукр айтади; кимки куфр келтирса — менинг тангрим ғаний ва сахийдир>⁹. Бу муқаддималарни таърифлаш ва бу калималарни келтиришдан мақсад мирзо Қайду воқеасига ўтишдир. Онҳазрат унга нисбатан турли-туман тарбиятлар кўрсатди: унинг отаси мирзо Пир Муҳаммадни Пир Али Тоз шаҳид қилган бир вақтда, онҳазрат уни ўлдирган кишиларни азоб-уқубатлар билан қатлга етказди ва Балх ҳукуматини мирзо Қайдуга берди, унинг эл ва улуси кўпайиб давлат байроғи тиклангач, Гармсер ва Қандаҳор мамлакатларини ва Синд диёрини Ҳинд чегараларигача унга топширди¹⁰. Мирзо Қайду у ерларда шунчалик кучайиб кетдики, Ҳиндистон волийси¹¹ Хизрхон ҳузурига (одам) юбориб: **(372)** «Ҳинд мулкларида — Қаннуж шаҳридан тортиб то Мултон чегараларигача бўлган ерларда унинг номи билан пул зарб қилсинлар ва х у т б а ўқисинлар», — деб хабар берди¹². У онҳазрат (Шоҳрух) ҳаёт бўла туриб шундай журъатга қадам қўйди. Амир Баҳлул барлос ва Ҳасан ахточи душманлик изҳор қилиб, унга қасд қилганларида мирзо Қайду қочиб кетиб, воқеани (хоқони саидга) билдирди. Ҳазрат хоқони саид ўн минг суворийни у ерга юбориб, шаҳзодани ўз шуҳрат мақо-

мига ўтқазишга буюрди. Мирзо Қайду бу хабардан қувватланиб, мухолифлар устидан ғолиб келди.

Лекин, шу қадар кўп илтифотларга қарамай, зафар шиор мавкаб Гармсер ва Қандаҳорда қишлаган вақтда мирзо Қайду ўз ўрнини ташлаб кетиб, хизматда бўлиш шартларини бажаришдан бош тортди. (Онҳазратнинг) подшоҳона марҳамати уни куч билан олиб келиш учун бирор тўдани юборишдан ўзини тийди ва у тарафдан юз ўгириб (қайтар экан) амирларга у билан лутф-назокат юзасидан муомалада бўлишни ва унда ишонч ҳосил бўлгач, аъло тахт поясига олиб келишни буюрди. Шаҳзода ҳумоюн мажлисга етишганида эса, унга иноят кўзи билан боқди. Чунончи, бу аҳвол шарҳини барча тафсилотлари билан айтиб ўтилди¹³.

Шундай қилиб, шаҳзода бир қанча вақтни доруссалтана Ҳиротда тўла эҳтиром билан ўтказди. Бироқ замоннинг тескари толеи ва қаро бахти уни ошуфта қилгач, (оятда) <тангрининг ўзи йўлдан оздирган кишига йўл кўрсатувчи йўқдир>¹⁴ (дейилганидек), **(373)** бир гуруҳ фитначи мулозимлари шаҳзоданинг хотирига салтанат хаёли ва шайтон васвасасини ўрнатиб, уни шу даражага етказдиларки, у ҳеч бир сабабсиз ўн тўққизинчи ражаб душанба кечаси (22 август, 1418) доруссалтана Ҳиротдан Қандаҳор томон¹⁵ йўл олди, чунки унинг кўмакдош ва қўллаб-қувватловчилари у диёрда кўп эдилар. Бунинг хабари шу соатдаёқ шухратли қулоқларга етишди. Онҳазрат мирзо Бойсунғурга ишончли диловарлар ва тажрибали ботирлар ҳамроҳлигида ел оёқ (отларга миниб) худди умрдек шитоб билан Ҳиротруд вилояти томон жўнашга буюрди. Амир Ҳасан Сўфи тархон, амир Фармоншайх ва бир гуруҳ амирлар шаҳзода изидан равона бўлдилар¹⁶.

Мирзо Қайду ярим кечада¹⁷ Турон қарясига етди. Увбаҳ шахрининг доруғаси Бўта (Ҳирот) шахрига келаётган эди, мирзо Қайдунинг навкарлари унинг отларини олмоқчи бўлдилар-у, аммо ололмадилар. Бўтанинг кишилари шаҳзода қочишга, балки бахтсизлик йўлига юз тутганлигини тушундилар. Бўта орқага қайтиб, биёбон шамолидек тез бир чопарни **(374)** Увбаҳга юборди ва воқеа шарҳини билдирди.

Мирзо Қайду эрта тонгда Увбаҳ яқинига етиб келиб, увбаҳликларнинг (унинг қочиб кетаётганлигидан) хабардор эканликларини билди ва бу ерда тўхташга илож бўлмагач, суръат билан йўлга тушди. (Бу) вилоятнинг зобити бўлган Хожа Низомуддин бир гуруҳ кишилар билан унинг орқасидан қувиб кетди; шаҳзода вақти-вақти билан тўхтаб уларга қарши жанг қилар эди; шу ҳолда жанг қила-қила Ноб мазраасига етишдилар. Мирзо Қайду бир девор паноҳида пистирма қурди ва Низомуддин Шерозий ҳам увбаҳликлар ўтиб кетганларидан кейин, улар устига бостириб бориб, ҳаммаларини тарқатиб юборди; Хожа Низомуддин қаттиқ яраланди.

Мирзо Қайду Сипарз қарясига келганида, бу ернинг кишилари ҳам (воқеадан) огоҳ эканлар, Малик Қутбиддин йўлни тўсиб мардонавор жанг қилди ва мирзо Қайду сипоҳининг таянчи бўлган Баҳлулни қатлга етказди.

Мирзо Бойсунғур чоштвоҳ пайтида Увбаҳ қасабасига етиб келди ва Ноб мазрааси захмдорларини кўрди; жазирама иссиқ (375) ва ҳавонинг ҳароратига қарамай, на у (мирзо Қайду учун) жон фидо қилган жамоанинг қувватидан дили чўчиди ва на у жасорат кўрсатиб қочганларнинг кўплигидан хотирида кўрқинчга йўл қўйди. Байт:

Худди Рустамдек Рахш (оти)ни сафдан (илгари) сурди
у шўришдан худди денгиздек кўпирди.

Мирзо Қайду Сипарз қаряси атрофида бир замон тўхтаб турган эди, мирзо Бойсунғурнинг манғлоийи унга етиб бориб, Паҳлавон Маҳмуд Дандоний кўп баҳодирликлар кўрсатди. Мирзо Бойсунғурнинг шахсан ўзи етиб келиши душманларнинг хаёлидан ҳам кечмаган эди, ногоҳ шоҳ байроғининг оий маърака уфқидан кўтарилиб, оламини ёритувчи чехра саодат машриқидан намоён бўлди. Мирзо Қайду ҳайратда қолиб, отдан тушди ва қўлини бандга бериб, гарданини камандга тутди. Мисра: сенинг камандинг орқага қайтариб тургач, мен қаерга ҳам борар эдим?

Амир Фармоншайх уни боғлаб мирзо Бойсунғур қошига келтирди. Мисра: Қайду шоҳ бандига боғланди. Қолган мухолифлардан бир гуруҳи асирлик бандига гирифтор бўлди, бир қисми эса қочиш йўлини тутди. **(376)** Мирзо Бойсунғур: «Бу фитнанинг қўзғатувчиси бўлган Садр Жаҳондан бўлак бирор кишига ҳам заҳмат етказилмасин», — деб буюрди. Садр Жаҳонни эса ёс о га етказилди Шаҳзода музаффару ғолиб тарзда орқага қайтиб, мирзо Қайдуни боғланган ҳолда ҳазрат хоқони саид хизматига етказди. Байт:

Бир ота бахт ёрлиги туфайли шундай
 ўғлига эга бўлса,
 бу қандай бахту қандай улуғ саодат!

Аъло ҳазрат ҳақ таолонинг неъматлари шукрини бажо келтирди ва гуноҳкорларга жазо қўллашда маслаҳатга мувофиқ ва шариат талабича амал қилди; мирзо Қайдуни Ихтиёруддин қалъасида ҳибсда тутишга буюрди; шижоат асарларини изҳор қилган бир гуруҳнинг барчасига лутфу иноятлар кўрсатиб, уларнинг қадр-қийматлари даражасини тенгдошлариникидан юқори кўтарди.

ШАҲЗОДА ЖАЛОЛУДДУНЁ ВА-Д-ДИН МИРЗО СУЮРҒАТМИШГА СУЮРҒОЛ ТАРИҚИДА ТОПШИРИЛГАН ВИЛОЯТЛАР¹⁸ ЗИКРИ

Ҷардун тахтли подшоҳнинг улуғ хотири мирзо Қайду борасида фароғат касб этгач, унга топшириб қўйилган вилоятларни саодатманд фарзанд, улуғворлик садафининг дурри ва иқбол фалакининг марварид донаси Жалолуддин мирзо Суюрғатмишга суюрғол тариқида иноят қилди ва Кобул, Ғазнин, Қандаҳор вилоятларининг барчасини ва Афғонистонни, Ҳинд ва Синднинг мирзо Қайдуга тааллуқли бўлган (баъзи) жойлари билан бирга, — шу мамлакатларнинг жамини, — **(377)** бахтиёр фарзанднинг ноиблик тасарруфига топширди ва (насихат қилиб) айтди: у ўз жиддий раъйининг тақозоси ва

узоқни кўрувчи ақлининг ундови бўйича охират захирасию қиёмат кунининг эҳтиёт-тайёргарлиги бўлган раиятларга ғам-хўрлик кўрсатиш ва бариятларни ҳимоят қилиш ишини саодат сармояси қилиб олсин ва яратувчи ҳазратнинг (подшоҳларга) топшириб қўйган омонати бўлмиш халойиққа нисбатан марҳамат ва адолат юзасидан иш тутсин, чунки (ҳадисда) <сиз ердагиларга раҳм қилсангиз, осмондаги зот сизга раҳм қилгусидир> (дейилган); чегараларни сақлашда адолат ва зийраклик билан назорат ва сиёсатни бажо келтирсин; йўлларни ўғрилар ва йўлтўсарлардан тозаласин; йўлларни сақлашни мамлакатни идора қилиш шартларидан деб билсин; барча масалаларда меҳрибонлик ва хушмуомалаликка риоя қилсин ва барчага иноят назари билан қарасин, токи биз ва унинг ўзи ҳақида яхши ном ҳосил бўлсин. Иншо Оллоҳу таоло!

Жамшид қудратли подшоҳ (хоқони саид) бир қанча мислсиз фойдали (насихатлар) ва шоҳона дурларни мирзо Суюрғатмиш хотири қўйнига ёдгор қилиб тўқдики, ақл жавҳаршуноси шунчалар донолиги билан уларнинг қийматини аниқлашга қисқалик қилди ва қаламнинг сўз безатувчи нотиклиги маъно ва баёнлар майдонида қанчалар жавлон қилмасин, уларнинг фойда ва манфаатларини шарҳ қилишдан ожиз қолди.

Ҳазрат хоқони саиднинг сўз жавҳарларини иборатлар шодасига терганини, васият ва насихатлар эшикларини ўз давлат юзига очганини кўрган шаҳзода тавозе ва ҳожатмандлик юзини ожизлик тупроғига қўйиб айтди, — байт:

Эй вақт ҳукмдорию замона шаҳаншоҳи,
Тангрининг лутфи ҳимоясида саломат бўлгин! (378)

Бу қул лутфу карам марказию олам султонлари бошпанаси бўлган бу даргоҳга нисбатан қуллик ҳалқасини қулоққа илиб, хизматкорлик ёпиғини елкага ташлаганман. Байт:

Бу остонада мен эшик тупроғидекман:
ҳукм ижросига камар боғлаганману
фармонга итоатдаман.

Номдор шаҳзода падари бузургвор унинг тириклиги бошига сочиб нисор қилгани шоҳона (насихат) дурларининг барчасини хуш қулоғи билан тинглади ва барча аскару яқинлари, қуллару хизматкорлари билан у вилоят томон жўнади. У мамлакатларнинг катталари хизматга ҳозирлик ва мулозиматда доимийлик юзасидан бир-бирларидан ўзишдилар.

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ НУРЛИ МАШҲАДИ¹⁹ МУҚАДДАС ЗИЁРАТИГА ЮЗЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Олий шаън султон шаъбон ойининг бошларида (3 сентябрь, 1418) Хуросон султонининг, — байт:

Али ибн Мусо Ризо десанг — етарлидир,
чунки унинг номидан лақаблар камол
топа беради, —

зиёратига боришга жазм қилди ва у табаррук мақом ва Машҳади муборакка етгач²⁰, зиёрат шартларини бажо келтириб муҳтожларга назр-садақалар улашди ҳамда онҳазрат яхши ният билан ясатиб безаттиргани уч минг мисқол тилло(дан ишланган) бир қандилни **(379)** қабр гумбазига осдилар. Бундан илгарироқ маҳди улё Гавҳаршод ого тангри саломларини йўллагур ҳазрат Имомнинг (қабри) қуббаси ёнига ғоятда ҳашаматли ва зийнатли бир масжиди жоме қуришга бошлаган эди, шу кунларда қурилиб битай деб қолди. Бу латиф ишланган иморат ҳазрат хоқони саиднинг назарига ғоят маъқул кўринди. Онҳазрат Машҳаднинг шарқ томонида бир чаҳорбоғ ва бир саройнинг тарҳини белгилаб, ҳар маҳал Машҳад зиёратига келса, ҳумоюн мавкаб шу боғ ва саройга қўнадиган қилиб мукаммаллаштирди.

Онҳазрат Машҳаддан Тус шаҳри томон бориб, у баракатли мозорларни (зиёрат қилиш) бахтига эришди ҳамда қайтишга отланиб, доруссалтана Ҳирот томон йўл олди ва рамазон ойининг бошида (2 октябрь, 1418) давлат пойтахтига келиб тушди.

МОВАРОУННАҲР ВИЛОЯТЛАРИНИНГ ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Шоју тахтга зеб берувчи бахтли шаҳзода Мафисуддин мирзо Улуғбек донолик касб этувчи бир подшоҳ ва шаън-шавкатли бир ҳукмдор эди. Унинг давлати замонида ва ҳукмдорлиги кунларида Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг раияти зулм зулматидан адлу эҳсоннинг оби ҳаёт чашмасига етишди ва барча халойиқ амну омонлик бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди.

(Мирзо Улуғбек) ҳақиқат аҳлларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал эди, **(380)** адл мактабларини янгилаш ва фазл қоидаларини мустаҳкамлашда шундай бир катта жидду жаҳд ва гўзал саъй-ҳаракат кўрсатдики, бунга шоҳидлик нурлари ва далиллик ёдгорликлари ҳаёт саҳифасида аниқ ва ойдин қолғусидир. Байт:

Унинг даргоҳи халойиқ учун ҳожатлар
каъбасию
Ҳузури — ҳақиқат аҳллари жам бўладиган
жой эди.

Бу (мақтов)ларни тўплашнинг боиси шундаки, қутли рақамли қалам ҳар ердаки у олижаноб подшоҳнинг ном ва лақабларига етса, сўз танобини баланпарвозлик ҳаддига тортади; аммо китоб бошида бунинг узрини сўраб қўйганлиги учун (бу ерда) ўзгаришга йўл қўйишни истамади. Шундай қилиб, лақабларни узайтириб ёзиш бобида сараланган сўзлар айтиб ўтилгандан кейин, энди хушхиром саҳий қалам рақам саранжоми жиловини ёқимли ҳикоятлар томон ва ширин сўзлар айтишга қарата бурғусидир. Байт:

Бу айланиб турувчи гумбаз (таги)да
яхши сўз садосидан ёқимлироқ бирор
ёдгорлик топмадим.

Шундай қилиб Мирзо Улуғбек муҳаррам ойининг бошларида (8 февраль, 1418) Хўжанд яқинидаги қишлоқ юртидан, юқорида айтиб ўтилганидек²¹, доруссалтана Самарқандга етди; сафар ойининг бошларида (10 март, 1418) амир Шоҳмаликка мадад учун Хоразм томон кетган лашкар музаффар ва ғолиб бўлиб қайтиб келди; ўнинчи сафарда (19 март, 1418) мўғул хонининг вафот этганлиги хабари етишди; рабиъ ал-аввалда²² (8 апрель — 7 май, 1418) эса Сиддиқ баҳодирнинг навқари Кошғар томонидан келиб, Увайс ўғлон Жата хони Нақши Жаҳонни қатлга етказиб, мўғуллар орасига фулғула тушганлиги ҳақида арз қилди. Байт:

Душман лашкари ичида келишмовчилик
воқе экан,
сен ўз шамширингни қинидан
суғурмай қўя бергин.

Мирзо Улуғбек бир ишончли кишини²³ мўғул амирлари аҳволини суриштириб билиб келишга юборди ва Самарқанд аркида маҳбус қилиб ушлаб тургани бир гуруҳ мўғулларга²⁴ озодлик бағишлади.

Шаҳзода Муҳаммад Жўтий (**381**) ражаб ойида (4 август — 2 сентябрь, 1418) Мовароуннаҳрга қараб жўнади; у Жайхундан ўтгач, Мирзо Улуғбек бир тўда амирларни кутиб олиш учун юборди ва оға-инилар худди икки бахт юлдузидек жаҳондорлик буржида бир-бирлари билан яқинлашдилар, оламини ёритувчи икки гавҳардек бахтиёрлик қутисида бир-бирларига яқин тушдилар²⁵ Байт:

Иккита сараланган ҳукмдору иккита
иззатли номдор,
Иккита замон ихтиёрию иккита
замин ифтихори.

Мирзо Жўтий Дилкушо боғига келиб тушди. Мирзо Улуғбек бир неча кун давомида узлуксиз зиёфат шартларини тур-



ли-туман латифликлар билан бажо келтирди: ой юзли соқийлар ва Зухра (юлдузи)дек наво қилувчи мутриблар гулранг бодаларни уд ва чанг овозига улаб бедил (ошиқ)лар жонидан ақлу ҳушни ўғирлар эдилар. Мисра: Мутрибу соқий айш-ишратга ундаб, дил оҳангини чалдилар.

Шу аснода Мўғулистондаги аҳволни суриштириб билгани кетган ишончли киши қайтиб келиб, у диёрдаги паришонлик-тарқоқлик шарҳини арзга етказди²⁶. Мирзо Улуғбек атроф (ерлар)дан ҳумоюн хотирни жам қилиб, мирзо Жўтгийга подшоҳона инъомлар берди ва ҳар иккаларини биргаликда Хуросон томон жўнадилар-да, шаввол ойининг ўртасида (14 ноябрь, 1418) (сахийликда) жаҳонни бағишловчи, осмонга нур берувчи у икки шаҳзоданинг, — байт:

Фалак қадрли икки хуршиду ҳумоюн юзли
 икки Жамшид —
 Жавонмарду, жавонбахту, жавонумру
 жавондавлат,

қуёш суркалувчи туғлари ва оламни безовчи байроқлари **(382)** Самарқанддан чиқиб²⁷ йигирма олтинчи шавволда (26 ноябрь, 1418) бахту иқбол онларида доуруссалтана Ҳиротга едилар.

Қуш ови учун Фароҳ вилоятига кетган ҳазрат хоқони саид давлату саодат билан қайтиб келгач, шаҳзодалар уни кутиб олиш шартларини бажо келтириб, Амирдовуд работида қўл ўпиш шарафини топдилар²⁸. Онҳазрат саодатманд фарзанд (Мирзо Улуғбек) борасида турли-туман навозиш ва иноятлар кўрсатиб, подшоҳона тўйлар ташкил қилди ва қайтиб кетишига рухсат берди. Шаҳзода²⁹ бешинчи зу-л-ҳижжада (3 январь, 1419) доруссалтана Самарқандга етди.



САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ИККИНЧИ

(1419)

ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ

МАРТА КЕЛГАНЛИГИ

Юқорида (саккиз юз) йигирманчи (1417) йил ойлари (воқеалари орасида) Хитой подшоҳи Дон-Минг хон ҳумоюн даргоҳга элчилар юборганлиги¹ ва ҳазрат хоқони саид Ардашер тавочини **(383)** элчиларга ҳамроҳ қилиб жўнатганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди². Шу кунларда Ардашер қайтиб келиб, у вилоят аҳволи ва (яна) элчилар келганлигини арзга етказди. Рамазон ойининг охирида (21 сентябрь — 20 октябрь, 1419) элчилар: Пи-Мочин ва Хон-Мочин Ҳиротга келдилар ва совға-тортиқлар ва мактуб тақдим қилдилар, Хитой подшоҳининг мактуби (қуйида) уларнинг қоидаси бўйича нақл қилинади.

Хитойликларнинг услуби шундайки, улар мактубда подшоҳнинг номини сатр бошидан ёзадилар ва (қолган) сатрларни ундан бир миқдор пастдан бошлайдилар. Мактуб асносида ҳар ердаки худойи таолонинг номи (тилга олинадиган жой)га етган бўлса, шу етган жойларида (сатрни бўш) қолдирадилар ва Оллоҳи таолонинг номини янги сатр бошидан ёзадилар. Агар, масалан, подшоҳнинг зикри тилга олинса ҳам шу тариқа иш тутадилар. Бу ерда ўша мактубни айнан, сўзма-сўз келтирилди³.


ХИТОЙ МАКТУБИНИНГ

ЎЗГАРТИРИЛМАГАН СУРАТИ:

Муаззам подшоҳ Дой-Минг нома юборади Шоҳрух Султонга. Биз ўйлаймизки, у ислом мамлакатини бошқарсин учун худованди таоло уни доно, оқил ва етук қилиб яратган **(384)**. Шу сабабли у мамлакат кишилари давлатманд бўлганлар. Равшан фикрли, доно, етук, билимдон ва барча мусулмон-



лардан олийроқ султон худованди таолонинг амрига таъзим ва итоатни бажо келтириб, унинг ишини иззатлаб улуғлади ва бу иш осмоний кўмакларга сазовордир. Биз бундан илгарироқ сарой амири Ли-Дони бир гуруҳ элчилар билан биргаликда юбордик, улар султон қошига етиб бордилар, расм-русум одоблари бўйича кўп иззат-икромлар кўрсатдилар; Ли-До ва барча элчилар қайтиб келдилар ва (кўрган-биланларини) арзга етказдилар; бизга барча (аҳвол) равшан ва маълум бўлди. Бег Буқо ва бошқалардан (иборат) элчилар Ли-До ва унинг барча ҳамроҳлари билан биргаликда (сизлар) ҳадя учун юборганингиз шер, чопқир отлар, қоплонлар ва бошқа ҳар хил нарсаларнинг барчасини бу даргоҳга етказдилар; биз барчасини кўздан ўтказдик. Самимийлик ва муҳаббат зоҳир қилган экансиз, биз бундан бағоят миннатдор бўлдик. Ислом жойи бўлмиш мағриб диёрида (ўтган) қадим донолару солиҳ кишилардан ҳеч бири султон (Шоҳрух)дан кўра олийроқ бўлмаган бўлса керак. У ўша мамлакат кишиларига омонлик ва осойишталик бағишлашни яхши уҳдалай олар экан; бу эса шаъни улғайгур ҳақ таоло ризосига мувофиқ ишдир. Шундай экан, қандай қилиб **(385)** худованди таоло ундан рози ва хушнуд бўлмасин?! Мардона кишилар бир-бирлари билан дўстликда бўлганлар, (бинобарин) дил дил учун ойна бўлсин; орамиздаги масофа йироқ эканлигига қарамай, гўё кўзга кўриниб тургандексан. Ҳиммат ва мурувват ҳамма нарсадан азизроқдир, лекин буни амалга оширишда (совғага юборилган) нарса ҳам азиз бўлади. Алалхусус ҳозир Ли-До ва Жонк-фуларни бир гуруҳ билан биргаликда Бег Буқо ва бошқа элчиларга қўшиб юборилди; улар султон (Шоҳрух) ҳузурига ҳадялар — етти бош шунқорни етказдилар; бу шунқорларни биз ўз қўлимиз билан учирганмиз; яна кимхоб ва бошқалардан иборат ҳадялар ҳам юборилди; шунқорлар агарчи бизнинг Чин мамлакатимизда бўлмаса ҳам, лекин атроф диёрлардан биз учун тухфа қилиб узлуксиз келтириб турадилар ва шу сабабли камлик тортилмайди, сизнинг у жойларда камёб экан, атайлаб юборилди, токи султон (Шоҳрух)нинг олий ҳимматига жавобан қарамчи бўлсин;



(юборилган) нарсалар гарчи арзимас бўлса-да, лекин бизнинг муҳаббатимиз унга мойиллигига далилдир; султон қабулига етиб боргай! Бундан буён орамизда самимий муҳаббат ортиб бормоғи, элчилар ва савдогарлар узлуксиз бориб келиб турмоғи, (алоқа) узилиб қолмаслиги лозим, токи барча кишилар давлатда амну омонлик ва фаровонликда яшасинлар; (ана шунда) **(386)** худованди таоло лутфу марҳаматини албатта зиёда қилгусидир. Маълум қилганимиз ана шу. Тамом.

У (хитойлик)лар уфқлар султони (хоқони саид) қошига ҳар гал келтирган мактублари уч мактубдан иборат бўлиб, ҳар бир мактуб уч хил хат: бири ана шу нусха ёзилган машҳур хат билан форсий иборатда, иккинчиси (аслида) уйғур хати бўлмиш мўғул хати билан турк тилида ва учинчиси хитой хати билан хитойликлар тилида ёзилган эди; ҳар уччала хатнинг мазмуни бир. Яна бир мактуб ҳам юборилган бўлиб, овчи қушлардан, тўққиз-тўққизлардан ва ҳадялардан нимаики юборган бўлсалар, у мактубда муфассал қайд қилинган эди; бу мактуб ҳам юқоридагидек уч тилда ва уч турли хат билан⁴ ёзилган. Шунингдек, бамисоли йўл хатидек яна бир мактуб ҳам шу тариқа ҳар уч тилда уч хил хат билан битилган. Ой ва йил тарихи эса ўша подшоҳ ҳукмдорлигининг бошланиши вақтидан (ҳисоблаб) ёзилган бўлади. Мисра: Хитойликлар ҳикоятю хати ана шу қабилда эди.

МИРЗО МУҲАММАД ЖЎГИЙ БАҲОДИРНИНГ МЎҒУЛИСТОН ПОДШОҲИ ҚИЗИ МЕҲР НИГОР ОҒОГА УЙЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ

Хизрхожахоннинг ўғли, Мўғулистон подшоҳи Шамъи Жаҳон ҳақ даъватини қабул қилиб, биродари Муҳаммадхон улус салтанатида қарор топгач, ҳазрат хоқони саид ҳузурига элчилар юбориб итоат изҳор қилди. Онҳазрат элчилик расм-русумларини яхши билувчи ва ҳазрат соҳибқирон замонида бир неча бор Мўғулистонга бориб келган амир Ҳасанкони **(387)** элчилар билан биргаликда жўнатди ва (ҳадисда) <уйланинг-

лар ва фарзанд кўриб кўпайинглар> (деган буйруққа амал қилиб саодатманд фарзанд, — байт:

Подшоҳлик боғининг хурмо дарахтию салтанат
қутиси дурри,

Илоҳий нурнинг чиқиш ерию дин ва адолат
офтоби, —

яъни мирзо Муҳаммад Жўтий баҳодир учун салтанат хонадонидан ва хонлик сулоласидан бир каримани сўраттирди. Муҳаммадхон бағоят шодмон бўлиб, муҳаббат нишонларини қариндошлик воситалари билан қўл чатиштирди; иззатли ва ифбатли қизлар орасида салтанат сулоласининг кўзу чироғи ҳам хонлик хонадонининг ёруғ нури бўлган подшоҳ Хизрхоннинг набираси, Шамъи Жаҳоннинг қизи маҳди улё Меҳр Нигор оғони⁵ аркони давлатдан бир гуруҳининг ҳамроҳлигида ниҳоят тўқис ҳашамат билан Мўғулистондан жўнатди. Унинг поклик паноҳидаги тахтиравони йигирма бешинчи рамазонда (15 октябрь, 1419) доруссалтана Ҳирот рўбарўсига етди. Кутиб олиш шартлари бажо келтирилгач, маҳди улё Гавҳаршод оғо подшоҳона тўйлар ташкил қилди ва унинг буйруғи билан Боғи Зоғонда жаннат боғи кўринишли бир мажлис Хўтан ва Чингулруҳлари билан оройиш топиб безанди. Чодирлар ва соябонлар кўкларга бош чўзиб, майсазор ўртасида фалаксифат, гардун кўринишли улкан бир чодир ва Кайвон (юлдузи) ўрнидек (улуғ) шоҳ чодирини хусравона палослар ва идиш-асбоблар билан безатдилар; хотинлар ва келин ўғиллардан ҳар бирининг ўрни муайян бўлди; шаҳзодалар, **(388)** амирлар, давлат арконлари ва мамлакат атрофидан келган элчиларга совғалар муқаррар қилиниб, ясовуллар хос отларга миндилар ва ўқ ёй билан сафларни ростладилар⁶, энг қутли бир толе ва энг яхши бир соатда юлдузлар шараф буржидан порлаб ва ой савр хуррамлик хонасида шараф топиб, уйланиш ишини тугалладилар ва мунаввар ойни нурли офтобга қўшдилар, жавҳару инжуларни у икки офтобу ой устидан сочдилар, бахт зуҳрасини саодат муштарийси ёнига ўтирғиздилар; халифалик чаманининг сарви ва хонлик боғининг гунчасини пайғамбар шариа-

ти бўйича ва тангри унга, авлод ва суҳбатдошларига раҳмат ва саломларини йўллагур (Муҳаммад) мустафонинг дини қонунларига биноан бир-бирларига қўл ушлаттирдилар. Байт:

Саодат нишонли авж устида икки юлдуз
шоҳлик тахти узра бир-бирига қўшилди.
Бири улуғлик осмони буржидаги қуёшу
иккинчиси ҳусну жамол қутичасидаги гавҳардир.

Базм ҳусни сарв қомат гулнор юзликлар ва ой чехрали жавзо бел томошабинлардан гулу насринларга тўла бир бўстонга айланиб, Зухра ва Парвин (юлдуз)лари билан тўлган бир осмондек кўринар эди. Байт:

Ҳаммаси шакар лабу бодом кўзу писта даҳан,
бинафша зулфу суман юзу настаран чехра.

Аҳиллик ва хуррамлик мажлиси олий жаннатдек оройиш топиб, айш-ишрат офтоби мамлакат атрофига нур сочди; ой юзли соқийлар жон бағишловчи жомларни муштоқларга етказдилар ва ширин лиқо мутриблар руҳ бағишловчи навони Зухра удидан ўтказдилар. Байт:

Хушовоз мутриблар ҳар турли куйлар ижро
этишар экан,
уд торларини чертишда Зухрани шарманда
қилдилар.

Ҳумоюн базм кунлари охирига етгандан кейин ҳазрат ҳоқони саид маҳди олиянинг тахтиравонига мулозимлик қилиб келган бир гуруҳга кўп инъомлар улашди; шаҳзодалар, оғолар ва давлат аркони (389) бир неча кун тўйлар бердилар. Сўнг Муҳаммадхоннинг юборган кишилари шаввол ойининг охирида (18 ноябрь, 1419) қайтишга ижозат олиб, Мўғулистонга жўнадилар.

Онҳазрат ёзни Бодғисда яйлоқ қилиб ўтказиб, давлат аркони билан машварат тузди ва Озарбайжонга юриш қарори қатъийлашди⁷.

МОВАРОУННАХҲР МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ

Шу йил бошларида, еттинчи муҳаррамда (3 февраль. 1419), Мирзо Улуғбек кўрагоннинг муҳтарам ҳарами бўлмиш мирзо Муҳаммад Султоннинг қизи, улуғ бону, шавкатли хотин Ўга бегим жаннат боғига рихлат қилди ва отасининг мадрасаси гумбази остига дафн этилди. Мирзо Улуғбек камоли виқор эгаси эканлигига қарамай, бесабру қарор бўлиб, рухсори оташ шуълаларини алангалантирар эди. Байт:

Унинг дами худди олов кўраси нафасидек
иссиқ бўлди,
дили эса худди симоб кўзаси оғзидек
танг бўлди.



Оқибат виқор қўлини сабр-тоқат этагига уриб гавҳар сочувчи оғзини <Биз Оллоҳга тегишлимиз ва унинг ўзига қайт-гумиздир>⁸ ояти каримасига очди ва марҳуманинг руҳини тинчиттиш учун муҳтожларга садақалар улашди, ошу таом тортиш, энг билимдон подшоҳ (тангри)нинг каломини хатм қилиш расм-русумларини бажо келтирди.

Андижон томонидан Абу-л-Лайс келиб Шер Баҳромнинг ўғли Жатадан қочиб, Кошғарга келганлиги ва унинг кетидан бошқа бир гуруҳ изма-из яқинлаб келаётганлиги хабарини арзга етказди. Рабиъ ал-охир ойининг сўнгги куни (25 май, 1419) Буроқ ўғлон Ўзбек улусидан юз ўтириб, Мирзо Улуғбек кўрагон даргоҳи остонасига бош уриб келди, (390) қўл ўпишга мушарраф бўлиб, иноятлар билан тақдирланди ва шаҳзодалар⁹ қаторидан ўрин олди; у бир қанча вақт Самарқандда тургач, Мирзо Улуғбек Буроқнинг керак-яроқларини подшоҳона тарзда тайёрлашга буюрди ва у қайтишга ижозат олди.

Амир Худододнинг қизи подшоҳга қасд қилиб, мўғуллар орасида тартибсизлик содир бўлиб турганлиги ҳақида ражаб ойининг охирида (22 август, 1419) Кошғардан хабар келди¹⁰. Яна Ардашер тавочига ҳамроҳ бўлиб келаётган¹¹ Хитой элчи-

лари шу ой охирида¹² Самарқандга етдилар ва Мирзо Улуғбекка аталган совғаларни қўйдилар. Шаҳзода¹³ уларга зиёфат едириб, шаъбон ойининг бошида (23 август, 1419) Хуросон томон узатди; уларнинг Хуросонга етиб келганликлари ҳақида (юқорида) шарҳлари билан арз қилиб ўтилди.

Мирзо Улуғбек шаъбон ойининг бошларида (23 август, 1419) Тўқмоққа юришга жазм қилиб, Самарқандга амир Искандар Ҳинду Буқони (ноибликка) тайинлади ва Дилкушо боғидан Қаробулоққа борди. У ерда амир Худододнинг навкарлари Мўғулистон томондан келиб ер ўпиш шарафига эришдилар¹⁴. Эртаси куни **(391)** Садр Ислоннинг навкари Ислон тавочи билан бирга етиб келиб, совға учун келтирилган отларни етказди. Жаноб Мирзо Улуғбек Чинос кечуви орқали Хўжанд сувидан ўтди¹⁵. Бу ерда Ҳасанко (Мўғулистондан) Хуросонга келтирилганлиги шарҳи юқорида айтиб ўтилган Меҳр Нигор хониканинг¹⁶ хизматига етиб келди. Мирзо Улуғбек хонлик дарахтининг мевасига хурмат билдириш учун отга миниб, уни расм-русумлару тартиб билан (Хуросонга) узатди. Сўнг Тошканддан кўчиб, Бурлоқ яқинига келиб тушди¹⁷. Бу ерда Болху¹⁸ исмли бир киши Ўзбек томонидан қочиб келди ва ўзбекларнинг тарқоқ-паришонликлари хабарини келтирди. Шунингдек, бир савдогар ҳам у тарафдан етиб келиб, мазкур хабарга мувофиқ келадиган гапни айтди. Мирзо Улуғбек қайтишга жазм қилди¹⁹ ва амир Арслонхожа тархон ҳам амир Ёдгор Фаттонларга²⁰ меҳрибончилик билдириб, ижозат берди²¹ ва бир гуруҳ сардорларни Маҳмуд тархон бошчилигида Кошғар томон жўнатди. Ўзи эса у дилкушо саҳрода шикор қилиб, сўнг йигирма еттинчи рамазонда (17 октябрь, 1419) Сайхун сувидан кечди ва иккинчи шавволда (22 октябрь, 1419) бахту иқбол билан мислсиз Самарқандга **(392)** улуғворона келиб тушди. Бу ерда у Хуросондан қайтиб келган Хитой элчиларига тўй бериб, улар билан ҳамроҳ қилиб Хитой томон элчи юборди. Шаввол ойининг охирида (18 ноябрь, 1419) Улуғбек Бухоро томон йўл олди; у ернинг акобирлари кутиб олиш шартларини бажо келтирдилар ва зу-л-қаъданинг тўрттинчисида



(22 ноябрь, 1419) у Бухоро аркига келиб тушди. Эртаси куни Ўрдукежан қишлоғига бориб, бу ерда амир Шоҳмаликнинг навкарлари Хоразм томонидан етиб келдилар ва пешкаш тарзида овчи қушларни етказдилар. Шаҳзода ўнинчи зу-л-қаъдада (28 ноябрь, 1419) Бухоро шаҳри ичкарасида унинг ўз олий ҳиммати меъмори томонидан қурилган мадрасага кирди ва илм талаблару муҳтожларга инъомлар улашиб, эътибор кўрсатди; сўнг Самарқандга йўл олиб, Куфин қишлоғига етганида Кошғар томонга кетган амирлар қайтиб келиб, шу манзилда ҳумоюн мавкабга қўшилдилар. Мирзо Улуғбек йигирма учинчи зу-л-ҳижжада (10 январь, 1420) доруссалтана Самарқандга келиб тушди²².

ФОРС, (АРАБ ВА АЖАМ) ИРОҚЛАРИ ВА ОЗАРБАЙЖОНЛАРНИНГ ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ

Шу йили Форс мамлакати²³ <Оллоҳ Иброҳимни ўзига дўст тутди> (деган оят) сирининг муфассири ва <Бу — биз Иброҳимга, унинг қавмига қарши ато қилган ҳужжатимиздир, биз хоҳлаган кишимизнигина юқори даражага кўтарамиз>²⁴ (деган оятнинг) ҳаққонийлигига мисол бўлмиш олижаноб шаҳзода, Муиззуддунё ва-д-дин Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султоннинг қутли адолат — марҳамати кўмагида ғоят ободон ва **(393)** камоли хотиржамликда эди. Байт:

Унинг хушбўй хотири сирлар маъносини
баён этувчию
соф кўриниши поклик тимсолидир.

Шунингдек, доруломон Исфаҳон ҳам мирзо Рустамнинг адлу эҳсони туфайли маъмур ва ободон бўлиб, аммо Араб Ироқи вилоятлари, Ажам Ироқининг баъзи ерлари ва Озарбайжон мамлакатлари амир Қаро Юсуф туркмоннинг жабру туғенидан вайрон эди, раиятлар эса зулму бедодликдан фарёду аффон чекмоқда эдилар; барча кишилар муҳтожлик юзини ерга қўйиб, дуо қўлини осмонга чўзган эдилар. Байт:

У тарафнинг барча мулкида
туркмон жабридан
муҳтожлик юзи ерга суркалгану дуо
қўли осмонга узатилган эди.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА УЧИНЧИ

(1420)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ МАРВ ТОМОНГА ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Гардун етти иқлимининг султони (қуёш) ҳумоюн байроғини тиклаб, оламни яшнатувчи офтоб саодат соясини ўз шараф уйига туширган ва осмон оҳучаси (қуёш) ҳут кўлмагидан ҳамал ўтлоғига майл қилиб, ундириш қуввати саҳро ва бўстонлар юзида сабза ва райҳонлар омилларига амал қилишга буюрган бир вақтда, — байт:

Юлдузлар шоҳи ҳамал айвонига
ташриф буюганида
ундирувчи омилни яна амал
қилишга жўнатади, —

ҳазрат хоқони саид қуш ови учун Марв вилоятига жўнади ва бир неча вақтни у дилкушо фазода овчи қушлар учуриш ва қоплон югуртириш билан шод-хуррамликда ўтказди. Бургут жаҳонгир шоҳ камонидан отилган ўқ янглиф парвоз қилиб, насри тоир билан ҳамроз бўлар ва қўнғироқ овозидан тоғу саҳрони садога тўлатиб ўз шоҳпаридан захмидан гардун тепасидаги тезпар қушни пастга қулатар, (394) қоплон овни яхши кўрганидан бутун тани худди Парвин (юлдузи)дек кўзга айла-ниб, кўзи эса ов қонидан худди тоғ каклигиники сингари қон чашмаси бўлиб кўринар эди. Бир неча кунни шод-хуррамликда ўтказганидан кейин (хоқони саид) жаҳонпаймо саман

(оти)нинг жilовини жон бағишловчи Бодғис яйлоқи томон бурди ва у ердан доруссалтана Ҳиротга қараб юрди. Бу ерда у Озарбайжонга юришга қатъий қарор қилди.

**ИРОҚ ВА ОЗАРБАЙЖОНГА ЮРИШ, (БАРЧА)
СИФИНАДИГАН МАЛИК (ТАНГРИ)НИНГ
КЎМАГИ БИЛАН У МАМЛАКАТЛАР
ФАТҲ ЭТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**


Ўз олий ҳиммати билан ҳақ динни қувватлаб пайғамбарлар саййиди (Муҳаммад)нинг шариатини мустаҳкамлагувчи бир саодатмандгагина ҳақ таоло давлату иқбол тожини ато этади ҳамда ўз адолат офтоби нурлари билан олам атрофида (Мусонинг) ёрқин қўли намуналарини кўрсата оладиган бир давлатмандгина салтанат ва жаҳондорлик тахтини ўзига маснад қила олади.

Ҳазрат хоқони саид ўз (ҳукмдорлик) фаолиятининг бошланишларидан салтанату шаън-шавкатининг ниҳоятигача ҳақ йўлдан юрганлиги ва ўз равшан замирини умр бўйи ана шу йўлга бағишлаганлиги туфайли, шубҳасиз, илоҳий иноят <биз сенга аниқ фатҳ ато этдик>¹ (ояти)нинг ҳукми билан унинг ҳар бир ҳаракатини бир фатҳ ва бир баракатга муяссар қилиб турди; чексиз эзгуликларнинг файзи <Оллоҳ сенга улуғ ғалабага эришишингда кўмак берсин>² (ояти)нинг талабига бинонан жаҳон аҳллари қулоқларига ҳар тарафдан ғалаба ва зафар башоратини етказиб турди, давлат қонун-қоидалари кундан-кунга мустаҳкамланиб борди ва салтанат иттифоқлиги вақт-вақти билан янги бир қарор асосида тасдиқланиб турди, иқбол саропардаси бошини энг юқори осмон тепасига етказиб, умидларнинг шоҳона чодирини улуғворлик соясини кайвон айвонидан ўтказди. Байт: (395)

У улуғ хоқонга тақдир шундай бир зафар
совутини берганки,
у совутнинг битта миҳи тўққиз мовий осмонни
белига қистириб олган.

Ироқ ва Озарбайжон мамлакатларининг фатҳ қилиниши бу мақолнинг шоҳидларидан ва бу ҳолнинг далилларидандир, чунки зафар оятлари битилган байроқлар у вилоятлар томон юзлангач, ғалаба ва зафар яхши сурату енгил тарзда муяссар бўлди. Бу юриш боиси шу эди: онҳазрат Сиддиқ исми бир навкарни амир Қаро Юсуф қошига юборди ва: «амир Юсуф мувофиқатчилик йўлига тушсин ва фисқу фасод кўчасидан тўғрилиқ ҳам содиқлик шеvasига бурилсин», — деган хабарни юборди. Сиддиқ элчилик мазмунини адога етказди. Бироқ амир Қаро Юсуф исён белгиларини зоҳир қилди. Сиддиқ қайтиб келди ва нимаики кўриб билган бўлса ҳақиқат-хулосасини арзга етказиб: «амир Қаро Юсуфнинг хаёлида салтанат даражаларига кўтарилиш савдосию давлат поғоналарига юксалиш орзуси бор ва у мамлакатда ўзини мустақил бир султон деб ҳисоблайди; атроф амирлари унинг амрларига мутедирлар ва у мамлакатда унинг фармони жорий. У мустаҳкам ҳисорлар қурдириб кучли қалъалар бино қилган-у, аммо шаръий қонунқоидалар бузилган, хайрли жойлар³ беравнақ, қаровсиз қолиб кетган. У кечаю кундузни фисқу фужур билан ўтказмоқда ва мустақиллик хаёли унинг димоғини ақдан оздирмоқда», — деди.


Шаҳид бўлиб ўлган бахтли султон Муиззуддин мирзо Мироншоҳ кўрагонга нисбатан Озарбайжон мамлакатларида содир бўлган мазкур мудҳиш воқеа замонидан бери⁴ (396) ҳазрат хоқони саиднинг олий истаги ҳиммати муҳолифлардан ўч олиш ва у мамлакатларни зўравонларнинг тасарруф панжасидан чиқаришга сарфланар, аммо ўз қўлидаги мамлакатлар атрофида воқе бўлиб турган монеликлар сабабли у тарафга юриш иши кутиш тугунида қолиб келар эди. Энди эса, илоҳий иноят ва осмоний қўллаб-қувватлаш кўмагида Хитой чегараларидан Араб Ироқи ва Озарбайжонгача ҳамда Туркистоннинг узоқ ерларидан Ҳиндустоннинг поёнигача бўлган ерлар қудратли қўл (остида) қарор топганидан кейин ва Озарбайжондаги мазкур аҳвол хабари шуҳратли қулоқларга етишгач, қазою қадарга яқин ҳам фатҳу зафарга ҳамнишин бўлмиш подшоҳо-



на ниятларнинг нурлари Араб Ироқи ва Озарбайжон мамлакатини бўйсундуришга йўналди. Байт:

Замон Сулаймони Эрону Турон
ерларини
ўз узуги тагида кўргач, осмондан
хитоб келди:
Энди қасос шамширини турклар бошида
синаб кўргин:
туркмонлар диёрида на туркни
қолдиргину на туркмонни.

«Т а в о ч и амирлар лашкарларни⁵ кўрикка чақирсинлар ва сипоҳ (атроф) мавзелардан ҳаракатга келиб, тайинланган вақтда (оятда) <улар бирор муддат ҳам кечикмайдилар>⁶ (дейилганидек), муайян ерга жам бўлсинлар» — деган ҳумоюн фармон содир бўлди ва (хоқони саид) маош ва таъминот учун жуда кўп мол ва беҳисоб нақд (пул)ни у к а л к о расми бўйича иноят қилди⁷, жангу жадал олотлари ва муҳораба асбобларини тартибга солди ҳамда: «ҳумоюн жийбохонадаги⁸ ўттиз минг мукамал жийбога яна ўн минг дона қўшиб, муборак юриш муҳлатигача тахт қилиб қўйсинлар, (397) (хоқони саид) паноҳидаги мамлакатлар: Кошғарнинг узоқ ерлари⁹, Туркистон, Мовароуннаҳр, Зобул ва Кобул, Сеистон, Кермон, Форс, Хузистон, Исфаҳон, Рай, Мозандаронларнинг қайси бир вилоятида бўлмасин ўқу камон, тиғу синон, ханжару сипар каби сипоҳийлар учун зарур бўлган аслаҳалардан ҳар нимаики мавжуд бўлса вақт қиймати бўйича давлат моли ҳисобидан сотиб олиб, ҳумоюн лашкаргоҳга етказсинлар»¹⁰, — деб буюрди. Бу муҳим ишларни саранжом қилиш учун атроф вилоятларга элчилар жўнадилар. Мирзо Улуғбек фармонга мувофиқ Мовароуннаҳр, Туркистон ва Мўғулистонни идора қилиб туришга тайин қилинди ва у диёр лашкарларидан ўн минг отлиқ бу юришда ҳозир бўлиши керак, деган қарорга келинди. Гармсер вилояти, Қандаҳор, Кобул, Ғазнин ва Ҳиндустон ерла-



ригача фармон берувчи бўлган мирзо Суюрғатмиш у ерларни идора қилиб турди, Хуросонни идора қилиш учун эса амир Саййид Аҳмад тархон тайин қилинди.

Ҳазрат хоқони саид ўн бешинчи шаъбонда (25 август, 1420) доруссалтана Ҳиротда Боғи Зоғондан чиқиб, Кўли Моғон майсазорига келди ҳамда ҳаво ҳарорати сабабли ва лашкарлар йиғилсин учун бир неча кун шу манзилда туриб қолди. Улуғ ноиб амир Шоҳмалик Хоразм томондан олий ўрдуга келди ва амир Ҳасан Сўфи тархон билан иттифоқликда манғло й сифатида равона бўлди¹¹. Энг улуғ ёритғич (куёш) мизон буржигача соя ташлаган (вақт) — тўртинчи рамазонда (12 сентябрь, 1420) зафар нишонли мавкаб (398) Кўли Моғондан кўчди¹².

Мовароуннаҳрдан ташқари¹³ (хоқони саид) қўл остидаги барча мамлакатларнинг акобиру ашрофлари ва сипоҳийларидан териб олинган ўн беш минг суворий ва пиёдалар тозик сардор билан номбардорлик расми бўйича ҳумоюн ўрду мулозимлигига тайин қилинди¹⁴. (Бу ададга) вилоятлардан йиғилган мунтазам лашкарлар кирмайди. (Хоқони саид) ойнинг ўн иккинчисида (20 сентябрь, 1420) Жомнинг табаррук қабрига етиб, у шарафли мақомнинг зиёрат шартларини бажо келтирди¹⁵; ойнинг ўн саккизинчисида (26 сентябрь, 1420) эса Дизбод работи ҳумоюн ўрдуга лашкаргоҳ бўлди.

Онҳазрат Нишопур майсазорида сайд ҳавоси ва шикор хуррамлигини истаб, осмон янглиғ сайр этувчи ҳилол наъли от устига фалакнинг мовий оти устидаги хуршиддек сувор бўлди. Байт:

(У от) гўзалликда қирғовулдегу
бахтиёрликда ҳумодек,
йўл босишда қоплондегу
мағрурликда бургутдек.

У шикор изидан қай тарафга чопмасин, олов сочувчи тақа изи билан ер юзини ой ва юдузларга тўлатиб борар эди. Байт:

Унинг тўрт ой-тақасига қоқилган ўн
 олти ситора миҳдан
 ер ҳар замон ой ва ситораларга
 тўлади.

Този итлар шикор ҳирсидан гўё оташ оёқли шамолга айла-
 ниб, ер юзини сел каби босиб ўтар эдилар. **(399)** Жанговар
 қоплонлар кенг жаҳонни ваҳший йиртқичлар учун чумолию
 илон кўзидек танг қилдилар.

Галаба ёр мавкаб рамазоннинг йигирманчисида¹⁶ (28 сен-
 тябрь, 1420) йўл-йўлакай ов қилиб Нишопурдан ўтди. Мирзо
 Бойсунғур тумон амирлари билан¹⁷ (лашкар) муқаддимасида
 йўлга чиқди¹⁸, ойнаинг йигирма тўққизинчисида (7 октябрь,
 1420) Баҳробод қасабаси ҳумоюн қароргоҳга айланиб, Кайқу-
 бод тахтгоҳининг рашкини келтирди. Халифаликка лойиқ
 жаноб (хоқони саид)¹⁹ машойихлар раҳбари, муҳаққиқлар
 таянчи бўлмиш руҳи поклангур Шайх Саъдуддин ал-Ҳумму-
 ийнинг (қабрини) зиёрат қилиш саодатига эришиб, ийди сиём
 шартларини у бахтиёр мақомда адога етказди ва олтинчи
 шавволда (14 октябрь, 1420) бахту иқбол билан қудрат ва улуғ-
 ворлик соябонини Харақон майсазорига ёзиб, руҳи поклан-
 гур Шайх Абу-л-Ҳасан Харақоний ҳазратларининг бузург-
 вор мозорини (зиёрат қилиш) шарафини топди; ойнаинг ет-
 тинчисида (15 октябрь, 1420) эса орифлар султони раҳматлик
 Шайх Абу Язиднинг зиёратига киришиб, илтижо қилиш вази-
 фасини зоҳир этди ҳамда шавволнинг ўнинчисида (18 октябрь,
 1420) Домғон рўбарўсига келиб тушди²⁰. Илгарироқ Мозанда-
 ронда турган ва вазминлигу ҳайбатлиликда ҳар бири улкан
 бир тоғдек баҳайбат бўлган бир неча занжир филларни зирҳ-
 ли ёпуқлару мислсиз аслаҳалар билан безатилган ҳолда, —
 байт:

Барчаси осмон сифат баҳайбат
 филлар
 жўшқинликда дарёдегу
 кўринишда тоғдек, — **(400)**

Хоразм, Нисо, Бовард, Самалқон, Жармағон, Журжон ва Мозандарон²¹ лашкарлари билан ҳумоюн ўрдуга келтириб қўшдилар. Ойнинг ўн тўртинчисида (22 октябрь, 1420) сурайё мақом чодирнинг ой (белгиси) худди тўлин ой янглиғ Симнон²² вилояти уфқидан кўтарилди ва (хоқони саид) руҳи пок-лангур Шайх раббоний Рукнуддин Алоуддавла Симнонийнинг (қабрини) зиёрат қилиш шартини бажо келтирди. Шу ерда Сеистон, Фароҳ, Қўҳистон, Гармсер ерлари, Қандаҳор, Ҳазорайи Оқо²³, Фазнин ва Кобул лашкарлари зафарпаноҳ сипоҳга қўшимча бўлдилар²⁴. Боғ манзилида эса улуғ амир Илёсхожа Қум ва Кошоннинг лашкар ва сардорлари билан келиб палос ўпиш шарафига эришди. Йигирманчи шавволда (28 октябрь, 1420) Дарайи Намақдан ўтдилар ва Рай чегараларига кириб Варомин яқинига²⁵ келиб тушдилар. Бу манзилда олижаноб шаҳзода мирзо Иброҳим Султон беқиёс сипоҳ билан Форс дорулмулки (Шероз)дан етиб келиб лутфу иноятларга мушарраф бўлди. Шунингдек, мирзо Рустам баҳодир кўп лашкар билан Исфаҳон томондан, **(401)** амир Қаноширин ва амир Чақмоқлар эса Язд ва Кермондан Рай мулкига кириб, аъло ўрдуга қўшилдилар. Байт:

У даштга шунчалик (кўп) лашкар кирдики,
ундан еру осмон ҳаракатга келгандек эди.
Мўру малаҳдек ҳисобсиз сипоҳнинг
ҳаммаси жанг далирларию (майдон) жанговарлари.

Адади хаёл суратхонасига ҳам сиғмайдиган бир лашкар ва унинг қора черикини²⁶ ҳам тасаввур қуввати фаҳм тарозусида тортиб кўролмайдиган у сипоҳни тавочи амирлар бир неча кун ичида санокдан ўтказиб²⁷ чиқдилар: икки юз минг суворий ҳисобга олинди²⁸ ва (хоқони саидга) муфассал арз қилинди. Амир Маъсум Жогир Шаҳриёр қалъасидан ер ўпиш учун йўлга чиқиб, хизматкорлар қаторидан ўрин олди. Ҳумоюн мавкаб бир неча кун Рай атрофларида тўхтаб турди ва ёсомиший тадбири билан машғул бўлди.

У тарафдан амир Қаро Юсуф довюраклик кўрсатар ва мағрурликка берилиб шижоат кўчасида муборизат йўлини босар эди; туркмонлар қаршилик кўрсатиш даъвоси ва жангу жадал оҳангига киришиб, муҳораба ва уруш нақшини хаёл лавҳаларига чизар эдилар. Ғалаба ёр лашкар қаршисида унинг ожиз ва қусурли, заиф ва футурли эканлиги ҳарчанд аниқ бўлса ҳам, аммо раъй эгаларию билимдон кишилар ва жанг майдони суворийлари учун бўлажак тўқнашиш устида мулоҳаза юритиш ва ажабланишга ўрин бор эди; ҳар кимнинг хотир ойнасида бир сурат юз кўрсатиб, хотирлар паришон ва аҳволнинг номаълум оқибатидан ҳамма кўрқинчда эди. Чунки амир Қаро Юсуф баҳодирлик номи билан тўла донг таратган (402) ва камоли шижоатлилиги билан бирга яна доимо уруш олотлари у билан бирга, сипоҳийларининг отлари дам олиб ётган эди. Ғалаба ёр лашкар эса узоқ йўлдан келиб, отлар заифлашган, бунинг устига қиш фасли ҳам яқинлашиб қолган эди. Шунинг учун хатарни кам кўрган кишилар наздида фатху зафар ажиб ва ғариб туюлар эди. Аммо илоҳий кўмакни кўп марталаб зафар оятли байроқ ҳамроҳлигида кўрган ҳамда онҳазратнинг <Оллоҳ томонидан қўллаб-қувватланганлигини> аниқ билган кишилар дилларини бузмайдилар ва уларнинг хотирларига ҳеч бир ваҳима тушмади.

Илгарироқ улуғ амир Ғиёсуддин Шоҳмалик ўз номидан Поянда исмли бир навқарни амир Қаро Юсуф қошига юбориб, оқилона насиҳат қилган эди. Мазмуни шундай: «билимдон киши оқибати хатарли ва хотимаси танбеҳли бўлган ишдан ўзини тиймоғи лозим; агар бундан илгари <хатолик билан ёки била туриб> қарама-қаршиликни келтириб чиқарувчи бирор ҳаракатга йўл қўйилган экан — <ўтган иш ўтди>; энди маслаҳат шундан иборатки, у авф сўраб келсин; онҳазрат билан жанг қилишни тарк этганлиги учун унинг номига ва номуси орига ҳеч бир доғ тушмайди, ҳазрат хоқони саид Озарбайжон ва Бағдод мамлакатларини токи Шом ва Рум диёригача унга топшириш учун, (Қаро Юсуф) ҳам унга яхшилик тиловчилар сўзига қулоқ бериб, Султония ва Қазвин вилоя-

тини аъло девон ихтиёрига ўтказмоғи лозим». Амир Қаро Юсуфнинг шижоат қуввати билан мағрурлиги насиҳат ва ишонтириш билан ислоҳга келтириб бўладиган даражада эмас эди. У юборилган киши (Поянда)ни Табризда ҳибсга олди ва Озарбайжон вилоятлари атрофларидан, Бағдод, Аррон, Муғон ва уларга туташ ҳам тобе жойлардан ҳисобсиз лашкар ва кўп сипоҳ жамлаб, хазинасида нимаики бўлса, **(403)** ҳаммасини уларга улашди. Ҳазрат хоқони саид эса, — байт:

Одилона ҳукм юргузувчи, дин паноҳи
 бўлмиш шоҳ,
душман сипоҳ тузганлигидан
 хабардор бўлгач, —

эҳтиёжмандлик ва ихлос юзасидан ўз бандаларини парвариш қилувчи, чорасоз ҳазрати бениёз (Оллоҳ)га илтижо қилиб айттар эди: «агар сенинг иноятинг зафар йўлида қўлдош бўлмаса, дунёвий лашкару ҳисобсиз тўдалар ҳечдир ва агар бу йўлда сенинг ҳидоятинг ҳамроҳлик қилмаса, фатҳу ғалаба йўли чалкашдир». Байт:

Эй бутун борлиқни пайдо
 қилган (танграм)!
Заиф туфроқ сен туфайли
 тавоно бўлган,
Бу барча умиду қўрқинчлар сен
 туфайлидир.
Сен ўзинг шафқат қилгину ўзинг марҳамат
 кўрсатгин, эй саховат эгаси!
Бизнинг чорамизни ўзинг тузгин, чунки
 бизнинг ўзга кўмакчимиз йўқ,
Агар сен бизни қувласанг, бошқа
 кимга илтижо этамиз!?

Эй, фараз қўли сенинг камолингни фаҳмлаш этагидан кўтоҳ бўлган ва эй, ақлнинг тўғри тадбирли пири сени билиш биёбо-

нида саргаштаю йўлдан адашган (тангрим)! <Оллоҳ нимани истаса шуни қилади>²⁹ (ояти) панжасида бечора қолмаган қайси дил бор ва <нимани ирода қилса шунга ҳукм этади>³⁰ (ояти) тифидан пора-пора бўлмаган қайси жон бор! Биз гарчи тожу тахт эгаси бўлсак ҳам ночорлик ва бандалик бизга лозимдир ва агарчи иқболу бахт эгаси бўлсак ҳам бизнинг сифатимиз бечоралик ва бош эгишлиқдир. Байт:

Эй тангрим! Агарчи биз мулку жаҳон эгаси
бўлсак ҳам
ҳаммамиз саргашталардурмиз.
Биз бошдан-оёққача ҳечлик ичра
ҳечмизу
оёқдан-бошгача чалкашлик
ичра чалкашмиз.
Ҳаммамиз бечоралармизу ҳайронликда
туриб қолганмиз.
Бизнинг ана шу бечораларимизга
марҳамат қилгин!

Истихора ва илтижолардан, олий даражалик (тангри)га ҳожатларни баён этгандан сўнг (хоқони сайд) ожизлик юзини тазарру тупроғига қўйди ва самимий қалбдан ва сидқи ният билан қудратли ҳазратдан фатҳу нусрат тилида ҳамда пинҳоний фаришта (Жаброил)дан ижобат хушхабарини эшитди; олий тахт поясининг мулозими бўлган ҳофизу қориларга (404) буюриб фатҳ сурасини³¹ ўн икки минг марта хатм қилдирди. Сўнг ҳазрат хоқони сайд ўз қалбида қатъият мавжудлиги туфайли, — мисра: худди тоғдек собиту пойдор оёғини оламини забт этиш узангисига қўйди ва эҳтиёткорлик қўлига жаҳонни фатҳ этиш жиловини олиб, лашкарни тартибга солиш билан машғул бўлди. <Унинг қўли устида Оллоҳнинг қўли туради>³² (ояти)дан иборат бўлган тақдир саодат эшиklarини онҳазратнинг бахт давлати юзига яхши бир тарзда очиб турди. Байт:

Фалакнинг сен билан тузган аҳди шуки,
кимки сенга бўйсуннишдан бош тортса,
у тез орада сенинг қошингда пешонасини
тупроққа суртади.

Онҳазрат амир Юсуфхожани³³ мингта номдор суворийлар билан Қазвин томонга юборди. Амир Қаро Юсуфнинг навкари Қосим³⁴ Қазвинни ташлаб Султонияга юзланди ва амир Юсуфхожа Қазвин аҳолисини хотиржам қилиб ваъда берди, у ернинг акобирлари олампаҳо даргоҳ томон шошидилар ва (хоқони саид) қўлини ўпиш шарафига етишдилар. «Лашкар аҳли Қазвинга бормасинлар ва **(405)** жабр-зулм етказмасинлар» — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Қосим Султонияга қочгач, у тарафдан амир Қаро Юсуфнинг ўғли Султониянинг ҳокими амир Жаҳоншоҳ хабар эшитди ва (қалъага озиқ-овқат) қўр-қутлари ҳам уруш олотларини³⁵ жамлашга киришди ва раиятларнинг сомон ҳам ўтин-чўпларини келтиришга буюрди. Туркмонлар шу баҳона билан Султонияни ғорат қилдилар, саройларнинг эшиклари ва дўконларнинг тахталарини ч а п а р боғлаш учун қалъага ташиб келтирдилар³⁶; кимда ким бирор қобилиятга эга бўлса қалъага кириб, қолган раият Торамин ва Гилонот томон жўнади. Туркмонлар жангу жадал, уруш-тўқнашишга тайёрландилар. Байт:

Туркмон аҳли тифу найзалар
ва ўқу камонлар билан
ясаниб безандилар.

**АДОВАТЧИ АМИР ҚАРО ЮСУФНИНГ ВАФОТ
ЭТГАНЛИГИ ВА БУ ХАБАРНИНГ ЕТТИ ИҚЛИМ
ХОҚОНИГА ЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Хазрат хоқони саид ўз олий ҳиммати назарини йўналтирган ва унинг қуёшдек замири партави ўз таъсирини кўргазган ҳар бир муҳим ишда <кимки яхши ният қилса, унга муваф-

фақият ёр бўлади> (деган мақол)нинг белгилари юз кўрсатар ва <у (тангри) — сени ўз кўмаги ва мўминлар билан қўллаб-қувватлаган (зот) дир>³⁷ (деган оят)нинг далиллари равшан намоён эди. Байт:

Фалак унинг даргоҳи тоатида (белига)
 эҳром боғлагану
 малаклар шоҳ фатҳини тилаб
 дуога қўл очган.

Бу муқаддиманинг тўғри эканлигига далил шуки, офтобдек нурли байроқлар Ироқ мамлакатларига ҳумоюн соя ташлаб, **(406)** у мулк майдонига мавкаблар сояси ва от-уловлар наълидан тож кийдириб эгилтирган ва амирзода Жаҳоншоҳ Султония қалъасини истехком қилиб турган вақтда, ногоҳ Табриз томондан бир чопар етиб келиб, Қаро Юсуф Ужон атрофида жонини ҳаққа таслим қилганлиги, минг дарду ҳасрат ўтида жаҳон билан видолашганлиги ва туркмонлар худди симобдек изтиробга келиб, саросимага тушиб Султонияни ташлаб, Табриз томон қочганликлари³⁸ ҳақида хайрли хабар етказди. Бу тарафдан Қазвин томонга бир қулоқ-даракчи кетган эди, ўн биринчи зу-л-қаъдада (17 ноябрь, 1420) Оқхожа манзилида ҳумоюн ўрдуга етиб келди ва у ҳам амир Қаро Юсуфнинг вафоти хабарини келтирди. Шу кун Султония қозиси муртазойи аъзам Саййид Шаҳобуддин Абдуллоҳ жаҳонпаноҳ даргоҳга келди ва у ҳам Оллоҳ доимо севинчли хабарларни етказгур шухратли қулоқларга мазкур хабарни етказди. Шундай қилиб воқеанинг ҳақиқатан ҳам содир бўлганлиги аниқланди Байт:

Найза учининг дардисиз ва ўқларнинг
 борди-келдисисиз
 омонлик калити бўлган у фатҳ
 муяссар бўлди.

Ҳа, шундай! Ҳақ таоло жаноб Шохрухни музаффар ва мансур қилиб яратганлиги учун уруш азобисиз ва кулфат тортиб

зарб емай шундай яхши бир тарзда фатҳ юз кўрсатди. Онҳазрат (407) бу маънини илоҳий лутф натижаларидан деб билди, чунки осмоний саодат ҳумоси ғалаба ва зафар соясини онҳазратнинг офтоб кўринишли соябони устига ташлади ва (оятда келган) <азиз кўмак билан>³⁹ (сўзларининг) нурлари онҳазратнинг кўмакчилари пешонасидан болқиди ҳамда (оятдаги) <аниқ ғалаба>⁴⁰ (сўзларининг) асарлари ҳумоюн байроқларни безатди. Байт:

<Биз сенга аниқ ғалаба ато қилдик>⁴¹ (ояти)ни
 машриқ хусрави (Шохрух)нинг байроғидан
 ўқигин!

Жаҳонни забт этувчи мавкаб ва осмонга суркалувчи жилов Султония томон равона бўлди. Жавонбахт шаҳзода мирзо Бойсунғур зафар шиор хоқоннинг фармониға биноан илғор тарзида дорулмулк Табризга қараб жўнади. Амир Алоуддин Алика кўкалтош ва Хожа Қутбуддин Муҳаммад Мушриф Симоний девонга тегишли мол-мулкларни идора қилмоқ учун олижаноб шаҳзоданинг жиловида йўлга чиқдилар. Зафар нишонли шаҳзода мирзо Иброҳим Султон эса Форс лашкарлари билан Сижоз йўлидан Мароғага кетди.

Зафар оятлари битилган байроқлар ўн тўртинчи зу-л-қаъдада (20 ноябрь 1420) Соин қалъага етиб, ўн бешинчида (21 ноябрь, 1420) Султониянинг рўбарўси ҳумоюн лашкаргоҳ қилиб белгиланди. Раиятлар амирзода Жаҳоншоҳ кетганидан кейин қалъани ўзларига паноҳ қилиб олган эдилар, онҳазрат раҳм-шафқат кўрғазиб, машаққат остида қолиб бало поймоли бўлган раиятларга: «барча лашкарлар ўтиб кетгунича (408) қалъада турсинлар ва ундан кейин ташқари чиқиб шаҳар ва бозорни ободон қилсинлар» — деб буюрди ва амир Мусони қалъани бошқариш ва раиятни муҳофаза қилишга қолдириб, Султониядан кўчишга бошлади ва ойнинг йигирма саккизинчисида (4 декабрь, 1420) Ардабилга етди⁴². Бу ерда машойихлар шайхи руҳи поклангур Шайх Сафиуддиннинг (қабрини) зиёрат қилишга эришди ва Оллоҳ саломат сақлагур Шайх Алоуддин

Хожа Алининг суҳбати баракатидан саодатга етишди; сўнг Муғон йўли билан юриб саккизинчи зу-л-ҳижжада (14 декабрь, 1420) Арс сувидан кечди ва ойнинг тўққизида (15 декабрь, 1420) Арроннинг Қаробоғида қишлоқ юртига келиб қўнди⁴³. Байт:

Унинг байроқлари қайси бир мақомда
қарор топса,
Оллоҳи таоло унинг (ўша ерда) мададкори ва
сақлагувчиси эди.

Шарафли кишилар ҳар томондан жаҳонпаноҳ даргоҳга юз тутдилар. (409)



АМИР ҚАРО ЮСУФ АҲВОЛИНИНГ ОҚИБАТИ ЗИКРИ



*А*мир Қаро Юсуф бир неча йил давомида бахту иқбол билан Озарбайжон мамлакатларида қудратли ҳокими мутлақ бўлиб, Диёрбек, Араб Ироқи вилоятларини ва Ажам Ироқининг баъзи (ер)ларини ўзига бўйсундирди ва у ерларда ҳукм юргизиш турди. Аммо бу вақтда, аъло ўрдунинг йўлга чиққанидан хабар топгач, унинг раъйи нури ҳайрат зулматига чўқди ва тадбирининг Хизри ҳайрат водийсида тўғри йўлдан адашди: у ўзининг хос яқинлари билан машварат тузди ва лашкарлар жамлаб (хоқони саид) қаршисида сафлар тузиш фикрига қарор қабул қилди. Байт:

(Кўрармиз:) кимнинг шамшири дастасидан қон
томар экан,
ёки кимнинг иқбол олови балаңд
ёнар экан?!

Сўнгра у Озарбайжон, Аррон, Муғон, Диёрбакр, Араб Ироқи мамлакатларидан кўп лашкар жам қилди; Табриз вилоятидан, илгарилар ҳеч маҳал аҳдлашилмаганлигига қарамай, пиёда лашкар талаб қилди, аммо бу янги тартиб унинг учун хайрли



бўлиб чиқмади. У Табриздан чиқиб шундай бир сипоҳни кўриқдан ўтказдики, худди офтоб зарраларидек мўл ва булут қатраларидек бепоён эди. Байт:

Ҳаммаси Баҳром таъблигу
кайвон хушлик,
барчаси пўлат дубулғаю
темир кийимлик.

Барчаси бошдан-оёқ зирҳ, совут, тиф ва найзалар билан бе-
занган навқирон йигитлар бўлсалар ҳам, аммо байтда келган:

Ҳар кимгаки бахт раҳбарлик
қилмаса
унинг кўрсатган жидду жаҳди
қўл келмайди, —

(деган сўзлардан) ғофил эдилар.

Шу орада Қаро Юсуф тўсатдан бир касалликка чалиниб, унинг қалбидан катта бир кўрқинч жой олди: **(410)** у ўз қилмишидан ўкинча ва айтганларидан ваҳимада бўла туриб, пушаймонлик мавжудлигига қарамай, ғайрат кўрсатиб жангу жадал лофини урар ва саркашлик ҳам мустақиллик даъвосини қилар эди. Қитъа:

У ҳукумат палосини ёйган эди-ю,
лекин ҳаёт унга муҳлату фурсат
бермади.
(Шахмат тахтасида) шундай бир
ўйин воқе бўлдики,
бир тарафдан шаҳ — рух юриб қарши
томон мот бўлди.

Шундай қилиб, Қаро Юсуф илоҳий тақдир ҳукми ва осмоний қазо имзоси бўйича бу фоний дунё билан видолашиб, абадий ҳаётлик саройига кўчди ва пайшанба куни, зу-л-қаъда-нинг еттинчисида (13 ноябрь, 1420) бу муваққат сарой ва ранжу машаққат манзилдан ором уйига жўнади⁴⁴. Туркмонлар

жамоати тарқалиб кетиб, уни кафанлаб кўмишга эътибор бермадилар ва уни ўша вафот топган чодирида қолдириб, ҳар бирлари бир тарафга жўнадилар ва ўз ғамларини ейиш билан машғул бўлдилар. Амирларнинг пешқадами бўлган Амир Қаро (марҳумнинг) хотинларидан энг севимлиси бўлмиш Қадам пошо билан биргаликда амир Юсуфнинг фарзандларидан бирини подшоҳликка кўтариб, қолганларини унинг атрофига тўпламоқчи бўлдилар-у, аммо фарзандлардан бирортаси ҳам ҳозир эмас эди: амир Шоҳ Муҳаммад Бағдодда, амир Искандар Каркукда, амир Испанд Абдулжужда, амир Жаҳоншоҳ Султонияда ва амир Абу Саид Озарбайжонда эдилар. Шунинг учун у фикр бир ерга қовушмади ва ҳар ким ҳар томонга жўнаб кетди. Қаро Юсуфнинг биродарзодаси бўлмиш амир Мисрининг ўғли Фазон подшоҳ хазиналарнинг сараларини қўлга кiritиб Авник қалъаси томон юзланди, **(411)** амир Қаро ва Қадам пошо Олинжақ қалъасига кетдилар. (Амир Қаро Юсуфнинг) бошқа биродарзодаси бўлмиш амир Ёр Алининг ўғли Зайналбек Ардабилга⁴⁵ юзланди, амир Боязид курд Курдистонга майл қилди, амир Али подшо Саъднинг ўғилларига қўшилди, Муҳаммад Жангий ва амир Илёслар эса Диёрбакрга жўнадилар. Шу тарзда уларнинг бирдамлик шодаси сочилиб кетди. Қитъа:

Бу дунё ва унинг мол-мулкига
 кўнгил қўймагин,
чунки ҳеч бир киши ундан
 вафо кўрмаган.
Туркмонлар амирининг аҳволидан
 сабоқ олгин,
шундай амирданки, унинг шамширидан
 қон томар эди
Унинг номини биёбонда
 эшитганида
қўрқинчдан шер панжасини букар
 эди.
Охири Табриз, Бағдод ва Ироқларни

энди бўйсундирганида, куни тугади.

«Мухлати тугаган эди» — (деган сўзлар)

унинг вафотига тарих бўлди⁴⁶, буни,
ҳар кимнинг вақти етишса, ўзи ҳисоблаб
кўриши мумкин.

Кимки, у агар тирик жон бўлса,

албатта

(Қаро Юсуф) бошига Ужон манзилида

(412) тушган қисматни кўради.

Қуйидаги байт ҳам унинг вафоти тарихига айтилган. Байт:

Мир Юсуф шоҳ Табризда вафот этди ва
бунинг тарихи учун «китобат»⁴⁷ сўзи туширилди.

Алқисса, валаба ёр лашкар Рай яқинида турганлигига, Қаро Юсуфнинг вафоти воқеаси эса Ужон атрофида юз берганлигига қарамай, туркмонлар шунчалик саросимага тушдиларки, мурдани чодирда қолдириб, қочиш йўлини чангитдилар, кишилардан баъзилари чодирни фораг қилиб, маййитнинг кийимларини эгнидан ечдилар ва унинг қулоғини тилло ҳалқаси билан қўшиб кесиб олдилар. Бу воқеа пайшанба куни еттинчи зу-л-қаъдада (13 ноябрь, 1420) содир бўлган эди; жума куни, ойнинг саккизинчисида (14 ноябрь, 1420) Сейди Муҳаммад Кажужоний⁴⁸ ва Табризнинг бошқа ақобирлари амир Шохмаликнинг навқари Пояндани ҳибсдан озод қилиб, узрхоҳлик билдирдилар ва Қаро Юсуфнинг жасадини Табриз йўли билан Иржис тарафга олиб кетиб, унинг ота-боболари қабрига дафн қилдилар. Ҳумоюн байроқлар (413) Иржисга етганида мирзо Бойсунғурнинг навқарлари унинг қабрини очиб, жасадини кўрдилар, бағоят ҳайбатли экан, аммо, — байт, —

Ҳалок бўлганидан кейин мурдага ҳеч ким
қасд қилмаганлиги учун
доно кишилар томонидан бундай иш
тутилганлиги ажаб туюлди.

УЛУҒ ШАҲЗОДА ФИЁСУДДИН МИРЗО
БОЙСУНҒУРНИНГ ДОРУЛМУЛК ТАБРИЗГА
ЕТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Улуғ шаҳзода мирзо Бойсунғур баҳодир зафар паноҳида-
ги сипоҳ билан, — байт:

Шундай диловар баҳодирларки, улар
жанг майдонида
найза учи билан осмондаги ойни
олиб қочардилар, —

зу-л-қаъда ойининг ўртасида (21 ноябрь, 1420) Озарбайжон
мамлакатларига кириб давлатхонага келиб тушди; Қаро Юсуф-
нинг мухлислари қуёш тулуъ қилгандаги юлдузлар каби кўзга
кўринмай қолдилар. Байт:

Унинг чодирининг қуёши нур
сочишга бошлагач,
душман худди юлдузлардек
парокандаликка учради.

Хутба ва пул зарби (хоқони саиднинг) ҳумоюн ном ва ла-
қаблари билан оройиш топди. Қитъа:

Токи сўзнинг айтиладиган жойи
тил экан,
хутбаларнинг тили сенинг
зикринг билан соф.
Токи жаҳонда зардан нишон
бор экан,
пул зарб қилинадиган қолиплар
сенинг номинг билан очиқ⁴⁹.

Подшоҳона амр-фармонлар у диёр ва шаҳарларда қатъий
жорий бўлди, атроф ерларнинг маликлари ва ўзбошимчалари
(414) <ўз рағбатлари билан ёки кўрқинчдан> хизмат доираси
ва итоат сиртмоғига кирдилар. Олижаноб шаҳзода раиятга
ҳомийлик кўрсатишда адолат суратини иноят назарига ман-

зур тутиб, мамлакатни бошқариш қоидаси турғун бир қонун бўйича қарор топди.

Дорулмулк Табризда мирзо Бойсунғур ҳузурига келган кишилардан бири амир Қаро Усмоннинг ўғли амир Алибек эди. Уни амир Қаро Юсуф ушлаб олиб Табризда ҳибсда сақлаб турар, (415) (хоқони саид) лашкарининг овозасини эшитгач, ҳатто ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди. Аммо амир Қаро⁵⁰: «ҳозир кучли бир лашкар бизга қасд қилиб келмоқда, агар амир Қаро Усмон ўз фарзандининг қатл қилинганлигини эшитса, у ҳам бу тарафдан бизга қарши юзланади», — деганидан кейин, бу гап амир Юсуфга маъқул тушиб, амир Алибекни ўзи билан бирга боғлик ҳолда олиб юрар эди. Амир Юсуф вафот топганидан кейин амир Қаро унга бир бош мукаммал яроғ-аслаҳа⁵¹, от ва кийим бериб, «қаерга борсанг ҳам ижозат», — деди. У Табризда мирзо Бойсунғур ҳузурига наमत ёпиниб келиб, ўз аҳволини арз қилди, жаноб Бойсунғур унга нисбатан иноят қилиб, меҳрибончилик кўрсатди ва у, (хоқони саид) Қаробоғга жўнаган вақтда, шаҳзоданинг ижозатига мувофиқ отасининг олдига келди.

Шаҳзода (Бойсунғур) олий ишорат талабига мувофиқ Говруд қалъаси томон отланди. Амир Алоуддин Алика раият эҳтиёжлари ва мамлакат муҳим ишларини лозим бўлган тарзда йўлга қўйиб, Қаро Юсуф ихтиро қилган янги қоидаларни⁵² йўқотди ва шаръий ишларни интизомга келтириш ва давлатнинг умум ишларини саранжом қилишга киришди⁵³, сўнгра мамлакатнинг акобир ва ашрофлари у билан биргаликда зулҳижжанинг охирида (5 январь, 1421) Қаробоғ қишловида, ҳумоюн ўрдуга етишдилар. (416)

МИРЗО БОЙСУНҒУРНИНГ ГОВРУД ҚАЛЪАСИГА ЖўНАГАНЛИГИ ВА АМИР БОБО ҲОЖИНИ ОЛИБ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Бойсунғур баҳодир Говруд қалъаси томон юришга отланди. Бу юришга сабаб шу эди: амир Шайх Муҳаммад Ироқий тавочининг ўғли амир Бобо Ҳожи Говруд ерларига

эга чиқиб, ўзини мустақил бир ҳоким деб билар эди. Мирзо Умарнинг замонида амир Жаҳоншоҳ Жоку амир Шайх Муҳаммадни қатлга етказди ва мирзо Умар амир Бобо Ҳожини бир тўда амирлар билан юбориб, амир Жаҳоншоҳни ушлаб ўз ҳузурига келтиришга буюрди. Амирлар жамоати амир Жаҳоншоҳ устидан ғалаба қозондилар ва уларнинг ундови билан Бобо Ҳожи ўз отасининг хуни — қасоси учун амир Жаҳоншоҳни қатлга етказди. Бу сўзнинг шарҳи мирзо Умарнинг кечмишлари орасида ўтди⁵⁴. Мирзо Умар Хуросон томон юзланган вақтда⁵⁵ амир Бобо Ҳожи иккиланиб қолиб, муҳолифатчилик билдирган эди.

Ҳазрат хоқони саид илтифот соясини Озарбайжон мамлакатлари устига ташлаб, Аррон Қаробоғини ҳумоюн қишлоқ сифатида танлаш билан шарафли қилган бу вақтда эса амир Бобо Ҳожи ваҳимага тушиб ўзи келмади ва онҳазратнинг хизматига ўз биродарини жўнатди. Олий ҳазрат: «биз-ку унинг гуноҳини авф этдик, нега энди унинг ўзи келмади!» — деди ва: «мирзо Бойсунғур у тарафга қараб отлансин ва амир Бобо Ҳожини аъло тахт поясига етказсин», — деган жаҳон бўйсунувчи ҳукм содир бўлди. (417)

Амир Бобо Ҳожи Говруд қалъасини мустаҳкамлаб жангга тайёр ҳолда турган эди. Ҳақиқатдан ҳам амир Бобо Ҳожи диловар бир сардор эди. Шундайки, Қаро Юсуф у мамлакатда мустақил ҳукм юритган бир неча йил мобайнида амир Бобо Ҳожи унга нисбатан муҳолифатчилик йўлини тутди ва узоқ муддат шу тарзда ҳаёт кечириб, охири ўзи Қаро Юсуф ҳузурига борди. Амир Юсуф бағоят мамнун бўлиб, Говруд қалъаси атрофидаги мавзеларни унга топширди. Чунончи, бу сўзнинг шарҳи Қаро Юсуфнинг Исфаҳон томонидан қайтиши воқеаси орасида айтиб ўтилди, яъни (саккиз юз) ўн олтинчи йили (1413—1414) Қаро Юсуф Исфаҳонга қасд қилди, аммо касаллик сабабли йўлдан орқага қайтди; у қайтиб келаётган вақтда, ўша юқорида ёзиб ўтилганидек, амир Бобо Ҳожи унинг ҳузурига келди⁵⁶.

Алқисса, шаҳзода (Бойсунғур) оқиллар учун тескариси мақбул бўлган қиш фасли ўртасида Говруд қалъаси рўбарўсига



етди. Амир Бобо Ҳожи мувофиқатчилик кўрсатишга тараддуддаю муҳолифатчилик кўрсатишдан қўрқинчда турар эди, мирзо Бойсунғур унинг қошига бир элчини юбориб, бу ҳумоюн хонадон (темурийлар) томонидан унинг отаси аҳволига ва қабилаларига нисбатан кўрсатилган марҳаматни ёдига солди ва: «муҳолифатчилик оқибати қай даражага етиб бориши мумкинлигига ақл кўзи билан назар ташлаб кўриш лозим, агар мувофиқатчилик қилиб ҳузуримизга чиқса, уни азиз тутиб мамлакат унинг ихтиёрида қолдирилади ва бошқа бир мавзе ҳам қўшиб берилади, **(418)** бундан ташқари, ҳазрат хоқони саид ҳам амир Жаҳоншоҳнинг одамлари «(бўлиб ўтган) воқеани эсга олмайдилар», — деганлар», — деб айтди. Амир Бобо Ҳожи умидвор бўлиб, фармон бериш авжидан фармонни бажариш тубанлигига тушди ва бошини қулик сиртмоғига, гарданини итоат бўйинбоғига тутди. Мирзо Бойсунғур унга нисбатан подшоҳона ахлоқ олижанобликлари ва хусравона хайрихоҳлик марҳаматларини зоҳир қилди. Амир Бобо Ҳожи олижаноб шаҳзодага ҳамроҳ бўлиб Қаробоғга жўнади ва ўн олтинчи зу-л-ҳижжада (22 декабрь, 1420) палос ўпиш саодати-га етишиб (келтирган) пешкаш-совғаларини топширди ва амирлар қаторидан ўрин олди.

МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТИНИНГ ШУ ЙИЛГИ АҲВОЛИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид ҳузурига келиб, баъзилари Шерозга — мирзо Иброҳим Султон қошига кетган, баъзилари Хоразмда — амир Шоҳмалик ҳузурнда бўлган Хитой элчиларининг барчаси қайтишиб (саккиз юз йигирма) тўртинчи йил бошларида (6 январь, 1421) Самарқандга етдилар⁵⁷. Аъло ҳазрат (хоқони саид) — амир Шодихожани, мирзо Бойсунғур — Султон Аҳмад ва Хожа Фиёсуддин наққошларни, мирзо Иброҳим Султон — амир Ҳасан⁵⁸ ва Паҳлавон Жамолларни, мирзо Суюрғатмиш — Арқодоқни, **(419)** амир Шоҳмалик — Ўрдунни ва Бадахшон шоҳи — Хожа Тожуддинни Хитой элчиларига ҳамроҳ қилиб юбордилар.

Мирзо Улуғбек ўн биринчи муҳаррамда⁵⁹ бу жамоатга ва Хитой элчиларига катта тўй бериб, тўла иззат-эҳтиром кўрсатди. Шундан сўнг улар сафар ойининг бошида (5 февраль, 1421) Хитой томон равона бўлдилар. Савдогарлардан кўплари ва ҳар хил диёрнинг кишилари бу сафарга бирга чиқишни ихтиёр қилдилар. У вилоятларнинг элчилар борган ва қайтиб келган вақтларидаги ҳолати ва аҳвол-авзои (ҳақидаги) ҳикоятлар қай тарзда эшитилган бўлса, шояд (саккиз юз) йигирма бешинчи (1421—1422) йил (воқеалари ораси)да, — мисра, — у сўзлар шарҳини қалам гўзал рақамлар билан сўзлар.

ДОРУССАЛТАНА САМАРҚАНДА ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАР ЗИКРИ⁶⁰

Замонанинг эзгу гардишидан
«Шоҳларда иморат қуришга майл бўлади» — (420)
деган башорат етиб келган.
Ер юзида қурилган ҳар бир иморат
латофатликда яккаю ягона бўлмоғи
ва равшанликда ой нуридегу
муштаҳкамликда фалак айвонидек
бўлмоғи лозим.

Илоҳий кўмак ва осмоний мададлар туфайли ер юзю жаҳон майдони Сулаймон тахт, Фаридун бахт султон Шоҳрух Султоннинг адолат нурлари ва марҳамат асарлари билан безангач, узоқ Хитойдан тортиб Рум чегараларигача ва Туркистоннинг ниҳоятдан Ҳиндустон поёнигача (ҳукмдорлар) онҳазратнинг фармонига итоаткорлик кўрсатишар ва олий ишоратларга нисбатан бўйсунуш мақомида турар эдилар, унинг иқболи шамоли ва ғамхўрлиги шабадасидан Ислом (дунёси) гулшанида ҳар куни бир яхшилик ғунчаси очилди, ер юзи чаманида ҳар соатда бир эзгулик ниҳоли бош чиқарди, илм боғлари унинг хайрхоҳлик булутидан ҳар замон серсув бўлиб турди, шарият бўстони онҳазратнинг адолати зилол сувидан

ҳар дамда яшнаб софлик касб этди, давлат қуввати мамлакатнинг кенгайиши ва салтанатнинг тетикланиши билан узлуксиз ошиб борди ва (хоқони саид) ҳимоясидаги мамлакатлар, айниқса Мовароуннаҳр мамлакати, маъмурлик ва ободонликнинг чўққисига етиб, жавонбахт шаҳзода Мағисуддин Мирзо Улуғбек кўрагон хайрли жойлару олий иморатлар қуришга майл кўрсатди. Байт:

Хаётбахш жойлару гўзал бинолар шундай эдики,
уларни кўргач, ақли кулл ҳам санолар айтади.
Султон Улуғбек давлатининг қудрати билан
бир неча яхши жойлар мукамал бўлди.
Жаннатсифат ҳар бир жой туфайли
Самарқанд мулкининг равнақи ортди. (421)

Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва (шаҳар) майдонининг марказида, Арки Олийга яқин жойлашган Сардуатик (?)⁶¹ деб аталадиган мавзеда (Улуғбек) бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Уларнинг баландлиги ва безаклари баланд осмоннинг шабини ва Чин суратхонасининг рашкини келтирар, биноларнинг мустаҳкамлиги ва устунларнинг нозиклиги билан Ҳарамон ҳайъати ва тавъаман суратини эслатар эди. Хақиқатан ҳам у икки иморатнинг латофатини ёзув қалами ва баён рақами билан тасвирлаш мумкин эмас.

Кайвон виқор ва муштарий асар шаҳзода кўп даромадли ерлар, экинзорлар ва ариқларни у жойга вақф қилиб ажратди, уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинлади, шунингдек, хонақога ҳам билимдон машойихлар ва мубоширларни белгилади ҳамда бу икки олий мақомнинг муҳим ишларини кордон кишиларнинг саъй-ҳаракати қўлига топширди⁶². Вақфга ажратилган даромадли ерлар ва экинзорлардан ҳар йили шунчалик хосил олинар эдики, у икки жойнинг заруратлари

сарфидан ортиб қолар ва ўша икки жойнинг ўз хазинасига йиғиб қўйилар эди; ҳеч такаллуфсиз (айтиш мумкинки), энг билимдон подшоҳ (Оллоҳ) ихтиёр қилган яна бирор жой бўлмаса, ислон шаҳарларининг барчасида бу икки бахтли мақомга яқин келадиган бирор жойни кўрсатиб бўлмас эди.

Бу варақларни ёзиб тўпловчи Абдураззоқ қутли бир муносабат билан бир неча вақт доруссалтана Самарқандда муқим турганида бу ҳолни ўз кўзи билан кўрди.

Илму фанлар бўйича етарли насиба ва тўлиқ сармоя эгаси бўлган Мирзо Улуғбек, — байт:

Барчага маълумдирки, ҳар қанча ўйлаб
кўрилганда ҳам
билимдан дурустроқ бирор нарса
топилмайди. (422)

Агар бирор киши шоҳлиги туфайли
қобил бўлса,
демак, унга таълим берувчи илоҳий
фазлдир.

Агар тангри шоҳларга илм равон
қилмаганида
биттагина бош билан олам ишини
қандай бажариш мумкин эди.

Ҳар бир иқлимдаги тожу тахт эгалари,
агарчи осмон тарафидан таълим
олган бўлсалар-да,
лекин (дунёвий) илм касб қилиш ҳам
гўзал ишдир,
чунки хат сўзида бир ҳарф эмас
икки ҳарф мавжуддир.

Гарчи ой безакка муҳтож
бўлмаса ҳам,
у парвиндан тож кийгач, яна ҳам
шарафлироқ бўлади.

Гарчи бирор тилла (бўлаги) ўз ҳолича баланд
қийматга эга бўлса ҳам,
унга гавҳар ўрнатилса, қиймати яна ортади, —

ўз билими нурларини бутун жаҳонга офтоб шуъласи янглиф зоҳир қилишни, идрок ёруғлигини тупроқ чуқурлигидан энг юқори фалак гумбазига етказишни, юлдузлар расади садосини гардун гумбази бўйлаб таратишни ва бу улуғ иш тантанасини ер юзида янгратишни истади. Шунга биноан, у замон Афлотуни мавлоно Салоҳуддин Мусо Қозизодайи Румий, Мирзо Улуғбек ўзи тарбиялаб иноят тили билан «фарзандим», деб атагани даврон Батлиймуси бўлмиш мавлоно Алоуддин Али қушчи, — бу икки донишманд тадқиқотчи Самарқандда муқим яшар эди — ҳамда Мирзо Улуғбек Кошондан Самарқандга келтиргани улуғ мавлоно Фиёсуддин Жамшид ва ҳурматли мавлоно Муинуддинлар каби барча илмлар бўйича ва маъқулу мафҳум, хусусан риёзий ҳам ҳикамий тадқиқотлар бўйича аср мўъжизаси ва давр нодираси бўлмиш ҳукамолар ва машҳур билимдонлар, уторид зехнли муҳандислару «Мажистий» кашф этувчи файласуфлар билан биргаликда бир анжуман тузди ва ақли кулнинг қўллови билан осмон қисмларидан ҳар бир қисмнинг кайфиятидан воқиф бўлган, **(423)** хаёл сайёҳининг дадил қадамлари билан юқорию қуйи оламнинг узунлик ва кенглик масофасини босиб ўтадиган ва жисмларнинг оралиқ ҳам сатҳларини аниқлашда бирор муҳмал дақиқа ёки сонияни эътиборсиз қолдирмайдиган ана шу донишмандлар билан мунажжимликнинг нозикликларини ўқиб олишу тақвимларнинг сирларини тушуниб етиш соҳасида сўз мартабаси даражаларини фалак ул-афлокка етказиб суҳбатлар қурди.

(Бу соҳада) етук камолот ҳосил қилгач ва асбобларни шайлагач, (Улуғбек) расад ва зийж тузишга майл қилди ва Самарқанднинг шимолида, шарқ томонга мойилроқ ерда мос бир жойни тайин қилди ҳамда шуҳратли ҳакимларнинг ихтиёри бўйича у ишни бошлашга мувофиқ бир толе муқаррар қилинди.

У (расадхона)нинг биноси давлат асосидек пойдор, пойдевори эса салтанат қоидасидек устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устунларини кўтариш (оятдаги) <албатта ўша (қиёмат) куни тоғлар сайр қилади>⁶³ дейилган кунгача барқарор (турувчи) тоғлар сингари йиқилишу нурашлардан омон тарзда бажарилди. (Оятда келган) <етти мустаҳкам> қуббадор қасрдан⁶⁴ намуна бўлган у олий бунёд ва улугсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра юдузлари, собита юдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатию иқлимлар суратларини тоғлар, биёбонлар ва у (ер куррасига) нимаики тегишли бўлса (ҳаммаси) билан бирга дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан чизишга буюрди⁶⁵; офтоб ва бошқа сайёраларнинг тақвимини кузатиб бориб, ҳикмат эгаси бўлмиш жаноб Насируддин Тусий тузган «Зийжи жадиди Элхоний»га фойдали ва нозик (тафсилотлар) орттирди ҳамда (у зийждаги) офтоб ва бошқа сайёралар тақвимида (йўл қўйилган) кўп аниқ тафовутларни кўрсатди. Бу нозик ишда унга улуг ҳукамолар мадаккор ва муовин эдилар. Бу муҳим ишнинг овозаси шаҳар ва мамлакатлар бўйлаб тарқалиб, шуҳрат топди. Шаҳзода у зийжга тузатишлар киритилиб тамомланишига муваффақ бўлди ва унга «Зийжи Султоний Кўрагоний» деб ном берилди. У зийж мунажжимлик санъати моҳирлари ва тақвим усталари орасида қўлланилиб келмоқда. (424)

Олий иморатлар ва «Зийж»нинг шарҳи кенг тарзда зикр этилиб бўлди, энди хушхиром сахий қалам жиловини тарих сўзлаш ва аҳд қилинган услуб томон бурмоқ лозимдир.

Шу йили Мовароуннаҳр мамлакатаида Савроннинг ҳоқими бўлган амир Ёдгор Фаттон вафот топди ва Мирзо Улуғбек унинг ўрнига амир Шоҳ Валийни тайин қилди. Жумод ал-охирнинг сўнгида⁶⁶ (11 июль, 1420) амир Қамаруддиннинг ўғли амир Жаҳоншоҳ Мирзо Улуғбекнинг остонасига илтижо қилиб келди ва иноятга сазовор бўлди. Яна шу ойда⁶⁷ (13 июнь —

11 июль, 1420) Мўғулистоннинг нуфузли кишиси бўлган амир Худойдоднинг ўғли Қул Муҳаммад Самарқандга келди ва (Улуғбекнинг) илтифотига муяссар бўлди.

**МОВАРОУННАҲР КЕЧМИШЛАРИНИНГ СЎНГИ.
МАҲДИ УЛЁ ГАВҲАРШОД ОҒОНИНГ
ЖАННАТ МОНАНД САМАРҚАНД ТОМОН
ОТЛАНГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони сайд Ироқ ва Озарбайжон томон юриш қилган вақтда маҳди улё Гавҳаршод оғо доруссалтана Ҳиротда туриб қолган ва шаҳзода Муҳаммад Жўгий баҳодир волидайи бузургворига мулозимликда эди. Ироқ ва Озарбайжон фатҳ этилиб амир Қаро Юсуф туркмон даф қилинган ва бу хабарлар Хуросон ва Мовароуннаҳрга етган, Мирзо Улуғбек <жаннат оналар қадамлари остидадир> деган (ҳадис) буйруғига амал қилиб, бир неча кунни (425) замона Билқиси бўлмиш шуҳратли волидаси Гавҳаршод оғо хизматида ўтказишни ислади. Аммо шаҳзода ўзи Мовароуннаҳрдан (Ҳиротга) келиши мушкул эканлиги туфайли, маҳди улё Самарқандга келсин, деб илтимос қилди. Поклик паноҳидаги тахтиравон рабиъ ал-аввалнинг бошларида (16 март, 1420) йўлга тушди; мирзо Муҳаммад Жўгий унга мулозим эди. Мирзо Улуғбек ул ҳазратнинг йўлга чиққанлигини эшитган, унинг истиқболига юзланди ва Бухоро яқинида мулоқот саодати муяссар бўлиб, оёқ ўпиш шарафига етишди ва биргаликда доруссалтана Самарқанд томон йўл олиб, рабиъ ал-охирнинг ўрталарида⁶⁸ (28—29 апрель, 1420) жаннатмонанд Самарқандга келиб тушдилар. Ойнинг ўртасида⁶⁹ Боғи Чинорда подшоҳона тўй ва хусравона зиёфат тузилди ҳамда бир неча кунни шод-хуррамлик билан ўтказилган, Мирзо Улуғбек сақирлотлар, қирмизий қатиюфалар ва бошқа нафис тўққиз-тўққизлар ортилган саф-саф хачир ва туялару тилла эгарли отларни совға қилиб тортди. Сўнг маҳди улё Хуросонга отланди ва Мирзо Улуғбек уни таъзиму эҳтиромлар билан Работи Ёмгача кузатиб борган⁷⁰, ҳазрат воли-

дасининг қистовига биноан орқага қайтди, мирзо Муҳаммад Жўгий билан ҳам хайрлашиб, унга ҳам лутф-марҳаматлар кўрсатди ва волидаси билан ҳамроҳ қилиб жўнатди.

Шундан сўнг Мирзо Улуғбек Мўғулистонга юриш қарорини қатъийлаштириб (426) жумод ал-охирнинг ўрталарида (26—27 июнь, 1420) кўп лашкар билан йўлга чиқди ва Қаробулоқдан улуғ амирлар: амир Искандар, амир Ҳариймалик ва амир Боязидларни илғор тариқида жўнатди. Ойнинг охирларида⁷¹ (11 июль, 1420) Мўғул тарафдан Малик Ислом етиб келиб, мўғулларнинг давлатхоҳликлари ҳақида арз қилди. Мирзо Улуғбек бахт-саодат билан орқага қайтиб, ражаб ойининг бошида (12 июль, 1420) Самарқандга келиб тушди.

ШАҲЗОДА АБДУЛЛОҲ ИБН МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ТУҒИЛГАНЛИГИ ВА БОШҚА КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

Мирзо Улуғбек Самарқандга келиб тушиб, у ерни ўз подшоҳона талъати нури билан безантиришидан илгари, унинг қошига Самарқанд томондан бир чопар етиб келиб, — байт, —

Шараф осмонида бир ёруғ юдуз

болқиди:

у — хуршид раъйли, зуҳра юзли ва

муштарий замирлидир, —

деган хушxabарни етказди.

Улуғ ва олий мартабали Ҳазрат ҳақ таоло гарчи олам мамлакатларининг калидларини қудратли хоқоннинг забардаст қўлига тутқизиб, барча одам болалари устидан ҳал қилиш ва банд этиш ихтиёрини⁷² онҳазратнинг шуҳратли фарзандлари қўлига топшириб қўйган бўлса ҳам, аммо, Мирзо Улуғбек мазкур хушxabарни бошқача бир фолга йўйди, чунки бу саодатли туғилиш вақтида атроф ерларнинг сардорлари ва ҳар тарафнинг қайсарлари умид юзини оламpanох даргоҳига қаратган

эдилар ва (427) туғилиш ражаб ойининг бошларида (12 июль, 1420) воқе бўлган эди. Мирзо Улуғбек бу башоратни топиш шарафига шод-хуррамлик билдирди ва Чин суратхонасининг рашкини келтирувчи Жамшид базмидек бир базм ташкил қилди. Байт:

Ўша куни саҳарлаб — бомдод вақтида
бу хабардан замона шодон бўлган чоғда
олам юз умидлар билан
офтоб жисмидан (иборат) заррин ноғорани
кўтарди.

Тонг отиб гавҳарлар нисор қилди,
офтоб нуридан ҳар тарафга зарлар таратди.

Бир неча кун босим айшу ишратда бўлдилар, хуррамлик мажлиси безатилиб, мутриб ўтирар, соқий эса оёқ устида турар эди. Байт:

Оламга ёруғлик таратувчи шаҳаншоҳ
бир ўтирганича
шодлик билан кечаларни кундузга
улар эди.

На муғанний, на соқий, на руду
на шароб
ухлаш вақтигача шоҳдан
йироқлашмас эди.

Муғанний руд овози билан
шоҳ ишратгоҳида янги-янги
куйлар чаларди:

(яъни): Эй давлатпаноҳ, жавонбахт
бўлгин,

бутун умр бўйи тожу тахт билан
бўлгин,

сен байроғингни фалакка ўрнат,
чунки олам сеники
ишрат оғушига ботгин — у ҳам сеники.

Ишрат мажлисидан фориф бўлингандан кейин улуғ хотир салтанатнинг муҳим ишларини бажаришга илтифот кўрғазди.

Тўққизинчи ражабда (20 июль, 1420) илғорликка кетган амирлар олдидан чопар етиб келди ва **(428)** мўғулларнинг катталари элик билдириб келишиб, зафарпаноҳ сипоҳга қўшилганликлари хабарини арзга етказди. Ойнинг ўн олтинчисида (27 июль, 1420) мўғул сардорлари Самарқандга келиб, уларнинг улуғлари бўлмиш Шер Муҳаммад ўғлон, Сориқ ўғлон ва Садр Ислонлар⁷³ қўл ўпиш шарафига етишдилар. Уларни муносиб бир ерга туширилди. Мирзо Улуғбек уларнинг ҳаммаларига катта тўй бериб, қимматбаҳо кийимлару мўл инъомларга мушарраф қилди⁷⁴.

Шу орада мўғул амирлари Қамаруддиннинг ўғлини ўлдирганликлари, бошқа ўғли эса қочиб, умид юзини жаҳонпаноҳ даргоҳга қаратганлиги ҳақида хабар келди; у шаъбоннинг учинчисида⁷⁵ (13 август, 1420) Самарқандга етди ва подшоҳона илтифот унинг аҳволига шафқат кўрсатди. Ойнинг охирида (8 сентябрь, 1420) Буроқ ўғлон ҳузуридан Сўфи ўғлон келиб овчи қуш, от ва бошқа совғалар келтирди ва (Улуғбекка) манзур бўлди.

Рамазоннинг бошида (9 сентябрь, 1420) Абуко ва Фўлодтемурлар бир гуруҳ билан биргаликда Жато томонидан етиб келдилар ва илтифотга сазовор бўлдилар. Олтинчи шаввол кечаси (14 октябрь, 1420) Шер Муҳаммад ўғлон, Сориқ ўғлон, Қул Муҳаммад ва **(429)** бир тўда жатоликлар қочиб кетганлиги хабари шуҳратли қулоқларга етишди. Мирзо Улуғбек дарҳол отга миниб пешин намози вақтида уларни Кичкина яйлоқдан топди; Шер Муҳаммад ўғлон ва Сориқ ўғлонни тутиб олиб, амирларни қолган (қочоқ)ларни тутишга қолдирди ва ўзи орқага қайтиб, давлат пойтахтига келиб тушди⁷⁶. Амирлар мухолифларни қўлга тушириб, тўрт кундан кейин Самарқандга келдилар. Мирзо Улуғбек шафқат қилиб, асирларга улар гуноҳ қилганликларига қарамай, меҳрибонлик кўрсатди; ўн учинчи зу-л-ҳижжада (19 декабрь, 1420) Малик Ислон ва Садр Ислонларга ижозат бериб, Кошғар томон жўнатди; ўн олтин-

чида (22 декабрь, 1420) Шер Муҳаммад ўғлонга подшоҳона яроф-аслаҳалар бериб, ўз вилоятига юборди; ойнинг охирида (5 январь, 1421) эса Руҳ қалъасининг фатҳ қилинганлиги ҳақида Кошғар томондан хабар келди ва мирзо Улуғбек қуш ови тузиш мақсадида Бухоро вилояти томон юзланди⁷⁷. (430)

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ

(1421)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

АРРОННИНГ ҚАРОВОҒИДА ҚИШЛОВ ВА БОШҚА ҲИКОЯТЛАР

Хазрат хоқони саид (823 йил) зу-л-ҳижжа ойининг тўққизинчисида (15 декабрь, 1420) қишлов мақсадида Арроннинг Қаровоғига келиб тушиди ва атроф ерларнинг маликлари ҳар турли ҳадялар билан жаҳонпаноҳ даргоҳга юзландилар; шарофатли боргоҳ зодагонлар ва шариф кишилар саждагоҳи ва атроф ерлар улуғларининг бўса жойига айланди. Келиб қўнилган куниёқ Муҳаммад Давотийнинг¹ ўғли ва Уч Ўғлоннинг катталари палос ўпиш шарафига етишдилар. Хоқони саид ийд куни қурбонлик расм-русумлари ва бу қутли вақтни (кутиш) шарт-шароитларини адо этишга киришди, у мамлакатларнинг сардорлари ва ҳокимларига инъом-икромлар кўрсатди. Ийд куни Миср султонидан юз ўгирган Миср мамлакатининг амирлари Бошбек² ва бошқалар мулозимат қилиш давлатига етишдилар. Шу куни, яна, илгарироқ амир Қаро Юсуф ҳузурига кетган, (асли) Луристон вилоятидан бўлган бир саййид олампаноҳ даргоҳига келди. Ироқ амирлари: амир Ҳожи Мусофир, Занкалу³ ҳашамининг катталари, Хизрту туркмонларининг сардори бўлган амир Ҳусайн ва амир Жунайд Жорбердилар ҳумоюн ўрдуга етиб келишиб, барчалари чексиз иноятлар билан тақдирландилар. (431)

Чехрасидан мардоналик далиллари, хулқ-атворидан оқиллик белгилари зоҳир ва пайдо, юриш-туришидан олижаноб-

лик асарлари ва саодат нурлари аниқ ва равшан кўриниб турган амир Халилуллоҳ ибн амир Шайх Иброҳим ер ўпиш учун Ширвон⁴ вилоятларидан йўлга чиқиб, (823 йил) ўн тўртинчи зу-л-ҳижжада (20 декабрь, 1420) подшоҳона пешкашларни арзга етказди ва ота-боболари, аждодларининг илгариги хизматларини янгидан хизмат кўрсатиш билан янгилади ҳамда иноят назари ҳам мойиллик кўзини ўзига қаратиш билан сарафроз бўлиб, эъзоз-икромлардан имтиёз топди⁵. Байт:

Сенга хизмат учун ерга эгилган ҳар бир бош
бир марта сенинг қабулингда бўлиш билан
қийматгача сарафроз бўлади.

(Амир Халилуллоҳдан кейин) шижоат ва довюракликда шуҳрат қозонган унинг биродари амир Манучеҳр ҳам файзли бармоқларни ўпишга мушарраф бўлди.


Яна шу куни Сейди Алининг ўғли Сейди Аҳмад Шакий вилоятидан етиб келиб муносиб тортиқларни арзга етказди ва қимматбаҳо жомалар билан тақдирланди. Шунингдек, амир Қустой, Саййид Аҳмад Қаромон ва Толиш катталари ҳумоюн даргоҳга келдилар.

Амир Н-т-р-к (?)нинг биродари амир Исо, Айнулмулкнинг биродари Пир Али ва амир Шайх Қабонийлар Қаро Юсуфнинг ноибни бўлган ва ҳазрат (432) хоқони саид бир неча йиллар давомида девон мансабини иноят қилиб бериб қўйган амир Жаъфар ибн амир Мансур⁶ билан биргаликда, ҳаммалари, (823 йил) зу-л-ҳижжанинг ўрталарида (20—21 декабрь, 1420) қўл ўпиш шарафига муяссар бўлдилар. Ойнинг ўн олтинчисида (22 декабрь, 1420) мирзо Бойсунғур Говруд қалъаси томондан етиб келиб, амир Бобо Ҳожини олий боргоҳга етказди ва эътибор қўлини жавзо камарига уриб, ифтихор оёғини сурайё авжидан юқори ўтказди. Эртаси куни Ёр Аҳмад ва амир Қаромоннинг ўғли Шерзодлар Ганжа ва Бардаъ вилоятидан келиб палос ўпиш иззатини топдилар. Гуржистоннинг

элчилари: Алкиданнинг навкарлари ва Кўстиданинг ўғиллари⁷ ҳам Гурж вилоятидан келиб ўз ҳокимлари сўзларини арзга етказдилар. Янаги куни амир Байрамбек Хўй томондан келиб мулозимат қилиш саодатига мушарраф бўлди, Диёрбек вилоятидан⁸ амир Қаро Усмоннинг навкари ва Бидлисдан амир Шамсуддиннинг навкари келиб арзномалар етказдилар. Эртаси куни муртазойи аъзам амир Саййид Ризо (киё)нинг жияни амир Ҳайдаркиё Гилон тортиқлари билан етиб келди; худди шу куни у вилоятларнинг сардорлари бўлмиш Жолиқнинг ўғли Алико, Ҳожи Бохабар⁹, Шер курд, Шибли баҳодир¹⁰ ва амир Шайх Али ўйротнинг ўғли Чўпонлар мулозиматда бўлиш шарафига эришиб саодат топдилар. Амир Ҳайдаркиё қайтишга рухсат олиб Гилон томон жўнади¹¹ амир Шайх Лировийнинг¹² биродари амир Саҳмуддин Шинкал (**433**) Дизкулотдан келди; эртаси куни Нажмуддин Жалол Торамий етиб келди ва ойнинг охирида (5 январь, 1421) Ёдгоршоҳ ҳумоюн даргоҳга келди. Байт:

Унинг эшигида маликлар шу қадар кўп
сажда қилиб турганликларидан
пешоналар тўдасидан ўтиб қадам
қўйишга имкон йўқ.

Муҳаррам ойининг бошларида (6 январь, 1421) улуғ амир Алоуддин Алико кўкалтош ақобиру аҳолилар, қозилару маволийлар билан дорулмулк Табриздан Қаробоғга келди¹³ ва еттинчи муҳаррамда (12 январь, 1421) мўғул элчиси Андкуй ёрғучи¹⁴ Мўғулистон подшоҳи ҳузуридан етиб келиб айтмоқчи бўлган сўзини арзга етказди. <Оллоҳ Иброҳимни ўзига дўст тутди> (деган ҳадис) жомасига сазовор бўлган, (илгарироқ) Мароға чегараларига кетган мирзо Иброҳим Султон олий ўрдуга юзланиб Табриздан ўтди ва ўн тўртинчи муҳаррамда (19 январь, 1421) бузургвор отаси қудратли хоқон (Шоҳрух) хизматига етишди. Байт:



Ота қобил фарзанддан кўра зарурроқ
ва муносиброқ бирор (кимсага) муҳтож
эмас

Муҳаррамнинг охирларида (4 февраль, 1421) хонадонининг улуғлигини шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаган Малик Иззуддин шер В-с-тон (?)¹⁵дан саодат ошиёни бўлмиш остона сари юзланиб, турли-туман тортиқларни арзга етказди ва қабул этилишга сазовор бўлди. Муҳаррамнинг охирида (4 февраль, 1421) амир Испахбад¹⁶ Ситорадан олий даргоҳга етиб келди. (434)

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ ШИКОР ҚИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саид қиш фаслида у атрофнинг ваҳший ҳайвонлари¹⁷ йиғиладиган жой бўлмиш Ижном¹⁸ саҳроларида ов қилишга қарор берди. Сурмаранг кийимга ўралган осмон баҳман (январь-февраль, 1421) ойи¹⁹ совуғи шиддатидан бутуннинг (кулранг) синжобини бошига тортган, тоғу текисликлар фанак ва оқсусар (терисидан) пўстин кийган бир мавсумда онҳазратнинг иноят офтоби таъсиридан умид елкалари исиб турган ғалаба ёр аскарлар у биёбон юзини жаҳонни тай қилувчи ел оёқ ва сувдек йўрғаловчи феъли оташ (от)лар туёғи билан кезиб чиқдилар; ўқ ёй учи оташи кўрқинчидан шер ва паланглар калласининг мағзи сувга айланиб, дарранда ва ваҳший ҳайвонларнинг дили кўкси ичра хун бўлган эди; фунча шакли ўқ учи мушкин нофали оҳулар ва кофур қоринли кийиклар танидан лола ва хайрий гулларидек бўлиб кўринар ва ов (ҳайвон) кўзидан қон чашмаси очилар эди. Бир неча кун давомида кўп ҳайвонларни ов қилдилар.

НАСРУЛЛОҲ САҲРОИЙНИНГ СОВА ШАҲРИДА
МУХОЛИФАТЧИЛИК КЎРГАЗГАНЛИГИ
ВА ҚЎЛГА ТУШГАНЛИГИ ЗИКРИ

Исфаҳон юриши (баёни)да шарҳлаб ўтилганидек²⁰, бу даргоҳда тупроқдан кўтарилган ва шу боргоҳда тарбият топганлардан бири бўлмиш Насруллоҳ Саҳроий (435) куфрони неъмат қилиб, Сова шаҳрида хутба ва пул зарбини амир Қаро Юсуф номига ўтказганлиги хабари зафар нишонли мавкаб Райдан ўтиб Озарбайжон томон кетаётган вақтда шуҳратли қулоқларга эшитилган эди. Ҳазрат хоқони саид унинг бу ҳаракатларидан хабар топган бўлса ҳам, (у вақтда) ҳеч илтифот кўрғазмаган эди. Амир Фиёсуддин Шоҳмалик Райдан Совага хабарчи юбориб Насруллоҳни (бу ишдан) қайтишга кўп ундади, бироқ у худди Хайбар жухудларидек бошини итоат чанбаридан чиқариб, оёғини тобелик доирасидан ташқари қўйди ҳамда исёну куфрон йўлида қаттиқ туриб олди. Амирлар Сова аҳлининг ноҳўя ҳаракатини даф қилишга киришишни маслаҳатдан деб топмадилар, чунки (у вақтда) олдинда бундан ҳам масъулиятлироқ иш турган эди. Шунинг учун Мовароуннаҳр амирлари: амирзода Рустам барлос, Султон Боязид Ўрус Буқо ва Кажак Муҳаммадлар тумонлар билан биргаликда Сова муҳосарасига тайин қилинган эдилар. Энди эса Совани фатҳ қилган Мовароуннаҳр амирлари Насруллоҳни ўзлари билан бирга Қаробоғга келтирдилар. Онҳазрат унинг шундай оғир гуноҳларига қарамай хатоларини афв этаги билан беркитиб, жонига омон берди.

Боб ал-абвобнинг ҳокими амир Исфандиёр Дарбандий ихлос камарини белга боғлаб, онҳазратнинг ҳузурига келди ва меҳрибончилик кўриб қайтиб кетди²¹. Шунингдек, фалак ҳашаматли ўрдуга келган барча малик ва ҳокимлар саҳий инъомлару иззат-икром ҳадяларига мушарраф бўлишиб ўз ватанларига жўнадилар. Шу аснода Хизрхоннинг элчиси Дехли мамлакати-дан етиб келиб, совға ва тортиқларни арзга етказди. (436) Амир Халилуллоҳ иккинчи марта Ширвондан²² зафар нишонли ўрдуга келиб, мулозимат кўрсатиш вазифасини бажо келтирди.

УФҚЛАР СУЛТОНИ (ШОҲРУХ) ҚИШЛОВ
 ЮРТИДАН ЖЎНАГАНЛИГИ, БАҲОР ШУЪЛАСИ
 БОЛҚИГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА У ДИЁРДАГИ
 КЕЧМИШЛАР БАЁНИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ

Нимруз султони Баҳром тахтини эгаллаб, Рум (кундуз) лашкари Ҳабаш аскарідан, яъни кеча сипоҳидан кўра кўпайгач, — байт:

Сенинг (қаро) сочингу (оқ) юзинг кечаю
 кундуз баробар (нур сочар) эди
 оқибат, рухсоринг партави

фолиб чиқди, —

хазрат хоқони саид ўн тўққизинчи рабиъ ал-аввалда (24 март, 1421) Қаробоғдан кўчиб Табриз томон юрди ва йигирма иккинчида (27 март, 1421) Байлақон яқинига келиб тушди²³. У ерда жаноб мирзо Умар марҳумнинг навкарларидан бўлган ва фармонга мувофиқ ўша атрофлардаги ўзига тааллуқли Чифатой улусини бошқариш учун Қаробоғдан йўлга чиққан Ато баҳодирни туркмонлар ушлаб (437) амирзода Испанд ҳузурига олиб кетганликлари хабари аъло қулоқларга етишди. Онҳазратнинг буйруғи бўйича шаҳзода Иброҳим Султон форс отлиқлари билан ва амир Фиёсуддин Шоҳмалик йигирма минг номдор суворийлар билан туркмон лашкарининг асл (жойи) бўлган²⁴ Саъд ўғилларининг қадим юрти, Нахичевон ва Сармотуга юришга тайин қилиндилар. (Кишилар) амирзода Испанд ҳам ўша тарафларда, деб нишон берардилар. Мирзо Иброҳим Султон рабиъ ас-сонийнинг бошида²⁵ (5 апрель, 1421) ўша тарафга юзланди. Шу аснода амирзода Испанднинг навқари олий ўрдуга келиб давлатхоҳлик арз қилди ва онҳазрат унга меҳрибончилик кўрсатиб, қайтариб юборди.

МИРЗО АБУ БАКР ҚИЗИНИНГ АМИР
ХАЛИЛУЛЛОҲ ШИРВОНИЙГА
УЗАТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Мирзо Мироншоҳ кўрагон ва мирзо Абу Бакрлар туркмон лашкари билан муҳораба қилишиб, мирзо Абу Бакр жилови (орқага) бурган вақтда мирзо Абу Бакрнинг бир қизи бир неча канизаклар билан амир Қаро Юсуфнинг қўлига тушган эди. Бу доно амир акобирлар одати бўйича у қизни раҳм-шафқат ҳужраси ва риоят соясида тутиб турди ва у катта бўлгач, никоҳ қилиб олиб, (бошқа) хотинларидан ҳурматлироқ даражага кўтарди. Амир Юсуф бақо оламига рихдат этиб, ҳумоюн мавкаб Қаробоғда қишлоқ қилган вақтда у қарима аъло ўрдуга келиб, (438) подшоҳона меҳрибонликларга мурасар бўлди. Шаҳзода Халилуллоҳ сидқи ният ва соф ақида билан ҳумоюн узангига мулозимликда бўлганлиги учун, онҳазрат унга иноятнинг ҳусн-жамоли гўзал равишда жилвала-надиган бир меҳрибонлик кўрсатишни истади, ва шунга бинноан, у салтанат қутигаси гавҳарини (Халилуллоҳга) номзод қилди. Амир Халилуллоҳ тўй тайёргарлигини кўришга киришди; унинг волидаси шундай улуғ бир ишга муносиб келадиган ҳашаматлар билан Ширвондан аъло ўрдуга келди. Тўй асбобларини тартибга солиб, имомлар ва қозиларни ҳозир қилдилар ва рабиъ ал-аввал ойининг охирларида (4 апрель 1421) Қарокумак²⁶ манзилида подшоҳликнинг у дурратуттожи билан амир Халилуллоҳнинг шаръий боғланиши воқе бўлди. Байт:

Осмон жаҳон саҳнида бир тўй тузди; у шундай
тўй эдики,
ундан барча атроф мамлакатлар ҳам масрур
бўлдилар.

Айш-ишрат асбоблари муҳайё қилиниб хуррамлик базми гўзал бир суратда безатилди. Бир неча кун давомида подшоҳона зиёфатлар берилди ва амир Халилуллоҳнинг иқбол ва қомронлик ниҳоли юксалиб, у янгитдан иккинчи ширвоншоҳ бўлди ва хосу ом, яқину йироқ барчаси шоду хуррам бўлдилар.

**ЁР АҲМАД ҚАРОМОННИНГ ИСЁНИ,
УНИНГ ҚЎЛГА ТУШИШИ ВА ИСФАРЗАН
ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ ЗИКРИ**

Ёр Аҳмад Қаромоннинг (439) исён белгиларини зоҳир қилиб амирларнинг Ганжа ва Бардаъ вилоятида бўлган навкарларини горат қилганлиги хабарини Қарокумак манзилида амирлар арзга етказдилар. Олий раъй: «улуғ шаҳзода мирзо Бойсунғур ўз олий ҳимматини у муҳим иш тадорикини кўришга сарфласин», — деган қарорга тўхтади ва тўртинчи рабиъ ас-сонийда (8 апрель, 1421) номдор шаҳзоданинг узангисига ҳамроҳ бўлиб жўнадилар.

Ойнинг бешинчисида (9 апрель, 1421) гардунсифат ўрду ҳаракатга келиб, Қаровултепа (манзили) лашкаргоҳ бўлди ва у хуш манзиллар ва дилкаш мазгилларда бир неча кунни бахт ёрлигида шод-хуррамлик билан ўтказилгач, ойнинг йигирма бешида (29 апрель, 1421) Ҳасанхоний манзилида иқбол ва комронлик чодир тикланди²⁷.

Мирзо Бойсунғур Ёр Аҳмад Қаромон томон равона бўлгач, Ёр Аҳмад Ганжадан Гуржистон сари жўнади ва офир йўллар ҳам сердарахт ўрмонлардан ўтди ва Ковуснинг тасарруфида бўлган Исфарзан қалъасини, Ковусга қариндошлиги туфайли, паноҳ жойи қилиб олди.

Исфарзан қалъаси Ислом бунёдга келишидан илгари қурилган бўлиб, (440) Гуржистон, Рум, Абхоз ва Фаранг аҳллари у қалъага ва у ердаги калисога катта эҳтиром билан қарайдилар. Қалъа ўрмон оралиғида тош-харсанглар устига қурилган ва унинг этагидан хандақ ўрнида нилу зурпил рангидаги бир анҳор оқиб туради, б у р ж в а б о р у с и балад тоғдан иборат бўлиб, мустаҳкам ва устивор. Ёр Аҳмад бу мустаҳкам истехкомдан паноҳ топгач, (оятдаги) <Миср мулки меники эмасми ва бу наҳрлар менинг тагимдан оқаётгани йўқми>²⁸ (сўзлари қабилда) ғурур йўлидан юриб, чоҳга фарқ бўлди. Шаҳзода (Бойсунғур) буйруғи билан, — байт, —

Шамшир билан ўрмондаги шерни
келтирадиган,
тиғ учи билан осмондаги ойни
уриб туширадиган

лашкар аҳли лашкар ўтиши лозим бўлган йўлни фарсанг-бафарсанг хору харсанглардан холи қилдилар. Мирзо Бойсунгур қийин йўллар ва анҳор кечикларидан ўтди ва зафар шиорли байроқ офтоби у диёрга соя ташлади; курка ва кўс тантанаси, табл ва ноғора ғулғуласи, жез найларнинг садоси ҳам заррин занглар фарёдидан тоғлар зилзилага келиб, у гуруҳ ҳаяжонга тушди. Ғалаба ёр лашкар ҳар тарафдан ч а п а р боғлаб жангга киришди. Қалъа аҳли қарши туришга тоб келтира олмаса ҳам чала бўғизланган мол каби типирчилаб ўз хаёли лавҳасига хатокорлик нақшини ўяр эди. Лекин икки-уч кун давомида қаршилиқ кўрсатиб тургач, оқибат, агар жаҳон шохининг тиғидан омонлик қидирмасалар, бирон тадорик кўришга имкон қолмаяжаклигини аниқ тушундилар. **(441)** Ёр Аҳмад ожизлик ҳам ноиложлик юзасидан, — байт, —

Қўлига тиғу кафан олиб, ўз жонини
фидо қилди,
қалъадан ташқари чиқиб, жангу
жадални тарк қилди.

Олижаноб шаҳзода унинг жаримаси дафтарига афв рақамини тортиб хотиржам қилди; сўнг, қалъани қўлга олиб бўлгач, олий ўрду томон жўнади, — мисра: ўнг томонда фатҳлару сўл томонда бахт ёр, — ва рабиъ ал-охир ойининг сўнгида²⁹ (3 май, 1421) Ҳасанхоний манзилида ҳазрат хоқони сайдга мулозимат кўрсатиш шарафига етиб, саодатга эришди. Эртаси куни Ёр Аҳмадни бошланг, қўлу гардани боғлиқ ҳолда олиб келдилар. Байт:

Сенинг амрингга бўйсуннишдан гардан
тоблаган бошни

тақдир энди остонангга

судраб келтирди.

Онҳазрат Ёр Аҳмаднинг ҳолига марҳамат кўрсатиб, «Ўзингни безътимод қилиб қўйдинг», — (дейишдан) ортиқ танбеҳ бермади ҳамда унинг қонидан кечиб амир Чаҳоршанбага топширди³⁰.

Сўнгра олий ўрду Ҳасанхоний манзилидан Катмаи Фиёсий мавзеига келди. Бу ерда амир Таҳуртаннинг набираси бўлмиш амир Алининг навқари Арзинжон томондан келиб совға-саломларни қўйди ва давлатхоҳлик сўзларини арзга етказди. Жумод ал-аввалнинг бошида (4 май, 1421) Гуржистон ҳокими³¹ Ивонийнинг навқари етиб келиб итоаткорлик изҳор қилди.

Эртаси куни Бандий суви ёқасида³² Гуржистондан Александрнинг элчиси келди; яна (442) амир Шоҳмаликнинг ҳам хабарчиси (келиб) Алико Жолиқ ва Саййид Аҳмад Дизаклар душманлик қилганликлари ҳамда амир Қаро Усмон амирзода³³ Искандар билан жанг қилиб, мағлубиятга учраганлиги хабарини етказди. Бир неча вақтлардан бери Арзинжон ва Камох тарафларда қолиб кетган амир Жоқунинг навқари амир Шамсуддин ҳам палос ўпиш шарафига мушарраф бўлиб, иноят назари билан тақдирланди; амир Қаро Усмоннинг навқари ва амир Шамсуддин Бидлисий олдидан Қози Муҳаммад³⁴ етиб келиб, уларнинг давлатхоҳликдан иборат арзномаларини келтирдилар. Гуржистон ҳокими эса Тоъту³⁵ номли навқарни совға билан юборди.

Қарокарвонсаро³⁶ манзилида амир Муҳаммад³⁷ Фазлуллоҳ амирзода Испанд тарафидан келиб аҳволни арз қилди; Казмаруддан Бобо Ҳожи, Одилжудан С-ҳ-нд (?)лар етиб келдилар³⁸.

Ғалаба ёр мавқаб жумод ал-аввалнинг учинчи куни (6 май, 1421) Арс сувидан ўтиб (443) Мостақуҳ³⁹ тоғи этагига келиб қўнди.

**БОЯЗИД ҚАЛЪАСИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ
ЗИКРИ ВА У (ҚАЛЪА)НИНГ ШАРҲИ**

Ҳазрат хоқони саид Арс суви ва Мостакуҳ этагидан ўтиб Азроб майсазорига кирди. Амир Қаро Юсуфнинг (вафоти) воқеасидан кейин амирзода Испанд⁴⁰ Боязид қалъасини паноҳ жой деб билиб, ўз кишиларини у ерга ўтирғизиб қўйганлиги хабари бу ерда аъло қулоқларга етди. Боязид қалъаси Озарбайжоннинг машҳур қалъаларидан бўлиб, амир Қаро Юсуф ҳумоюн байроқлар (яқинлашганлиги) овозаси вақтида хазина ва қимматбаҳо нарсаларини ўша ерга юбориб қўйган эди. У қалъа ҳеч муболағасиз осмон куррасига бош тортган ва қаттиқликдан тўққизинчи фалак юзидаги пардани йиртган бир тоғдек эди; унинг буржларига кўтарилишни фараз қилиш ҳам ўринсиз бир хаёл ва унинг тепасига чиқишни фикр қилиш ҳам янглиш бир тасаввур эди; унинг юксаклигидан огоҳлик замона кўзи учун насиб бўлган эмас ва у қалъани жидду жаҳд билан эгаллаш мумкинлигини осмон қулоғи ҳам эшитган эмас эди, — байт, —

Лекин, шум толе газабига олгандан
кейин,
харсанг тош ҳам мум каби эриб
кетади.

Алқисса, онҳазрат йигирма учинчи жумод ал-аввалда (26 май, 1421) қалъа яқинига келиб, мудофаада турганларни бўйсуннишга даъват қилди. Амирзода Испанднинг навқари Ҳисомуддин ташқари чиқди ва (444) амирзода Испанд ўз хотинини кўп хазина билан бу ерга қўйганлиги ва токи таңда жонлари бор экан, уни қўлдан бермаяжакларини арзга етказди. Онҳазрат унга: «сенга бахт ёрлик қилган эканки, қалъадан ташқари чиқибсан, ҳақиқатан ҳам, — байт, —

Худо бирор кишига давлат ато қилмоқчи
бўлса,

у киши ногоҳ қаттиқ тош ичидан
қутулиб чиқади», —

деди ва Ҳисомуддинни амир Муҳаммадхожа чухрага қўшиб қўйди. У бир неча йиллар давомида етти кишвар хоқони остонасида худди фатҳу зафардек мулозимлик қилди.

Ғалаба шиорли лашкар қалъани доира шаклида ўраб, ўртага олди ва ҳар тарафдан соябонларни тиклаб, чодирлар барпо қилдилар. Бу ҳол салобатидан қўрқиб мухолифларнинг диллари сина ичида талпинишга бошланди, ақллари хира ва раъйлари қоронғу бўлди. Савлатидан тоғ ҳам ларзага тушадиган катта бир лашкар оташ янглиғ гуриллаб ва бўронли денгиз сингари ҳайқириб ярим соат чамаси вақт ичида душманнинг шаҳрбанди, отхона ва (445) ғалла омборлари бўлмиш тоғ этагини эгаллаб олди, қалъага мўр-малаҳдек ёпирилди ва бошга сипар тутиб тоғ устига кўтарилишга тутунди. Қалъа аҳли тош ва ўқ билан захм етказиб, ғалаба ёр лашкар аҳлидан (баъзилари) мажруҳ бўлиб юмалаб тушаётганлигига қарамай, бошқалари захм еганлар устига оёқ қўйиб юқори интила бердилар. Қалъага ўтиш йўли бўлган тоғ камарида тошлар устида қад кўтарган бир неча бурж кўринди. Мирзо Бойсунғурнинг навкарлари ўша ерни эгаллашга зўр бериб, жоҳулардан бир гуруҳи сипарларни қўлга олиб у буржларга қасд қилдилар, агар бирор кишига тош ва ўқ зарбидан бирор захм етса, уни орқага тортиб қўйиб, олдинга ташлана бердилар ва охири, чангал ва ноҳиллар ёрдамида тошлар устига чиқиб буржлар этагига етдилар-да, буржларни тешишга киришдилар. Қодирандозқопучилар қалъа аҳлининг сипарлари юзини ва чапарлари орқасини жайра елкаси ва типратикан орқасидек қилдилар, қаердаки бурж тепасидан бир бармоқча жой кўринса, юзлаб ўқ пайдар-пай у жойга етиб турди ва (мудофаадагилар) отаётган тошлари қаерга бориб тушаётганини кўролмаб қолдилар. Жоҳулар эпчиллик ва ботирлик билан бир соат ичида буржларни тешдилар, ҳисорга раҳна тушди ва душманнинг иши орқага кетди. Зафар шиорли лаш-

кар биринчи зарбадаёқ (446) душманга қиёмат кунини кўрсатди. (Лашкар) муқаддимасида мирзо Муҳаммад Жўғийнинг навкарлари юриб, у эгаллаб бўлмайдиган қалъа тепасига чиқдилар ва у баланд тоғ чўққисига дадил қадам ташладилар: (оятдаги) <осмон тебранишга бошлаб, тоғлар ҳаракатга келадиган кун>⁴¹ (сўзлари)нинг мазмуни шу вақтга аниқ тўғри келди. Дарвоза орқасида турган бир тўда (душман) захмдор ва афгор ҳолда «ал-омон», деб фифон кўтарди. Қалъа аҳлига омонлик бағишлашдан илгари тоғ тепасига чиққан баъзи баҳодирлар ўзларини қалъага урдилар ва гавҳар дастали ханжар бетидан зафар нурлари пайдо бўлди ҳамда бўйсундириш собиқ подшоҳларнинг хаёлидан ҳам ўтмаган ва фатҳ этиш орзуси марҳум султонлар дилига тушмаган шундай мустаҳкам бир қалъа қаҳр ва зўрлик остида қолиб, сипоҳларни қирувчи сафоро қаҳрамонлар тиғи зарбидан ва душманни банд этиб қалъаларни очувчи ботирлар ўқи захмидан бомдод намози бошидан то пешин намози охиригача илоҳий фазл мадади билан фатҳ этилиб бўлди. Қитъа:

Фатҳу зафар сенинг тигинг туфайлидир,
Йўқ, йўқ! Сенинг тигинг ўзи бошдан-оёқ
фатҳу зафар мужассаמידир.
Сенинг тигинг учи нусрату зафар
варағидаги
бир ҳарфдирки, унинг ичига бутун
олам яширинган⁴².

Ҳазрат хоқони саид бу ҳумоюн фатҳнинг қулай юз берганлиги эвазига ҳазрат парвардигорга шукр бажо келтирди; ғалаба шиорли сипоҳ кўп фаниматларни қўлга киритиб, сўнг, офтобдек шавкатли мавкаб (447) ёз фаслида қиш ҳавосига эга бўлган Алотоқ яйлоқига равона бўлди ҳамда йигирма еттинчи жумод ал-аввалда (30 май, 1421) Заранжий этагига келиб тушди ва — мисра — давлат шухрати ёрлигида у ерда манзил тутди.

**АМИРЛАРГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАНЛИГИ
ВА АМИР ҚАРО УСМОННИНГ ЎФИЛЛАРИ
ҲУМОЮН ЎРДУГА КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ⁴³**

Жаҳонга оро берувчи раъй уғруқни Заранжий этагида қолдиришга, қолган лашкар эса душманни таъқиб қилиб бориб йўқотишга юз тутмоғи лозим эканлигига қарор қилди. Онҳазрат шу қарор билан жумод ал-аввал ойининг охирларида (2 июнь, 1421) отланиш оёғини жаҳонни фатҳ этиш узангисига қўйиб, ғалаба жиловини қудрат қўлига олди ва зирҳу совутларга ўралган ва темир тоғдек отларга минган элик минг суворий билан Обоқо саройи атрофидан чиқиб, йўлга равона бўлди⁴⁴. Байт:

Бир куни, замона гардиши билан
бахт толеи қўлига кирган вақтда **(448)**
жангда жавлон урувчи шоҳ жиловни
буриб
бадхоҳ душмандан ўч олмоққа
белни боғлади.

Ғалаба ёр мавкаб жумод ал-охир ойининг бошида (3 июнь, 1421) Ахлот дарёсини сўл томонда қолдириб Иржисга етди ва амир Ғаноширинни Одилжуз қалъаси томон жўнатди; ҳумоюн байроқлар⁴⁵ Ахлот сари юзланиб Қўли Санойига келиб қўнди. Бу мавзеда Одилжузни фатҳ қилиб бўлган амир Ғаноширин уернинг сардорлари Қуддус ва Зоҳидларни ҳумоюн ўрдуга етказди. Онҳазрат Ахлот чегараларидан ўтгач, яшнаган майсазор бўлмиш Мар-к-ту (?) манзилида бир неча кун тўхтади. Амир Муҳаммад курд Ахлотий олампаноҳ даргоҳга келиб бўйсунди. Муш саҳросида турган амирзода Испанд ғалаба ёр сипоҳ овозасидан (қўрқиб) Диёрбакрга жўнади ва Фирот сувидан ўтди. Амир Шамсуддин Бидлисий мулозимат эҳромини боғлаб иқбол қибласи ва мақсадлар каъбасига келди ва иноятлар билан тақдирланди. Муш қалъаси ҳокими амир Абдурахмон қалъани топшириб, мулозамат қилиш шарафига муяс-

сар бўлди. Соҳибқирон ҳазратларининг фармони бўйича Авник қалъаси ва унинг атрофларида турган амир Дулдой шу вақтда аъло ўрдуга келиб, файзли бармоқларни ўпиш билан сарафроз бўлди. У диёрнинг соҳиб ихтиёри бўлган Малик Иззуддин шернинг ўғли Малик Муҳаммад (449) сардорлар ва калонтарлар билан келиб мулозамат кўрсатиш саодатига мушарраф бўлди. Амир Қаро Усмоннинг ўғли амир Али ва Оқ қўйлуқнинг калонтарлари ҳумоюн ўрдуга етиб келдилар. Ахлотнинг рўбарўси (лашкар) байроқларининг марказига айланди⁴⁶. Ўн олтинчи жумод ал-охирда (18 июнь, 1421) Иржис вилояти ҳумоюннинг келиб тушганлиги бахтидан Биржис (юлдузи) саодатини топди ва амир Қаро Усмоннинг бошқа ўғли амир Боязид шу ерда мулозимат қилиш бахтига эришди. Эртаси куни ҳумоюн ўрду Оқбулоқда (турган) уфруққа қўшилди ва «Шаҳзода мирзо Иброҳим Султон ва амир Шоҳмаликлар Алика Жолиқ⁴⁷ ва Саййид Аҳмад Дизакка қарши борсинлар ва муҳолифатчилик йўлига тушиб итоатдан бўйин тоблаган у бебокларнинг жазосини берсинлар», — деган ҳумоюн буйруқ содир бўлди.

**АМИР ҚАРО ЮСУФНИНГ АВЛОДИ
БОРАСИДА (АМИРЛАР БИЛАН) МАШВАРАТ
ТУЗИЛГАНЛИГИ, АМИР ҚАРО УСМОННИНГ
(КЕЛГАНЛИГИ) ВА АТРОФ ЕРЛАР АМИРЛАРИГА
РУХСАТ БЕРИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Ҳазрат хоқони саид ҳумоюн уфруққа етиб келгач, улуф амирлар билан машварат тузди. (450) Маслаҳат бўйича вилоятлардан келган сардорлар ва калонтарларга турли-туман меҳрибончилик ва июнотлар кўрсатиб, қайтиб кетишларига рухсат берилсин, онҳазрат эса <қайтиш яхшироқ> (сўзлари)ни ўқиб, Табризга юзлансин, деган қарорга келинди. Бинобарин, амир Халилуллоҳ Ширвонга⁴⁸, амир Исфандиёр Дарбандга, Қустой⁴⁹ Арронга, Малик Муҳаммад ибн Малик Аъзам Курдистонга, амир Шамсуддин Бидлисга, амир Муҳаммад курд

Ахлотга, Малик ул-умаро Ҳасанкайфга ва Султон Сулаймоннинг ўғли Хезонга жўнашга рухсат олиб, йўлга равона бўлдилар ва барчалари подшоҳона совғалар ва хусравона тортиқларга мушарраф бўлишиб, ўз ватанларига жўнадилар⁵⁰.

Олинжақдан амир Исонинг навқари келиб давлатхоҳлик сўзларини арзга етказди. Амир Шайх Қабоний яна қайтадан палос ўпиш шарафига етишди. Амир Қаро Усмон мулозимат қилиш саодатига мушарраф бўлиб, муносиб пешкашлар келтирди ва собиқ яхши ихлосни лойиқ хизматлар билан мустаҳкамлади ҳамда шоҳона кийимлар, чопқир отлар, ёрқин қулоқлар, безакли камарлар, турли иззат-икромлару хилма-хил инъомлар ва зўр ҳурмат-эътибор билан тақдирланиб, боши кўкка етди. Мисра: Бахтиёр кишилар камаридан қўлинг-ни узма. (451)

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ АМИР ҚАРО ЮСУФ АВЛОДИ БИЛАН МУҲОРАБАСИ, ТУРКМОНЛАРНИНГ ЕНГИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Зафар байроқли мавқаб Табриз томон отланган бир аснода амир Қаро Юсуфнинг ўғиллари амирзода Искандар ва амирзода Испандлар сон-саноксиз бир лашкар билан Озарбайжонга юзланиб⁵¹, Ахлот ва Одилжуз яқинига етганликлари хабари шуҳратли қулоқларга эшитилди. Амирлар ва аъёнлар шу кунларда амирзода Искандардан юз ўтирган амир Қаро Усмон билан биргаликда: «токи амир Қаро Юсуфнинг тобелари бутунлай йўқотилмас экан, бу мамлакатда тартиб ўрнатиб бўлмайди ва хосу омнинг паришон аҳволи таскин топмайди», — деб арз қилдилар.

Ҳазрат хоқони саид амир Қаро Усмон ва бошқа хайрихоҳлар сўзини розилик қулоғи билан тинглади ва Шаҳри Навдан⁵² Иржис томон қайтишга буюриб, амир Илёсхожа ва амир Қаро Усмонларни манғло й тарзида Одилжуз сари жўнатди ва ҳумоюн байроқларни (452) Иржис томон кўтарди; ўн ик-

кинчи ражабда (133 июль, 1421) Банди Моҳийга, эртаси куни эса Иржисга етди.

Мирзо Иброҳим Султон ва амир Шоҳмаликлар тарафидан хабарчи келиб онҳазратнинг давлати қуввати Алико Жолиқ ва Саййид Аҳмад Дизакларни қувғинга учратганлиги ва Аликонинг ўғлини қўлга тушириб, унинг элу улусини остин-устин қилганлиги ҳақида хабар етказди. Ойнинг ўн тўртинчисида (15 июль, 1421) доруссалтана Ҳиротдан бир тўда оғалар етиб келдилар ҳамда исмату иффат саропардасида ҳарам маҳраами бўлдилар.

Ўн олтинчида (17 июль, 1421) Зайнуддин Абдулҳамид⁵³ элчилик расми билан Маккайи муаззамадан, у ер волийси амир Ҳасан Ажлон қошидан етиб келди ва у улугвор мақом ақобирларининг ихлослари шарҳини арзга етказди. Манғолой амирлари билан бирга кетган амир Муҳаммадхожа чухра амирзода Искандарнинг қаровули билан жанг қилиб ғолиб келди ва икки кишини асир олиб (хоқони саид) ҳазратлари ҳузурига келтирди⁵⁴. Алико Жолиқ ва Саййид Аҳмадга қарши жангга кетган мирзо Иброҳим Султон ва амир Шоҳмаликлар зафар ва ғалабага эришиб, ҳисобсиз ғаниматлар билан қайтиб келдилар. Амир Қаро Юсуфнинг (453) ўғиллари бир неча бор элчилар юбориб, улуг амирлар воситачилигида⁵⁵ сулҳ сўзини арзга етказган бўлса-да, аммо бу сўзлар бирор қарорга тинмади.

Онҳазрат туркмонларга қарши юришга қатъий қарор қилди ва ҳар куни (аста-аста) улар томон кўчиб бориб, охири душанба куни, йигирма еттинчи ражаб ал-муражжабда, — <ражаб ойида яшагину ажойиботларни кўргин>, — (28 июль, 1421) ҳумоюн ўрду Қароққўрғон⁵⁶ мавзеига келиб кўнди, туркмон лашкари эса Олашгирд чегараларида, Яхши деб аталган бир мавзегга⁵⁷ уғруқни тушириб, хандақ қазидилар ва ўз юртлари (атрофини) истехком қилиб Садди Искандардек турдилар, — байт:

Улар ҳаммаси бошдан-оёқ темирга
кўмилгану

барчаси пўлатни ҳам эгиб ташлайдиган
тоғни толқон қилувчилар эди.

Бир неча минг найзачи суворийлар ўз уғруқларидан қарийб икки фарсанг масофа олдинга чиқиб жанг сафини ростладилар.

Бу тарафдан ҳазрат хоқони саид раббоний мадад ва осмоний кўмак билан лашкар тортиш қоидаси ва сипоҳ безатиш асбобларини тартибга солиб, ўнг ва чап қанотларни номдор шаҳзодалар, қудратли нўйи нлар, жангталаб шерлар ва шижоатли қаҳрамонлар билан безатилди; лашкар қалбини олдида эса ҳар бири улкан тоғ ҳайбатига эга бўлган бир неча занжир (454) филни, устига тирандозлар ўтказиб, илгари сурдилар. Байт:

Улкан филлар устига тирандозлар
худди кул тепалар устида олов ўйнаётган
жинлардек ўтириб олганлар.

Туркмонларни филлар даҳшати ваҳимага солди, чунки уларнинг отлари ҳеч маҳал фил кўрган эмас эди; бунинг тадбирини ўйлаб, улар бақувват хўкизлар устига сомонли қопларни юклаб палос ва чўплар ёрдамида филга ўхшатдилар; баъзилари лойдан фил жисмини ишлаб, совут кийгизиб, қуроолланган кишилар унинг устида суворийлик қилар ва туркмонлар унга қарши от чоптириб, шу тарзда, у (фил)нинг кўринишига отларини ром қилар эдилар.

Хулласи, ҳар икки томоннинг баҳодирлари ва ҳар икки тарафнинг муборизлари қувишу чопиш ва уришу нолишга келдилар, дўмбира овози, ноғора наъраси ва карнай садоси бамисоли момақалдироғу чақмоқдек жўшу хурушга келди. Байт:

Овозу фулғулалардан жаҳон ҳаяжонга
тушди,
фалак ўз қулоғига юдуздан пахта
тиқди.

Лашкар назоратчилари соқчилик ишида
йўлтопар юлдузлардан ҳам кузатувчанроқ эдилар. (456)

Оламоро субҳ эртаси куни Машриқ уфқидан тулуъ қилиб саҳар даракчисининг асарлари жаҳон чеккалари бўйлаб ёйилгач ва юлдузлар шоҳи (Қуёш) шингарф рангли сипарини симобранг уфқдан чиқариб гавҳар қўндирилган тожини тоғлар чўққисидан кўрсатгач ҳамда лаъл юзли байроқларни Шарқ тарафдан кўтариб, кеча кокилини кундуз байроғи юзидан туширгач, талъати офтобидан ой ёруғлик топган ва раъйи нуридан офтоб равшанлик касб этган ҳазрат хоқони сайднинг буйруғи билан ғалаба паноҳидаги сипоҳ жангу жадалга қўзғалиб, отларга минди. Байт:

Саҳар пайти, хўроз бонг урадиган вақтда
фил елкасига ногора ўрнатдилар.
Шаҳаншоҳ от устига оёқ ташлагач,
лашкар бўрон янглиғ қўзғалди.

Ҳайбатидан тоғлар эриган ва салобатидан осмон қуёшни сипар қилиб тутган қиёмат таъсирли бир лашкар ўнг ва чап қанотларни ростлаб душман томон юзланди. Қитъа:

Гардундек таъсирли, вақт каби суръатли,
ажалдек қўрқинчли,
юлдузлардек беҳисоб, фаришталардек ғолиб,
қазодек қудратли.
Улар аждаҳо янглиғ ҳайқириб турганликлари
учун, ҳаяжонга тушиб, тоғда
аждаҳо ою йиллар давомида тошбақадек
тош ичига беркиниб олган,
ҳар бири дебо жомаю май косаси
ўрнига
кўкрагига совуту қўлига жон
тутган.

Шу тарзда лашкар қарийб ярим фарсанг илгари юрган эдики, ногоҳ туркмон сипоҳи беҳисоб яроғ-аслаҳалар билан пайдо бўлди. Қитъа:

Хунхор бир лашкар худди юлдуздек
тийраклик билан
сомон йўли (юлдузлари) тарзида
сафларга тизилган (457)
Шарму ҳаёни ташлаб ва ҳаётни ҳеч билиб
қилични яланғочлагану найза кўтарган.

Ҳар икки тарафдан (лашкар аҳли) шатранж доналари каби жанг майдони саҳнасида сафларга тизилдилар; жанг мардларининг (кўплигидан) саҳро майдони танг бўлди ва у икки гурӯҳнинг шиддат ва салобатидан тоғ ўзига ҳайбатлилик касб этди; икки пўлат тоғдек икки лашкар икки денгиз сингари тўлқинга келди ва қуюн янглиғ тезлик билан бир-бирига ҳамла қилди. Қитъа:

Шундай қилиб, бир-бирларига қарши қон
тўкувчи тифни яланғочлаб,
ҳар икки тоифа жангга киришди.
Бирисига замона ғолиблик учун қудрат
бағишлаб,
иккинчисини ситора қора бахтлиликда
имтиҳон қилди.
Ғандано барги янглиғ шамшир ҳайбатидан
жангчиларнинг ранги-рўйи заъфарон
шоҳига айланди.
(Жанг) чақмоғидан ер худди оташкада ичидегу
зилзиладан замон фалажга учрагандек эди.

Диловарларнинг найзалари (кўплиги)дан ҳаво қамишзордек эди. Шу топда жангчиларнинг шижоатли сиёқи ваҳший шер савлатини эслатар эди. Байт:

Худди қамишзор ичидан ҳамла қилган
 арслонлардек
 шаҳсуворлар найзаларни оралаб
 жавлон урардилар.

Ханжар чақмоғи диловарлар жони устидан хандон, ярқи-роқ тигнинг (қон) ёшлари жанг қурбонлари тани устида гирён эди. Шу куни мирзо Рустам ибн мирзо Умаршайх буронфрдан шундай бир жанг қилдики, «Рустами Достон» достони ва «Мозандарон ҳафт хони» унутилиш тоқида қолиб кетди. Амир Иброҳим (ибн) амир Жаҳоншоҳ ҳам жувонфрдан шундай мардоналик кўрсатдики, унинг ғолиблик намуналари рўзгор сафҳасида равшан қолғусидир. Улар туркмон сипоҳи тугунининг учи ва лашкарларининг таянчи бўлган Пир Ҳусайн Саъдни асир туширдилар. (458)

Онҳазратнинг буйруғига мувофиқ зафар паноҳидаги сипоҳ барчаси чодир у хиргоҳларни тикиб жанг майдонига қўнди. Туркмонлар тарафидан бир гуруҳ кишилар қочиб келиб амир Қаро Юсуфнинг ўғиллари дилларини ўлимга, танларини жангга тикканлар ва туғён жоловини исён қўлига тутқизиб, — байт, —

«Агар ўлимдан қўрқсанг дубулғани
 ташлагин,
 ўлимдан қўрқмайдиган кишигина
 жангга киради», —

демоқдалар, деб арз қилдилар.

Офтоб Жамшиди ўз зарафшон айвонидан мағрибнинг хилват саройига йўл олиб, кундузнинг жаҳонни ёритувчи жамоли қоронғу кеча ниқобида ниҳон бўлгач, олам юзи ҳабаш сипоҳининг жавлонгоҳига айланиб, ҳабаш лашкари тупроқ курраси орқасидан фалаклар теппасига юз тутгач ва зийрак ақландиша водийсида саргардон бўлиб, чопқир ваҳм қоронғулик чўлида гирифтор бўлгач, ҳар икки тараф муборизлари ва ҳар икки томон диловарлари жосуслар йўллашиб, ҳар икки сипоҳ

(бир-бирлари)дан огоҳ бўлиб турдилар ва кечаси, то саҳарга-ча, соқчилик шарт-шароитларини адо этдилар.

Эртаси куни, қуёшнинг жаҳонни забт этувчи султони ва оламни безовчи хусрави фалакнинг кўк отига миниб лаъл юзли тифини қиндан чиқаргач ва зангори сипеҳр юзидан заррин қалқон кўтаргач, зафар паноҳидаги сипоҳ хоқони саиднинг буйруғи билан урушга кириш қасдида отга минди ва жанг ноғорасини чалдилар. Байт: (459)

Жаҳон зараркунандалик ва жанг оҳангини
бошлаб,
ёмонлик кўзлагувчига ёмон кўз билан
қаради.

Димоғи бўш ноғоранинг садосидан
тоғу тош бағирларида ер ларзага келди.
Мис косалик ноғоранинг хуруши
тингловчини жон талвасасига
солар эди.

Шу куни зафар нишонли лашкар шундай бир шавкат билан юриш қилдики, найзадорлар найзасидан саҳро юзида ўрмонлар аён эди ва қон тўкувчи тиф аксидан ҳаво ярқираган чўққа тўлгандек кўринар эди. Туркмон сипоҳи ҳам офтоб зарраларидек кўп ва ёмғир томчиларидек ҳисобсиз, ҳаммаси худди шеру филдек бақувват гарданли ва ҳайбатли, йўлбарсу тимсоҳлардек тош юрак ва темир жигар, қоплону бўридек олмос панжали ва пўлат бағирли ҳолда қарши чиқди. Байт:

Худди маст филлардек лашкар аҳли
барчасининг қўлида найза, гурзи ва
ханжару
(худди) қоплон устига совут ташлагандек
тимсоҳ терисидан ишланган қалқон тутган.

Ҳар икки лашкар пўлат тоғ сингари саф тортишиб худди кўк денгиздек бўрондан мавжга келдилар; лашкаргоҳ фазоси

совут ва зирхдорлардан темир тусига кирди, уруш майдони ҳавоси тиф алангасию найза чақмоғидан оловга айланди. Шундай қилиб, у икки қиёмат асар лашкар бир-бирларига аралашиб кетдилар ва найзаю шамширлар билан бир-бирларига ташландилар. Дўмбира ва ноғоралар овозидан гардун қулоғи кар бўлди, отларнинг кишнаши, ботирлар ҳайқириғи ва нар шерлар наърасидан тоғ ларзага келди, (душман) гуруҳи фул-фулага тушди. Байт:

Рустамдек душманни овловчию Орашдек
жаҳонни забт этувчи,
Достондек билимпарасту Найрамдек
ҳунар кўрсатувчи

Бўлган мирзо Рустам (460) амир Иброҳим (ибн) Жаҳоншоҳ билан биргаликда у маърақада шундай шижоат кўрсатдики, Рустами Достоннинг руҳи уларнинг жонига офаринлар ўқиди. Амир Шайх Луқмон барлос ва амир Меҳроб тархонлар⁵⁸ ҳам ўнг қўлдан (жангга кириб), — байт, —

Найзанинг учи ва тири хаданг
билан
офтоб юзидан рангни олиб
қочар эдилар.


Жувонғорда амир Аловуддин Алико кўкалтош, амир Жалолуддин Ферузшоҳ ва амир Фармоншайхлар ўз ўринларини ҳимоя қилиб турдилар; душманнинг ўнг қўли уларга ҳамла қилди. Амир Бўта ва Хожа Муҳаммад Мушриф⁵⁹ Симноний йўлбошчилик қилишга қудрати бўлмаган бир гуруҳни илгари сурдилар. Туркмонлар бу бурчакни бўш билиб, бир неча танни шаҳид этдилар. Хожа Муҳаммад ҳам тириклик палосини йиғиштирди. Байт:

Осмон айланувчи бўлганидан
бери шундай:
ширин нарсанинг ҳамроҳи заҳару
адоватники — меҳр.

(Кетма-кет) зарба ва ҳамлалар натижасида туркмонлар зафар тўпини ғалаба чавғони билан мақсуд маррасига етказишларига сал қолган ва бир неча қатор туяларни ҳайдаб кетиб, ўзларича бир фатҳни тасаввур қилаётган эдилар. Шу ҳолда ҳазрат (461) хоқони саид хиргоҳ майдонида таҳоратхона қуришга буюрди ва онҳазрат умр бўйи ўз вазифаси деб билгани чошт намозини адо этиш қасдида оламини кезувчи саман (от) устидан тушди ва хотиржамлик билан тўла таҳорат олиб, намоз ўқишга киришди. У буткул итоаткорлик ва шикастанафслик билан намозни адо этиб, сўнг ҳожатмандлик юзини ихлос ерига қўйди ва умид қўлини осмонга очиб, бениёз ҳазратдан фатҳу зафар тилади ҳамда ўз дуоси ўқи ижобат мўлжалига етганини билгач, давлат оёғини саодат узангисига киритди ва яна қул қароргоҳида қарору ором топди.

Олий узангининг мулозими бўлиб турган соҳиб тадбир амир Фиёсуддин Шоҳмаликнинг фикр ойнасида шу вақт яхши бир сурат юз кўрсатди ва унинг таклифи билан <уруш — ҳийладан иборатдир> (деган ҳадис)га мувофиқ башорат ноғорасини чалиб, «амирзода Испанд асир олинди», — деган овозани тарқатдилар. Шаҳзода мирзо Бойсунғур чап қўлда парокандалик юз берганидан огоҳ бўлгач, обдор тифу оташ ёғдирувчи ўқ билан тўзондек шамолга учувчи душманларнинг тутунини чиқарадиган бир гуруҳ номдор ботирларни олиб қулнинг қ а н б и л и дан юдузлар шаҳсуворидек кўтарилди ва у тарафга қараб жўнади. Ҳазрат хоқони саиднинг буйруғи билан совут кийган беш минг отлиқ, — мисра: шуҳрат изловчи довураклару ном таратган ботирлар, — шаҳзодага мададга жўнадилар. Шоҳона мавкаб мислсиз подшоҳ (тангри)нинг инояти паноҳида равона бўлди ва ғалаба шиор сипоҳ бирданига ҳаракатга келиб, уруш ва ўлдириш олови аланга олди. Қитъа: (462)


Жанг куни найзанинг шуъласи алангали
оловга айланди,
чунки у маккор душманлар тутунини
чиқарар эди.



Агар сенинг тифинг оташидан гардунга
аланга тушмаса
сайёраларнинг порлаши қандай қилиб
турғун бўла оларди?!

Ботирларнинг иши тиру камондан ўтиб, тиғу найзаларга етди ва жанг майдони атрофида қон худди Сайхуну Жайхун каби оқишга бошлади. Амир Қаро Юсуфнинг ўғиллари ва туркмон амирлари кўплаб уруш олотлари ва ёрдамга эгамиз деган гумонга асосланиб, жўн хаёл билан ўзларини жанг кишилари деб ҳисоблар эдилар, (лекин) ғалаба ёр лашкарнинг (тўлиқ) зоҳир бўлганлигини ва зафар паноҳидаги сипоҳнинг бахт қувватини аниқ кўргач, уларнинг умидлари чехраси қорайди ва мақсадлари кўзи хиралашиб қолди. Амирзода Искандар ўз лашкарини ё с о м и ш и й қилишга ҳар қанча уринмасин, эплай олмади ва мағлубиятга юз тутишга мажбур бўлиб, офтоб шуъласидан қочган соя ва бургут чангалидан қочган каклик каби қочди. Туркмонлардан кўп кишилар асирлик бандига гирифтор бўлдилар. Байт:

Шоҳ байроғининг учи ойдан баландлик
қилди.
Душман ғавғосидан йўл бўшаб қолди.
Ҳар тарафдан сургалган тимсоҳга
ўхшаш душманнинг
гарданида нўхтаю оёғида оғир
тош (бордек эди).
Худди филдек зўр кўрсатиб турган
бир гуруҳ
пилла қурт сингари қумурсқа оёғи
остига тушди.
Душманлар хорликка гирифтор
бўлганларидан кейин
Омонлик тилаб ўртага (одам қўйдилар). (463)



Шундай қилиб, ҳазрат хоқони саиднинг бахт офтоби салтанат авжида порлади ва ғалаба байроғининг оyi саодат матлаидан тулуъ қилди. Қудратли султонлар фатҳларининг безаги бўлган бу шуҳратли ғалабани онҳазрат парвардигорнинг беғубор иноятдан деб билди ва шукр саждаларини бажо келтириб, Мовароуннаҳр, Туркистон, Хуросон, Зобул ва Кобул, Сеистон, Ҳиндустон, Мозандарон, Форс, Ироқ мамлакатларига ва қолаверса, бутун оламга фатҳномалар юборди ҳамда илоҳий армуғон шукрини лозим тарзда адо этди. Ғалаба ёр лашкар беҳисоб ғаниматлар қўлга киритди. Байт:

Шоҳ номи билан шу қадар кўп талон-торож
қилиндики,
арзгоҳга ўлжалар сифмай қолди.
Саҳронинг бутун юзи мол ва яроғ-аслаҳага
тўлди.

Хазиначарга гавҳарлар тизилди.

Ҳумоюн нишон бу фатҳ шаъбоннинг бошида (1 август, 1421) Яхши деб атайдиганлари Олашгирд мавзеида юз берди.

Эртаси куни онҳазрат кўчишга буйруқ берди ва йўлда кета туриб, оламини забт этувчи султоннинг кўзи туркмон асирларига тушди, сўнгра,

Уларнинг оғир аҳволлари эвазига
афв этиб,
ўз шамшири (сояси)дан уларга
бошпана ато этди.
<Одамларга яхшилик қилсанг уларнинг
қалбларини ўзинга қул қиласан,
чунки яхшилик инсонни қадим вақтларданок
қул қилиб олган>

деган шеър (мазмунининг исботи йўлида уларнинг барчасини озод қилишга ҳукм чиқарди. Сўнг, онҳазрат Хўй йўли билан юриб шаъбоннинг ўртасида (14 август, 1421) дорулмулк Табризга етди. Талон-торожга учраш хавфида бўлган Табриз

аҳолисига бирор зарар-заҳмат етишмади ва раиятлар (464) адл ва эҳсон ҳомийлигида ўз ватанларида амну омонликда яшадилар.

ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТИДАН (ХУРОСОН) ВИЛОЯТИ ТОМОН ҚАЙТИШ ЗИКРИ

Дорулмулк Табриз қутли саодат ёрлигида бир неча кун давомида халифалик тахтининг қароргоҳи бўлиб турди ва у ернинг аҳолиси хизматкорлик шартлари ва жонсипорлик маросимларини бажо келтирди. Шуъласидан жаҳонни ёритувчи хуршид нуру зиёни илтимос тариқида қарз оладиган оламоро фикрнинг талабига биноан, зафар оятлари битилган байроқлар (Хуросонга) қайтиш қасдида йўлга тушдилар ва рамазоннинг аввалида (30 август, 1421) осмон унга остоналик қиладиган хоқон Султонияга келди. Бу ерда у Озарбайжоннинг маликлари ва ҳокимларига риоят ва иноятлар кўрсатиб ҳумоюн фармон ва ҳукмларни бағишлагач, қайтиб кетишларига руҳсат берди. Зафар йўлдоши бўлган хоқон Қазвин чегараларига етгач, Форс ва Ироқ лашкарларига ижозат берди; мирзо Иброҳим Султон Даргузин йўли билан Форсга қараб юзланди, мирзо Рустам баҳодир⁶⁰ эса Исфаҳонга жўнади; шу тарзда сардорлар фармонга мувофиқ Язд, Кермон, Кошон вилоятларига равона бўлдилар. (465)

Онҳазрат ҳавонинг иссиқлиги сабабли бир неча кун кечалаб юриб Рай мулкидан ўтди ва амир Илёсхожани кўп сонли лашкар билан Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятида қолдирди, сўнг зафар нишонли мавкаб рамазоннинг охирларида (28 сентябрь, 1421) Хуросон мамлакатига кирди. Улуғ нўйи амир Шоҳмалик ижозат олиб, Астробод йўли билан Хоразмга жўнади. Онҳазрат ўзининг доимий одати бўйича ҳар бир шаҳар ва мамлакатда машойих ва акобирларни зиёрат қилиб, Оллоҳ аҳли (авлиёлар) руҳидан мадад тилади ҳамда қутли бир тасодиф билан, онҳазрат юришга кетаётган вақтида, — (саккиз юз) йигирма учинчи йили шавволнинг бошида (9 октябрь,

1420), — авлиё ва муҳаққиқлар қутби Оллоҳ кўнглини пок этгур Шайх саъд ал-миллат ва-д-дин ал-Хуммуийнинг нурлар ёғиладиган ер бўлмиш мазорига келиб тушган эди, қайтиш вақтида ҳам — (саккиз юз) йигирма тўртинчи йили шавволнинг бошида (29 сентябрь, 1421), — худди ўша муборак манзилга иқбол билан келиб қўнилди. Онҳазрат Нишопурда акобирларни зиёрат қилиш шарафига мушарраф бўлди ва у ердан Машҳади муқаддас томон йўл олди, — шеър:

<Унинг жисмини ўз ичига олган тупроққа
салом бўлсин!

Шаҳид бўлган киши қандай яхшию шаҳид
бўлган жойи қандай яхши! > —

ва у муборак равза — табаррук жой зиёратини бажо келтирди ва унинг нурлари саодат асарли замона юзида тобланди. Ўн тўққизинчи шавволда (17 октябрь, 1421) доруссалтана Ҳирот давлат ва иқбол доирасининг марказига айланди, улуғ ва шаариф кишилар кутиб олиш шарт-шароитлари, таъзиму улуғлаш расм-русумларини адо этдилар ҳамда сочқи ва пешкашларни тақдим этдилар. Байт: (466)

Муҳолифларни енгувчи ферузбахт бўлмиш шоҳ
қутли бир фол билан тахтга ўтирди.

Шаҳар улуғлари офаринлар ўқишиб,
у ягона дур устидан гавҳар сочдилар.

Бутун шаҳар ва кўчаларни безантирдилар,
чунки шоҳдан нимаики тилаган

бўлсалар — етишган эдилар.

ДОРУССАЛТАНА ҲИРОТДА ҚАРОР ТОПИЛГАНДАН КЕЙИНГИ КЕЧМИШЛАР ЗИКРИ

З афар нишонли мавкаб Ироқ ва Озарбайжон юришидан бахту саодат билан қайтиб келиб ғалаба оятлари битилган байроқлар доруссалтана Ҳиротда тиклангач, Деҳли волийси Хизр-

хон қошидан Ҳиндустон элчилари етиб келдилар. Озарбайжон юришидан олдинроқ Хизрхон: «Ҳазрат хоқони саид биз томонга бир элчи юборсалар», — деб илтимос қилган эди, онҳазрат ширин сўз ва ширин тилликда машҳур бўлган мавлоно Амирхожани⁶¹ жўнатди. Хизрхон бу юборилган кишига катта эътибор кўрсатиб, у мавлавий орқали тортиқ-совғалар юборди⁶² ва яхши қулик изҳор қилиш билан ўз давлати асосини мустаҳкамлади. У диёрнинг ажойиботлари жумласидан бир каркадонни келтирган эдилар; у ғариб шакли, ажиб тузилишли, қорамолга ўхшаш кесик туёқли, пешонаси ўртасида биттагина шохга эга ҳайвон экан. Ҳеч қандай тиф у жониворнинг терисига кор қилмайди; унинг терисидан мустаҳкам сипар ишлаш мумкин⁶³; (467) агарчи жуссаси қорамолдек келса ҳам, аммо, айтишларича, фил билан жанг қилиб, ғолиб келар экан. Қисқаси, у жониворни филдарак арава ва шунга ўхшаш ажойиб ҳунарлар билан⁶⁴ доруссалтана Ҳиротга етказдилар⁶⁵.

Фармонга мувофиқ Арроннинг Қаробогидан Миср ва Шомга⁶⁶ жўнаган Муҳаммад Таййиб Мисрга етган вақтида Султон Шайхий вафот топиб, Музаффар ва Тоттор у диёрнинг соҳиб ихтиёри бўлган эканлар, улар элчига риоят кўрсатдилар ва: «агар ҳумоюн мавкаб давлат жilовини бу мамлакат томон бурсалар, давлатхоҳлик вазифалари нимаики бўлса бажо келтирилгусидир», — деб арзнома битдилар. Муҳаммад Таййиб шавволнинг охирларида (27 октябрь, 1421) доруссалтана Ҳиротга етди ва у мамлакатлар ақобирларининг арномаларини арзга етказди.

Шунингдек, Қаробогдан Дашти Қипчоқ томон кетган Султон қушчига ҳам Муҳаммадхон риоятлар кўрсатиб, давлатхоҳлик изҳор қилгач, у зу-л-қаъда ойида (28 ноябрь, — 26 декабрь, 1421) қайтиб келди ва хоннинг ихлосмандлиги ҳақида⁶⁷ арз қилди.

**МОВАРОУННАҲР КЕЧМИШЛАРИ
ВА МИРЗО АБДУРРАҲМОННИНГ
ТУФИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Мирзо Улуғбек (саккиз юз) йигирма тўртинчи йил муҳаррам ойининг бошларида⁶⁸ (6 январь, 1421) қуш ови учун **(468)** Бухоро томон жўнади. Ҳумоюн хотирнинг шаҳбози шикор нашъаси ва лочин ҳам шунқор солишдан фароғат топгач, ғалаба ёр мавкаб илгари келишиб қўйилган кўрсатмага мувофиқ бу балдайн фохира ташқарисида қишлов буюрди; (бу ерга) Тибет вилояти томондан бир гуруҳ элчилар етиб келдилар; Мирзо Улуғбек ҳаммаларига риоят кўрсатиб қайтиб кетишларига рухсат берди⁶⁹.

Беминнат ато этувчи ва хасисликдан фориф бўлмиш бағишловчи ҳазрат (тангри таоло) жаноб Улуғбекка саодатманд фарзанд ато этди: саккизинчи муҳаррамда⁷⁰ (13 январь, 1421) жаҳон юзи унинг дунёга келиши билан шараф топди ва хурсандлигу хуррамликка сабаб бўлди. Унинг ҳумоюн номини мирзо Абдурраҳмон деб аталди. Байт:

Оқил фарзанд туфайли бош кўкка етди,
чунки ноёб гавҳар гўзал бўлғусидир.

Жумод ал-аввалнинг олтинчисида⁷¹ (9 май, 1421) Муҳаммад ўғлоннинг ўз муҳолифларига қаҳру ғазаб кўрсатиб подшоҳ бўлиб олганлиги ҳақида Мўғулистондан хабар келди. Ойнинг еттинчисида⁷² (10 май, 1421) Абу-л-Лайс Андижондан келиб у тараф аҳволини (Улуғбекка) арзга етказди ва Пир Муҳаммад ўғлоннинг навқари Афди ҳамда Садр Ислоннинг навқари етиб келишди. **(469)** Амир Арслонхожа тархон Саврон вилоятидан келди⁷³. Ражаб ойида⁷⁴ (2 июль — 1 август, 1421) Али Макрит ва Абу-л-Лайслар навозишларга эришиб, фармонга мувофиқ Андижон томон қайтиб кетдилар; амир Қамаруддиннинг ўғли амир Жаҳоншоҳ етиб келиб⁷⁵, Худойбердининг келганлиги ҳақида хабар берди ва меҳрибонликка эришди. Еттинчи шавволда⁷⁶ (5 октябрь, 1421) Абу-л-Лайсининг

навқари муҳолифларнинг жанг қилганлиги ва Марожиқ ва бошқаларнинг асир олинганликлари хабарини етказди. Муҳаммад Саиднинг навқари Сулқондан⁷⁷ (келиб) Пўлод Темурунинг Жато муҳорабасидан қочган ўғиллари қўлга тушганликлари ҳақида хабар келтирди⁷⁸. Мирзо Улуғбек зу-л-қаъда-нинг охирларида (26 ноябрь, 1421) Бухорога қараб юрди ва қишни ўтказиб, (саккиз юз йигирма) бешинчи (1422) йилнинг баҳорида Хуросонга отланди ва падари бузургвори қудратли хоқоннинг хизматида бўлиш давлатидан саодатга эришди. (470)

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ

(1422)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МИРЗО ИБРОҲИМ СУЛТОННИНГ ХУЗИСТОН ТОМОН ЛАШКАР ТОРТГАНЛИГИ ЗИКРИ

Хуросон мамлакати, балки бутун жаҳон мамлакатлари ҳазрат хоқони саиднинг гўзал инояти ва меҳр-шафқатининг кўмаги билан ғоят хотиржамликда бўлган ва онҳазратга хилоф иш тутиш ҳеч бир махлуқнинг хотирига ҳам келмаётган бир вақтда, нозик рақамли қалам бу йил (воқеалари баёни)нинг бошланишида бошқа шаҳар ва диёрлар аҳволини эътибор аҳлининг назарига етказгусидир. Бошлаб Форс ва Хузистондаги кечмишлар бу дostonда айтиб ўтилади, иншо Оллоҳи тало!

Мирзо Иброҳим Султон Ироқ ва Озарбайжон юришидан дорулмулк Шерозга қайтиб келгач, Форс мамлакати атрофининг улуғ ва шариф кишилари табриклаш расм-русумларини бажо келтирдилар-у, аммо Хузистоннинг ҳокимлари (мирзо Иброҳим) кутганидек муносабатда бўлмадилар ва хизматкорлик вазифаларини бажаришдан бош тортдилар. Жавонбахт шаҳзода Хузистон томон отланди ҳамда денгиз тўлқинидек ва юлдузлар туркумидек лашкар Хузистон вилоятига кириб Хувайза ва Дизфулни эгаллади; қолган раиятлар Шустар қалъа-

сига паноҳ тортдилар; галаба ёр сипоҳ қалъани муҳосара қилди. У диёрнинг ҳокимлари мудофаада туриб кун кечирдилар ва (хоқони саид) қошига элчи юбордилар; у (саккиз юз) йигирма тўртинчи йил зу-л-ҳижжа ойида (27 ноябрь — 25 декабрь, 1421) ер юзи султонларининг паноҳгоҳи бўлган олампа-ноҳ даргоҳга етиб келди ва зулмдан шикоят қилиб, додига етиш-ни ўтинди: **(471)** «биз бу даргоҳнинг қул ва хизматкоримиз, биздан ҳукмга хилоф бирор ҳаракат содир бўлгани йўқ; ўтин-чимиз шуки, иноят қилиб жаноб мирзо Иброҳим Султонга бир кўрсатма берсалар, токи Форс лашкари Шустар муҳоса-расини тарк қилса. Ундан кейин биз бу даргоҳнинг буюрган йўлидан четга чиқмаймиз, мол берамиз ва (зарур бўлганда) лашкарга келамиз». Онҳазрат, — мисра, — у зулм чекканлар-нинг фарёдига етди ва саодатманд фарзанд (мирзо Иброҳим) номига ҳумоюн нишон жўнатди. Мазмуни шундай: «Хузистон раиятлари хизматкорлик вазифаларини бажо келтирсалар, у мамлакатни маълум шартларга асосан уларга қолдириб, Ше-роз тахтига жўнагин».

Шаҳзода буйруққа амал қилиб (Шерозга қайтди), аммо Хузистон раиятлари шартларга вафо қилмадилар, шунинг учун шу (саккиз юз) йигирма бешинчи (1422) йили мирзо Иброҳим Султон яна катта лашкар билан Хузистон томон юзланди ва у мамлакатни қаҳру ғазаб билан мажбуран бўйсундирди; бидъат расм-русумлар ва бузуқ қонун-қоидаларни улоқтириб таш-лаб, дин ва давлат асоси мустаҳкамланди; пул зарб қилиш ва х у т ба ўқиш ҳумоюн ном ва лақаблар билан безанди ва Ху-зистон вилоятининг фатҳ этилганлиги овозаси жаҳон аҳллари қулоғига етди. **(472)**

СУЛТОНЛАР ПАНОҲИ БЎЛГАН ДАРГОҲ (ҲИРОТ)ГА БАДАХШОН ШОҲЛАРИНИНГ КЕЛГАНЛИГИ (ЗИКРИ)

Шоҳ Султон Маҳмуд ва Шоҳ Арғуншоҳ осмондек улуғ даргоҳга умид юзини қаратиб учинчи сафарда (27 январь,

1422) доруссалтана Ҳиротга етдилар ва амирлар воситачилигида ҳумоюн мажлисга кирдилар. Ҳазрат хоқони саид шоҳона эъзоз-икромлар кўрсатиб, уларга маликлар ва амирлар қаторидан жой тайин қилди. Уларга ҳам эртаю кеч мулозимат қилиш вазифаларини адо этиб турдилар. Онҳазратнинг нурли хотирида яхши эътиқод ортиб бориб, охири, ҳазратнинг инояти шоҳлар аҳволига кулиб боқди ва унинг фармони бўйича улуф амирлар шоҳларнинг керак-яроқларини туздилар ва фахрли чопонлар кийгиздилар. Шоҳлар ижозат олиб, ўз вилоятларига қайтиб кетдилар.

ЗОВА ВА МУҲАВВИЛОТ ТОМОН ҲУМОЮН ЮРИШ ВА МИРЗО БОЙСУНҒУРНИНГ ТУС ТОМОН ЖЎНАГАНЛИГИ ЗИКРИ (473)

Ҳазрат хоқони саид қишни бахту саодат ёрлигида доруссалтана Ҳиротда ўтказди¹ ва сафар ойининг охирларига (22 февраль, 1422) тўғри келган ҳутнинг бошларида Зова ва Муҳаввилот вилояти томон отланди ва бир неча кун бахт ёрлигида шикор ва қуш солиш билан машғул бўлди.

Сабо нафаси Мусосифат жон бағишлаш даъвосини қилиб турган, фарвардин шамоли сабза ва райҳонлар варақларига Чин суратхонаси нақшини чизаётган, булут оташин лола юзини латофат суви билан ювиб турган ва боғу бўстонлар атрофида Ковийлар байроғию шоҳлар хазинаси тусида (гулу майсалар) униб чиқаётган бир мавсумда жаноб мирзо Бойсунғур Тус ва Машҳади муқаддас вилояти томон отланиб, шамол оёқли от устига қуюндек оёқ ташлади ва ихтиёрни сувдек йўл босувчи оташ зотли самандга топширди. Қудратли хоқон ва номдор шахзода² қай томонгаки байроқ ёймасинлар, саҳрою биёбонни ов жониворларидан холи қилдилар. Зирҳ кийган бургут жаҳонгир подшоҳ камонидан отилган ўқ янглиф сапчир ва парвоз қилганида, осмон билан сирдош бўлар, ҳайқириқ садосидан тоғу саҳрони овозга тўлатар, шаҳпарининг захми билан (474) тез учар қушни осмон тепасидан пастга итқитар ва ҳаво

фазосини паррандалардан холи қилар эди. Онҳазрат бир неча кун босим сайду шикор билан машғул бўлгач, (бир оз) фарофатдан сўнг, (Ҳиротга) қайтишга буюрди³ ва тўққизинчи рабиъ ал-аввалда (3 март, 1422) давлат қароргоҳига келиб тушди. Мовароуннаҳрдан йўлга чиққан Мирзо Улуғбек ҳам худди шу куни Ҳиротга етди.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ХУРОСОНГА КЕЛГАНЛИГИ (ЗИКРИ)

Ҷ тан йил (воқеалари ораси)да айтиб ўтилдики, Мирзо Улуғбек Бухорода қишлади, сўнгра кеча ва кундузнинг баробарлашганлиги шарофати билан баҳор фасли боғу гулзорлар зийнатига айланиб, тоғу даштлар олий жаннат кўринишини акс эттиргач, — байт:


Чаман беҳишт боғининг ҳикоятини

сўзлайди-ю,

лекин бу беҳиштнинг хариду нақди

нася эканлигини билмайди, —

Мирзо Улуғбек Ироқ ва Озарбайжон юришидан давлату саодат билан қайтиб халифалик қароргоҳида қарор топган ҳумоюн (Шоҳрух)нинг келганлигини табриклаш расмини адо этиш учун Хуросон томон юзланди. Худди ой ва қуёшдек (мақтовли) лақабларини орттиришдан юқори турувчи жаноб шайхулислом Хожа Исомуддин ва Хожа Низомуддинлар (475) ҳамда Хожа Абу-л-Фазл ва Хожа Абу-л-Лайслар каби Мовароуннаҳр ақобирлари шаҳзодага мулозим бўлишиб, тўққизинчи рабиъ ал-аввалда⁴ (3 март, 1422) доруссалтана Ҳиротга етдилар ва ҳазрат хоқони саиднинг қўлини ўпиш бахтига мушарраф бўлдилар. Жаноб мирзо Бойсунғур Тус ва Машҳад вилояти томондан қайтиб келди ва биродарлар бир-бирларининг дийдорларига етишиб шодмон бўлдилар. Мирзо Улуғбек ҳазрат хоқони саиднинг соғ-саломат ва бахту саодат билан давлат ва салтанат пойтахтига етиб келганлигининг шукронаси учун



подшоҳона бир тўй ташкил қилди ва сипоҳ амирларию даргоҳ аъёнларини шоҳона иноятлар билан тақдирлади. У икки ойча вақтни (хоқони саид) ҳазратларининг мулозиматида бахтиёрлик билан ўтказиб, сўнг қайтишга ижозат сўради ва отланиш жиловини Мовароуннаҳр томон бурди⁵; бахт оёғини саодат узангисига қўйиб оламини босиб ўтувчи саман отга минди. Байт:

Фалақдек оламини забт этувчи, манзилларни
ойдек орқада қолдирувчи,
Собита (юлдуз)лардек йўл кўрсатувчи,
Уториддек иш билармон.

Шундай қилиб у бир ҳафта муддатда доруссалтана Ҳиротдан жаннат монанд Самарқандга етди. Мисра: Ер юзидаги жаннат — Самарқанддир. (476)

МИРЗО АБУ-Л-ҚОСИМ БОБИР БАҲОДИР ИБН МИРЗО БОЙСУНҒУРНИНГ ТУҒИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ш

у йили ўн еттинчи ражабда (7 июль, 1422) шаҳзода мирзо Абу-л-Қосим Бобир энг яхши бир соатда ва энг қутли бир вақтда йўқлик қоронғулигидан борлиқ оламига келди; унинг ҳумоюн туғилиши нурлари олам сатҳини равшан қилди ва тириклик гулзори унинг туғилиши саодати билан гулшан софлигини касб этди. Мирзо Бойсунғур шоду хуррамлик билан айшу ишрат асбобларини муҳайё қилиб, ҳазрат хоқони саид ва давлат арконларига дабдабали бир тўй берди; бир неча кун эрталабдан шомгача ва шомдан тонггача хосу омлар хурсандчилик эшикларини очиб, халойиқ қўлларини (рақсга) ташлаб, оёқ тепсиниб, шодлик палосига қадам қўйди.

Ҳумоюн хотир ишрат базмидан фориф бўлгач, тўғри йўл кўрсатувчи фикр мулк ишлари тадбирлари билан (шуғулланишга) илтифот буюрди ва амир Юсуфхожа ҳам амир Сейдиларни биргалиқда Ажам Ироқини забт қилсинлар ва у тарафлардан хабардор бўлиб турсинлар, деган мақсадда уч минг



номдор суворийлар билан амир Илёсхожага кўмак ва мадад учун жўнатди⁶.

Шаъбоннинг охирида (18 август, 1422) амир Халилуллоҳ Ширвоний ва амир Сейди Аҳмад Шакийнинг навкарлари доруссалтана Ҳиротга етдилар ва арзнома ва пешкашларни тақдим этдилар. (477) Онҳазрат юборилганларга меҳрибонлик кўрсатиб қайтишларига ижозат берди. Мисра: инъому икромга фарқ бўлиб, яна ватанларига жўнадилар.

МИРЗО МУҲАММАД ҚОСИМ ИБН МИРЗО МУҲАММАД ЖЎГИЙНИНГ ТУФИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Саодат хабарчилари: «салтанат юлдузи иқбол матлаидан тулуъ қилди ва давлат кавкаби подшоҳлик уфқидан болқиди», — деб башорат бердилар; рамазоннинг бошида (19 август, 1422) мирзо Муҳаммад Қосимнинг талъатидан жаҳон рўшнолик топди, олам юзи унинг зоҳир бўлиш нуридан янгидан равнақ касб этди. <Фарзанд — юрак мевасидир> (сўзи)нинг мазмуни бўлмиш бу туфиллишнинг содир бўлишидан мирзо Муҳаммад Жўгийнинг умид ва хотиржамлик ниҳоли ва шодмонлик дарахтининг мевага униб чиқди ҳамда у нури дийданинг ҳумоюн талъати ва ғизли ҳилолидан жон кўзининг равшанлиги ортди. Мирзо Муҳаммад Жўгий катта тўй тузди ва давлат арконлари ҳам (холо,они саид) ҳазратларининг аъёнларига инъому икромлар кўрсатди.

ХИТОЙ МАМЛАКАТИГА КЕТГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ҚАЙТИБ КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ ВА У ДИЁРНИНГ АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБЛАРИ ШАРҲИ (478)

Саккиз юз) йигирма иккинчи (1419) йил воқеалари орасида⁷ ҳазрат хоқони саид Шодихожа⁸ бошчилигидаги элчиларни Хитой мамлакатига боришга тайин қилганлиги ҳақида эслатиб ўтилган эди.



Мирзо Бойсунғур (ўз номидан) Султон Аҳмад билан Фиёсуддин наққошни (элчиларга қўшиб) юборар экан, Хожа Фиёсуддинга доруссалтана Ҳиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш ҳам сиёсат услуби, у шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор маликларнинг феъл-атвориға оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини рўзнома тарзида кунма-кун ёзиб бориши лозимлигини ғоят таъкидлаган эди.

Бу йил, яъни (саккиз юз) йигирма бешинчи йили, ўн биринчи рамазонда (29 август, 1422) элчилар Ҳиротга қайтиб келдилар ва Хитой подшоҳининг совға-тортиқларини арзга етказдилар; у мамлакатлар авзойи, расм-русумлари ҳақида ажойиб ҳикоятлар ва ғаройиб сўзларни баён қилдилар.

Хожа Фиёсуддин у ҳикоятлар⁹ мазмунини беғаразу бетаас-суб ёзганлиги туфайли у сўзларнинг сараланган ва танланганлари (бу ерда) келтирилди, жавобгарлиги эса ривоят қилгувчи (Фиёсуддин)нинг бўйнига! Бу сўзларнинг шарҳи қуйида кенгайтирилган тарзда баён қилинади. **(479)**

Элчилар саккиз юз йигирма иккинчи йил ўн олтинчи зу-л-қаъдада¹⁰ (4 декабрь, 1419) доруссалтана Ҳиротдан равона бўлдилар ва тўққизинчи зу-л-ҳижжада (27 декабрь, 1419) Балхга етдилар ва ёфингарчилик кўплигидан¹¹ то (саккиз юз) йигирма учинчи йил муҳаррам ойининг бошигача (17 январь, 1420) Балхда туриб қолдилар. Сўнг бу ердан жўнаб¹² йигирма иккинчида (7 февраль, 1420) Самарқандга етдилар. Мирзо Улуғбек илгарироқ ўз элчилари Султоншоҳ ва Муҳаммад Бахшийларни бир гуруҳ хитойликлар¹³ билан жўнатиб юборган эди.

Мирзо Суюрғатмишнинг элчиси Арғудоқ, амир Шоҳмаликнинг элчиси Ўрдувон ва Бадахшон шоҳининг элчиси Тождуддинлар¹⁴ келиб йиғилгунларича Хуросон элчилари Самарқандда кутиб турдилар. Сўнг ўнинчи сафарда (25 февраль, 1420) Хитой элчилари билан биргаликда Самарқанддан жўнаб кетдилар ва Тошканд, Сайрам ва Ошпарадан ўтиб¹⁵, ўн бирин-



чи рабиъ ал-охирда (25 апрель, 1420) мўғул элига қадам қўйдилар ва Увайсхон Шер Муҳаммад ўғлонга қасд қилиб бутун улус оёққа турганлиги¹⁶ ҳақида хабар келди¹⁷. У диёрнинг соҳиб ихтиёри бўлган амир Худойдод элчилар қошига келиб уларни юпантирди ва Увайсхон ҳузурига жўнаб кетди. Элчилар эса ўн саккизинчи жумод ал-аввалда (31 май, 1420) Муҳаммадбекка тегишли Билғуту деган мавзегга етдилар ва до-жилар ва Бадахшон шоҳининг навкарлари келиб қўшилгунларича, шу ерда тўхтаб турдилар. Сўнг Билғутудан кўчдилар¹⁸ ва йигирма иккинчида (4 июнь, 1420) Кангар сувидан ўтиб, йигирма учинчида (5 июнь, 1420) улус ҳокими Муҳаммадбек билан учрашдилар. Муҳаммадбекнинг ўғли Султон Шоҳи кўрагон Шоҳ Жаҳоннинг куёви эди, — (шу Шоҳ Жаҳоннинг) бошқа бир қизини мирзо Муҳаммад Жўтий олган эди¹⁹.

Элчилар йигирма саккизинчида²⁰ (10 июнь, 1420) Юлдуз ўлкаси ва Шер Баҳромнинг элига кирдилар²¹. Офтоб саратон (буржи)да эканлигига қарамай бу биёбонда сув икки энлик ях боғлаган эди. Саккизинчи жумод ал-охирда (20 июнь, 1420) Увайсхоннинг элчиси бўлмиш до-жини Муҳаммадбекнинг ўғиллари талаганликлари ҳақида хабар келди. Элчилар бундан ваҳимага тушиб, аксар кунларда **(481)** ёмғир ва дўл ёғиб турганлигига қарамай, дараю тоғлардан суръат билан ўтдилар ва ойнинг охирида (11 июль, 1420) Турфон шаҳрига етдилар. Бу шаҳарда кўпчилик бутпараст бўлиб, катта бир бутхоналари бор экан²². Суфанинг тепасида улкан бир ҳайкал бор эди, айтишларича, у Шокмунийнинг ҳайкали экан.

Бу ердан элчилар ражаб ойининг иккинчисида (13 июль, 1420) кўчдилар ва ойнинг бешинчи куни (16 июль, 1420) Қарохўжага етдилар. Ойнинг ўнинчисида (21 июль, 1420) хитойликлар келиб элчиларнинг номлари ва уларга тегишли кишилар ададини ёзиб олдилар, сўнг элчилар ўн тўққизинчида (30 июль, 1420) Ато Сўфи²³ қишлоғига келиб тушдилар. (Муҳаммад) мустафо хонадонидан ва (Али) муртазо авлодларидан бири бўлган хонзода амир Фахруддинга куёв эди. Бу киши шу ерда бир лангар қуриб олган ва муқим яшаб турар эди.

Йигирма биринчи ражабда (1 август, 1420) элчилар Қомул шаҳрига етиб келдилар. Бу шаҳарда амир Фахруддин бир олий масжид ва бир буюк ибодатхона²⁴ қуриб уларни ғоят зўр ҳашамат билан безатган эди. Кофирлар масжид яқинида бир бутхонага эга бўлиб, унинг атрофига катта-кичик бутларни ажойиб шаклларда чизганлар²⁵; у бутхонанинг эшигида эса иккита бир-бирига ҳамла қилиб турган дев сурати акс эттирилган. Мингли Темур Боййирий номли бир соҳибжамол йигит Қомул ҳокими эди. **(482)**

Бу ердан элчилар йигирма бешинчи ражабда (5 август, 1420) кўчдилар ва чўлу биёбонлардан юриб, ҳар икки кунда²⁶ (бир марта) сувга етишар эдилар. Шаъбон ойининг ўн иккинчисида (22 август, 1420) биёбонда кета туриб қўтоснинг нар ва модасига дуч келдилар. У ерда сигир — мода қўтос чунонам катта бўлар эканки, айтишларича, бир куни бир отлиқ кишини шохи билан эгар устидан илиб олиб, бир муддат шохида тутиб турган эмиш. Мисра: агар рост бўлса, бу жуда ажиб сўз.

Ўн тўртинчи шаъбонда (24 август, 1420) элчилар бир манзилга етишдиларки, бу ердан то биринчи Хитой шаҳри²⁷ бўлган Сукжўгача ўн кунлик чўл йўли эди. Бир гуруҳ хитойликлар элчилар хабарини эшитиб (подшоҳ) фармониға мувофиқ истиқболға чиқдилар ва бир кунда²⁸ майсазор устига олий бир суфа қуриб, соябонлар тиклаб шира-хонтахталар ва сандалкурсилар қўйдилар ва пиширилган ғоз, товуқ ва ҳўлу қуруқ меваларни чинни табақларға солиб батартиб тердилар ва ҳар бир хонтахта тепасига гулдасталар боғлаб ва сабзавоглар (қўйиб) дастурхонларни безатдилар. Хуллас ўша биёбонда **(483)** шундай бир зиёфат ташкил қилдиларки, бунақаси шаҳарларда ҳам муяссар бўлмайди. Таомдан фориг бўлингандан кейин турли хил ичимликларни²⁹ келтирдилар. Ҳар бир кишига³⁰ қўй, ун, арпа ва бошқа зарурий нарсаларни³¹ бердилар; буларни элчилар қошига ғоят зўр эҳтиром билан юбордилар³². Сўнгра элчилардан ҳар бири нечтадан навкарға эга эканлиги ҳақида рўйхат туздилар. До - ж и л а р (навкарлар сонини) ортиқча айтмасликлари ҳақида (элчилардан) ҳужжат-тилхат олдилар³³:

кимки ёлғончиликда тугилса, унга ишонч қолмайди. Савдогарлар навкарлар қаторида туриб³⁴ (элчилик) хизматларини адо этиб турардилар. Рўйхат қуйидаги тартибда тузилди: амир Шодихожа ва Кўкча: икки юз нафар, Султон Аҳмад ва Гиёсуддин: бир юз элик нафар, Арғудоқ: олтмиш нафар, Ўрдувон: элик нафар, Тожуддин³⁵: элик нафар. Мирзо Улуғбекнинг навкарлари илгарироқ жўнаб кетган, мирзо Иброҳим Султоннинг эчилари эса ҳануз етиб келмаган эдилар.

Ўн олтинчи шаъбонда (26 август, 1420) «Бутун бу сарҳаднинг ҳоқими — до н г д о - ж и³⁶ подшоҳона зиёфат беради», — деб эчиларга хабар етказдилар. Элчилар унинг юртига келдилар³⁷. (484) Хитойликлар тўртбурчак шаклида, (чодирлар) арқонларини бир-бирига улаб қўядилар, шундайки, у тўртбурчакнинг тўрт тарафидан қолдирилган тўртта дарвозадан ташқари бошқа ердан бирон киши ҳам ўртага киролмайди. (Тўртбурчак) ўртаси эса кенг майдон; майдон ўртасида баланд бир дўкон³⁸ қурилган бўлиб, бир ж а р и б миқдордаги ерни эгаллаган; олдида икки устунлик катта хитой чодир қурилган ва шоҳнишинга ўхшатиб чодир этаклари кўтарилиб қўйилган, ёғочдан ишланган бир тахтгоҳ ва соябонлар³⁹ ўрнатилган, шундайки, ўша бир ж а р и б ер бутунлай соя-салқин эди. Икки устун тагига до - ж и нинг курсиси, унинг чап ва ўнгида эса бошқа курсилар қўйилган. Элчилар чап тарафга, Хитой амirlари эса ўнг тарафга ўтирдилар. Уларнинг наздида чап тарафга бўлган иззат ўнг тарафникидан зиёдадир, — мисра, — чунки одил подшоҳ баданида дил чап тарафдадир.

Элчилар ва амирлардан ҳар бирининг олдига иккитадан хонтахта қўйдилар: бирига пиширилган гўшт, фоз, товуқ ва хитой қуруқ мевалари, иккинчисига эса кулча, яхши нонлар ва қоғоз ҳам ипақдан ишланган бағоят кўркем бир гулдаста қўйилган. Қолган кишилардан ҳар бирининг олдида биттадан хонтахта. (485) Баланд бир жойга ўрнатилган подшоҳона катта курко қаршисида хумлару чинни кўзалар, катта-кичик чиннию нуқра қадахлар қўйилган. Курконинг сўлу ўнгида мутриблар туришиб, ётуған камонча, пийпа, учидан ва ёнидан

пуфланадиган икки турли най, тунбак, мусиқор, учта пояга ўрнатилган икки томонлама ноғора, синж, чаҳор пора ва дўмбираларнинг ҳаммасини усулу навога киргиздилар; соҳибжамол болалар қизил ва оқ ранг (бўёқ)лар суртиб олишиб, худди қизлар сингари қулоқларига марваридлар тақишиб, ўйинлар кўрсатдилар. Мисра: дунёда бунга ўхшашини кўриш мумкин эмас. Бу очиқ майдондан токи (чодирлар орасида қолдирилган мазкур) тўрт дарвозагача⁴⁰ зирҳ кийган (навкар)лар қўлларида найза ушлаб йўлнинг икки тарафида тизилишган ва бир оёқни иккинчисидан узмай тик турадилар: ясовул ҳожат эмас⁴¹. **(486)**

Кишиларни (ўзларига) муносиб жойга ўтирғизиб, косаларни кўтариб қўшу қаров бердилар ва (овқат) ейдилар. Девон ҳокими амир Дусун⁴² коса кўтарди, унинг ёнида сунъий гулдасталар солинган бир сандуқни олиб борардилар. У ҳар кимгаки коса тутса, ўша кишининг дастурхони устига гулдаста санчиб, мажлисни гулистон қилиб юборди. Ўйинчилар қалин қоғоздан жониворларнинг шаклларини ясаб юзларига боғлаб олган эдилар; уларнинг юзу қулоқлари сира ҳам кўринмас эди; улар хитойликларнинг усулида рақс қилдилар. Худди офтобдек болалар тиниқ шароб солинган кўзачаларни⁴³ қўлда ушлаб турардилар. Улардан бири фундуқ, узум, ёнғоқ, арчилган шоҳбаллут донаси, лиму, сиркада ишланган саримсоқ ва пиёз ва бошқа ҳўл мевалар⁴⁴ ҳам тилимланган қовун ва тарвузлардан иборат тар меваларни хона-хона қилиб ишланган бир товоқчага алоҳида-алоҳида териб, кафтига қўйиб туради. Қачонки амир бирор кишига коса тутса, у бола товоқни олдига олиб келади; (меҳмон) қайси бир мевага майл қилса ўшандан тотинади.

Яна (бир қизифи), бир катта бағоят ўхшаш (сунъий) лайлак ясаганлар⁴⁵ шундайки бир бола унинг ичига кириб юради **(487)** ва у лайлак кишилар ҳайрон қоларли бир навда оҳанг билан қадам ташлайди ва ҳар тарафга бошини қимирлатади. Ўша куни то кечгача айшу ишрат мажлиси ғоят шод-хуррамлик билан ўтди⁴⁶.

Шаъбон ойининг ўн еттинчисида (27 август, 1420) элчилар чўлга кириб бир неча кундан кейин қаровулга етдилар. Бу қаровул маҳкам бир қалъадан иборат бўлиб⁴⁷, унинг атрофи тоғ эди. Йўл шундайки, қалъа эшигидан кириш керагу бошқа эшиқдан ташқари чиқиб кетиш керак. Элчилар қалъага киргач, ҳаммани санаб номларини ёзиб олдилар ва қалъадан ташқарига чиқишга қўйдилар. Қаровулдан (ўтиб) Сукжў шаҳарига келдилар. Дожилар элчиларни шаҳар дарвозасида бўлган бир катта ёмхонага келтириб туширдилар, уларнинг барча нарсаларини олиб, дафтар (хона)га элиб топширдилар. Ейимлик, ичимлик, палос, от-уловлардан иборат керакли нарсаларни ёмхонада тайёрлаб қўйган эканлар, ҳар кеча ҳар бир киши учун биттадан кат ва бир жуфт ипақдан тикилган кечалик кийим-бош бир фармонбардор хизматкор билан биргаликда тайёр турар эди.

Бу Сукжў (488) тўғри тўртбурчак⁴⁸ шаклидаги мустақкам қалъадан иборат бўлган бир катта⁴⁹ шаҳардир; бозорлар очилган, уларнинг кенлиги эллик шаръий газ; ҳамма ерга сув сеппиб супурилган; уйларда уй чўчқалари боқишади; қассоблик дўконларида қўй гўшти билан чўчқа гўшти ёнма-ён осиб қўйилган⁵⁰; уларнинг бозорларида чорсулар кўп, ҳар бир чорсунинг тепасига ёғочдан бағоят гўзал тўрт қиррали бир қубба ясаганлар, унга кунгиралар қўйилган бўлиб, улар ҳам Хитой ёғочи ва муқарнасидан ишланган. Шаҳар истеҳкоми бўйлаб ҳар бир йигирма қадамда биттадан усти ёпилган минора қурилган; шаҳарнинг тўртта деворидан тўртта дарвозани бир-бирига тўғри қилиб очилган, ғоят тўғрилигидан яқиндек бўлиб кўрилади. Шаҳарнинг ўртасидан дарвозагача йўл кўп эди. Ҳар бир дарвозанинг орқасида хитойликлар одатича тепасини чўққайтириб қурилган биттадан икки қаватлик кўшк бор⁵¹; у худди Мозандарондагига ўхшайди-ю, аммо Мозандаронда (томини) рангсиз сафол билан ёпадилар; хитойликлар эса чинни билан⁵² ёпганлар.

Бу шаҳарда бир нечта бутхона бор эди; улардан ҳар бири қарийб ўн жариб (ерни) эгаллаган; бағоят тоза; ерига (489)

тарошланган пишиқ фишт ётқизилган. Унинг⁵³ пишиқ фишти тош сингари ялтироқ кўзчаларга эга. Бутхонанинг эшиги олдида чиройли болалар туришади ва айшу ишратга чақиришади, мусофир кишиларга раҳбарлик қилишади ва пок йўлдан олиб юришади. Бу — Хитойнинг биринчи шахридир. Бу шаҳардан подшоҳ тахтгоҳи бўлган Хонболиққача тўқсон учта ё м бўлиб, ҳаммаси маъмур; ҳар бир ё м бир шаҳарга ёки қишлоққа баробар келади. Ё м ларнинг орасида бир нечта қ а р а ф у ва к а й д а й - ф у л а р бор. Қ а р а ф у — баландлиги олтмиш⁵⁴ газ келадиган бир уйдан иборат. Бу уйда⁵⁵ доимо ўн киши туради. Бу уйни шундай қурганларки, ундан қаралса бошқа қ а р а ф у кўриниб туради; агар бирор ҳодиса содир бўлиб қолса, масалан, бегона лашкар келгудек бўлса⁵⁶, дарҳол олов ёқадилар, буни кўрган бошқа қ а р а ф у ҳам олов ёқади. Шу тартибда олов ёқишни давом эттира берадилар, бир кеча-кундуз вақт ўтгунча уч ойлик йўлдагилар ҳам қандайдир бир ҳодиса юз берганлигидан воқиф бўладилар. Тўла шарҳлари билан ёзилган мактуб эса бундан кечроқ етишади; уни к а й д а й - ф у орқали (490) бир-бирларининг қўларига тутқазиб, етказадилар.

К а й д а й - ф у бир неча хонадондан иборат бўлиб, уларни бир ерга муқим ўтирғизиш кўйганлар. Уларнинг ё с о қ ва хизматлари шундай: қачонки бирор мактуб ёки хабар келса, бир киши тайёр туриб, дарҳол бошқа к а й д а й - ф у га етказади ва шу тартибда у хабар пойтахтгача етиб боради. Бир к а й д а й - ф у дан иккинчи к а й д а й - ф у гача ўн марра бўлиб, ҳар ўн олти марра бир шаръий ф а р с а н г д и р.

Қ а р а ф у да турган жамоат ҳар ўн кунда бир алмашинади; ҳар ўн кунда навбат билан ўн киши келади ва у ердаги ўн киши кетади. Аммо к а й д а й - ф у даги кишилар ўша ерда муқим турадилар; уйлар қуриб олганлар ва иморат ҳам зироатга эгалар.

Сукжўдан яна бошқа, ундан каттароқ бир шаҳар бўлган Қамжўгача тўққизта ё м бор эди. Чегара д о - ж и л а р и н и н г каттаси бўлган Донгжи бу шаҳарда ҳокимдир.

Ҳар бир ё м да тўрт юз элликта от ва йўрға эшак ҳамда элик-олтмишта аравани элчилар учун келтирар эдилар. Отларга қарашга тайинланган болаларни бо-фу деб атайдилар, эшикларга қаровчиларни эса лу-фу, арава тортувчиларни эса жи-фу⁵⁷ дейдилар. Аравакашлар кўп бўлиб, улар араванинг арқонини **(491)** елкаларига олиб тортадилар; йўлда ҳар қанчаки ёфингарчилик ва тоғликлар бўлмасин, у болалар араваларни бир ё м дан иккинчи ё м га етказа берадилар. Ҳар бир аравага ўн икки кишини ўтқазиб олиб борадилар. Сунъий Хитой марваридларини қулоқларига таққан ва сочларини бошларига ўраб олган хушбичим ўспиринлар эгарланиб жиловлари тақилган отларни қамчин билан бирга келтирадилар ва бофулар то бошқа ё м гача жилов бошида зўр ғайрат билан худди ўқдек югуриб борадилар.

Ҳар бир ё м да⁵⁸ қўй, ғоз, товуқ, гуруч, ун, асал, даронсун, арақ, сиркада ишланган саримсоқ ва пиёз, хўл мевалар⁵⁹ берадилар. Ҳар бир шаҳарда элчиларга тўй берадилар. Улар девонхонани ду-сун дейдилар. Қайси бир ду-сунда тўй берилса, аввало к у р к о олдига подшоҳ тахтгоҳига⁶⁰ қаратиб устига парда ташланган⁶¹ бир тахтни ўрнатадилар; тахтнинг ёнида бир киши туради; катта покиза бир намат оёқ тагига ташланган бўлиб, амирлар ва элчилар ўша намат устида, қолганлар уларнинг орқасида, **(492)** худди мусулмонлар намоз сафларида турганидек, саф-саф бўлиб турадилар. Тахтнинг ёнида турган киши хитой тилида уч марта бир нидони қайтаради. Шундан кейин д о-ж и лар уч марта бошларини ерга қўядилар, элчилар ва бошқа кишиларни ҳам таклиф қиладилар (ва улар ҳам) уч марта бошни (ерга) қўйгач, ҳар ким ўз хонтахтаси олдига боради.

Қамжўнинг д о н г-ж и си мусулмонларга тўй берган шу кун ўн иккинчи рамазон (20 октябрь, 1420) эди. Д о н г-ж и: «бу подшоҳнинг тўйи, у сизларни азиз тутуди, бирор нарса енглар», — деб элчиларни овқатга ундади. Элчилар эса «(бу ойда кундузи) овқат ейиш бизнинг динимизда раво эмас», — деб узр айтдилар⁶². Д о н г-ж и уларни маъзур тутиб, ҳар нимаки тайёрланган бўлса висоқларига юборди.

Бу Қамжў шаҳрида бир бутхона бор экан, унинг⁶³ узунлик-кенглиги беш юз газдан. Унинг ўртасида уйқуда ётган бир бут-хайкал ишланган; у бутнинг узунлиги эллик қадам, оёқ кафтининг узунлиги тўққиз қадам, калласининг айланаси эса йигирма бир газ келади. Унинг орқасида ва боши теппасидан ҳар бири бир газ ва ундан каттароқ ёки кичикроқ бошқа бутлар ўрнатилган ҳамда ҳар бири бир одам бўйича келадиган бахшийлар ҳайкали ишланган. Улар ҳаммаси шундай ҳаркатли вазиятдаки, кўрсанг тирик дейсан. Деворларга яхши ҳайкаллар ишланган. У ухлаб ётган катта бут **(493)** бир қўлни боши тагига қўйган, иккинчисини эса — сони устига. Унинг устидан тилла юритганлар⁶⁴ ва номини Шакмоний-фу дейдилар. (Кишилар) тўда-тўда бўлиб келишиб, у бутнинг олдида бошларини ерга қўядилар.

Бу иморатнинг айланасида худди карвонсарой хоналаридек бутхоналар бўлиб⁶⁵, уларни турли-туман зарбофт пардалар, тилла юритилган тахт ва курсилар, шамдонлар ва чинни идишлар билан беаган эдилар. Бу Қамжў шаҳрида ўнта катта-катта бутхона бор эди.

Яна бошқа бир уй ҳам қурган эдиларки, уни мусулмонлар чархи фалак деб айтадилар, у худди саккиз бурчакли кўшкдек ва тагидан тепасигача ўн беш қават, ҳар қаватда Хитой муқарнас манзарлари, равоқлар ва айвонлар бор; манзарлар теварагида панжаралар ва турли-туман суратлар ишланган. Масалан, бир тахт қурилган, унда бир подшоҳ ўтирибди, унинг сўл ва ўнг тарафида эса ходимлар, фуломлар ва қизлар турибди⁶⁶. У ўн беш қаватнинг ҳаммасида катта-кичик манзарлар қурганлар⁶⁷ ва ажойиб суратлар билан безатганлар.

У кўшк тагида девларнинг ҳайкаллари ишланган бўлиб, улар у (кўшк)ни елкаларида кўтариб турибдилар. Кўшкнинг айланаси йигирма газ эди, дарвозасининг баландлиги эса ўн газ⁶⁸; **(494)** ҳаммаси тарошланган ёғочдан ишланиб, шундай тилла юритилганки, ҳақиқатан ҳам бутунлай тилладан дейсан. Унинг тагида сардоба бор. У (кўшк)нинг тагидан тепасигача бир темир устунни беркитилган. Устуннинг бир учини бир темир

курси устига ўрнатилган, бошқа учинчи эса ўша кўшк ўрнашган уйнинг шипига маҳкамланган, шундайки сардобада андак ҳаракат воқе бўлиши билан у катта кўшк ҳаракатга келади⁶⁹. Оламнинг барча дурадгорлари, темирчилари ва наққошлари санъат таълимини ўша ердан олишлари лозим.


Хонболиққа яқинлаб келинган сари шаҳар ва ё м ларда элчиларга берилаётган тўйлар кўпайиб борди. Мазкур Қамжў шаҳрида элчиларнинг (йўл) юклари ва уловларини (сақлаб қўйишга) топширдилар, қайтиб келган вақтларида эса ҳаммасини қайтариб бердилар. Мирзо Бойсунғур юборган шердан бўлак подшоҳ учун олиб келинаётган нарсаларнинг ҳаммасини элчилардан олдилар⁷⁰. Шерни эса шербон Паҳлавон Салоҳуддиннинг ўзи подшоҳ даргоҳига етказди.

Алқисса, элчилар ҳар куни бир ё м га ва ҳар ҳафтада бир шаҳарга етиб келар эдилар; шу тарзда улар тўртинчи⁷¹ шавволгача (12 октябрь, 1420) (катталиқда) Жайхун (дарёси)га тенг келадиган Қаромурон сувига етиб келдилар. Сув устига занжирлар билан йигирма учта кемадан кўприк боғлаган эдилар. Ҳар бир занжирнинг йўғонлиги одамнинг сонидек келади ва ҳар тарафдан ўн газдан қуруқликка чўзилган. Сувнинг икки қирғоғига ҳар бирининг йўғонлиги одамнинг белидек келадиган иккита темир қозикни ерга маҳкамлаб, занжирлар учини шу қозикларга (495) қаттиқ бириктирилган; кемалар эса катта-катта илгақлар ва занжирлар билан мустаҳкамланган. Кемаларнинг устига тахталар ташлаб, ҳаммасини бир-бирига бириктирилган ва текисланган. Элчилар заҳмат чекмай (дарёдан) ўтдилар.

Қаромурон сувининг нариги тарафида катта бир шаҳар бор эди, у ерда элчиларга илгариги тўйлардан кўра ҳашаматлироқ бир тўй бердилар. Бу шаҳарда бағоят катта бир бутхона бор эканки, элчилар Хитой чегарасидан тортиб бу ерга келгунларича бунга ўхшаш иморатни кўрмаган эдилар. (Бу ерда) учта харобот-фоҳишахона ҳам бор. Қизлар жуда соҳибжамол⁷². Гарчи Хитой қизларининг кўпчилиги ҳусндор бўлсалар ҳам, аммо у шаҳарни Ҳуснобод деб атайдилар.



Элчилар бу ердан чиқиб **бир қанча бошқа шаҳарларни** босиб ўтдилар ва зу-л-қаъданинг **ўн иккинчисида** (18 ноябрь, 1420) бир сувга етиб келдиларки, **у катталиқда Жайхунга** икки баробор келар эди⁷³; кемага **тушиб сувдан** саломат ўтдилар, сўнг яна бошқа бир нечта сувлардан кема ва **кўприк орқали** ўтишиб йигирма еттинчида (**3 декабрь, 1420**) Садинфу шаҳрига етдилар; у катта шаҳар, **халқи кўп**; салобатли бир бутхона бор ва унда жездан баҳайбат **бир бут қуйганлар** ва тилла юритганлар; баландлиги эллик газ; **аъзоси мутаносиб** ва бутун аъзоси устидан қўллар чиқарилган (**496**) ва ҳар бир қўл кафида биттадан кўз акс эттирилган. Бу бутни «Ҳазор даст» — «Минг қўл» деб атайдилар; у бутун **Хитойда шухратта** эга. Бир курсини яхши тошдан тарошлаб **ишланган** ва у бут ҳам иморат⁷⁴ ўша курси устига ўрнатилган. Яна у бут айланаси бўйлаб бир неча поғона равоқлар, манзарлар ва болохоначалар ишланган: биринчи поғона унинг оёғининг **тўпуғидан** ўтган, иккинчиси тиззасига етмай тўхтаган, **бошқаси унинг тиззасидан** юқори кўтарилган, яна бири белигача **бориб етган**, бошқаси — сийна-насигача ва шу қабилда то **бошигача бориб етган**. Бу серҳашам иморатнинг тепаси муқарнас қилиб **кўтарилган** ва шундай ёпилганки, кишилар унга **ҳайронлар**. (Ҳаммаси бўлиб) саккиз поғона ва ҳар бир поғонанинг **ташқари** ва ичкарасидан айланиб чиқиш мумкин. Бу бутни **тик турган қолатда** ишлаганлар. Унинг ҳар бири қарийб **ўн газдан келадиган** икки оёғи иккита қуйилган тиф устида туради-ю, аммо тифнинг ўзи кўзга кўринмайди, бут худди муаллақ **турибди**, деб ўйлайсан. Бу иш учун тахминан юз минг х а р в о р **жез сарф** бўлган бўлса ажаб эмас. Яна кичкина бутчаларни⁷⁵ **ганчдан ранг** бериб ишлаганлар ҳамда ганчдан тоғлар ва (тоғ) **камарларини** ясаб, бу тоғу камарларга **ғор** ва унгурлар суратини **солганлар**, **чунончи** (у ерда) бахшийлар ва жўгийлар **чилла ўтириб** риёзат тортаётгандек. Шунингдек, (ёввойи) **қўчқор**, (ёввойи) **така**, бабр, паланг, аждарҳо ва (**497**) **дарахтлар (суратлари)** **солинган**⁷⁶. Деворларга **камоли маҳорат билан сураткашликлар қилинган**. Атроф иморатлар **ғоят латофатли**. Бу **шаҳарда ҳам худди Қамжўдагига**



ўхшаш чархгардон (уй) бор, аммо Қамжўдагидан кўра каттароқ ва гўзалроқ.

Шу қабилда, ҳар куни тўрт фарсанг ёки беш фарсанг йўл юриб, зу-л-ҳижжанинг еттинчисида (13 декабрь, 1420), ҳануз қоронғу бир пайтда, Хонболиқнинг дарвозасига етдилар. Бу жуда катта шаҳар экан, чунончи, ҳар бир (тараф) деворининг узунлиги бир фарсангдан⁷⁷. Шаҳарнинг атроф-айланасидаги деворлари устида, ҳануз қурилиш давом этаётганлиги сабабли, юз мингта ҳавоза боғланган ҳолда эди⁷⁸. Эрта тонг пайти бўлганлиги учун дарвозани ҳали очмаган эканлар, элчиларни қурилиш кетаётган бир бурждан шаҳарга киргиздилар ва подшоҳ саройининг эшигига келтириб туширдилар. Саройнинг эшиги олдида етти юз қаддам келадиган ерга тарошланган тошлар ётқизилган эди; бу йўлдан пиёда юриб ўтиб, сарой эшигига етдилар. Эшикнинг ҳар (икки) тарафида бештадан фил туриб, хартумларини йўлга қаратган. Элчилар хартумлар орасидан ўтиб ичкарига кирдилар. Ҳануз кун ёришмаганлигига қарамай қарийб юз минг киши подшоҳ саройининг эшигида ҳозир эди. **(498)**

Бу ерга киргач, элчилар жонга роҳат бағишловчи кенг бир майдонни кўрдилар: ҳавоси кўп латиф, дилларни очувчи⁷⁹. Унинг олдида бир кўшк бўлиб (тагидаги) курсиси (нинг баландлиги) ўттиз газ келади; курсининг устида (узунлиги) эллик газлик устунлар барпо қилинган, иморатлар ўша (курси) устида. (У ерда) бир танобий қурилган — (узунлиги) олтмиш, кенглиги қирқ газ. (Мазкур) устунлар олдида учта дарвоза⁸⁰ бўлиб, ўртадагиси каттароқ, чап ва ўнг томондагилари кичикроқ. Мана шу ўртадагиси подшоҳ ўтадиган жой, икки тарафдагисидан эса халқ ўтади. Кўшкнинг тепасига, дарвоза орқасида чап ва ўнг томонга к у р к о қўйилган ва қўнғироқ осилган. Икки киши подшоҳнинг тахтга чиқишига мунтазир бўлиб кутиб турибди. Қарийб уч юз минг киши бу даргоҳга⁸¹ жам бўлган ва икки минг муғанний тик туриб, пасту баланд пардаларни бир-бирига мос созлаб, хитой тилида ва ўз усулларида подшоҳга мадҳу дуо айтиш билан машғуллар. Яна бошқа икки минг қурол-

лилар қўлларига найза, дурбош, зупин, ҳарба, пўлат тўқмоқ, ойболта, шамшир ва гурзилар кўтарганлар. Баъзилар хитой елпуғичи ва соябон тутиб турибдилар. Бу майдоннинг атрофида уйлар ва суфалар⁸² бор, суфалар четига эса бақувват устунлар қўйилган; уйлар девори бошдан-оёқ панжара қилиб ишланган; тарошланган тош ётқизилган. **(499)**

Алқисса, кун равшан бўлгач, кўшк устида подшоҳга мунтазир бўлиб турганлар ноғора, дўмбира, карнай, синж, най ва қўнғироқларни чалишга бошладилар ва мазкур учта дарвозани очдилар. Халойиқ ичкарига қараб югурди. Подшоҳни кўриш қоидаси — югуришдир.

(Элчилар) бу майдондан ўтиб иккинчи майдонга йўналдилар; буниси ҳам бағоят кенг ва дилкушо⁸³ экан. Кўшкнинг рўбарўсига биринчи (майдондаги)дан кўра улуғворроқ бир тахтни келтирдилар, тўрт газ катталиқда, унинг айланаси уч бурчак шаклида ва худди чодирга ўхшатиб сариқ атласдан ўралган ва хитойликлар усулида тилла юритилган ҳамда семурғ ва аждарҳолар каби хитой нақшлари ишланган. Тахтнинг устига тилла курси қўйилган, чап ва ўнг тарафда хитойликлар саф тортиб турадилар: аввал тумонлар, ҳазоралар ва садаларнинг амирлари. Улар жуда кўп⁸⁴; ҳар бирининг ўнг қўлида узунлиги бир шаръий газ, эни чорак газ миқдоридан биттадан тахта. Улар ана шу (тахта)дан бошқа ҳеч бир жойга қарамайдилар. Уларнинг орқасида ҳадду ҳисобдан ортиқ⁸⁵ зирҳ кийганлар ва найзадорлар турадилар, баъзиларининг қўлида эса яланғоч қиличлар. Сафлар тўғри тизилган ва шундай сукунат ҳукм сурадики, **(500)** бу ерда бирор нафас олувчи йўқ дейсан.

Подшоҳ ҳарамдан ташқари чиққач, кумушдан ишланган беш пояли бир нарвонни тахтга суядилар, тахтнинг устига эса тилла курси ўрнатдилар. Подшоҳ тахтга кўтарилиб курсига ўтирди. У ўрта бўйли, серсоқол ҳам эмас, кўса ҳам эмас бир киши экан. Соқоли орасида икки-уч юзтача мўй шу қадар узунки, подшоҳнинг ёнигача тушиб яна уч-тўрт ҳалқа ташкил этган эди. Тахтнинг чап ва ўнгида иккита ой юзли қиз, сочларини

боши тепасига ўраб ташлаган, гардан ва юзлари очик, қулоқларига катта-катта марваридлар тақиб олишган, қўлларида қоғозу қалам ушлаб подшоҳ нима буюрар экан, деб мунтазирлар ва подшоҳнинг оғзидан нимаики сўз чиқса қаламга оладилар, у ҳарамга кирганида эса, ёзиб арзга етказадилар. Агар биронта ҳукми ўзгартириш лозим бўлса ташқарига хат чиқарадилар ва девон аҳллари шунга биноан амал қиладилар.

Шундай қилиб, подшоҳ тахтига чиқиб ўтиргач ва сафлар подшоҳнинг юзи рўбарўсида тизилгач⁸⁶, элчиларни бандилар билан кифтма-кифт подшоҳнинг олдига олиб бордилар. Аввало бандилар ёрғусини сўрадилар. Бандилар етти юзта эди. Баъзиларининг гардани айрига солинган, баъзиларининг қўл ва гарданларига ғул урилган; беш-олтитасини (гарданларидан) битта узун тахта — ғулга солиб⁸⁷ **(501)** бошларини тахтадан ташқарида қолдирилган; ҳар бир бандига бир киши муваккал бўлиб, гуноҳкорнинг мўйидан тутган ва подшоҳ қандай ҳукм буюрар экан, деб мунтазир. Подшоҳ бир гуруҳ бандиларни зиндонга, бир гуруҳини қатл қилишга ҳукм қилди.

Бутун Хитойда биронта амир ё д о р у ф а қатл қилишга ҳукм чиқара олмайди. Кимданки гуноҳ содир бўлса, унинг гуноҳини бир тахта парчага ёзиб гарданига осадилар ҳамда у кофирлар эътиқодича, унинг гуноҳи қандай жазони тақозо этса шуни (ёзиб), занжир ва айрига соладилар ва Хонболиққа — пойтахтга жўнатадилар. Бир йиллик йўл бўлган тақдирда ҳам, у ерга етиб бормагунча бирор жойда туриб қолиши мумкин эмас.

Шундай кейин⁸⁸ элчиларни тахтга яқинроқ олиб бордилар; орада ўн беш газ масофа қолган эди. Бир амир тиз чўкиб элчилар ҳақидаги хитой хати билан ёзилган ахборотни ўқиб берди. Мазмуни шундай: «Узоқ йўлдан, Шоҳрух ҳазратлари ва унинг фарзандлари олдидан элчилар келдилар; подшоҳга совға-саломлар келтирдилар». Тумон амирларидан ва подшоҳнинг яқинларидан бири ва подшоҳнинг ўн икки девонидан биттасида бошқарувчи⁸⁹ бўлган мавлоно Ҳожи Юсуф қози бир неча тил билувчи мусулмонлар билан бирга элчилар олдига

келди ва элчиларга: «Аввал иккитадан бўлинглар, ундан кейин бошингизни уч марта ерга қўйинглар», — дедилар. Элчилар (502) бошларини эгдилар-у, аммо пешоналарини ерга теккизмадилар.

Шундан кейин Шоҳрух ҳазратларининг, жаноб Бойсунғурнинг ва қолган шаҳзодалар ва амирларнинг мактубларини бир сариқ атлас парчага ўраб, икки қўллаб баланд кўтардилар. Хитойликларнинг қондаси бўйича нимаики подшоҳга тааллуқли бўлса, сариқ (парча)га ўрайдилар.

Мавлоно Қози келиб у мактубларни олди ва подшоҳ тахти олдида турган бир хожасаройга тутқазди, хожасарой эса подшоҳ олдида элтди. Подшоҳ мактубларни очиб кўрди-да, яна қайтариб хожасаройга берди. Подшоҳ курсидан тушиб, тахтга ўтирди. Уч мингта жома келтирдилар: мингтаси дагала ва икки минги қ а б о. (Подшоҳ) қариндошлари ва фарзандларига қ а б о кийгизтирди. Элчилардан етти нафари — Шодихожа, Кўкча, Султон Аҳмад, Гиёсуддин, Арғудоқ, Ўрдувон ва Тождуддинларни яқин келтирдилар. Улар тиз чўкиб турганлари ҳолда подшоҳ улардан Шоҳрух ҳазратларининг ҳол-аҳволларидан сўради ва ундан кейин: «Қаро Юсуф (Шоҳрухга) элчи юборадими ва (Ҳиротга) м о л келтирадиларми?» — деб сўради, элчилар: «Ҳа», — деб жавоб бердилар. Д о - ж и л а р ҳам (Ҳиротда эканликларида) Қаро Юсуфнинг элчилари келганлигини ва м о л келтирилганлигини кўрган эканлар. Подшоҳ яна: «У ерда фалла қимматми ёки арзонми, озиқ-овқат фаровонми?» — деб сўради. Элчилар: «Фалла арзон ва озиқ-овқат фаровон», — дедилар. У эса: «Ҳа, шундай, қачонки дилдан худога содиқ бўлинса, (503) ҳақ таоло фаровон неъмат ато этади», — деди ва яна: «Мен Қаро Юсуфга элчи юбормоқчиман, чунки у ерда отлар яхши экан, йўллар хавф-хатарсизми?» — деб сўради. Элчилар: «Агар султон Шоҳрухдан ҳукм бўлса, йўл беҳавотирдир», — дедилар. У: «буни мен тушунман», — деди-да, сўнг: «Узоқ йўлдан келгансизлар, энди турунлар ва овқат енглар», — деди.

Элчиларни аввалги майдонга олиб бордилар ва ҳар кишига биттадан хонтахта ва курси қўйдилар; ҳар бир хонтахтада, юқорида айтиб ўтилган йўсунда овқатландилар. Сўнг элчиларни ёмхонага олиб бордилар. Ёмхонада⁹⁰ ҳар бир хонада яхши бир кат, атласу кимхобдан ўрин ва ёстиқ, кимхобдан жуда нозик қилиб тикилган кафш, кушка, жинлик, хонтахта, олов манқали⁹¹ ва чапу ўнг тарафда кимхобдан тикилган ўрин ва ёстиқлари билан яна ўнта кат ҳамда гиламча ва нозик тўқилган бўйралар⁹². Ҳар бир кишини шундай тартибдаги **(504)** бир хонага муқаррар қилиб қозон, коса, чўмич, хонтахта (келтирдилар) ва ҳар куни (шу хонада ётадиган) ўн кишига битта қўй, битта ғоз, иккита товуқ ва ҳар бир кишига икки шаръий м а н у н , битта катта косада гуруч, — иккита катта кулча ҳолва билан, — бир идишда асал, саримсоқ, пиёз, сирка, туз, рангбаранг хўл мевалар, икки кўза д а р о с у н , бир товоқ чучуқликлар тайин қилинди. Бир неча соҳибжамол хизматкор икки қадам нарида саҳардан шомгача ва шомдан саҳаргача (хизматга тайёр туради). Келаси куни зу-л-ҳижжанинг тўққизинчисида (15 декабрь, 1420) ҳануз қоронғу эканлигида с и ж ж и н , яъни шақовул⁹³ келди ва элчиларга: «Туринглар, подшоҳ тўй беради», — деб айтди. У эгар-жабдуқлик отларни келтириб элчиларни миндирди ва подшоҳнинг ўрдусига олиб кетди. Уларни тонг отгунча биринчи саройда тутиб турдилар. Шу вақтда қарийб икки-уч юз минг киши жам бўлган эди.

Тонг отганида мазкур уч дарвозани очдилар ва элчиларни (юқорида айtilган) арз сўраш тахтгоҳи олдига олиб бордилар **(505)** ва элчилар подшоҳ ҳурмати учун беш марта бошларини ерга қўйдилар. Подшоҳ тахтдан пастга тушди. Сўнг элчиларни ташқарига олиб чиқиб, уларга: «Бўшалиб, енгил бўлиб олинглар, чунки тўй давом этаётган пайтда ҳожат учун ташқарига чиқиш мумкин эмас», — дедилар. Элчилар тарқалишиб, кейин яна тўпландилар ҳамда ичкарига кириб, биринчи ва арз сўраш тахтгоҳи бўлган иккинчи саройлардан ўтиб, учинчи саройга кирдилар. Бағоят очиқ бир саҳн, яхши тарошланган тошлар

ётқизилган, унинг олд қисмида (узунлиги) олтмиш газ келадиган катта танобий бор.

Хитойликларнинг ўрдулари, кўшклари ва иморатларининг олд тарафи, уйларининг эшиклари жануб томонга қараган бўлади.

Ана шу танобий ичига жуда улуғвор, одам бўйидан баландроқ бир тахт қўйилган: уч тарафидан кумуш нарвонлар қўйилган: бири олд тарафдан, иккитаси чап ва ўнгдан. Иккита хожасарой туришибди, улар офизларидан қулоқлари тагигача қалин қоғоздан (ясалган) бир нарсани боғлаб олганлар. У тахтнинг устига яна кичикроқ, курсига ўхшаш-у⁹⁴, аммо ундан каттароқ бир тахт қўйилган: бурчак — қулоқлари кўп, ёстиқчаси бор, оёқлари ажойиб, чап ва ўнг тарафига худди уд татиладиган (идишга) ўхшаш бир нарсани теппасидаги қуббаси билан ўрнатганлар; уларнинг барчасини⁹⁵ тилла юритилган ёғочдан ясалган. Мисра: у бутунлай тилладан ишланган, дейсан киши. **(506)** Мавлоно Қозининг айтишича, бу тахтга тилла юритилганига саккиз йил бўлган ва шу муддат ичида унинг ҳеч бир жойи едирилган эмас. Бу иморатнинг устунлари, кўприклари ва ёғочларининг барчасига жўшадан ранг бериб, устидан мой суртганлар, шундайки, бутун ер юзининг устозлари бунга ҳайронлар⁹⁶.

Подшоҳнинг олдида таом хонтахталари ва улар устида тар мевалар терилган ва гулдасталар қўйилган. Тахтнинг чап ва ўнг тарафида басавлат до-жилар садоқу шамшир тақишиб ва сипар осишиб турадилар. Уларнинг орқаларида сипоҳийлар найзалар кўтарган, баъзилари эса шамшир яланғочлаган ҳолда тизилишган. Хитойликлар наздида ўнг тарафдан кўра азизроқ ҳисобланган чап тарафда эса элчилар жойлашдилар.

Амирларнинг ҳамда ҳурматлаб улуғламоқчи бўлганлари ҳар бир кишининг олдига учтадан, ундан пастроққа иккитадан то биттадангача хонтахта қўядилар. Ўша куни кишилар олдига мингта, балки ундан ҳам кўпроқ ясатилган хонтахталарни қўйган бўлсалар керак.

Яна подшоҳ тахтининг олдига, танобий панжарасига яқин жойга катта бир курко қўйилган; бир киши бир баланд курси устида туради ва унинг ёнида чолғувчилар мунтазирлар; тахт олдида етти рангли еттита соябон бор. Танобийдан ташқарида, унинг чап ва ўнг тарафида қарийб икки юз минг салоҳдорлар турадилар. Тахтнинг рўбарўсида бир қаттиқ отилган камон ўқи (масофасига тўғри келадиган) газвор миқдордаги (жойда) жинлиққа ўхшаш ҳар тарафи ўн газдан бир жой бўлиб, **(507)** унинг девори сариқ атласдан; подшоҳнинг оши ва даросунини шунинг ичида тайёрлайдилар. Ҳар гал подшоҳ учун ош ва даросун олиб келганларида созандалар баробарига чолғу чаладилар ва мазкур еттита соябон то тахт яқинигача чарх уриб келади. У ош ё даросунни бир катта ҳуққақутига⁹⁷ солганлар, қопқоғи ҳам ўша ҳуққа жинсидаги нарсадан ясалган.

Шу нарсалар тайёрланиб бўлгунича элчилар оёқда турдилар; тахтгоҳ орқасидаги эшик — ҳарамнинг эшиги эди: катта бир парда осилган бўлиб, унинг таноби ипақдан ва парданинг икки тарафига боғланган, танобнинг учларини иккита хожасарой ушлаб туради; танобнинг ўртаси эса бир ҳалқага мустаҳкамланган ва танобни тортганларида у парда ўралади⁹⁸. Шу тарзда эшик очилиб подшоҳ ташқарига чиқди ва созларни чалишга бошладилар. Подшоҳ ўтиргач, ҳамма жим бўлди. Подшоҳнинг боши тепасига ўн газ баландликда, худди ўн тўрт газлик соябонларга ўхшатиб сариқ атласдан бир чодир ўрнатганлар ва унинг устига бир-бирига ҳамла қилиб турган тўртта аждарнинг сурати нақшланган.

Подшоҳ ўз ўрнида қарор топгандан кейин элчиларни унинг олдига олиб бордилар⁹⁹ ва элчилар беш марта бошларини ерга эгиб, сўнг қайтдилар ва ўз жойларига, хонтахталар олдига ўтирдилар¹⁰⁰. **(508)**

Хонтахталар устида тайёр турган (таом)лардан бошқа яна ҳар соатда ошлар, барра гўштлар, роз, товуқ ва даросун келтириб турдилар. Ўйинчилар ўйин кўрсатдилар. Аввало бир

тўда ой юзли йигитлар қизлар сингари қизил ва оқ рангли пардозлар суртишиб, қулоқларига марваридлар тақиб, зарбофт кийимлар кийишиб, гулчамбарлар ва рангин қоғоз ҳам ипаклардан ясалган рангдор гулу лолаларни қўлларига ушлаб ва бошларига санчиб, хитойликлар усулида рақсга киришдилар. Бундан кейин иккита ўн яшар бола иккита ёғоч устида дўмболоқ ошиб ўйин кўрсатди. Бир киши остона устида ётиб, оёқларини кўтариб турди, бир неча катта-катта (қамиш) найларни унинг оёғи кафтига қўйдилар, бошқа бир киши у найларнинг ҳаммасини қўлига ушлади; ўн-ўн икки яшар бир бола келди-да, у найлар тепасига юриб чиқди. Ҳар бир найнинг узунлиги етти газ келиб қолса керак. У бола найлар тепасида туриб турли-туман ўйинлар кўрсатиб бўлгач, охири найларни то биттаси қолгунча, бирин-кетин ташлаб юборди-да, у қолган биттаси устида дўмболоқ ошиб ўйинлар кўрсатди ва бу ажойиб ҳаракатлардан сўнг ногоҳ най тепасидан қулади; ҳамма у йиқилиб тушди, деб ўйлади, аммо бояги ётган киши сакраб туриб **(509)** у болани ҳавода эканлигида ушлаб олди.

Созандалардан¹⁰¹ бир киши ётуған чалди ва хитойликлар усулига хилоф ўлароқ, асл ўн икки мақомни чалди. Бошқа бир киши пийпа, яна бири мусиқор созлади ва шулардан бири (бир вақтда) бир қўли билан ётуғаннию иккинчи қўли билан мусиқорни чалди. Мусиқор чалувчи бир қўлида мусиқору иккинчисида пийпа, пийпа чалувчи бир қўлида пийпаю иккинчи қўлини най тешикчаларига қўйди, най чалувчи найни оғзига олиб, қўлига эса чаҳорпорани ушлади. Улар ҳаммалари бир усулдан оғишмай чалдилар. Бу мажлис пешин намозининг охиригача чўзилди. Подшоҳ ўйинчалару чалғувчи — хонандаларга шу мажлиснинг ўзида нақд инъомлар берди. Сўнг подшоҳ ҳарамга қараб йўл олди ва элчиларга ижозат берилди. Бу майдоннинг саҳнида кўк кабутар, қумри, қарға, оқор ва мусичалар каби бир неча минг жонивор-паррандалар тўкилиб сочилган мева ва ушоқларни териб ейишар ва одамлардан ҳеч қўрқмас эдилар; бирор киши уларга дахл ҳам қилмас эди. **(510)**

Шундай қилиб, (саккиз юз) йигирма иккинчи йил зу-л-ҳижжа ойининг саккизинчидан (26 декабрь, 1419) то (саккиз юз йигирма) учинчи йил жумод ал-аввал ойининг бошларига (14 май, 1420) беш ой муддат давомида¹⁰² элчилар шу шаҳарда бўдилар. Уларга биринчи куни муқаррар қилганлари миқдордаги озиқ-овқат ҳар куни тўла-тўкис етиб турди. Бир неча бор (элчиларга) тўйлар бердилар. Ҳар бир тўйда ўйинчилар бошқа бир навда, илгаригилардан кўра яхшироқ тарзда ўйинлар кўрсатдилар. Жумладан, (элчиларга берилган) биринчи тўй кунидан кейинги ийди азҳо куни подшоҳ шу Хонболиқ шаҳрида мусулмонлар учун қурдиргани бир масжидда элчилар ва бир гуруҳ мусулмонлар бу ийд намозини ўқидилар, бундан икки кун ўтгач, (подшоҳ) яна элчиларга тўй берди ва бошқа бир навда ўз ҳашаматини намойиш қилди.

Зу-л-ҳижжа ойининг ўн еттинчисида (23 декабрь, 1420) бир жамоа гуноҳкорларни сиёсатгоҳга жўнатдилар. Хитой кофирларининг қоидалари бўйича ҳар бир гуноҳ учун қандай жазо берилиши (уларнинг) дафтарларида ёзиб қўйилган. Жазо навлари тафсилотини, бу борада кенг шарҳ беришни ва — мисра, — у қабиҳликни тилга олишни қалам истамади (511) ва бинобарин, уларни баён қилинмади.

Хитойликлар гуноҳкорларга нисбатан жуда зўр эҳтиёткорлик кўрсатадилар. Чунончи, подшоҳнинг ўн иккита девони бор; агар бирор киши бирон гуноҳ билан айбланса ва гуноҳи ўн бир девонда тасдиқлансаю ўн иккинчисида муқаррар қилинмаса, у кишида ҳали халос бўлишга умид бор. Агар гуноҳкорларнинг иши юзасидан олти ойлик ва ундан зиёда йўлдаги бирор кишига ҳожат тушгудек бўлса ҳам, токи текшириб билинмагунча, гуноҳкорни ўлдирмайдилар; уни ҳибсда сақлайдилар¹⁰³.

Мавлоно Қози муҳаррам ойининг йигирма еттинчисида (1 февраль, 1421)¹⁰⁴ элчилар ҳузурига (бир кишини) юбориб: «Эртага янги йил (бошланади) ва подшоҳ янги ўрдуга киради ҳамда сўз шундайки, ҳеч киши бирор оқ нарса киймасин, чунки хитойликлар оқ нарсани мотамда киядилар», — деб хабар берди.

Йигирма саккизинчида (2 февраль, 1421) ярим кечада с и ж - ж и н келди ва элчиларни¹⁰⁵ янги ўрдуга олиб келди. У гоят олий бир иморат бўлиб, ўн тўққиз йил давомида қуриб битрилган экан. Ўша кечаси (шаҳардаги) барча кишилар ўз уйлари ва дўконларида шу қадар кўп фанор, шам ва **(512)** чироқлар ёққан эдиларки, кўрган киши офтоб чиқмадимикин, дер эди ва бу (чироқлар тафти) совуқнинг кечки захрини кесган эди. Кишиларни янги ўрдуга олиб кирдилар. Барча Хитой — Чину Мочиндан, Қалмоқдан, Тибетдан, Қомулдан, Қарохўжадан, Чурчадан ва дарёбор тарафларидан келган юз минг одам шу ўрдуда эди. Подшоҳ ўз вилоятининг амирларига тўй бераётган экан. Элчилар учун тахтгоҳдан ташқарида хонтахталар қўйдилар; амирларни эса боргоҳ ичкарасига ўтирғизган эдилар. Шунингдек, қарийб икки юз минг одам қурол-яроғлар ушлашган ва (яна бошқалар) ҳар биттаси бир қалқондек келадиган рангдор ва нақшланган хитой елпуғичини елкаларига қўйишган. Болалар ва найрангбозлар қайтарилмайдиган усулларда рақсу найранглар кўрсатмоқдалар.

У иморатнинг сифати ҳеч бир иборатга сизмайди. Қисқа қилиб айтганда, боргоҳнинг дарвозасидан ташқарининг дарвозасигача бир минг тўққиз юз йигирма беш қадам эди; ҳарамга эса бирор киши ҳам киролмайди; унинг чапу ўнг томонидан иморат кетидан иморат, сарой кетидан сарой ва боғ кетидан боғ уланиб кетган. Ҳаммаси тарошланган тошлардан ва чинни (ишланадиган) тупроқдан қуйилган пишиқ фиштларни тарошлаб қурилган. **(513)** Унинг жилоланиши мутлақо мрамртошни эслатади. Икки ёки уч юз газ миқдордаги (оралиққа) ётқизилган тош бир қилчалик ҳам эгилмаган ва қийшаймаган, худди жадвал қалам билан тортганлар, деб ўйлайсан киши. Сангтарошлик, дурадгорлик, гилкорлик, наққошлик ва кошкорликда бу ерлар (Ҳирот)да бирор киши ҳам улардек ишлай олмайди. Агар устозлар кўрсалар, инсоф билан баҳо берардилар. Шундай қилиб, кун ярмига боргач, тўй охирига етди.

Сафар ойининг тўққизинчисида (13 февраль, 1421) саҳар пайтида отлар келтириб элчиларни олиб кетдилар. Подшоҳ

ҳарамдан ташқари чиқиб кетганига саккиз кун бўлган эди. Подшоҳнинг шундай одати бор эдики, у ҳар йили бир неча кун давомида ҳайвон гўшти емас, ҳарамга яқинлашмас, ҳеч кимсани қабул қилмас ва биронта ҳам бутнинг сурати бўлмаган уйга¹⁰⁶ кириб олиб: «Осмон худосига ибодат қиламан», — дер эди.

Алқисса, шу куну у қайтиб мукамал ҳашамат билан ҳарамга келаётган эди. Оройиш бериб безатилган ва елкасига доира шаклидаги тилла юритилган тахтиравон ўрнатилган филлар олдинда қадам ташлар эди; (навкарлар) етти рангли байроқлар ва қурол-яроғлар олиб борардилар¹⁰⁷. Яна бошқа тилла юритилган ва безатилган бешта тахтиравонни кишилар елкаларида кўтариб келмоқдалар. Шундай созлар чалинмоқдаки, **(514)** уни шарҳлаб бўлмайди. Элик минг¹⁰⁸ миқдордаги одам олд ва орқадан¹⁰⁹ келмоқдалар ва уларнинг биронта қадамлари ҳам қоидадан ташқари эмас; созлар садосидан ташқари бирор кишининг нафас товуши ҳам чиқмайди. Подшоҳ ҳарамга кириб кетгач, кишилар ўз жойларига тарқалишдилар.

Шу кунларда етти кеча-кундуз давомида «шаби чироғ» — «чироғ кечаси» маросими расм бўлиб, подшоҳ саройида ёғочдан бир тепа тиклайдилар ва у ёғоч юзини сарв шохлари билан ўрайдилар, у тепа гўё зумурраддан тиклангандек кўринади, унга юз минглаб чироғларни батартиб осиб қўядилар¹¹⁰; нефтдан мушаклар ясалган бўлиб, битта чироғни ёққанларида, мушак ўша арқон орқали югуриб, қайси чироққа бориб етса уни равшан қилади, чунончи, у тепа юқорисидан то этагигача терилган чироғлар бир нафасда ярақлаб ёнади.

Шаҳардаги дўконлар ва уйларда кўплаб чироғ ёқадилар ва ўша етти кун мобайнида бирор кишини гуноҳкорликда айбламайдилар. Подшоҳ кўп бахшишлар қилади; девонга тўлайдиган боқимондаси бўлган кишиларни ва бандиларни озод қилдилар.

Ўша йили Хитой мунажжимлари подшоҳнинг уйига оловдан зарар етади, деб ҳукм қилган эдилар, шу сабабли **(515)** (бу гал) шаби чироғ қилинмаган, аммо амирлар қоида бўйича

йиғилишган эдилар. Подшоҳ уларнинг ҳаммасига тўй берди ва инъомлар улашди.

Сафар ойининг ўн учинчисида (17 февраль, 1421) си ж - жи н келиб элчиларни олиб кетди; уларни биринчи саройга ўтирғиздилар. Ҳар диёрдан келган юз мингдан ортиқ кишилар жам бўлдилар. Биринчи кўшкка безатилган бир тахт қўйилган ва кўшк эшиклари очиқ эди. Подшоҳ тахтга ўтирди ва халойиқ¹¹¹ тиз чўкиб, бошларини ерга қўйдилар. Яна бир тахтни келтириб подшоҳ (тахти)нинг рўбарўсига қўйдилар¹¹²; уч киши бу тахт устига чиқди ва улардан иккитаси подшоҳ томонидан чиқарилган ҳукм — ёрликни ушлаб турди, учинчиси эса, йиғилган халойиқнинг ҳаммаси эшитадиган даражада билан овоз билан ўқиди, аммо (ёрлик) хитой тилида бўлиб, бизнинг кишилар уни фаҳмлай олмадилар. Мазмуни шундай: уларнинг (янги) йили бошланадиган шу сафар ойининг ўнчинчисида (14 февраль, 1421) шаби чироф вақтида подшоҳ бандилар, гуноҳкорлар ва қарздорларни бағишлади¹¹³. (Киши) қонини тўккан кишидан бошқа барча бандилар озод қилинди. То уч йилгача ҳеч бир диёрга элчи бормаиди, (деб қарор қилинди). Ҳукмларнинг нусхалари бутун мамлакатга юборилди.

Ҳукм ўқиб бўлингандан кейин¹¹⁴, унинг тепасида (516) зар ўралган бир чўпга қўндирилган соябонни кўтардилар. Соябонга бир ҳалқа бириктирилган бўлиб, у ҳалқага сариқ ипақдан тўқилган бир таноб боғланган. Ҳукмни юқоридан пастга туширилганларида, унинг тепасидаги соябон ҳам тушиб келди. Халойиқ ва барча чолғучилар кўшк олдидан чиқдилар¹¹⁵ ва ҳукмни элчилар турган ё м гача келтириб, бу ердан унинг нусхаларини вилоятларга жўнатдилар. Подшоҳ кўшқдан ташқари чиққач, элчилар учун тўй бердилар.

Рабиъ ал-аввал ойининг бошларида (6 март, 1421) подшоҳ элчиларни чақиртирди ва тўққизта¹¹⁶ шунқорни ҳозир қилиб: «Кимки менга яхши от олиб келган бўлса, мен ўша кишига шунқор бераман», — деди. Учта шунқорни Мирзо Улуғбек элчиси Султоншоҳга, учтасини мирзо Бойсунғурнинг элчиси Султон Аҳмад ва яна учтасини ҳазрат хоқони саид элчиси



Шодихожага тақдим қилди ва сўнг шунқорларни (сақлаш учун) ўзининг жонивордор-қушбоқарларига топширди.

Эртаси куни элчиларни яна чақиртириб келиб¹¹⁷: «(яқинда) вилоят чегараси томон лашкар жўнайди, **(517)** тайёргарлик кўринглар, лашкар билан биргалиқда ўз вилоятларингизга етиб олинглар», — деди ва мирзо Суюрғатмишнинг элчиси Арғудоққа қараб: «Шунқор йўқки сенга берсам, агар бўлганида ҳам бермаган бўлардим, токи у (ўтган) гал мирзо Суюрғатмишнинг навқари Ардашердан олиб қўйганларидек¹¹⁸ сендан ҳам олиб қўймасинлар!» — деди. Арғудоқ унга жавобан: «Агар подшоҳ иноят буюриб шунқор берсалар, ҳеч киши уни менадан олиб қўёлмайди», — деди. Подшоҳ: «Сен шу ерда кутиб тур, иккита шунқор келтирадилар, уларни сенга бераман», — деди.

Рабиъ ал-аввал ойининг саккизинчисида (13 март, 1421) подшоҳ Султоншоҳ ва Бахший Маликни¹¹⁹ таклиф қилиб, уларга санкиш, яъни инъом¹²⁰ берди. Султоншоҳга саккиз болиш кумуш, ўттизта подшоҳларга хос астарлик жома, йигирма тўрт (бўлак) қалайи, лу, ланк ва шоу¹²¹, иккита от, — биттаси эгар-жабдуқлик, — юз дона тири най чўпи, йигирма бешта уч қиррали хитой кайбури, беш минг чоу тортиқ қилди. Бахший маликка ҳам шу қабилда (тортиқ берди-ю), аммо бир болиш кумуш **(518)** камроқ. Элчиларнинг хотинлари учун берилган тортиқда кумуш йўқ эди, аммо матоларнинг ярмини берди.

Шу куни Увайсхоннинг Буто Темур Атко номли элчиси икки юз эллик нафар киши билан етиб келди. У подшоҳнинг қабулида бўлиб бошини ерга эгди. Девон одамлари уларнинг ҳаммаси учун подшоҳона кийимликлар ва кундалик озиқ-овқат тайин қилдилар.

Рабиъ ал-аввал ойининг ўн учинчисида (18 март, 1421) подшоҳ элчиларни чақиртириб: «Мен овга кетяпман, ўз шунқорларингизни олингиз, борди-ю кечикиб қайтадиган бўлсам кутиб қоласизлар», — деди ва яна: «Яхши шунқорларни олиб кетасизлару ёмон отлар келтирасизлар», — деб таъна қилди.



Шунқорларни элчиларга топширдилар. Подшоҳ овга жўнаб кетди.

Подшоҳзода Нимтой вилоятдан (Хонболиққа) келди ва ўн саккизинчида (23 март, 1421) элчилар уни кўриш учун бордилар. У подшоҳ уйининг шарқий тарафида подшоҳга ўхшаш (ҳашамат билан) ўтирар, атрофларини ҳам подшоҳдек безатган эди. Ўша (подшоҳ борлигидаги) қабилда хонтахталар қўйдилар ва элчилар овқатланиб, тарқалишдилар. **(519)**

Рабий ал-охирнинг бошларида (5 апрель, 1421) подшоҳ овдан қайтаётганлиги ва унга пешвоз чиқиш лозимлиги ҳақида хабар қилдилар. Элчилар отларга миниб кетаётганларида эшитдиларки¹²², подшоҳ эртаси куни келар экан, йўлдан қайтиб висоққа келдилар; Султон Аҳмаднинг кўк шунқори ўлиб қолган эди.

С и ж ж и н келиб, бу кеча ташқарида туринглар, токи саҳар пайтида подшоҳни кўриш мумкин бўлсин, деди. Отга минган вақтларида ёмхона эшигида мавлоно (Юсуф) қозининг фоятда ташвишли бир ҳолда турганлигини кўрдилар; унинг ташвишланиши боисидан сўраганларида у яширинча хабар қилди: Шоҳрух ҳазратлари тортиқ қилиб юборган от, подшоҳ овда миниб юрган вақтида, уни ерга отиб урибди, шу жиҳатдан подшоҳ қаҳр қилиб, элчиларни бандга олиб Хитойнинг шарқий шаҳарларига олиб борсинлар, деб буюрибди. Элчилар фоят ташвишга тушиб, бомдод намозининг суннати ўқиладиган вақтда отга миндилар ва то-ярим чоштгоҳгача йигирма марра йўл юриб¹²³, подшоҳ кечаси келиб тушган ўрдуга етиб келдилар. Кенглик ва узунлиги беш юз қадамдан, йўфонлиги тўрт қадам ва баландлиги ўн газ келадиган **(520)** бир деворни ўша кечанинг ўзида кўтарган эдилар. Хитойда шиббалаб қуйиладиган деворни жуда тез қурадилар. Девордан иккита дарвоза қолдирганлар, деворнинг орқа тарафида, тупроқ олинган жойда эса бир хандақ ҳосил бўлган. Дарвоза тепасида қуролланган жанговар кишилар турадилар ва хандақнинг атрофида ҳам то эрталабгача қуроли жангчилар айланиб юрадилар. Унинг ичкарасида сариқ атласдан ясалган иккита

тўрт бурчакли соябон бўлиб, улардан ҳар бири йигирма беш газдан ва тўрт устун устига барпо қилинган; унинг атрофида эса зар тўқилган сариқ атласдан тикилган чодир ва соябонлар (ўрнатилган)¹²⁴.

Элчилар ўрдуга етишларига беш юз қадам масофа қолганида мавлоно (Юсуф) қози уларга пиёда бўлишни ва подшоҳ етиб келгунича шу ерда туришни буюрди, ўзи эса илгари қараб кетди. Подшоҳ етиб келиб қарор топгач, хитой тилида саройлид ва хикфу дейдиганлари Ли-дожи ва Жон-дожилар ҳозир турган эдилар ва подшоҳ (улар билан) элчиларни ҳибсга олиш борасида баҳс қилмоқда эди. Ли-дожи, Жон-дожи ва мавлоно Юсуф қозилар бошларини ерга қўйиб арз қилдилар: «Буларда гуноҳ йўқ, агар уларнинг подшоҳлари яхши от топса, юборадилар, **(521)** (булар) подшоҳга ҳукм қила олмайдилар; сиз буларни пора-пора қилганингиз тақдирда ҳам подшоҳларига сира ҳам тафовут етмайдию (сизнинг) подшоҳ номи(нгиз) ёмонликда овоза бўлади ҳамда: «Хитой подшоҳи элчиларга қоидадан ташқари муомала қилипти», — деган гап тарқалади. Бу хайрхоҳларнинг сўзлари подшоҳга ёқиб тушди. Мавлоно (Юсуф) қози шодмон бўлиб, элчиларга хабар етказди ва: «Ҳақ таоло бу ғарибларга раҳм қилиб, подшоҳ марҳамат кўрсатди», — деди. Подшоҳ юборган чўчқа гўшти билан қўй гўштаридан иборат дастурхон-хонтахталарни келтирдилар, аммо бизнинг мусулмонлар емадилар.

Подшоҳ¹²⁵ Мирзо Улуғбек юборган қора тусли, тўрт оёғи оқ катта отга минди; от устига зар тикилган сариқ рангли ёпик ташланган ва иккита ахточи шоҳона зарбофт кийимлар кийишиб отнинг чапу ўнг тарафидан жilовини ушлашган, от эса оҳиста-оҳиста, бир-бир қадам ташлаб борар эди. Подшоҳ қизил рангли зарбофт қабо кийган ва қора атласдан ғилоф тиктириб, соқолини шу ғилофга солган. Усти беркилган еттита кичик тахтиравонни (кишилар) елкаларига кўтариб подшоҳ орқасидан олиб келмоқдалар. Тахтиравонлар ичида подшоҳ билан бирга овда бўлган қизларни олиб келмоқда эдилар. (Булар кетидан) эса битта катта¹²⁶ тахтиравонни етмишта киши кўта-

риб келар эди. Подшоҳдан бир тўқмор отими миқдордаги масофа ораликда чап ва ўнг тарафда (522) отликлар саф тортишган, улардан ҳеч бири (сафдан ташқари) орқа ёки олдинга бирон қадам қўймас эди. Сафлар кўз етган жойгача чўзилган ва ҳар бир саф бошқасидан йигирма қадам ораликда борарди. Шу тарзда шаҳар дарвозасигача саф-саф бўлиб бордилар; (сафлар) ўртасида эса подшоҳ ўнта до - жи , мавлоно (Юсуф) қози, Ли-дожи ва Жон-дожилар билан бирга борарди. Қози элчилар олдига келиб: «Отдан тушинглар ва подшоҳ етиб келганида бошларингизни эгинглар», — деди. Элчилар шундай қилдилар. Подшоҳ: «Отга мининглар», — деб буюрди. Элчилар отга миниб подшоҳга ҳамроҳ бўлдилар. Подшоҳ гина қилишга бошлаб, Шодихожага айтди: «Тортиқ ва совға, ҳадыга юборилган от ва овчи қушлар ғоятда яхши бўлмоғи лозим, токи икки орада муҳаббат ортмоғига сабаб бўлсин; сен келтирган от эса, мен унга ов вақтида минган эдим, ғоятда қарилигидан мени улоқтириб ташлади; менинг қўлим оғрияпти, кўкариб кетди, кўп дори суртган эдим, алами бир оз таскин топди», — деди. Шодихожа узр айтгандек бўлиб: «Бу от улуғ амир ҳазратлари Темур кўрагондан ёдгор қолган, Шоҳрух жаноблари ғоятда ҳурмат кўрсатиб, бу от (сизнинг) улусингизда отларнинг саромади бўлар деган умид билан юбордилар» — деб арзга етказди. (Бу гап) подшоҳга ёқиб тушди ва таҳсин айтди. Шундан кейин (қушчиларига) шунқор келтиришга буюрди ва бир турнани учираиб, шунқорни қўйди; шунқор уни қувиб етиб уч марта тепгач, олди. Подшоҳ отдан тушди, унинг оёғи остига бир курси қўйилган эди, (шунқор) яна бошқа бир курсига тушиб қўнди. Подшоҳ шу шунқорни Султоншоҳга тақдим қилди ва яна бошқа бир шунқорни Султон Аҳмадга берди. Шодихожага шунқор бермади. (523) Сўнг подшоҳ отга минди. Шаҳарга яқин етганда кўп халойиқ¹²⁷ ташқари чиқиб хитой тилида подшоҳ ҳаққига дуо айтардилар. Подшоҳ зўр дабаба билан шаҳарга кирди. Элчилар эса висоқларига кетдилар.

Рабиъ ал-охир ойининг тўртинчисида¹²⁸ (8 май, 1421) с и ж - ж и н келиб элчиларни олиб кетди ва уларга: «Бугун подшоҳ

санкиш улашади», — деди¹²⁹. Подшоҳ ўтирди ва санкиш хонтахталарини ўз олдига жамлашга буюрди. (Сўнг) унинг буйруғи билан хонтахталарни бир чеккага олиб бордилар; амирларни ҳам ўша ерга юборди, (лекин) подшоҳ уларни кўриб турарди. Аввал Султон Аҳмадни чақирдилар ва подшоҳ унга санкиш хонтахтасини берди; (Сўнг) Хожа Фиёсуддин ва Шодихожага хонтахта қўйдилар ва шунингдек, Кўкча, Арғудок, Ўрдубон ва Тожуддин Бахшийларга¹³⁰ ҳам хонтахталар муайян бўлди. Хонтахталар (га қўйилган нарсалар) тафсили шундай: Шодихожага ўн болиш кумуш, ўттиз (жўра) атлас, етмиш бўлак қалайи, тарқу, лу, со, к-н-кий ва беш минг чоу; унинг хотинига чоу ва кумуш болиш бермаган бўлса ҳам, аммо қолган матоларнинг учдан бирини берди. **(524)** Султон Аҳмад, Кўкча ва Арғудокларнинг ҳар бирига саккиз болиш дан кумуш, ўн олти (жўра)дан атлас, тарқу, лу, со ва к-н-кийлардан уларнинг ҳар бирига, хотинларининг ҳиссаси билан биргаликда, тўқсон тўрт бўлак кийимликдан эди; яна улардан ҳар бирига икки мингдан чоу берилди. Шунингдек, Хожа Фиёсуддин, Ўрдубон ва Тожуддин Бахшийларнинг ҳар бирига етти болиш кумуш, ўн олти (жўра) атлас, тарқу, лу, со, к-н-кий¹³¹ ва қалайилар¹³² ҳамда икки мингдан чоу улашилди. Элчилар санкишларни олиб висоқларига қайтдилар. Мирзо Улуғбекнинг элчилари, айтиб ўтилганидек, (илгарироқ) санкиш олган эдилар.

Шу аснода подшоҳнинг севиқли хотинларидан бири вафот топди¹³³. Токи ажиб бир тайёргарлик¹³⁴ кўриб бўлингунича бу ҳодисани ошкор қилмадилар. Жумод ал-увлонинг саккизинчисида (11 май, 1421) подшоҳнинг ҳарами дунёдан ўтди ва эртага дафн қилинади, деган хабар тарқалди.

Шу кечада қазойи илоҳийдан бир чақмоқ етишиб подшоҳнинг янги қуриб битирилган саройига ўт тушди ва бутун сарой ёниб кетди: **(525)** мунажжимларнинг ёлғон хабарлари ро-стга айланди. Узунлиги саксон газ, кенлиги ўттиз газ келади-ган бир боргоҳ ва ложувард, сирка, мой бериб ишланган уч кишининг қучоғига сиғмайдиган устунлар ҳаммаси тамом ёниб

битди. Бу ўтдан тарқалган ёруғликка шаҳар равшан бўлиб кетди. Ўт у ердан йигирма газ нарироқда бўлган бир кўшкка туташди ва у кўшкнинг орқасида ўрнашган ва у (саройдан) ҳам ҳашаматлироқ бўлган ҳарам боргоҳи ҳам куйди, (бу иморатларнинг) атрофида ўрнашган қарийб икки юз эликта уй ҳам кўп эркагу аёллар билан куйиб кетди¹³⁵. Ўша кечаси ва эртаси намозгар вақтигача ҳар қанча уринсалар ҳам олов таскин топмади. (Бироқ) подшоҳ ва амирлар¹³⁶ унга эътибор бермадилар, негаки ўша куни кофирлар эътиқодича яхшилик кунлардан ҳисобланарди. Аммо подшоҳ бутхонага бориб кўп зор-тазаррулар изҳор қилар ва айтар эди: «Осмон худоси менга ғазаб қилди ва тахтгоҳимни куйдирди. Мен бирор ёмон иш қилган эмасман, ота-онамга озор етказган эмасман, бирор кишига зулм ўтказган эмасман!»! Подшоҳ бу ғуссадан бемор бўлиб қолди ва шу сабабли у ўлган хотинни қай навда дафн қилганликлари (элчиларга) маълум бўлмади¹³⁷. (526)

(Умуман) уларнинг улуғ хотинларни дафн қилиш усуллари шундай: бундай хотинлар учун муайян бир тоғда дахма ва қабрлар бўлиб, ҳар қачон бирор хотин вафот топса, уларнинг ўз расмлари бўлган усулда уни кўтарадилар ва дахмага элтиб қўядилар; ўлган хотиннинг ўзига тегишли отларни дахмага мўлжалланган ўша тоғда қолдирадилар ва отлар ўз ҳолича ўтлаб юра берадилар ва уларни ҳаргиз бирор киши олмайди; у дахмага (ўлган хотиннинг) кўпгина қиз-канизаклари ва хожасароларини¹³⁸ ҳам олиб бориб қўядилар ҳамда уларнинг ихтиёрига беш йил, балки ундан ҳам кўпроққа етадиган озиқ-овқатни элтиб берадилар; озиқ-овқат тамом бўлгач улар ҳам тамом бўладилар. Шундай одат мавжудлигига қарамай, ўт тушганлиги сабабли, у вафот топган хотинни қай тарзда олиб кетганликлари маълум бўлмади.

Подшоҳнинг касали зўрайиб кетди; боргоҳда унинг ўғли ўтирарди, у элчиларга (қайтиб кетишга) ижозат берди. Элчилар йўл керак-яроқларини жамғариш учун неча кун шаҳарда турган бўлсалар, шу кунлар учун уларга кундалик озиқ-овқатни бермадилар.

Элчилар жумод ал-увлонинг ўртасида (18 май, 1421) Хонболиқдан йўлга чиқдилар; до-жилар уларга хамроҳ эдилар. (Хонболиққа) келгандаги тарзда қайтишда ҳам йўлда учраган ҳар бир ёмда барча (зарурий) нарсаларни улов ва аравалар билан биргалиқда бериб турдилар; шаҳар ва қишлоқларда тўй ташкил қилардилар ва: **(527)** икки орада муҳаббат собит бўлмоғи учун (элчиларнинг) қайтиш вақтида (ҳам) ҳурмат кўрғазилмоғи лозим, дер эдилар.

Ражаб ойининг бошларида (2 июль, 1421) элчилар Пингон шаҳрига етдилар, ҳокимлар ва шаҳар катталари истиқболга чиқиб кутиб олдилар. Кишилар чоу ва шу каби бошқа нарсаларни (чегарадан) ташқарига олиб чиқиб кетмасинлар, деган мақсадда барча одамларининг юкларини очиб кўриш ва текшириш қоидаси мавжудлигига қарамай, подшоҳнинг ҳукмига биноан¹³⁹ элчиларнинг юкларини очиб кўрмадилар. Эртаси куни дабдабали бир тўй бердилар ва кўп такаллуфлар кўрсатдилар.

Элчилар кунма-кун кўчиб йўл юриб, бешинчи шаъбонда (5 август, 1421) Қаромуронга етиб келдилар ва у ердан чиққач, ҳар куни бир ём ва ҳар ҳафтада бир шаҳарга етиб келиб тўйзиёфат ер эдилар. Шу тартибда йигирма тўртинчи шаъбонгача (24 август, 1421) юриб Қамжў шаҳрига келиб тушдилар. Элчилар (Хонболиққа) кетаётганларида ўзларининг навкарлари ва от-уловларини шу Қамжў шаҳрида қолдириб кетишган эди, ҳаммасини соғ-саломат учратдилар. Аммо Мўғулистон йўли нотинч бўлганлиги сабабли бу шаҳарда икки ярим ой туриб қолишга тўғри келди. Зу-л-қаъданинг еттинчисида (3 ноябрь, 1421) элчилар Қамжўдан йўлга чиқдилар ва шу ойнинг ўн еттинчисида (13 ноябрь, 1421) Сукжўга етиб келдилар.

Мирзо Иброҳим Султоннинг Шероздан чиқиб келаётган элчиси амир Ҳасан ва мирзо Рустамнинг Исфаҳондан чиқиб келаётган элчиси Паҳлавон Жамол Сукжў шаҳрида Хитой тарафидан қайтаётган элчилар билан учрашдилар ва йўл ниҳоятда **(528)** нотинч эканлигидан хабар бердилар¹⁴⁰. Шу сабабли элчилар бир муддат Сукжўда яшаб турдилар ва (саккиз юз)

йигирма бешинчи йили муҳаррам ойининг ўртасида (9 январь, 1422) Сукжўдан жўнаб кетдилар. Улар бир неча кундан кейин қаровул (жойлашган) шаҳарга келдилар. Қаровул ҳокимлари уларга айтдилар¹⁴¹: Хитой аҳлининг қондаси шундайки, (Хонболиққа) кетаётган вақтингизда кишиларнинг адади ва қиёфаларини¹⁴² ёзиб қолганларидек, агар бу ишда қусурга йўл қўйсалар, подшоҳ ғазабига гирифтор бўладилар.

Алқисса, элчилар текширувдан ўтиб, ўн саккизинчи рабиъ ал-аввалда (12 март, 1421) йўлсиз ва сувсиз йўллар орқали бутунлай машаққат тортиб равона бўлдилар ва тўққизинчи жумод ал-охирда (31 май, 1421) Хўтан шаҳрига етдилар¹⁴³. У ердан кўчиб олтинчи ражабда (26 июнь, 1421) Кошғарга келиб тушдилар ва ойнинг йигирма биринчисида (11 июль, 1422) Андижоннинг довонидан ошиб ўтгач, элчиларнинг бир тўдаси Самарқанд йўли билан жўнадилар, қолганлари эса Бадахшон¹⁴⁴ йўлини ихтиёр қилдилар-да, йигирма биринчи шаъбонда (10 август, 1422) Ҳисори Шодмонга, — мисра, — хушвақту шодмонлик билан етиб келдилар ва рамазон ойининг бошларида (19 август, 1422) Балхга етдилар, сўнг ойнинг ўрталарида (2 сентябрь, 1422) ҳазрат хоқони саиднинг олампаноҳ даргоҳи (Ҳирот)га етишиб, бутун аҳвол шарҳини барча тафсилотлари билан арзга етказдилар.

Хитой элчиларининг достони турли-туман ажойиб-ғаройиботлардан ташкил топганлиги ва (529) бу (бизнинг) вилоят авзоига нисбатан ғоятда ажиб туйилганлиги туфайли қаламнинг мушкин хол физоли у (достон) рақами саҳросида нофамушк халтасини очувчи бўлди ва анбар исли хома у хушбўй шабада эсиши билан замон димоғига атир сочувчига айланди. Ростгўйлик ёки ботилликни аниқлашга сўз беришдан фориғу, фойда ёки зиёнга ён босишдан ўзни тийилган (ҳолда) тангридан кўмак тиланади ва унга сифинилади.

САКИЗ ЮЗ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ

(1422)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ДАВОМИ

ҲАЗРАТ ҲОҚОНИ САИДНИНГ ФАРОҲ
ВИЛОЯТИГА ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Шу йили рамазон ойида (19 август — 17 сентябрь, 1422) Озарбайжон томондан хабар келдики, туркмон сардорларидан амир Далу Аҳмад ногаҳон Султонияга келиб, у атрофчеккаларни талади ва Табриз томон жўнади, аммо бунга қанот ҳосил қилмай иккинчи марта катта бир гуруҳ билан Султонияга юрди. Илёсхожа баҳодирнинг навқари унга қарши урушга чиқди; қаттиқ жанг қилдилар ва Далу Аҳмад қаршилашишга тоб келтиролмай ёлғиз (жангдан) чиқиб қочди. Унинг навқарларидан кўплари қатл қилинди ва бир гуруҳи асирлик домига гирифтор бўлди, унинг мол-мулки зафар шиор сипоҳнинг эгалик ва қудрат кўлига тушди.

Яна, Дашти Қипчоқ томондан Ўзбек вилояти подшоҳи Муҳаммадхон ҳузуридан (530) элчи бўлиб Олим Шайх ўғлон ва Фўлодлар келдилар ва улуғ амирлар воситалигида овчи қушлар, отлар ва бошқа тортиқларни арз ерига етказиб, давлатхоҳлик изҳор қилдилар ва қабул ўрнидан жой топдилар. Онҳазрат уларни от ва зар, кулоҳ ва камарлар билан сийлаб, Муҳаммадхон учун подшоҳона тортиқлар жўнатди ва элчилар ижозатга мувофиқ қайтиб кетдилар¹⁴⁵.

Онҳазрат куз фаслида қуш ови ҳаваси билан доруссалтана Ҳиротдан ўнинчи зу-л-қаъдада (26 октябрь, 1422) Фароҳ вилояти томон отланди. Давлатпаноҳ мавқаб Фароҳ вилоятига етгач, Сеистон, Қандаҳор, Кобул, Ғазнин вилоят(лар)и ва Синд дарёси чегараларию Ҳинд тарафларигача (бўлган ерлар) ҳокимлари ва гарданкашлари ер ўпиш қасдида олампаноҳ даргоҳга юзланиб, тухфа ва пешкашларни арз ерига етказдилар ҳамда оёқ ўпиш бахтига эришиш билан ифтихор бошларини баланд осмондан юқори кўтардилар. Онҳазрат уларнинг ҳаммасига

инъому икромлар кўрсатиб, қайтиб кетишларига ижозат буюрди ҳамда бир неча кун у вилоятда шикор гаштини суриб, сўнг жаҳонпаймо саманднинг жиловини қайтиш мақсади томон бурди¹⁴⁶. Еттинчи зу-л-ҳижжада (22 ноябрь, 1422) доруссалтана Ҳиротга, Боғи Зоғонга улуғворлик билан келиб тушилди ва қиш фаслини қишлаб ўтказиш учун ҳам шу жой маъқул топилди.

Ҳумоюн мавкаб доруссалтана Ҳиротга келиб тушган кун (531) дорулмулк Шероздан улуғ шаҳзода мирзо Иброҳим Султонинг элчиси етиб келиб, Ҳузистоннинг тамоман фатҳ қилинганлиги хабарини арзга етказди ва совғаю тортиқларни тақдим этиб, қабул қилинишга сазовор бўлди. Онҳазрат давлатманд фарзандга таҳсинлар айтди ва юборилган кишига кўп инъом-икромлар кўрсатиб қайтиб кетишга рухсат бағишлади ва бир ишончли кишини у фарзанд томон жўнатиб, илоҳий армуғон шукрини бажо келтирди. Мисра: ҳа, шукр қилсанг Оллоҳнинг неъматини зиёда бўла беради.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ

(1423)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ САРАХС ТОМОН ОТЛАНГАНЛИГИ ВА МИРЗО БОЙСУНҒУРНИНГ МАШҲАДИ МУҚАДДАСГА ЖЎНАГАНЛИГИ (ЗИКРИ)

Киш фасли охирига яқинлаб ва баҳор шабадаси башорати эътибор аҳлининг қулоқларига етиб, <Оллоҳнинг раҳмати асарларига назар қилингиз, (у ерни қайтадан жонлантиради)!> (деган оят мазмунини) тушуна билувчи кишилар фарвардин — март (ойи) ҳуснининг тароватию сабза ва райҳонлар латофатидан огоҳ бўлган бир вақтда ҳамда ҳар хил табиатларнинг мураккаб (таркиблари) нашъу намодан ҳаракатга

тушиб (532) хушовоз қушлар ҳар бир майсазорда парвозга келган бир чоғда — байт:

Тонг чоғи қуш овози баҳорни эслатганида,
сахарлаб шароб ичувчилар кайфи яна ҳам
ошади, —

хут (ойи)нинг бошларида (21 ёки 22 март, 1423) ҳазрат хоқони саид қуш солиш иштиёқида доруссалтана Ҳиротдан Сарахс вилояти томон отланди. Жаҳонкушо байроқ офтоби у вилоят аҳолиси бошига ҳумоюн соя ташлаб, марҳамату иноят шоҳбози улар устига иқбол қанотини ёзгач, Мовароуннаҳр, Туркистон чегараларидан ва Мозандарон мамлакатининг охиригача (бўлган ерлардан) барча акобиру ашрофлар ҳам атроф жойлар сардорлари давлат доирасининг маркази бўлган ва бутун халифаликни қамраб турган ҳумоюн ўрдуга етиб келдилар ва палос ўпиш шарафини топиб, (хоқони саиднинг) иноят назаридан баҳраманд бўлдилар. Онҳазрат бир неча кун порлоқ саодату қутли бахт ёрлигида у дилкушо саҳрода қуш учиршига илтифот кўргазди, сўнгра машойихлар султони, (шайхликда) баланд тоғ, яхшилик ва ёмонликдан дарак бера олувчи руҳи поклангур Шайх Абу Саид ибн Абу-л-Хайрнинг (қабрини) зиёрат қилмоқ учун отланиб, йўлга чиқди. Рубоий:

Эй жонон! Ховарон ерида биронта тош
йўқки,
хаста дилнинг қонидан у тошда ранг
бўлмаса.
Ҳеч бир ер ё бирор фарсанг (масофа)
йўқки,
у ерда сенинг гаминг дастидан дилтанг
бўлиб ўтирган (ошиқ) бўлмаса. (533)

Онҳазрат сидқи дилдан ожизлик изҳор қилиб зиёрат шартларини бажо келтирди. Бутун дунё машойихларининг кўпчилигидан яхши фазилат ва хулқ-атворда мумтоз ва мустасно бўлган шайхнинг фарзандлари маъқул келадиган хизматлар-

ни ўрнига қўйиб, ҳумоюн ўрду(дагилар)нинг барчасини қўй, бошқа зарурий нарсалар ва муносиб совғалар билан хушнуд қилдилар. Онҳазрат уларнинг ҳаммасига инъом-икромлар буюриб, садақа ва назрлар қўйди ва рабиъ ал-охирнинг ўрта-сида (27—28 март, 1423) Сараҳсга қайтди ва Бодғиснинг кўнгил очар яйловларида бир неча кун манзил тутди. Рабиъ ал-охир-нинг охирларида (11 аперль, 1423) амир Хизрхожа ва Хожа Бердиларга катта лашкар билан Рай мулкига бориб, у чегаралардан хабардор бўлиб туришни тайинлади.

Тус вилояти ва Машҳади муқаддасга кетган жаноб мирзо Бойсунғур² худо рози бўлиб раҳмат қилгур Хуросон султони (Имом Али Мусо Ризо)нинг зиёратини барча шарт-шароитлари билан бажо келтириб, сўнг у ердан Родгон майсазори томон юзланди ҳамда бир неча кун қуш учириниш ва този югуртириш билан машғул бўлди: лочин жаҳонгир шоҳ қўлидаги камондан отилган ўқдек учиб, парвоз қилишда насри тоир билан сирдош бўлди, (534) қоплон пистирмадан чақмоқдек отилиб чиқиб елиб-югурар экан, шер каби ҳамлалар қилди ва оҳуларни чапу ўнгдан ағдариб бориб, оёқлари қонга ботди. Саҳрода биронта ҳам ов қолмагач, шаҳзода Марв вилояти томон юриб кўп турналарни тутди. Сўнг қуёш жамшиди ўзининг шараф авжидан (ўтиб) ойнанинг шарафгоҳига етгач, <қайтиш яхшироқ> (мақоли)ни ўқиб учинчи жумод ал-увлода (14 апрель, 1423) Бодғиснинг Қаробоғида олий ўрдуга келиб қўшилди. Байт:

Бир-бирларининг дийдорларига етиб

шодмон бўлдилар.

Шундай ўғилнинг отаси — порлоқ

бахт эгасидир.

Эртаси куни (Бойсунғур) етти кишвар султони (хоқони саид)нинг ижозатига мувофиқ йўлга чиқиб, ойнанинг олтинчисида³ (17 апрель, 1423) доруссалтана Ҳиротдаги баҳор фаслида ёр ваъдасидан ҳам ёқимлироғу дилдор васлидан ҳам кўнгиллироқ бўладиган Боғи Сафидга улуғворона келиб тушди. Байт:

Ҳар тарафда, худди гулобдек бир сув,
сув юзида эса қушлар сузиб юрибди.

Мисра: жаҳон унинг адолати туфайли амну омондаю, жаҳон аҳли барчаси хуррам. Ҳазрат хоқони саид эса бир неча кунни Бодғис яйлоқида ўтказди.

Шу орада амир Шоҳмаликнинг навқари Хоразм томонидан келди ва арзнома етказди. (535) Мазмуни шундай: Буроқ ўғлон Муҳаммадхоннинг ўрдусини босиб олибди⁴ ва Ўзбек улусининг кўпчилиги унга муте бўлиб бўйсунибди.

Онҳазрат қайтишга қарор берди ва жумод ал-увлонинг охирларида (11 май, 1423) долруссалтана Ҳиротга улуғворона келиб тушди. Қитъа:

Энди шаҳар гулгуласи шодликдан (осмоннинг)
тўққиз куррасига етгусидир,
чунки улуғ хусрав мулозимлари билан
етиб келди.

У — барча мусулмонлар паноҳию имом
аҳлининг қўллагувчиси
ва Муҳаммад умматининг мадорию Одам яратилишидан
кўзланган муроддир.

Шу кунларда, энг яхши соату энг қутли бир вақтда, ўн саккизинчи жумод ал-охирда (29 май, 1423) мулк боғида мевали бир дарахт ва давлат чаманида хушсамар бир ниҳол кўкарганлиги ҳақида хабар етказдилар. Байт:

Иқбол хабар бердики, баланд толе билан
улуғ хоқон уйида ўғил туғилди,

яъни амирзода Али ибн мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодир қутли толе билан вужудга келди ва мирзо Муҳаммад Жўгий учун бу кўз қорачиғининг дунёга келишидан зўр суянчиқ ҳосил бўлди ва у ишрат ҳам подшоҳона тўй асбобларини муҳайё қилиб, бир неча кун шод-хуррамлик палосини ёйди; жаҳон

бахту иқбол билан Фушанж ва Кусавия вилояти томон шикор қилиш учун отланди ва ўн биринчида⁸ (17 сентябрь, 1423) доруссалтана Ҳиротга қайтиб келди; қишда давлат пойтахти ва салтанат тахтини қишлоқ қилди. Жаноб мирзо Бойсунғур қушламишиё тариқида Фароҳ вилояти томон жўнади⁹ ва бир неча вақтни Фароҳ вилоятида шод-хуррамлик билан ўтказиб, доруссалтана Ҳиротга қайтиб келди. (538)

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ

(1424)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ҲАЗРАТ (ХОҚОНИ САИД)НИНГ БОДҒИС ЯЙЛОҚИДАН ҚАЙТГАНЛИГИ, БОЙСУНҒУРНИНГ МАШҲАДАН КЕЛГАНЛИГИ ВА БОШҚА КЕЧМИШЛАР

Баҳорнинг иждокор султони сабза ва райҳонлар сипоҳини саҳро ва бўстонлар узра тортиб, қишнинг бераҳм лашкари отланиш оёғини жўнаш узангисига қўйгач, аъло мавқаб рабиъ ал-охирнинг бошида (3 март, 1424) қуш солиш мақсадида Сарахс томон юзланди ҳамда бир неча вақт яшаб туриш чодирини тиклаб, улуғ хотирини мамлакат ишлари бўйича тадбир кўриш ва саришта қилишга сарфлади, байт:

Худди чархнинг паргоридек дашту тоғлар
бағридан (чиқиб),
бу доира устида бир неча
бор айланди.

Ҳазрат хоқони саид қайтишга отланиб, жумод ал-охирнинг бошида (1 май, 1424) (539) Боғи Зоғонга келиб тушди.

Тус ва Машҳади муқаддас томон кетган жаноб мирзо Бойсунғур бир неча вақт Родгон майсазорларида сайду шикор қилди ва ҳумоюн хотир шикор гаштидан фароғат топгандан

кейин, бахту саодат жilовини салтанат тахти (Ҳирот) томон бурди ҳамда олтинчи жумод ал-охирда (6 май, 1424) Боғи Сафидга келиб тушди.

Мирзо Бойсунғурнинг улуғ амирлари орасида эътибор ва ихтиёрнинг ортиқлиги билан машҳур бўлган амир Юнус ўн бешинчи рабиъ ал-аввалда (16 февраль, 1424) йигитлик чоғида вафот топди.

Яна шу йили ражаб ойининг бешинчисида (3 июнь, 1424) маҳди улё Гавҳаршод оғонинг биродари улуғ амир Ҳасан Сўфи тархон фоний олам билан видолашиб, бақо саройига кўчди ва у замона Билқиси (Гавҳаршод оғо)нинг мадрасаси гунбази тагига дафн этилди. У карам ва мурувват (нури)нинг чиқиш жойи ва сахийлик ҳам олижаноблик маъдани эди; умид комилдирки, ҳақ таоло унга бу дунё бахт-саодати эвазига <сен учун бу дунёдан кўра охират хайрлироқдир>¹ (деган оят мазмуни бўлган) охират саодатини минглаб ортиғи билан ато қилгай! Унинг руҳини шод қилмоқ учун билимдон подшоҳ каломи (Қуръон)ни хатм қилиш ва таом улашиш (540) расм-русумларини бажо келтирдилар. Ҳазрат хоқон саид базму сахийликда дур сочувчи булуту жангу жадалда ярқираган қилич бўлмиш унинг чинакам авлоди амир Меҳроб тархонга иноят кўрсатди: отасининг мансаби бўлган олий девон амирлигини ва вазифаю мартабаларини² унга топширди. Мисра: отанинг ўрни ўғилники бўлса — яхшидир.

МОВАРОУННАҲР АҲВОЛИ ВА МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОННИНГ МЎҒУЛИСТОН ВИЛОЯТИ ТОМОН ЮРГАНЛИГИ САБАБИ

Юқорида, (саккиз юз) йигирма учинчи (1420) йил (воқеалари ораси)да айтиб ўтилдики, Шер Муҳаммад ўғлон Самарқандга келди, Мирзо Улуғбек унга меҳрибонлик кўрсатди, лекин у беижозат қочиб кетди. Мирзо Улуғбек уни тутиб (Самарқандга) олиб келди ва яна унга иноят кўргазиб, сафар асбобларини муҳайё қилди ва Мўғулистонга жўнатди. Бу сўзнинг шарҳи ўз ўрнида ёзиб ўтилган³. (541)

Шер Муҳаммад ўғлон ўз вилоятига етгач, амирлар иттифоқлашиб уни подшоҳликка кўтардилар. У салтанат тахтига ўрнашиб олгач⁴, подшоҳлик гурури ва ўта такаббурилик уни Мирзо Улуғбекнинг ҳуқуқини риоят қилиш қонунидан ташқари чиқариб, мустақиллик байроғини гардун томига ўрнатди ва унинг хатларидан бўйсунуш йўлидан оғишганлиги маълум бўлди.

Муҳолифат маддасининг янгиланиш сабаби ана шу (саккиз юз йигирма) еттинчи (1424) йили (яна) шу бўлдики, Али Макритнинг ўғли Мовароуннаҳрдан қочиб ундан паноҳ истади, Мирзо Улуғбек уни талаб қилганида Шер Муҳаммад ўғлон юбормади. Бу маънилар Мирзо Улуғбекнинг Хўжанд вилояти томон юришга отланишини тақозо этди. Мирзо Улуғбек (саккиз юз йигирма) еттинчи йил ўн бешинчи зу-л-ҳижжада (8 ноябрь, 1424) Шохрухияда қишлашга қарор қилди ва (542) Мовароуннаҳр ҳам Туркистон мамлакатларидаги лашкарлар муқаррар бўл ж о р да муайян мавзегга йиғилсинлар, деган ҳумоюн фармон содир бўлди. Амир Ҳарий Малик, амир Шайх Абу Саидлар бошқа амирлар ва т у м о н л а р билан бирга қиш фаслини Андижон атрофларида ўтказа бошладилар. Шунингдек, ж у в о н ф о р амирлари амир Султон Увайс барлос, амир Хожа Юсуф ва амир Тукаллар лашкарлар билан Қаросмон мавзеида қарор топдилар. Ана шу аҳвол асносида саккиз юз йигирма саккизинчи йил муҳаррам ойининг қутли фол ҳилоли (23 ноябрь, 1424) жаҳон аҳлига аниқ ва равшан кўринди.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ

(1424—1425)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ МЎҒУЛИСТОН ТОМОН ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Сайёралар хусрави (Қуёш) кайвон қасридан биржис айвонига келган, — байт:

У заррин бадан Юсуф (Қуёш) қиш фасли
 чоҳидан ҳунар билан озод бўлиб,
 мисрий кўйлак булутидан Зулайхонинг
 кўз ёшини тўккан
 ва булутнинг лашкари ҳар тарафдан
 рангин камон ушлаб,
 худди қудратли қўл мўлжалга ўқ узгандек,
 ёмғир ёғдирган, — (543)

ва совуқнинг лашкари баҳор сипоҳини кўриб чекинишга юз тутган, ҳавонинг жонпарвар шабадаси мўътадиллик лутфини касб этган ва замона баҳор фасли ташриф буюрганлигидан ҳаёт табиатига кирган бир замонда жаноб Мирзо Улуғбек қазою қадардек бўлган подшоҳона дуолару фатҳу зафар ҳамнишини бўлган хоҳишларини ҳаракатга келтирди ва саккизинчи ҳутга тўғри келадиган йигирма еттинчи рабиъ ал-аввалда (16 февраль, 1425) лашкарларни тартибга келтириб, ғалаба ёр байроқни тиклаб, Мўғулистон томон равона бўлди.

Йўл асносида душман лашкарларидан бир қисми Ошпара атрофида қишлов қилганлигидан хабар топди¹. Аҳвол бошларидаёқ ишнинг охирига назар ташлайдиган ва фикрга толиш аввалиданоқ оқибат ҳисобини қиладиган жаҳоноро раъй ғалаба ёр лашкардан бир гуруҳи² илғор тарзида илгари юриши лозимлигини маслаҳатдан билди: амир Луқмон, амир Абук Бузург, амир Шоҳ Вали ва амир Увайс қавчинлар, — байт, —

Тутган йўлу фикрлари жангу жадал
 тузиш.
 севганлари қон тўкишу одатлари
 қувиш-чопиш

бўлган бир сипоҳ билан биргаликда (544) киши хаёли илоҳий кўмак рафиқлигисиз унинг устидан босиб ўта олмайдиган ва киши тасавури тақдир ёрлигисиз унинг кенглигини қамраб ололмайдиган, — байт, —

Унда юлдузлардан бўлак ҳеч бир сокину
ҳаракат қилувчи бўлмаган
ва қуюндан бўлак ҳеч бир учувчию
сайр этувчи бўлмаган

бир йўл билан жўнаб кетдилар ҳамда ўн кеча-кундуздан сўнг огоҳ бахт раҳнамолигида, ногоҳ, бир элга етиб келдиларки, унинг сардор(лар)и Иброҳим, Аризан ва Улжойтулар эдилар; ғолиб лашкар уларнинг устига ноҳосдан бостириб келиб қолгач, душман отлиқлари қочиб кетдилар ва элу улус талон-торожга учраб, ғалаба ёр лашкар мўл-кўл ғаниматларни қўлга туширди.

Икки кундан кейин Иброҳим, Аризан, Жаҳоншоҳ ва Қамаруддинлар қасос ханжарини адоват қинидан суғуриб, оловдек чақнаган ўткир тиф билан урушга ташландилар ва боласидан ажраган шеру думи қирқилган илондек (ғазабнок) ўн минг отлиқ қилич яланғочлаб жангга юз тутдилар. (545) Бу тарафдан номдор амирлар³ жу в о н ғ о р , б у р о н ғ о р ва қулларни жанг ботирлари билан мустаҳкамлаб душманга қарши чиқдилар. Байт:

Икки лашкар пистирмадан чиқиб бир-бирларига
шундай ҳамла қилдиларки,
сен (кўрсанг) осмонни олиб ерга
урдилар, дер эдинг.

Ўқларнинг худди дўлдек ёғишидан
ҳар бурчақдан ўлим тўфони қўзғолди.

Ҳар икки томондан қуюн сингари тез ҳамлалар қилдилар ва ҳар икки тарафдан бир-бирларига ташландилар: сарварларнинг калласи майдон тўпи ҳам найзалар кокилига айланди ва зангори рангли шамширнинг юзи қон шингарфидан Бадахшон лаъли ҳам анорранг ёқут тусини олди. Шу ҳолатда ғалаба ёр лашкар диловарларидан бир гуруҳи жиловни бўшу узангини таранг қилиб илон кирдорли найзаларни шамолдек югурувчи учқур отлар қулоғига қўйдилар, <Оллоҳу акбар!> наъра

ва ҳайқириғини эгизак (юлдуз)лари авжига етказиб, мухолифлар устига ташландилар ва уларнинг тўдасини тарқатиб юбордилар: мухолифлар жангдан юз ўтириб **(546)** бирданига қочишга тутиндилар. Сипоҳ улар кетидан қувиб бориб, Иброҳим ва унинг икки ўғлини қатлга етказди. Бу воқеа рабиъ ал-охирнинг ўн тўртинчисида (5 март, 1425) Оқсув деган жойда воқе бўлди. Зафар шиор сипоҳ кўп ўлжа ва асирларни қўлга киритди⁴. Мирзо Улуғбек (илғор лашкари кетидан) Оқсувга етишди ва илғор амирлари унинг марҳамат ва иноятларига сазовор бўлдилар.

Бу ерда машварат тузиб қабул қилинган қарорга кўра лашкарлар жам бўлган ҳолда Қаросмон улусларига юзландилар ва Чу сувидан ўтгач, Абр Киту Кўталига⁵ кўтарилиб Сурхобга етдилар ҳамда Ҳ-л-қун (?) йўли билан Абишга жўнадилар⁶ ва Киту Кўталга кўтарилиб⁷ ошиб ўтдилар-да, Ара Борийга келиб тушдилар⁸ ва Жорун сувидан кечиб **(547)** Кўк П-н-йа (?) да Урён Б-р-к-ш (7) да⁹ ҳумоюн саропардани тикладилар. У дийёрнинг улуғ амирларидан бўлган амир Худойдод зафар шиор шаҳзода (Улуғбек) даргоҳига ихлос камарини боғлаб қўл ўпиш шарафига етишди ва эъзозу икром ҳам ҳурмату инъомлар билан тақдирланди; жавонбахт шаҳзода унинг ёши улуғлигини риоя қилди ва бу қариянинг раъйидан атроф ерлар аҳволини сўраб аниқлади¹⁰. Сўнгра у Шер Муҳаммад ўғлон томон равона бўлиб, Тақуқу¹¹ (мавзеи)да душман сипоҳининг қорасини кўрдилар.

Жаноб Мирзо Улуғбек ўн бешинчи жумод ал-охирда (4 май, 1425) лашкарни тартибга солишга киришди: амир Арслонхожа тархон ва унинг биродари амир Маҳмудни жувонғорга, амир Абук Бузургни қунбулга муқаррар қилди, буронғорга амир Луқмон ва амир Ҳарий Маликлар тайин қилиндилар, **(548)** лашкарнинг фули эса муборак шахс (Улуғбек)нинг ўз қароргоҳи бўлди¹², амир Искандар Ҳинду Буқо, Иброҳим Ику Темур¹³, Увайс қавчин, Хожа Юсуф ва Мурад қавчинлар қулнинг қаровули эдилар. Бир неча мукамал қўшун кўмак учун тайин қилинди: агар душман

бирор жойга шикаст етказгудек бўлиб, мадад керак бўлиб қолса, у бир нечта қўшун қазойи осмон ва балойи ногаҳондек муҳолифлар устига ёпирилиши лозим эди. У (душман) тарафдан буронфорда Поянда Буқо, жувонфорда Малик Садр ва қулда Шер Муҳаммад ўғлонлар лашкарни тартибга келтирдилар.

Икки лашкар худди кўк денгиздек жўшу хурушга келиб бир-бирлари томон юзландилар; қаҳру ғазаб булутидан найзаю камон ўқлари чақмоқдек отилиб чиқишга бошлади, майдон сахнидан тиф ва найзалар униб чикди. Иш тиру камон (отиш)дан тифу найза санчиш ва муштлашишу-ёқалашишга етди; ур, ҳа ур, ҳаё-ҳай наъралари кўтарилди. Шер Муҳаммад ўғлон тўғрима-тўғри зарб билан бирор иш чиқмаслигини тушунди ва ўз амирлари билан (маслаҳатлашиб): «Ўнг қўл ва чап қўллар бирлашсинлар ва тўсатдан бир томонга ҳамла қилиб ўқ ёғдирсинлар, агар бирор натижа чиқса — бу худди кутилган мурод, бўлмаса, чекиниб-қочилган тақдирда ҳам, узрли бўлади», — деган қарорга келди. Шу қарорга биноан ҳаммалари жам бўлиб, (ўн икки) бурж юлдузларидан ҳам зиёда, яъжуж тўдаларидан ҳам кўп бир лашкар (549) зафар шиор лашкарнинг жувонфориға бирдан ҳамла қилди. Амир Арслонхожа тоғ янглиғ барқарор туриб ўз жойини муҳофазат қилди ва душман ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уни қимирлата олмади. Мирзо Улуғбек бу ҳолни мушоҳада қилиб кўргач, «Қаровул ва кўмак тумонлари қул сафи олдидан ўтиб жувонфорта қўшилсинлар»¹⁴, — деб буюрди. Ғалаба ёр лашкарнинг сафлари (оятда) <улар гўё бир метин бинодек саф тузиб (курашадилар) >¹⁵ (дейилганидек) мустаҳкамлангач, жаноб Мирзо Улуғбек сурон солишга буюрди: ноғора садоси ва карнай овози янгради, жанг дўмбирасининг гумбурлаши ва сурнай нолишидан тоғларга зилзила тушди ва зафар паноҳидаги сипоҳ бирданига ҳамлага ўтди. Шер Муҳаммад ўғлон, — байт, —

Буюрдикки, ўқ ёғдирсинлар
 ҳавони баҳор чоғидаги чақмоққа
 айлантирсинлар.

Бир муддат баҳодирона отишма давом этиб турди, аммо абадий саодат душманларга мажол бермади ва улар, қарши туришга мажоллари келмагач, чекинишни ғанимат билдилар. Байт: (550)

Кимки қочган вақтида унинг кетида
сенинг ўқингдан хавф бўлса,
у тезлик билан илон сингари ўз
пўстини ташлаб чопади.

Жаҳон шаҳзодаси Улуғбек кўрагоннинг байроғи илоҳий қудрат ва раббоний кўмак туфайли кенг ёйилди, фатҳу нусрат офтоби иноят матлайдан болқиди ва ўша куни то кечгача ғалаба ёр лашкарнинг уриш, тутиш ва ўлдиришдан бўлак бирор бошқа иши бўлмади.

Кеч кирганида фалак ҳашаматли сипоҳ Бойбот¹⁶ ва Тақуқу мавзеига йиғилдилар: «Амир Довуд ва Элчи Буқолар қочганлар кетидан ўн минг отлиқ билан қувиб борсинлар»¹⁷, — деган ҳумоюн фармон содир бўлди. У жаноб (Улуғбек) фалаксимон бедовни у ерлар яйлоқларининг энг яхшиси бўлган ва у мавсумда райҳонларнинг хилма-хиллиги билан, — мисра: — олий беҳиштнинг бир гулзори тусини олган Юлдуз яйлоқи томон илғор тарзида ҳаракатга келтирди; ғалаба шиор лашкарнинг қудратли қўлига кўп ғаниматлар тушди. Зафарли жанг тузувчи жаноб Хусрав (Улуғбек) бу ғалабанинг осонлик билан қўлга кирганлигини илоҳий лутф ва осмоний саодат натижаларидан деб билиб, зафар оятлари битилган байроқларни қайтиш қарори билан тиклади. (551)

Ҳумоюн мавқаб Юлдуз яйлоқидан Қарши мавзеига келди¹⁸. Мирзо Улуғбек қош тошини арава ёрдамида доруссалтана Самарқандга етказиш учун икки минг чапдаст кишини шу мавзеда қолдирди. Бу тошни қадим подшоҳлар Хитой тарафдан (бу ерга) келтирган ва ҳазрат соҳибқирон¹⁹ у тошни Мовароуннаҳрга кўчирмоқчи бўлиб, амир Жаҳоншоҳни бир неча минг киши билан у ерда қолдирган, аммо улар тошни кўчириб келтиришдан ожиз қолиб, ҳазрат соҳибқирон²⁰ «Нега у тошни

келтирмадилар», — деб таассуф билдирган эди. Сўнг у жаноб (Улуғбек) Самарқанд томон қайтиб, яхшилик хабарини етказиш учун султонлар паноҳи бўлган даргоҳ (Ҳирот)га навқарлар жўнатди. Шаъбон ойининг бошларида (18 июнь, 1425) бу саодатли хабар Ҳиротга етди ва у узоқ сафар туфайли хотирлардан ўрин олиб турган ғашлик кўтарилди. (552)

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ

(1424—1425)

ЙИЛ АҲВОЛИ (БАЁНИ)НИНГ СЎНГИ

Бу йил бошида²¹ мирзо Бойсунғур саодат ва иқбол билан қуш солиш ва шикор қилиш қасдида Сеистон вилоятига жўнади ва бир неча кунни қутли бахт кўмаги билан Нимруз мамлакатада шикор гаштини суриб шод-хуррамликда ўтказиб, сўнг қайтишга жазм қилди ва саодат жilовини буриб, ўн еттинчи муҳаррамда²² (9 декабрь, 1424) Ҳиротга келиб тушди ва бутун қишни ҳазрат хоқони саидга мулозимликда доруссалтана Ҳиротда қишлов қилиб ўтказди. Эрта баҳорда қудратли хоқон ҳазратлари рабиъ ал-охирнинг ўнинчисида (29 февраль, 1425) қуш учирриш расми билан Сарахс вилоятига юзланиб, мирзо Бойсунғур Тус ва Машҳади муқаддас томон жўнади. Фаридун нишон хоқон ва гардун боргоҳлик подшоҳ бир неча вақтни у икки вилоятда қуш учириб, қоплон ва този итлар югуртириб айш-ишрат, хуррамлик билан ўтказдилар, шикорлар қилиб овлар тутдилар ва бахту саодат ёрлигида салтанат пойтахтига қайтиб келдилар.

Онҳазрат жумод ал-охирнинг сўнгида (18 май, 1425) амир Юсуфхожа ибн амир Шайх Али баҳодирни бир лашкар билан Рай мулки томон жўнатди. (553)

Шу йили шаъбон ойининг саккизинчисида (25 июнь, 1425) амир Мусо Ракмол вафот топди. Унинг ҳазрат соҳибқирон замонида кўрсатган собиқ яхши хизматлари боқий бўлиб, онҳазратнинг ҳукмдорлиги навбатида ҳам у маъқул хизматларни бажо келтирган эди. Онҳазрат унинг фарзандлари ва

яқинларига тарбият ва навозишлар кўрсатиб, унинг вазифасию мартабаларини буларга ўтказди.

Мўғулистон юришидан фатҳу зафар ҳамжиловлигида қайтиб келган Мирзо Улуғбек шу йилнинг охирларида (октябрь-ноябрь, 1425) падари бузургвори ва замона хоқонига мулозамат кўрсатишга жазм қилди ҳамда зу-л-ҳижжанинг ўн бешинчисида (28 октябрь, 1425) қўл ўпиш ва (ота) оғушига тортилиш саодатини топди. Иккалалари бир-бирларининг дийдорларига етишиб, хуррам бўлдилар. Байт:

Қандай муборак соату қандай
 бахтли замонки,
 султон замон хусрави билан
 дийдор кўришди.
 Замона айш-ишрату хуррамлик
 билан улфат тузди,
 баҳор боғу бўстон дийдорига
 етишди.

У юришдан қайтиб келган тенгсиз шаҳзоданинг мислсиз зоти саломатлигига шукрлар айтишиб, муҳтожларга садақалар улашдилар ва бир неча кун тўйлар берилгандан сўнг, шаҳзода Мовароуннаҳр томон отланди: шаҳзода Муҳаммад Жўтийни ўзига ҳамроҳ қилиб зу-л-ҳижжанинг йигирма еттинчисида (9 ноябрь, 1425) доруссалтана Ҳиротдан йўлга чиқдилар ва бир ҳафтада (554) Самарқандга етдилар.

Қутли фол бу йилнинг нодир воқеаларидан (бири) «Зафарнома» номли ажойиб китобнинг битилишидир²³. Бу китобни қалами ҳусни хат битувчи жаҳон хуштаъбларининг нозик сўзлиси, Эроннинг энг фазилатли кишиси, оқиллик буржининг равшан юдузи, матонат қутичасининг дурри Олоҳнинг раҳматига чўмилгур мавлоно Шарафуддин Али Яздий ёзиб тамомлаган ҳамда мушкин рақам қалам билан хосу омнинг димоғига анбар бўй насим етказган, сўз улуғлигини жавзо чўққисидан юқори ўтказган; байт:

гарчи булбул (тили)дан эшитсанг ҳам,
уни гул айтган бўлади.

Сўзнинг шарҳи у китоб (муқаддимаси)да шундай саранжом топган: «Давлатнинг қувватланиши ва саодатнинг зиёда бўлиши олижаноб қилмишларни абадий қолдириш ҳамда гўзал ёдгорлик ҳам баланд номларга давом беришни тақозо этади. Шунинг учун одамзоднинг энг шарафлилари бўлган ва (оятда келган) <биз уларга китоб, ҳукм ва набийлик ато қилдик>²⁵ (деган сўзлар)га биноан танланган гуруҳга оид (кишилар) аҳиллик хилватсаройига даъват қилинган вақтларида каромат даражасидаги бу (илоҳий) армуғонни сўраб билдилар ва бошқа фойдали армуғонлар боғламига тизиб қўйдилар, чунки (556) (оятда) <Тангрим, менга донолик ато этгин ва мени солиҳлар қаторига қўшгин ҳамда мени улар орасида ҳақиқатни сўзлагувчи тил қилгин>²⁶ (дейилгандир). Шунингдек, мақтов саҳифалари <Оллоҳ баланд ҳиммат кишиларнигина севади> (деган ҳадис)нинг рақами билан битилган олий ҳимматга эга кишилар доимо гўзал эсдаликларни сақлаш ҳам яхши номни тарқатишда кучли жидду жаҳд сарфлаганлар ва кўп саъй-ҳаракатлар кўрсатганлар, ҳар бир асру замон ва давру давронда фойдали расм-русумларни сақлаб қолишу мақтовли ёдгорликларни давом эттириш учун турли воситалар ва хилма-хил сабаб-усуллар ёрдамида йўл-йўриқ ахтарганлар ва бунга муяссар бўлганлар. Шак-шубҳасиз маълумдирки, тириклик давомида ҳар бир шаҳар ва диёрда воқе бўладиган аҳволу авзо қиссаларидан бирортасини бўлса ҳам тафсилотлари билан аниқлаш иши у шаҳар ва диёрлар кишиларини тўплашга ёки хабарларни сўраб билиш учун атроф мамлакатларга номалар юборишга қодир бўлмаган кишининг гўзал саъй-ҳаракати қўлидан келмайди. Шунинг учун («Зафарнома»да) ўтмишдаги давлатларнинг тарихига оид арабча ё форсча, назм ё наср билан ёзилган тўпламлардан бир неча воқеа ёки қисқача ифодаланган баъзи кечмишлардан ташқари (ҳеч нарсени) олинмади. Шунингдек, ҳазрат соҳибқирон ва унинг олий шаън фарзандларининг давлати ғоятда камолга етиб, устунлик шун-

дай юксак фазилатда барқарорлик топганлиги туфайли, уни **(557)** бошқа таққослашга ўрин ҳам йўқ эди. (Негаки), — байт, —


Сомонни улкан тоғ билан таққослаб бўлмайди
ва ялтироқ қўртни ой деб бўлмайди.

Оллоҳ таолонинг (оятда келган) <Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг ҳам отаси бўлмаган, лекин у Оллоҳнинг расули ва пайғамбарлар муҳридир>²⁷ сўзига мувофиқ охирги пайғамбар (Муҳаммад) аввалги ва сўнги (пайғамбар)лар орасида энг афзали ва энг комилидир ва (бу сифат) унинг фазилатларидандир. (Шу сабабли) толе ҳужжатлари <сиз инсонлар орасида юборилган умматларнинг сарасидирсиз>²⁸ (деган оят)нинг олий муҳри билан безатилган баланд мартабали умматларга олий хатмнинг юқори сифатли тавсифидан албатта бирор баҳра етгусидир. Байт:

Тотор оҳуси сунбуллар орасида ўтлаганлиги учун,
унинг насими бозорга мушк бўйини келтиради.

Улуғларга номаълум қолмасинки, агар умматлардан бирон-таси фазилат ва камолотлардан қайси бирини бўлмасин, энг юқори камолот ва буткул ниҳоятга етказса ва бу хил (иш)ни бажариш ундан илгари бирон кишининг ҳам қудрат қўлидан келмаган ва ундан кейин ҳам ҳеч ким унинг даражасига етказа олмайдиган бўлса — ана шу камоли хатм бўла олади. Оламнинг тартиблилиги ва одамзод ишларининг **(558)** интизоми уларсиз мумкин бўлмаган зўр ҳолатлару улуғ ишлардан бири (бу дунёдаги) сурат-кўриниш халифалиги бўлгач ва салтанат шундан иборат бўлгач, албатта у юқори сифатлар бу саодатманд уммат орасида узоқ муддатларга хатмга етмоғи лозимдир.

Осмоний қўллаб-қўлтиқлаш жаҳонгиру жаҳонни идора қилувчи султон, нодир шавкатли улуғ хоқон, дунёю диннинг қутби Абу-л-Музаффар Амир Темур кўрагоннинг буюк хотирига кишваркушолик ва дунёни олиш даъвосини солиб, у етти юз етмиш биринчи (1369—1370) йили илоҳий мадад туфайли подшоҳлик тахтига кўтарилди ва таҳқиқ қилиниб таф-




силотлари билан шарҳланган бир усулда (559) рубъи маскуннинг маъмур ерларининг кўп қисмини андак фурсатда эгалик қўлига киргазди ҳамда салтанат ва жаҳондорликдек буюк ишни олий бир мартабага етказди: шу воқеалар баёнини ўз ичига олган бу ажойиб китоб — («Зафарнома»)нинг мазмуни билан танишган ва ўтган подшоҳлар ёдгорликларидан огоҳ бўлган киши собиқ буюк султонларнинг биронтасига ҳам бу каби (ишлар)ни қилиш муяссар бўлмаганлиги ва унга яқини ҳам муяссар бўлмаганлигини аниқ билиб олади.

(Шундай бўлгач), албатта, осмоний кўмак собиқ илоҳий иноятдан келиб чиқиб шуни тақозо этдики, хуршид раъйли ҳазрат, осмондек қудратли подшоҳ, ҳақиқат ва дунёнинг кўмакчиси, салтанати абадий бўлгур Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султон, — байт:

У (Темур авлоди) хулосасининг сарасию
 ўн икки (буржнинг) маҳсули,
 яратилганлардан ортиғу яратувчидан
 кам, — (560)

ўз муборак шахси билан бу пойдор давлатни идора қилиш ва унинг аҳволотию ёдгорликларини юзага чиқаришга мутасаддий бўлди ва дорулмулк Шерозда бу муқаддас муҳим ишга ўз илтифот соясини ташлади. Чунончи, «суннифа фи Шероз»²⁹ — «Шерозда тўпланди» (сўзлари) сирли тил билан у тарих — санани (828 (1424—1425)) ҳикоя қилади.

(«Зафарнома»мусаннифи) каттаю кичик ҳикоя-достонларни тафтишу таҳқиқ қилиб бир тарзда тартибга солди ва ҳар бир кечмиш ўз ўрнида шундай қарор топдики, унинг устида фикр юритилса, бу — давлатнинг сабоқ (бўларли даражада) хатм мартабасига етишганлиги борасида ўз зикрини топган сўз орқали қувватлашдир. Чунки (у китобда) ҳар бири бир замонда айрим бир мамлакатда воқе бўлган турли-туман воқеалар ва хилма-хил вазиятларнинг барчаси ўз ўрнида батафсил шарҳланган (561) ва бу иш шундай бир тарзда (адо этилган)ки, ундаги қайси бир қиссага назар солинмасин, бошдан охиргача батартиб



маълум бўлади. Бу каби нозикликларга риоя қилишни ҳеч бир атоқли фозил киши ҳеч маҳал шарт деб билган эмас ҳамда қиссаларни батафсил ва тўла, тўғри ва рост ифодалашга бу каби ёки бунга яқин бир тарзда ёндашган эмас.

Бу («Зафарнома») нухаси кўплаб нухаларни кўрган зийрак ва донишмандлар назарига тушиши аниқ бўлганлиги учун мазкур сўзларни давом эттиришда муболаға кўрсатишга эҳтиёж йўқ. Бу улуғ таълиф у буюк хотир (мирзо Иброҳим)нинг мулку динга оид катта-кичик ишларга илтифот кўрсатиб юргани олий мажлислар асносида (у) шариф имло (Мирзо Иброҳим) томонидан қаламга олинди, шунинг учун бу асарнинг бунёдга келишини у ҳазратга нисбат берилишида аслида ҳеч хушомадгўйлик йўқ. Бу сўзлар муҳаррири (Яздий)нинг эса бу гулзорни тарбиялаш ишида иборатларни буташу силлиқлаш ва баъзи дostonларни аслида тарихга дахли бўлмаган ортгирмалардан кўра илгари қўйишдан ўзга ҳеч бир дахли йўқ. Бу сўзлар бор гапни айтиш, танбеҳлаш ва китоб қандай ҳолда эканлигини баён қилиш мақсадида ёзилди, ҳамду мақтовлар айтиш учун эмас, (562) чунки бу кабилар у малаксифат малик (мирзо Иброҳим)нинг камолоти олдида у қадар аҳамиятга эга ҳам эмас. Мисра: тажаллий кечасида ой нурига нима ҳожат бор!»

Ҳақиқатан ҳам у ажойиб китоб таълифини у олижаноб шаҳзода (мирзо Иброҳим)га бағишланганлиги, у ҳимматлилар раҳбари (Яздий)нинг камоли инсофли эканлигидандир. Мисра: инсоф юзасидан айтсам, унинг каби инсофли мусанниф йўқдир.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1425—1426)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ГОЗУРГОҲ МОЗОРИНИНГ ҚУРИЛИШИ

Азалий иноят нури ва камаймас ҳидоят рўшнолиги туфайли руҳлар олами (сирлари)дан огоҳлик топиб, билим орттирган ва иродат жиловини саодат кўчасига бурган ҳар бир

саодатманд киши, шубҳасиз, худо йўлига кирган (авлиё)лар (мозорлари) зиёратига майл қилади, огоҳ кишилар мозорларининг равнақу ривожига ва (у ердаги) иморатларнинг қурилишига етарли даражада жидду жаҳд кўрсатади, у акобирларнинг руҳониятидан ҳиммат тилашни ўз ҳаётининг шиори деб билади ва бу иш саодатидан баланд бошини юксалиш поғоналарига кўтаради. Байт:

Дарвешдан кўмак илтижо қилган киши

Фаридунга қарши турса, уни енгади. (563)

Шундай экан, қутли бахт армуғонидан ҳол-аҳвол бетига ҳар куни саодат асар нурлар сочилгусидир ва ҳар соатда иноят ояти коинот сафҳаларида аниқлик касб этгусидир. Шунга биноан бу ҳумоюн фол йилнинг муҳаррам ойида (13 ноябрь — 12 декабрь, 1425) ҳазрат хоқони сайд валийлик осмонининг офтоби, ҳидоят сипехрининг қутби, ғайб нурларининг болқиш ери, шаксиз сирларнинг очилиш жойи, илоҳий сирлардан воқиф, моддий ва малаклар (олами) замирларини кашф этувчи, ҳазрат борий (Оллоҳ) боргоҳига мақбул ва замонанинг қутби бўлмиш Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг нурли мазори иморатини бунёд қилишга буюрди¹; <Оллоҳ таоло унинг руҳини муқаддас қилсин ва содиқлар орасида кашфиётини кўпайтирсин>.

У олий даража иморатнинг тарҳи ва у нодир фазилатли пойдеворнинг қўйилиши қуйидагича воқе бўлган: шарқ томондаги унинг пешгоҳида бузургворнинг мазорига қаратиб ғоят баланд ва камоли латофат билан олий бир айвоннинг суфаси қурилган ва у суфанинг икки тарафида суфалар ва уларнинг тепасида яна суфалар ва айвонга яқин баландликда пасту баланд хоналар, унинг ўртасида эса олий бир суфа; шимол томонда ҳам суфалар ва хоналар; шимол томоннинг ўртасида ҳам катта бир суфа; шунингдек, жануб томонда ҳам хоналар бўлиб уларнинг ўртасида олий бир суфа; (564) саодат эшигининг очилиш жойи бўлмиш мағриб томонда эса нурга тўла мазорга қараган олий бир суфа, унинг ўртасида ўтар

йўл, даҳлизнинг шимолу жанубдан иборат икки томонида ик-кита жамоатхона бағоят гўзал тарзда тартибга келтирилган, бузургвор мазорининг ташқарисида, мағриб тарафда, баланд бир курси ўрнатилган ва осмон билан тенглашадиган айвон қад кўтарган. Байт:

Қуёш ёруғлиги ва зангори осмоннинг шуъласи
 Ансорийнинг қутб айвонидан бир намунадир,
 Осмон томонга, буржлар ва юдузларга
 қараганинга
 у худди шу жойнинг ўзи эмасмикан, деб
 ўйлаб қоласан.

У олий иморатларнинг барчасини тош ва ғиштлардан ғоят гўзал тарзда қуриб битирилгандан кейин қоший, зарҳал ва ложувардлардан зийнат берилди, ҳар томонига маъқалий, кўфий ва форсий хатлар ва шаклларни жуда нозик қилиб чизилди.

Ҳазрат хоқони саид у муқаддас мазорга муносиб ер-мулк ва асбоблардан вақф тайинлади ҳамда <Оллоҳ таоло истамаган вақтларни ҳисобга олмаганда, бутун умри давомида> ой бошларида келадиган ҳар пайшанба куни у нурли равзани зиёрат қилишга бориб, мулозимат кўрсатиб турди; ишонч комилдирки, (бу иш), бу дунёда бахт-давлатнинг ортиб боришига сабаб бўлганидек, охират саройида ҳам мағфират даражалари ва марҳамат табақаларининг ортиб боришига сабаб бўлғусидир. Мисра: у (азизлар) қавмининг муҳаббати саодат далили бўлади. (565)

Бу йили ҳазрат хоқони саид қишни доруссалтана Ҳиротда қишлаб ўтказди ва совуқнинг лашқари чекинишга юз тутиб, баҳор сипоҳи ғалаба қилгач, — байт:

Оллоҳга миннатдорлик бўлсинким, наврўз
 хуш ҳавоси
 қайтиб келди-ю, зимистон жабридан
 қутулдик, —

рабий ас-сонийнинг иккинчисида (11 февраль, 1426) ҳумоюн байроқлар иқбол ва комронлик паноҳида қуш солишга жазм қилди ва олий бедовни Сарахс вилояти томонга бурди; йўлда совуқ ва қор шу қадар зўрайиб кетдики, таҳрир қаламининг тили шарҳлаб ёзишга ожизлигидан бармоқ унинг баёини адо эта олмай (ташлаб) ўтиб кетди. Зафар нишон мавкаб Сарахсга етиб, у вилоят олампаноҳ подшоҳнинг ташриф буюрганлиги бахтига мушарраф бўлгач, (хоқони саид) бир неча кун атроф ерларда қуш солиб шикор қилди, сўнгра у ердан муборак Миҳнани зиёрат қилишга отланди ва яхшилик-ёмонликдан дарак бера олувчи бўлмиш тариқат султони Шайх Абу Саид ибн Абу-л-Хайрнинг руҳидан мадад тилаб, — мисра, — қайтиш байроқларини тиклади, — мисра, — ва Бодғис яйлоқига келди. **(566)**

Мирзо Бойсунғур куз фаслида² Сеистон вилояти томон борган эди, у ерда, Нимруз мамлакати атрофида, бир неча кун шикор гаштини сургач, бахту саодат билан қайтиб келди ва қишни Боғи Сафидда айш-ишратда ўтказди. Сўнг у илк баҳорда Тус ва Машҳади муқаддас вилоятига жўнади ҳамда бир неча вақт Родгон ва унинг атроф ерларида қуш солиб, сахро юзи ва ҳавосини ваҳший (ҳайвону) учар қушлардан холи қилди. Сўнгра қайтиш байроғини тиклаб жумод ал-охирнинг ўинчисида (19 апрель, 1426) доруссалтана Ҳиротни ҳумоюн келиб қўниш бахти билан шарафли қилди ва бир неча кундан кейин олий ўрду томон жўнаб, Бодғис яйлоқида аъло ҳазратга мулозиматда бўлиш бахти билан саодатга эришди.

Раиятпарвар акаси Мирзо Улуғбекка мулозим бўлиб Самарқандга кетган мирзо Муҳаммад Жўгий у ердан қайтди ва жумод ал-охирнинг сўнгида (8 май, 1426) давлат пойтахтига етди, ҳазрат хоқони саид эса ражабнинг ўртасида (23 май, 1426) **(567)** Боғи Зоғонга келиб тушди.

Бу йил воқеалари жумласидан бири марҳум амир Фиёсуддин Шоҳмаликнинг вафотидирки, у малоллик ваҳшат ободидан охират раҳмат ободига кўчиб ўтди. У тадбиркор улуғ амир эди ва ҳазрат соҳибқироннинг замонида яхши хизматлар кўрса-

тиб олий даража ва мансабга эришган эди; онҳазрат (Темур) унинг пешонасида бахту омад асарлари ва саодату бахтиёрлик нурларини мушоҳада қилгач, уни тарбиялашга майл кўрсатган эди. У ҳануз ёш йигит эканлигига қарамай, унга нисбатан кўрсатилган иноят асоси шундай эдики, бир куни онҳазрат (Темур) уни хос хилватга чақириб буюрди: «Амирлар фалон подшоҳнинг қонидан ўтишимни сўрадилар, мен уларнинг сўзларига қулоқ солмадим, улар буни яна арзга етказдилар, мен эса ман қиламан; сен эса шундай қилишинг керак: мен уларнинг сўзига қулоқ солмай турган вақтимда сен далирона тиз чўкиб илтимос қиласан, мен эса сенга ўшқираман, сен ўрнингдан туриб орқага чекинасан-у, аммо яна шу ҳақда сўз очилганда кўрқмасдан олдинга чиқиб тиз чўкасан». (Шундай қилиб) амир Шоҳмалик бир неча бор чиз чўкиб (илтижо қилгач) онҳазрат: «Амирлар менга айтган бу сўзларга мен илтифот кўргазмаган эдим, энди, агар бу гўдакнинг сўзини эшитмасам, дили оғрийди ва ўз тенгқурлари орасида (568) шарманда бўлади», — деди ва унинг талаб-илтимосини қабул қилди. Шу тарзда (Темур) уни кундан-кунга тарбият қилиб борди ва у охири амирликнинг олий даражаларигача кўтарилди. Байт:

Бу бири-бирига уланиб борувчи
орзу-умидларга
бизни сенинг кўрсатган карамларинг
дадиллантириб қўйди.

Онҳазрат (Темур)нинг унга нисбатан инояти шу даражада эдики, у; «Қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатдаги қайси бир қишлоқни (Шоҳмалик) ихтиёр қилса, у қишлоқ унинг с у ю р ф о л и бўлади», — деб буюрган эди. Ҳаёти муддатида унинг с у ю р ф о л и узлуксиз (кўпайиб) борди. (Шоҳмалик) ўзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, работлар ва ҳовузлардан иборат кўп хайрли иморат-қурилишларни ёдгор қолдирди ва хусусан, ҳозирда унинг қабри ўша ерда бўлган Машҳади муқаддасда яхши мулклару марғуб экинзорлардан³ вақф тайинлади, <Оллоҳи таоло қабул қилсин>!

Ҳазрат хоқони саид ҳам унга нисбатан шундай бир меҳрибонлик кўргазар эдики, (ҳатто) Хоразм вилоятини унга дарбаста суюргол қилиб тайинлади ва у Хоразм мулкида осойишта ҳаётни шу даражага етказдики, дунё саркашлари ҳам Ўзбек вилоятларию Дашти Қипчоқ мутакаббирларини эл қилиб итоатга келтирди.

Ҳазрат хоқони саид Сарахс вилоятида эканлигида марҳум амирнинг ўн биринчи рабиъ ал-аввалда душанба кечаси (21 январь, 1426) ҳақ раҳматига етишганлиги хабарини эшитди. Онҳазрат унинг дунёдан ўтганлигига кўп қайғуриб, маъюсу маҳзун бўлди, аммо, (569) ажал жилови қудрат эгасининг тақдир кафтида ва умр тизгини парвардигорнинг эгалик қўлида бўлганлиги учун, на таассуф наф келтирадию на қайғу фойда беради: <Оллоҳ нимани истаса шуни қилади ва нимани ирода қилса, шуни буюради >⁴. Байт:

Иродат жилови бизнинг қўлимизда
 бўлмагандан кейин
 У (тангри)нинг карами нима қилса —
 қилсин, деб ташлаб қўйдик.

(Шоҳмаликнинг) хотини ва ўғли Иброҳим Султонлар қора либослар кийиб, мисра, — унинг жасадини Машҳадга келтирдилар⁵ ва худо раҳмат қилгур Ҳазрат Имомнинг (қабри) ёнига, (Шоҳмаликнинг) ўзи қурдирган мақбарага дафн қилдилар. Онҳазрат амир Шоҳмаликнинг суюрголи бўлган Хоразмни идора қилишни унинг фарзанди Иброҳим Султонга иноят қилди.

Ҳазрат хоқони саид қошидаги мўътабар кишилардан бўлган улуғ мавлоно Шаҳобуддин Абдураҳмон Лассон⁶ (570) марҳум амирнинг (вафоти) воқеасига бағишлаб бир неча байт буюрган эди, бу ерда келтирилди. Қитъа:

Эй хаста дил, бу қандай ҳолки,
 юдузлар бирданига
 ҳаммаси бу етти тахт (осмон)да

гирияу зор бошладилар.
Осмоннинг этаги нега худди менинг
 дилимдек қонга тўлди?
Ой чехрасини нега бундай ажинлар
 босди? —
Жанг чоғида унинг чангалида қоплон
 кийикка айланадиган
улуф амирнинг таъзиясидан хабар
 келганлиги учун эмасми?!
Шоҳмалик шундай жавонбахт, сахий
 эдики,
унинг сахийлиги олдида гавҳару лаъл
 рангсиз тошга айланар эди.
Унинг вафоти тарихи «раҳматуллоҳи алайҳ»⁷ —
 «унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин»
 сўзларида келган.
Жаннатда унинг суҳбатдошлари барчаси
 гўзал юзли бўлсин! (571)

Яна шу йил воқеаларидан бири Гилон вилоятининг подшоҳи бўлган ва салтанат ишлари билан бандлигига қарамай илму ҳикмат шуълалари унинг нурли замирида порлаган, салтанат ва подшоҳлик билан узоқ умр кўрган, бутун мол-мулкни йилма-йил фазлу камол арбоблари маошига сарфлаб, бу фоний жаҳонда яхши номини боқий қолдирган ҳамда умри бўйи <эй сариқ (олтин) ва эй оқ (кумуш) мендан бошқани алда> (деган сўзлар) фармонига амал қилиб бутун ҳаёти давомида сахий қўлини мису тиллога уриб булғатмаган муртазойи аъзам, <лақабларининг узоқ баён этилишига муҳтожлиги бўлмаган> амир Саййид Разиуддин Ризокиёнинг наврўз куни (21 март, 1426) бу кўҳна олам билан видолашганлиги воқеасидир. Байт:

Агар (умр) йили мингдан ортса ҳам
(охирги) кун мана шую оқибат ҳам
 шу! (572)

САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗИНЧИ

(1426—1427)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МАРҲУМ ШАҲЗОДА МИРЗО
СУЮРҒАТМИШ БАҲОДИРНИНГ ВАФОТИ

Сафар ойининг бошида (2 декабрь, 1426) мағфират осмонининг офтоби, марҳамат фалакининг тўлин ойи улуғ шаҳзода мирзо Суюрғатмиш баҳодир воқеасининг дилни эритиб жон куйдирувчи хабари ва изтиробга солиб умрни қисқартирувчи бахтсизлик дарағи етди: Ғазнин мулкида, Кобул мавзеида ўн олтинчи муҳаррамда¹ (17 ноябрь, 1426) унинг руҳи лочини таннинг тор қафасидан жаннатнинг дилкушо фазоси ҳавоси томон парвоз қилди ва <қудратли подшоҳ (тангри)-нинг ҳузурида ҳақиқат курсисида>² тангри раҳматига яқин ерда ватан қурди ҳамда дўстлик мажлисидан муқаддаслик доирасини афзал кўрди. Саодатманд фарзанднинг мусибати ҳазрат хоқони сайднинг чуқур қайғуга тушишига сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам кишининг иккинчи умри ва тириклик меваси бўлган содиқ фарзанднинг вафотидан кўра ачинарлироқ ва қайғулироқ яна қандай воқеа бўлиши мумкин?! Байт:

Бу кечмишни кўрган кўз бундан оғирроқ бошқа
воқеани кўрмади.

Бу хабарни эшитган дил ундан (бунчалик)
хабардор кишини кўрмади. (573)

(Бу қайғудан) жаҳон саросимага тушиб ўз борлиқ еридан ташқари қадам қўйгудек ва фалак ночорликда қолиб айланишдан тўхтагудек эди. У мулк (Ғазнин)нинг акобир ва ашрофлари қора кийдилар ва диллари пурхун бўлиб кўзларидан Жайхун дарёси оққан ва жонлари харобу сийналари кабоб бўлган ҳолда таъзият маросимига киришдилар. Замонанинг энг комил ва энг оқил кишиси бўлган ҳазрат хоқони сайд амирлар ва давлат арконларини кийимларни (қорага) ўзгар-

тиришдан ман қилди ҳамда сабр-қаноатга ва жазъ-фазаъни тарк этишга далолат қилди, чунки осмоний тақдирга қаршилик кўрсатиб, бас келиш мумкин эмас ва раббоний қазодан қочиб қутулиб бўлмас эди. Шаҳзоданинг (вафоти) воқеаси тарихига атаб айтганлар: қитъа:

Бундай воқеа қаршисида сабрдан ўзга

сипарга эга эмасман.

Чунки чарх гардиши бундай зулм ўтказишдан

ҳеч бир безовталиқ чекмайди.

(Шаҳзода) тупроқдан ватан қилди-ю

ҳисоблаб кўрилганда

унинг вафоти йили абжад бўйича «дорад хок»³ — дир.

Онҳазрат марҳум шаҳзоданинг с у ю р ф о л и бўлган барча вилоятларни унинг ҳақиқий вориси мирзо Султон Масъудга иноят қилди.

Шу йили жаноб шайхулислом, умматлар машойихларининг раҳбари, обид, зоҳид, тақводор олим (574) ҳамда султонлар ва амирларга нисбатан улуғвор ва мағрурона алоқа ва муносабатда бўлган, бир неча бор муқаддас байтуллоҳ зиёратига эҳром боғлаган худо раҳмат қилгур Шайх Муҳийуддин Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Тусий рамазон ойининг ўртасида (10 июль, 1427) вафот топди. Байт:

Жаҳон қутби бўлмиш Шайх Муҳий (уддин)нинг

вафоти

Ҳалаб орасида-ю рамазон ўртасида

(воқе бўлди)⁴.

**МОВАРОУННАҲР ВОҚЕАЛАРИ.
МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ БУРОҚ ЎҒЛОН
ДУШМАНЛИК КЎРСАТГАНЛИГИ ЖИҲАТИДАН
СИҒНОҚ ТАРАФИГА ОТЛАНГАНЛИГИ
ВА МИРЗО ЖЎГИЙНИНГ ХУРОСОНДАН
КЕЛГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Саккиз юз йигирма саккизинчи (1424—1425) йили Буροқ ўғлон Ўзбек подшоҳи Муҳаммадхон ўрдуси устидан галаба қозониб улусга ҳукмрон бўлиб олди ва саккиз юз йигирма тўққизда (1425—1426) Сиғноқ вилоятига ва Мирзо Улуғбекнинг мамлакати чегараларига⁵ келди. Унинг бобоси Ўрусхон, биринчи жилда муфассал баён қилиб ўтилганидек, ҳазрат соҳибқироннинг замонида Тўқтамишхонни мамлакатдан қувиб чиқарган (575) ва Тўқтамиш ҳазрат соҳибқирон ҳузурига паноҳ излаб келган эди. Ўрусхон эса бир қанча вақт Сиғноқда турди ва бир иморат қурдирди.

Буροқ ўғлон саккиз юз йигирма учда⁶ (1420) Мирзо Улуғбек қошига паноҳ излаб келди ва жаноб Мирзо Улуғбек уни тарбият қилиб (қайтишга) ижозат берди. У Ўзбек вилоятига жўнади ва улус ҳукмдорлиги унинг қўлига ўтди. Энди эса у Сиғноқ чегараларига келиб, Мирзо Улуғбек ҳузурига элчи юборди ва «Сизнинг тарбиятингиз шарофати билан ўз улусимни забт қилдим ва (энди) сизнинг яқинингизга келиб, иноятингиздан умидворман», — деб изҳор қилди. Лекин у ижозат берилмасдан илгари келганлиги ва: «Сиғноқ яйлоқи шарият ва урф бўйича менга тааллуқли, яъни менинг бувам Ўрусхон Сиғноқда иморат қурган» — деб юрганлиги⁷ жиҳатидан Улуғбек унга маъқул келадиган жавоб бермади. Сиғноқ тарафларнинг ҳокими бўлган амир Арслонхожа тархон Буροқ ўғлон устидан шикоят қилиб: «Унинг навкарлари бу тарафда харобаликлар келтирмоқдалар, ўзларини ҳокими мутлақ деб биладилар ва салтанат лофини урмоқдалар», — деган хабарни маълум қилди.

Мирзо Улуғбек у тарафга юришга⁸ жазм қилиб катта бир лашкарни тартибга келтирди (576) ва (Ҳиротга), олий тахт

поясига арзнома юбориб, воқеа шарҳини баён қилди⁹. Онҳазрат (Шохрух) олам вайронгарчилигининг сабаби бўлмиш жанг ва хусуматдан (Улуғбекни) ман қилса ҳам, аммо бир лашкарни¹⁰ мирзо Муҳаммад Жўтий байроғи соясида Мовароуннаҳр томон боришга тайин қилди. Мирзо Муҳаммад Жўтий (830 йил) рабиъ ал-охирнинг ўн еттинчисида (15 февраль, 1427) Самарқанд томон юзланди.

Шу ерда фасиҳлару мутакаллимларнинг энг фасоҳатлиси, насабнома тузувчилару солномачиларнинг энг билимдони, шоншавкат қоидалари муншийси, (унутилиш) тугунида (қолган) фахрли (ишларни) намоён қилувчи, улуғ султонлар ҳамнишини, мағрур хоқонлар улфати, тангри инояти билан тақдирланган, миллат ва дин нури, (577) туғилган жойи бўйича Ҳеравий, насаби бўйича Ҳамадоний (нисбали) Ҳофиз Абри (лақаб) билан машҳур бўлган тангри кечиргур (Нуруддин) Лутфуллоҳнинг «Зубдат ат-таворих ал-Бойсунғурий» номли асари тугади¹¹. Унинг вафоти тарихи ва дафн қилинган жойи ушбу байтда келтирилган. Байт:

Саккиз юз ўттиз тўртинчи йил шаввол
ойида (12 июнь — 10 июль, 1431)
Зинжон шаҳрида Ҳофиз Абрунинг вафоти
рўй берди.

Мирзо Улуғбек Буроқ ўғлонга қарши урушга отланганлиги ҳикоясининг шарҳи хожа Ҳофиз Абрунинг асарида нотаом бўлганлиги учун қалам овозининг пасту баланд пардалари нағмаси у рақамни тамомлашга саъй-ҳаракат кўрсатгусидир. Байт:

Ҳофиз ҳикоятини шу ерга етказгач,
сипехр унинг сўз бисотини йиғиштириб
қўйди.
Энди шу дурустки, қалам ширин
забонлик қилиб,
қамиш найи шакар сочишга киришсин.
У сўз ёдгорликлари шарҳини бошлаб,
бу кўҳна чарх хабарларидан
сўзлаб берсин.

Танлар отдану каллалар тандан йиқилиб,
 фалак хун дарёсию ер хун саҳросига
 айланди.

Мирзо Улуғбекнинг лашкари кўп сонли эканлигига мағрур бўлиб, (оятда) <кўп сонли эканлигингиз сизни мағрурлантирган Хунаюн куни>¹³ дейилгандек, жуда кам сонли душман сипоҳини сира ҳам назарга илмас ва <Оллоҳнинг изни билан қанча кам сонли гуруҳлар кўп сонлилар устидан ғалаба қилганлар>¹⁴ (оятти) воқе эканлигидан ғофилда эдилар. Душманлар фидойилардек баб-баравар жангу жадалга киришиб, зўрлик ва қудрат қўлини чўздилар; Мирзо Улуғбекнинг ўнг ва чап қанотлари танглиқда қолди. **(581)** Мухолифлар қулга ҳужумга ўтдилар ва қалб ҳам вайрон бўлди. Оқибат Мовароуннаҳр лашкарида қочиш белгилари ва енгилганлик аломати кўриниб қолди. Ҳайрат ва даҳшат Мирзо Улуғбек устидан ҳукм юритиб, унинг дилига ғайрат олови тушди ва у ўзни тута билиш жиловини қўлидан бериб қўйиб ҳалокат маъракасига қадам қўйиши ва худо кўрсатмасин, тадорикининг имкони хаёл ойнасига ҳам келмайдиган бирор сурат рўй бериши мумкинлиги хавфи туғилди. Иш куч қўллаш чегарасию ихтиёр панжасидан ташқари чиққанлигини кўргач, Мовароуннаҳр амирлари Мирзо Улуғбекнинг бедов оти жиловини тутиб маъракадан ташқари олиб чиқдилар. Жаҳон паҳлавонларининг саромади, ҳазрат хоқони саиднинг мулозимларидан бири бўлган ва онҳазратнинг ижозатисиз мирзо Жўтийга давлатхоҳлик кўрсатиб у билан бирга Мовароуннаҳрга келган қурлос қавмидан бўлган Паҳлавон Маҳмуд Дандоний жанг куни уруш майдонига етиб келди ва шижоат ҳам диловарлик асарларини намоён қилди. Аммо, душман ғолиб келганлигини кўргач, у кўп урунишлардан сўнг мирзо Жўтийни хунхор маъракадан олиб чиқди ва тезлик билан Самарқанд томон равона бўлди. Шиор ва ҳунарлари ҳамиша фатҳу зафар бўлган бир сипоҳ қочқинликка учраб, ғорат топди. Ўзбеклар эса хаёл ойнасида кўриниши ҳам маҳол бўлган зафар суратини аниқ ва равшан мушоҳада қилдилар ва уларнинг қўлига кўп мол ўлжа тушди.

(582) Бутун Мовароуннаҳр мамлакати шундай тўс-тўполонга учрадики, (ҳатто) бир гуруҳ калтабин кишилар Самарқанднинг дарвозаларини беркитиб қалъадорлик қилмоқчи бўлдилар, лекин у шаҳар ва диёрнинг ихтиёр (эгалари) бўлган Самарқанд ақобирлари буни ман қилиб, — байт, —

У кимнинг итики, ўз панжасини тулкига
олдирган бўла туриб,
яна шер мардларга қарши жангга

кирса, —

дедилар.

Буроқ ўғлоннинг лашкари Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари атрофида шаҳарларни вайрон қилиш ва одамларни қийнаш билан машғул бўлдилар ҳамда бир дақиқа вақтни ҳам талон-торожсиз ўтказмадилар. Бу мудҳиш хабар ва бу нохуш кечмиш Хуросонга, ҳазрат хоқони саиднинг арзгоҳига етди¹⁵. (583)

Бу йил воқеаларининг энг йирикларидан бири¹⁶ ҳазрат хоқони саиднинг пичоқ еганлиги қиссасидир¹⁷. Бунинг шарҳи қуйидагича: онҳазрат ўз салтанат шавкатининг улуғлиги ва хилофат мансабининг камолга етганлигига, яъни рубъи маскуннинг аксари ҳумоюн фармон остида эканлигига ва Чин чегараларидан Румнинг этакларигача, Туркистоннинг ниҳоятдан Ҳиндустоннинг поёнигача жаҳон бўйсунувчи фармонга итоатда эканлигига қарамай, ҳамиша ожизлик юзини ихлос ерига қўйиб тилини зикру муножотга юритган эди ва саждагоҳ тупроғини кўз ёши билан қориб:

«Илоҳо! Бу бекасининг илтижоси нимадан иборат эканлигидан огоҳсан, менга (бу дунёда) мажозий салтанату муваққат давлат бағишлаганингдек (у дунёда ҳам) ҳақиқий хуррамлик маконию маънавий жаннат саройига йўл кўрсатгин, — байт:

Мени ўша мақомимга етказгинки, мен
сенинг нишонингни топай.

Мен бир ғалатман, бенишонлик
нишонидан ким нишон топади?! —

ҳамда замонанинг муҳим ишлари тизгинини ва хосу омлар гуруҳи ихтиёрини бу заифнинг эгалик қўлига топшириб қўйганинг бир неча кунда, менга яна адолат ва шафқат кўрсатишда, шаҳарларни тузатиш, қуларни иззатлашда ҳам мадад, каромат қилгин!», — дер эди. (584)

Онҳазрат тоат вазифалари ва ибодат шартларини бажаришга доимо бел боғлаган бўлиб, фарз ва суннатлар, вожибот ва мустаҳабботларни яхши адо этиш унинг қутли асар тирик-лигининг шиори эди. Бу мақтовли сифатлар ва ёқимли ниятлар шарофати билан олий ва муқаддас мулк эгаси (тангри) жаноб подшоҳ (Шоҳрух)ни ўз илоҳий ҳимоятида сақлаб келар ва ёмон андишали кишиларнинг макр-ҳийласидан у ҳазратга бирор зарар-заҳмат етмас эди. Байт:

Бутун олам тифлари ҳаракатга
келган чоғда,
агар худо хоҳламаса, биронта
томир ҳам қирқилмайди.



Онҳазрат <Эй имон келтирганлар! Жума куни намозга нидо қилинганда Олоҳни зикр қилишга шошилинглар!>¹⁸ (деган оятнинг) буйруғига биноан, жамоат кунларининг аксарига доруссалтана Ҳиротдаги жоме масжидига ташриф буюрар эди. Рабиъ ас-сонийнинг йигирма учинчисида (21 февраль, 1427) жума куни одат бўйича у ўз вужуди билан масжидни шарафли қилди ва намозни тамомлаб, (585) барча ишларни осон этувчи подшоҳ (Олоҳ)га арзу ниёзларини изҳор этиб бўлгач, ташқарига чиқиш учун жойнамоздан турди. У ҳали масжид ичида юриб кетаётганида ногоҳ мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан Аҳмад лур¹⁹ номли намадпӯш бир шахс шикоятчи сифатида қўлига бир қоғозни ушлаб яқин келди. Онҳазрат «Унинг сўзини маълум қилиб арзга етказинглар», — деган маънода мулозимлардан бирига ишорат қилди, бироқ беандиша Аҳмад лур олдинга югурди ва сув қатрасидек (ялтироқ) пичоқни онҳазратнинг қорнига урди²⁰. Аммо илоҳий иноят барча ҳолларда ҳам онҳазратнинг соқчиси ва кўмакчиси бўлган-

лиги ҳамда унинг ҳумоюн вужуди туфайли (586) олам аҳли амну осойишталикда ҳаёт кечириб, жаҳон аҳли ва айниқса, гўшанишинлар дуоси балони қайтаради, (деганларидек), гўшанишинлар дилу жондан самимий дуода бўлганликлари учун пичоқ кор қилмади; захм кучли эмас эди.

У ярамас лурни ҳам ўша жоме масжидида ичкилар қатлга етказдилар. Жумладан, мўътабар кишилардан бўлган Манку қавчиннинг ўғли Али Султон, ўша ҳолатда, у шахсни қатлга етказаман, деб онҳазратдан розилик сўради ва рухсат олгач, аёвсиз тиф зарби билан уни ҳалок қилди. Байт:

Уйга аҳёнан кириб қоладиган
чиён мисоли
бузуқ хаёлли киши ҳам ёмон
ишни бошлайди.

Бу воқеа юз бергандан кейин халойиқ дилидан фарёд кўтарилиб, фиғон осмонга туташди. Шундай қоида бор эдики, онҳазратнинг отга миниш вақтида ноғорачилар ноғорани уриб, секин-аста олдинга жилар эдилар. (Бу гал ҳам) ҳазрат хилофат жойнамоздан турганлиги хабари ноғорачиларга етганида, улар одатга мувофиқ ноғора чалишга бошлаган эдилар, бироқ ногоҳ ноғора садоси тўхтаб қолди. Нима ҳолат рўй берди, деб халойиқ орасига ғулғула тушди. Халойиқ масжид томига югурди ва онҳазрат отга минадиган айвон тепасига катта бир тўда йиғилди. Улуғ амирлар: амир Аловуддин Алика кўкалтош ва амир Жалолуддин Ферузшоҳлар масжиддан чиқиб отга миниб турганларида бу ҳол юз берган эди. Онҳазрат амир Ферузшоҳни чақиртирди. Амир буткул изтиробга тушиб, отлик ҳолича масжидга кирди ва у ҳолатни кўриб димоғидан ҳайрат дуди кўтарилди; (587) ҳазрат хоқони саид тахти-равонга ўтирмақчи бўлган эди, амир Ферузшоҳ: «Агар онҳазрат тахтиравонга ўтириб йўлга чиқсалар, катта бир фитна кўтарилади ва кишилар, худо кўрсатмасин, (онҳазратнинг) тирик-тирикмаслиги борасида тараддудга тушадилар», — деди. Ҳазрат (хоқони саид) бахту саодат билан отга минди ва ноғораларни ҳайбат ва



шавкат билан чалдириб, бозорнинг тўғри йўли билан Боғи Зоғонга келиб тушди. Табиблар ва жарроҳлар тадбир қўллашу марҳам қўйиш билан машғул бўлдилар. Бу воқеа тарихига атаб, айтганлар: қитъа:

Тарих саккиз юз ўттизинчи йил эди,
жума куни, намоздан кейин
Хуросонда-ю, лекин Ҳирот шахрида
жуда ажиб бир қисса юз берди:
бир қинғир қадам (шахмат) тахтасида
худди фарзиндек
шоҳ бериб, рухни урмоқчи бўлди, бироқ
ўзи мот бўлди.

Мирзо Бойсунғур ва амирлар ярамас лурнинг ишини текшириб кўриб, унинг (шошилинич) ўлдирилганлигидан пушаймон бўлдилар. (588) Унинг нарсалари ичидан бир қалитни топдилар, а с а с лар диққат билан қидиришган (589) эди, бир тимча (таги)даги бир уй у қалит билан очилди. Тимча аҳли у шахснинг ташқи аломатларини баён қилиб: «Шундай киши бу ерда яшар эди, тоқиядўзлик қилар эди, унинг олдига кўп кишилар келар эдилар, шу жумладан, мавлоно Маъруф Хаттоти Бағдодий ҳам²¹, — дедилар.

Бу мавлоно Маъруф жаҳон истеъдоддиларининг саромади ва замона нодираси эди. Хаттотликдан бошқа яна турли-туман фанлар ва хилма-хил камолотларга эга эди. Хожа Жалолуддин Салмоннинг қасидасига жавобан айтган эди: — байт, —

Сенинг кўзинг сипоҳидан тўғри отилган
ҳар бир ғамза тири
дил хоҳлаганидек сийна ичига
келиб қадалди.

У Султон Аҳмади Бағдоддан юз ўгириб Исфаҳонга, мирзо Искандар ибн мирзо Умаршайх ҳузурига келган ва унинг китобхонасига тайин қилинган эди. Айтишларича, мирзо Искандар ҳар кунига беш юз байт муқаррар қилганига қарамай,

у бир кунда бир минг беш юз байт кўчирган ва сўнг икки кунгача ҳеч нарса ёзмаган ва мирзо Искандарнинг ҳукмига хилоф иш қилган. (Мирзо Искандар) нега у (икки кун) ҳеч нарса ёзмаётганлигини сўраганида у: «Бир кунда уч кунлик китобат қилишни истайман» — деб жавоб берган. Сўнг мирзо Искандарнинг буйруғи билан соябонлар ва чодир тиклаганлар ва бир киши қалам тарошлаб турган, мавлоно эса ёза берган. Намозгаргача бир минг беш юз байтни **(590)** ғоят нозик қилиб ёзиб битирган. Мирзо Искандар унга кўп инъомлар берган.

Ҳазрат хоқони саид Форс ва Ироқ мамлакатларини фатҳ қилган вақтда мавлоно Маъруфни Ҳиротга келтириб, хослик рақамини чекди ва у хос котиб бўлиб қолди. У хушсуҳбат, ширинсўз бир киши эди. Асалий (рангли) намат (чопон) кияр, ўша (рангли) матодан тикилган баланд намат тоқияни бошига қўяр ва намат жиякни унинг айланасига ўрар эди. Пойтахтнинг истеъдодли ёшлари, масалан, мавлоно Тожулаимма Хоразмий ва бошқалар, унинг суҳбатига майл кўргаздилар: бир нечтаси хат (ўрганиш) юзасидан, баъзилари у билан суҳбатдошлик учун. Мавлоно бағоят вазмин ва улуғ табиатли киши эди. Мирзо Бойсунғур мавлонодан ўзи учун «Хамсайи Низомий»ни битиб беришини истади ва унга яхши қоғоз юборди. Мавлоно қоғозни бир йилдан ортиқ ушлаб туриб, сўнг ҳеч нарса ёзмай қайтариб берди. Бу иш жаноб Бойсунғурга ўта даражада ёқмади.

Қисқаси, шу вақтда мавлоно Маъруфни айблаб ҳибсга олдилар. Унинг олдига келиб-кешиб юрувчи истеъдодли ёшларнинг аксари ваҳимага тушиб қолдилар ва тамагирлар улардан кўп зар (пора) олдилар. Мавлонони бир неча марта дор остига келтириб, оқибат Ихтиёруддин ҳисори чоҳига ташладилар.

Мавлоно Фазлуллоҳнинг қизи томонидан авлоди бўлган Хожа Аздудинни ва Аҳмад лур билан иттифоқ тузишган бир неча бошқа кишиларни қатлга етказиб, куйдирдилар²². **(591)**

Мирзо Бойсунғур муртазойи аъзам, **(592)** муқтадойи мукаррам амир Саййид Қосим Табрзийга нисбатан кек сақлаб

юрар эди, бу муносабат билан уни ҳам қувфин қилишга буюрдилар ва жаноб Саййид Самарқанд томонга бош олиб кетди. У ўзининг бир ғазалида бу кечмиш шикоятидан бир озгинасини нозик тарзда адо қилади, унинг матлаи шундай: байт:

Эй ошиқлар! Эй ошиқлар! Шундай фурсат
келдики, бу жаҳондан
дилимининг қуши етгинчи осмон тепасига
учишга етди.

Ўзининг тахаллусини баён қилар экан, у яна бундай дейди: байт:

Эй Қосим, сўзни калта қилу туриб
йўлга отлан.
Тўтининг тилидан чиққан шакар
калхатлар наздида ҳаромдир.

У жўнаб кетиш олдидан отга минмоқ учун висоқдан ташқари чиққанида айтди: байт: (593)

Билмайман, тақдир бизнинг пешонамизга
қандай қисматни ёзганки,
бу даргоҳдан бизни доим дарбадар
қувадилар.

Ҳақимлар ва табиблар бир неча кун давомида усулларини қўллаганларидан кейин, ҳазрат хоқони саид тамоман сиҳат топиб, табиат қуввати беморлик гардини ҳумоюн этақдан қоқиб ташлади. Халойиқ тўла ихлос билан билимдон малик (Оллоҳ)-нинг каломидаги <Биздан қайғуни йироқлаштирган Оллоҳга ҳамд бўлсин>²³ (деган оят) мазмунини ўз тилларининг доимий ҳамду саноси ва дилларининг зикру баёнига айлантирдилар ва самимийлигу ниёзмандлик билан айтар эдилар: байт:

Сенинг танинг табиблар муолижасига
муҳтож бўлмасин,
нозик вужудинг бирор зарар-заҳматдан
озор топмасин.

Бутун олам саломатлиги сенинг
 саломатлигинга боғлиқ бўлгач,
 вужудинг ҳеч бир ҳодисадан
 дардга чалинмасин.

Шундай қилиб ҳақ таоло (хоқони саидга) тўла сиҳатлик каромат қилди²⁴.

ҲАЗРАТ ХОҚОНИ САИДНИНГ МОВАРОУННАҲР ВИЛОЯТИ ТОМОН БОРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Ҳазрат хоқони саидга ёмон кўз тегиш захми етишиб, тақдир қўли давлату иқбол чехрасига бу ҳодисанинг нил бўёғини тортгач, бу мудҳиш кечмиш хабари рубъи маскуннинг атроф ерларида турли-туман сўзлар билан оғизларда талқин этилди (594) ва фитнаангиз замона меҳнату бало эшикларини жаҳон аҳли юзига очди.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Мирзо Улуғбек Буроқ ўғлон билан муҳорабада шикаст еганидан кейин, Мовароуннаҳр мамлакати буткул тартибсизликка учраган эди. Шунинг учун онҳазрат юриш жilовини дорулмулк Самарқанд томон бурди ва шаъбоннинг бошида (28 май, 1427) доруссалтана Ҳиротдан йўлга чиқди²⁵. Мирзо Бойсунғур ҳам кетма-кет отланди. Ҳумоюн ўрду Балхга етиб, ғолиб мавкаб Жайхундан ўтди²⁶. Мирзо Бойсунғур эса фармонга мувофиқ ва Мирзо Улуғбек кўрагоннинг илтимосига кўра Хуросон тахтгоҳи томон қайтиб кетди²⁷.

Рамазоннинг ўн бешинчи куни (10 июль, 1427) кечаси хайр хожаси бўлган Қанбар Кирангий Абивардийни жаҳон шаҳзодаси (Бойсунғур)нинг ўрдусида, Балх ташқарисидаги ўз чодирда ўлдирилган ҳолда топдилар, қотил эса топилмади. Унинг ўлими борасида амир Сайфуддин Жунайд Жоний Қурбонийни гумон қилдилар, чунки унинг ҳукмронлик ва зўравонлигидан у вилоятнинг барча раияти тангликда қолган эди.

Мирзо Бойсунғур Балх ташқарисидан суръат билан йўлга чиқиб, рамазон ойининг йигирма биринчисида (16 июль, 1427) (595) Ҳиротдаги Боғи Сафидга келиб тушди. Шаҳзодада кутилмаганда бир касаллик пайдо бўлиб, ҳозиқ табиб ва синчков ҳукамолар: мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Одам ва мавлоно Низомуддинлар эртаю кеч унинг хизматида туриб, ичиладиган дорилар тартиби ва ейиладиган нарсалар тадбирига машғул бўлдилар. У икки Исо дамли қутли қадамларнинг яхши муолажаси туфайли олам аҳли шаҳзодасининг мизожи оғишиш ва беморлик йўлидан тўғрилиқ ва мўътадиллик кўчасига қайтди ва шаҳзода сиҳат топди. Байт:

Сенинг зотинг тўла сиҳатлик топди;
минг бор шукрлар бўлсин.

Дегил: ажали етган душман ўлсину
ҳасадчилар ҳам.

Ҳумоюн ўрду Жайҳун соҳилидан равона бўлди; Мирзо Улуғбек ва Мовароуннаҳрнинг акобирлари худди саодату иқболдек истиқболга чиқдилар ва карамли бармоқларни ўпиш фаҳри билан сарафроз бўлдилар²⁸ (596) ҳамда (зар) нисор қилиш ва ҳожатларни (тилаш) маросимини бажо келтирдилар. Онҳазрат камол улуғворлик билан салтанат тахтининг қароргоҳи ва бу улуғ шаън-шавкатли хонадон халифалиги доирасининг маркази бўлмиш доруссалтана Самарқандга тушиб қарор топди.

У аввало, шаҳардаги баракотли мозорлар, масалан, шаҳзода Қусам ибн ал-Аббоснинг мозори, аҳли суннат ва жамоат шайхи, Оллоҳ раҳмат қилгур, Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг мозори ва бутун дунё имоми Хожа Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг бузургвор мозорига ташриф буюрди ва уларнинг руҳидан мадад тилаб фақирлар ва муҳтожларга тортиғу садақалар етказди ва эҳтиёжман қишиларни хушвақту хурама қилди. Сўнг хоқонлик салтанати тахти ва халифалик ҳам жаҳонни идора курсида камоли улуғворлик билан мақом ва ором топди.

Сўнгра у Буроқ ўғлон муҳорабаси ҳақида суриштирди ва у кечмишнинг тагига етди; воқеа шарҳини сўраб билганида бир нечта Мовароуннаҳр амирлари гуноҳкор бўлиб чиқдилар. Уларни олий девонда чўп ёсоқ қилиб урдилар. Мирзо Улуғбекни эса хитобу итоб мақомига келтириб, жуда қаттиқ сўроқ қилди (597) ва шаҳзода бир неча вақт безътибор қолди. Сўнг онҳазрат тараҳхум қилиб, у вилоятни яна азиз фарзандига ато қилди ва у мамлакатни сақлаб идора қилиш ишини унинг гўзал тадбирига топширди.

Ҳазрат Шоҳрухнинг Мовароуннаҳр мамлакати атрофида барқ урган зафар оятли байроқлари офтобининг ёруғлигидан Буроқ ўғлон фитнасининг вилоятдан дуд кўтарган олови тамоман таскин топди. Буроқ эса умидсизликка тушиб орзу тиши иштиёқ оғзида синди ва қочиш жоловини оворалик йўлига буриб, минг-минг ҳасратлар билан у мамлакатдан қайтиб кетди.

Онҳазрат Мовароуннаҳр мамлакатини идора қилиш ишлари ва ёсомиши й сини муносиб тарзга келтириб, ўн тўртинчи зу-л-ҳижжада (6 декабрь, 1427) зафар нишонли байроқлар Хуросон мамлакатига қайтишга бошлади.

Ҳерийнинг пири, кўнгли поклангур Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг (саккиз юз) йигирма тўққизинчи йил муҳаррамада (13 ноябрь — 12 декабрь, 1425) асос солинган бузургвор мозори бу йили (1427) тамомланиш шарафини топди. Мисра: Султон лутфи билан у олий мақом қурилиб битди. (598)

САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗ БИРИНЧИ

(1427—1428)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

МОВАРОУННАҲР МАМЛАКАТИДАН ҚАЙТИШ ЗИКРИ

Хумоюн мавкаб Мовароуннаҳр мамлакатидан қайтиб ўн биринчи муҳаррамда (1 октябрь, 1427) доруссалтана Ҳиротга улуғвор келиб қўнди. Жаҳон аҳли оламини забт этувчи хоқон-

нинг етиб келганлиги шарафига шод-хуррамлик билдириб, (зар) сочиш ва пешкаш қўйиш шартларини бажо келтирдилар. Байт:

Тангрига шукрлар бўлсинким, бугун у
 (Шохруҳ)нинг қадамлари
 шарофатидан
сочилаётган зардан бошқа бирор паришон
 киши қолмади.

Эроннинг бошлиқлари ва Форс Ироқи этагидан Ҳиндустоннинг поёнигача (бўлган жойлардаги) давр ақобирлари ер ўпиш мақсадида олампаноҳ даргоҳга юзландилар ва ҳар бир киши ўз тутган йўли ва шавкатига яраша иноят ва илтифот маросимларига мушарраф бўлди ва қайтишга рухсат топиб, ўз ватан ва шаҳарларига жўнаб кетдилар. Байт:

Бандаларни эркаловчи подшоҳнинг лутф-эҳсони
 шарофати билан
жаҳон аҳли эъзоз-икромларга чўмиб, ватанлари
 томон жўнадилар. (599)

МИРЗО АБУ БАКР ИБН МУҲАММАД ЖЎҒИЙ БАҲОДИРНИНГ ТУҒИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Муқаддас ҳазрат ҳақ таоло мирзо Муҳаммад Жўғийга шоҳлик дарёсидан бир дур ва поёнсиз фазл осмонидан равшан бир юдуз каромат қилди ҳамда салтанат сафи ва халифалик шодасига бир бебаҳо гавҳар қўшилди; коинот ойнасида дил истаган бир сурат юз кўрсатди. Байт:

Илоҳий сахийликдан яна бир янги
 неъмат етишди,
султон давлати боғида яна бир янги
 сарв ниҳоли униб чиқди.
Бу муборак фолдан олам кўзи гўё
 нур топди

ёки Хизр пешравлик қилдию мангу
 тириклик чашмаси етишди.
 Давлат чаманзори ўртасида бир бўстон
 очилди
 Оллоҳнинг сояси (Шоҳрух) кучоғига яна
 бир офтоб етишди.

Йигирма саккизинчи муҳаррамда (18 октябрь, 1427) жаҳон мирзо Абу Бакрнинг дунёга келиши шарафига мушарраф бўлди ва бу қутли оқибат билан туғилган чақалоқнинг вужуди оламга зебу зиё ва зийнату баҳо бағишлади. Ҳазрат хоқони сайднинг бахтиёрлик сабаблари зиёда бўлди ва у оламни нурлантирувчи ёритғич шуъласидан замона чеҳрасига хурсандлик таратувчи нурлар порлади. Маҳди улё Гавҳаршод оғо, мирзо Бойсунғур ва аркони давлат табрик маросимларини адо этиб сочқию нисорлар келтирдилар. Аъло ҳазрат тўй тайёргарликларини кўриб, базм тузишга ишорат қилди. Чин суратхонасининг рашкини келтирувчи беҳишт (базми)дек бир мажлис (600) ташкил топди. Байт:

Султонларга хос байрам олам султонига
 муборак бўлсин!
 У (султон) шундай подшоҳки, у билан
 жаҳондорлик тожи зебо бўлди.
 У (султон) олам мадори, давр эгаси ва
 даврон ҳукмдоридир,
 мулк паноҳи, шариат таянчи ва мусулмонлар
 қўриқчисидир.
 Дину давлатнинг мадакори денгиз кафтли
 Шоҳрух султон
 шундай (сахийки), унинг олдида ҳайронликдан
 денгизнинг оғзи очиқ.

Тўй асбобларини тахт қилиб турган мирзо Муҳаммад Жўгий бир неча кун кетма-кет тўйлар тузди, дўстлар мажлиси энг

гўзал бир тарзда рўй берди, базм палосини безатиб хуррам-ликни авжига етказдилар ва айшу ишрат эшикларини замона юзига очдилар. Байт:

Муваффақ бўлганинг ҳар бир хушвақтликни
ганимат билгин,
чунки иш охири нима билан тугалланишидан
ҳеч ким воқиф эмас!

САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗ ИККИНЧИ

(1428—1429)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ОЛАМНИ ЗАБТ ЭТУВЧИ ҲОҚОН ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИ ТОМОН ЮРГАНЛИГИ ЗИКРИ

Амир Искандар ибн амир Қаро Юсуф Озарбайжон мамлакатада исён калимасини эълон қилишга журъат этиб ва (601) катта лашкар билан Ироқда юриб Султонияни олганлиги ҳамда Султония, Абҳар, Қазвин ва Зинжонларнинг ҳокими амир Хожа Юсуф амир Илёсхожа ўғли асир тушганлиги хабари шу йил бошларида шавкатли қулоқларга етди. Ҳазрат хоқони саид Озарбайжонга юриш қарорини қатъийлаштириб лашкарларни тўплашга фармон берди. Худди биринчи Озарбайжон юриши қабил ва йўсунида Туркистон, Мовароуннаҳр, Бадахшон, Хутталон, Қундуз, Бақлон, Балх, Шибирғон, Марв, Мохон, Кобул, Зобул, Сеистон, бутун Хуросон, Хоразм, Мозандарон, Форс, Ироқ, Кермон ва Исфаҳон мамлакатларидан жаҳонжаҳон лашкар қўзғалиб ҳумоюн лашкаргоҳга юзланди. Олижаноб шаҳзода мирзо Бойсунғур ва улуғ амирлар Шайх Луқмон барлос ва амир Алика кўкалтошлар манғло й сифатида жўнаб кетдилар. Онҳазрат эса якшанба куни бешинчи ражабда (10 апрель, 1429), — мисра, — Муштарий (сайёраси) ундан

саодатга эришувчи бахтли бир фол билан доруссалтана Ҳиротдан йўлга чиқди.

Ойнинг ўн тўртинчисида (19 апрель, 1429) руҳи поклангур шайхулислом Аҳмади Жомнинг муборак қабри ва табаррук мозорига етиб, унинг руҳидан мадад тилади ва муҳтожларга назр ва садақалар улашди.

Ойнинг йигирма биринчисида (26 апрель, 1429) Нишопур вилоятига кириб, у диёр машойихларининг муқаддас руҳларидан мадад тилади. Йигирма еттинчида (2 май, 1429) эса Баҳробод қасабаси онҳазратнинг вужуди файзидан мажма ал-бахраинга айланди ва (онҳазрат) руҳи поклангур Шайх Саъдуддин Ҳуммуий ҳазратларининг нур ёвилган мозори(га бориш) шарафини топиб, **(602)** зиёрат шартларини бажо келтирди.

Шаъбон ойнинг тўққизинчисида (14 май, 1429) зафар нишон мавкаб Бистом ва Харақон вилоятини (ўз қадами билан) шарафли қилиб, тақводор шайх ва художўй ориф худо раҳмат қилгур Абу-л-Ҳасан Харақоний ҳамда орифлар султони Шайх Абу Язидларнинг (мозорлари) зиёратига бориб, зиёрат қоидаларини адо этди. У жойни маскан тутганлар ва фақирлар жаҳон итоат қилувчи султоннинг садақа-бахшишидан баҳраманд бўлдилар.

Ойнинг ўн иккинчисида (17 май, 1429) Домғон шаҳрининг рўбарўси нусрат паноҳ подшоҳнинг лашкаргоҳи бўлди. Онҳазрат сидқи ният ва самимий хоҳиш билан Тарзакуҳга чиқди ва у мақомда дафн этилиб ором топган улуғ машойихлар руҳларидан кўмак тилади.

Ойнинг ўн еттинчисида (22 май, 1429) Симнон қасабаси ҳумоюн манзилгоҳга айланди ва онҳазрат бузургвор шайх, замона раҳбари, ҳаққоний муршид худо раҳмат қилгур Шайх Рукнуддин Алоуддавла Симнонийнинг (мозорини) зиёрат қилишга мушарраф бўлди.

У ердан жаҳонпаймо саманд (от)нинг жиловини Рай вилояти томон буриб, муборак рамазон ойининг тўртинчисида (7 июнь, 1429) Табрак рўбарўси ҳумоюн қўниш шарофати билан фалак фазосининг рашкини орттирувчи бўлди; (онҳазрат) Саййид

Абдулазим, Шайх Иброҳим Хавос ва Имом Муҳаммад Шайбонийларнинг зиёратига бориб, маросимларни бажо келтирди.

Шу қабилда етиб келинган вилоятларнинг ҳар бирида бирон бузургворнинг мозори борлигини билса ёки эшитса, эҳтиёж юзини у ерга қаратиб ҳожатларни тилаш тариқини ўз тутган йўли деб билди. **(603)** Шубҳасиз, ана шу ният шарофати ва шундай ақида мадади билан, зафар йўлдоши бўлган мавкаб қайси тарафгаки юз тутмасин, ҳақ таоло нусрату иқболни унинг истиқболига қўш отлаб юборди, подшоҳона улуғ хотир нурли замиридан кечирган ҳар бир орзуни илоҳий иноят унинг муроди қучоғига киргизди. Байт:

Унинг тийрак бахти қайси томонга
юз тутмасин,
азалий иноят доимо унга
ёр бўлғусидир.

Алқисса, ҳазрат хоқони саид бир неча кун давомида Рай мулкани салтанат доирасининг маркази қилиб, зафар оятли байроқни у вилоятда тиклаб турди. Жаҳон лашкарлари, Эрон ва Турон сардорлари зафар паноҳидаги сипоҳга келиб қўшилдилар ва юз минг номдор суворий ғалаба шиор байроқлар соясида қарор топди. Осмон юдузлари адади унинг кўп сонлиги қаршисида ҳеч бўлиб кўринган бир лашкар ва ақлу идрок ҳисобчиси унинг сон-санofi шарҳида ҳайрон қолган бир сипоҳ (жам бўлди). Байт:

Юдузлар сонидан ҳам кўп
бир сипоҳ,
ҳисобу санoққа сифмайдиган
бир сипоҳ.

Аъло ҳазрат <Ё тангрим, менга ўз оиламдан кўмакчи бергин>¹ (деган оят) тақозосича қутли фол фарзанд, салтанату иқбол доирасининг нуқтаси, давлату диннинг таянчи Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султонга ҳумоюн чақириқ юборган эди. Яъни, — байт, —

Сипоҳнинг ҳам, сипоҳ бошлиқларининг ҳам
 умиди сенда:
 омад билан йўлга чиққину саломат
 бўлгин! (604)

(Оятдаги) «ан-насуру мин инди-л-лоҳ ил-алим»² — <кўмак энг билимдон Оллохдандир> сўзлари унинг баёнини адад тили билан изҳор қилувчи бир тарихда жаҳонгир ва жаҳондор подшоҳ, гардун савлатли ва Баҳром қудратли Хусрав, — мисра: яратилган бандалардан афзалу яратувчидан кам, — мирзо Иброҳим Султоннинг кишварларни фатҳ этиб оламга зеб берувчи, Фарқад (юлдузига) бош тортган байроғи Форс дорулмулкидан тикланиб, беқиёс лашкар билан оламини забт этувчи подшоҳ ўрдусига юз тутди ва Озарбайжон томон йўл олиб, Рай мулки рўбарўсида етти кишвар султонининг лашкаргоҳига келиб қўшилди.

Ҳазрат хоқони саид олий ҳиммат довюрак фарзандни лутфу меҳрибонлик оғушига тортди ва вилоят ҳам лашкар аҳволдан савол сўради ҳамда унинг яхши ҳаётию маъқул адолати маълум бўлгач, кўп таҳсинлар ва беҳисоб мақтовлар изҳор қилди.

Шунингдек, Исфаҳондан мирзо Рустам, Язд ва Абарқуҳдан амир Чақмоқ ва амир Тархонлар, Кермон мамлакатидан амир Қаноширин ҳамда бошқа ерлардан ҳам, ҳоким ва сардорлар (бирин-кетин) етиб келдилар ва подшоҳона иноятлар билан сарафроз бўлдилар.

Аъло ўрду Рай вилоятдан йўлга чиқди ва рамазоннинг йигирма биринчисида (24 июнь, 1429) Султония рўбарўси ҳумоюн манзилга айланди. Амир Искандарнинг гумашталари қалъани³ ташлаб қочиб кетган эдилар. Оламини кўрган кўз ер юзида унга ўхшашини кўрмаган шундай бир (мустаҳкам) қалъа яна қайтадан бўйсундирилиб, (хоқони саиднинг) эгалик панжасида қарор топди. Онҳазрат шавволнинг аввалги кунларини (4 июнь, 1429) саодат ва иқбол билан у мақомда ўтказди ҳамда ийд намози ва бу қутли (байрам) кунлари расм-русумларини

(605) адога етказди; ийди рамазон байрамини ташкил этиб шодлик эшикларини давлат арбоблари юзига очди. Ҳеч бир яратилган банда шариат чизигидан ташқари оёқ қўймади. Байт:

Султонларга хос байрам тузилди; ийдни
сўрашимга на ҳожат?
Шоҳнинг бахтиёр тўлин ойини кўрдим; ойни
кўришимга на ҳожат?

Ҳазрат хоқони саид осмонсимон тахтга офтоб янглиф кўтарилди ва унинг ўнгу сўлида қудратли подшоҳлар ва номдор сардорлар ҳар бирлари ўзларига муносиб ўринда ором олдилар ҳамда худди моҳу офтобдек ҳожиблар, яқин ва хос кишилар гардун асос боргоҳ атрофида сафга тизилдилар. Байт:

Ҳаммалари худди лоладек боши тепасига кулоҳларини
қийшиқ қўндиргану
барчалари худди ғунчадек қабо-чопонларини
этаккача қисиб боғлаган.

Фалак савлат ва Баҳром қувват амирлар тўй тузишга киришдилар ва сон-саноқсиз хилма-хил таомларни муҳайё қилдилар; ҳар кишининг қадр-қиймати ва мартабасига нимаики муносиб бўлса, олдига келтириб қўйдилар. Таом тортишдан фориф бўлингач, онҳазратнинг буйруғига кўра ҳумоюн ўрдада бўлган атроф ерларнинг маликлари ва саркашларининг барчасини кўркам инъомлару қимматбаҳо кийимларга мушарраф қилдилар. Ундан сўнг мамлакатларни забт этувчи султон, — байт, —

Буюрдикӣ, қаҳрли лашкар
шоҳ даргоҳидан чиқиб душман томон юрсин!
Гардун ҳашаматли шаҳаншоҳ ҳукми билан
лашкар худди дарёю тоғдек жўшқинга
келди.

Еттинчи шавволда (10 июль, 1429) тангри рози бўлгур Аюб Ансорийнинг бузургвор мозори атрофидаги ерлар (606) дав-



лат ва иқбол қароргоҳига айланди ва бир неча кун бу муборак мақомда туриб ором олинди. Сўнг, зу-л-қаъданинг бошида (2 август, 1429) Шанби Ғозон жаҳон султоннинг лашкаргоҳи бўлди ва у ердан дабдабали лашкар Хўй ва Салмос томон йўл олди.

Бу ҳуמוюн юришда кун сайин ва манзил сайин, айниқса, қумурсқалардек саноқсиз шер шикор ва ғалаба шиор сипоҳни кўриқдан ўтказиш чоғларида ва жийбо ҳам аслаҳа ва бошқа жангу жадал олот-асбобларини кўздан ўтказиш пайтларида салтанату фармонбардорлик қоидаларини ва шавкату кишвар кушолик расм-русумларидан шундай асарлар кўзга ташландики, улар қаршисида тарихнависларнинг бахтиёр султонлар қилмишлари ва осмондек қудратли хоқонлар мартабалари борасида Каюмарс замонидан <бизнинг давримизгача> назм ва наср билан ёзган ва кеча-кундуз варақлари учун зебу зийнатга айлантирган (ҳикоя)лари барчаси арзимас бир нарса ва мухтасар бир афсона бўлиб кўринди. Шеър:

<Агар улуғ кишилардан бири бошқаларидан
буюкроқ бўлса (— бу ажабланарли эмас)
чунки мушк ҳам кийик қонидан (ажраладиган)
бир қисмдир.>

Салмоснинг рўбарўси (хоқони саиднинг) кайвонга бош кўтарган чодир қуббасидан (мағрурланиб) ифтихор бошини айланувчи фалақдан ўтказди ва зафар оятлари битилган байроқнинг ойи оламини ёритувчи ўз шуъласини офтоб тепасига етказди. Гардун савлатли ва Баҳром шавкатли лашкар тартибга тушди.

**ДАБДАБАЛИ МАВКАБНИНГ САЛМОС
РЎБАРЎСИГА КЕЛГАНЛИГИ, ТУРКМОН СИПОҲИ
БИЛАН МУҲОРАБА ВА ТУРКМОНЛАРНИНГ
МАҒЛУБИЯТГА УЧРАГАНЛИГИ ЗИКРИ**

Салмос саҳросидаги бир неча фарсанг масофа офтоб зарраларидек кўп ва булут томчиларидек бепоён бўлган беҳадду

беқиёс лашкар билан лиммо-лим тўлиб, **(607)** (сипоҳийлар) камоли шавкат ва улуғворлик бахт-иқболи билан жойлашганларидан кейин, муҳолифлар тараф идан амир Искандар туркмон ва унинг биродарлари ҳам савлатидан тоғларга ғулғулаю зилзила солувчи ёмғир ададлигу тўфон мададди бир лашкар билан яқинлаб келдилар.

Ҳазрат хоқони саид лашкарни тартибга солиш ва сафларни тўғрилашга буюрди. Қудратли подшоҳнинг фатҳ оятлари битилган байроқларининг маркази буронфорта, Мағисуддин Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султонинг зафарга қодир сипоҳи ва Форс лашкарлари олд қисмга белгиланди. Байт:

У олд қисмда туриб шундай қанот
боғладики,
қуёш билан ой юзи беркилиб,
қолди.

(Мирзо Иброҳимнинг лашкари) бошдан-оёқ қудрат ва кучга тўлган, барчаси фил танли, (душман) лашкарини синдирувчи, ҳаммаси шер дилу зирҳ тешувчи бир беҳисоб лашкар эди. Жувонофор эса ҳафт авранг (сайёралари) тахтининг маснад нишини жанговар шоҳ Фиёсуддин мирзо Бойсунғурнинг подшоҳона талъати ёруғлигидан оройиш топди. Улуғ амирлар ва замона ботирлари Хуросон ва Мозандарон лашкарлари билан у жанобнинг хуршид оятли байроғи соясида тўпландилар. Байт:

Булутнинг кўз ёшидан гулшан
безанганидек,
ўнгу чап дубулғаю тиглар билан
безанди.

Булут қатралари янглиғ беҳисоб бир сипоҳ ва жаҳонни ёритувчи офтоб зарраларидек бир лашкар жам бўлди ва <қалб — руҳ султонининг қароргоҳидир> (деганларидек), қул ҳазрат хоқони саиднинг зафар белгили байроқлари билан безатилди. Бирор тараф мададга муҳтож бўлиб қолган тақдирда

мард ўғлонлар ва саф ёрувчи ботирлар тартибли тарзда мухайё бўлсинлар, деган қарорга мувофиқ қаҳрамонлик ўрмонининг шери ва шижоат дарёсининг наҳанги бўлмиш (608) мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодир бир неча минг номдор суворийлар ва шамшир тортувчи диловарлар билан катта қулга кўмак учун мулозим қилиб тайинланди.

Амир Искандар ҳам (қарши томондан) шафқатсиз тифларининг тили ботирлик оятининг муфассири, фитнага таскин берувчи найзаларининг шуъласи шижоат белгиси бўла оладиган ўзининг номдор биродарлари, найза санчувчи баҳодирлари, замона далирлари ва жангу жадал жонбозларидан ўнг ва чап қанотлар, қалб, жанох, соқа ва пистирмаларни тузиб қўйган эди. У ҳам кўп сонлигидан кишининг фикри ҳайронликка тушган ва беҳадлигидан ваҳм ҳисобчиси бенишон бўлиб кўринган бир лашкар билан диловарлик байроғини тиклади.

Шундай қилиб у икки жангжўй ва қаҳрли лашкар бир-бирининг рўбарўсида саф тортди. Байт:

икки лашкар, юз минглаб (аскарлар) барчаси
 бошдан-оёқ
 худди балиққа ўхшаб совутга ўралиб
 олган.

Икки тараф йигитлари ва икки томон ўғлонлари жангу майдон хаёлини суриб, уришиш-беллашишга азм қилдилар. <Худо унинг шанба ва пайшанба кунларини баракали қилсин> (сўзлари)нинг талабича, ўн еттинчи зу-л-ҳижжа (17 сентябрь, 1429) шанба куни эрталаб, — байт, —

Даргоҳдан ногора садоси янгради
 унинг овозидан обнус (қора дарахт) симон
 осмон гумбази ларзага келди.

Ҳазрат хоқони саид намозни адо этиб, ишларни осон этувчи назоратчи (тангри)нинг даргоҳига эҳтиёжмандлик арзини айтиб бўлгач, бахт оёғини саодат узангисига қўйди ва ихтиёр





кетадилар>⁶ (деган оят) мазмунича, мухолифларнинг бақувват оёқлари қалтирашга тушди.

Амир Искандар ўзига қарши жанг қилишга ҳумоюн қул ва зафар шиор жувонғордан ҳеч ким мутасаддий бўлмаганлиги учун, ўз биродарининг заифлигини кўргач, унинг чақириғига мувофиқ саф ёрувчи шаҳзода (Иброҳим Султон)-нинг фатҳ пайкар лашкари томон юзланди. Ўша куни амир Искандар хун сочувчи тифу аждарҳо нишон ўқ билан шундай жанг қилдики, бошқа унга ўхшашини хаёл ойнасида тасаввур қилиб бўлмайди. У жаҳон паҳловонининг зўр олишиши ва жанг қилишидан бутун жаҳоннинг ҳайрат бармоғи тафаккур тишлари орасида қолди. Байт:

Кундузи, то кеч киргунига қадар, ана
шундай (жанг) бўлиб турди,
сўнг кеча қоронғусидан кун этаги
йиғиштирилди.

Кечани саҳаргача ҳар икки томондан соқчилар қўйиб ўтказдилар, бир дақиқа бўлса ҳам ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни унутмадилар. Ўн саккизинчи зу-л-ҳижжада (18 сентябрь, 1429) якшанба куни оламга оро берувчи тонг уфқ матлайдан юз кўрсатиб субҳ фонусининг шарораси хуружга бошлагач ва илк саҳар асарлари жаҳон юзида таралгач, тонг қуёши ўз кумуш ханжарини Шарқ филофидан суғуриб, саҳар ханжарининг ялтираши ва тифининг шуъласидан олам юзи мунаввар бўлди ҳамда гардуннинг шер сувори (қуёш) лаъл юзли тифини Шарқ матлайдан кўтариб ўз нуроний чехрасидан оламни румоний ёқут рашк қиладиган ҳолга келтирди; (ана шу пайтда) мухолиф тарафлар (611) ўз ҳаракати билан бутун дашт ва тоғларнинг сабр-қарорини йўқотадиган катта бир тўда бўлишиб, жангу жадал сафини туздилар ва қарши туриш, ўлдириш мақомида худди Садди Искандар ва Хайбар қалъасидек мустаҳкам туриб олдилар. Улар барчаси жонбозлик кўрсатиш жойи ва найза тортиш вақтида, — байт, —



учқур қуюнни тупроқ юзи бўйлаб
қувадиган
ва шамшир дамани олов шуъласида
эканлигида тутадиган

ҳамжиҳат бир лашкар эди. Жанг ўғлонлари (кўплиги)дан ер юзи тангликка учраб тоғу саҳролар беқарорликка тушди, зангори рангли тиф аксидан сувнинг юзи эриган ақиқнинг олови-дек эди ва олмос ранг ханжар қўрқинчидан олов тошу пўлат ичида (беркиниб) сув бўлиб кўринарди. Қудратли хоқон тарафдан ҳам ғалаба шиор сипоҳ, — байт, —

Урушга киришга шундай чанқоқки, (сен кўрсанг)
улар учун
жанг азизу ширин жонлари хор, дер эдинг.

Уларнинг тифлари шуъласидан зафар офтоби барқ урар, ханжарлари булутидан ғалаба чақмоғи дур сочар, ҳар бирининг ўқи бургутидан насри тоир ўзлигидан кечган ва (ҳар бири) кеча қоронғусида камон ўқининг учи билан чумоли сийнасию илон кўзини тешувчи эди; лашкар қароргоҳи суворийлар қўрқинчидан маҳшар даштига, ер маркази беқарорликдан яна бир фалакка айланди, фалак аждарҳоси байроқнинг аждарҳосидан қўрқиб бошини ичига тортди ва чархнинг шери байроқ шерининг ҳайбатидан ўз жонига омонлик тиларди. Байт:

Сенинг байроғинг шеридан осмон шери
ҳар бир лаҳзада минг марта омон тилайди.

Ана шу алфозда у икки қаҳрли сипоҳ урушга жазм қилди ва ҳар икки **(612)** лашкар худди икки пўлат тоғ ва тўфондан тўлқинланган икки денгиз каби ҳаракатга тушди; байроқ худди жангчилардек қаҳр либосини кийди, байроқ аждарҳоси ҳамла шамолидан худди хезланган шердек чирмалди, ноғора овозининг ҳайбату зилзиласидан ер юзи ҳаракатга келгудек бўлди, мис карнайнинг дамидан фалак доираси ҳаракатдан тўхтаб

қолиш хавфи бор эди, — ботирлар танида жонлари шамолдан титраган тол баргидек ва сувга тушган офтоб соясидек қалтирар, осмоннинг эса, офтоб тифига эга эканлигига қарамай, у маърака ҳайратидан боши айланар эди. Назм:

Икки хун денгизи ҳаракатга келди,
оташ мавжидан ер лола ранг бўлди.
Ноғора худди нарра шердек ҳайқирди,
далир аждарҳо рақс қилишга киришди.
Гардунни ларзага солувчи ноғора ҳайқириги
фалак киндигини чангак қилиб қўйди.
Ўқ соч тепасида жавлон қилар экан
душман юзини қон билан (ювиб) намозга
тайёрлади.

Диловарлик ўрмонининг шерлари, баҳодирлик касбининг далирлари <кўмак ва яқин ғалаба Оллоҳдандир>⁷ (ояти)га таяниб, саъй-ҳаракатга киришдилар, тифнинг шуъласи худди чақмоқдек булутдан олов сочди ва жанг тўзони муборизлар майдонидан (кўтарилиб) қон ёмғирига ўтирди, ҳар икки тараф жангчилари жанг шерларидек бир-бирларига ташландилар ва ҳар икки томон диловарлари фитна ғуборини маърака атрофида қўзғатдилар; мурда устида мурда ётганлигидан маърака майдони тепаликларга ўхшаб кўринар эди. Байт:

Сенинг мужгонларинг олам аҳли конини
шунчалик кўп тўкканлигидан
мурдалар пушта-пушта бўлиб сенинг
кўйингда йиғилдилар. (613)

Офтоб шаҳсувори отилаётган ўқлардан (қўрқиб) булутдан совут кийди ва хунхор Миррих (сайёраси), ўзининг шунчалик ботирлигига қарамай, у жанг майдони қўрқинчидан юзига ойни сипар қилиб тортиди.

Шу ҳолда олижаноб шаҳзода, — мисра: малак унга жилов тутгану фалак — узанги, — Фиёсуддин мирзо Бойсунғур, — қитъа:

Унинг баланд бедов оти зафар билан сўзлашгану
узун ханжари душман (кўкси)дан ўзига

тил қилган.

Унинг тожининг гавҳари офтобга нур сочгану
чодирининг бурчаги осмонга соя ташлаган, —

мухолифларнинг журъатидан шундай қизишдики, ғазаб ота-шидан алангалангудек ва у лашкар ёрувчи филсифат шернинг баданидаги зирҳу совут куйиб кетгудек эди; у парвардигорнинг иноят ва ҳимояти соясида жувонғордан қўзғолди ва ихтиёрни оташ суръатли, шамолдек чопқир, жаҳонни босиб ўта олувчи бедовга топширди; унинг ҳаракатидан ер чеккаларига зилзила ва осмон атрофларига ғулғула тушди. Шаҳзода лашкаридаги жанг майдонида шеру палангдан юз ўгирмайдиган ва Афросиёбу Пашангни писанд қилмайдиган диловарлар туркмон сипоҳи устига ҳамла қилдилар. Туркмонлар эса зарбасидан тоғ ҳам ўрnidан қўзғоладиган бу ҳамлага сабот билан қарши чиқдилар ва пурфитна сийналарини бало ўқига нишон қилиб, бошу баданлари билан гардан чўздилар.

Туркмонлар ўзларининг шикаст ейишлари (614) жанговар Хусрав (Бойсунғур) дан бўлиши мумкинлигини ва ғолиб лашкарнинг мадори ғалаба ёр шаҳзода эканлигини тушуниб олганларидан кейин, барчалари унинг қасдида жам бўлишиб янгитдан саф туздилар ҳамда шаҳзода томонига кўзни қамаштирувчи чақмоқ ва қаттиқ бўрон янглиғ ҳамла қилдилар. Аммо қаҳру ғазаб совутида парвариш топиб узанги бешигида ўсган ва тифу ўқлар ёмғирига бардош берувчи виқору сабот тоғи бўлган, мардлик ва диловарлик билан аждарҳо оғзига борган ва шер пешонасини қашиган шаҳзода туркмонларнинг ғавғоси зўрлигидан таъсирланиб чўчимади, гуноҳдан тийган қўлини таваккал этагига уриб, турғунлик оёғини виқор узангисига қўйди, қатъийлик қўли билан жаҳонкушолик жиловини ушлаб, хунхор наҳангни интиқом ғилофидан суғурди ҳамда жанг оташи шуъласи ичида худди самандардек юрувчи шамол янглиғ тез бедовини маърака саҳроси майдонида жавлон ур-

дирди, гўзал бахт ва қудратли билаклари билан шундай бир жанг қилдики «Рустам Достон» достони унутилиш тоқида қолиб кетди ва «Исфандиёр жангномаси» деб очаси устидан ўчириш чизигини тортди, Сухробнинг диловарлик обрўсини тупроққа қориштиради ва Сом жонию Баҳром руҳида рашк оловини ёқди; шунчалик кўп кишиларни ўлдириб ва ярадор қилиб тўпладики, суворийларда от суришга мажол, пиёдалар учун ўтишга йўл қолмади, маърака саҳросида тиф булутидан шунчалик кўп қон ёмғири ёғдики, — байт:

Қондан етти денгиз тангликка учрадио
ер ҳам иккинчи тарафдан нам суриб чиқарди.

(Мирзо Бойсунғур) ҳар бир сарафрознинг бошига тиф урса белгача ёриб туширар, ҳар бир гарданкашнинг сийнасига найза етказса орқасидан тешиб чиқар, (615) гоҳо дилни яраловчи ўқ захми билан пиёдани ергаю, отлични эгарга ёпиштиради, гоҳо эса тошни тешувчи ханжар дами билан зирхпўшу сипардорни худди бодрингдек икки палла қилиб кесар эди.

<Қуёш ва унинг нури билан қасамёд қиламан>⁸ (деган оят) султони (офтоб) ўз нур байроғини тиклаб, ёрқин жилваси билан жаҳонни равшан қилган чоштгоҳ пайтида Фаридун бахтли Жамшид макон (шоҳ) ҳазрат хоқони саид ўз одатига мувофиқ ишорат қилди ва унинг фармониغا биноан ўзининг хос фарроши чошт намозини адо этмоқ учун таҳоратхона чодирини тиклади; онҳазрат чодирга кириб таҳорат билан машғул бўлди. Таҳорат асносида лашкарнинг турли қисмларидан хабарлар келар, у эса жанг қандай кетаётганлигидан савол қилар ва қайси қисмга мадад юбориш лозим бўлса, кўмакчиларни тайинлар эди; фалак шери илон сингари бошпана қидириб турган, камон қарғасининг савлатидан семурғ паноҳ излаб Кўҳи Қофга учадиган бир ерда онҳазрат тўла таҳорат қилиб олиб ўн икки ракаат чошт намозини камоли хокисорлик ва ғоят қобиллик билан адога етказди ҳамда пок эътиқод билан ихлос

юзини тупроққа суртди, сўнгра фатҳу зафарга эришиш лашкарнинг кўплигидан эмас, Оллоҳнинг иноятидандир, деб билиб (тангри) қўллаган қўл билан зафар келтирувчи тифни филофидан суғурди ва юзини душман лашкари томон қаратиб сурон солди.

Илоҳий қудрат ва осмоний қувват туркмон сипоҳини паришон қилди ва фатҳу нусратнинг нурбахш жисмлари ёруғлик касб этиб давлату иқбол байроқлари қад кўтарди. Душманлар урушиш ва олишишдан ожиз келгач, юзларини чекиниш ва қочишга тутдилар. **(616)**

Ҳазрат хоқони сайд қудратли султонлар томонидан эришилган фатҳларнинг безаги бўла оладиган бу шуҳратли ғалабани осонлаштирган илоҳий марҳаматлар учун шукрлар айтди ва миннатдорлик вазифаларини адо этишга киришди. Фатҳномалар ёзишга осмон буйсунувчи фармон содир бўлиб, — байт, —

Жаҳон мушкилотларини ҳал қилишда
қаламининг қитирлаши
худди «Забур» адо этилгандаги Довуд
нағмасидек бўлган

равшан замирли дабир фикр олмоси билан маънилар дурларини тешди ва уларни ёқимли лафз ва калималар ипига териб, ҳумоюн давлатнинг ғалабалари (хабари)дан иборат (мактублар) рубъи маскуннинг атроф ерларига юборилди.

Онҳазрат саодатманд фарзанд мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодирни т а к о м и ш и й тарзида (душманни таъқиб этишга) номзод қилди ва унинг зафар насабли узангисига улуғ амирлару номдор сардорлардан мулозим тайинлади. Улар Рум ери ва Муш саҳросигача муҳолифлар кетидан бориб, куч-қудрат намуналарини зоҳир қилдилар.

«Зафарнома» нинг муаллифи, жаҳоннинг энг латофатли ва давроннинг энг шарафли кишиси, ётган тупроғи пок бўлгур

мавлоно Шарафуддин Али ал-Яздий у юришда олижаноб шаҳзода Абу-л-Фатҳ мирзо Иброҳим Султоннинг узангиси ёнида мулозим бўлган экан. У айтади: ўта жанговар душманнинг мустаҳкам истеҳкоми бўлган Салмос рўбарўсида мен довуораклик ва шижоатлиликнинг мукамаллиги, диловарлик ва ғайратлиликнинг чексизлигини ўз кўзим билан кўрдим ва бу борада ниманики аниқ кўрган бўлсам, ҳақ устига ҳақдирки, агар унинг юздан бирини бўлса ҳам нақл тариқида оғизлардан эшитилса ақл уни қабул қилишдан албатта ибто қилган бўлар эди. Рубоий: **(617)**

Шоҳ Абу-л-Фатҳнинг жангда кўрсатган
матонатидан
ҳасад қилиб, жанг куни тошнинг дили
хун бўлди.
Сен буни Салмос тоғларидан сўрагинки,
улар танг дилларидан чиққан садолари
билан шарҳлаб беришади.

Оламдаги ажиб воқеалардан ўз ғаройиблигининг буюклиги билан ҳақиқатан ҳам мумтоз ва мустасно бўлган бу шавкатли воқеа қуйидаги назмдан чиқадиган тарих-санада воқе бўлди. Рубоий:

Искандар туркмон исёнга бош кўтаргач,
замон Дороси унинг сазосини беришни вожиб билди.
У жангда Абу-л-Фатҳнинг тиғидан қочганлиги туфайли.
Бунинг тарихи ҳам «қадри Абу-л-Фатҳ»⁹
(сўзлари)дан ойдинлашди.

Жаноб мавлавий (Шарафуддин Али) бу (воқеа) достонининг буюклиги шарҳини гўзал тарзда баён қилганлиги учун бу заиф рақам қалам ҳам ҳикоят саранжомини у сўзга моҳир имомнинг лутфли ривояти билан тугатиш либосига ўради. Мисра: сўз гўзал тарзда тугаллангани яхши. **(618)**

ҲАЗРАТ ПАРВАРДИГОРГА ШУКР
АЙТИЛГАНЛИГИ, ҚУДРАТЛИ ШАҲЗОДАЛАР
ВА НОМДОР АМИРЛАРГА ЛУТФ-МАРҲАМАТЛАР
КЎРСАТИЛГАНЛИГИ ЗИКРИ; БОШҚА ШАҲАР
ВА ДИЁРЛАР ҲАҚИДА ХАБАРЛАР

Фатҳ ва зафар офтоби иноят машриқидан болқиб, саодат ва иқболнинг ҳумоюн фол ҳумоси ғалаба қанотларини ёзгач ҳамда осмоний кўмак ҳазрат хоқоннинг давлати ҳиммати билан туркмонлар тўдасини паришон қилиб, мағрур лашкар мағлуб бўлгач, онҳазрат уни тартибга келтиришдан (бандалар) ожиз бўлган (Олоҳнинг) каломи (Қуръон)даги <ўзининг кўп бандалари устидан бизни устун қўйган тангрига ҳамд бўлсин>¹⁰ (ояти) мазмунини мулоийм тилак ва ширин сўзлик билан баён қилди ва ўзининг ожиз ва қусурли эканлигини эътироф этиб, фатҳу зафарни яратувчи ҳазратнинг иноятидан деб билди ва илоҳий марҳаматлар шукрини бажо келтирди. Сўнгра у жанг майдони ва мард ўғлонлар маъракасида шижоат ва ботирлик намуналарини кўрсатган қудратли шаҳзодалар, номдор амирлар, шижоатли баҳодирлар ва паҳлавон диловарларнинг барчасини инъом-икромлар билан тақдирлаб азизу мукаррам қилди; ҳаммаларининг қадр-қиймат пояларини кайвон айвонидан юқори кўтарди. Мисра: Улар карам денгизидан етишган марҳаматларга фарқ бўлдилар.

Гардун асос ўрду Салмос рўбарўсида қўниб турган бу вақтда Мовароуннаҳр тарафидан Мирзо Улуғбекнинг арзнома ва элчиси келиб, Султон Маҳмуд ўғлон (619) билан Буроқ ўғлон орасида Мўғулистонда катта муҳораба воқе бўлганлиги ва Султон Маҳмуд Буроқни қатл қилганлиги хабарини арзга етказди.

Яна ўша кунларда Хуросондан элчи келиб, шаҳзодалар: мирзо Музаффар ибн мирзо Бойқаро, мирзо Санжар ибн мирзо Пир Муҳаммад Кобулий ва мирзо Умаршайх ибн мирзо Пир Муҳаммад Шерозийлар бу фоний дунё билан видолашганликлари хабарини арз қилди. Шаҳзодаларнинг вафоти хаба-








рини эшитган онҳазрат қаттиқ қайғуга тушди, аммо сабр қилиш ва бўйин эгишдан ўзга бирор чора бўлмагач, уларнинг руҳини шод қилмоқ учун таомлар тортиб, доно маликнинг каломи, (Қуръон)ни ўқитиб, хатмлар қилишга буюрди.

Мовароуннаҳр тарафидан яна элчи келиб Султон Маҳмуд ўғлонни Муҳаммад Ғозий Мўғулистонда қатл қилганлиги хабарини арз қилди. Байт:


Сен ўлдирдингу бунинг мукофотига
сени ўлдирдилар,
энди сени ўлдирган киши қаерда
ўлдирилар экан?!

Мирзо Иброҳим Султон оламини забт этувчи хоқон ўрдусига келишдан илгари Форс (пой)тахтидан туриб элчи ва арзнома юборган ва ўзининг Ҳўрмуз вилояти ва Гармсер атрофларига отланганлигидан хабар берган эди. Шаҳзода юриш қилган пайтида аввало Манужон қалъасини муҳосара қилди, лекин ҳаво жуда иссиқлиги туфайли, бундай юриш мавсуми бўлмаганлигидан жаҳон хушёрларидан бўлган ҳўрмузликлар ўз қалъаларини маҳкамлаб Жирун оролига чекиндилар ва дамларини ичларига тортдилар. **(620)** Форс лашкари ҳавонинг бузуқлиги ва иссиқнинг зўрлигидан хароб бўлишиб, кўп кишилар ҳаёт либосидан маҳрум бўлдилар. Форс умаролари турли-туман нозик ҳийлалар ишлатиб, сулҳга ўхшаш бир ноаниқ нарсани туздилар ва арзимас бир туҳфага қаноатланиб қайтиб кетдилар.





ИЗОҲЛАР



КИРИШ СЎЗГА ИЗОҲЛАР

Таржимондан

¹ Ибн Арабшоҳ, «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) К. 1—2. сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи — Убайдулла Уватов, масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Тошкент, «Меҳнат» нашриёти, 1992; Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома» Мовароуннаҳр воқеалари (1360—1370) масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. Таржимон О. Бўриев. Тошкент, «Камалак», 1994; Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Форс тилидан таржимон — Юнусхон Ҳакимжонов; таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир — Асомиддин Ўринбоев; изоҳлар ва луғатларни тузувчилар — Ҳабибулло Кароматов ва Омонулло Бўриев. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 1996 (ушбу нашрда Ҳофизи Абрунинг Низомуддин Шомий «Зафарнома»сига иловаси (380—404 бетлар, изоҳлари 445—448-бетлар) бирга чоп қилинган. Форсийдан таржимон ва изоҳларни тузувчи — О. Бўриев); Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома». Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорийнинг туркий таржимаси табдили, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари — Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Тошкент, «Шарқ», 1997.

Бу нашрлардан илгарироқ, шўро даврида Амир Темур даври тарихини қамраб олган муҳим асарлардан Яздий «Зафарнома»сининг танқидий матни ва яна бир темурийлар даври муаррихи Фасих Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий» асарининг русча таржимаси Тошкентда нашр этилган эди:

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» (XVII асрга оид нодир қўлёзманинг факсимиле наشري). Нашрга тайёрлаш, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники, Тошкент, «Фан», 1972; Фасих Аҳмад ал-Ҳавафи. «Муджмал-и Фасихи» (Фасихов свод). Перевод, предисловия, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. Ответственный редактор А. Урунбаев. Ташкент, «Фан», 1980.

² Масалан Мирхонд (Муҳаммад ибн Ховандшоҳ, 1433 йили туғилиб, 1498 йилда вафот этган) «Равзат ус-сафо»да (Бомбай, 1281—1864—1865, хотима қисми, 43—45-бетлар), Хондамир (Ғиёсуддин ибн Ҳумомуддин, 1475—1535) «Ҳабиб ус-сияр»да (Бомбай, 1257—1841, хотима қисми, 4—7, 42—43-бетлар) Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларидан фойдаланиб, «Матлаи саъдайн»га ишора қилганлар.

³ Масалан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида (Суйима Фаниева тайёрлаган илмий-танқидий матн, Тошкент, 1961, 42-бет) Абдураззоқ Самарқандий ўз замонасининг фозил кишиларидан бўлганлигини эслатиб, унинг тарих илмидаги маҳорати «Матлаи саъдайн»да акс этганлигини қайд қилган.

⁴ Илмий тадқиқот ишларида қайд қилинган таржималардан энг биринчиси Абдураззоқ Самарқандий Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» номли асаридан келтиргани Ғиёсуддин Наққошнинг Хитой сафарномасининг форсчадан турк тилига таржимасидир. Таржимани 900 (1494—1495) йили Ҳожи ибн Муҳаммад Ардистоний бажарган ва унга «Хитой тарихи» ёки «Хитойга борган элчи мавлоно Ғиёсуддин Наққошнинг рўзномаси» деб ном берган (А.Т. Тагирджанов. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ, Изд-во Ленинградского Университета, 1962, стр. 128—129). Бундан сўнг Хитой сафарномасининг туркча таржимаси яна 1058 (1648) йили Котиби Чалабий (Ҳожи Халифа) томонидан бажарилиб, унинг «Жаҳоннома» номли йирик асарига «Қонунномаи Чину Хито» сарлавҳаси остида киритилган. 1760 йилга келиб эса Хитой сафарномасининг туркча таржимаси Исмоил Осим Чалабийзода томонидан яна қайтадан бажарилган ва уни Али Амирий 1893 йили Истамбулда «Ажойиб ул-латоиф» номи билан нашр қилган (И.Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1957, стр. 522). А. Кримскийнинг маълумотига кўра Хитой сафарномасининг туркча таржимасини 1673 йили Ҳазорфанн ҳам ўзининг умумий тарихга оид асарига киритган («История Персии, литературы и дервишеской теософии», т. III, М. 1914—1917, стр. 64). Яна А. Кримский ва бошқалар кўрсатганидек, Хитой сафарномаси XVII—XVIII асрларда тўрт марта француз тилида, бир марта голланд тилида ва бир марта инглиз тилида нашр этилган (бу ҳақда адабиётлар учун А.Кримский, Кўрсатилган асар, ўша бет ва қуйидаги 10-изоҳда келтирилган каталогларга қаралсин). Хитой сафарномасини Абдураззоқ Самарқандий нақли бўйича бошқа тилларда нашр этиш ишлари бу билан тўхтамай, XIX—XX асрларда ҳам давом этади. Чунончи,

1843 йили Катрмер ўзининг «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдидан қилган таржимаси кетида Хитой сафарномасининг ҳам форсча матнини французча таржимаси билан келтиради (қ. 5-изоҳ). 1910 йили эса Блоше «Introduction a l'histoire des Mongols» (244—269-бетлар) асарида сафарноманинг французча таржимасини нашр этади.

Хитой сафарномасининг Ҳофизи Абру нақли бўйича нашр этилиши эса фақат XX аср иккинчи чорагига келибгина йўлга қўйилиб, уни 1930 йили покстонлик олим Муҳаммад Шафе «Зубдат ут-тавориҳи Бойсуғурий» асосида форсча матнини нашрдан чиқаради. 1934 йили эса бу сафарноманинг Ҳофизи Абру нақли инглиз тилига ҳам таржима этилади: *A Persian Embassy to Chine; being an extract from Zubdatu't Tawarikh of Hafiz Abru, transl. by K.M. Maitra, Lahore, 1934.* Хитой сафарномасининг «Матлаи саъдайн» асосидаги алоҳида китобча шаклидаги ўзбекча нашри Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-тавориҳи Бойсуғурий» асаридан қўшимча ва тузатишлар киритиш асосида амалга оширилди: А. Ўринбоев, О. Бўриев, Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, «Фан» 1991.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи шахсан қатнашган Ҳиндистон сафарининг баёни ҳам кўпдан бери олимлар диққатини жалб этиб, уни Лангле «Recueil portatif des Voyages» асарида французча таржимасини келтиради, 1843 йили Катрмер яна французча таржимасига форсча матнини ҳам қўшиб нашр этади (қ. 5-изоҳ). 1872 йили эса Ҳиндистон сафарномасининг инглизча таржимаси ҳам тарқалади (Elliot, «History of India as told by its own historians» t. IV. London, 1872, pp. 93—126). Ҳиндистон сафарномасининг форсча матни, умуман, «Матлаи саъдайн»нинг Муҳаммад Шафе тайёрлаган нашрида (қ. 11-изоҳ), ундан кейин ўзбекча таржимаси билан бирга-лиқда 1960 йили нашр этилган (қ. 7-изоҳ).

«Матлаи саъдайн»даги Хитой ва Ҳиндистон сафарномаларидан ташқари маълумотларнинг баъзилари ҳам форсчадан бошқа тилларга таржима қилинган: масалан, Темурнинг 793 (1391) йили Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юриши ҳақидаги асарнинг биринчи жилдида келтирилган маълумот: «Expedition de Timour-i lenk ou Tamerlan contre Todtamiche, en 793—1391» par Charmoy. «Memoires de l'Academie Imp. des Sciences de St.-Petersbourg, 6-e serie, t. III, St.—Petersbourg, 1836, pp. 245—270 (форсча матни), 442—440 (французча таржимаси).

«Матлаи саъдайн»даги Туркманистон ва Хоразм тарихига оид маълумотлардан баъзилари О.И. Смирнова таржимасида рус тилида нашр этилган («Материалы по истории туркмен и Туркмении», т. I, М.—Л., 1939, стр.

529—534). Яна шу каби Туркменистон ва Хоразм тарихига тааллуқли бўлган айрим парчаларнинг русча таржимаси ва форсча матни 1941 йили ҳам босилиб чиққан («Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды», т. II, извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузенем и обработанные А.А. Ромаскевичем и С.Л. Волиным, М.—Л., 1941, стр. 190—201 (русча таржима), 251—261 (форсча матн). Асарнинг Қирғизистон тарихига оид қисмлари ҳам рус тилига таржима қилинган: Извлечения из «Матла-и саъдайн ва маджма-и бахрайн» Абд ар-Раззака Самарқанди (пер. с персидского О.Ф. Акимовской). Материалы по истории киргизов и Киргизии. Выпуск 1, М., 1973, стр. 150—169. Шунингдек, асарнинг XV аср биринчи чорагидаги Мовароуннахр тарихига оид баъзи парчалари ҳам рус тилига таржима қилиниб нашр этилган: Абд ар-Раззак Самарқанди. Извлечения из «Матлаи саъдайн». Перевод с персидского Д.Ю. Юсуповой. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв. Ташкент, «Фан», 1988, стр. 170—185.

⁵ Notice de l'ouvrage persan qui a pour titre Matla-assaadein ou-madjma-albahrein et qui contient l'histoire des deux sultans Schah-rokh et Abou-Said, par M. Quatremere, «Notices et extraits», t. XIV, pt. I, Paris, 1843.

Катрмер томонидан бу асарда келтирилган маълумотлар мазмуни қуйидагича: а) Катрмернинг Абдураззоқ Самарқандий ва Шоҳрух тўғрисидаги бош сўзи (1—19-бетлар), б) «Матлаи саъдайн»даги Шоҳрухнинг дастлабки ўн уч йиллик (1405—1417) ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеалар баённинг форс тилидан французчага таржимаси (19—307-бетлар), в) «Матлаи саъдайн»даги Фиёсуддин Наққошнинг 1419—1422 йиллар Хитой сафарига оид маълумотларининг форсча матни (308—341-бетлар), г) Абдураззоқнинг 1442—1444 йиллардаги Ҳиндистон сафари ҳақидаги маълумотларининг форсча матни (341—386), д) Ҳар икки сафарноманинг француз тилига таржимаси (387—426 ва 427—473-бетлар), е) Изоҳлар (474—514-бетлар).

⁶ «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» ва унинг муаллифи ҳақида қаранг: ушбу китоб, Кириш сўз II.

⁷ А. Ўринбоев «Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси», масъул муҳаррир С. Азимжонова, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1960.

⁸ А. Ўринбоев. Абдураззоқ Самарқандий, Ўз «Фан» нашриёти, 1965.

⁹ Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн». Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луватлар А. Ўринбоевники.

Кўрсаткичларни Д. Юсупова тузган. Масъул муҳаррирлар: С.А. Азим-жонова, У.И. Каримов. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1969.

^{9a} Халқаро Амир Темур жамғармаси илмий кенгаши қарорига асосан асардан айрим боблар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али сўз-бошиси билан «Тошкент оқшоми» газетасида икки ой давомида (2005 йил 1 декабр — 2006 йил 8 феврал сонлари) эълон қилинганлиги ҳам асарни нашр этиш йўлида ташланган қадамлардан бири бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

¹⁰ «Матлаи саъдайн»нинг иккинчи жилди нусхалари бизга маълум қўлёзма каталогларидан қуйидагиларда қайд қилинган: *Catalogue des manuscrits et xylographes orientaux de la Bibliotheque Imperiale publique de St. Petersburg.* (Dorn), 1852, pp. 286—288, NN CCXCVII—CCXCIX.

A descriptive catalogue of the historical manuscripts in the arabic and persian languagus, preserved in the Library of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. By William Morley, London, 1854, pp. 96—99, N XCX.

Die arabischen, persischen und turkischen Handschriften d. K.—K. Hofbibliothek zu Wien... geordnet und beschrieben von Gustav Flugel. Wien, Vol. 1865, pp. 190—191, NN 968—969.

Catalogue of the persian manuscripts in the British Museum. By Charles Rieu. Vol. I, London, 1879, p. 181b—183a.

J. Aumer. *Die persischen Handschriften der K. Hof—und Staatsbibliothec in Muenchen, Munchen, 1886, pp. 87—88, N 245—246.*

Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu Manuscripts in the Bodleian Library, begun by Prof. Ed. Sachau... completed and edited by H. Ethe, Part I, Persian manuscripts, Oxford, 1889, pp. 91—92, N 163—164.

Catalogue of Persian Manuscripts in the Library of the India Office by Hermann Ethe, vol. I, Oxford, 1903, pp. 83—84, NN 193 —195.

Concise Descriptive Catalogue of Persian Manuscripts in the Curson Collection of the Asiatic Society of Bengal, by Wladimir Ivanow, Callcutta, 1924, pp. 26—27, NN 81—84.

Catalogue des manuscrits Persians de la Bibliotheque Nationale Par E. Blochet, Paris, T. I, 1905; pp. 293—295, N 468 — 470; T. IV, 1934, pp. 258—259, N 2319.

А.А. Семенов. Каталог рукописей исторического отдела Бухарской центральной библиотеки, Ташкент, 1925. стр. 25, № 107.

A. descriptive Catalogue of the Oriental Mss. belonging to the late E.G. Browne by E.G. Browne, Completed and edited... by R.A. Nicholson. Cambridge, 1932, pp. 109—110.

«Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР», т. I, Ташкент, 1952, стр. 59—60, № 135.

«Каталог восточных рукописей Академии наук Таджикской ССР», т. I, Сталинабад, 1960. стр. 60—62, №№ 47—48.

А.А. Тагирджанов, Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ, Изд-во Ленинградского Университета, 1962, стр. 126—131, №№ 66—67.

О.Ю. Акимушкин, В.В. Кушев, Н.Д. Миклухо-Маклай, М.А. Салахетдинова, Персидские и таджикские рукописи Института народов Азии АН СССР, ч. I, М., 1964, стр. 551—552, №№ 4117—4119.

¹¹ Муҳаммад Шафе «Матлаи саъдайн»нинг 1360 (1941) йил Лоҳур нашрига ёзган бош сўзида кўрсатишича, бу нашрни тайёрлаш учун асарнинг қуйидаги қўлёзма нусхалари жалб этилган: 1) Кембриж Крайст коллежида сақланаётган 27 зу-л-ҳижжа 989 (22 январь, 1582) йилда кўчирилган қўлёзма, 2) Индия Офис китобхонасининг собиқ мудир Д. Эллсга тегишли шахсий қўлёзма; кўчирилган йили—ражаб 970 (февраль-март 1563), 3) Индия Офис китобхонасида сақланаётган қўлёзма; 992 (1584) йили кўчирилган (Catalogue of Persian Manuscripts in the Library of the India Office, by Hermann Ethe, V. I. Oxford, 1903, p. 83, № 193), 4) Шу китобхонадаги 1010 (1601—1602) йили кўчирилган яна бир қўлёзма (қ. ўша каталог, р. 84, 94-сон), 5) Лондонда Ройял Эшиэтик Сосайтида сақланаётган XVIII асрда кўчирилган қўлёзма (A descriptive catalogue of the historical manuscripts in the Arabic and Persian languages, preserved in the Library of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland, by William Morley, London, 1854, p. 96, N XCX).

¹² Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani and Pushtu Manuscripts in the Bodleian Library begun by Prof. Ed. Sachau... completed and edited by H. Ethe, Part I, Persian manuscripts, Oxford, 1889.

¹³ Масалан, ҳозирги «Зубдат ут-таворих»нинг матбуотда эълон қилинган нусхалари қуйидагилардир:

а) Истамбулдаги Фотиҳ китобхонасида 4371/1 рақами остида сақланаётган нусха. Истамбул китобхоналари қўлёзмаларини тавсифлаган Чехословакия шарқшуноси Феликс Тауэрнинг сўзича, бу нусха махсус Шоҳрух китобхонаси учун кўчирилган, ҳошияларида айрим тузатишлар ва илова-лар бўлиб, уларни Ҳофизи Абрунинг ўзи ёзганлиги тахмин қилинади (Felix

Tauer, Les manuscrits persans historiques des bibliothèques de Stamboul. «Archiv Orientalni», Vol. III, Prague, 1931, p. 100—101; Vorbericht über die Edition des Zafarnama von Nizam Sami und der wichtigsten Teile der Geschichtswerke Hafiz-i Abru's, «Archiv Orientalni», Vol. IV, Prague, 1932, p. 250—256; Cinq opuscules de Hafiz-i Abru, concernant l'histoire de l'Iran au temps de Tamerlan, édition critique par Felix Tauer, Prague, 1959, p. XII.)

б) Техрондаги Малик китобхонасида сақланаётган қўлёзма нусха. Эрон олими Хонбобо Баёний сўзига қараганда, бу нусха ҳам Шоҳрух китобхонаси учун кўчирилган; кўчирилиш тарихи —830 (1426—1427) йил. Ҳофизии Абурунинг «Зайли Жоме ут-таворихи Рашидий» номли асари нашрига (Техрон, 1939.) Хонбобо Баёний томонидан ёзилган бош мақолада ушбу маълумот мавжуд.

в) Бу ҳам Техрондаги Малик китобхонасида сақланаётган нусха; кўчирилиш тарихи—1272 (1855—1856). Қаранг: Хонбобо Баёний, Юқорида кўрсатилган асар, Феликс Тауэр, кўрсатилган асар, ўша бет.

¹⁴ Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Желд-и дўввум. Ба тасҳиҳ-и Муҳаммад Шафе, Лоҳур, 1933. Кейинги изоҳларда: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933.

¹⁵ Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Желд-и дўввум, жуз-и аввал, Лоҳур, 1941.

Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Желд-и дўввум, жуз-и дўввум ва севвум Лоҳур, 1949. Кейинги изоҳларда: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949.

¹⁶ Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Лоҳур, 1944. Кейинги изоҳларда: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1944.

¹⁷ ЎзР ФАШИ, 1825 рақамли бу қўлёзманинг (қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, т. I, Ташкент, 1952, стр. 59, № 135) бош сўзида (варақ За) темурийлардан Абу Саиднинг 1468 йили Ироқ ва Озарбайжон томон юришга отланганлиги эслатилади (Яна қаранг: («Муқаддима»га) изоҳлар, 16-изоҳ). Аммо бошқа қўлёзмаларда бош сўз таҳрир қилиниб, Абу Саиднинг номи олиб ташланган. Шунга кўра бу бош сўзни Абдурраззоқ Самарқандий аввало, 1468 йили, ҳали Абу Саид ҳаётлигида (у Озарбайжон юришида қатл этилган) ёзиб, кейин, Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, уни ўзгартириб таҳрир қилган, деган фикрга келиш мумкин.

¹⁸ «Матлаи саъдайн»нинг бу қўлёзма нусхалари ҳақида қаранг: О.Ф. Акимушкин ва бошқаларнинг юқорида кўрсатилган (10-изоҳ) «Персидские и таджикские рукописи Института народов Азии АН СССР» номли каталоги, ўша бетлар.

¹⁹ Коран, перевод и комментарии И.Ю. Крачковского, М., 1963.

²⁰ Қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1944, 4-бет.

²¹ Муҳаммад Тақий Баҳор (Малик уш-шуаро). Сабкшеноси ё тарих-и татаввур-и наср-и форси. Желд-и севвум, Техрон, 1959, 202-бет.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир

¹ Абдураззоқ Самарқандийнинг туғилган йили унинг ўзи томонидан 816 (1413) йил воқеалари орасида кўрсатилган («Матлаи саъдайн» Лоҳур, 1933, 258-бет) ва худди шу сана асарнинг қўёзмалари тавсифи киритилган барча қўлёзмалар каталогларида (қаранг: «Кириш сўз», 1, 9-изоҳ) ҳамда Абдураззоқ Самарқандий ҳаётига озми-кўпми тўхталинган қуйидаги ишларда келтирилган:

Мирхонд (Муҳаммад Ховандшоҳ). Равзат ус-сафо. Бомбей 1381/ 1845—1846, 7-жилд, саҳифа 73; Хондамир (Фиёсиддин ибн Хумомиддин). Хулосат ул-ахбор фи баёни аҳволи ахйор. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти (кейинги изоҳларда ЎЗР ФАШИ), қўлёзма № 2209, 480-варақ; Торих-и Роқимий. ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 7711, 826—83а варақлар; Шамсуддин Сомий. Қомус ул-аълум. Дўрдинчи жилд, Истамбул 1311/1893, саҳифа-3075; Муҳаммад Тақий Баҳор (Малик уш-шуаро). Сабкшеноси ё тарих-и татаввур-и наср-и форси. Желд-и севвум, Техрон, 1337/1959, 206-бет; Али Акбар Деххудо. Луғатнома. Техрон, 1332.

M. Quatremere, Notices et extraits, t. XIV, pt. 1, Paris, 1843, pp. 1—19; H.M. Elliot, The history of India as told by its own historians, Vol. IV, London, 1872, pp. 89—90; W. Barthold, Abd al-Razzak Kamal al-Din b. Isbak al-Samarkandi, «The encyclopaedia of Islam, Vol. I. Leyden—London, 1913, pp. 63—64; А. Крымский, История Персии, литературы и дервишеской теософии, том III, М., 1914—1917, стр. 59—65; С. А. Storey, Persian Literature, Vol. I. section II, fasc. 2. London, 1936, pp. 293—298; pt. 2, London, 1953, pp. 1276—1277; Edward G. Browne, A. Library history of Persia, Vol. III, The Tartar Dominion (1265—1502), Cambridge, 1951, pp. 428—430; А. А. Ромаскевич, Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X—XV вв., «Материалы по истории туркмен и Туркмении, том I, VII—XV вв., АН СССР, М.—Л., 1939, стр. 59—60; Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды, т. II, извлечения из персидских сочинений, собранные В.Г. Тизенгаузеном и обработанные А.А. Ромаскевичем и С.Л. Волиным, Изд-во АН СССР, М.—

Л., 1941, стр. 190; И.Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1957, стр. 519—522.

² Абдураззоқ вафот этган сана ва ойни унинг замондоши тарихнавис Мирхонд кўрсатган: «Равзат ус-сафо», Бомбей, 1281 (1864—1865), VII жилд, 73-бет. Сўнг бу маълумотни Хондамир қайтарган («Ҳабиб ус-сияр», Бомбей) 1273 (1857), III жилд, 3-қисм, 335-бет; «Хулосат ул-ахбор фи баёни аҳволи ахйор», ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 2209, 480б варақ) ва шу сана юқорида келтирилган Абдураззоқнинг ҳаётига доир ишларнинг (қ. 1-изоҳ) барчасида келтирилган. Алишер Навоий эса Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротдаги Имом Фахр (Имом Фахруддин Розий) мазорига акаси Абдулқаҳҳорнинг қабри ёнига дафн этилганлигини сўзлаган («Мажолис ун-нафоис», Тошкент, 1961, 42-бет).

Марҳум шарқшунос олим академик У.И. Каримов сўзича, у Ҳирот шаҳрига борган вақтида (август, 1967) Афғонистон олими Фикрий Салжуқий унинг диққатини Имом Фахр қабри ёнидаги бир қабр тошига жалб этиб, бу тош Абдураззоқ Самарқандий қабрига қўйилганлигини айтган.

³ Масалан, Самарқандда Улугбекнинг ташаббуси билан қурилган мадраса ва хонақоҳни таърифлар экан, Абдураззоқ «қулай бир тасодиф билан бир неча вақт Самарқанд салтанат пойтахтида яшаб турган пайтларида бу иморатларни ўз кўзи билан томоша қилганлигини» эслатиб ўтади (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 421-бет).

⁴ Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: «Ўзбекистон ССР тарихи», I том, 1-китоб, Тошкент, 1956, 351—369-бетлар (бошқа асарлар учун ҳам шу асарнинг адабиёт рўйхатига қаралсин).

⁵ Низомуддин Шомий, Зафарнома, Феликс Тауэр тайёрлаган танқидий нашр, Прага, 1937, 82—84-бетлар (Histoire des Conquetes de Tamerlan intitulee Zafarname par Nizamuddin Sami... Edition critique par Felix Tauer, t. I, Praha, 1937, pp. 83—84);

Ҳофиз Аbru, Тарихий-географик асар, ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 5361, 413а—414б-варақлар; В.М. Массон, В.А. Ромодин, История Афганистана, т. I, М., 1964, стр. 324—325.

⁶ Ҳофиз Аbru, ўша асар, ўша қўлёзма, варақлар 415б—417б; В.М. Массон, В.А. Ромодин, Юқоридаги асар, 326—327-бетлар.

⁷ Шоҳрухнинг 799 (1396—1397) йили Хуросон ҳокими қилиб тайинланиши ва Темур вафот этгандан сўнг шу ерда қолганлиги Ҳофиз Аbru томонидан тўла ёритилган (ЎЗР ФАШИ, ўша қўлёзма, варақлар 402а—421а). Ундан сўнг Ҳофиз Аbrунинг замондоши Фасих Хавофий (Хофий)

ҳам бу ҳақда сўзлаган: Фасих Хавофий. Мужмал ат-таворих. Ба тасҳиҳ-и Маҳмуд Фаррух. Чоп-и Тус — Машҳад, 1339/1961, саҳифа: 140, 152.

⁸ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 704-бет; «Равзат ус-сафо», VII жилд, Бомбей, 1281 (1864), 73-бет.

⁹ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 705-бет.

¹⁰ Ҳиротнинг XV аср биринчи чорагидаёқ темурийлар давлатидаги йирик маданият марказларидан бирига айлана бошлаганлиги ҳақидаги маълумотлар «Матлаи саъдайн»нинг ушбу биринчи қисмининг ҳар хил мавзуларида келтирилган; илмий-тадқиқот ишларидан эса қуйидаги асарларга қаралсин: В.В. Бартольд, Улутбек и его время (Академик В.В. Бартольд, Сочинения, т. II, ч. 2, М., 1964, стр. 25—196); Мир-Али-Шир и политическая жизнь (ўша тўплам, 199—260-бетлар); Е.Э. Бертельс, Избранные труды, Навоий и Джамии, Изд-во «Наука», Главная редакция восточной литературы, М., 1965, стр. 17—22; А.М. Беленицкий, Историческая топография Герата в XV в., сб. «Алишер Навоий», М.—Л., 1946, стр. 175—202; М.Е. Массон, К исторической топографии Герата XV в., сб. «Великий узбекский поэт», Ташкент, 1948, стр. 120—145; В.М. Массон, В.А. Ромодин, ўша асар, 329—339-бетлар; «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тўплам тузувчилари А. Ўринбоев, О. Бўриев. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1997.

¹¹ Темур вафотидан кейин содир бўлган ўзаро ички феодал курашларни батафсил ёритувчи бош манбалар: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, ЎзР ФАШИ, қўлёзма № 1719, 264б—277а varaқлар; «Матлаи саъдайн», I-жилд, ЎзР ФАШИ, қўлёзма №17, 207а—212б varaқлар.

¹² Шохрухнинг Ҳиротда тахтга ўтириш воқеаси ушбу китобда батафсил ёритилган (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1944, 5—7-бетлар).

¹³ Ушбу воқеа ҳақида тўлиқ маълумот Ҳофизи Абрунинг мазкур тарихий-географик асарида келтирилган (ЎзР ФАШИ, қўлёзма № 5361, 413б—417а varaқлар). Яна қаранг: В.М. Массон, В.А. Ромодин, ўша асар, 324—329-бетлар.

¹⁴ Ҳирот шаҳрида Шохрух томонидан қурдирилган мадраса ва хонақоҳ тавсифи ушбу китобда сўзланган (қаранг, «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 185—190-бетлар).

¹⁵ Ҳиротда темурийлар даврида адабиёт, тарих каби фанлар ривожланганлиги тўғрисида қаранг: А.Ю. Якубовский, Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои, сб. «Алишер Навои», М.—Л., 1946, стр. 20; Е.Э. Бертельс, ўша асар, ўша бетлар.

¹⁶ Абдураззоқнинг акалари ҳам ўз даврининг зиёли кишилари эканликлари ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: А. Ўринбоев, Абдураззоқ Самарқандий, Тошкент, 1965, 10—12-бетлар.

¹⁷ Алишер Навоий, ўша асар, 42-бет.

¹⁸ Абдураззоқнинг отаси Жалолуддин Исҳоқнинг вафоти йили ҳозирча аниқланмаган. Абдураззоқнинг ўз сўзича у саройга хизматга олинган вақтда (1437) отаси ҳаёт бўлмаган ва Абдураззоқ акалари тарбиясида бўлган.

¹⁹ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 705-бет.

²⁰ Ўша асар, 732—733-бетлар.

²¹ Ўша асар, 1440-бет.

²² Масалан, Шоҳрухнинг бошқа темурий шаҳзодаларга ёзган хатларидан бири ушбу китобда ҳам келтирилган (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 246—249-бетлар).

²³ Бу ҳақда яна қаранг: В.В. Бартольд, Новый источник по истории Тимуридов, «Записки Института востоковедения АН СССР», V, 1935, стр. 20—21; А.Ю. Якубовский, Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои, сб. «Алишер Навои», М.—Л., 1946, стр. 7.

²⁴ Дипломатик алоқалар ҳақидаги қисқа-қисқа хабарлар ушбу китобнинг турли мавзулари орасида учрайди (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 154, 183, 199, 218, 227, 341, 345, 364, 382, 449, 467 ва бошқа бетлар). Бундан ташқари, Хитой билан бўлган алоқалардан энг йириги — Фиёсуддин Наққошнинг ўз сафари ҳақидаги маълумоти ҳам шу қисмда тўла келтирилган.

²⁵ Бу элчилик моҳияти ва тўла ўзбекча ҳам форсча матни учун қаранг: «Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси», Тошкент, 1960.

²⁶ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 865-бет.

²⁷ Ўша асар, 871-бет.

²⁸ Ўша асар, 951—952-бетлар.

²⁹ Ўша асар, 961-бет.

³⁰ Ўша асар, 965-бет.

³¹ Ўша асар, 971-бет.

³² Ўша асар, 987—1024-бетлар.

³³ Ўша асар, 1002—1034-бетлар.

³⁴ Ўша асар, 1035—1041-бетлар.

³⁵ Ўша асар, 1048-бет.

³⁶ Ўша асар, 1052-бет.

³⁷ Ўша асар, 1063—1077-бетлар.

³⁸ Ўша асар, 1078-бет.

³⁹ Ўша асар, 1080—1081-бетлар.

⁴⁰ Ўша асар, 1198-бет.

⁴¹ Ўша асар, 1270-бет.

⁴² Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн»нинг ушбу иккинчи жилдини ёзаётган вақт — 874 (1469—1470) йили ҳам бу хонақоҳ ва мадраса «бағоят обод» эканлигини эслатиб ўтган (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 189-бет); Абдураззоқдан кейин Хондамир ҳам бу муассасалар учун серунум ерлардан вақф тайинланганлигини қайд қилиб ўтган: «Хулосат ул-аҳбор фи баён-и аҳвол-и ахйор» ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 2209, (473а—474б-варақлар). Бундан маълум бўладики, Абдураззоқ Самарқандий «таъминот танглиги»ни бартараф қилмоғи учун вақфлар ҳисобига етарли даромадга эга бўлган.

⁴³ Хондамир, Ўша асар, ЎЗР ФАШИ, қўлёзма, № 2209, 480б-варақ.

⁴⁴ Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис, Тошкент, 1960, 42-бет; Мирхонд, Равзат ус-сафо, Бомбай, 1281 (1864—1865), VII жилд, 73-бет; Хондамир, Ҳабиб ус-сияр, Бомбай, 1273 (1857), III-жилд, 3-қисм, 335-бет.

⁴⁵ Абдураззоқ Самарқандий ўз асарини асосан 872 (1467—1468) — 874 (1469—1470) йилларда ёзиб, кейинчалик, 875 (1470—1471) йили Хусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши воқеаларини ҳам қўшиб тамомлаганлиги «Матлаи саъдайн»нинг ҳар икки жилдига ёзилган бош сўзлардан, иккинчи жилднинг ЎЗР ФАШИ, 1825 рақамли қўлёзма нусхасида сақланган бош сўзнинг илк тахриридан (қаранг: («Муқаддима»)га изоҳлар, 16-изоҳ) ва «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 1435—1438-бетлар мазмунидан ойдинлашади.

⁴⁶ «Матлаи саъдайн», I-жилд, ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 17а, 2а-варақ.

⁴⁷ Ўша қўлёзма, 2а-варақ.

⁴⁸ Масалан, шу каби иборалар 1005 (1596) йил атрофида ёзилган «Абдуллонома» асарининг бош сўзида ҳам учрайди (қаранг: Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Абдуллонома, 1-жилд, Содиқ Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи Б.А. Аҳмедов, масъул муҳаррир Я.Ф. Фуломов, Тошкент, 1966, 47—48-бетлар).

⁴⁹ «Матлаи саъдайн», I жилд, ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 17, 4б-варақ.

⁵⁰ А. Крымский, История Персии, литературы и дервишеской теософии, т. III. М., 1914—1917, стр. 61.

⁵¹ «Матлаи саъдайн»нинг Эрон ҳукмдори Абу Саидга бағишланган қисми мазкур 17-рақамли қўлёзмада 1б—21б-варақларни, ЎЗР ФАШИ 5373-рақамли яна бир нусхада эса 1б—24б-варақларни ташкил этади.

⁵² Кўрсатилган 17-рақамли қўлёзмада 206а—212б-варақлар, 5373-рақамли нусхада — 250б—259а.

⁵³ Алишер Навоий, ўша асар, 42-бет.

⁵⁴ Ўша асар, ўша бет:

Боз абру кард боло турк-и тирандоз-и ман
Оламеро кушт дорад ин замон андоз-и ман.

Мазмуни:

Менинг турк тирандозим яна қошларини чимирди.
У замонга гулгула солувчим бутун оламини
нобуд қилғудек!

⁵⁵ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 576—577-бетлар.

⁵⁶ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 1440-бет.

⁵⁷ Ҳофизии Абрунинг ҳаёти ва ижодий фаолияти бизнинг бундан илгари нашр этган мақоламизда ҳам ёритилган, қаранг: Х. Ҳасановнинг «Ҳофизии Абру, Ҳайдар Мирза, Филипп Ефремов» номли китобчасига ёзилган бош мақола, Тошкент, 1964, 3—18-бетлар.

Яна Ҳофизии Абрунинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ёзилган йирик ишлар (Шарқ қўлёзмалари каталогларидан ташқари): В.В. Бартольд, Хафиз-и-Абру и его сочинения, «Ал-Музаффария», сб. статей учеников профессора В.Р. Розена, СП б., 1879, стр. 1—28; А.А. Ромаскевич, Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X—XV вв., «Материалы по истории туркмен и Туркмении», том I, Изд-во АН СССР, М.—Л., 1939, стр. 58—59. Edward G. Browne, A literary history of Persia, vol. III, Cambridge, 1951, pp. 424—426; F. Tauer, Vorbericht uber die Edition des Zafarnasha von Nizam Sami und der Wichtigsten Teile der Geschichtswerke Hafiz-i Abru's, «Archiv Orientalni», vol. IV, Praha, 1932, pp. 250—256; С.А. Storey, Persian Literature, vol. I, pt 1, section II, fasc. 1, London, 1935, pp. 86—89; pt 2, London, 1953, pp. 1235—1236;

Ҳофизии Абрунинг «Зайли жоме ут-тавориhi Рашидий» номли асарини нашр этган Хонбобо Баёнийнинг бош сўзи: Техрон, 1317/1939; О. Бўриев. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.

⁵⁸ Ҳофизии Абрунинг номи борасида манбаларда ихтилофлар бор. Унинг исмининг мазкур шаклида ёзилиши «Мужмал ут-тавориhi» номли тарихий асарнинг муаллифи Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад Хавофий

томонидан кўрсатилган (қаранг: Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад Хавофий. Мужмал ут-таворих. Ба тасҳиҳ-и Маҳмуд Фаррух, Тус — Машҳад 1334/1951, саҳифа: 266).

Шунингдек, Ҳофиз Абрунинг туғилган жойи Хавоф (Хоф) шаҳри эканлиги ҳам Фасиҳ Аҳмад томонидан келтирилган. Абдураззоқ Самарқандий эса Шаҳобуддин ўрнида «Лутфуллоҳ», Хавофий ўрнида «Ҳамадоний» дейди ва муаллиф туғилган шаҳар Ҳирот эканлигини айтади («Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 576—577-бетлар).

Ҳофиз Абрунинг ҳаёти ва ижодий фаолияти устида иш олиб борган Хонбобо Баёний бу тарихнавис вафот этган вақтида Абдураззоқ 18 яшар йигит бўлиб, ҳали темурийлар саройига хизматга ўтмаганлиги, Фасиҳ Аҳмад эса 40 яшар бўлиб, темурийлар саройига яқин бўлганлиги ва Ҳофиз Абрунини Абдураззоқдан кўра яхшироқ билганлигига асосланиб, мазкур «Шаҳобуддин» ва «Хавофий» шакларини тўғри деб ҳисоблайди. Биз ҳам, гарчи Абдураззоқ нақлини рад этиш учун Хонбобо келтирган далиллар етарли бўлмаса-да, бир хилликни сақлаш мақсадида шу шаклни қабул қилдик.

Шаҳобуддин Абдуллоҳга нега «Ҳофиз Абру» деган лақаб берилганлиги борасида ҳам адабиётда (масалан, Хонбобо Баёнийнинг мазкур мақола-сида) «ҳофиз» ва «абру» сўзларининг мазмунидан англашилувчи тахминларгина баён қилинган. Чунончи, Қуръонни ёки юз минг ҳадисни ёд билган киши мусулмонлар орасида «ҳофиз» деб аталади, «абру» эса «қош» маъносини англатганлиги учун, тарихнавис кўркам туташ қошли бўлган, шунинг учун замондошлари унга «Абру» лақабини берганлар, деган тахмин илгари сурилган. Бундан ташқари, Ҳофиз Абру Хуросондаги Ибар ўлкасидан келиб чиққан бўлиши мумкин ва унинг номига тиркалиши лозим бўлган «Ибарий» нисбаси талаффузда бузилиб Абру шаклини олган бўлса ажаб эмас, деган тахмин ҳам айтилган (Хонбобо Баёний, ўша асар).

Ҳофиз Абрунинг номи борасида бўлганидек, унинг вафоти йили тўғрисида ҳам Абдураззоқ билан Фасиҳий маълумотлари орасида фарқ бор. Яъни Фасиҳий уни учинчи шаввол 833 (25 июнь, 1430) йил деса (қаранг: «Мужмал ут-таворих», ўша нашр, 266-бет), Абдураззоқ шаввол ойини келтиргани ҳолда 834 (июнь, 1431) йилни кўрсатади (қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 576—577-бетлар); E. Browne, A. literary history of Persia, vol. III, Cambridge, 1951, p. 426; бироқ Ҳофиз Абрунинг Шоҳрух Озарбайжонга иккинчи юришидан Ҳирот томон қайтаётганида Зинжон шаҳрида вафот этганлиги ҳисобга олинса, 833 (1430) йил тўғри чиқади. Чунки Шоҳрухнинг Озарбайжондан Ҳирот томон юриб Зинжон шаҳридан ўтиши шу

йилга тўғри келади (Фасиҳий, юқорида кўрсатилган асар, 265-бет, «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 623—624-бетлар).

⁵⁹ Хонбобо Баёний, ўша асар, бет: «чим».

⁶⁰ ЎЗР ФАШИ, қўлёзма, № 5361, 4а варақ.

⁶¹ Ф. Тауэр, Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» асарига берилган иловалар (Histoire des conquetes de Tamerlan intitulee Zafarnama par Nizamuddin Sami, edition critique par Felix Tauer, tome II, Praha, 1956, p. 143).

⁶² Хонбобо Баёний, ўша асар, «зо» бет. Continuation du Zafarnama de Nizamuddin Sami par Hafiz-i Abru, Editee d'apres les Manuscrits de Stamboul par Felix Tauer. «Archiv Orientalni», vol. VI (1934), p. 429 — 465, Prague, 1934.

⁶³ Ф. Тауэр, ўша асар, бет XV. Ҳофизии Абрунинг Низомуддин Шомий «Зафарнома»сига иловаси 1996 йилда Тошкентда ўзбек тилида «Зафарнома» асари охирида (380—404-бетлар, изоҳлари 445—448-бетлар) бирга чоп қилинган. Форсийдан таржимон ва изоҳларни тузувчи — О. Бўриев.

⁶⁴ Ҳофизии Абрунинг географик асарининг кўп қисмлари Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг 605 (1208—1209) йили ёзилган «Жаҳоннома» номли асаридан келтирилганлиги ҳозирда аниқланган (қаранг: «Жаҳоннома»-нинг Ю.Е.Борщевский томонидан нашр этилган форсча нашрига ёзилган бош сўз, Изд-во восточной литературы, М., 1960, стр. 5, 21).

⁶⁵ ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 5361, 4а варақ.

⁶⁶ ЎЗР ФАШИ, қўлёзма № 5361, 1б— 4б, 20а—113а-варақ. Шу қўлёзма-нинг аввалги варақларидан бирида асарга «Тарихи Ҳофизии Аbru» деб ном берилган; шунингдек, бошқа китобхоналардаги нусхаларда ҳам шу ном учраши ҳақида Хонбобо Баёний зикр қилади (ўша асар, бет: «зе»). Аммо бу ном муаллифнинг ўзи томонидан бевосита кўрсатилган эмас, хаттотлар ёки китобхонлардан бири томонидан қадимий бош нусхалардан бирида қайд қилиниб, кейин бошқа нусхаларга ўтказилган бўлиши эҳтимол. Аслида эса бу ном асарнинг мазмунини тўла акс эттирмай, фақат иккинчи тарихий қисмигагина оиддир.

⁶⁷ Ўша қўлёзма, 4б-варақ.

⁶⁸ Ўша қўлёзма, 9а-варақ.

⁶⁹ Ўша қўлёзма, 9а-варақ.

⁷⁰ Хонбобо Баёний, ўша асар, бет: «фе».

⁷¹ Бу ўринда қайд қилиб ўтиш лозимки, ушбу тарихий-географик асар нусхасидан иборат бўлган бу қўлёзманинг илмий тавсифи берилган каталогда (Собрание восточных рукописей академии наук УзССР, т. VI, Таш-

кент, 1963, стр. 17, № 4159) асар «Зубдат ут-таворих» деб аталган. Ҳақиқатда эса Ҳофиз Аbru гарчи тарихий-географик асаридаги баъзи маълумотларни «Зубдат ут-таворих»да ҳам келтирган бўлса-да, бу икки асарнинг ҳар бири ўзича мустақилдир

⁷² Бу картанинг акси, илмий тавсифи ҳамда Ҳофиз Аbruнинг географик мероси ҳақидаги маълумотлар учун қаранг: Ҳ. Ҳасанов, «Ҳофиз Аbru, Ҳайдар Мирза, Филипп Ефремов, Тошкент, 1964, 24—34-бетлар; В.В. Бартольд, Ҳафиз-и-Аbru и его сочинения, «Ал-Музаффария», сб. статей учеников профессора В.Р. Розена, СП б., 1897; И.Ю. Крачковский, Избранные сочинения, т. IV, М.—Л., 1957, стр. 517; О. Бўриев. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий-географик лавҳалар). Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.

⁷³ Мирзо Бойсунғурнинг Ҳирот маданий ҳаёти ривожига кўрсатган ижобий таъсири ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: А.Ю. Якубовский, Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои, сб. «Алишер Навои», М., 1966, стр. 20—21.

⁷⁴ Хонбобо Баёний, ўша асар, бет: «қоф».

⁷⁵ Хонбобо Баёний, ўша асар, бет: «гоф».

⁷⁶ Хонбобо Баёний, ўша асар, бет: «алиф-пе».

⁷⁷ Сосонийлар сулоласининг араблар истилоси даврида тугатилиши воқеалари ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: М.М. Дьяконов, Очерк истории древнего Ирана, М., 1961, стр. 320. И.П. Петрушевский, Ислам в Иране в VII—XV веках, Изд-во Ленинградского университета, 1966, стр. 30—61.

⁷⁸ Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафотидан (632) кейин халифалик қилган чаҳорёрлар: Абу Бакр (632—634), Умар (634—644), Усмон (644—656) ва Али (656—661)лардир (С. Лен-Пуль, Мусульманские династии, перевел с английского с примечаниями и дополнениями В. Бартольд, Сп б., 1899, стр. 7).

⁷⁹ Умавийлар халифалиги йиллари: 661—750, аббосийларники — 750—1258 (С. Лен-Пуль, ўша асар, 7, 9-бетлар).

⁸⁰ Саффорийлар сулоласининг ҳукмронлик йиллари: 868—909 (С. Лен-Пуль, ўша асар, 107-бет).

⁸¹ Хонбобо Баёний, ўша асар, бетлар: «гоф — ҳойи ҳаваз»

⁸² Абу Саиднинг вафотидан кейин Эронда ҳукмронлик қилган сулоалар ва умуман сиёсий аҳвол ҳақида қаранг: И.П. Петрушевский, Движение сербедаров в Хорасане, «Ученые записки Института востоковедения», т. XVI, М., 1956, стр. 91—162.

⁸³ «Мажма ут-таворихи султония»нинг тўртинчи жилдини ташкил этган «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» асарининг мазмуни ҳақида ушбу нашр этилаётган «Матлаи саъдайн»нинг иккинчи жилдидан биринчи қисм мазмуни бўйича тасаввурга эга бўлиш мумкин.

⁸⁴ Хонбобо Баёний, юқорида кўрсатилган асар, бет: «пе — алиф».

⁸⁵ В.В. Бартольд, Хафиз-и-Абру и его сочинения, сб. «Ал-Музаффария», СП б., 1897, стр. 25.

⁸⁶ Асарнинг илмий аҳамияти катта эканлиги ҳақида академик В.В. Бартольд ҳам ўз ўрнида сўзлаб ўтган. Қаранг; Юқорида кўрсатилган асар, ўша бет.

⁸⁷ Масалан, Абдураззоқ «Матлаи саъдайн»ни ёзаётган вақтларда XV аср биринчи чорагига оид воқеаларни ёритиш учун манба сифатида фойдаланиши мумкин бўлган асарлардан бири Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад Хавофий (Хофий)нинг, — вафоти йили 849 (1445), — «Мужмал ут-таворих» номли тарихий воқеалар хулосасини 845 (1441—1442) йилгача баён қилган асари эди. Ҳозирда бу асарнинг 701 (1301) — 845 (144—1442) йиллар воқеаларига доир қисмининг форсча матни нашр этилган: Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад Хавофий. Мужмал ут-таворих. Ба тасҳиҳ-и Маҳмуд Фаррух, Тус — Машҳад 1339/1961. Ушбу асарнинг асосан темурийлар даврига оид қисмларининг русча таржимаси ҳам нашр этилган: Фасиҳ Аҳмад ал-Хавафи. «Муджмал-и Фасихи» (Фасихов свод). Перевод, предисловия, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. Ответственный редактор А.Урунбаев. Ташкент, «Фан», 1980.

Яна «Матлаи саъдайн» учун манба бўла олиши мумкин бўлган асарлардан бири Жаъфарий ибн Муҳаммад ал-Ҳусайнийнинг 1447—1452 йиллар орасида ёзиб тугалланган тарихий асаридир (қаранг: В.В. Бартольд, Новый источник по истории тимуридов, «Записки Института востоковедения Академия наук СССР», V, М.—Л., 1936, стр. 5—42).

⁸⁸ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1944, 4-бет.

⁸⁹ Ўша асар, ўша бет.

⁹⁰ Ўз илмий тадқиқот ишларида Темур ва темурийлар даври тарихий манбаларидан кенг фойдаланган академик В.В. Бартольд 1928 йили нашр этилган Алишер Навоий ва унинг давридаги сиёсий ҳаётга доир «Мир-Али-Шир и политическая жизнь» номли ишида (Академик В.В. Бартольд, Сочинения. т. II, ч. 2, Изд-во «Наука», М., 1964, стр. 199) бу даврга оид манбалар кўп сонли эканлиги, бироқ уларнинг илмий-танқидий матнларини нашр этиш ишлари ҳали бажарилмаганлиги ва уларни умумлашти-

риб таҳлил қилинган бирор тадқиқот ёзилмаганлигини айтган эди. Ҳозирги кунгача илмий танқидий матн тузиш бўйича бир қадар илгари силжиш кузатилади; жумладан Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» (қаранг: 5-изоҳ), Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн» (қаранг: «Кириш сўз», I, 13—14-изоҳлар), Фасихий Хавофий (Хофий)нинг «Мужмал ут-таворих» (қаранг: 7-изоҳ), Ҳофиз Абрунинг «Зайли Жоме ут-таворихи Рашидий» (қаранг: «Кириш сўз», I, 12-изоҳ), Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (қаранг: «Кириш сўз», I, 1-изоҳ) ва бошқа баъзи асарларнинг танқидий матнларининг нашри мавжуд. Бироқ бу асарларнинг барчаси умумлаштириб ёзилган, темурийлар даври тарихий манбалари юзасидан қўлланма бўла оладиган илмий асарга ҳозиргача ҳам эга эмасмиз.

⁹¹ Бундай фикрлар асосан Шоҳрухнинг шаҳзодаларга (Улуғбек, Бойсунгур ва бошқаларга) мамлакатни идора қилиш борасида берган панд-насиҳатлари ифода этилган ўринларда учрайди. Мисоллар учун қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 146—149, 283, 286, 294—295 ва бошқа бетлар.

⁹² «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1949, 1440-бет.

⁹³ Темурийлар ҳукмронлигига қарши чиқишлардан бири Эронда XIV аср охири — XV аср биринчи ярмида тарқалиб машҳур бўлган диний-мутасаввуфона оқимдаги ҳуруфия мазҳаби ҳаракатидир. И.П. Петрушевский бу мазҳабнинг келиб чиқиши, ғоявий асослари ва темурийлар ҳукмронлигига қарши кураши ҳақида сўзлар экан, Абдураззоқнинг маълумотларини ҳам ўз тадқиқотига жалб этган (қаранг: «Ислам в Иране в VII—XV веках», Изд-во Ленинградского университета, 1966, стр. 304—306).

⁹⁴ Бу ҳақда мисоллар учун қаранг: «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 41—44, 194, 262—263, 275—276, 278—279 ва бошқа бетлар.

⁹⁵ «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 40-бет.





МАТЛАИ САЪДАЙН» МАТНИГА ИЗОҲЛАР



(Муқаддима)*

¹ Саодатли ситоралар — Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) каби сайёралар.

² Қуръон, 28-сура, 70-оятдан.

³ Қуръон, 2-сура, 28-оятдан.

⁴ Қуръон, 17-сура, 72-оятдан.

⁵ Қуръон, 19-сура, 58-оятдан.

⁶ Қуръон, 17-сура, 72-оятдан.

⁷ <агар сен бўлмасанг> — мусулмонлар орасида тарқалган ривоятга кўра, худо бутун борлиқни Муҳаммад пайғамбар с.а.в. туфайли яратган. Мазкур ҳадис (ҳадиси Қудсий-Олоҳ номидан айтилгану, аммо Қуръонга кирмаган сўзлар) ана шу даъвонинг исботи учун айтилган бўлиб, унинг тўла ўқилиши шундай: «агар сен бўлмасанг мен фалакларни яратмаган бўлардим».

⁸ Қуръон, 48-сура, 8-оятдан.

⁹ Қуръон, 17-сура, 1-оятдан.

¹⁰ Қуръон, 37-сура, 164-оятдан.

¹¹ Қуръон, 6-сура, 98-оятдан.

¹² Қуръон, 6-сура, 165-оятдан.

¹³ Қуръон, 17-сура, 90-оятдан.

¹⁴ Қуръон, 18-сура, 1-оят.

¹⁵ Қуръон, 26-сура, 84-оят.

¹⁶ Бу бахтиёр замонга қадар — бундан, албатта, Абдураззоқ Самарқандий китобнинг дебочасини ёзаётган вақт англашилса-да, бироқ «Матлаи саъдайн»нинг Лоҳур нашрида ҳам, L_1 , L_2 , L_3 қўлёзма нусхаларида ҳам бу вақт қайси сана эканлиги кўрсатилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган 1825 рақамли қўлёзмада (варақ 3а) мазкур нусхаларда бўлмаган бир қўшимча жумла бор. Гарчи Абдураззоқ Самарқандий асарини то 1470 йилгача тўла-

* Мазкур ўзбек тилидаги нашрнинг биринчи жилдига тузилган изоҳлар асосан «Матлаи саъдайн»нинг қўлёзма нусхалари ҳамда у билан «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» матни орасидаги фарқларга доирдир.






тиб таҳрир қилиб борганлиги китоб охиридан маълум бўлса ҳам, мазкур кўшимчага кўра, унинг ушбу дебочани ёзаётган вақти аслида 873 йил муҳаррам ойининг ўрталари (5 август, 1468) эканлиги англашилади. Бироқ кейинги сатрлардан бирида (Лоҳур, 1944, 5-бет) 1469 йилда вафот этган Абу Саидни «шаҳид» деб аталганидан маълум бўладики, «Матлаи саъдайн» нинг дебочаси ҳам 1469—1470 йиллар орасида таҳрир қилинган ва мазкур «бахтли замон»дан мурод охирги таҳрирда Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириш замонига оид бўлса керак. Демак, Лоҳур нашри ва Λ_1 Λ_2 Λ_3 нусхаларида 1825 рақамли қўлёзмадаги ортиқча жумланинг келтирилмаганлиги тасодифий суқут эмас, балки ўйлаб қилинган иш бўлиб чиқади. 1825 рақамли қўлёзмадаги кўшимча қуйидагича: «Хусусан ҳозирги вақтда 873 йил муҳаррам ойининг ўрталарида (5 август, 1468), Султон (Абу Саид) Форс, Ироқ, Озарбайжон, Ширвон вилоятларини забт қилиш учун отланган бир вақтда Шайх Ҳасан номли диндор, тақводор, давлат арбоблари наздида эътиборли, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар йўлидан юрувчи (киши) мен (Абдураззоқ)га дўстлик юзасидан китобни кўчириш ва таҳрир қилишга майл қилди ва биринчи дафтардагидек, иккинчи дафтарнинг тамомла-нишида ҳам ғамхўрлик кўрғазди».

¹⁷ Ва ўчишга — Λ_1 дан кўшиб, матн тўлатилди.

¹⁸ бу султонларнинг машҳур исмлари аниқ зикр қилиниши (ҳам) кўп учраб туради — Лоҳур нашри ва Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда шу тарзда ёзилган матн ўрнида 1825 рақамли қўлёзмада: «токи гумон пардаси кўтарилиб ноаниқлик шубҳаси йироқлашсин», — деб келтирилган. Аммо мазмунан Лоҳур нашри ва Λ_1 Λ_2 Λ_3 нусхаларнинг нақли тўғридир, «Матлаи саъдайн» матнида бу подшоҳларнинг фақат лақаблари эмас, номлари ҳам тилга олинади.

¹⁹ мақбул бўлғай! — 1825 рақамли қўлёзмада Лоҳур нашридан фарқли тарзда мазмунан аввалги жумлани қайтарувчи, аммо бир оз бузиб ёзилган уч сатр матн бўлиб, ундан султон Шохрухни мақташга бағишланган бир мисра («мулк танига сен то абад жон бўлгин») ва дуо тарзида бир шеър келтирилган:

Етти юдузинг сенга шундай мададкор бўлсинки,
 сен ҳар етти кишварни қўлга киритгин,
 Сикандар янглиғ олам мулкени бошқаргин
 ва Хизр янглиғ то олам боқий экан
 (барҳаёт бўлгин),
 Саодат сенинг тўнингга безак
 бўлсину
 ҳукмдорлар боши оёғинг остида
 бўлсин.



САККИЗ ЮЗ ЕТТИНЧИ

(1405)

ЙИЛГА ОИД ВОҚЕАЛАР

¹ Қаранг: «(Муқаддима)», 12-изоҳ.

² Қуръон, 2-сура, 248-оятдан.

³ Қуръон, 3-сура, 13-оятдан.

⁴ Мозандаронга қадар... Омuya сувигача — «Зубдат ут-таворих»да: Мозандаронга тобе бўлган ерлар Райдан тортиб Омuya суви лабигача (кейинги изоҳларда «Зубдат ут-таворихни «Зубда» ва «Матлаи саъдайн»ни «Матлаъ» деб қисқартиб ёзилади).

⁵ Пул зарби — матнда: сикка; арабча сўз; тилла ва кумуш тангалар юзига сўқиш учун бирон ҳукмдорнинг номи битилган нақш-тамға.

⁶ Қуръон, 3-сура, 159-оятдан.

⁷ Қатуқу — Λ_2 Λ_3 ларда ҳам шундай, аммо Λ_1 да бунинг ўрнида Оқбуқо.

⁸ Қуръон, 28-сура, 77-оятдан.

⁹ Қуръон, 12-сура, 92-оятдан.

¹⁰ Балх тарафга... Пир Муҳаммад... ҳузурига — «Зубда»да Балх ўрнида Кобул.

¹¹ Амир Саййидхожа: — бунинг ўрнида «Зубда»да, ҳамма жойда, амир Саидхожа.

¹² Қуръон, 2-сура, 250-оят.

¹³ Одам — маттни тўлатиш учун 1825 рақамли қўлёзмадан олиб қўшилди.

¹⁴ Қародара — Лоҳур нашрида Дароқара шаклида ёзилган. Биз Λ_2 ва «Зубда»да келтирилган шаклда ёздик.

¹⁵ Аҳар — Лоҳур нашрида буни «Зубда» матни бўйича тузатиб ёзилган, умуман «Матлаъ» нусхаларида Абҳар.

¹⁶ Иноқлар ҳам хона бачалар — «Зубда»да: (Мирзо Умар)... ўз хизматида турган иноқлар, хона бачалар ва ясовуларга.

¹⁷ Амирлар: Умар Тобон — «Зубда»да: Амирзода Умарнинг амирлари: Амир Умар Тобон.

¹⁸ Ироқдан — «Зубда»да: Араб Ироқидан.

¹⁹ Амир Саййидхожа — «Зубда»да: «Саййид» ўрнида «Саид» ёзилган ва отасининг номи ҳам келтирилган: Амир Саидхожа ибн Шайх Али баҳодир.

²⁰ Шу ерда — «Зубда»да: шу кўкаламзорда.

²¹ Мирзо Бойқаро ҳақиқатан ҳам мирзо Умаршайхнинг ўғли, аммо, сарлавҳада номи аталганлигига қарамай, бу фасл матнида Абдураззоқ у ҳақда сўзлаган эмас. У ҳақда кейинроқ 812 (1409—1410) йил воқеалари орасида сўзланади (қ. Лоҳур, 168-бет).

²² Шоҳрух (номи билан) зарб қилинган тангалар — матнда: «тангажот-и маскук-и Шоҳрухий»

²³ ... келтирди — «Зубда»да: туҳфа ва кўргазма тариқида келтирди.

²⁴ Дафтарлар — матнда: «дафотир» Λ_2 да: дафиналар.

²⁵ Алуфа важҳидан қадимий ва янги лашкарларга — Λ_1 ва Λ_2 ларда «лашкар» сўзи йўқ; демак, «қадимги ва янги алуфа важҳидан...» деб тушуниш мумкин.

²⁶ Мамлакат моли қонунини — «Зубда»да «мол» билан «мамлакат» орасида ва айирмаси бор. Демак: «мол ва мамлакат қонунини» деб тушуниш лозим.

²⁷ Вилоятларга аминларни юборди — бунинг ўрнида «Зубда»да: ҳар булукни бир аминнинг тасарруфи уҳдасига ва ботамкин бир муставфийнинг жидду жаҳдига тайин қилди.

²⁸ Амир Идикуни — матни тўлатиш мақсадида Т дан қўшилди.

²⁹ Икки-уч кун олиб турди-да — «Зубда» бўйича эртасигаёқ қайтиб кетишига рухсат берганлиги англашилади.

³⁰ Муставий — «Зубда»да: Мустафо.

³¹ Бикасий — тахминан ўқилди.

Жумла бошидаги мирзо Пир Муҳаммаднинг Язд мамлакатини мирзо Искандарга берганлиги сабаби Ҳофизи Абрунинг жуғрофий-тарихий аса-рида (Ўз ФАШИ, қўлёзма № 5361, варақ 155 б) «Язднинг моли унинг харажатларига яраб турсин учун», деб кўрсатилган.

³² Амир Наъимуддин Саййид Неъматуллоҳ — «Зубда»да: Саййид Нуриддин Неъматуллоҳ.

³³ Бунинг шарҳи Рум юриши (воқеаси орасида) айтиб ўтилди — бу жумла мазмуни «Зубда»да тўлароқ баён этилган: бу кечмиш қиссаси саккиз юз бешинчи (йил)да (1402—1403) иккинчи Рум сафари (воқеалари орасида) шарҳланиб ўтилди.

³⁴ Қийлон — 1825 рақамли қўлёзма ва Λ_2 да Бақлон, Λ_1 Λ_3 ларда ва Лоҳур нашрига жалб этилган нусхалардан баъзисида Қатлон ёзилган. «Зубда»да эса мирзо Пир Муҳаммад улушига тегишли бўлган ва «Матлаъ»да ҳам зикр этилган жойлар орасида бу мавзе номи келтирилмаган.

САККИЗ ЮЗ САККИЗИНЧИ

(1405—1406)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Ҳасан — бунинг ўрнида «Зубда»да: Ҳусайн.

² Амир Жаҳонмулк — «Зубда»да отасининг номи ҳам келтирилган: Ибн Милкат.

³ Аромана ва Гуржистон вилоятлари — «Зубда»да бунинг ўрнида: Аромананинг Тароирин чегараларигача бўлган баъзи ерлари.

⁴ Қуръон, 14-сура, 7-оятдан.

⁵ Ҳар иккала арабча ибора ҳам Қуръон, 28-сура, 35-оятдан.

⁶ Пирак подшоҳнинг ўғли Султон Ҳасанни — «Зубда»да бунинг ўрнида: Пир (Пирак) подшоҳнинг кичик ўғли Султон Ҳусайнни ва хотинини.

⁷ Хос — Λ_2 дан олиб матнга киритилди.

⁸ Жазоси шудир — «Зубда»да қўшимча: Пир (Пирак) подшоҳнинг ўғли Султон Ҳусайнни ва хотинини ўзи билан бирга олиб турди.

⁹ Тутиб олиб — Λ_2 дан олиб киритилди.

¹⁰ Бобо беги — «Зубда», Λ_2 ва Лоҳур нашрининг баъзи нусхаларида Бобо Некий ўқилса бўладиган шаклларда ёзилган. Лекин кейинроқ «Зубда»да ҳам аниқ Бобо беги.

¹¹ Шунга қарамай... ҳукм чиқарди — «Зубда»да бунинг ўрнида: унинг ҳийла-найранги текшириб аниқлангач Умар баҳодир уни сиёсатга топширишга фармон берди.

¹² Бир тўда кишини... қатлга етказганлиги — «Зубда»да бунинг ўрнида: (Мирзо Абу Бакр) ўзига қасд қилмоқчи эканликларини билиб қолгандан кейин бир неча кишини ўзига оғдириб, шамшир қўлга киргизган. Амирлар ва қалъада бўлган бир нечта кишилар бундан хабардор бўлиб унинг тепасига борганларида, у бир ўзи Одил хазоначи, Исо қурчи ва Ажабшернинг биродари Шайх Ҳожиларни қатлга етказганлиги...

¹³ Мирзо Абу Бакрнинг ҳибсдан халос бўлиш воқеаси Лоҳур нашрига жалб этилган нусхалардан бирида қуйидагича батафсил баён қилинган: «Бу сўзнинг баёни шундан иборатки, мирзо Умар бу (мирзо Абу Бакрни ўлдириш) иши очиқ-ойдин амалга оширилишини истамади. Шунинг учун у мирзо Абу Бакрнинг овқатига тез таъсир этувчи заҳар қўшиб беришга буюрди. Шундай шарбатни номдор шаҳзоданинг олдига келтирганларида у ичишни истамади. Бу ишга тайин қилинган Одил хазоначи ва Исо қурчилар шаҳзода шарбат ичишдан бош тортганлигини мирзо Умарга арзга

етказдилар, у эса кечаси бўғиб ўлдиришлар, деган жавобни юборди. Бир киши бу воқеа кайфиятидан мирзо Абу Бакрни хабардор қилди. Бундан илгарироқ Одил хазоначининг навкарларидан бири бир шамширни ўт орасига беркитиб мирзо Абу Бакрга элтиб берган эди. (Бу воқеа) куни Оқил (Одил!) билан Исо кеч кирганда у машғум ишга киришамиз, деб (кундузи) мирзо Абу Бакр ҳузурида шароб ичиш билан машғул эдилар. Кун ботгач, нарда ўйнашга тушдилар ва Оқил иноқнинг келишига мунтазир эдилар. Мирзо Абу Бакр фурсатни ванимат топиб бурни қонаётганлигини баҳона қилиб, уйга кирди ва ўз қўли билан бандни синдириб, яланғоч қилич билан ташқарига югурди, Одил ва Исони шу заҳотиёқ ўлдириб, интиқом юзини Оқилнинг саройига қаратди ва уни ҳам орадан йўқотди. Шу тарзда у ўнта номдор кишини ўз қўли билан ўлдириб қалъани эгаллади.

¹⁴ Обоқо — Λ_2 да: Обоқо хон.

¹⁵ Бардаъдан чиқиб... бордилар — «Зубда»да: ва Бардаънинг сергавжум бозорида ўтирган туркларнинг катталари амирзода Умарнинг йўлга чиққанини эшитгач, ўзларини четга олдилар.

¹⁶ Кирдилар — «Зубда»да қўшимча: Мирзо Мироншоҳ ва унинг ўғли (мирзо Абу Бакр) Ироққа ружуъ қилган пайтларида улар билан бирга бўлган амирлардан баъзилари Хуросонга жўнашга майл қилиб ҳазрат (Шоҳ-рух) ҳузурига келдилар.

¹⁷ Қўймадилар — «Зубда»да қўшимча: Ироққа етиб олиш учун шошилаётган амирзода Абу Бакр уларга эътибор бермади ва Домғондан жўнаб, уч кунда Симнонга етди.

¹⁸ Амир Ҳусайн — Λ_1 , Λ_2 ва «Зубда»да: амир Пир Ҳусайн.

¹⁹ Киши — Λ_1 , Λ_2 ва Лоҳур нашрига жалб этилган баъзи нусхаларда: отлик.

²⁰ Мирзо Умар — «Зубда»да мирзо Умар сулҳ тузиш учун ўртага қўйган шахслар номи келтирилган: мирзо Умар зарурат юзасидан мавлоно Қози Сукмал, «Зафарнома» китобининг муаллифи мавлоно Низомуддин Шомий ва бошқалар каби акобир ва мавлонолардан бир гуруҳни сулҳ тузиш учун ўртага қўйиб...

²¹ Султон Санжар амир Сайфуддин — Форс изофаси билан ифодаланган бу ўғил ва отанинг номи «Зубда»да одатдаги арабча ифодаси билан келтирилган: Султон Санжар ибн амир Сайфуддин. Шунингдек, бундан кейинги ном орасидаги изофа ҳам Абдураззоқнинг Худодод ўғли эканлигини билдиради.

²² Булардан бошқа — «Зубда»да яна бошқа амирлар номи ҳам аталган: Ошиқ ва унинг отаси амир Яҳъё, Колунинг биродари ўз ўғиллари билан ва бошқалар.

²³ Шайхнинг оёқ-қўлидан михлаб (ўлдирилди) — «Зубда»да бу воқеа содир бўлган тарих кўрсатилган: 808 йил 27 рабиъ ал-охир (22 октябрь, 1405).

²⁴ Фуқаро... «юз минг ҳукми»ни келтирган — «Матлаъ» матнида «юз минг ҳукми»нинг ёзилиши: «ҳукм-и сад ҳазор» «Зубда»да эса мазмуни аниқроқ: шаҳар аҳолиси амирзода Умарнинг лашкар харажатлари учун юз минг динар (тўплаш) ҳақидаги ҳукмини келтирган.

²⁵ Хожа Абдулҳай Қазвиний — кейинроқ (Лохур, 43-бет) бу шахс номи Хожа Абдулмуҳсин Қазвиний деб ёзилган.

²⁶ Мирзо Абу Бакрнинг хос кишилари — «Зубда»да бундан олдин қўшимча: Амирзода Абу Бакр 808 йил жумод ал-увло ойининг бошида (25 октябрь, 1405) доруссалтана Султониядан Рай томонга равона бўлди, чунки у ота-онаси ва уғруқни ўша ерда қолдирган эди. У йўлда шикор ва айш-ишрат қилиб Шаҳриёр қалъасига етди, ота-онаси ва амирларни кўрди, ҳар кимни ўз қадрига яраша совға-инъомлар билан тақдирлади. Унинг хос амирлари ва иноқларидан баъзилари айтдилар...

²⁷ Амир Баён Табризга келган эди — «Зубда»да тўлароқ: мазкур жумод ал-увлонинг ўн биринчисида (4 ноябрь, 1405) амир Баён қавчин, Баҳлул барлос ва девон кишилари Табризга келган эдилар...

²⁸ Хожа Берди — «Зубда»да бундан сўнг учрайдиган сатрларда ҳам: Хожа Бир (Пир) Ҳусайн. Муҳаммад Шафе «Зубда»даги бу фарқни «Хожа» устида кўрсатиб, берди сўзини «бар вай» — «унга» ўқилса дуруст бўлар деган, у ҳолда жумла бундай тушунилиши лозим: амир Дулдой ва Хожа Пир Ҳусайнлар унга мададга келаётганлари... Бироқ 97-бетда «Матлаъ» матнининг ўзида мирзо Абу Бакр билан боғлиқ воқеалар баёнида Пир Ҳусайн ва Хожа Берди номлари ўз ҳолича алоҳида-алоҳида учрайди.

²⁹ ... охирида — «Зубда»да: йигирма еттинчисида (20 декабрь, 1405).

³⁰ Амираки Мунжамон (?) — L_1 , L_2 ларда ва «Зубда»да «Амирак» сўзи йўқ; Лохур нашрининг 46-бетида матнда Мунжамон ўрнида Мунажжим; нусхаларда эса яна ҳар хил шаклда.

³¹ Икки-уч манзиллик масофага етдилар — «Зубда»да аниқроқ: чунончи икки душман гуруҳлар орасидаги масофа икки манзилдан ортиқ эмас эди.

³² Деди ва Даргузин ҳудудида — «Зубда»да бунинг ўрнида: шундай қарорга келинган, у Исфаҳонга юзланди ва чаҳоршанба куни саккиз юз

саккизинчи йили зу-л-қаъда ойининг бошида (20 апрель, 1406) Даргузин ҳудудида...

³³ Форс Ироқига — «Зубда»да: Исфаҳон ва у диёру ерларга...

³⁴ Суқбулоқда — «Зубда»да: Райнинг Совуқбулоғида.

³⁵ Харбура — «Зубда»да: Даргузинга тегишли Хардара деб маъруф бўлган мавзеда.

³⁶ ... ташландилар — «Зубда»да воқеа тарихи кўрсатилган: 808 йил зу-л-қаъда ойининг бошида (20 апрель, 1406).

³⁷ Шаҳарни бўйсундиришдан ҳам...бўларди — «Зубда»да шаҳар дарво-засини (эгаллаш)га муяссар бўлинган бўларди, чунки шаҳар аҳолисининг кўпчилиги ғоят саросимага тушиб, ҳаяжонда эди.

³⁸ Шаҳар теварагида... вайронагарчиликлар қилди — «Зубда»да: бир ой давомида Исфаҳон атрофида харобгарчиликдан нимаики мумкин бўлса, ҳаммасини бажо келтирдилар.

³⁹ Амир Шайх Иброҳим — «Зубда»да бунга Ширвоний нисбаси қўши-либ, номи тўлиқ келтирилган.

⁴⁰ ... набираси эди — «Зубда»да қўшимча: унинг отаси эса Тумон оқонинг биродари амир Муҳаммад (ибн) Мусо эди.

⁴¹ Зу-л-ҳижжанинг охирларида — «Зубда»да бу 807 йилга оид эканли-ги қайд қилинган, демак, 28 июнь 1405 йил.

⁴² ... у билан шартлашиб олайлик — «Зубда»да: «мен ўз фарзандимни у билан бирга ҳазрат хоқони саид ҳузурига юбораман ва икки ойдан кейин ўзим ҳам бораман».

⁴³ ... Амир Шоҳмаликни ... қолдирди — «Зубда»да: Амир Сулаймоншоҳ-нинг аксар шикоятлари амир Шоҳмалик устидан эканлиги сабабли агар у (Ҳиротда) бўлмаса, шояд амир Сулаймоншоҳ келишга рағбат қилса (деб Шоҳмаликни Жомда қолдирди).

⁴⁴ Амир Черкаснинг... элчиси етиб келиб — «Зубда»да кўрсатилишича, элчи Мохон тарафдан келган.

⁴⁵ Биродари — «Зубда»да: кичик биродари (яъни, иниси — А.Ў).

⁴⁶ Унинг кетиданоқ исён хабари етиб келди — «Зубда»да: унинг кети-даноқ Шоҳ Қутбуддин тарафидан бир неча киши етиб келиб, шу маънини арз қилди.

⁴⁷ Хизрхожа — «Зубда»да: Хизрхожа қавчин.

⁴⁸ Амир Мусоко... ташлаб — «Зубда» бўйича: амир Мусоко Хоразмдан ва амир Намадак Хивадан у вилоятни ташлаб келдилар.

⁴⁹ Андхуд ва Шибирғон — «Зубда»да булар ўрнида: Омуй ҳудудига.

⁵⁰ Беҳисоб эҳсонлар кўрсатди — «Зубда»да хазинанинг шарҳи келтирилган, қисқача мазмуни қуйидагича: узоқ муддатлар давомида Эрону Турон, Рум, Шом, Ҳинд, Афранж каби мамлакатларнинг маликлари, подшоҳлари ва қадим хонадонларининг хазиналарида аста-аста тўпланиб келган ва амир соҳибқироннинг ҳукмдорлиги муддатида Самарқанд аркининг хазинасига жамланган нақд (олтин-кумуш) пуллар, жавҳарлар, аслаҳа ва матоларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қўйилган ва агар бутун дунё муҳосиблари йиғилишиб ҳисоблаганда ҳам унинг тагига етолмайдилар ва шу кунгача ҳам ета олмаган хазинадан (мирзо Халил Султон) ному нанг ва дуойи хайрдан бўлак ҳеч нарса қолдирмади.

⁵¹ Жангга киришди — «Зубда»да жанг тайёргарлиги баён қилинган: у тарафдан Халил Султон, бир тўда хуросонликлар, ироқликлар ва бир неча тумон билан амир Бурундук барлос ўнг қўлга, амир Сулаймоншоҳ чап қўлга, бу тарафдан эса амирзода Пир Муҳаммад қулга, унинг ўнг қўл тарафига Нуширвон барлос, чап қўл тарафига амир Шоҳмалик ва Ёдгоршоҳ арлот (саф тортдилар).

⁵² Жуворғор ва буронғорлар тарқалиб кетди — «Зубда»да: амирзода Пир Муҳаммад (жангдан) юз ўгирди.

⁵³ Мирзо Улуғбек ... етишиб — «Зубда»да Шоҳрухнинг йўлга чиқишига сабаб Улуғбек келмасдан илгарироқ содир бўлган қуйидаги воқеа эканлиги кўрсатилган: улар етиб келишидан олдин «амир Сулаймоншоҳ, амир Арғуншоҳ ва Аҳмад чухралар (Жайхун) сувидан ўтиб, Шибирғон ва Андхуд вилоятига кирдилар», деган хабар олинган эди; шу хабарга биноан подшоҳона юриш тезликда ўша томонга қаратилди.

⁵⁴ Қуръон, 74-сура, 51-оят.

⁵⁵ амир Жаҳонмулк — «Зубда»да қўшимча: Ибн Милкат.

⁵⁶ Бойсунғур тавочи — нусхаларда, шу жумладан Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда ҳам бу номнинг ёзилиши кўпроқ Бой Сақал шаклидадир.

⁵⁷ Умумий ва жузъий муҳим ишлар — матнда: «муҳиммот-и куллий ва жузъий». Нусхаларда: «мулкый ва куллий», «мулкый ва молий» шаклларида ҳам учрайди.

⁵⁸ Қуръон, 96-сура, 6—7-оятлардан.

⁵⁹ Шайх Али — «Зубда»да ва «Матлаъ»нинг 1944 йил Лоҳур нашрида ҳам: Шер Али.

⁶⁰ Журқолангдан — «Зубда»да бу жойнинг қаердалиги англашиладиган тарзда ёзилган: доруломон Ҳиротнинг рўбарўсида жойлашган Журқоланг деб машҳур бўлган ўз қайтулидан.

⁶¹ Шухрат лашкаргоҳини қурди — «Зубда»да қўшимча: ва бу хуррам манзилда бир ҳафта турди. Шу аҳвол асносида (Омуя суви ёқасида турган...).

⁶² бир ишончли киши — «Зубда»да унинг кимлиги баён қилинган: Қавчинлардан бўлган (ва илгари) бандагийи ҳазрат (Шоҳрух)нинг навкарларидан бўлиб Саидхожа билан юрган Ёдгор ундан юз ўгириб Башарту (?) манзилида бандагийи ҳазрат (Шоҳрух) палосига етишди.



САККИЗ ЮЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1406—1407)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ



¹ Ойнинг саккизинчисида — «Зубда»да: йигирманчисида (7 июль, 1406).

² лашкарни кўриқдан ўтказиш, яроғ-аслаҳаларни кўздан кечириш — матнда: «арз-и лашкар ва эҳтиёт-и аслаҳа ва жи й бо».

³ Боғор Боқди — «Зубда»да: Қорёғди.

⁴ Работи Сангбаста... Ёқута манзилига келганда Саййидхожа — «Зубда»да мазмун тўлароқ баён қилинган. Работи Сангбаст атрофига келиб тушиб, у ердан қоровул жўнатди; ҳумоюн байроқлар Ёқутауланг манзилига келиб тушганида хабар етдики, амир Саидхожа ҳумоюн байроқларнинг етиб келганидан воқиф бўлгач...

⁵ Бефаросатлардан бир гуруҳига — «Зубда»да: (Саййидхожага) мулозимлик қилиб юрган катта бир гуруҳ исфаҳонликларга...


⁶ Бағишлади ҳамда — «Зубда»да қўшимча: ўн саккизинчи муҳаррамда (5 июль, 1406) жиловни Машҳади муқаддас томон бурди.

⁷ Амир Мизроб унинг мол-мулкани олиб — «Зубда»да: бандагийи ҳазрат (Шоҳрух) Али Насруллоҳнинг мол-мулкани амир Мизробга суюрғол қилиб берди.

Мол-мулк деб таржима қилинган сўз «Матлаъ» матнида: «жиҳот», «Зубда»да эса «мухаллафот» келган.

⁸ амир Бўта сўроқлаб текшириб — «Зубда» мазмунича амир Бўта бир гуруҳ кишилар билан Саидхожа кетидан бориб аҳволни билиб келганлиги тушунилади.

⁹ Сафар ойининг ўнинчиси — «Зубда»да бу ерда тарих кўрсатилган эмас ва шу «ўнинчи сафар» кейинги қаторларда баён қилинган Мингли Темурнинг Пирак подшоҳ ҳузурига юборилганлигига оид.



¹⁰ Ялғузағоч — матнда, L_1 L_2 ларда ҳам: Ялғираож, «Зубда»да Ялғурағож, Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида (Феликс Тауэр нашри, Прага, 1937. 1-жилд, 126-бет) Ялғузағож шаклида ёзилганлигига биноан ўқилди.

¹¹ Пирак подшоҳ — «Зубда»да бу ном учрайдиган барча ўринларда: Пир подшоҳ.

¹² Қуръон, 26-сура, 228-оят.

¹³ Мозандарон — «Зубда»да: Астробод.

¹⁴ Иложсиз бўлган — «Зубда»да мирзо Умарнинг Шоҳрухга хабар юборишдан илгари Шероздан чиқиб Соғинд, Чаҳордеҳ ва Тун йўли билан Сабзаворга етиб келганлиги қайд қилинган.

¹⁵ Рабиъ ал-аввал ойининг боши — «Зубда»да: рабиъ ал-охир ойининг боши (15 сентябрь, 1406).

¹⁶ Қуръон, 36-сура, 25-26-оятлар.

¹⁷ Боязид чўпон шу ерда эди — «Зубда»да Боязиднинг «бўйсунмаслик ва қайсарлик йўлига тушиб олганлиги» ҳақида ҳам сўзланган.

¹⁸ Сиёҳбулов — L_1 L_2 L_3 ларда ҳам, Лоҳур нашрининг нусхаларида ҳам Сиёҳбилод шаклида ёзилган. Лоҳур нашрини тайёрлаган Муҳаммад Шафе қиёсан Сиёҳбулов ўқилиши лозимлигини кўрсатиб ўтган.

¹⁹ Амир Юсуф Жалил — «Зубда»да ва L_1 L_2 L_3 ларда ҳам кўпинча «Жалил» ўрнида «Халил» ёзилган.

²⁰ Амир Али тархон — «Зубда»да: амир Саййид Али тархон, амир Саййид Аҳмад тархон ва амир Фармоншайх.

²¹ Қуръон, 12-сура, 92-оят.

²² Ўз биродарларини — «Зубда»да қўшимча: юз киши билан.

²³ ҳал қилиш ҳам ман этиш ихтиёри ва йиғиб олиш ҳам тарқатиш изни — матнда:

²⁴ Вилоятларининг барчаси — «Зубда»да қўшимча: (шу вилоятларнинг) «хирожу муомалалари».

²⁵ Хоқони саид...инжулар илди — «Зубда»да: (Шоҳрух) амирзода Улуғбек ва амир Шоҳмаликка буюрдик, улар қишни Астрободда ўтказсинлар.

²⁶ Мозандарондан қайтди — «Зубда»да султон (Шоҳрух) Шамосон (Шосмон) йўли билан юрганлиги айтилган.

²⁷ Бовард — «Зубда» ва L_1 L_2 L_3 ларда: Абивард.

²⁸ жумод ал-аввалнинг тўртинчисида — «Зубда» ва L_1 L_2 L_3 ларда: жумод ал-охирнинг тўртинчисида (16 ноябрь, 1406).

²⁹ Икки мисқол зарб қилинган аъло сифат кумушга тўғри келадиган уч кабакий динор — матнда: «се динор-и кабакий-ки ду мисқол нукра-и маскук тамом-и айёр буд».

«Зубда»да уч кабакий динорнинг (Муҳаммад Шафе «тўғриси икки динор» деб тузатган) икки мисқол кумушга тўғри келиши «ўша вақтда» эканлиги ҳам қайд қилинган.

³⁰ Бир ман ғаллани бир кабакий динордан сотдилар — «Зубда»да қўшимча: ўша кунларда аста-аста ўттиз минг харвор ғаллани султонликка тегишли омборлардан чиқардилар.

³¹ Қуръон, 17-сура, 36-оят.

³² Қуръон, 2-сура, 181-оятдан.

³³ Ҳар икки арабча ибора ҳам Қуръон, 2-сура, 179-оятдан.

³⁴ Қуръон, 54-сура, 55-оят.

³⁵ Икки минг — Λ_2 ва Λ_3 да: бир минг.

³⁶ Амир Шоҳмалик — «Зубда»да унинг лавозими қайд қилинган: Жаҳон ва жаҳон аҳлининг амирзодаси бўлмиш Улуғбек қўрагоннинг лашкар амири.

³⁷ Ҳузурига жўнатди — «Зубда»да Амир Шоҳмалик «мулоҳаза ва эҳтиёт юзасидан юклару кўчларни Сарахс томонга юборганлиги» айтилган.

³⁸ Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ...яқин кишилардан бири: — «Зубда»да ҳам худди шу мазмундаги жумла бўлиб, у «Зубда»нинг муаллифи Ҳофиз Абру тилидан сўзланган: Бу заиф (Ҳофиз Абру) акобирлардан биридан эшитишимга қараганда, ўша (мирзо Умарга қарши) юриш вақтида (Шоҳрухнинг) кишиларидан бири унга арз қилган.

³⁹ Бизга қилади — «Зубда»да қўшимча: уни бандга олиш керак.

⁴⁰ Қуръон, 3-сура, 25-оят.

⁴¹ Қасд қилганлиги — «Зубда»да қўшимча: «арлотлар ҳашами тарқалиб кетганлиги» эслатилган.

⁴² Жакайи (?) тавочи — Λ_1 да: Чаккайи.

⁴³ Давлат байроғига — матнда: «алам-и давлат» «Зубда»да: мамлакат маншурига.

⁴⁴ Зу-л-қаъда — «Зубда»да зу-л-ҳижжа (17 май, 1407).

⁴⁵ Ҳирот — Лоҳур нашрига жалб қилинган нусхалардаги «Самарқанд»ни Муҳаммад Шафе қавс орасида «Ҳирот» деб тузатган. Бизнинг нусхаларда (Λ_1 Λ_2 Λ_3 T) ўзи тўғри-Ҳирот.

⁴⁶ Қуръон, 2-сура, 151-оятдан.

47 Бир тўда фасодчилар — «Зубда»да булардан «бир гуруҳи Ғурдан, баъзилари Сижистондан» эканлиги айtilган. Малик Солиҳ ўрнида эса «Зубда»да Малик Муслиҳ.

48 Амир Ҳасан Жондорлар — «Зубда»да қўшимча: бир неча минг суворий ва пиёда (лашкар)лар билан бориб...

49 Тўқузработ — «Зубда»да бу работнинг шаҳардан (Ҳиротдан) бир манзил масофада эканлиги кўрсатилган.

50 Жўнатди — «Зубда»да: «бир неча қўшун билан уларга ёрдам учун» жўнатди.

51 Малик Солиҳ — «Зубда»да: Малик Исмоилнинг ўғли Малик Муслиҳ.

52 Райда — «Зубда»да: Райнинг Совуқбулоқида.

53 Муҳаммад Давотий — L_1 L_2 L_3 ларда «Давотий» баъзан «Давоний» шаклида ёзилган.

54 Тош отадиган, ўқ ўтказиладиган жойлар — матнда: «санг андоз ва тир гузарҳо». «Зубда»да айтилишича, Табриз атрофи бўйлаб бу мудофаа иншоотларини қурдириш учун Муҳаммад Давотий «Табриз халқини мажбуран» ишлатган.

55 Амир Бистом Жогир — «Зубда»да: (амир) Низомуддин Бистом Жогир Пешгинга етиб келиб.

56 Амир Шайх Иброҳим ҳам — «Зубда»да қўшимча: Арс сувидан ўтиб...

57 Зу-л-ҳижжа ойининг бошида — «Зубда»да бу тарих Мансур ва унинг ўғли Муҳаммаднинг асир олинганлиги хабари амир Бистомга етишган вақти эканлиги қайд қилинган.

58 Жўнади ва — «Зубда»да қўшимча: Табриз соҳибларидан бўлган.

59 Шайх Қассоб — «Зубда»да ва Лоҳур нашрининг баъзи нусхаларида бу ном «Шайх Муҳаммад Қассоб» ёзилган.

60 Кўкаламзорга қўнди — «Зубда»да қўшимча: ва уч кун у ерда турди.

61 Бағдодга келиб қолдилар — «Зубда»да: Султон Аҳмаднинг олдида бормоқ учун Бағдодга жўнадилар.

62 Еттинчи зу-л-ҳижжада — «Зубда»да ўн еттинчи зу-л-ҳижжада (5 июнь, 1406).

63 Кўп мол талаб қилди — Бундан сўнг «Зубда»да қуйидаги жумла бор: амир Шайх Иброҳим ўн тўққизинчи зу-л-ҳижжада (7 июнь, 1406) Арғун боғчасига келиб тушди, бироқ унга бу кунни «ёмон кун» деганликлари сабабли шаҳарга кирмади-да, кейинроқ, йигирма тўққизинчида (17 июнь, 1406) яқшанба куни кирди.



⁶⁴ Султон Аҳмаднинг келганини — «Зубда»да: (Султон Аҳмаднинг) Озарбайжон тарафига (келганини).

⁶⁵ Ужонда кўчиб — «Зубда»да қўшимча: Саров ва Ардабил тарафига қараб равона бўлди ва Саровга яқин етгач...

⁶⁶ Султон Аҳмад муҳаррам ойининг ўрталарида — «Зубда» нақли бўйича бу тарих (809 йил) 23 муҳаррам (10 июль, 1406).

⁶⁷ Сору — «Зубда»да: сариқ.

⁶⁸ Амир Жаъфар — «Зубда»да: (амир) Низомуддин Жаъфар.

⁶⁹ Девонликка тайинлади — «Зубда»да: Табриз девонига ва мамлакатни идора қилишга тайинлади.

⁷⁰ Зафар қозониб — «Зубда»да қўшимча: у ердан Султонияга келганликлари (ва...)

⁷¹ Кўп оломон билан — «Зубда»да: етти минг пиёда (аскар)ни Табриз шаҳри, унинг атроф-ноҳиялари ва булуқларидан жам қилиб...

⁷² Бағдодга юришни маъқул кўрди — «Зубда»да Бағдодга юриш сабаби кўрсатилган: Султон Аҳмад Саидободда Шайх Али Абу Туробнинг аркони давлатидан бўлган бир кишидан мактуб олган ва «бу маънидан Султон Аҳмад қаттиқ ғазабга келган», унинг амирлари «мабодо Абу Туробнинг лашкари биздан олдин Бағдодга бориб қолмасин, деган ваҳима билан» Бағдод тарафга юришни маъқул топганлар.

⁷³ Саккизинчи рабиъ ал-аввалда — «Зубда»да: ўн саккизинчи рабиъ ал-аввалда (13 сентябрь, 1406).

⁷⁴ У ердан — «Зубда»да қўшимча: Маранд йўли билан...

⁷⁵ Паҳлавон — «Зубда»да туркмон.

⁷⁶ Орқага қайтиб — «Зубда»да лашкар ҳам, мирзо Абу Бакрнинг ўзи ҳам Арс сувидан ўтиб орқага қайтганлиги сўзланган.

⁷⁷ Гумон қилиб кўчиб кетди — «Зубда»да қўшимча: (Туркмонлар хавфи) бўлмаганда у бир неча кун тўхтаб туриб, лашкарни тартибга келтирмоқчи эди.


⁷⁸ Ва ўша қишни Рай мулкида ўтказди — «Зубда»да: ва Райнинг Совуқбулоқи томон кетдилар ҳамда қишни ўша ерда ўтказдилар.

⁷⁹ Менга бир гуруҳ (лашкар) юборгин, токи — «Зубда»да: сиз ўзингиз келсангиз, токи биргалиқда...

⁸⁰ Эшитди — «Зубда»да қўшимча: амирзода Умар бу маънини қулай фурсат деб билди ва эплаганича аскар тўплаб, у томонга жўнатди.

⁸¹ Юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 84-бет.

⁸² Мирзо Абу Бакр Совага бориб, раият устига омон моли юклади — матнда: «мол-и омон бар раоё ҳавола қард».



Бу воқеа «Зубда»да кенгроқ ёритилган: Тоҳирнинг кичик ўғли Муҳаммад ҳамда Тоҳирнинг биродари Тайфурлар бир-бирлари билан муҳолифатчилик қилишмоқда эдилар, мирзо Абу Бакр етиб келган вақтда Совани унга топшириб ташқари чиқдилар. Мирзо (Абу Бакр) уларни бандга солиб Султония қалъасига юборди, ўзи Совада уч кун туриб, раият устига омон моли юклади, сўнг Совани Иктемурга топширди ва Ҳамадонга равона бўлди.

⁸³ Амирларни — «Зубда»да амирларнинг номлари келтирилган: «Тукал Ўрус Буқо, Пир Ҳусайн барлос, Исмоил Атко, Шайх Муҳаммад доруфа, Нуширвон барлос, Хожа Пир Ҳусайн ва Хожа Берди».

⁸⁴ Ҳаммасини ҳибсга олди; уларнинг мол-ҳолини Али Сиддиққа топширди — «мол-ҳол» деб таржима қилинган сўз матнда: «тааллуқот». Воқеа «Зубда»да кенгроқ ёритилган: уларни ҳибсга олиб, отга миндилар-да Тукалнинг уйига равона бўлдилар; йўлда унинг биродарини ҳам ушлаб олдилар ва (мирзо Абу Бакр) Тукалнинг уйига келиб тушиб, унинг хотини, қизи ва мол-ҳолини олиб, Али Сиддиққа топширди.

⁸⁵ Қочиб кетган эдилар — «Зубда»да қўшимча: (мирзо Абу Бакр) уларнинг уйлари ва мол-мулкларини талон-торож қилиб ўз уйига келиб тушди.

⁸⁶ Ҳаммасини — «Зубда»да: тўртталасини.

⁸⁷ Бир вилоятга юборди — «Зубда»да бу жумлага Шоҳрухнинг 812 (1409—1410) йили Мовароуннаҳрни Улуғбекка топширганидаги оталик насиҳатлари баёни улаиб кетган, демак, «Зубда» матни суқутли экан. Шунинг учун бу ердан бошлаб то 812 (1409—1410) йил воқеалари баёнидаги Мовароуннаҳрни Улуғбекка топширилиш воқеасигача (қаранг: 812 йил. 9-изоҳ), Лоҳур нашрида «Матлаъ» ва «Зубда» фарқлари кўрсатилмаган. Шунинг учун кейинги 810 йил воқеалари баёни таржимасида баъзи ўринларда Ҳофиз Абрунинг ЎзФАШИДаги географик-тарихий асари икки нусхасидан фойдаланиб, айрим изоҳлар келтирилади.

⁸⁸ Фарзандлари орасида — Лоҳур нашрига жалб қилинган нусхалардан бирида жумлага аниқлик киргизилган: Форс, Ироқ ва Кермонда.



САККИЗ ЮЗ ЎНИНЧИ

(1407—1408)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ



¹ Тортмади — Ҳофиз Абрунинг жуғрофий-тарихий асарида (ЎзФАШИ, қўлёзма № 5361, варақ 442б; қўлёзма № 4978, варақ 118а) кўрсатилишича, Шоҳрух Шайхзода Боязид лангарига келгач, бу ерда Пир Али Тознинг бир неча навкарлари Андхудда эканлиги маълум бўлган. Шоҳрух ўз

амирларидан амир Мизроб, амир Ёдгоршоҳ ва амир Ферузшоҳларни у навкарларга қарши юбориб, тўсатдан Андхудни ўраб олишга буюрган, аммо Пир Али Тознинг навкарлари амирлар етиб боришидан илгарироқ қочиб кетганлар.

Умуман Ҳофизии Абрунинг нақли «Матлаъ»дан таҳририй жиҳатдан ва адабий муболағалар, ўхшатмалар қўшилиши жиҳатидан анча фарқли, лекин асосий мазмун (кўрсатилганидан ташқари) ҳар икки асарда ҳам бир хил.

² Амир Чаҳоршанба — мазкур 5361 (варақ 445а) ва 4078 (варақ 118 б) рақамли қўлёзмаларда: амир Чаҳоршанба бошлиқ.

³ Амир Жаҳонмулкларни — мазкур қўлёзмаларда қўшимча: бир неча минг суворийлар билан.

⁴ Амирлар унга етгач — мазкур қўлёзмаларда айтилишича, амирлар Пир Али Тозни Дари Кў деган жойда қувиб етганлар.

⁵ Юклари — матнда: «иҳмол ва исқол». Мазкур қўлёзмаларда лашкар аҳли кўп ўлжа ва ғанимларни қўлга туширганлиги ҳам қайд қилинган.

⁶ Йигирманчи сафарда — мазкур қўлёзмаларда: йигирма учинчи сафарда (30 июль, 1407).

⁷ Балхнинг Қабқар (деган жойи) — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 443 б; 4078, варақ 118 б) Қабқар ўрнида Оқтепа деб ўқиш мумкин бўлган шаклда ёзилган.

⁸ Самарқандга — мазкур қўлёзмаларда бундан сўнг қўшимча: Халил Султон ҳузурига хабарларни етказмоқ учун.

⁹ Бундан ўттиз тўққиз йил бурун... Ҳиндувон қалъасини — Балх қалъасининг Темур томонидан хароб қилинган вақти 771 йил ражаб ойидир (апрель, 1370) («Матлаи саъдайн» 1-жилд, ЎзФАШИ қўлёзма 5373, варақ 98 а).

¹⁰ Шибирғонга келиб тушди — мазкур қўлёзмаларда Шоҳрух Шибирғонни ҳам, худди Балхдагидек, мустаҳкамлашга буюрганлиги ва уни амирзода Саййид Аҳмад ибн амирзода Умаршайхга суюрғол қилиб тайинланганлиги қайд қилинган («Матлаъ» матнида эса кейинги сатрда бу шахсга Андхудни суюрғол қилинганлиги айтилади).

¹¹ Суюрғоли қилиб тайинлади — мазкур қўлёзмаларда айтилишича, «ҳали ҳам» (яъни Ҳофизии Аbru ўз жуғрофий асарини ёзаётган вақтда ҳам — А.Ў.) Андхуд амир Саййид Аҳмад тархоннинг навкарлари тасаруфида эканлиги қайд қилинган (Ҳофизии Аbru бу асарини 823 (1420) йилда ёзиб тугатганлигини Кириш сўз II да айтиб ўтдик — А.Ў.).

¹² Рабиъ ал-охирнинг ўртасида — мазкур қўлёзмаларда: ўн биринчи рабиъ ал-аввалда (16 август, 1407).

¹³ Амир Алибек — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 444б; 4078, варақ 119 б) амир Алибек баковул.

¹⁴ Пир подшоҳ бебош ва паст кишиларни... тўплаб — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 444 б; 4078, варақ 120 а) бу мазмун «Матлаъ»дагидан кўра муфассалроқ баён қилинган, уларда ёзилишича, Пир подшоҳга тобе бўлган кишилар жоний қурбоний ва тукалий (уруғлари)дан ташқари яна: «ҳазоралардан бир гуруҳи, ҳазрат соҳибқирон Хуросон ва бошқа мамлакатлардан кўчириб Туркистон ва унинг атрофларида сокин қилиб ўтирғизган, Халил Султон замонида эса пайт топиб қочиб кетиб Хоразм томонга келиб қолган кишилар» ҳам кўрсатилган; бундан сўнг, у қўлёзмаларда қайд қилинишича, Мовароуннаҳрдан қочган катта бир гуруҳ ироқликлар ҳам Хоразмга етиб келиб, ҳаммалари Пир подшоҳни султонликка кўтарганлар, Пир подшоҳ атрофига кўп оломон йиғилган ва у Хоразмдан чиқиб Астрободни муҳосара қилишга киришган.

¹⁵ Башарту манзилига юришга буюрди — мазкур қўлёзмаларда Башарту ўрнида Шибарту. Бундан ташқари, у қўлёзмаларда айтилишича, Шоҳрух шу манзилга келиб қўнғач, «Шероз томондан амирзода Пир Муҳаммаднинг ўз биродари амирзода Искандарни ҳибсга олганлиги» ҳақида хабар келган. Шоҳрух амир Бўтани амирзода Пир Муҳаммад олдида насиҳатдан иборат бир мактуб билан юборган (мактуб мазмуни қўлёзмаларда тўла келтирилган) ва Искандар билан аҳл бўлишни тавсия этган. Амирзода Пир Муҳаммад гарчи Искандарни ҳибсдан бўшатган бўлса ҳам, бироқ, «орада сўз ўтганлиги ва ваҳшат ҳодис бўлганлиги учун, у бир неча кун бу вилоятдан чиқиб кетсин ва қаерни хоҳласа, ўша ерда турсин», — деб жавоб берган.

¹⁶ Етиб келдилар — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 445 а; 4078, варақ 120 б) лашкар сони элик минг суворийдан иборат бўлганлиги қайд қилинган.

¹⁷ Ҳазора Жарибий — мазкур қўлёзмаларда бунинг ўрнида: Ҳазора Жариб ва Симнондан (келиб).

¹⁸ Шикор қилиб — мазкур қўлёзмаларда жумла орасида Шоҳрух Хуросон томон йигирма минг суворийдан иборат ўзининг лашкари билан йўлга чиққани (демак, бошқа вилоятлардан келган лашкарлар ўз вилоятларига қайтган — А.Ў.) ва Абивардга келиб, у ердан Сарахсга ўтгани қайд қилинган.

¹⁹ Онҳазрат Мозандарондан бир лашкарни Сеистон тарафига (ўтка-зишга) тайин қилган вақтда — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 445 б; 4078, варақ 121 б) бу жумла қуйидаги мазмунда: салтанат шиорли ҳазрат Мозандарон юришидан (қайтиб) давлат пойтахтида қарор топгач, Фароҳ ва Сижистон томонга бир лашкарни юборишга қарор қилган вақтда.

²⁰ туркларнинг тиюлларини — мазкур қўлёзмаларда (5361, варақ 446 а; 4078, варақ 122 а) бунинг ўрнида: тиюллар ҳосилини.

²¹ Корубор — матнда ёзилишича Корубоз; 1944 йилги Лоҳур нашрида: Корубор; Λ_1 Λ_2 Λ_3 нусхаларида Кордбоз, мазкур қўлёзмаларда эса (5361, варақ 447 а; 4078, 122 б) Кори.

²² Сувни ўзларига ҳисор қилдилар — мазкур қўлёзмалар матнича, амир Жаҳонмулкнинг тарафдорлари «сувни ўзларига ҳисор қилган ҳолда (сув ёқалаб) йўл юриб Башарту (Шибарту)га етганларида тўхтаганлар».

²³ Сеистонга жўнатилаётган лашкар — мазкур қўлёзмаларда қайд қилинишича, бу лашкарнинг бир қисми Башарту (Шибарту)га келиб тушган, бир қисми кўчиб кетган ва бир қисми эса кўчиб кетиш олдида турган.

²⁴ Табас биёбони йўли билан — мазкур қўлёзмаларда бунинг ўрнида: Қўҳистон томонга ва уларнинг суюрғоли бўлган Табасга жўнадилар (ва ...)

²⁵ Мирзо Рустам Гандумон яйлоқида... хабарини эшитди — 5361 рақамли қўлёзмада (варақ 157 б) мирзо Рустам Гандумон яйлоқига аввал баҳорда (яъни 810 йил охирларида-март-апрель 1408 йил — А.Ў.) келганлиги, Мирзо Пир Муҳаммаднинг Форс мамлакатидан чиқиб Исфаҳонга юрган вақти эса 811 йил бошларида (май-июнь, 1408) эканлиги қайд қилинган.

²⁶ ... бунинг шарҳи...кейин келади — Лоҳур нашрининг 127 ва 134-бетларида мирзо Рустамнинг Шоҳрухга мулозимликда юрганлиги қайд қилинган. Лекин 5361 рақамли қўлёзмада шу ернинг ўзидаёқ мирзо Рустамнинг Хуросонга етиб борганлиги, бу вақтда Шоҳрух «Худойдод Ҳусайний фитнаси сабабли» Мовароуннаҳр томон юзланганлиги учун мирзо Рустам ҳам у томонга жўнаганлиги ва (сўнгрок) амирзода Пир Муҳаммаднинг Форсда шаҳид бўлганлиги хабарини эшитган Шоҳрух амирзода Рустамни Самарқанддан Ироқ томон жўнатганлиги ҳақида сўзланган.

²⁷ мол ва харожга тегишли дафтарларни — 5361 рақамли қўлёзмада (варақ 158 а) бунинг ўрнида: ҳазрат соҳибқирон замони(га оид) харож ва молга тегишли дафтарларни.

²⁸ Юқорида айтиб ўтилган эди — қаранг: Лоҳур нашри, 97-бет.

²⁹ (809 йил) зу-л-ҳижжанинг охирларида — гарчи матнда 810 йил воқеалари баён қилинаётган бўлса ҳам, мазмунга қараб 809 йилга нисбат берилди, чунки агар 810 йил дейилса, кейинги саҳифаларда қайд қилинган ойларга нисбат берилган воқеалар мазмунан уланмай қолади.

³⁰ Шайх Ҳожи Ироқийни ўлдирганликлари — Лоҳур нашрида бу воқеа 48-бетда баён қилинганлиги ҳақида изоҳ берилган, аммо у бетда умуман бу шахс номи тилга олингану ўлдирилганлиги эслатилган эмас.

³¹ Ахий Фараж — нусхаларда Ахий Фараҳ ва Амир Фараж шаклида ҳам учрайди.

³² Муҳаммадлар қарийб — матнда қарийб ўрнида «то қарийб» L_1 да эса шахсий ном шаклида: Боқир, яъни Муҳаммад Боқир ёзилган.

³³ Йил охирларида — буни, гарча 810 йил воқеалари баён қилинаётган бўлса ҳам, 809 йилнинг охири (май, 1407) деб тушунишга тўғри келади, акс ҳолда шу фаслнинг сўнгроғида «(810 йил) шаъбон ойининг охирида» (29 январь, 1408), дейилган тарихни 811 йилга оид (17 январь, 1409) деб тушунмоқ лозим.

САККИЗ ЮЗ ЎН БИРИНЧИ

(1408—1409)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ <Ҳақиқатан ҳам тайёрдирлар> — Қуръон, 68-сура, 51-оятдан. Бу ерда оятнинг бошланғич қисми келтирилган бўлиб, мазмунан жумлага уланмайди. Аслида оятнинг тўла мазмуни шундай: <Кофирлар зикрни эшитганларида кўзлари билан сени улоқтириб ташлашга ҳақиқатан ҳам тайёрдирлар ва «у мажнун-ку» деб айтадилар>.

² Қийноқли жазо — Қуръон оятларида бир қанчасида учрайдиган сўзлар. Масалан: 2-сура, 9-оятда.

³ Маҳмуд Сияҳ сувор — L_1 L_2 L_3 нусхаларида йўқ.

⁴ Пандор-нусхаларда яна бошқача шаклларда ҳам ёзилган: Бидор, Бандор.

⁵ Сарой ясовуллари — матнда: «ясовулон-и дар-и хона», сўзма-сўз таржима қилинса; уй эшиги ясовуллари.

⁶ Иш ўқ (отиш) ва камон (тортиш) дан — жумладаги «иш» сўзи ва «дан» чиқиш келишигини англатувчи сўзлар («кор аз») Лоҳур нашрига жалб этилган «Матлаъ» нусхаларида — «кори зор» (яъни жангу жадал) деб нотўғри ёзилган экан, Муҳаммад Шафе ўз изоҳида буни «шояд» «кор аз»



бўлса» — деб тахминий тузатган. Λ_1 Λ_2 Λ_3 нусхаларида ўзи шундай тўғри ёзилган.

⁷ Амир Пакана — юқорида (Лоҳур нашри, 94-бет) амир Мазид Бакана шаклида учрайди.

⁸ Паҳлавон Шамс Дароз — Лоҳур нашрига жалб этилган нусхалардан бирида: Малик Шамсуддин Дароз.

⁹ Қуръон, 7-сура, 22-оятдан.

¹⁰ Қуръон, 4-сура, 164-оятдан.

¹¹ Қуръон, 2-сура, 177-оятдан.

¹² Шоҳ Муҳаммад — гарчи 5361 рақамли қўлёзмада «Матлаъ»даги бу фаслни келтирилмай, унинг асосий мазмуни варақ 150а-б да бир неча қаторда қисқартирилган ҳолда эслатиб ўтилган бўлса ҳам (воқеанинг тўла баёнини Ҳофизи Аbru кейинроқ, «Сеистон воқеалари қисмида айтилади», — деган-у, лекин бу қисм бизнинг қўлёзмада йўқ — А.Ў.) бу шахс келтирилган ва «Матлаъ»дан фарқли ўлароқ, Шоҳ Маҳмуд ёзилган. Бироқ кейинроқ «Матлаъ» матнида ҳам (Лоҳур нашри, 157-бет) Шоҳ Маҳмуд.

¹³ Қуръон, 7-сура, 188-оят.

¹⁴ Қуръон, 2-сура, 208-оят.

¹⁵ Марҳаматлилик — Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда, Лоҳур нашрининг баъзи нусхаларида ҳам, адолатлилик.

¹⁶ Бодғис яйлоқига...юриш зикри — бу фасл ва кейинги Шохрухнинг Мовароуннахрга юриши ҳақидаги фаслнинг асосий мазмуни 5361 рақамли қўлёзмада (варақ 405 б) баъзи ой-кунларнинг кўрсатилиши билан келтирилиб, юқорида эслатилгани каби (қаранг: 12-изоҳ) «Мовароуннахр ва Туркистон ҳокимлари фасли»да айтилади деб илова қилинган. Аммо бу фасл ҳам бизнинг қўлёзмада йўқ.

¹⁷ Амир Лутфуллоҳ Бобойтемур — Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларга асосан шундай ёзилди; матнда амир Лутфуллоҳ ва Бобойтемур шаклида, иккита шахс маъносида келган ва Муҳаммад Шафе бунга савол аломати қўйиб шубҳа билдирган. Лоҳур нашри 140, 274—275-бетларида «ва» йўқ. 25-бетда эса Лутфуллоҳ ибн Боёнтемур ибн Оқбуқо шаклида ўтган эди.

¹⁸ Шоҳ Мулк оғо — Λ_1 да Шод Мулк оғо.

¹⁹ Абдхожа — Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда ва Лоҳур нашрига жалб қилинган баъзи нусхаларда Ийдхожа.

²⁰ Айтиб ўтилганидек — бу воқеа юқорида Лоҳур нашрининг 127-бетида баён қилинган.

²¹ Қуръон, 2-сура, 213-оятдан.



²² Қуръон, 28-сура, 77- оятдан.

²³ Қуръон, 33-сура, 6-оятдан.

²⁴ Қуръон, 12-сура, 92-оятдан.

²⁵ Амир Улус — Λ_2 ва Лоҳур нашрининг баъзи нусхаларида (Исан ёки Эсан) шаклида ёзилган.

²⁶ Тулак — Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда ҳам шундай. Лекин Лоҳур нашрининг бир нусхасида — Тукал.

САККИЗ ЮЗ ЎН ИККИНЧИ

(1409—1410)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Қуръон, 2-сура, 213-оят.

² Қуръон, 33-сура, 25-оятдан.

³ Амир Адулхолиқ — матнда бу ўринда амир Холиқ ёзилган. Лекин кейинроқ (201—202 бетлар) ёзилган шаклига ва шу ернинг ўзида Λ_1 Λ_2 Λ_3 ва Лоҳур нашри нусхаларининг баъзисида ёзилган шаклига қараб тузатилади.

⁴ Қалъа дарвозасидан — Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда қалъа атрофидан.

⁵ Барча давлат ишлари — матнда: «умур-и куллий»

⁶ Қуръон, 57-сура, 21-оят.

⁷ Қуръон, 38-сура, 25-оят.

⁸ Ёлланма ҳақлари ва маошлари — матнда: «мавожиб ва марсумот»

⁹ Лоҳур нашрида «Матлаъ» матни билан таққосланиб келинаётган «Зубда» нусхаси матни бу ерда яна таққосланиб борилади. Унинг матни Лоҳур нашрининг 97-бетига узилиб қолган эди (қаранг: 809 йил изоҳлари, 87-сон).

¹⁰ Ҳал қилиш ва ман этиш жиловы, йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёри — матнда: «зимом-и ҳалу ақд ва инон-и қабзу баст».

¹¹ Тартибга солишга киришсин — «Зубда»да бундан кейин қўшимчалар бўлиб, улардан Лоҳур нашрида кўрсатилгани: амир Шоҳмаликнинг доимо мамлакат чеккаларига махфий гап етказувчи жосуслар юбориб туриши лозимлигидир.

¹² Унинг ихтиёрича — «Зубда»да бунинг ўрнида: унинг девони харажатлари учун.

¹³ Қуръон, 18-сура, 29-оят асосида, оятнинг баъзи сўзлари сақланган ҳолда, араб тилида тузилган жумла.



¹⁴ Мазмунига йўналтириш — «Зубда»да қўшимча: (маблағни) ҳады қилиш ва сарфлашда раҳмдиллигу ҳаракатчанликни исрофгарчилигу ортиқчалик даражасига етказмаслик.

¹⁵ Деб ҳисобламаслик — бундан кейин, «Зубда»да молларни ундиришда (ноиблар) маълум қонун-қоида ва қадимий одатлардан ташқари чиқмасинлар деган мазмунда қўшимча бор.

¹⁶ Аъло ҳазрат — «Зубда»да бундан олдин «Шоҳрухнинг Мовароуннаҳр мамлакатларини қўлга киритгандан кейин саккиз юз ўн иккинчи йил ражаб ойида (9 ноябрь—8 декабрь, 1409) қайтиш жоловини Хуросон томон бурганлиги» қайд қилинган.

¹⁷ Кобул ва Бадахшон чегарасигача — «Зубда»да бундан сўнг Шоҳрухнинг «илтифоти у диёр аҳволини тартибга келтиришга кўпроқ қаратилган бўлганлиги учун» деб таъкидланган.

¹⁸ Ўн олтинчи ражабда...етишди — «Зубда»да бу тарих шаҳзода мирзо Иброҳим Султоннинг Андхудга етиб келган куни эмас, Ҳиротдан йўлга чиққан куни сифатида қайд қилинган.

¹⁹ Қуръон, 24-сура, 35-оят.

²⁰ Қуръон, 2-сура, 197-оят.

²¹ Ситам етганнинг (ёмон) дуосидан қўрқсин — «Зубда»да Шоҳрухнинг мирзо Иброҳим Султонга хитобан айтган гапларига яна қўшимча бор: ҳаракат қилишу муқим туриш пайтларида омма маслаҳатидан ва умумий тартиб-қоидадан фориг ва ғофил бўлмагин ҳамда раият умидининг рўёбга чиқиши ва аҳволнинг осойишталиги юзасидан нимаики маъқул кўринса, уни амалга оширгин, истехком ва қалъаларни сақлашда қаттиқ қўллик ва эҳтиёткорлик шартларини ўрнига қўйгин.

²² Бунинг шарҳи юқорида ўтди — қаранг: Лоҳур нашри, 105-бет.

²³ Палосини ўпиш учун юзланиб — «Зубда»да қўшимча: Ховарон даштида.

²⁴ Иноятлар буюрди — «Зубда»да Шоҳрух Султон Алининг навкарларига маош ҳам тайинлагани айтилган.

²⁵ Ҳазора Жариб саййидлар — «Зубда»да Амир Саййид Муртазо Саййид Иззуддиннинг куёви эканлиги ва Қумис, Ҳазора Жариб, Қрим (Муҳаммад Шафе Фарюм-деб тузатган) ва Симнон мамлакати шу саййидлар тассарруфида эканлиги айтилган. Аммо жумла хаттот томонидан ниҳоятда бузиб ёзилган. Юқоридаги мазмун тахминий келтирилди (А.Ў.).

²⁶ Астрободга етдилар — «Зубда»да қўшимча: амир Али Астрободда тўхтаб турди.



²⁷ Амир Саййид Али эса Астрободда — «Зубда»да қўшимча: (кишиларни) ўзига мойил қилиб қўйган эди.

²⁸ Ибсий — $\Lambda_1 \Lambda_2 \Lambda_3$ лар ва Лоҳур нашрининг баъзи нусхаларида Исий шаклида.

²⁹ Собиқ лашкар қозиси — матнда: «қози-и собиқ-и ҳарб»

³⁰ Қуръон, 5-сура, 118-оятдан.

³¹ Қуръон, 2-сура, 238-оятдан.

³² Обод ҳолига келтиришни лозим топди — «Зубда»да қўшимча: чунки у (Марв) нинг кенг майдони иморатлар қуриш ва экин экиш учун қулай эди.

³³ Тўғон — «Зубда»да бунинг ўрнида: Мурғоб тўғони.

³⁴ Беш юз жуфт ҳўкиз — матнда: «понсад завж авомил».

³⁵ Кенглиги бошланиш жойларида йигирма газ (бўлиб қуйи оқимларида) ўн беш газгача, чуқурлиги эса беш газдан кам эмас эди — «Зубда»нақли «Матлаъ»дан мазмунан фарқ қилади, яъни унда қайд қилинишича: Марв наҳрининг кенглиги бошланиш жойларида йигирма газ олд, охирларида эса ўн бир газга етди, чуқурлиги эса, ер текис бўлган жойда, ҳеч бир ерда беш газдан кам эмас эди.

³⁶ Юқорида арзга етказиб ўтилган эди — бу ҳақда қаранг: Лоҳур нашри, 136-бет. Бу жумладан сўнг «Зубда»да қўшимча: Амирзода Искандар ўз биродарига нисбатан хизмат ва мулозамат тариқини тутди.

³⁷ Дужоҳа — Λ_2 да Дучоҳа.

³⁸ Табибзодалиқдан — «Зубда»да: рикобдорлик мартабасидан. Бундан ташқари «Зубда»да айтилишича, Ҳусайн шарбатдор мирзо Пир Муҳаммаднинг қўлида тарбия топган.

³⁹ Амирлар — «Зубда»да: Темурхожа ва амирлар жамоати.

⁴⁰ Лашкар аҳли етиб келиб — «Зубда»да: ногоҳ бу хабар билан кетмакет Амир Шайх етиб келди ва у ҳол ҳақиқатига гувоҳлик берди, унга ишондилар.

⁴¹ Хожа Ҳусайн ўз биродари...буюрди — «Зубда» мазмунича, Хожа Ҳусайн бу ишни ўз биродарига буюрмай, унинг ўзи бир гуруҳ кишилар билан мирзо Искандарнинг висоқига борган.

⁴² Амир Абдусамад — «Зубда»да: Амир Тоҳир амир Абдусамад билан бирга.

⁴³ Нопокка — «Зубда»да: шарбатдорга.

⁴⁴ У Мурдастон дарвозасига келиб... сўзларни эшитди — «Зубда»да: Кеч киргач, амирлардан баъзилари мирзо Искандар тарафига майл қилдилар. Хабарларга қараганда, шаҳид бўлган бахтиёр шаҳзоданинг тобела-

ри орасидан биринчи бўлиб амирзода Искандар лашкарига қўшилган киши амир Жунайд тавочи экан. Хўсайн шарбатдор иш олдинга босмаётганини кўргач ва ўз бахтсизлиги ва ўзидан юз ўтирувчилар сони орта бергач, эртаси куни эрталаб бир неча киши билан Кермон тарафига қараб қочди.

⁴⁵ Мирзо Пир Муҳаммад манғло й тариқида Кермонга жўнатган амирлар — «Зубда»да кўрсатилишича, мирзо Пир Муҳаммад ўлдирилишидан олдин Кермонни олишга отланган пайтида (қаранг: ушбу фаслнинг бошланғич сатрлари) бир неча манзил йўл юргач, бир гуруҳ амирларни манғло й тариқида илгари жўнатган. Амирларнинг номлари: амир Сиддик, Тукал, амир Баён ва Абдулкарим.

⁴⁶ Бу хабарни эшитиб тарқалиб кетдилар — «Зубда»да тўлароқ: улар Кермоннинг баъзи мавзеъларини ғорат қилган эдиларки, ногоҳ (мирзо Пир Муҳаммад ўлдирилганлиги) хабарини эшитдилар ва Шерозга қайтишга бошлаб, бир-бирларидан ажралиб кетдилар.

⁴⁷ «... Шайх Саъдийнинг мазорига», дейилган сатрдан то шу «куйдирдилар», деган сўзгача бўлган жумлалар ўрнида «Зубда»да фақат: уни кўп уқубатларга солиб ҳалок қилдилар.

⁴⁸ Язднинг доруғаси — «Зубда»да: Язд шаҳри ва қалъасининг кутволи.

⁴⁹ Унинг маҳдумаси бўлмиш... қувиб чиқарди — «Зубда»да тўлароқ: Бу воқеа жараёнида саросимада юрган муаззама хотин Беги Мулк офони ғорат қилди, ҳарам мулозимларининг кўпчилигига нисбатан ҳурматсизлик қилди ва ўз маҳдумасини (шаҳардан қувиб чиқарди).

⁵⁰ Яздни муҳосара қилишга юбориб, ўзи — «Зубда»да қўшимча: Форс мамлакатлари ва унинг навоҳийларини забт қилиб бўлгач...

⁵¹ Ироқ ва Озарбайжонга йўл олган эди — «Зубда»да: Ироққа юзланиб бир неча вақт Курдистонда юрди ва у ердан Табризга амир Юсуф ҳузурига жўнади.

⁵² Яхши муносабатда бўлди — «Зубда»да қўшимча: у Султон Увайснинг набираси бўлганлиги туфайли барча Табриз акобирлари унинг ҳузурини тараддудда бўлдилар.

⁵³ Қози Аҳмад Соидийнинг — «Зубда»да қўшимча: ҳамда туркмон, Озарбайжон ва Ироқ амирларининг.

⁵⁴ Амир Жалбоншоҳ — «Зубда»да Фозил деган шахс номи ҳам бор.

⁵⁵ Лекин жанг қилмай Яздга қараб юзландилар — «Зубда»да: бир-бирлари билан тўқнашмай орқага қайтдилар ва Исфаҳон шаҳри ва қалъасини ташлаб, Яздга юзландилар. Фозил Бароон вилоятида бир гуруҳ амирлар



билан биргаликда улардан жудо бўлиб, амирзода Искандар томон юзланди.

⁵⁶ Мирзо Искандар — «Зубда»да қўшимча: мирзо Искандар Исфаҳон амирларининг бебошбоқлик ҳолати, Муътасимнинг ва Озарбайжон лашкари жамоатининг яқинлаб етгани ҳақида (амир) Фозилнинг ва хабаргирлар жамоатининг сўзларидан маълум қилиб олди, (сўнг у...)

⁵⁷ (Амир) Боёнларни — «Зубда»да қўшимча: уларга тегишли қўшун ва тумонлар билан бирга.

⁵⁸ (қарши) қўзғолди — «Зубда»да қўшимча: мирзо Искандар (амир) Фозилни подшоҳона навозишлар билан сарафроз қилди ҳамда Фуша манзилдан баъзи амирларни манғолой тариқида Исфаҳонга жўнатди.

⁵⁹ Форснинг аслзода ва аёнлари... от қўйди — «Зубда»да кенгроқ ёритилган: Исфаҳонга борган амирлар шаҳарга кириб дарвозани эгалланларидан кейин Қози Аҳмад Соидий, шаҳарнинг Чаҳордонгадан бўлган аҳолисининг ғавғоси туфайли уларни шаҳардан чиқарди. Амирлар ўрдуга қайтиб келдилар. Эртаси кун, уфруқ келиб қўшилгач, сафларни тўғрилашиб бир-бирларининг қаршисига тизилдилар. Ўнг қанотда турган Султоншоҳ душман устидан ғалаба қилди ва ўз муқобилини жойидан қўзғатди. Соққа ва қул амирлари душманларни мағлуб қилдилар.

⁶⁰ Қулоқ солмади — «Зубда»да қўшимча: иш охири шу билан тугадики, шаҳар ташқарисидаги ғаллалар куйиб кетди ва вилоят аҳолисининг хонумони вайрон бўлди.

⁶¹ Исфаҳоннинг... бутунлай хароб бўлди — «Зубда»да: икки орада сўкишишу талашиб тортишиш билан ўтказдилар.

⁶² Мирзо Рустам — «Зубда»да қўшимча: Ибн амир Умаршайх баҳодир.

⁶³ (Яздга) жўнатди — кейинги бетда амир Абдусамадни яздликлар мирзо Искандар олдига бориб сулҳ тузиш учун юборганликлари айтилган. Шунга кўра мирзо Искандар амир Абдусамадни Яздга қайтариб юборган, деб тушуниш мумкин.

⁶⁴ Амирхон — бу ном юқорида (Лоҳур нашри, 132—133-бетлар) Амирхонд шаклида ёзилган эди.

⁶⁵ Кермон йўли билан Хуросонга бориб, мирзо Рустамга қўшилдилар — жумла мазмуни «Зубда»да кенгроқ: оз сонли кишилар билан Кермонга юзландилар, аммо у ерда ҳам йўл тополмай ўзларини Хуросонга урдилар ва амирзода Рустамга қўшилдилар.

⁶⁶ Қалъадан ташқари чикди — «Зубда»да: бир зарурият туфайли уйдан чикди.

⁶⁷ Фитначиларнинг кўпчилиги қатл қилинди — «Зубда»да: амирзода Искандарнинг фармонига биноан у жамоатнинг аксарини қатлга етказдилар.

⁶⁸ Қуръон, 28-сура, 35-оят.

⁶⁹ Етарли миқдорда маош тайин қилиб — матнда: «мавожиб-и бавожиб тайин фармуд»

⁷⁰ У қалъаларга — «Зубда»да: Шустарга.

⁷¹ Доруссалтана Бағдодга жўнади — «Зубда»да қўшимча: ва қишни Бағдодда ўтказди.

⁷² Яйлоқ ҳавосини майл қилди — «Зубда»да қўшимча: саккиз юз ўн иккинчи йил йигирма иккинчи муҳаррамда (6 июнь, 1409) бир тўда мулозимлар ва иноқлар билан яйлоққа жўнади.

⁷³ У ерда — «Зубда»да қўшимча: минг киши билан.

⁷⁴ Бистом шикаста ҳол бўлиб Исфаҳондан қайтган — «Зубда»да: амир Бистом Исфаҳондан шикаста ва хароб ҳол бўлиб қайтган, шундайки, у билан бирга ўн бештагина навкар қолган ва у Султонияга етган.

⁷⁵ Бағдод яқинига етиб келиб — «Зубда»да Султон Аҳмад (Султония қўруқидан) Бағдодга етти кунда келганлиги қайд қилинган.

⁷⁶ Моне ибн Шис — L_1 , L_2 , L_3 ларда: Шабиб «Зубда»да ҳам шунга ўхшаш шаклда. Лоҳур нашри нусхаларидан баъзиларида Шуайб ва Насиб шакллари ҳам учрайди.

⁷⁷ Ҳибсага олиндилар — «Зубда»да қўшимча: бошқа бир нечта кишилар ҳам асирлик сиртмоғига тушдилар. Лашкар қочганлар кетидан қувиб боғриб ҳар кимники қўлга туширса, у бошқасига етказар эди. Шу тарзда у тарафнинг аҳволи қайта бошдан тўғри йўлга қайтди. Бу йилнинг қолган қисмини Султон Аҳмад Бағдодда айш-ишрат ва хурсандчилик билан ўтказди.

⁷⁸ Давотий — «Зубда»да: Давоний.

⁷⁹ Сейди Аҳмад — «Зубда»да: Жалолуддиннинг ўғли Саййид Аҳмад.

⁸⁰ Амир Қаро Усмоннинг — «Зубда»да қўшимча: бир гуруҳ хунхор туркмонлару замона далирлари билан...

⁸¹ Амир Юсуф — «Зубда»да: Амир Шамсуддин Бидлисий, амир Сиҳанд ва у диёрнинг бошқа амирлари амир Юсуфга ҳамроҳ бўлиб жўнадилар ва...

⁸² Оmid — «Зубда»да қўшимча: Қаро Усмон Имад қалъасини ҳар жиҳатдан мукамал мустаҳкамлаган эди.

⁸³ Доруғани — «Зубда»да доруғанинг номи кўрсатилган: Амир Пир Али.

⁸⁴ Лашкар юборди — «Зубда»да амир Қаро Юсуфнинг Мординдан қайтиш тарихи 812 йил рабиъ ал-аввал оий (14 июль — 12 август, 1409), Табризга келган тарихи 812 йил 19 жумод ал-охир (29 октябрь, 1409) ва Шакийга лашкар юборган вақти ражаб ойининг ўрталари (23 ноябрь, 1409), деб қайд қилинган.

⁸⁵ Амир Сейди Аҳмад — «Зубда»да: Саййид Алининг ўғли Саййид Аҳмад.

⁸⁶ Унга қарши чиқди — «Зубда»да: Кур суви канорига келди.

⁸⁷ Йигирма еттинчи шаъбонда — «Зубда»да: еттинчи шаъбонда (15 декабрь, 1409).

⁸⁸ Малик Иззуддин Шер — Лоҳур нашрида Шер ўрнида Ш-п-р ёзилиб, сўнгидан савол аломати қўйилган. L_1 , L_2 , L_3 нусхаларига асосан Шер ёзилди.

⁸⁹ Ширвонга одамлар юбориб — «Зубда»да: мавлоно Абдурахмон Жандий (?) ва амир Ҳожи Мусофирларни ўз навқари билан Ширвонга жўнатиб ...

⁹⁰ Амир Бистом... уларга етишди — «Зубда» бўйича: амир Бистомнинг ўғли Ахий Фарах хабар эшитиб, отасига етказган ва амир Бистом 26 шавволда (3 март, 1410) огоҳ бўлиб, у (душман) тарафга жўнаган ва зу-л-қаъда ойининг жума кунда (агар шу ойнинг биринчи жума куни назарда тутилса — 7 март, 1410 — А.Ў.) Қазвин ҳудудида бир-бирларига етишганлар.

⁹¹ Амир Юсуф Алотоқдан Авникка келди — «Зубда» бўйича амир Юсуф Табриздан Алотоққа йўналган ва йўл-йўлакай шикор қилиб Авникка етган.

⁹² Шайх Ҳасан — «Зубда»да: Шайх Ҳусайн.

⁹³ Султон Аҳмаднинг — «Зубда»да қўшимча: Бағоддан чиқиб...



САККИЗ ЮЗ ЎН УЧИНЧИ


(1410—1411)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ



¹ бир фитна гардини тўзитиб... бебоклар билан — «Зубда»да: душманлик йўлига тушиб ва катта лашкар тўплаб, у тарафларнинг ёсоқийлари ва ҳашамлари катта бир тўда билан...

² посбонлар қўйиб ўтказдилар — «Зубда»да икки лашкар оралиғи қарийб бир фарсангдан ортиқ бўлмаганлиги ва икки тараф бир-бирига



дуч келган тарих 812 йил 15 зу-л-ҳижжа (30 май, 1410) эканлиги ҳам айtilган.

³ сафларни ростладилар — «Зубда»да қўшимча: уларнинг лашкарининг (саф тортган жойи) кенглиги қарийб бир фарсах келар эди.

⁴ Унинг чап ва... барчаси бирданига ҳамла қилди — «Зубда»да бу ҳол тўлароқ тасвирланган: амир шайх Нуруддин (лашкари)нинг чап ва ўнг қанотлари аста-секин унинг қул-марказ қисмига келиб қўшила бошладилар. Муқобил лашкар эса душманнинг чап ва ўнг қаноти қочишга қарор қилган бўлса керакки, ўз жойида кўринмай қолди, — деб тасаввур қилди, баъзилар эса «улар макр қилиб пистирмага беркиниб олаётган бўлсалар керак», — деб айтдилар ва натижада, паст-баландликлар ва чанг-тўзоннинг кўплигидан ҳақиқий аҳволдан беҳабар қолдилар. Шайх Нуруддиннинг лашкари эса, ҳаммаси қул-марказга тўпланиб бўлгач, бир йўла ҳужум қилди.

⁵ амир Шоҳмалик орқага қайтиб — «Зубда» да: Шоҳмалик у ердан шаҳарга қараб юзланди; (унинг лашкари) шаҳар яқинида жам бўлди. Аммо улар шаҳарга киришни маслаҳатдан деб топмадилар.

⁶ амир Юсуфхожа — «Зубда»да отасининг номи ҳам келтирилган: ибн Шайх Али баҳодир.

⁷ Амир Ҳасан Сўфи тархон — «Зубда»да амир Ҳусайн Сўфи тархон ва амир Илёсхожа.

⁸ қойим мақоми қилиб қолдирилди — «Зубда»да қўшимча: амир Алико ҳам Ҳиротда бўлсин, деб тайин қилдилар.

⁹ Хожа Комилуддин — L_2 L_3 ларда: Камолуддин.

¹⁰ Фазлуллоҳ Абу-л-Лайсий — «Зубда»да: Фазл ибн Абу Лайси Самарқанд.

¹¹ арза-хат етиб келди — «Зубда»да қўшимча: амир Мусоко ва амир Боботемурларнинг навкарлари ҳам (хат келтирганлар) билан бирга етиб келдилар.

¹² қуюндек бир чопарни... юбориб — «Зубда»да: элчилик расм-русумларини яхши билган Султон номли навкарни у (арза-хат келтирган)лар билан жўнатиб...

¹³ етиб келди — «Зубда»да: Термизга келди.

¹⁴ амир Шайх Ҳасанга — «Зубда»да қўшимча: ўз аскарларидан бир қисмини бериб...

¹⁵ Ҳисор — «Зубда»да: Ҳисори Шодмон.

¹⁶ ҳар хил ҳийла ва тадбирлар билан — бу мазмун «Зубда»да батафсил ифодаланган, яъни Шайх Нуриддин (Лохур нашрида амир Шоҳмалик; мазмун бўйича тузатиб ёзилди — А.Ў.) мирзо Жаҳонгирга: «мен бу мамлакатни сен учун олдим, сен учун шамшир урмоқдаман, амир соҳибқирон (мамлакатни) сенинг номингга васият қилган», — деб (мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Фиёсуддин Жаҳонгир ибн Темурни) тамалантириб, ўз ҳузурига чақиртирди. Улуғ амирзода бунга эътибор бермади. (Шайх Нуруддин унинг отаси) Муҳаммад Султоннинг қадимий навкарларидан баъзилари, масалан, амир Мубашшир, амир Жунайд Аён (?), Ҳамзайи сулдуз ва бошқаларга: «сизлар нега амирзодани олиб келмайсизлар мен... Самарқандда турмоқчи эмасман, ўз вилоятимга қайтиб кетаман, агар сизлар уни менинг ҳузуримга келтирсангизлар, у Самарқандга амиру ҳоким, сизлар эса ҳар бирингиз бир мўътабар амир бўласиз», — деди. Улар бу сўзга учиб амирзода Муҳаммад Жаҳонгирни ўз ихтиёрига қўймай амир Шайх Нуруддиннинг ҳузурига олиб келдилар.

¹⁷ Абдулкарим (ибн) амир Сайфуддин — «Зубда»да: Абдулкарим ибн амир Юсуфиддин.

¹⁸ Давлат Темур тавочи — «Зубда»да бу шахсни амир Шайх Нуруддин Самарқанд ноҳияси лашкарларини забт қилсин учун юборганлиги қайд қилинган.

¹⁹ Амир Мизроб — «Зубда»да қўшимча: ва Термизда турган лашкарлар.

²⁰ самарқандликларни паришонликка солди — «Зубда»да самарқандликлар амир Шайх Нуруддиннинг лашкари билан тўқнашмасданоқ тарқалиб кетганликлари айтилган.

²¹ мирзо Аҳмад Мирак — «Зубда»да: амир Аҳмад Мирак (сўнги сатрларда ҳам шундай — А.Ў.).

²² хизмат сафига тизилди — «Зубда»да қўшимча: ғолиб лашкар Оби Қашқа канорида жам бўлди.

²³ бир ўғли — «Зубда»да бунинг ўрнида: Оллоҳдод. Яна «Зубда»да кўрсатилишича, бу Оллоҳдод ва Бойду Шайх Нуруддиннинг чап қанотида эканлар; кейинги жумладаги Аҳмад Мирак (мирзо Аҳмад Мирак) эса Шоҳрухнинг ўнг қанотининг қанбулида бўлган.

²⁴ Қуръон, 40-сура, 11-оят.

²⁵ яқинлик палосидан ўрин берди — «Зубда»да қўшимча: алалхусус шаҳарни муҳофазат қилиб сақлаб қолган бир жамоат инояту марҳаматнинг зиёда тарзда кўрсатилиши билан тақдирланди.

²⁶ амир Шоҳмалик — «Зубда»да бошқа номлар ҳам қайд қилинган: амир Ёдгоршоҳ, амир Мусоко, Султон Боязид амир Усмон (охирги ном тушунарсиз: Султон Боязид амир Усмоннинг ўғлими ёки булар икки кишими; орада ажратиш белгиси қўйилмаган — А.Ў.).

²⁷ йўқ қилишни буюрди — «Зубда»да қўшимча: Ўтрор тарафига борган амирлар ва аскарлар у мавзеда кўп харобаликлар қилган эдилар. Улар Шайх Нурудиннинг у диёрдаги тобеларини бутунлай йўқотиб, унга тааллуқдор бўлганларни йиқитдилар. Бу фитнани қўзғатган жамоатнинг аксарии қуллари хизматкорлар қаторига тизилдилар.

²⁸ йигирманчи рабиъ ал-аввал — «Зубда»да: йигирма еттинчи рабиъ ал-аввал (30 июль, 1410).

²⁹ Мавдуд Гармсери... зикри — «Зубда»да: Мавдуд Гармсери ва Пирак орасида содир бўлган низо ва уларнинг ҳазрат (Шоҳрух) ҳузурига келганликлари зикри.

³⁰ Олампаноҳ даргоҳга... арз қилиш асносида — «Зубда»да: Гармсер ва Қандаҳор вилоятдан келган садалар амирлари аъло тахт поясига арзга етказдиларки...

³¹ хуруж қилиб — шу орада «Зубда»да қўшимча: у вилоятнинг аксар мардуми Пирак билан иттифоқ бўлдилар.

³² Мавдуд томонидан кўтарилган экан — «Зубда»да: тафтишда маълум бўлишига қараганда Пирак Мавдудга «қарши ҳаракат қилишда салтанат шиор ҳазрат (Шоҳрух)нинг бандалари томонидан кўрсатилган иноят кўмагига таянган» экан. Шунинг учун ҳам Шоҳрух Пиракка ён босиб, айбни Мавдудга қўйган.

³³ Қуръон, 5-сура, 96-оят.

³⁴ топширилсин — «Зубда»да қўшимча: бундан буён у шу каби ҳаракатларга қадам қўймасин.

³⁵ хонақоҳнинг зикри — бу фаслдан тортиб «Боғи Сафиднинг барпо этилганлиги» (қ: Лоҳур нашри, 190-бет) деган сарлавҳагача «Зубда»нинг Лоҳур нашрига жалб этилган Оксфорд нусхаси матнида суқут.

³⁶ Қуръон, 2-сура, 23-оят.

³⁷ Қуръон, 89-сура, 6-ва7-оятлар.

³⁸ Қуръон, 24-сура, 37-оят.

³⁹ Қуръон, 51-сура, 17-оят.

⁴⁰ Қуръон, 39-сура, 9-оят.

⁴¹ дарс ҳам такрор учун (тўланадиган) нафақалар — матнда: «вазойи-фи дарс ва такрор».

⁴² Қуръон, 38-сура, 49-оят.

⁴³ Иштирокчилик-шериклик йўли билан — матнда: «бар сабил-и иштирок».

⁴⁴ Боғи Сафид деб номланиб келган мавзеда — «Зубда»да Шоҳрух бу мавзегга яна бир қанча жойларни қўшиб иморат қурганлиги қайд қилинган.

⁴⁵ йигирма тўртинчиси — «Зубда»да: тўртинчиси (28 февраль, 1411), яна Лоҳур нашрининг бир нусхасида: ўн тўртинчиси (9 матр, 1411).

⁴⁶ деворининг изораси — «Зубда»да қўшимча: ва атрофларининг сатҳи.

⁴⁷ хайл ва ҳашамлар — матнда: «хайлу ҳашам».

⁴⁸ лашкарлар табақалари... жам бўлдилар — «Зубда»да: ҳумоюн аскарлар ҳар тарафдан у томонга юзландилар: улуғ амирзода амир Саййид Аҳмад ва амир Тукал барлослар Балх ва Шибирғондан ҳумоюн ўрдуга юзландилар; Хутгалон вилоятидан Руқия Хоника ва... (бир-икки сўз тушунарсиз — А.Ў.), Каримдод, Султон Маҳмуд Улжойту ва у ноҳияларнинг лашкарлари барчаси йиғилишиб, палос ўпишга етиб келдилар.

⁴⁹ етиб келди — «Зубда»да амир Идику Абон тавочи орқали мактуб йўллагани қайд қилинган.

⁵⁰ қарор қилинган эди — қаранг: Лоҳур нашри, 169-бет.

⁵¹ (ҳозирги) кунларда — яъни Абдурраззоқ «Матлаи саъдайн» асарини ёзаётган вақтларда: 1468—1470 йиллар.

⁵² Қуръон, 59-сура, 2-оят.

⁵³ аъло тахт поясига... қайтиб келдик — «Зубда»да бу баён қилинган кечмишлар хабари Шоҳрух Султонга 813 йил рамазон ойида (январь, 1411) етиб келганлиги айтилган ва мирзо Халил Султоннинг Райга кетиш сабаби кенгроқ ёритилган. Чунончи: мазкур кечмишлар хабари билан кетма-кет Халил Султоннинг навқари етиб келиб, қуйидаги мазмулда арзнома етказган: Исфаҳонда туриб бўлмади, навқарлар тарқалиб кета бошладилар; уларнинг тарқалиб кетишига эҳсон улашиб монелик қилишга имкон бўмагач, бу (биз билан қолган) санокли навқарлар ҳам қочиб кетмасидан бурун, Рай томонга қараб юзландик.

⁵⁴ Салмосда — «Зубда»да: Салмоснинг Қаробоғида.

⁵⁵ Бунинг шарҳи юқорида ўтди — қаранг: Лоҳур нашри, 173-бет.

⁵⁶ у Табризга қараб юзланди — «Зубда»да қўшимча: амир (Қаро Юсуф) Навшаҳр яқинида ўз лашқарини кўриқдан ўтказиб яроғ-аслаҳаларни кўздан кечирди, сўнг Табриз ҳудудига келди. Султон (Аҳмад) Табриз давлатхона-

сидан (чиқиб)... (жой номи ноаниқ — А.Ў.) га келиб тушди. Бағдод лашкарининг сони йигирма минг уй ҳисобида санокқа кирди.

⁵⁷ амир Юсуфни... бир тўда (аскарлар) — «Зубда»да: амир Юсуфнинг лашкарига билдирди. Амир Юсуф бу ҳолдан хабар топгач, Сатилмиш ва Тангрибермишни у (хабар келтирган) кишига ҳамроҳ қилиб, Аҳмадни олиб келишга юборди.

⁵⁸ Жуна — бу жой номи матнда ноаниқ ёзилган.

⁵⁹ фойда бермади — «Зубда»да қўшимча: у бир қанча вақт бандда қолди.

⁶⁰ Ғорат қилишдан кечиб — «Зубда»да аввал ғорат қилишга буюрганлиги қайд қилинган.

⁶¹ Табризга келди — «Зубда»да амир Юсуфнинг Табризга келган вақти: тўртинчи жумод ал-охир (24 октябрь, 1410) кўрсатилган ва у шу куниёқ мирзо Рустамнинг Табриз томон келаётганлиги хабарини эшитганлиги қайд қилинган.

⁶² Табризга қараб келаётганини эшитди — «Зубда»да айтилишича, амирзода Рустам ибн амир Шайх Умар баҳодир, юқорида айтилган Исфаҳон воқеасидан кейин (қаранг: Лоҳур нашри, 193-194 бетлар), амир Қаро Юсуф ҳузурига илтижо билан келганлиги қайд қилинган. Унинг етиб келган куни йигирма еттинчи жумод ал-охир (27 октябрь, 1410).

⁶³ ражаб ойининг ўрталарида — «Зубда»да: 13 ражаб (11 ноябрь, 1410).

⁶⁴ амир Муҳаммад Сору туркмон — «Зубда»да бу шахснинг Араб Ироқи туркмонларининг улуғ амирларидан эканлиги қайд қилинган.

⁶⁵ ражаб ойининг охирларида — «Зубда»да: 26 ражабда (24 ноябрь, 1410).

⁶⁶ Табриз томон йўналди — «Зубда»да қўшимча: ва у қишни Табризда ўтказди.

САККИЗ ЮЗ ЎН ТЎРТИНЧИ

(1411—1412)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ юқорида баён этиб ўтган эди — қаранг: Лоҳур нашри, 191—192-бетлар.

² динорларни нақшлаганлигини — «Зубда»да қўшимча: бож ва хирож тўлашни ўз устига олганлигини.

³ ижобатга йўлдош қилди ҳамда — «Зубда»да қўшимча: бир неча кундан кейин.

⁴ Шамъи Жаҳонни — «Зубда»да Шамъи Жаҳон ўн саккиз минг аскар-га эга бўлганлиги қайд қилинган.

⁵ Йигирманчи сафарда — бу тарих, яъни 814 йил 20 сафар L_1 L_2 L_3 , Лоҳур нашрининг баъзи нусхалари ва «Зубда»дан олиб таржима матнига киритилди.

⁶ илгарироқ айтиб ўтилган эди — қаранг: Лоҳур нашри, 181-бет. «Зубда»да Амир Шайх Нуруддиннинг Самарқанд атрофида мағлубиятга учраган вақти кўрсатилган: 813 йил 9 рабиъ ал-аввал (12 июнь, 1410).

⁷ рамазон ойининг ўрталарида — «Зубда»да: 813 йил 13 рамазон (9 январь, 1411).

⁸ Саврон томон отлаиб — «Зубда»да қўшимча: Бандаргоҳга етганларида...

⁹ манғло йга тайин қилди — «Зубда»да қўшимча: ва Саврон томон юборди.

¹⁰ амир Абдулхолиқнинг ўрнини — «Зубда»да: Сайром ва у ноҳияларни.

¹¹ Хизрхожа — L_1 да: Хизрхожа ўғлон.

¹² У вилоятда бўлган мўғулларнинг — «Зубда» матнидан (амир Шоҳмаликка) қарши курашаётган мўғулларнинг деган маъно англашилади.

¹³ олти минг от — «Зубда»да: фаниматлар жумласидан ўн икки минг отни қўлга туширган эдилар, улардан олти минги йўлда ҳалок бўлиб, қолган олти мингини Шоҳмалик ҳузурига етказдилар.


¹⁴ Бу хабарни эшитган мўғуллар — «Зубда»да айтилишича, бу хабар мўғулларга улар Ўтторга тегишли бўлган Қаросмон деган мавзеда эканликларида етган.

¹⁵ ҳар бири бир тарафга қараб қочди — «Зубда»да қўшимча: амир Шайх Нуруддин қаршилиқ кўрсатишдан ноумид бўлгач, мўғуллар билан бирдамлик қоидаларини бунёд қилганлиги туфайли, ўз қизини подшоҳ Шамъи Жаҳонга унаштирди ва беш юз суворийлар билан Савронга келиб, бу ерда никоҳлаш расм-русумларини бажо келтирди.

¹⁶ Лоҳур нашри, L_1 L_2 L_3 Т ларда бу мавзе Илонбоши ёки Алонбоши шаклида ёзилган; лекин В.В.Бартольд ўқиган нусхада Қулонбоши экан ва шундай ўқилиши лозимлигига далиллар ҳам келтирган (Сочинения, т. II, ч.2, М., 1964, стр. 80, прим. 125).

¹⁷ содиқлик қоидалари таъкид топди — «Зубда»да Муҳаммадхон ўз вилоятига қайтиб кетганлиги ҳам сўзланган.

¹⁸ соҳиб ихтиёр қилиб тайинланганидан бери — «Зубда»да: ўз азиз фарзанди Улувбек кўрагонни ноибликка тайинлаганидан бери.



¹⁹ хусусан, султонлар — «Зубда»да: доимо ораларида бир-бирларини кўра олмаслик ва ҳасад, душманлик ва адоват бўлган султонлару маликлар...

²⁰ Конирил майсазорини... амир Шоҳмаликнинг навкари — бу мазмун «Зубда»да тўлароқ ифодаланган: Подшоҳ (Шоҳрух) Конирилга келиб тушди ва бир неча кунда мамлакат ободонлиги ва вилоят ишларини тартибга солиш мақсадида шаҳар дарвозаси ёнида мақом қилиб турди. Конирилда мақом тутилганидан олти кун ўтгач, амир Шоҳмаликнинг навкари етиб келди ва ...

²¹ Амир Шоҳмалик Тумон оғонинг ҳузурига саломга келиб — «Зубда»да амир Шоҳмалик қай тарзда Тумон оғо ҳузурига борганлиги тўлароқ ифодаланган: амир Шоҳмалик дарвоза олдидан хандақ (лаби) билан юриб, Тумон оғо турган буржга равона бўлди ва у бу кетишида: «агар улар мен тарафга юрадиган бўлсалар ва менга қасд қилмоқчи эканликларини сезиб қолсам, рўпарам сахро, чопиб ўз одамларимга етиб оламан», — деб ўйлади.

²² йиғлашига тушди — «Зубда» матнидан англашилишича, йиғлаган амир Шоҳмалик эмас, Тумон оғо.

²³ сулҳ сўзи... қарор топмади — бу мазмун «Зубда»да батафсил келтирилган: Мусоко ва амир Давлатхожалар Шайх Низомуддинга султон Шоҳрухни бориб кўришни, бўлмаса ўғли ёки биродарини юборишни насиҳат қилганлар, бироқ насиҳат фойда бермагач, Шоҳмалик ҳузурига қайтиб келганлар.

²⁴ «токи (биз) натижасиз қайтиб кетганимиз учун номусга қолмайлик», — деди — «Зубда»да: бизда ҳам ор-номус бор, токи (жангсиз) қайтиб кетганимизга бир сабаб бўлсин», — деди.

²⁵ Ҳурқадок қалъа дарвозасига борди — «Зубда»да: Амир Шоҳмаликнинг буйруғи билан икки юзта совут кийган, шамшир тутган суворийлар қалъадан икки ўқ отими масофада тахт турдилар ва Ҳурқадок у тарафга жўнади.

²⁶ Ҳурқадок қўлини баланд кўтарган вақтда — «Зубда»да: Ҳурқадок Шайх Нуруддинни кучоқлаш учун (қўлини кўтарган вақтда).

²⁷ Қуръон, 76- сура, 20- оят.

²⁸ Амир Шоҳмалик — «Зубда»да қўшимча: ҳумоюн ўрду билан биргаликда.

²⁹ Кусавия касабасини с у ю р ф о л тарзида унинг ноибларига топширди — «Зубда»да Тумон оғони кутиб олишда Гавҳаршод оғо ва бошқа барча

оғолар қатнашганлиги айтилган. Шохрух Тумон оғога суюрғол қилиб берган Кусавия касабасининг мол (ва) мутаважжихоти, «Зубда»да қайд қилинишича, Темурнинг даврида ҳам шу хотиннинг суюрғоли экан.

³⁰ Ҳозирда — яъни Абдурраззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн» асарини ёзаётган вақтда (1468—1470). Бироқ шу каби жумла «Зубда»да ҳам бор: (Китоб) ёзилаётган ҳозирги кунда (1428 йил) у мавзеда осойишталик мавжуд, работлар, хонақоҳлар ва мадрасалар каби хайрли иморатлар қурилган.

³¹ муҳосара қилишга қолдириб — «Зубда»да бу муҳосара қирқ кун давом этганлиги қайд қилинган.

³² оқибат Бурҳонуддин Абдусамад зафар топди — «Зубда»да воқеа кенгроқ сўзланган: Абдусамаднинг яқинларидан бири ярадор бўлиб амирзода Искандар ҳузурига жўнади ва унга «Абдусамад кермонликларга қарши туришдан ожиз», — деб етказди. Амир (Мирзо) Искандар Абдусамадга кўмак учун амир Жалбоншоҳни жўнатди, аммо, у ҳануз етиб келмай туриб, кермонликлар мағлубиятга учрадилар.

³³ Мирзо Рустам ... Хуросон томон равона бўлди — мирзо Искандар ва мирзо Рустам орасидаги ҳарбий тўқнашишлар «Зубда»да муфассалроқ сўзланган, яъни: мирзо Искандар амир Абдусамадни лашкар билан Варзанага жўнатган, мирзо Рустам эса ўз лашкари билан булар устига келиб муҳосара қилган. Мирзо Искандар Юсуф Халил ва Тукалларни мададга юборган ва ўзи ҳам улар кетидан йўлга чиққан. Мирзо Рустам Юсуф ва бошқаларнинг Абдусамадга мададга келаётганини эшитиб, Варзана атрофидан уларга қарши йўлга чиққан ва икки орада қаттиқ жанг бўлган. Шу ҳол асносида мирзо Искандар Кўшқу Зардга етиб келиб, Варзанага чопар юборган, аммо бу чопарни мирзо Рустамнинг одамлари тутиб олиб, унинг ҳузурига келтирганлар. Мирзо Рустам пиёдаю отликлар бўлиб, тахминан уч минг кишилик лашкари билан жангга тайёрланган, бироқ, охири енгиллиб, шаҳар томон жўнаган. Мирзо Искандарнинг лашкари эса Оташгоҳга келиб тушган. Мирзо Рустам Исфаҳонни тарк қилишга мажбур бўлиб, Хуросонга жўнаган.

³⁴ Матнда худди шундай, туркий тилда ёзилган: «Султон Пирбудоқ ярлиғидин Абу-н-Наср Юсуф баҳодир нўён сўзимиз».

Бундан сўнг «Зубда»да қўшимча: шу йили куз фасли охирига етгач, қишда Табризга келди ва у йили қишлов Табризда бўлди.

³⁵ қарама-қаршилиқ бошланди — «Зубда»да айтилишича, булар ҳар кунни бир кишини шаҳарни бошқаришга тайин қилишар, эртаси кунни эса

уни қатлга етказишар эди. Чунончи, андак муддат ичида Абдураҳим маллоҳ, Носируддин Раҳилий ва Бахшоший шихна каби амирлик мартабасига етишган бир неча кишини қатлга етказдилар.

³⁶ дарвозасига келиб тушди — «Зубда»да қўшимча: у то Бағдодга етиб келгунича Бағдод аҳлидан ҳеч кимса хабардор бўлмади.

³⁷ Абдураҳим маллоҳ соҳиб ихтиёр эди — «Зубда»да айтилишича, Абдураҳим маллоҳ Султон Аҳмад замонида кема ҳайдовчи сифатида танилган эди. У (соҳиб ихтиёр бўлиб олгач), ҳар куни шаҳар аёнларидан биттасини қатл қилар, баъзиларни мусодара қилар эди. Шу сабабли Бағдод аҳлининг ундан кўнгли қолган эди.

САККИЗ ЮЗ ЎН БЕШИНЧИ

(1412—1413)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

ВА ЎН ТўРТИНЧИ

(1411—1412)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ДАВОМИ

¹ саккиз юз — $L_1 L_2 L_3$ ва T лардан қўшилди.

² Шу миёнада — «Зубда»да: икки-уч кўч юрилгач.

³ у билан низо қилувчи томон — матнда: «мунозий-и у». Бундан мурод (қаранг: Лоҳур нашри, 184—185-бетлар) Мавдуд Гармсери билан низолашиб, ундан устун келган Пирак Муҳаммаддир.

⁴ Гармсера қараб жўнади — «Зубда»да қўшимча: Бахтли мавкаб бир неча манзилни кўчиб ўтгач, Мавдуд ўз юрт-қароргоҳига келмаганлиги маълум бўлди. Ҳиротга одам юбориб, бунинг сабаби нима эканлигини суриштирдилар. У Қандаҳор ва Гармсера бориб, у ерларда фитна қўзғатиш хаёлида эканлиги маълум бўлди.

⁵ элчи у ерга боргач — Хитойдан Шохрух хузурига биринчи бор келган элчилар кўзда тутилса керак (қаранг: Лоҳур нашри, 128-бет).

⁶ Йўл хати — матнда: «хатт-и роҳ».

⁷ Уч мактубнинг ҳар бири — бу жумла матнда «ва ҳарки мактуби» — «кимки бирор мактуб», деб ёзилган, аммо Ҳофизи Абрунинг жуғрофий-тарихий асари (қаранг: ушбу нашр, Кириш сўз, II) нусхаларида (ЎзФАШИ, қўлёзма № 4078, варақ 130 б ва қўлёзма № 5 361, варақ 454 б): «ва дар ҳар се мактуб» тарзида ёзилган. Умумий мазмунга кўра шу қўлёзмалар нақдича «Матлаъ» матнига тузатиш киритилди.

⁸ форс тилида — мазкур қўлёзмаларда (4078, варақ 130 б; 5361, варақ 454 б) аниқлик киритувчи қўшимча бор: юқорида келтирилган иборат билан.

⁹ ўзини четга олиб юрган — «Зубда»да қўшимча: салтанат шиорли ҳазрат у диёрга лашкар тортганлигига қарамай исён йўлида қайсарларча туриб олиб, ҳазратнинг бандалари ҳузурига келмаган.

¹⁰ Қуръон, 7-сура, 22-оят.

¹¹ Қуръон, 3-сура, 194-оят.

¹² Ироқ — «Зубда»да қўшимча: ва Озарбайжон.

¹³ Қуръон, 20-сура, 49-оят.

¹⁴ соябони остига кирсинлар — «Зубда»да қўшимча: ва у диёрда лашкарлар билан турган амир Тукал барлос, амир Нуширвон ва бошқалар билан биргаликда Бадахшон томон юрсинлар.

¹⁵ шуҳратли қулоқларга эшитилди — «Зубда»да: Самарқанд томондан хабар келди.

¹⁶ жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида — «Зубда»да: 815 йил учинчи жумод ал-увло (11 август, 1412).

¹⁷ амир Мусоко Хоразм ҳокими эди — «Зубда»да қўшимча: онҳазрат (амир Темур)нинг ҳукм ва фармонига биноан.

¹⁸ қаро тотор қавми — «Зубда»да: Рум тоторлари.

¹⁹ қаро тотор қавми... Мовароуннаҳр вилоятидан қочиб Хоразмга кетди — «Зубда»да: улардан баъзилари Хоразмга кетди.

²⁰ қаро тоторлар алангаси...жўнадилар — «Зубда»да: тоторлар бир катта тўда бўлишиб шаҳар атрофларини вораг қилдилар.

²¹ Шодихон — «Зубда»да Шодихоннинг Дашти Қипчоқ подшоҳи эканлиги қайд қилинган.

²² Амир Мусоко Мовароуннаҳрга жўнади — «Зубда»да: тоторлар жамоати тарқалиб кетганлиги ҳам қайд қилинган.

²³ юқорида зикр қилинди — қаранг: Лоҳур нашри, 55-ва 78-бетлар.

²⁴ Темурхон — «Зубда»да: Қутлуғ Темурхон.

²⁵ Хоразмга келди ва — «Зубда»да қўшимча: икки-уч ойдан кейин.

²⁶ фалақдан жабр кўрган Темур — «Зубда»да Темурхоннинг Жалолуддин Султон олдидан қочиб келаётганлиги ҳам айтилган.

²⁷ Жонхожани — «Зубда»да қўшимча: бир неча баҳодирлар билан.

²⁸ бизнинг хонимиздир — «Зубда»да: бизнинг қоим-мақомимиздир.

²⁹ Амир Дакана... аза тутди — «Зубда»да қўшимча: аммо у Жалолуддин Султоннинг бу ҳукми етиб келгач, лашкарни бошқаришдан четлатилди.

³⁰ Балуқийё — «Зубда»да матндаги бу сўз ўрнида Барқуқийё.

³¹ бир пуф дейишим кифоя қилади — «Зубда»да қўшимча: ваҳоланки, ҳозир тўрт минг суворийга эгаман.

³² ҳазрат хоқони саид — «Зубда»да қўшимча: амирларнинг маслаҳати ва маъқуллаши бўйича.

³³ амир Илёсхожалар — «Зубда»да амирлар орасида амир Али тархон ҳам борлиги айтилган, амир Алиқо ўрнида эса амир Алиқийё ёзилган.

³⁴ беш минг отлиқ билан амир Мусоко у диёрга жўнади — «Зубда»да: Улуғбек кўрагон беш минг суворийларни амир Мусоқийё билан у лашкарга қўшилиб Хоразмга юзланишга тайин қилди.

³⁵ Бекижак девон амири ва садр қози (мансабида) эди — «Зубда»да қўшимча: мамлакатнинг соҳиб ихтиёри шу уч киши эди.

³⁶ бир ерга бориб — «Зубда»да қўшимча: кўп харобаликлар келтирган ва ...

³⁷ Орада сулҳ...лашкарлар...тарқоқ ҳолда эдилар — «Зубда»да: амирларнинг лашкарлари орада сулҳ тузилмоқчи эканлиги сабабли жангга тайёргарлик кўрмай тарқалиб кетган эдилар; улар кўприк боғлаб баъзилари кўприкдан ўтган, баъзилари ҳануз ўтмаган эдиларки, жанг бошланиб кетди.

³⁸ хабарини эшитган амирлар — «Зубда»да амирларнинг бу хабар чин деб ишонганлари ва қурган кўприкларига ўт қўйганликлари қайд қилинган.

³⁹ Ҳазрат хоқони саид...жазабга келиб — «Зубда» матни кенгроқ маълумотга эга: 816 йил зу-л-ҳижжа ойида (февраль-март, 1414 — бу сана «Зубда» нусхасида янглиш келтирилган бўлиши керак, чунки кейинги бетда Хоразм юриши 816 йил бошларида, — апрель, 1413, — ниҳоясига етганлиги айтилган, шунга кўра мазкур тарихни 815 йил зу-л-ҳижжа ойи, — март, 1413 — деб тушунмоқ керак — А.Ў.) Хоразмга равона бўлган Мовароуннаҳр аскарлари доруссалтана Самарқандга етдилар; Хуросонга кетган бошқа амирлар у ҳодиса хабарини салтанат шиорли ҳазрат (Шоҳрухга) еткизганларида унинг ҳамият оташи аланга олиб...

⁴⁰ амир Шоҳмаликлар — «Зубда»да яна бошқа амирлар номи ҳам қайд қилинган; Шайх Луқмон, Ёдгоршоҳ, Фармоншайх ва Нуширвон барлос.

⁴¹ ...деб фармон берди — «Зубда»да қўшимча: (Мовароуннаҳрликлар) ҳам иккинчи марта лашкар ҳозирлаб амир Султоншоҳ барлос, Давлатхожа иноқ ва амир Искандар Ҳинду Буқолар йўлга чиқдилар.

⁴² ундан безор эканликлари — «Зубда»да: баъзилари қочиб кетганликлари.

⁴³ Гаю қалъасининг — «Зубда»да қўшимча: Хожа Муҳаммад Қумий томонидан қўйилган...

⁴⁴ жанглар қилдилар ва — «Зубда»да қўшимча: деворларга нақб ковланган ҳамда шаҳар девори бузилсин учун, сувни хандаққа оқтириб юборган бўлишларига қарамай...

⁴⁵ Қум рўбарўсидан... хат юбориб — «Зубда» мазмуни «Матлаъ»никидан фарқли: Қум дарвозасидан қўзғолди ва амир Абдусамадни Каҳу («Матлаъ»даги Гаю ўрнида «Зубда»да Каҳу) қалъасига қўйиб амир Абдуллоҳ парвоначини унга кўмақдош қилиб тайинлади. Шундан сўнг мирзо Искандар Исфаҳон томон қайтди. Бир неча кундан кейин Хожа Муҳаммад Қумийнинг ноиби бўлган Музаффар Фароҳоний амирзода Искандар ва унинг амирларига мактуб йўлади.

⁴⁶ Қум молини идора қилиш иши — матнда: «ҳукумат-и молий-йи Қум».

⁴⁷ амир Маҳмуд — «Зубда»да: (амир) Маҳмуд ибн Хожа Иброҳим Имод Қумий.

⁴⁸ амир Маҳмуднинг мулозимлари — «Зубда»да: ҳар бир мавзегга етганда амир Маҳмуднинг мулозимларидан бир-икки мингини муҳофазат билан машғул бўлсинлар, деб ўша мавзегга қолдириб бора берди.

⁴⁹ Исфаҳонни тахтгоҳ қилди — «Зубда»да қўшимча: Ажам Ироқининг аксарини ва Форс мамлакатларининг барчасини ўз тасарруфига киргизди.

⁵⁰ Диёрбакрга жўнади — «Зубда»да қўшимча: чунки амир Қаро Усмон ўша тарафда эди.

⁵¹ юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 214—216-бетлар.

⁵² Кўп халойиқ қатлга етди — «Зубда»да: кўп кишилар қатлга етдилар; қаҳр билан шаҳарни қўлга киритиб, уй ва бозорларга ўт қўйдилар, дарахтларни кўпориб ташладилар, иморат ва боғларни ер билан яксон қилдилар.

⁵³ амир Қаро Усмон...қалъага кириб беркинди — «Зубда»да: амир Қаро Усмон Жардук («Матлаъ»даги Жармук ўрнида Жардук) яқинидаги баланд тоғ тепасида мустақамланиб олди. Амир (Қаро) Юсуф Арғун қалъаси этагига келиб тушди.

⁵⁴ лашкарга ижозат бериб — «Зубда»да қўшимча: ўзи Алотоқ саҳросида айшу ишрат билан машғул бўлди ва бир неча кундан кейин у ердан...

⁵⁵ Каштандил гуржи — «Зубда»да қўшимча: ва Гуржистон амирлари (Каштандилдан мурод Константиндир — А.Ў.).

⁵⁶ Арс сувидан ўтиб — «Зубда»да бу воқеа рамазон ойининг ўрталарида (19 декабрь, 1412) содир бўлганлиги айтилган.

⁵⁷ катта бир тўда билан — «Зубда»да (Каштандил гуржи) ўз биродари ва кўпчилик гуржи сардорлари билан.

⁵⁸ талон-торож қилиб — «Зубда»да қўшимча: Ширвондан.

⁵⁹ юз тумон чорпони — «Зубда»да бунинг ўрнида: от, туя, қорамол ва қўйлардан иборат қарийб юз тумон чорпони.

⁶⁰ ҳалок бўлди — «Зубда»да қўшимча: амир Юсуф мазкур (815) сана шаввол ойининг охири (1 февраль, 1413) панжшанба куни доруссалтана Табризга келиб тушди.

⁶¹ Заҳируддин қозиларни — «Зубда»да бу шахс мавлоно Қози Боязиднинг ўғли, деб қайд қилинган.

⁶² безак — «Зубда»да: тилло ва нуқралар билан безатилган.

⁶³ ижозат топдилар — «Зубда»да уларнинг ижозат топган куни қайд қилинган: 815 йил 7 зу-л-ҳижжа (10 март, 1413).

(САККИЗ ЮЗ) ЎН ОЛТИНЧИ

(1413—1414)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ мирзо Мироншоҳнинг ўлими воқеаси — қаранг: Лоҳур нашри, 116-бет.

² Шоҳрухнинг Мозандаронда қишлашга қарор қилганлиги сабаби «Зубда»да «Матлаъ»га нисбатан бир оз фарқли ёритилган. Мазмуни қуйидагича: амир Темурнинг вафотидан кейин Араб Ироқи ва Озарбайжон мамлакатларида кўп тўнтаришлар воқе бўлган; мирзо Мироншоҳ баҳодирнинг фожиали воқеасидан сўнг «Қаро Юсуф туркмон у мамлакатларда зулм қўлини чўзиб, оёғини ўз ҳаддидан ташқари қўйган. Шоҳрух ўша вақтлардаёқ у томонларга юришга мойил бўлса ҳам, бироқ Мовароуннаҳр, Хуросон, Балх, Тўхористон, Зобул, Кобул ва Ҳиндустонгача бўлган мамлакатларда сипоҳ меҳтарларининг ихтилофлари ва давлат аъёнларининг ҳавоийлиги туфайли воқе бўлган фитналар ҳумоюн юришга монe эди».

³ Қуръоннинг бир неча сураларида учрайди: 7-сура, 34-оят: 10-сура, 49-оят: 16-сура, 61-оят.

⁴ етиб келсинлар — Лоҳур нашрини тайёрлаган Муҳаммад Шафе бу икки сўзни мазмунга биноан ўзи матнга қўшган («расида бошанд»). Лекин L_1 L_2 L_3 ларда «йиғилсинлар» («жам оянд») деган сўз «Матлаъ» матнининг ўзида бор.

⁵ Жаҳон бӯйсунувчи фармон — «Зубда» да фармон содир бўлган вақт кўрсатилган: 816 йил ражаб ойи (сентябрь-октябрь, 1413).

⁶ тамаси зўрайдӣ — «Зубда»да қўшимча: бегонани орадан кўтаришимиз ва у мамлакатни (бегоналар) вужудидан тозалашимиз керак.

⁷ Ҳазора Жарибдан — «Зубда»да: Симноннинг Ҳазора Жарибдан.

⁸ Юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 160—168-бетлар.

⁹ Қуръон, 23-сура, 29-оят.

¹⁰ юборсин — «Зубда» да: юриш вақтида юборсин.

¹¹ Бир гуруҳ — «Зубда»да қўшимча: ўзларининг номақбул қилмишлари туфайли бу ҳазрат (Шоҳруҳ)дан ваҳимада юрган...

¹² кайфлантирувчи нарсалар — «Зубда»да номлари келтирилган: банг, афюн, маъжун.

¹³ Рай ноҳияларига — «Зубда»да: ўтлоқларга ва у ноҳияларга.

¹⁴ мазкур вилоятлар... Кофий Исломга Шоҳ Баҳром ҳамроҳ эди — «Зубда»да: (Кофий Ислом) тиладўзий жомалар ва бошқаларни Сижистонга олиб кетди. Шунингдек, Қандаҳор ва Гармсер вилоятига Пирак ва Малик Муҳаммадларнинг ҳар бирига муайян тухфалар билан алоҳида (элчи) — Шоҳ Баҳром (юборилди).

¹⁵ Қуръон, 3-сура, 25-оят.

¹⁶ Табас доруғасининг навқари... арзнома юборди — «Зубда»да доруғанинг номи келтирилган: Шайх Ҳиндушоҳ. Бундан ташқари «Зубда» мазмунича, навқар кўрганлари ҳақида ўз хожаси (Ҳиндушоҳ)га хабар етказган. Бундан Ҳиротга юборилган арзнома Ҳиндушоҳ томонидан ёзилган, деган хулоса чиқади.

¹⁷ Малик Қутбуддин номига... нишон хат юборилди — «Зубда» мазмунича, бу хатни амир Мусо юборган.

¹⁸ Сеистон ерларига — «Зубда»да: Ромрудга (кейинроқ Зомруд шаклида ҳам учрайди — А.Ў.).

¹⁹ Малик (Қутбуддин) шу заҳотиёқ... Ҳиротдан эса уни ҳумоюн ўрдуга етказдилар — «Зубда»да батафсилроқ, яъни Қутбуддин ҳали Ҳиротдан амир Мусоконинг навқари етиб келмасданоқ Кофий Исломни тўхтатиб туришга буюрган, навқар нишон-хатни келтирганидан кейин эса Зомрудга (қ. 18-изоҳ) бир неча навқарлар билан Муҳаммад Ҳисомни йўллаган ва Кофий Исломни бандга олдириб Ҳиротга юборган. Яна, «Зубда» мазмунича, амир Мусо Кофий Исломни Шоҳ Қутбуддиннинг навқарлари ва ўз

навкарларига қўшиб Хуросон арза-хатлари билан бирга Мозандаронга, ҳумон ўрдуга жўнатган.

²⁰ юқорида айтиб ўтилгандек — қаранг: Лоҳур нашри, 242—243-бетлар.

²¹ Халхол вилоятини — «Зубда» да қўшимча: ва Шоҳрухни унга тобе жойлари билан...

²² Қаро Юсуф — «Зубда» да қўшимча: у қишни Табризда ўтказиб...

²³ Қазвин — «Зубда» да қўшимча: Ҳамадон ва Даргузин.

²⁴ Ироқ ва Форсни бўйсундириб — «Зубда» мазмунича, Форснинг мирзо Искандарга бўйсунганига бир қанча вақт бўлган, Ироқнинг тўла бўйсундирилиши («Форсга қўшиб олиними») «ўша рамазон»да (бундан 816 йил рамазон тушунилса: ноябрь-декабрь, 1413, бироқ бу сатрлардаги воқеалар бу ойлardan илгари эканлигини назарда тутиб, 815 йил рамазонни деб тушунсак: декабрь 1412 — А.Ў.) воқе бўлган. Яна қаранг: 815 йил изоҳлари, 39-сон.

²⁵ Амир Қаро Юсуф... амир Бобо ҳожи — «Зубда»да амир Қаро Юсуф у тарафдан Ҳаштрудга етиб келганида бир қанча вақтлардан бери Говруд қалъасини бошпана қилиб юрган Саййид Бобожи (?) ...

²⁶ фарзандларини... қамаб қўйиб — «Зубда»да: хотин ва фарзандларини Боғдодга олиб кетди.

САККИЗ ЮЗ ЎН ЕТТИНЧИ

(1414—1415)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ ҳазрат хоқони саид — «Зубда»да қўшимча: Ироқ ва Озарбайжон мамлакатларини забт қилишга юриш қарори борлиги учун.

² Хуросон мамлакатини — «Зубда»да бутун Хуросон ва унинг шарқида жойлашган мамлакатларни.

³ Сорий вилоятида — «Зубда»да: Омул ва Сорий вилоятида.

⁴ Мозандаронда — «Зубда»да қўшимча Қабуджомо ва Астрободда турган вақтида Сорий ва Омулнинг барча кишилари тараддуд кўрдилар.

⁵ Саййид аликиёга — «Зубда»да бу шахс Омул ва Сорийнинг ҳокими эканлиги қайд қилинган.

⁶ кенг бир мамлакат унинг тасарруфида эди — «Зубда»да қўшимча: қарийб ўн минг, балки ундан ҳам зиёда суворийлар унинг фармонида бўлиб, олтин-кумушлару гулом ва канизаклар, уй-жойлару ер-мулклар орттирган эди.

⁷ Амир Илёсхожани — «Зубда»да қўшимча: шайланган лашкарлар билан.

⁸ Амирак Аҳмадни — «Зубда»да қўшимча: машварат қилиб олиш учун. Мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайхга Ўзганд вилоятини топширилганлиги ҳақида қаранг: Лоҳур нашри, 142-бет.

⁹ бир давлатхоҳ бандаман — «Зубда»да қўшимча: Ҳазрат амирзода (Улуғбек) ўз ишончли кишиларидан бирини юборса, биз у билан аҳду паймон тузамиз, дил қарор топиб, хотир тинчлангач, бу банда ишонч ҳосил қилиб унинг ҳузурига боради.

¹⁰ Самарқандга қайтди — бундан сўнги воқеа «Зубда»да қуйидаги сарлавҳа остида келтирилган: Амирак Аҳмаднинг Андижон атрофига келиши, амир Мусоко ва Муҳаммад Тобоннинг ўлдирилиши.

¹¹ Андижонни қўлда сақлаб турдилар; мўғуллар ўлжа олиб Мўғулистонга қайтдилар — «Зубда»да (амир Рустам ва қолган амирлар) шаҳар ва ҳисорни ҳимоя қилиб турдилар, ((мирзо Аҳмад) улар устидан галаба қозонмай... Мўғулистон томон қайтди.

¹² балиқ... ҳазрат хоқони саид — «Зубда»да қўшимча: Хуросон мамлакати ва унга тобе ерларни бошқариш ишларидан қутулганидан кейин.

Жумладаги балиқ (моҳий), қўзичоқ (барра), хут ва ҳамал сўзлари буржий календардаги ўн икки ой (бурж)дан иккитасининг форсча ва арабча номларидир. Муаллиф аслида, қуёш хут (моҳий — февраль-март) буржидан ҳамал (барра — март-апрель) буржига ўтганлигига, яъни қиш тамом бўлиб баҳор фасли бошланганлигига ишора қилмоқчи.

¹³ Юқорида айтиб ўтилганидек Жаҳонмулк воқеасида — бу воқеа тафсилоти учун қаранг: Лоҳур нашри, 108—109-бетлар.

¹⁴ амир Саййид Али — «Зубда»да қўшимча ва Жалбоншоҳ.

¹⁵ Қуръон, 5-сура, 96-оят.

¹⁶ Сова саҳроси — «Зубда»да Жаро ва Фароҳон саҳроси ва у ноҳияларда.

¹⁷ учишга мажол қолмади — «Зубда»да қўшимча: галаба ёр аскарлар тоғу саҳроларни кезиб, саҳро ҳайвонларини бир ерга жамладилар.

¹⁸ (бош уриб) келдилар — «Зубда»да қўшимча: амирзода Искандар аҳволини муфассал арзга етказдилар.

¹⁹ Шайх Муҳаммад — «Зубда»да бу шахснинг амирзода Искандар навкарларидан эканлиги қайд қилинган.

²⁰ Шайх Али қозоқ уч юз отлиқ билан — «Зубда»да: Амир Саййид Али қарлуқ ўз қўшуни билан.

²¹ Ҳар икки тараф сафлари... ростлангач — бундан сўнг «Зубда»да: шаҳаншоҳ (Шоҳрух)нинг ҳукми билан амирзода Иброҳим, амир Давлатхожа иноқ, амир Саййид Али тархонлар бу муҳим ишга номзод қилинганликлари ва «амир Фармоншайх ҳам бир тўда навкарлар ва хос кишилар билан жанг майдонига юзланганлиги» айтилган.

²² Қуръон, 17-сура, 46-оят.

²³ ... келиб тушди — «Зубда»да Шоҳрух аввал Исфаҳоннинг деворлари ва шаҳрбандини кўздан кечирганлиги, сўнг кўчиб шаҳар рўбарўсига тушганлиги айтилган.

²⁴ ҳисор деворларини арқон тортиб ўлчаб — матнда: «деворҳойи ҳисор ба таноб паймуда».

²⁵ мирзо Искандарнинг доруғаси Шайх Муҳаммад Сориқ — «Зубда»да амирзода Искандар Шерозда қолдиргани (Шайх Муҳаммад) Сору.

²⁶ Дороб — «Зубда»да: Доро.

²⁷ Лутфуллоҳ Боёнтемур — «Зубда»да: Лутфуллоҳ ибн Бобойтемур.

²⁸ юқорида зикр қилинганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 263-бет.

²⁹ Амирак Аҳмад — L_1 , L_2 , L_3 ларга биноан ёзилди, Лоҳур нашри матнида бу ўринда Аҳмад Мирак.

³⁰ Улардан арза-хат келди — «Зубда»да ўша кунларда ҳумоюн ўрдуга етдилар.

³¹ деворнинг шаҳар тарафи йигирма газ тик кўтарилган — матнда: «девор-и тараф-и шаҳр бист газ як андоз буд».

³² лоззор рангига кирди — «Зубда»да: таҳорат ҳукмидан чиқди (яъни таҳорат олиш учун яроқсиз-ҳаром бўлиб қолди — А.Ў.).

³³ (девонга йиғилиши зарур бўлган) юнт йили м о л ининг учдан бирини раиятга бағишлади — «Зубда»да: аъло девон ихтиёрида (бўлган) ют (!) йилидан (боқимонда қолган молнинг) учдан бирини раиятга бағишлади.

³⁴ фаррошхонани — «Зубда»да: хийма, хиргоҳ ва бошқалардан иборат (фаррошхонани).

³⁵ йўқдек ҳисобланади — «Зубда»да эса: ўрин (амал)ларидан туширди.

³⁶ мирзо Иброҳим Султонни — «Зубда»да бундан сўнг яна икки шахс номи аталган: амир Ҳасан Сўфи ва амир шайх Луқмон.

³⁷ Аммо ўша кунларда — «Зубда»да: амир Мизроб баҳодир фармонга мувофиқ у (мамлакат)ни бошқариш ишига киришган, Шоҳрух эса Хурсонга қайтиш тарадудини кўриб турган кунларда...

³⁸ Шероз мамлакатини... с у ю рғ о л қилиб берганлиги — «Зубда»да: Форс вилояти ва унга тобе жойлар ҳукуматини амирзода Иброҳим баҳодирга топширилиши.

³⁹ Шоҳ Вайс — «Зубда»да: Шоҳ Увайс.

⁴⁰ мирзо Улуғбек кўрагон Мовароуннаҳр тарафидан — «Зубда»да қўшимча: 817 йил шаъбон ойининг охирида (13 ноябрь, 1413) йўлга чиқиб, ...

⁴¹ тахт мулозиматини бажо келтирди — «Зубда»да қўшимча бўлиб, мазмуни шундай: бу икки биродар, яъни мирзо Улуғбек ва мирзо Бойсунғур орасида мавжуд бўлган иттифоқлик, яқдиллик ва садоқатлилиқ юз чандон ортди.

⁴² Қуръондан келтирилган бу икки кўчирма 28-суранинг 77-оятидандир.

⁴³ Шунга биноан... у фарзандга тақдим қилдик — «Зубда»да: илгарилар амир Арғуншоҳ фарзандлари бўлмиш Жоний Қурбон ҳокимлари — подшоҳ Тағойтемур ва ундан кейин амир Валининг тасарруфи остида бўлган мулклар, яъни Тус, Машҳад, Абивард, Самлақон, Ёзирларнинг ҳамда Астробод, Кабуджомо ва уларга тобе ерларнинг мол ва муомалаларини (мирзо Бойсунғурнинг) хос девони харажатлари учун тайин қилди (таржима таҳминий, матнда ноаниқлик бор — А.Ў.).

⁴⁴ Қуръон, 24-сура, 35-оят.

⁴⁵ инсофнинг икки алифидан — бундан мурод «инсоф» сўзини араб ҳарфлари билан ёзилганда унинг аввали ва ўртасида келувчи икки алиф ҳарфидир.

⁴⁶ қалам аҳли — бу ерда солиқ йиғувчилар, амалдорлар маъносида келган.

(САККИЗ ЮЗ) ЎН САККИЗИНЧИ

(1415—1416)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Тус — «Зубда»да: Абивард ва Тус.

² девони ихтиёрига топширилган вилоятлар томон отланди — бу ўринда «Зубда» матни «Матлаъ»никидан кўра аниқроқ, унда кўрсатилишича, Бойсунғурнинг девони ихтиёрига топширилган нарса «у диёрларнинг мол ва муомаласи»; Бойсунғур (Сарахсдан) чиқиб жўнаган вақти 27 зу-л-ҳижжа (7 март, 1415) ва борган шаҳри — Абивард.

³ ер ости ариқлари — «Зубда»да: кориз.

⁴ Қуръон, 26-сура, 84-оят.

⁵ Бу байтдан кейин «Зубда»да Шоҳрух ва унинг давлати таърифида қўшимча бор. Қисқача мазмуни: Шоҳрух тахтга ўтирганидан бери раият-

ларга турли-туман ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқда эканлиги, унинг мамлакатини «Хитой чегарасидан тортиб Араб диёригача ва Ҳинднинг йироқ ерларидан Рум ва Фаранжгача» чўзилиб, у Эрон ва Турон мамлакатлари тахтгоҳини ўз фарзандларига тақсимлаб берганлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат.

⁶ Амир соҳибқирон... хароб қилди-ю — Темурнинг Ҳирот деворларини буздирган йили 783 (1381).

⁷ нусхага биноан, етти юз минг киши ишлади — «Зубда»да: (бир) нусха (китоб)да келтирилганки, то у хароб бўлгунча (етти юз минг киши) ишлади.

⁸ Шаҳар қурилиши борасида яна қайтадан янги тарҳ чизди — «Зубда»да: Ҳирот шаҳри б о р а сини қайтадан қурди.

⁹ ... бунинг шарҳи баён қилиб ўтилди — қаранг: Лоҳур нашри (1944), 7—9-бетлар.

¹⁰ Лоҳур нашрининг 301-бетидаги изоҳида (бу изоҳ 302-бетни ҳам бутунлай эгаллаган — А.Ў.) «Матлаъ»дагидан бошқа яна 41 байт келтирилади. Мазмуни: Шоҳрух ва унинг ўғиллари Улуғбек, Бойсунғур, Султон Иброҳим ва Суюрғатмишларнинг мақтовидан иборат; охирида «Матлаъ»-дагидек тарих туширилган.

¹¹ «Зод», «ё» ва «ҳе» ҳарфларининг абжод ҳисоби билан сон қиймати 818, «иккинчи рабиъ»дан мурод — рабиъ ас-соний; бу санани мелодий йилга ўтказилса 10 июнь—9 июль 1415 йилга тўғри келади.

¹² юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 262—263 ва 274-бетлар.

¹³ бажо келтираман — «Зубда»да қўшимча: ва фармонга мувофиқ ито-аткорлик расм-русумларини бажараман.

¹⁴ юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 283-бет.

¹⁵ мирзо Ийжал — «Зубда»да ном тўлиқ келтирилган: амирзода Ийжал ибн амирзода Мироншоҳ кўрагон.

¹⁶ амир Ажабшер — «Зубда»да: амир Ажабшер бошлиқ.

¹⁷ Амир Илёсхожа... равона бўлди — «Зубда» нақлига кўра амир Илёсхожани Шоҳрух Қаро Юсуфнинг Султонияга юзланганлиги хабарини эшитгач, Мозандаронга йўллаган.

¹⁸ амир Иброҳими амир Жаҳоншоҳ — яъни амир Жаҳоншоҳнинг ўғли амир Иброҳим.

¹⁹ ўз ўғлини қалъада қолдириб — «Зубда»да: Султонияни унга (яъни амир Қаро Юсуфга — А.Ў.) қолдириб, бир неча кишилари билан қочиб...

²⁰ тарбият қилганмиз — «Зубда»да қўшимча: у бизнинг ижозатимиз билан у томонга борган.

²¹ Ардашер тавочи тайин қилиниб — «Зубда»да қўшимча: Қум томонга юборилди.

²² «сендан мамнун бўлади», — дедилар — «Зубда»да айтилишича, амир Бистом билан Қаро Юсуф ўрталарида узоқ вақтлардан бери душманлик адовати мавжуд бўлиб, Қаро Юсуф учун амир Бистомни қўлга киритишдан кўра қимматлироқ совға йўқ эди.

²³ Шайх Али Зинда — «Зубда»да: Шайх Ҳасан Зинда.

²⁴ ... қуёш муаннас эканлиги билан фахрланади — бу жумладаги «қуёш» ўрнида матнда: «хуршид». Аммо мисра муаллифи хуршид дейишдан «шамс»ни кўзда тутган бўлиши мумкин. Шамс сўзи араб тилида жинс эътибори билан муаннас (женский род)дир.

²⁵ Шерозга қасд қилишдек — «Зубда»да: Шерозга бориб Форс мамлакати қўлга киритишдек.

²⁶ Қуръон, 8-сура, 43-оятдан.

²⁷ Улусбек ва Асил — «Зубда»да улус ва Асилбек.

²⁸ бир ишончли киши — «Зубда»да бу шахсинг номи кўрсатилган: Динорнинг ўғли Пир Али.

²⁹ Хон ҳабаш — L_2 L_3 нусхаларида: Хавон (Хон) Жийш.

³⁰ Форс — «Зубда»да: Ироқ ва Форс.

³¹ мирзо Иброҳимга қўшилиб — «Зубда»да бу қўшилиш Абарқўҳда содир бўлажаги айтилган.

³² олий ўрдуга келтириш иши топширилди — «Зубда»да қўшимча: ва бошқа атроф ерларга ҳам аскарларни тўплаш учун фармонлар юборилди.

³³ Ғалаба ёр мавкаб Нишопурдан ўтиб — «Зубда»да Нишопурга етиб келган кун кўрсатилган: 818 йил учинчи ражаб (8 сентябрь, 1415).

³⁴ амир Алоуддин Алика... амир Саййид Аликиёни... етказди — «Зубда» матни бўйича, амир Саййид Аликиё ўзи келган, уни Алоуддин келтирганлиги қайд қилинмаган.

³⁵ ўз вилоятига жўнади — «Зубда»да қўшимча: илгарироқ жўнаб кетган улуғ амир Шоҳмалик ўша кезларда Мозандарон чегараларида эди. У ўзидан илгари жўнаб кетган лашкарларга тезроқ бориб қўшилиш мақсадида ижозат сўраб, ўн еттинчи ражабда (2 сентябрь, 1415) тезлик билан у тарафга жўнаб кетди.

³⁶ етиб келиб — «Зубда»да етиб келган куни кўрсатилган: 20 ражаб (25 сентябрь, 1415).

³⁷ Амир Бистомнинг биродари амир Маъсум Ардабил тарафидан келди — «Зубда»да: олтинчи шаъбонда (11 октябрь, 1415) амир Бистомнинг

биродари бўлмиш амир Мансурнинг навқари Ардабилдан ҳумоюн ўрдуга келди.

³⁸ Рай чегараларида турган... қўшилдилар — бу абзац «Зубда»да «Матлаъ»дан фарқлироқ келтирилган: салтанат шиорли ҳазрат фармон бердики, Шерозга жўнаган лашкарлар Исфаҳонга етганларидан кейин, амирзода Рустам ўз лашкарлари билан уларга қўшилиб Шерозга юзлансин. Илгарироқ эса у бошқа бир элчини Иброҳим Султон ҳузурига юбориб, амир Жалолуддин Ферузшоҳ ва у тарафнинг лашкарлари отлансинлар ва биргалашиб Шерозга юзлансинлар деб буюрган эди. Бундан мақсад шуки, бошқа аскарлар етиб келган вақтда Кўшки Зард мақомида бир-бирларига қўшилсинлар ва биргалашиб Шерозга жўнасинлар.

³⁹ Мирзо Иброҳим Султон — «Зубда»да қўшимча: амирзода Рустам ва амир Жалолуддин Ферузшоҳ.

⁴⁰ Қум ва Кошон — «Зубда»да лашкар Қумдан 9 шаъбонда (14 октябрь, 1415), Кошондан эса 14 шаъбонда (19 октябрь, 1415) ўтганлиги айтилган.

⁴¹ мирзо Бойсунғур ҳузурига — «Зубда»да қўшимча: шамшир ва кафан билан.

⁴² Қуръон, 6-сура, 54-оят.

⁴³ бежавотир бўлмаганлиги — «Зубда»да қўшимча: ва баднафс, бузуқ ҳам фитначи кишилар кўплиги...

⁴⁴ Улуғ амирлар — «Зубда»да ҳ а з о р а л а р , т у м о н л а р ва қ ў ш у н л а р амирлари.

⁴⁵ б у р о н ф о р л а ш к а р л а р и — «Зубда»да «лашкарлари» ўрнида: «т у м о н л а р и».

⁴⁶ Шабонғора — «Зубда»да қўшимча: ва Доробгирд.

⁴⁷ улар Шерозга келдилар — «Зубда»да уларнинг муносиб совға-салом ва пешкашлар билан итоаткорлик билдириб келганликлари қайд қилинган.

⁴⁸ Ажам Ироқининг баъзи мамлакатларини — «Зубда»да: Қум, Кошон мамлакатларини уларга тобе ерлар билан.

⁴⁹ Илёсхожа баҳодир — «Зубда»да қўшимча: Ибн амир Шайх Али баҳодир.

⁵⁰ олий фармон содир бўлди — «Зубда»да панд-насиҳатлардан иборат бир неча сатр қўшимча бор. Улардан «Матлаъ» матнига мазмунан тафсилот киритадиган қисми қуйидагилардир: у мавзеларнинг амирлар, вазирлар, машойихлар, деҳқонлар ва арбоблардан иборат сокинлари ҳамда дашту биёбон аҳлларидан иборат (кўчманчи) аҳолилари, араблар, туркмонлар, саҳ-

ронишинлар ва бошқалар мазкур амирни ўзларининг ҳоким ва амирлари деб билсинлар.

⁵¹ Абу Исҳоқ — «Зубда»да қўшимча: Козируний.

⁵² У ердан қайтишди — «Зубда»да Козирундан қайтишди.

⁵³ Қуръон, 4-сура, 62-оят.

⁵⁴ Қуръон, 6-сура, 159-оят.

⁵⁵ Қуръон, 22-сура, 10-оят.

⁵⁶ ноўрин узрини арзга етказди — «Зубда»да Султон Увайс ноўрин жавоб юборган бўлса ҳам, аммо бир неча навкарлар билан бирга ўз онаси орқали расм бўйича пешкаш ва тортиқлар юборганлиги айтилган.

⁵⁷ Сиржон ерларига етиб келди — «Зубда»да Шоҳрух амирлардан ҳар бирини Кермон атрофларидан бир тарафига жўнатганлиги айтилган.

⁵⁸ кўришга майл қилди — «Зубда»да айтилишича, Шоҳрух қалъани муҳосара қилишга киришмоқ учун чапар, манжаниқ, аррода ва бошқа муҳосара асбобларини тайёрлашга киришган.

⁵⁹ Қуръон, 5-сура, 118-оят.

⁶⁰ харобалик келтиришдан — «Зубда»да: Кермон атрофини хароб қилишдан.

(САККИЗ ЮЗ) ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1416)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ боғи — бу сўз 1933 йилги Лоҳур нашрида хаттот томонидан тушириб қолдирилган. Λ_1 Λ_2 Λ_3 ва 1944 йилги Лоҳур нашри асосида матнга киритилди.

² юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 304—305-бетлар.

³ Қуръон, 38-сура, 25-оятдан.

⁴ Қуръон, 2-сура, 175-оят.

⁵ Руҳи поклангур... келганлиги (зикри) — «Зубда»да: Кермон томонга лашкар юборилганлиги зикри.

⁶ Амирлар — «Зубда»да: тумонлар амирлари.

⁷ ва амир Абу Бакр Оқтемур — «Зубда»да бунинг сўнгидан Хуросон ва Мовароуннаҳр амирларининг барчасига оид қўшимча: тумонлар, ҳазоралар, тожик лашкари, Хуросон черики ва сардорлар билан.

⁸ Форс — «Зубда»да қўшимча: Шероз, Абарқуҳ, Язд ва Исфаҳоннинг қирқ минг миқдордаги отлиқ ва пиёдалардан иборат черики.

⁹ Жаноб Мағисуддин ҳумоюн саропардасини тиклади — «Зубда»да бу жумла «Матлаъ»дан фарқли, унда айтилишича, амирзода Улуғбек 819 йил муҳаррам ойининг бошларида (1 март, 1416) Хўжанд суви соҳили томон отланиб, 18 муҳаррамда (18 март, 1416) Шоҳрухия рўбарўсига етди.

¹⁰ Мирзо Улуғбек... Самарқандга етди — «Зубда»да жумла «Матлаъ» матнидан фарқли: мирзо Улуғбек учинчи муҳаррамда (3 март, 1416) Сайхунга кўприк боғлаб ундан ўтди, бир неча кунни у ерларда ўтказгач, Самарқандга қайтишга жазм қилди ва 23 сафарда (22 апрель, 1416) Самарқандга келиб тушди.

¹¹ (Бўлиб ўтган) исён вақтида Кошғарда турган — «Зубда»да: Мўғулистон томонга кетган Амирак Аҳмад у ердан қайтиб келиб, Кошғарда макон тутган эди, у...

¹² юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 331-бет.

¹³ Ўзбек вилояти ғалаён кўтарганлиги ҳақида арз қилдилар — «Зубда»да бу ахборот муфассалроқ: «у вилоятнинг аксар мавзеларида фитна кўтарилган, барча элу улус бўйсуниб, ҳукмини эшитадиган бирор муқим подшоҳ йўқ, у диёрнинг халойиқи бошқарувсиз қолганлиги сабабли тарқалиб кетдилар, қолган (халойиқ) эса заҳмат ва ташвишда кун кечирмоқда».

¹⁴ унга мулозим тарзида — «Зубда»да: унга мулозим, ҳамсуҳбат ва ноиб (тарзида).

¹⁵ амир Шайх Нуруддиннинг мухолифатчилик вақти — қаранг: Лоҳур нашри, 174—182; 201—210-бетлар.

¹⁶ ва бир гуруҳ қавчинларни ўн минг суворийлар билан — «Зубда»да: амир Ҳамза ва қарийб ўн минг қавчинлар жамоатини.

¹⁷ Шу аснода — Бу сўзлар тепасида «Зубда»да сарлавҳа қўйилган: Деҳлидан Хизрхоннинг элчиси етиб келганлиги зикри.

¹⁸ (Ҳиндустон) тарафга жўнатилган элчиси — «Зубда» матни бўйича, бу элчи Деҳлига Ироқ ва Форс фатҳ қилинганлиги хабарини олиб борган.

¹⁹ Хизрхоннинг фармониға тобедир — «Зубда»да қўшимча: ҳиндларнинг кўпчилиги ва мусулмонлар (Хизрхонга) муте бўлганлар.

²⁰ йўлга равона бўлдилар — «Зубда»да қўшимча: саккиз юз йигирманчи (1417) йили Хизрхон ҳузурига етдилар.

²¹ Шоҳ Некпайшоҳ — «Зубда»да Бадахшон шоҳларидан (бўлган) Некишоҳ, «Матлаъ»нинг баъзи нусхаларида ҳам шундай.

²² бу ҳақда (юқорида) батафсил сўзлаб ўтилган — қаранг: Лоҳур нашри, 227—230-бетлар.

²³ Мўғул вилоятига бориб у ердан ноумид бўлиб қайтди — «Зубда»да: Мўғулистон вилоятига, Нақши Жаҳон ҳузурига борди, аммо у ерда ҳам тириклик ўтказа олмади.

²⁴ мирзо Суюрғатмиш баҳодир — «Зубда» матнида асар ёзилаётган вақтда (1428) бу шаҳзоданинг ҳаёт бўлмаганлигини билдирувчи қўшимча бор: Оллоҳ қабрини нури қилсин.

²⁵ лашкарлар — «Зубда»да қўшимча: ва ўзига тегишли тумонлар.

²⁶ Амир Султон Аҳмад Ҳилол буйруққа биноан у тарафга жўнади — «Зубда»да бу шахснинг Бадахшонга жўнатилиш сабаби ҳам келтирилган: бу тарихдан илгарироқ Бўз Б-т-рий (?)ни у тарафнинг молларини жамлаш ва муҳим ишларини саранжомлаш учун юборган эдилар. Ражаб ойининг бошларида (24 сентябрь, 1416) Бадахшондан Шоҳ Маҳмуднинг навқарлари келиб, унинг устидан шикоят қилдилар. Бўз Б-т-рийнинг ёмон қилмишлари ҳазрат (Шоҳрух)га маълум бўлгач, у Султон Аҳмад Ҳилолни юбориб, Бўз Б-т-рийни қўлга олишга ва унинг қилмишларига яраша жазосини беришга буюрди.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМАНЧИ

(1417—1418)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ жумод ал-аввал ойи — «Зубда»да бу ҳижрий сана ҳисоби бошқа сана ҳисобларининг қайси ой ва ададларига тўғри келиши кўрсатилган: Искандарий (сана ҳисоби)нинг бир минг етти юз йигирма еттинчи йил ўн саккизинчи ҳазийронига мувофиқ ва Язджирдий (сана ҳисоби)нинг етти юз саксон олтинчи йил ўн саккизинчи меҳромоҳига мутобиқ бўлган саккиз юз йигирманчи (ҳижрий биринчи жумод ал-аввал) .

² мирзо Бойсунғур девон маснадини шарафли қилган вақтда — бу воқеа 819 (1416) йили содир бўлган, қаранг: Лоҳур нашри, 333-бет.

³ қабул ёки рад, ҳал ёки банд қилиш ишлари — матнда: «дар ахзу радду ҳаллу ақд».

⁴ икки юз тумон кабакий (динорини) бир йил ичида тўлашга рози бўлди, чунончи ҳар кунига (тақсимланганда) ироқий зарнинг ўттиз уч минг уч юз ўттиз учу олтидан икки динорига тўғри келди — матнда: «маблағ-и девист тумон кабакий қабул кард-ки ба як сол жавоб гуяд чунончи ҳар рўз маблағ-и сию се ҳазор ва се саду се динор ва ду дон зар-и ироқий бошад».

⁵ У ўз қилмиши — матнда ноаниқ ёзилган, Лоҳур нашри ва $\Lambda_1 \Lambda_2 \Lambda_3$ лар бўйича таржима қилинди.

⁶ Бутун жаҳон аҳлининг дили унинг дастидан эминдир — Саййид Фахруддин вазирнинг вафоти тарихини англатувчи бу мисра матнда: «иман диланд аҳл-и жаҳоний зи даст-и вай». Жумладан барча ҳарфларнинг сон қиймати қўшилса абжад ҳисобида 781 йил ангашилади. Аммо бу тўғри келмаганлиги ва аввалги мисрада «чуқур ўйлаб кўриш» тавсия этилаётганлигига асосан бу сўзининг ўртаси (дили) даги (мим) ҳарфини яна бир бор ҳисобга олинса, унда 821 адад ташкил топади, демак, Саййиднинг вафоти 821 (1418) йилга тўғри келади.

⁷ Хуросон томон отланди — «Зубда»да мирзо Улуғбекнинг Хуросон томон отланган вақти кўрсатилган: 820 йил рабиъ ал-аввал ойида (18 апрель—17 май, 1417).

⁸ мирзо Муҳаммад Жаҳонгир — «Зубда»да отасининг исми кўрсатилган: Ибн амирзода Муҳаммад Султон.

⁹ Шу ойнанинг охирида — «Зубда»да: йигирма учинчисида (10 май, 1417).

¹⁰ Султон Увайс... ҳам Самарқандга жўнатдилар — «Зубда»да айтишча, бу шахсга Хожа Калон ахточини ҳамроҳ қилиб юборилган.

¹¹ подшоҳона кийимлар — «Зубда»да: қулоҳ, камар, тиллодўзий, оқсусар, сусар ва олмахон пўстинларидан иборат (подшоҳона кийимлар).

¹² мирзо Муҳаммад Жўғийни — «Зубда»да ўз биродарзодаси амиру амирзода Жўғий Муҳаммадни.

¹³ бир ҳафтада — «Зубда»да тезлик билан йўл босиб, бир ҳафтада.

¹⁴ Самарқандга етди: қишлоқ — «Зубда»да шундан сўнг бир неча вақт-ни Самарқандда ўтказиб, қиш фасли келганда, у йилги қишлоқни...

¹⁵ лашкарлар (шу ерда) йиғилдилар... вилоятларига қайтариб юборди — «Зубда»да: у (Улуғбек) Мовароуннаҳр лашкарларини тўплашга буюрган эди. Мазкур сананинг тўққизинчи шавволида (19 ноябрь, 1417) Идикунинг Иброҳим исмли элчиси Ўзбек вилоятидан етиб келди. Йигирма тўртинчи шавволда (4 декабрь, 1417) эса (Улуғбек) ҳибсда ётган бир неча ўзбек ўғлонларини қўйиб юборди.

¹⁶ (саккиз юз) йигирма (биринчи) — «Матлаъ»нинг барча нусхаларида «биринчи» сўзи йўқ. («Зубда»да эса умуман бу жумла келтирилмаган). Матнда илгарироқ кўрсатилган саналарга кўра буни 821 деб тузатиш маъқул топилди.

¹⁷ Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинлар — Бу номларнинг «Матлаъ» нусхаларида ёзилиши шаклан шу тарзда бўлса ҳам, ҳарф-

ларга қўйилган нуқталар жиҳатидан фарқлар бор, чунончи, биринчи ном: Би-Боҳин, Мо-ҳин, Лу-ёҳин; иккинчиси: Ту-Боҳин, Лу-Моҳин; учинчиси: Жот-Мочин, Жот-Тоҳин, Тот-Боҳин; тўртинчиси: Сақ-Тоҳин, Ниқ-Ноҳин, Биқ-Боҳин.

¹⁸ алоҳида — «Зубда»да қўшимча: ҳар кимнинг исмига.

¹⁹ Қандаҳор тарафга — «Зубда»да: Қандаҳор атрофи ва Ҳинд тарафга.

²⁰ амир Ҳасан Сўфи тархонни юборди — «Зубда»да Шоҳруҳ амир Ҳасанга у тарафни забт қилишни буюрганлиги ва амир Ҳасан 820 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўртасида (3 апрель, 1417) Ҳиротдан чиқиб у тарафга жўнаганлиги қайд қилинган.

²¹ одамларни додга келтирганликларини — «Зубда»да бунинг сўнгидан айтилишича, шу сабабли элу улус бўйсунмай қўйган ва тараф аҳволида буткул харобалик юз берган, келиш-кетиш йўлларида савдогарларни талаш ва аҳоли молини ўғирлашлар содир бўлган.

²² бу манзилда — «Зубда» да жумла муфассал: (Шоҳруҳ) Пули Молондаги боққа (боғ номи ноаниқ ёзилган — А.Ў.) келиб тушиб, бандаларнинг барча муҳим ишларини саранжомлаш учун бу боғда бир кун туриб қолди. Эртаси куни у фатҳ тилаш дуосига машғул бўлиб, олимлар, зоҳидлар ва машойихлар (унинг ҳузурига) йиғилдилар.

²³ ҳазора жиҳатидан — «Зубда»да: ҳазорани даф қилмоқ учун.

²⁴ Мирзо Бойқаро етиб келгач... саропардани тиклади — «Зубда»да жумла тўлароқ: (Шоҳруҳ) амир Хизрхожа оқчага амирзода Бойқарони Самарқандга, одил ва улуғ амирзода Улуғбек кўрагон ҳузурига етказишни тайинлади, сўнг ҳумоюн байроқлар ўрнидан кўчиб, уч кундан кейин Исфизор қасабаси рўбарўсида Сарипули Миён («Матлаъ»даги Табон ўрнида Миён) мавзеида саропардани тиклади.

²⁵ мирзо Бойсунғур... бир ҳафтадан кейин — «Зубда» матни бўйича, Шоҳруҳ мирзо Бойсунғурнинг етиб келишини кутиб бир ҳафта тўхтаб турган.

²⁶ Темурнинг Ҳиндистонга юриш қилган вақти 801 (1398 399) йил. Бу ҳақда «Матлаъ»нинг биринчи жилдида муфассал ёзилган (Ўз ФА ШИ, қўлёзма № 5373, варақлар 172а—189а).

²⁷ амирлари — «Зубда»: т у м о н л а р и.

²⁸ Шу ойнинг охирларида — «Зубда»да йигирма еттинчи шаъбонда (9 октябрь, 1417).

²⁹ Мавлоно Садруддин Иброҳим — «Зубда»да бу шахснинг илгарироқ ҳазора сардорлари томон кетганлиги қайд қилинган.

³⁰ ҳазора сардорлари — «Зубда»да: (ҳазора) амирлари маҳдум Феруз, Хожа Ором, Қадам ва бошқалар.

³¹ Шу сабабли илғор тузишга отланган амирлар тўхтаб турдилар — «Зубда»да: Шоҳруҳ мирзо Бойсунғур ҳузурига элчи юбориб, босқин қилмай туришга буюрди.

³² амир Ҳамзалар — «Зубда»да қўшимча: «бир неча минг киши билан».

³³ Онҳазрат ... буюрди — «Зубда»да бу жумла батафсилроқ бўлиб, ундан мирзо Қайду Шоҳрухнинг ҳузурига келиши эмас, амир Иброҳимнинг олдига келиб сулҳ тузиши, акс ҳолда амир Иброҳим у мавзеларни забт қилиб, ўзи ўша ерда муқим туриши лозим эканлиги тушунилади.

³⁴ Шу ерда — «Зубда»да шу кунларда.

³⁵ мирзо Суюрғатмиш... ўз вилоятлари томон юзланди — «Зубда»да: (Шоҳруҳ Суюрғатмишга) Хутталон томон жўнашга ижозат берди.

³⁶ (Исфаҳонга) қайтиб кетди — Мирзо Али ибн мирзо Рустамнинг Исфаҳонга қайтиб кетганлиги 25 шавволда (5 декабрь, 1417) эканлиги «Зубда»да қайд қилинган.

³⁷ мирзо Санжар — «Зубда»да: амирзода Султон Санжар.

³⁸ тайин қилиндилар — «Зубда»да: ўн минг лашкар билан тайин қилиндилар.

(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА БИРИНЧИ

(1418)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ амир Қаро Юсуф...нинг илгарироқ Озарбайжондан келган элчилари — Ҳофизи Абрунинг мазкур тарихий-географик асарида (қўлёзма № 4078, варақ 141а: қўлёзма № 5361, варақ 463 б) амир Қаро Юсуф элчисининг номи Ҳожи Кучак деб кўрсатилган: элчининг Ҳиротга келган вақти (819 йил) зу-л-қаъда оийи (21 декабрь, 1416 — 19 январь, 1417); элчиликдан кўзда тутилган мақсад эса 818 (1415—416) йил воқеалари билан боғланиб кетади. Чунончи, элчилар зиммасига Қаро Юсуф Саъд Ваққоснинг кўчини олиб келиш учун Озарбайжондан Қумга юборган, аммо Шоҳруҳ одамлари томонидан асир олиб Ҳиротга келтирилган навкарларнинг (қаранг; Лоҳур нашри, 310—311-бетлар) озод қилинишларини сўраш вазифаси юклатилган.

² юқорида айтиб ўтилгандек — қаранг: Лоҳур нашри, 309-бет.

³ абадият саройига кўчди — «Зубда» да қўшимча: «салтанат шиор ҳазрат (Шоҳруҳ) нинг тажрибада маълум бўлган хусусият ва фазилатларидан

:

бири шуки, кимки бу даргоҳга хизмат қилишда собит қадам бўлмаса, андак муддатда қазо тиғи зарбидан худди тўпдек бошсиз бўлиб қолади. Бу муққадиманинг тўғрилигига далил амирзода Саъд Ваққос воқеасидир.

⁴ исён кўтаришни изҳор қилаётганликлари — «Зубда»да: Бадахшон шоҳларининг мол тўлаш шартларини адо этишдан бош тортаётганликлари.

⁵ Саййид Аҳмад Али Қаро — «Зубда»да «Саййид» йўқ ва Аҳмад ўрнида Муҳаммад.

⁶ амир Иброҳими Жаҳоншоҳ — «Зубда»да амир Иброҳим ибн амир Жаҳоншоҳ.

⁷ амир Ферузшоҳ — «Зубда»да: амир Жалолуддин Ферузшоҳ.

⁸ Шайхулислом Хожа Тожуддин Ҳасан Аттор — «Зубда»да: тожулҳақ ва-д-дин Ҳожи Хасан Аттор.

⁹ Қуръон, 27 сура, 40-оятдан.

¹⁰ унинг отаси Мирзо Пир Муҳаммадни. Ҳинд чегараларигача унга топширди — бу воқеаларнинг тафсилотини билиш учун қаранг: Лоҳур нашри, 70, 103, 109, 149-бетлар.

¹¹ Ҳиндустон волииси — «Зубда»да: Ҳинд шаҳарларидан аксарининг ҳокими бўлган.

¹² хабар берди — бу ҳақда тафсилотларни билиш учун қаранг: Лоҳур нашри, 342-бет.

¹³ айтиб ўтилди — қаранг: Лоҳур нашри, 367-бет.

¹⁴ Қуръон, 39-сура, 37-оятдан.

¹⁵ Қандаҳор томон — «Зубда»да: Кобул томон.

¹⁶ Амир Ҳасан Сўфи тархон ... равона бўлдилар — «Зубда»да амирлар қаторига амир Мусо Камол ва амир Аликолар номи ҳам қўшилган ва амирлар бирин-кетин жўнаганликлари қайд қилинган.

¹⁷ Мирзо Қайду ярим кечада — «Зубда»да: кеч тушиши билан йўлга тушган мирзо Қайду тезлик билан йўл босиб ярим кечада...

¹⁸ вилоятлар — «Зубда»да бу вилоятларнинг номлари ҳам қайд қилинган: Кобул, Ҳазни, Синд ва Ҳинд.

¹⁹ Машҳад — «Зубда»да: Тус ва Машҳад.

²⁰ Машҳади муборакка етгач — «Зубда»да Шоҳрухнинг бу ерга етиб борган куни кўрсатилган: 12 шаъбон (14 сентябрь, 1418).

²¹ юқорида айтиб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 353-бет.

²² Рабиъ ал-аввалда — «Зубда»да: еттинчи рабиъ ал-аввалда (14 апрель, 1418).

²³ бир ишончли кишини — «Зубда»да: Хизр қавчинни бир гуруҳ кишилар билан.

²⁴ бир гуруҳ мўғулларга — «Зубда»да: мазкур сананинг жумод ал-охир ойида (6 июль — 3 август 1418) мўғул амирларига.

²⁵ бир-бирларига яқин тушдилар — «Зубда»да мирзо Улуғбек билан мирзо Муҳаммад Жўғийнинг учрашган куни кўрсатилган: 20 ражаб (23 август, 1418).

²⁶ ишончли киши қайтиб келиб ... арзга етказди — «Зубда»да: Мўғулистонга юборганлари бир гуруҳ кишилар шаввол ойининг бошларида (1 ноябрь, 1418) қайтиб келдилар; Жата подшоҳидан ҳам элчилар келиб бирлик изҳор қилдилар.

²⁷ Самарқанддан чиқиб — «Зубда»да қўшимча: 17 шавволда (17 ноябрь, 1418) Жайхун сувидан ўтдилар ва...

²⁸ қўл ўпиш шарафини топдилар — «Зубда»да жумла батафсилроқ берилган. Мазмуни: мирзо Улуғбекнинг Ҳиротга етган куни Шохрух (Фарохдан) қайтиб Исфизорга келган, Улуғбек уни кутиб олиш учун (Ҳиротдан) йўлга чиқиб амир Довуд работида учрашганлар ва шу куниёқ яна Ҳиротга қайтиб келганлар.

²⁹ Шаҳзода — «Зубда»да қўшимча: зу-л-қаъда ойининг охирида (29 декабрь, 1418) Мовароуннаҳр томон отланиб...

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ИККИНЧИ

(1419)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ элчилар юборганлиги — «Зубда»да: мактублар ва совғалар етказганлиги...

² Юқорида ... айтиб ўтилган эди — қаранг: Лоҳур нашри, 354-бет.

³ айнан, сўзма-сўз келтирилди — «Матлаъ»нинг Лоҳур нашрида ҳам мактуб матни мазкур тасвирланган тарзда, худо ва султон номларини хат бошига чиқариб, янги сатрдан ёзилган.

⁴ уч турли хат билан — «Зубда»да қўшимча: (ўша) тарихда.

⁵ Мехр Нигор оғо — «Зубда»да «оғо» ўрнида «хоника».

⁶ ясовулар отларга миндилар ва ўқ ёй билан сафларини ростладилар — матнда: «ясовулон бар аспон-и хос нишастанд ва ба тир ёсол рост карданд».

⁷ давлат аркони билан ... қатъийлашди — «Зубда»да: Шу аснода Озарбайжон ва Ироқ мамлакатларидан бир неча нарса (хабар — А.Ў.) етиб келди ва у тарафга ҳумоюн юриш учун сабаб бўлди.

⁸ Қуръон, 2-сура, 151-оят.

⁹ шаҳзодалар — бу сўз кетидан L_1 L_2 L_3 ларда «жўжинон» ва «жўчнон» шаклларида ёзилган қўшимча бор. Лоҳур нашрини тайёрлаган Муҳаммад Шафе ҳам ўзи фойдаланган «Матлаъ» нусхаларидан баъзиларида шундай сўз борлигини қайд қилиб ўтган-у, ammo матнга киргизмаган.

«Жўжи» ёки «чучун» (чиғатой сўзи)нинг луғавий мазмуни: мусофир, сайёҳ демақдир. Бу ерда, матннинг умумий мазмунига кўра, Шохрух саройига келиб турган меҳмонлар, бошқа мамлакатларнинг элчилари ёки Шохрух сиёсий мақсадлар билан ўз саройида тутиб тургани баъзи вилоятлар ҳокимларининг ўғиллари назарда тутилган бўлса керак.

Яна «жўжи» сўзида «севиқли ўғил» маъноси ҳам бўлса-да, олдинда «шаҳзодалар» деб қайд қилинганлиги сабабли, бу ўринда матн мазмунига уланмайди.

¹⁰ ражаб ойининг охирида ... Кошғардан хабар келди — «Зубда»да: ражаб ойининг ўн иккинчисида (4 август, 1419) Кошғардан Сиддиқ(нинг) навқари келиб хабар берди.

¹¹ ҳамроҳ бўлиб келаётган — «Зубда»да қўшимча: Хитойдан Хуросонга келаётган.

¹² шу ой охирида — «Зубда»да: 27 ражабда (19 август, 1419).

¹³ Шаҳзода — «Зубда»да қўшимча: икки-уч кундан сўнг.

¹⁴ ер ўпиш шарафига эришдилар — «Зубда»да амир Худододнинг навқарлари келганлигига оид, лекин ноаниқ ёзилган қўшимча бор: ўнинчи шаъбонда (1 сентябрь, 1419) Дироқ (Дизоқ?) — А.Ў.) рўбарўсига келиб тушдилар.

Бундан сўнг яна тафсилот берилган: Жатадан Аширвон Бахший навқари келди.

¹⁵ Хўжанд сувидан ўтди — «Зубда»да куни кўрсатилган: ўн тўртинчи (шаъбон)да (5 сентябрь, 1419).

¹⁶ Меҳр Нигор хониканинг Мўғулистондан Ҳиротга келтирилиб мирзо Муҳаммад Жўгийга никоҳлаб берилганлиги юқорида (Лоҳур нашри, 387-бет) айтиб ўтилган эди. Бу ўринда Ҳофизи Абрӯ унинг насабини келтирган: Шамъи Жаҳоннинг ўғли бўлмиш Шох Жаҳоннинг қизи ва Мўғулистон мамлакатларининг подшоҳи Хизрхожа ўғлоннинг набираси.

¹⁷ Тошкентдан кўчиб Бурлоқ яқинига келиб тушди — бу жумла «Зубда»да, гарчи жой номларининг ёзилиши ноаниқ бўлса ҳам, «Матлаъ» матнидан батафсилроқ келтирилган: (Улуғбек) ўн тўққизинчи шаъбонда (10 сентябрь, 1419) Тошканд майсазорига келиб тушди ва уч кундан кейин



Овозга келиб қўниб, Султон тархонни бир тўда амирлар ва лашкар билан Тошкандда туришга тайин қилди ва йигирма тўртинчида (15 сентябрь, 1419) Бурлоқ қишлоғига яқин бўлган Ўрдутош юртига келиб тушди.

¹⁸ Болху — бошқа нусхаларда Молху, Молсу шаклларида ҳам учрайди.

¹⁹ қайтишга жазм қилди — «Зубда»да қўшимча: Ўрдубош юртидан илгарилаб жўнади.

²⁰ амир Ёдгор Фаттон — L_1 , L_2 нусхаларда Амир Ёдгоршоҳ Фаттон.

²¹ ижозат берди — «Зубда»да: ўз вилоятига кетишга ижозат берди.

²² Мирзо Улуғбек... Самарқандга келиб тушди — «Зубда»да Улуғбекнинг Куфин қишлоғидан жўнаган куни (20 зу-л-қаъда — 8 январь, 1419) кўсатилган-у, ammo «Матлаъ» матнидаги Самарқандга етиб келиш куни қайд қилинмаган.

²³ Қуръон, 4-сура, 124-оятдан.

²⁴ Қуръон, 6-сура, 83-оятдан.



(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА УЧИНЧИ (1420)



ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Қуръон, 48-сура, 1-оят.

² Қуръон, 48-сура, 3-оят.

³ хайрли жойлар — матнда: «буқоъ-и хайр» «Зубда»да: масжид ва хайрли жой (работ)лар.

⁴ мазкур мудҳиш воқеа замонидан бери — жумладаги мазмун илгарироқ (Лоҳур нашри, 244-бет) ҳам айтиб ўтилган эди. Мироншоҳнинг қатл этилганлиги воқеаси эса Лоҳур нашрининг 116-бетида 810 (1407—1408) йил воқеалари орасида сўзланган.

⁵ лашкарларни — «Зубда»да: Қадимий ва янги лашкарларни.


⁶ Қуръон, 7-сура, 34-оятдан.

⁷ маош ва таъминот учун жуда кўп мол ва беҳисоб нақд (пул)ни у к а л к о расми бўйича иноят қилди — матнда: «дар важҳ-и мавожиб ва марсумот мол-и мавфур ва нақдий беҳисоб ба расм-и у к а л к о иноят фармуд».

⁸ Жийбохона — «Зубда»да: зарробхона.

⁹ Кошғарнинг узоқ ерлари — «Зубда»да: Ҳиндустон.

¹⁰ вақт қиймати бўйича давлат моли ҳисобидан сотиб олиб, ҳумоюн лашкароғҳа етказсинлар — матнда: «аз амвол-и мамолик ба қиймат-и вақт гирифта ба муаскар-и ҳумоюн расонанд».



¹¹ равона бўлди — «Зубда»да қўшимча: Хоразм ва у тарафларда бўлган аскарлар Мозандарон ҳудудида ҳумоюн ўрдуга қўшилсинлар, деб муқаррар қилди.

¹² Кўли Моғондан кўчди — «Зубда»да Шоҳрухнинг бу мавзедан кўчган куни — тўртинчи рамазон — жума куни эканлиги таъкидланиб, сўнг «Матлаъ»да йўқ тафсилотлар келтирилган: (Кўли Моғондан кўчиб) Сари Пули Фушанжга келиб тушди, эртасига Дехрон майсазорига келди, якшанба куни Навийга, душанбада Кусавияга, сешанбада Хаҳжарон (Чаҳрчарон!) анҳорига, чаҳоршанба Жомнинг Сориқамишига келиб тушди ва икки кун ўша ерда тўхтаб турди.

¹³ Мовароуннаҳрдан ташқари — «Зубда»да: Мовароуннаҳр ва Туркистондан ташқари.

¹⁴ ўн беш минг суворий ва пиёдалар тозик сардор билан номбардорлик расми бўйича ҳумоюн ўрду мулозимлигига тайин қилинди — матнда: «понздаҳ ҳазор савор ва пиёда (аз акобир ва ашроф ва сипоҳиён) бо сардор-и тозик ба расм-и номбардор муайян шудки мулозим-и ўрду-и ҳумоюн бошанд».

Бу жумладаги «тозик сардор билан номбардорлик расми бўйича» сўзларининг мазмуни равшан эмас, аммо бунинг ўрнида «Зубда»да шундай: номбардор (яъни: донг чиқарган — А.Ў.) тозик сипоҳийлари — истеъдодли ўн беш минг суворий ва пиёда кишилар (ҳумоюн ўрду мулозимлигига) тайин қилиндилар.

¹⁵ бажо келтирди — «Зубда»да қўшимча: якшанба куни (21 сентябрь, 1420) Харгирд майсазорига, душанба куни Андросага, сешанбада Муҳолиф Сарога, чаҳоршанбада Фарҳоджудга, панжшанбада Шўробга ва жума куни (Дизбодга) етди.

¹⁶ рамазоннинг йигирманчисида — «Матлаъ»нинг L_3 нусхаси ва «Зубда» бўйича тузатиш киритилди; Лоҳур нашри матнида йигирма тўққизинчи (7 октябрь, 1420) бўлиб, бу кун кейинги жумлада яна қайтарилган.

¹⁷ тумон амирлари билан — «Зубда»да: тумонлар амирларидан бир гуруҳи билан.

¹⁸ йўлга чиқди — «Зубда»да қўшимча: Хуросон лашкарлари ҳумоюн ўрдуга келиб қўшилдилар ва ҳумоюн байроқлар йигирма учинчида (1 октябрь, 1420) чаҳоршанба куни Ҳамйун шаҳридан кўчиб беш куруҳ (йўл босиб) қўндилар, панжшанба куни Идлонга, жума куни Жаҳон ва Аръинон ҳудудига кириб келдилар, шанба куни Рўйин қишлоғига, якшанба Қосимийга ва душанбада Каризага етдилар.

¹⁹ жаноб (хоқони саид) — «Зубда»да қўшимча: сешанба куни (8 октябрь, 1420) Баҳробод қишлоғида.

²⁰ ийди сиём шартларини у бахтиёр мақомда... Домғон рўбарўсига келиб тушди — «Зубда»даги бу жумла баъзи жойлар номининг батафсиллиги билан диққатга сазовордир: рамазоннинг охирида (8 октябрь, 1420) Жавзошоҳга келиб тушди ва шавволнинг бошида (9 октябрь, 1420) Барфсон қишлоғига, иккинчисида Жожармга, учинчисида Сарчашмага, тўртинчисида Навободга, бешинчисида Мафар қарясига, олтинчисида Шайх Абу-л-Ҳасан Харақонийнинг зиёратига бордилар ва, зиёрат қилиб бўлгач, Харақон майсазорига келиб тушдилар, чаҳоршанба куни орифлар султони Абу Язид Бистомий мазорини зиёрат қилдилар, панжшанба куни Жўриёнга, жумада Маймондўстга, шанба куни эса Домғон шаҳри рўбарўсига етдилар.

²¹ Хоразм... ва Мозандарон — «Зубда»да фақат Мозандарон.

²² Ойнинг ўн тўртинчисида ... Симнон — «Зубда»да жой номлари батафсилроқ кўрсатилган: якшанба куни ўн биринчи шавволда (19 октябрь, 1420) Домғон шаҳридан кўчиб Шаҳоб Ободга, душанбада Ривандга ва чаҳоршанбада (22 октябрь, 1420) Симнонга етдилар.

²³ Ҳазорайи Оқо — «Зубда»да эса Ҳазор Хизр.

²⁴ қўшимча бўлдилар — «Зубда»да жой номлари батафсил кўрсатилган: Симнондан кўчиб панжшанба куни (юқоридаги кунлар билан бевосита уланса: 23 октябрь, 1420 — А.Ў.) Сурхага, жума куни Оби Борикка, шанба куни Деҳинамакка, якшанба куни Ародонга келиб тушдилар, эртаси куни эса (Боғ манзилида...).

²⁵ Варомин яқинига — «Зубда»да Вароминга яқин Моҳа мавзеига.

²⁶ қора черик — матнда: «сиёҳий».

²⁷ санокдан ўтказиб — матнда: «эҳтиёт-и сон-и лашкарҳо».

²⁸ икки юз минг суворий ҳисобга олинди — «Зубда»да қўшимча: чунончи уларнинг қора черики юз тумон эди.

²⁹ Қуръон, 14-сура, 32-оятдан.

³⁰ Қуръон, 5-сура, 1-оятдан.

³¹ фатҳ сураси — Қуръондаги 48-сура, «Зубда»да айтилишича, Шоҳрух бу сурани 12000 марта ўқиттирган кун еттинчи зу-л-қаъда (13 ноябрь, 1420) панжшанба.

³² Қуръон, 48-сура, 10-оятдан.

³³ амир Юсуфхожа — «Зубда»да қўшимча: Ибн амир Шайх Али баҳодир.

³⁴ Амир Қаро Юсуфнинг навқари Қосим — «Зубда»да мазмун тўлароқ; амир Қаро Юсуф томонидан Қазвин вилоятининг ҳокими бўлиб турган Қосим ибн Курҳид (?) у тарафда бўлган бир гуруҳ туркмонлар билан.

³⁵ олотлари — бу сўз Лоҳур нашрида тушиб қолган, L_3 нусхаси ва «Зубда»га асосан матнга киритилди.

³⁶ ташиб келтирдилар — «Зубда»да қўшимча: ф а с и л девори, қалъа тепаси ва дарвозаларга батамом ч а п а р боғладилар.

³⁷ Қуръон, 8-сура, 62-оятдан.

³⁸ Табриз томон қочганликлари — «Зубда»да қайд қилинишича, туркмонлар қочиш асносида Султония қалъасида бўлган қимматли нафис нарсалардан ниманики эплай олсалар олиб кетганлар.

³⁹ Қуръон, 48-сура, 3-оятдан.

⁴⁰ Қуръон, 48-сура, 1-оятдан.

⁴¹ Қуръон, 48-сура, 1-оятдан.

⁴² Султониядан кўчишга бошлади... Ардабилга етди — «Зубда»да Шоҳрух лашкарлари Султониядан Ардабилгача босиб ўтган бошқа мавзелар номи ҳам келтирилган; уларнинг ёзилиши баъзан аниқ бўлмаса-да, келтириб ўтиш лозим топилди: якшанба куни Султониядан кўчишга буюриб Сарипулга келиб тушди, у ердан душанбада Райҳонага, сешанбада Будажийга, чаҳоршанбада Сарчамга келиб, жума куни Фул Фараҳдан чаҳоршанбада... дан ўтиб сешанба куни Миёнага етди...

⁴³ Сўнг Муғон йўли билан... Арроннинг Қаробоғида қишлоқ юртига келиб қўнди — бу жумла «Зубда»да жой номлари муфассал келтирилиши билан тўлароқ ёзилган: Жума куни Работга, шанбада Суд шаҳрига, якшанбада Ағарработга, душанбада Балхон, сешанбада Жўён Фуруғий, эртаси куни Неъматободга, жума куни, саккизинчи зу-л-ҳижжа Арс сувидан ўтди ва шанба куни, тўққизинчида (15 декабрь, 1420) Қаробоғда қишлоқ юртида улуғлик саропардасини тиклади.

⁴⁴ «Зубда»да амир Қаро Юсуфнинг вафот этган манзили ҳам сўзланган: Ужон яқинидаги С-стон (?) мавзесида.

⁴⁵ Ардабилга — «Зубда»да: Ужонга.

⁴⁶ «муҳлати тугаган эди»...тарих бўлди — матнда: «буда вақташ гашта торих ва яқин». Мисра бошидаги «буда вақташ» сўзларидаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон қиймати 823 (1420) рақамини ташкил қилади.

⁴⁷ «китобат» — бу сўз ҳарфларининг ҳам сон қиймати йиғиндиси 823 (1420)дан иборат.

⁴⁸ Сейди Муҳаммад Кажужоний — «Зубда»да Муҳаммад ўрнида Аҳмад.

⁴⁹ Пул зарб қилинадиган қолиплар сенинг номинг билан очиқ — матнда: «саккоҳоро даҳон ба ном-и ту боз».

⁵⁰ амир Қаро — «Зубда»да бу ном ноаниқ ёзилган ва кетидан унинг амир Қаро Юсуф ноибни эканлиги қайд қилинган.

⁵¹ бир бош мукамал яроғ-аслаҳа — «Зубда» бўйича амир Алибекка бу нарсаларни амир Қаро эмас, мирзо Бойсунғур Табризда тортиқ қилган, уларнинг номлари эса «Зубда»да қуйидагича: от, жома, харажат пули ва навкар.

⁵² янги қоидаларни — «Зубда»да бу қоидаларни «ғайри машру», яъни «шариатга зид, шариатга тўғри келмайдиган», — деб кўрсатилган.

⁵³ шаръий ишларини интизомга келтириш ва давлатнинг умум ишларини саранжом қилишга киришди — матнда: «ба назм-и умур-и шаръийа ва забт-и масолиҳ-и куллийа пардохт».

⁵⁴ мирзо Умарнинг кечмишлари орасида ўтди: — қаранг: Лоҳур нашри, 22—24-бетлар.

⁵⁵ мирзо Умар Хуросон томон юзланган вақтда — қаранг: Лоҳур нашри, 48, 73-бетлар.

⁵⁶ унинг ҳузурига келди — қаранг: Лоҳур нашри, 257-бет.

⁵⁷ (саккиз юз йигирма) тўртинчи йил бошларида (6 январь, 1421) Самарқандга етдилар- бу ерда ва кейинги абзац бошида келтирилган сана рақамлари гарчи «Матлаъ»нинг аксар нусхаларида бир хилда бўлса ҳам, аммо 823 (1420) йил воқеалари устида гап бораётганлигини ҳисобга олганда ва Хитой сафарномасига бағишланган алоҳида фаслдаги сана ва ой-кунларга таққосланганда 824 йил дейиш хато бўлиб чиқади (қаранг: Лоҳур нашри, 479-бет). «Зубда»да ва Лоҳур нашрининг бир нусхасида бу ердаги 824 йил бошларида» сўзлари ўрнида шу йил (яъни 823 йил — А.Ў.) бошларида дейилган. Кейинроқ эса (Лоҳур нашри, 419-бет, 3-изоҳ) «Зубда»да элчиларнинг Улуғбек ҳузурига келган куни аниқ кўрсатилган: 823 йил 21 муҳаррам (6 февраль, 1420).

⁵⁸ амир Ҳасан — «Зубда»да: амир Ҳасан Баҳлул.

⁵⁹ ўн биринчи муҳаррамда — яъни фасл бошидаги 824 йилнинг муҳаррам ойи деб ҳисобласак, 16 январь 1421 йил, аммо, юқоридаги изоҳда (қ. 57-изоҳ) тушунтириб ўтганимизга биноан, 823 йил 11 муҳаррам (27 январь, 1420) деб тушуниш маъқул кўринади. Шунингдек, кейинги жумладаги (824 йил) сафар ойининг боши (5 февраль, 1421)ни 823 йил деб тушунмоқ лозим, яъни: 16 февраль 1420. Умуман «Матлаъ»да Хитой сафарига тегишли сана, ой-кунларда тафовутлар учраб туради. Масалан, бу

ердаги 11 муҳаррам сафарнома матни орасида (қ. «Матлаъ», Лоҳур нашри, 479-бет) 22 муҳаррам 823 йил (7 февраль, 1420) деб кўрсатилган.

⁶⁰ Доруссалтана Самарқандда қурилган иморатлар зикри — «Зубда»да бу фаслдаги маълумотлар жуда қисқа, бир неча сатрлардагина баён қилинган. Унда айтилишича, шу йил муҳаррам ойида (17 январь—15февраль, 1420) ҳазрат амирзода Улуғбек кўрагон Самарқанд ичкарасида, атрофи ғулба бозор бўлган бир мавзеда бир олий мадраса бино қилди ва у мадраса рўбарўсида бир хонақоҳ қурдирди. Яна шу йили маъқул ва манқул илмлар навлари бўйича камолотга эришган ҳазрат султонзода бир расад тузишга жазм қилди ва қўлидан шундай иш келадиган кишиларни жам қилиб, расад тузишга машғул бўлдилар.

⁶¹ Сардуатик (?) — Лоҳур нашрига жалб этилган нусхаларнинг баъзиси ва L_1 , L_2 , L_3 ларда: «Сардуаник», «Ҳардуаник» шаклларида учрайди.

⁶² Кайвон виқор шаҳзода ... бу икки олий мақомнинг муҳим ишларини кордон кишиларнинг саъй-ҳаракати қўлига топширди — матнда: «шаҳзода-и кайвон виқор ... зимом-и маҳом-и он ду олий мақом мақбаза-и эҳтимом-и кордонон боз гузашт».

⁶³ Қуръон, 52-сура, 10-оят.

⁶⁴ (Оятда келган) <етти мустаҳкам> қуббадор қасрдан намуна бўлган — Абдураззоқ Қуръонда (73-сура, 12-оятда) <биз сизнинг тепангизда еттита мустаҳкам (қубба-осмон) қурдик>, дейилган сўзларга муболағали ўхшатма қилган.

⁶⁵ у олий бунёд ва улуғ сифат иморатнинг хоналари ичига ... беназир рақамлар билан чизишга буюрди — матнда: «руқум-и беназир дар дарун-и хонаҳо-и он иморат-и олий бунёд ва рафиъ ниҳод ... сабту таҳрир фармуд».

⁶⁶ Жумод ал-охирнинг сўнгида — «Зубда»да: (823, йил) 25 жумод ал-увло (7 июнь, 1420).

⁶⁷ шу ойда — «Зубда»да: мазкур сана (823) жумод ал-охир ойининг учинчисида (15 июнь, 1420).

⁶⁸ ўрталарида — «Зубда»да: ўн учинчисида (27 апрель, 1420).

⁶⁹ Ойнинг ўртасида — «Зубда»да: ўн бешинчисида (29 апрель, 1420).

⁷⁰ Работи Ёмгача кузатиб боргач — «Зубда»да айтилишича, Улуғбек Работи Ёмга етишдан аввал Дамашқ қишлоғига кузатган ва сўнг, эртаси куни, Работи Ёмга келиб тушганлар.

⁷¹ Ойнинг охирларида — «Зубда»да: 21 жумод ал-охирда (3 июль, 1420).



⁷² барча одам болалари устидан ҳал қилиш ва банд этиш ихтиёрини — матнда: «зимом-и ҳаллу ақд-и жамҳур-и бани одам».

⁷³ Садр Ислом — «Зубда»да: Садр Ислом бошлиқ.

⁷⁴ тўй бериб ... мушарраф қилди — «Зубда»да тўй берилган кун: 25 ражаб (5 август, 1420).

⁷⁵ шаъбоннинг учинчисида — «Зубда»да 22 шаъбонда (1 сентябрь, 1420).

⁷⁶ Қул Муҳаммад ва бир тўда жатоликлар... давлат пойтахтига келиб тушди — «Зубда»да бу воқеа «Матлаъ»дагидан тўлароқ баён қилинган: ва Қул Муҳаммад бир тўда билан биргаликда Жатодан қочибдилар, деган хабарни эшитган заҳотиёқ султон ҳазратлари отга миниб ҳеч тўхтамай Доман ва Собон ўрдасидаги Анжос сувига келиб тушди ва у ердан кечалаб йўлга чиқиб, чаҳоршанба куни Хўжанд суви соҳилида Қўши Бакарман (?) мазеида улар ўзларини сувга уриб ўтдилар. Султон ҳазратлари улар орқасидан сувдан ўтди ва, намозшомгача қувиб бориб, Сигноқ ва Саройи Мардон оралиғида бўлган Работи Мирақда тўхтади, у жамоат эса Дарайи Н-қ-мса(?) жўнаган эди. Султон ҳазратлари Работдан ҳам кечалаб отга миниб панжшанба куни саҳар вақтида Каҳбака яйлоқда уларга етишди ва Шер Муҳаммад ўғлонни бандга олиб, ўзи орқага қайтди, навкарларни эса қолган (қочоқ)ларни тутишга қолдирди. Сўнгра жума кечаси ярим кечада отга миниб чошгоҳ пайтида Хўжанд сувидан ўтди ва Қўши Бакармон (?)га қўниб, кечаси Хизр хожани Самарқандга жўнатди, ўнинчи шаввол (18 октябрь, 1420) саҳарлаб Қўши Бакарман (?)дан отга миниб якшанба куни эрталаб Доманга келиб қўнди. Кун ярмида Домандан йўлга чиқиб намозгарда Работи Маликка етди. Ярим кечада Работи Малиқдан равона бўлиб, кеча охирлаганда Работи Бўйлоқ (?)га келиб қўнди ва Работи Бўйлоқдан душанба куни эрталаб отга миниб икки намоз (бомдод ва пешин намози) орасида Самарқанд аркига келиб тушди.

⁷⁷ Бухоро вилояти томон юзланди — «Зубда»да қўшимча: ва бир неча кунни Бухоро саҳроларида қуш ови билан ўтказди (Қуш ови «Матлаъ» матнида «қушломиший», «Зубда»да «жонвар паронид»).

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ТўРТИНЧИ

(1421)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Давотий — «Зубда»да: Давотдор.

² Бошбек — «Зубда»да: Тошбек.

³ Занкалу — «Зубда»да: Англу.

⁴ Ширвон — «Зубда»да қўшимча: ва Шамохин.

⁵ имтиёз топди — «Зубда»да қўшимча: Шоҳрух (Ширвон вилоятини) идора қилишни собиқ қарор бўйича унга топшириб қўйди.

⁶ амир Жаъфар ибн амир Мансур — «Зубда»да бу шахс ҳозирда (яъни «Зубда» ёзилаётган вақтда — 1428) салтанат шиорли ҳазрат (Шоҳрух) девонида соҳиби девон мансабида эканлиги айтилган.

⁷ Алкиданнинг навкарлари ва Кўстиданнинг ўриллари — матнда бу номлар ушбу шаклларда ёзилган.

Лоҳур нашрининг 441-бетида матнда Александр келган. Шоҳрухнинг 1420 йилги Озарбойжонга юриши вақтида Гуржистон шоҳи Александр I эди (1412—1442) — «История Грузии», т. I, Тбилиси, 1962, стр. 260. Кўстидандан эса мурод Константин II (1407—1414) эканлигини Муҳаммад Шафе Лоҳур нашри, 432-бет изоҳида қайд қилган.

⁸ Диёрбакр вилоятдан — «Зубда»да қўшимча: 21 зу-л-ҳижжа (27 декабрь, 1420).

⁹ Бохабар — «Зубда»да: Носир.

¹⁰ Шибли баҳодир — «Зубда»да унинг Сулдуздан келганлиги қайд қилинган.

¹¹ Амир Ҳайдаркиё... жўнади — «Зубда»да бунинг жўнаган вақти кўрсатилган: 24 (зу-л-ҳижжа) (30 декабрь, 1420).

¹² амир Шайх Лировий — «Зубда»да Лировий ўрнида Фародий.

¹³ Алоуддин Алико кўкалтош... келди — «Зубда»да айтилишича, аввал Табриздан бунинг ўзи келган ва унинг ортидан Хожа Аҳмад Сейди ва Хожа Шайх Кажажийнинг биродарлари ва ўриллари Табризнинг ақобир, қуззот ва амалдорлари билан ҳумоюн ўрдуга етиб келганлар.

¹⁴ Андкуй ёрғучи — «Зубда»да: Ойдуку ярғучи.

¹⁵ В-с-тон (?) — Λ_2 да бунинг ўрнида Суқбулоқ.

¹⁶ амир Испаҳбад — Λ_1 Λ_2 Т ларда ҳам шундай. Лоҳур нашрига жалб этилган нусхалардан баъзиларида эса: Исбад.

¹⁷ ҳайвонлари — «Зубда»да қўшимча: ҳаво ва ўт учун.

¹⁸ Ижном — матндаги «Ажном, Ижном ёки Ужном» ўрнида «Зубда»да ва Λ_1 да «Ақсом».

¹⁹ баҳман ойи — «Зубда»да: сафар ойининг боши (5 февраль, 1421).

²⁰ Исфаҳон юриши (баёни)да шарҳлаб ўтилганидек — қаранг: Лоҳур нашри, 265—266-бетлар.

²¹ қайтиб кетди — «Зубда»да қўшимча: ва ўз ўғлини (Шоҳрух ҳузурига) хизматга юборди.

²² Ширвондан — «Зубда»да: Шамохиндан.

²³ Байлақон яқинига келиб тушди — «Зубда»да қўшимча: ва 27да (1 апрель, 1421) Қарокунак манзилида лашкаргоҳ қурди.

²⁴ туркмон лашкарининг асл (жойи) бўлган — L_1 L_2 L_3 ва «Зубда» бўйича ёзилди.

²⁵ Мирзо Иброҳим Султон рабиъ ас-сонийнинг бошида — «Зубда»да қўшимча: Қарокунак манзилдан ҳумоюн ўрдудан ажралиб...

²⁶ Қарокумак — L_1 L_2 L_3 бўйича ва Лоҳур нашрининг кейинги бетида (439) келтирилган шаклда ёзилди; матнда бу ерда Қарокумак, «Зубда»да эса баъзан Қарокумак, баъзан Қарокунак шакларида келган.

²⁷ гардунсифат ўрду ҳаракатга келиб ... Ҳасанхоний манзилида ... тикланди — «Зубда»да жумла тўлароқ берилган: (гардунсифат ўрду) Қарокунак манзилдан кўчиб Бардаъ ва Ганжа саҳролари йўли билан равона бўлди ва ўн учинчи куни (17 апрель, 1421) Ганжа шаҳрига етди, эртаси куни Ганжадан ўтиб Жул мавзеига тушди. Бу ердан улуг амирлар: амирзода Иброҳим ибн амир Жаҳоншоҳ ва амир Муҳаммад Сўфи илғор (қилдилар), қаромон ҳашамлари тарқалиб кетдилар. Ҳумоюн байроқлар ўн саккизинчида (22 апрель, 1421) Шамкур қарясига етди, ўн тўққизинчида Камҳойига келиб, йигирманчида Қаровултепада ҳумоюн саропардани тикладилар. Шу манзилда амирзода Бойсунғур Ёр Аҳмадни тутганлиги ҳақида хабар етди. Салтанат шиорли ҳазрат у ердан кўчиб йигирма иккинчида (26 апрель, 1421) Товусчойга етди ва йигирма бешинчида (29 апрель, 1421) Ҳасанхоний манзилига келиб тушди.

²⁸ Қуръон, 43-сура, 50-оят.

²⁹ рабиъ ал-охир ойининг сўнгида — «Зубда»да: 26 рабиъ ал-аввалда (30 апрель, 1421).

³⁰ амир Чаҳоршанбага топширди — «Зубда»да қўшимча: Шу ҳол асносида шайх амир Ҳожи Ироқийнинг ўғли Торам вилоятида муҳолифатчилик изҳор қилиб, шу сабабли Султония ва Қазвин йўли нотинч бўлиб қолганлиги ҳақида хабар келди.

³¹ Гуржистон ҳокими — «Зубда»да: Гуржистоннинг баъзи (ер)ларининг ҳокими.

³² Бандий суви ёқасида — «Зубда» бўйича эртаси куни Шоҳрух бу сув ёқасидаги Ақча қалъага етган ва шу ердалигида унинг олдида Гуржистон элчиси келган.

³³ амирзода — «Зубда»да: амир Юсуфнинг ўғли.

³⁴ Муҳаммад — «Зубда»да: Мужир.

³⁵ Тоъту — «Зубда»да: Маҳорбу.

³⁶ Қарокарвонсаро — «Зубда»да Шоҳрухнинг бу ерга келгунча босиб ўтган йўли ва бу ерга етиб келган куни кўрсатилган: эртаси куни Аърий-қулга тушдилар ва бунинг эртасига Арҳуга келиб тушдилар ва у ердан Назкалакка ва у ердан Сарбушга ва оининг ўн еттинчисида (20 май, 1421) Фарокарвонсарога келиб қўниди.

³⁷ амир Муҳаммад — «Зубда»да: Ҳамза ибн амир (Муҳаммад).

³⁸ Казмаруддан Бобо Ҳожи, Одилжудан Саҳандлар етиб келдилар — «Зубда»да бу шахслар Шоҳрух ҳузурига келишдан олдин «ҳумоюн байроқлар оининг ўн саккиз-ўн тўққизинчисида (21—22 май, 1421) Қаробогға келиб қўнганлиги қайд қилинган. Бироқ бундан кейин содир бўлган воқеалар баёнида «Матлаъ»да учинчи жумод ал-аввал (6 май, 1421), «Зубда»да эса шу оининг ўн саккизинчи куни (21 май, 1421) эслатилади; демак, юқорида «Зубда»да «ўн саккиз-ўн тўққизинчи» (21—22 май, 1421) дейилиши янглиш бўлиб чиқади.

«Матлаъ»даги «Одилжудан Саҳанд» ўрнида «Зубда»да «Одил ал-жуднинг сипаҳдори» ёзилган. Юқорида (қ. «Матлаи саъдайн», Лоҳур, 1933, 139, 197, 410-бетлар). Одилжуз ўрнида Абдулжуз ёки шу нашрга жалб этилган нусхалардан бирида кўрсатилишича, Абдулжувоз келган.

³⁹ Мостақўх — L_1 да: Бастақўх, L_2 да: Мобастақўх.

«Зубда»да эса Шоҳрух келиб тушган мавзе: Мосақўхнинг Ар-в-ҳ қаряси. Лекин кейинги фаслнинг бошида «Зубда»да Бостақўх келади.

⁴⁰ амирзода Испанд — «Зубда»да бунинг тавсифи берилган: Амир Юсуф ўфилларидан энг шижоатлиси.

⁴¹ Қуръон, 52-сура, 9—10-оятлар.

⁴² олам яширинган — бундан сўнг «Зубда»да Шоҳрух лашкари қўлига беқиёс мол-мулк, нақд (пул) ва қимматбаҳо буюмлар тушганлиги айтилган.

⁴³ Амирларга ... келганлиги зикри — «Зубда»да: Ҳазрат (Шоҳрух)нинг илғор қилганлиги ва туркмонлар ортидан борилганлиги зикри.

⁴⁴ равона бўлди — «Зубда»да қўшимча: К-рмий тепасидан ўтиб Банди Моҳийга келиб қўнди.

⁴⁵ ҳумоюн байроқлар — «Зубда»да: ғалаба ёр байроқлар эртаси куни Исфандлуга келиб қўнди ва у ердан...

⁴⁶ Ахлотнинг рўбароси ... айланди — «Зубда»да Шоҳрухнинг Ахлотга келиб қўнган куни кўрсатилган: 14 жумод ал-охир (16 июнь, 1421).

⁴⁷ Жолиқ — «Зубда»да: Холиқ, лекин кейинги сатрларда «Зубда»да ҳам Жолиқ шаклида келган.

⁴⁸ амир Халилуллоҳ Ширвонга — «Зубда»да амир Халилуллоҳ ибн амир Шайх Иброҳим Ширвон ва Шамохинга.

⁴⁹ Қустой — матнда: Куштой, аммо «Зубда» ва «Матлаъ»нинг 431-бетида ёзилишига кўра Қустой.

⁵⁰ ватанларига жўнадилар — «Зубда»да қўшимча: салтанат шиорли ҳазрат кўчишга буюриб Беллурга ва эртаси куни Навшаҳрга келиб тушди.

⁵¹ Озарбайжонга юзланиб — «Зубда»да айтилишича, Искандар билан Испандарлар бир-бирлари билан иттифоқ тузганлар ва Диёрбакрдан йўлга чиққанлар.

⁵² Шаҳри Нав — «Зубда»да: Навшаҳр.

⁵³ Абдулҳамид — «Зубда»да: Абдулжамил.

⁵⁴ Амир Муҳаммадхожа чухра...ҳузурига келтирди — «Зубда»да бу жумладан илгари Шоҳрухнинг 19 ражабда (20 июль, 1421) Иржисдан кўчиб Ақий деган манзилга келиб қўнганлиги ва бу манзилда эканлигида Искандар ва Испанд ҳузуридан Хожа Халил деган киши келиб, уларнинг ожизликлари ҳақида арз қилганликлари айтилган. Амир Муҳаммадхожанинг Шоҳрух ҳузурига келган куни ҳам кўрсатилган: 22 ражаб (23 июль, 1421).

⁵⁵ Амир Қаро Юсуфнинг ўғиллари...улуғ амирлар воситачилигида — «Зубда»да бунинг ўрнида 24 ражабда (25 июль, 1421) Искандар ҳузуридан амир Сулаймон Ҳамза ва Ҳожи Халил курдлар келиб сулҳ тузишни илтимос қилганликлари қайд қилинган.

⁵⁶ Қароққўрғон — «Зубда» бўйича ёзилди; матнда Қўруққўрқоқ шаклида келган. Бошқа нусхаларда ҳар хил шаклларда Λ_1 : Қароққўрқоқ, Λ_2 ва Λ_3 : Қароққўрқон. Лоҳур нашрига жалб этилган нусхаларда ҳам шу қабилда.

⁵⁷ Яхши деб аталган бир мавзеда — «Зубда»да: Олгун Бахший деб атайдиганлари (бир мавзеда).

⁵⁸ Амир Шайх Луқмон барлос ва амир Меҳроб тархонлар — «Зубда»да: амирзода Мизроб ибн амир Ҳасан Сўфи ва амир Шайх Луқмон.

Амир Меҳроб тархон номи «Зубда»да келтирилмаган.

⁵⁹ Муҳаммад Мушриф — «Зубда»да Шамсуддин Муҳаммад Мушриф; «Матлаъ»нинг ўзида эса юқорида (Лоҳур нашри, 407-бет) Шамсуддин ўрнида Қутбиддин келган эди.

⁶⁰ мирзо Рустам баҳодир — «Зубда»да қўшимча: Ибн амир Умаршайх баҳодир.

⁶¹ мавлоно Амир хожа — «Зубда»да бу шахс амир Ҳасан Сўфи тархоннинг мулозими эканлиги қайд қилинган.

⁶² Тортиқ-совғалар юборди — «Зубда»да: мол юборди ва ўз кишилари-дан ҳамроҳ қилиб жўнатди.

⁶³ сипар ишлаш мумкин — «Зубда»да Ҳиндустонда (унинг терисидан) сипар ишлайдилар. (Каркадон) бу мамлакатда аҳёнан қўлга тушиб қолади.

⁶⁴ ҳунарлар билан — «Зубда»да қўшимча: Дехлидан.

⁶⁵ етказдилар — «Зубда»да айтилишича, бу каркадон Ҳофизи Аbru ўз асарини ёзаётган вақтда ҳам (1428) Ҳиротда сақланган ва келтирилган вақтидагидан кўра бир оз ўсган.

⁶⁶ Миср ва Шомга — «Зубда»да қўшимча: у вилоятда соҳиб ихтиёр бўлган амир Шайхий ҳузурига.

⁶⁷ Ихлосмандлиги ҳақида — «Зубда»да: у тараф хабарларини.

⁶⁸ муҳаррам ойининг бошларида — «Зубда»да: еттинчи муҳаррамда (21 январь, 1421).

⁶⁹ рухсат берди — «Зубда»да қўшимча, рабиъ ал-аввалнинг бошларида (6 март, 1421) Шероз, Хуросон ва бошқа ерлардан қайтаётган Хитой элчилари ва бу тарафдан уларга ҳамроҳ бўлган элчилар Самарқандга етдилар ва ўша кунларда ижозат топиб Хитой томон жўнадилар.

⁷⁰ саккизинчи муҳаррам — «Зубда»да: 824 йил йигирманчи рабиъ ал-аввал (25 март, 1421).

⁷¹ Жумод ал-аввалнинг олтинчиси — «Зубда»да жумод ал-аввалнинг ўн олтинчиси (19 май, 1421).

⁷² Ойнинг еттинчиси — «Зубда»да: ўн тўққизинчиси (22 май, 1421).

⁷³ Амир Арслонхожа тархон ... келди — «Зубда»да унинг келган вақти кўрсатилган 29 жумод ал-охир (1 июль, 1421).

⁷⁴ Ражаб ойда — «Зубда»да: ўн иккинчи ражабда (13 июль, 1421).

⁷⁵ амир Жаҳоншоҳ етиб келиб — бунинг келган куни, «Зубда»да кўрсатилишича, 21 ражаб (22 июль, 1421).

⁷⁶ еттинчи шавволда — «Зубда»да: ўн еттинчи (15 октябрь, 1421).

⁷⁷ Сулқон — «Зубда»да Сулиён шаклида келтирилган.

⁷⁸ Мухолифларнинг жанг қилганлиги ва ... қўлга тушганликлари ҳақида хабар келтирди — «Зубда»да Фўлод Темурнинг ўғли бир нечта киши билан Жатодан қочган эди, қўлга тушди, деган хабарни етказди; зу-л-қаъданинг бошида (28 октябрь, 1421) Абу-л-Лайс ва Сиддиқнинг навкарлари Кошғардан келиб, қолган мухолифларнинг ҳам қўлга тушганлиги ва Сейдининг кетиб қолганлиги ҳақида хабар етказди.

**(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА БЕШИНЧИ
(1422)**

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Доруссалтана Ҳиротда ўтказди — «Зубда»да Шоҳрухнинг қиш тамом бўлгач, Боғи Зоғондан кўчиб Боғи Мухторга келиб қўнганлиги ва шу ердан овга отланганлиги қайд қилинган.

² Қудратли хоқон ва номдор шаҳзода — «Зубда»да қайд қилинишича, Шоҳрух Зова ва Хавоф (Хоф) атрофларида, шаҳзода Бойсунғур эса Тус, Машҳад ва Родгон тарафларда ов қилганлар.

³ (Ҳиротга) қайтишга буюрди — «Зубда»да қайд қилинишича, Шоҳрух Ҳиротга Бохарз йўли билан қайтган.

⁴ тўққизинчи рабиъ ал-аввалда — «Зубда»да саккизинчи рабиъ ал-аввалда (2 март, 1422). «Зубда» нақлича, Шоҳрух Улуғбекдан бир кун кейин Ҳиротга етиб, Боғи Зоғон мавзеига қўнган, ундан кейин эса Бойсунғур ҳам етиб келган.

⁵ Мовароуннаҳр томон бурди — «Зубда» нақлича, Улуғбекнинг Ҳиротдан Мовароуннаҳр томон жўнаган вақти иккинчи жумод ал-охир (24 май, 1422).

⁶ мадад учун жўнатди — «Зубда»да айтилишича, матнда зикр этилган амирларни Шоҳрух Райга жўнатган. Амирларнинг Ҳиротдан жўнаган куни ўнинчи шаъбон (825) (30 июль, 1422).

⁷ (Саккиз юз) йигирма иккинчи (1419) йил воқеалари орасида — барча нусхаларда шундай, ammo юқорида Хитойга элчилар юборилганлиги ҳақидаги маълумот 823 (1420) йил воқеалари орасида ўтган (қаранг: Лоҳур нашри, 418-бет).

⁸ Шодихожа — «Зубда»да: Шодихожа ва Кўкча. Кейинроқ (Лоҳур нашри, 483-бет) «Матлаъ»да ҳам шу икки ном эслатилади.

⁹ у ҳикоятлар — «Матлаъ»нинг Лоҳур нашрида: у вилоятлар ва ҳикоятлар. Л₁ Л₂ Л₃ ларда «вилоятлар» сўзи йўқ, Мазмунга кўра, шу нусхалар бўйича таржима қилинди.

¹⁰ саккиз юз йигирма иккинчи йил ўн олтинчи зу-л-қаъдада — сана адади «Матлаъ»да келтирилмаган. «Зубда»дан олиб матнга киритилди. Ой куни эса «Зубда»да «ўн олтинчи» ўрнида «олтинчи» (24 ноябрь, 1419).

¹¹ ёғингарчилик кўплигидан — «Зубда»да кўшимча: ва совуқ қаттиқлигидан.

¹² бу ердан жўнаб — «Зубда» нақлича, элчилар Балхдан жўнагач, Келифдан ўтган.

- ¹³ хитойликлар — «Зубда»да (Хитойга) кетаётган хитойликлар.
- ¹⁴ Тожуддин — «Зубда»да Тожуддинхожа. Кейинроқ эса (Лоҳур нашри, 523-бет) «Зубда»да Тожуддин Бадахший, «Матлаъ» нусхаларида эса Тожуддин Бахший шаклларида учрайди.
- ¹⁵ Ошпарадан ўтиб — «Зубда»да элчиларнинг бу уч шаҳарга етиб келган вақтлари қайд қилинган: Тошкандга рабиъ ал-аввалнинг бошларида (16 март, 1420), Сайрамга шу ойнинг ўн иккинчисида (27 март, 1420) ва Ошпарага рабиъ ал-охирнинг бошида (15 апрель, 1420) келганлар.
- ¹⁶ Увайсхон ... оёққа турганлиги — «Зубда»да батафсилроқ: Увайсхон Шер Муҳаммад ўғлонни чақиртириб олиб, уни ўлдирмоқчи эди, шу жиҳатдан Қул Муҳаммад ва (бошқа) мўғул амирларидан баъзилари Увайсхонга қарши чиқдилар ва эл оёққа турди.
- ¹⁷ таскин топганлиги хабари келди — «Зубда»да амирлар Увайсхонга итоат қилганликлари хабари ҳам қайд қилинган.
- ¹⁸ Билғутудан кўчдилар — элчиларнинг бу ердан кўчган вақтлари «Зубда»да йигирма биринчи жумод ал-аввал (3 июнь, 1420).
- ¹⁹ Мирзо Муҳаммад Жўгий хотинининг номи Меҳр Нигор оғо эканлиги юқорида, Лоҳур нашри, 386-бетда айtilган, бироқ у ерда қизнинг отасининг номи Шамъи Жаҳон эди.
- ²⁰ йигирма саккизинчи — «Зубда»да: йигирма олтинчи (8 июнь, 1420).
- ²¹ Юлдуз ўлкаси ва Шер Баҳромнинг элига кирдилар — «Зубда»да: майсазорга ва Юлдуз ўлкасига кирдилар; у ердан ўтиб Шер Баҳромнинг элига етдилар. Шер Баҳромнинг ўғли шу ерда эди.
- ²² бутхоналари бор экан — «Зубда»да қўшимча: у ерда бутлар кўп бўлиб, баъзиси янги ишланган, баъзиси кўҳна.
- ²³ Ато Сўфи — «Зубда»да: Сўфи Ато.
- ²⁴ ибодатхона — матнда: маъбад. «Зубда»да бу ҳақда бирор фикр айтилмаган.
- ²⁵ бутларни ажойиб шаклларда чизганлар — «Зубда»да қўшимча: бир катта бут олдида ўн яшар боладек келадиган ҳайкални ғоят санъат билан яхшилаб ишланган, уйнинг деворларига эса яхши ранглар бериб устодона сураткашликлар қилинган.
- ²⁶ ҳар икки кунда — «Зубда»да ҳар бир-икки кунда.
- ²⁷ биринчи Хитой шаҳри — «Зубда»да қўшимча: ва уларнинг олд қаровул истехкоми бўлган ...
- ²⁸ бир кунда — Лоҳур нашрига жалб этилган «Матлаъ» нусхаларидан бирида: бир кунлик йўлда (яъни, Сукжўга етишга бир кунлик йўл қолганда — А.Ў.).

²⁹ ичимликларни — «Зубда»да: арақ ва сурмадан иборат (ичимликларни).

³⁰ Ҳар бир кишига — «Зубда»да: ҳаммани турғиздилар ва зиёфатдан ташқари ҳар бир кишига.

³¹ зарурий нарсаларни — «Зубда»да: сафар керак-яроқлари, арақий ва сурмаларни.

³² буларни элчилар қошига ... юбордилар — «Зубда»да: буларнинг барчасини Сукжўдан келтирилган эди.

³³ ҳужжат-тихат олдилар — «Зубда»да қўшимча: хитой ёсоқ-қонуни шундайки.

³⁴ Савдогарлар навкарлар қаторига туриб — «Зубда»да: кўп савдогарлар элчилар қошида навкарлик қилиб.

³⁵ Тожуддин — «Зубда»да: Бадахшон шоҳининг навкари Хожа Тожуддин.

³⁶ Донг-до-жи — «Зубда»да айтилишича, у Қомул тарафдаги сарҳаднинг ҳокими экан ва Сукжўдан унинг шаҳрига тўққиз ё м йўл экан.

³⁷ Элчилар унинг юртига келдилар — «Зубда»да жумла муфассалроқ берилган. У (Донг до-жи) беш-олти суворийдан иборат лашкар билан истиқболга чиққан эди. Барча элчилар отга миндилар ва Донг-до-жининг юрти яқинига келдилар.

³⁸ Дўкон — «Зубда»да: суфа.

³⁹ соябонлар — «Зубда»да қўшимча: карбос матодан (ишланган соябонлар).

⁴⁰ Бу очиқ майдондан ... дарвозагача — «Зубда»да: у суфанинг олдидан мазкур чодирлар ўрнатилган тўрт дарвозагача.

⁴¹ ясовул ҳожат эмас — «Зубда»да қўшимча: чунки уларнинг ясоқ ва сиёсатлари таъриф қилиш имконидан ортиқ бир тарзда йўлга қўйилган.

⁴² амир Дусун — «Зубда»да қўшимча: ўрнидан турди ва...

⁴³ кўзачаларни — «Зубда»да қўшимча: ва пиёлаларни.

⁴⁴ ҳўл мевалар — «Зубда»да бу ҳўл меваларнинг Хитойдагина бўлиши, бу ер (Ҳирот)ларда йўқлиги, ҳеч ким кўрмаганлиги ва номини ҳам эшитмаганлиги қайд қилинган.

⁴⁵ лайлак ясаганлар — «Зубда»да қўшимча: карбос, тарқулардан унга парлар ясаб, тумшук ва оёқларини қизартирганлар, худди лайлакнинг ўзига ўхшайди-ю, аммо бир оз каттароқ.

⁴⁶ шод-хуррамлик билан ўтди — «Зубда»да қўшимча: ўн кунлик чўл йўли учун зарурий тайёргарликларни элчилар истиқболга келтирган эканлар.

⁴⁷ қоровул ... қалъадан иборат бўлиб, — «Зубда»да қўшимча: унинг атрофига чуқур хандақ қазиб, ўралган.

⁴⁸ тўғри тўртбурчак — «Зубда»да батафсилроқ берилган: шаҳарнинг тузилиши фақат чизғич ва паргор билангина ясаш мумкин бўлган тўғри тўртбурчак шаклида эди

⁴⁹ катта — «Зубда»да: бағоят покиза.

⁵⁰ осиб қўйилган — «Зубда»да қўшимча: ҳар хил ҳунармандлар дўконлар қурганлар.

⁵¹ икки қаватли кўшк бор — «Зубда»да қўшимча: улар барча иморатларининг тепасини чўққайтириб ёпадилар.

⁵² чинни билан — «Зубда»да: хитой кошини билан.

⁵³ Унинг — «Зубда»да уларнинг (яъни хитойликлар — А.Ў.).

⁵⁴ олмиш — «Зубда»да: йигирма.

⁵⁵ уйда — «Зубда»да: кўшқда.

⁵⁶ келгудек бўлса — «Зубда»да қўшимча: сарҳад бўлган бу жойдан.

⁵⁷ жи-фу — мазмунга кўра (жи-фу — аравакаш). Л₁ Л₃ нусхалари бўйича ёзилди. Матнда: Ж-п-н-у.

⁵⁸ Ҳар бир ёмда — «Зубда»да қўшимча: тайин қилинган миқдорда.

⁵⁹ қўй, роз... ҳўл мевалар — «Зубда»даги қўшимчага кўра булар ҳаммаси ёмхоналарда муқаррар қилиб қўйилган бошқа зарурий нарсалардан ташқари экан.

⁶⁰ подшоҳ тахтгоҳига қаратиб — «Зубда»да: уларнинг подшоҳининг тахтгоҳи бўлган Хонболиққа (қаратиб).

⁶¹ устига парда ташланган — «Зубда»да: устига тахт ёнидан осилиб турадиган парда ташланган.


⁶² Элчилар эса ... узр айтдилар — «Зубда»да: «Шодихожа ва элчиларнинг катталари бўлган кишилар (бизнинг динимизда) раво бўлмаган таклиф қилиняпти», — деб узр айтдилар.

⁶³ унинг — «Зубда»да: у бутхонанинг асл иморати ва унга дохил жойларнинг.

⁶⁴ тилла юритганлар — «Зубда»да қўшимча: ва турли-туман ранглар бериб либослар кийгизганлар.

⁶⁵ худди карвонсарой хоналаридек бутхоналар бўлиб — «Зубда»да: худди карвонсаройдек уйлар ёнма-ён жойлашган бўлиб, ҳар бир уй ўзича бир бутхона эди.

⁶⁶ қизлар турибди — «Зубда»да қўшимча: уларнинг ҳар бири бир хизмат билан машғул.



⁶⁷ катта-кичик манзарлар қурганлар — «Зубда»да қўшимча: манзарлар бир қаричдан кичикроқ ва каттароқ; бир газгача; уларни бир-бирининг ичига (ўрнаштирилган).

⁶⁸ ўн газ — бу фақат Лоҳур нашрига асос бўлган нусхаларидагина шундай, «Зубда»да ва L_1 L_2 L_3 ларда: ўн икки газ.

⁶⁹ ҳаракатга келади — «Зубда»да: айланишга бошлайди.

⁷⁰ элчилардан олдилар — «Зубда»да қўшимча: уларга ўзлари ғамхўрлик қилдилар.

⁷¹ тўртинчи — «Зубда»да: ўн тўртинчи (22 октябрь, 1420).

⁷² Қизлар жуда соҳибжамол — «Зубда»да қўшимча: (Бу ерда) турлитуман ҳунармандлар кўп ва улар бағоят санъаткор.

⁷³ Жайҳунга икки баробар келар эди — бу дарё юқорида эслатилган Қорамурон (Хуанхэ) дарёсининг юқори оқимидир.

⁷⁴ ҳам иморат — «Зубда»да: унинг атроф иморатлари.

⁷⁵ кичкина бутчаларни — «Зубда»да: у катта бут атрофида кичикроқ бутларни.

⁷⁶ (суратлари) солинган — «Зубда»да қўшимча: (буларнинг) ҳаммасини ганчкорлик устига ишланган.

⁷⁷ бир фарсангдан — «Зубда»да қўшимча: унинг бутун айланаси тўрт фарсанг келади.

⁷⁸ ҳавоза боғланган ҳолда эди — «Зубда»да: ҳар бири эллик газ келадиган ҳавоза чўплари боғланган ҳолда эди.

⁷⁹ Бу ерга кирган элчилар ... дилларни очувчи — «Зубда»да: элчилар биринчи дарвозадан кирганларида (узунлиги) уч юз, (кенглиги) икки юз эллик газ бўлган бир масофа(га рўбарў келдилар).

⁸⁰ сутунлар олдида учта дарвоза — «Зубда» матни бўйича, дарвозалар танабий кетидан ўрнатилганлиги англашилади, «устунлар олдида», деган мазмун «Зубда»да келтирилмаган.

⁸¹ бу даргоҳга — «Зубда»да: бу майдонга эркак ва хотиндан иборат (қарийб уч юз минг киши).

⁸² суфалар — «Зубда»да суфаларнинг тепаси ёпиқ эканлиги қайд қилинган.

⁸³ ҳам бағоят кенг ва дилкушо — «Зубда»да: қарийб уч юз қадам.

⁸⁴ жуда кўп — «Зубда»да: қарийб юз минг.

⁸⁵ ҳадду ҳисобдан ортиқ — «Зубда»да: яна икки юз минг миқдорда.

⁸⁶ сафлар ... тизилгач — «Зубда»да ҳар икки томондан хитойликлар сафлар тортиб тургач.



⁸⁷ ғулга солиб — «Зубда»да бу жазо тадбирлари гуноҳкорнинг гуноҳи даражасига қараб қўлланилганлиги қайд қилинган.

⁸⁸ Шундан кейин — «Зубда»да: алқисса, бандилар чиқиб кетганларидан кейин.

⁸⁹ бошқарувчи — «Зубда»да қўшимча: ҳамда арабча, форсча, туркча, мўғулча, хитойча тилларни билувчи забондон ва подшоҳ ҳам элчилар ўрта-сида калимачи — таржимон.

⁹⁰ ё м хонага олиб бордилар. Ё м хонада — «Зубда»да жумла тўлароқ: улар учун тайин қилиб қўйганлари ё м га олиб бордилар. Оллоҳ малик-лигини абадий қилгур улуғ амирзода мағисулҳақ ва-д-дин Улуғбек кўрагоннинг навкарлари бўлмиш Султоншоҳ ва Бахший Маликларни ана шу ё м хонага яқин жойга туширган эдилар. Бу ё м хоналарда ...

⁹¹ олов манқали — «Матлаъ» матнида — манқал ва олов ёқиладиган жой. Лекин, мазмунга кўра, «Зубда» матни маъқул. «Матлаъ» муаллифи манқалга олов ёқиладиган бир асбоб маъносини бермоқчи бўлган-у, бироқ орага «ва» боғловчиси қўшилиб икки нарса англашилиб қолган.

⁹² бўйралар — «Зубда»да қўшимча: улар икки тарафидан ўралади-ю, аммо синмайди.

⁹³ сижжин, яъни шақовул — «Зубда»да сижжинга тўлароқ тушунтириш берилган: Сижжин деб шундай кишиларни айтадиларки, уларни элчиларга мулозим қилиб қўядилар ва улар, подшоҳ ўрдусининг қаерида бўлмасин, элчиларнинг керак-яроқларини муҳайё қиладилар, шундайки, уларни бу ер (Ҳирот)да шақовул дейдилар.

⁹⁴ курсига ўхшаш-у — «Зубда»да тахт устига қўйиладиган курсига ўхшаш-у...

⁹⁵ уларнинг барчасини — «Зубда»да у тахт, уд тутатиладиган (идиш) ва курсиларнинг барчасини.

⁹⁶ бутун ер юзининг устозлари бунга ҳайронлар — «Зубда»да: Ироқ ва Хуросон усталари у каби ранг ва мойни сира ҳам ишлата олмайдилар.

⁹⁷ ҳуққа-қутича — «Зубда»да қўшимча; қутининг оёқлари бор.

⁹⁸ у парда ўралади — «Зубда»да бир толасининг энига қадар ўралиб келадиган.

⁹⁹ олиб бордилар — «Зубда»да: олиб бориб, бошингизни ерга эгинг, деб буюрдилар.

¹⁰⁰ хонтахталар олдига ўтирдилар — «Зубда»да: сўнг (подшоҳ) «уларни ўтирғизинглар», деб ишорат қилди, ҳар бир элчини унинг учун тайёрлаб қўйилган хонтахталар олдига ўтирғиздилар.

¹⁰¹ созандалардан — «Зубда»да: Яна хонандалар жамоати ва созандалар ёнма-ён (ўтиришиб) ...

¹⁰² (саккиз юз) йигирма иккинчи ... беш ой муддат давомида — юқорида (Лохур нашри, 479-бет) элчиларнинг Ҳиротдан йўлга чиққан вақти 822 йил 16 зу-л-қаъда (4 декабрь, 1419), Самарқанддан йўлга чиққан вақти эса (823 йил) 10 сафар (25 февраль, 1420), деб кўрсатилган эди. Ана шу 823 йилни асос қилиб олиб ҳисобланганда элчиларнинг Хонболиққа етиб келган вақти (823 йилнинг 7 зу-л-қаъдаси (13 декабрь, 1420) эканлиги юқорида (Лохур нашри, 497-бет) қайд қилиниб ўтди. Шунга кўра бу ердаги 822 йилни 823 (14 декабрь, 1420) ва 823 йилни 824 (4май, 1421) деб тушуниш лозим бўлади.

¹⁰³ Ҳибсда сақлайдилар — «Зубда»да мазмун «Матлаъ»дагидек бўлса-да, лекин гуноҳкор билан унга хусуматли томон бир-бирига учраштирилиши ва даъвогар олти ойлик йўлда бўлса ҳам уни ҳозир қилиниши ва ана шундан кейингина ҳукм чиқарилиши қайд қилинган ва бундан сўнг яна қўшимча: кўп гуноҳкорлар ҳибсда ўлиб кетадилар, аммо ўлган кишини подшоҳнинг ҳукми бўлмагунча дафн қила олмайдилар.

¹⁰⁴ муҳаррам ойининг йигирма еттинчиси (1 февраль, 1421) — 824 йил муҳаррам ойдан деб ҳисобланди. Матнда йил қайд қилинмаган.

¹⁰⁵ элчиларни — «Зубда»да қўшимча: уйғотиб отга миндирди ва.

¹⁰⁶ биронта ҳам бутнинг сурати бўлмаган уйга — «Зубда»да бу уйни подшоҳ шаҳардан ташқарида қурдирганлиги ва уй кўк рангли эканлиги қайд қилинган.

¹⁰⁷ етти рангли байроқлар ва қурол-яроғлар олиб борардилар — бу жумла «Зубда»да батафсилроқ келтирилиб, беш хил ранг, нақшлар ва қурол-яроғлар кўрсатилган: қора, қизил, сариқ, кўк ва зангори (рангли байроқларга) офтоб, ой, юлдузлар, тоғ ва дарёлар, хитой хатлари нақшланган; унинг олди ва кетидан бошқа найзадорлар шамшир, найза, зупин, дурбош, ҳарба, гурзи, ойболта, узун мўйлар боғланган чавгонлар, хитой елпуғичлари ва соябон олиб борадилар.

¹⁰⁸ элик минг — «Зубда»да: беш минг.

¹⁰⁹ олд ва орқадан — «Зубда»да: подшоҳнинг олд ва орқасидан.

¹¹⁰ батартиб осиб қўядилар — «Зубда»да қўшимча: ва бир неча минг одам (шакли)ни муқова қоғоздан ишлаганлар ва уларнинг чеҳраси ва жомасининг ранги шундайки, узоқдан худди одамга ўхшайди. У чироғларга арқонлар тортганлар.

¹¹¹ халойиқ — «Зубда»да: юз минг миқдордаги одам.

¹¹² рўбарўсига қўйдилар — «Зубда»да қўшимча: ва шундан кейин ўтирдилар ва қараб турдилар.

¹¹³ подшоҳ ... бағишлади — «Зубда»да барча бандилар, гуноҳқорлар ва девондан боқимонда қарзи бўлган кишиларни бағишлади.

¹¹⁴ Ҳукм ўқиб бўлингандан кейин — «Зубда»да қўшимча: подшоҳ ҳукмини улуғлаш учун ...

¹¹⁵ Халойиқ ... кўшк олдидан чиқдилар — «Зубда»да: ҳукм (битилган қоғоз) пастга тушаётганда кўшкнинг этагида барча созларни нағораю қарнайлар билан биргалиқда чалардилар. Иккита тахтиравон тайёр қилиб қўйилган эди, у ҳукм (кўшқдан) пастга тушгач, бир тахтиравонга қўйдилар, иккинчи тахтиравон эса олдинда борарди.

¹¹⁶ тўққизта — аксар нусхаларда, шу жумладан Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда ҳам, «ўнта» ёзилган. Лоҳур нашрига жалб қилинган «Матлаъ» нусхаларидан бирида бунинг ўрнида «тўққизта». Элчиларга тақдим қилинган шунқорлар сони жами тўққизта эканлигига кўра, ана шу нусха бўйича келтирилди.

¹¹⁷ чақиртириб келиб: — «Зубда»да қўшимча: «ўз шунқорларингизга нишон — белги уринглар» деди, — элчилар: «Белгиладик», — дедилар.

¹¹⁸ Ардашердан олиб қўйганларидек — «Зубда»да: Ардашердан амирзода Иброҳим баҳодирнинг навқари олиб қўйилганидек.

¹¹⁹ Султоншоҳ ва Бахший Малик — «Зубда»да булар иккаласи амирзода Улуғбекнинг навқарлари эканлиги қайд қилинган.

¹²⁰ санкиш, яъни инъом — «Зубда»да: хитой тилида инъомни санкиш дейдилар. «Санкиш» сўзи Лоҳур нашрининг ушбу 517-бетида ёзилмай қолган. Λ_1 Λ_2 Λ_3 лар асосида ва кейинроқ Лоҳур нашрининг ўзида ҳам 523-бетда келтирилганлигига кўра матн тўлатилади (А.Ў.).

¹²¹ лу, ланк ва шоу — Лоҳур нашрининг 523, 524-бетларида Лу ва со ва к-н-кий ёзилган; баъзи нусхаларда к-н-кийни, кабакий ёки қапакий шаклида ҳам келтирилган.

¹²² Элчилар отларга миниб кетаётганларида эшитдиларки — «Зубда»да: Элчилар йўлга чиқдилар ва пешин намозигача (шаҳардан) ташқарида турган эдилар, охири маълум бўлдики,...

¹²³ йўл юриб — «Зубда»да қўшимча: аммо шаҳар томон келаётган лашкарларнинг кўплигидан ўтишга йўл йўқ эди.

¹²⁴ чодир ва соябонлар (ўрнатилган) — «Зубда»да қўшимча: (бу чодирлар) шаҳар атрофини босиб ўтиб саҳрога қадам қўйилган ондаёқ кўзга чалинар эди.

¹²⁵ Подшоҳ — катга — «Зубда»да: Подшоҳ ўрду дарвозасидан ташқари чиққач ...

¹²⁶ катга — «Зубда»да: катга тўртбурчак.

¹²⁷ кўп халойиқ — «Зубда»да: хитойликлар ва бошқалардан (иборат кўп халойиқ).

¹²⁸ тўртинчиси — «Зубда»да: иккинчи куни (6 май, 1421).

¹²⁹ «санкаш улашади», — деди — «Зубда»да қўшимча: Элчилар йўлга тушдилар, аммо Султоншоҳ ва Бахший Маликларга илгарироқ санкиш улашганлиги учун, уларни чақирмади.

¹³⁰ Тожуддин Бахший — «Зубда»да ва «Матлаъ»нинг кўпчилик нусхаларида ҳам: Бадахший. Аслида бу ўзи Бадахшон шоҳининг элчиси бўлганлиги учун Бадахший ёзилиши тўғридир (қаранг: Лоҳур нашри, 479-бет).

¹³¹ лу, со, к-н-кий — қаранг: ушбу 825 йил изоҳлари, 121-сон.

¹³² ва қалайилар — «Зубда»да: (мато)ларнинг барчасидан уларнинг ҳар бирига етмиш етти кийимликдан.

¹³³ вафот топди — «Зубда»да қўшимча: ва бу таъзия сабабли (элчилар) подшоҳни бошқа кўра олмадилар.

¹³⁴ тайёргарлик — «Зубда»да: таъзия тайёргарликлари.

¹³⁵ (бу иморатларнинг) атрофида ... куйиб кетди — «Зубда»да: унинг атрофида кўшклар ва уйлар бор эди. Улардан ҳар бири бир нодир (иморат эди). Уларга ҳам ўт кетиб, қарийб икки юз эликта уй ёнди ва кўп эркагу аёллар куйиб кетдилар.

¹³⁶ подшоҳ ва амирлар — «Зубда»да: подшоҳ амирлар билан у ердан чиқиб кетган эди.

¹³⁷ маълум бўлмади — «Зубда»да қўшимча: аммо кўп оройиш берган эдилар. Жумладан кўп байроқлар ва чавгонларни рангин қоғоздан ишлаб, нақшлаганлар; қалин қоғоздан ўн газ миқдорда бир тахт ясаб, у тахтга қоғоздан одамлар сурати, отлар ва туялар суратини катга-катга қилиб ясаганлар. Оту туялар барчаси ранго-ранг, уларга сунъий мўйлар, эгаржабдуқлар ишланган. Бир-икки минг хонтахта турли-туман неъматлар билан тахт қилинган.

¹³⁸ хожасаролар — «Зубда»да бу қизлар ва хожасароларнинг ўша ерда ўзларига ёрлар ковлаб олганликлари қайд қилинган.

¹³⁹ подшоҳнинг ҳукмига биноан — «Зубда»да: аммо элчилар ўзларининг юкларини тингимасликлари ҳақида ҳукм олган эдилар.

¹⁴⁰ хабар бердилар — «Зубда»да қўшимча: улар қочиб кетиб, йўлсиз тоғликлар орқали етиб келган эдилар.

¹⁴¹ Улар ... уларга айтдилар: — «Зубда»да улар қаровулга етиб келганларида қалъа аҳли уларга айтдилар...

Шунга кўра «Матлаъ»даги «Қаровул шаҳари»дан шаҳар номи эмас, қаровул ўрнашган бир жой (шаҳар)ни тушуниш тўғридир (А.Ў.).

¹⁴² кишиларнинг адади ва қиёфаларини — «Зубда»да: сизнинг кишиларингиз номини...

¹⁴³ Алқисса ... Хўтан шахрига етдилар — «Зубда»да: Қисқаси, (уларнинг номларини) ёзиб олдилар. (Элчилар) жума куни ўн тўққизинчи шаъбон (саккиз юз) йигирма учинчи йили (29 март, 1420) Хитой қаровулидан ўтиб бу вилоятга қадам қўйган эдилар, яна жума куни ўн тўққизинчи муҳаррам саккиз юз йигирма бешинчи йили (13 январь, 1422) Хитой қаровулидан ташқари чиқдилар ва нотинчлик сабабли чўл йўлини ихтиёр қилдилар, саккизинчи рабиъ ал-аввалда (2 март, 1422) чўлларда кезиб, мазкур йил жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида (2 май, 1422) Хўтанга етдилар.

¹⁴⁴ Бадахшон — «Зубда»да: Қаротегин ва Бадахшон.

¹⁴⁵ Муҳаммадхон ... кетдилар — «Зубда»да ҳам жумла «Матлаъ»дагидек мазмунда, бироқ бу воқеа тарихи қайд қилинган, яъни мазкур (825) йил ўн иккинчи шавволда (29 сентябрь, 1422) Муҳаммадхон элчилар орқали иттифоқлик изҳор қилган.

¹⁴⁶ қайтиш мақсади томон бурди — Шохрухнинг Фароҳдан қайтишга отланган вақти «Зубда»да: зу-л-ҳижжа ойининг бошлари (16 ноябрь, 1422).

(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ

(1423)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Қуръон, 30-сура, 49-оят.

² Тус ... кетган мирзо Бойсунғур — «Зубда»да Бойсунғурнинг бу шаҳарларга эрта баҳорда жўнаганлиги қайд қилинган.

³ олтинчисида — «Зубда»да: саккизинчисида (19 апрель, 1423).

⁴ Муҳаммадхоннинг ўрдусини босиб олибди — «Зубда»да қўшимча: ва у диёрда ҳукумат байроғини тиклабди.

⁵ бақо саройига кўчди — «Зубда»да амирзода Бузанжирнинг вафоти куни қайд қилинган: 27 шаъбон (5 август, 1423).

⁶ амирзода Муҳаммад Султон — «Зубда»да: (амирзода) Халил Султон ибн амирзодаи аъзам Муҳаммад Султон.

«Матлаъ»да жумла бошида келтирилган ва «Зубда»даги номларнинг барчасини назарда тутиб, амирзода Халил Султон ибн амирзода Муҳаммад Султон, деб ўқилса бу шахс номи тўла ифодаланади.

⁷ ўн иккинчи рамазон — «Зубда»да: йигирма биринчи рамазон (28 август, 1423).

⁸ ўн биринчида — «Зубда»да ўн бешинчида (17 сентябрь, 1423).

⁹ Фароҳ вилояти томон жўнади — «Зубда»да Бойсунғурнинг Фароҳга жўнаган вақти қайд қилинган: зу-л-ҳижжа ойининг боши (5 ноябрь, 1423).

(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ (1424)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Қуръон, 93-сура, 4-оят.

² отасининг мансаби бўлган олий девон амирлигини ва вазифаю мартабаларини — матнда: «ва роҳ-и ва расм-и ва иморат-и девон-и аълоки мансаб-и падар-и у буд».

³ ўз ўрнида ёзиб ўтилган — қаранг: Лоҳур нашри, 428—429-бетлар.

⁴ салтанат тахтига ўрнашиб олгач — «Зубда»да: Ўзбек тахти узра султонликка ўтиргач.

САККИЗ ЮЗ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ (1424—1425)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ хабар топди — «Зубда»да бу хабарларни у чегаралардаги айғоқчилар ва соқчилар маълум қилганлиги айтилган.

² лашкардан бир гуруҳи — «Зубда»да бу гуруҳнинг адади ўттиз минг эканлиги қайд қилинган.

³ номдор амирлар — «Зубда»да номлари кўрсатилган: амир Луқмон, амир Абук, Шоҳ Вали ва Увайс.

⁴ қўлга киритди — «Зубда» тафсилотича, илғор лашкарлари душманлар кетидан беш-олти фарсанг масофагача қувиб борганлар, икки минг кишини қатлга етказганлар ва уларнинг хотин-болаларини асир олганлар.

⁵ Абр Киту Кутал — «Зубда»да Киту ўрнида Каҳту.

⁶ Ҳ-л-қун йўли билан Абишга жўнадилар — «Зубда»да Ҳ-л-қун ўрнида Б-й-лқун, Абиш ўрнида эса, Лоҳур нашрига жалб этилган нусхалардан бирида, Обиш шаклида келтирилган.

⁷ Киту Куталга кўтарилиб — Юқоридаги сатрда келган сўзлар қайтарилган; лекин Лоҳур нашрига жалб қилинган «Матлаъ» нусхаларидан бирида Киту Кутал ўрнида, гарчи аниқ талаффузи ва жойлашган ўрни ҳозирча бизга ноаниқ бўлса-да, бошқа шаклда: Киту Пул, «Зубда»да: К-ҳ-ту Кут-к ёзилган.

⁸ Ара Борийга келиб тушдилар — Бу номдан илгариги «Киту Куталга кўтарилиб, ошиб ўтдилар-да», деган мазмунга боғлаб «ёлғиз оёқ йўл билан пастга тушдилар» деб тушуниш ҳам мумкин, бироқ В.В. Бартольд (Сочинения, т. II, ч. 2, стр. 107, прим. 76) худди шу Ара Борий ўрнида бошқа манбалардан олиб Арпа Язи деган мавзени кўрсатганлиги, бу жой номи эканлигидан далолат беради.

⁹ Кўк П-н-йада Урён Б-р-к-ш(?)да — «Матлаъ» нусхаларида турли шаклларда ёзилган. В.В. Бартольд (Сочинения т. II, ч. 2, стр. 108, прим. 80) бу сўзлардан, гарчи аниқ ўқилиши номаълум бўлса-да, Чарын (Жорун) сувига яқин икки мавзени тушунган.

¹⁰ сўраб аниқлади — «Зубда»да амир Худойдоҳ Улуғбекка Шер Муҳаммад ўғлон ва амирларнинг жанг қилишга иттифоқ тузишиб, лашкарларни жам қилганликлари ҳақида сўзлаганлиги қайд қилинган.

¹¹ Тақуқу — кейинги сатрларда — Н-қуту, — Н-қуқу. «Зубда»нинг Лоҳур нашрига жалб қилинган нусхасида бу ўринда суқут бор; бироқ кейинги сатрларда (Лоҳур нашри, 550-бет) «Зубда»да ҳам «Матлаъ»дагидек Тақуқу. В.В.Бартольд бу мавзе номининг Богуту шаклида ёзилишини ҳам эслатиб ўтган (Сочинения, т. II, ч. 2, стр. 109). «Зубда»да бу Тақуту мавзеидан бошқа яна ўқилиши ноаниқ (В.В. Бартольд «Кетмень-тепе» ўқиган ва шундай номли тоғ-тепа мавжудлигини қайд қилган, Сочинения, т. II, ч. 2, стр. 109) мавзе ҳам аталиб, душман лашкари шу ерга жам бўлганлигини эшитган Улуғбек ўша мавзегга юриб «ўн тўртинчи жумод ал-охирда (3 май, 1425) душман лашкари қорасини кўрган»лиги эслатилган.

¹² қароргоҳи бўлди — «Зубда»да қайд қилинишича, Улуғбек лашкарининг жу в о н ф о р , бу р о н ф о р ва фу л қисмларининг ҳар бирида қарийб йигирма мингдан суворийлар бўлган.

¹³ Иброҳим Ику Темур — «Зубда»да: Иброҳим ибн амир (Ику Темур).

¹⁴ жу в о н ф о р га қўшилсинлар — «Зубда»да Улуғбекнинг хавф остида қолган чап қанот қисми мустаҳкамлаш учун кўрган тадбири қуйидагича баён қилинган: шу суратда шундай бир (ҳол) содир бўлдики, ҳ а р о в у л (олд қисм)нинг чап қанотидан баъзиси фу л нинг ўнг қаноти бўлди, баъзиси эса фу л нинг чап қанотига ўтди.

- ¹⁵ Қуръон, 61-сура, 4-оят.
- ¹⁶ Бойбот — баъзи нусхаларда Пойбот, «Зубда»да: Бойоб.
- ¹⁷ қувиб борсинлар — «Зубда»да кўрсатилишича, Улуғбек қочган лашкарни то Ила сувиғача қувиб боришга буюрган.
- ¹⁸ Қарши мавзеига келди — «Зубда»да атрофга тарқалган лашкарлар Қарши мавзеига жам бўлганликлари ҳам қайд қилинган.
- ¹⁹ ҳазрат соҳибқирон — «Зубда»да қўшимча: Мўғулистон томон лашкар тортиб борган вақтида.
- ²⁰ ҳазрат соҳибқирон — «Зубда»да қўшимча: узоқроқ кетиб қолган эди (яъни Темур у тош турган жойдан йироқ кетиб қолган эди — А.Ў.).
- ²¹ Бу йил бошида — «Зубда»да: ўтган йил (яъни 827 йил — А.Ў.) зу-л-ҳижжа ойининг охирида (22 ноябрь, 1424).
- ²² ўн еттинчи муҳаррам — «Зубда»да: йигирма еттинчи (19 декабрь, 1424). «Матлаъ»нинг Лоҳур нашрига жалб қилинган нусхаларидан баъзи-сида, Λ_1 Λ_2 Λ_3 ларда ҳам, еттинчи муҳаррам (29 ноябрь, 1424).
- ²³ Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китоби ҳақидаги маълумотлар шу фаслнинг охиригача (Лоҳур нашри, 562-бет) «Зубда»да келтирилмаган.
- ²⁴ Қуръон, 55-сура, 24-оят.
- ²⁵ Қуръон, 6-сура, 89-оят.
- ²⁶ Қуръон, 26-сура, 83—84-оят.
- ²⁷ Қуръон, 33-сура, 40-оят.
- ²⁸ Қуръон, 3-сура, 106-оят.
- ²⁹ суннифа фи Шероз — бу сўзлардаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон миқдори — 823 (1424—1425) ни ташкил этади.

(САККИЗ ЮЗ) ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ

(1425—1426)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Ансорийнинг ... мозорини... буюрди — 829 йил муҳаррам ойида (ноябрь-декабрь, 1425) бошланган бу қурилиш 830 (1426) йили тамомланганлиги ҳақида кейинги йил воқеаларида сўзланади (қаранг: Лоҳур нашри, 597-бет).

² куз фаслида — «Зубда»да саккиз юз йигирма тўққизинчи йил учинчи муҳаррамда (15 ноябрь, 1425), ханўз куз фасли давом этиб турган вақтда, шикор қилиш мақсадида...

³ яхши мулклару марғуб экинзорлар — матнда: «амлок-и хўб ва муста-галлот-и марғуб».

⁴ Қуръон, 14-сура, 32-оят ва 5-сура, 1-оятдан.

⁵ (Шоҳмаликнинг) хотини ... Машҳадга келтирдилар — «Зубда»да Шоҳ-маликнинг хотинининг номи аталган: Хонд оқо ва жасадни Машҳадга Хоразмдан келтирилганлиги қайд қилинган.

⁶ мавлоно Шаҳобуддин Абдурахмон Лассон — «Зубда»да бу исм тўла келтирилган: мавлоно Шаҳоб ал-миллат ва-д-дин Абдурахмон ибн мавлоно Абдуллоҳ ибн мавлоно Лассон.

⁷ раҳматуллоҳи алайҳ — матнда: яъни унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин. Бу сўзлардаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон қиймати 829 ни ташкил этади (яъни 1426 йил).

«Зубда»да яна олти байт қўшимча бўлиб, охирида Шоҳмаликнинг вафоти аниқ ой кунлари билан келтирилган: 11 рабиъ ал-аввал 829 йил (21 январь, 1426).

САККИЗ ЮЗ ЎТТИЗИНЧИ

(1426—1427)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ ўн олтинчи муҳаррамда — «Зубда»да мирзо Суюрғатмишнинг касалликка чалинган кунни ҳам кўрсатилган: зу-л-ҳижжа ойи, 829 йил (октябрь, 1426).

² Қуръон, 54-сура, 55-оят.

³ дорад хок — яъни, тупроқ қўйнида. Бу сўзлардаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон қиймати — 830 (1426—1427).

⁴ ҳалаб орасидаю рамазоннинг ўртасида воқе бўлди — Мисрадаги ҳалаб ва рамазон сўзларининг ўртасида ўрнашган лом ва зод ҳарфларининг абжад ҳисоби билан сон қиймати бўлган 830 (1427) адади Шайх Муҳийуддиннинг вафоти йилига ишорадир.

⁵ Сияноқ вилоятига ва мирзо Улуғбекнинг мамлакати чегараларига — «Зубда» нақлидан Улуғбекнинг мамлакати чегараси худди шу Сияноқ ноҳиялари эканлиги англашилади.

⁶ Буроқ ўғлон саккиз юз йигирма учда — «Зубда»да қўшимча: ҳануз улус устидан ҳукмронликка эришмаган эди.

Буроқ ўғлон Ўзбек улусидан юз ўгириб Улуғбек ҳузурига келганлиги «Матлаъ»да 822 (1419) йил воқеалари орасида ўтган (қаранг: Лоҳур наشري, 389-бет).



⁷ деб юрганлиги — «Зубда»да Буроқ ўғлон мазкур сўзларни ирс (яъни ворислик — А.Ў.) тариқида айтганлиги қайд қилинган.


⁸ у тарафга юришга — «Зубда»да қўшимча: уларни у чегаралардан қувиб чиқаришга.

⁹ баён қилди — «Зубда» нусхасининг охирида Ҳофизи Абрудан ўзга киши томонидан «Зубда» матнига ёзилган қўшимчада (кейинги 11-изоҳга қаранг) айтилишича, Улуғбекнинг Ҳиротга юборган хабари Шоҳрухга (830 йил) жумод ал-аввал ойининг бошларида (28 февраль, 1427) етиб келган. Аммо «Матлаъ» матнининг кейинги сатрларида Улуғбекка Шоҳрух томонидан ёрдам учун жўнатилган мирзо Муҳаммад Жўтий 17 рабиъ ал-охирда (15 февраль, 1427) Ҳиротдан Самарқандга жўнаганлиги қайд қилинганлигига ва Лоҳур нашрининг 584-бетидаги «Матлаъ» матнида 23 рабиъ ас-сонийда (21 февраль, 1427) Шоҳрухга суиқасд қилинганлиги айтилганлигига кўра «Зубда қўшимчаси»даги тарих нотўғри бўлиб чиқади. Чунки у тарихга ишонилса, воқеа хабари чора кўрилгандан кейин етиб келган бўлиб қолади.

¹⁰ бир лашкарни — 9-изоҳда эслатиб ўтганимиз «Зубда қўшимчаси»да «Матлаъ»даги «бир лашкар» ўрнида мирзо Муҳаммад Жўтийнинг «ўз хос тумони, амир Султон Боязид ва қўшун амирларидан баъзиларини», деб аниқлик киритилган.

¹¹ «Зубдат ат-таворих ал-Бойсунғурий» номли асари тугади — Лоҳур нашрини тайёрлаган Муҳаммад Шафенинг айтишича, у «Матлаъ» ва «Зубда» матнларини таққослашда фойдалангани «Зубда»нинг Оксфорд университети Бодлеан кутубхонасидаги нусхасида «Зубда» матни Абдураззоқ қайд қилгани бу воқеалар билан тугалланмас экан. Балки у нусха «Матлаъ»нинг кейинги саҳифаларида (Лоҳур нашри, 583 ва кейинги бетлар) баён қилинган Шоҳрухга суиқасд қилинганлиги воқеасини ҳам ўз ичига олар экан. Бундан ташқари Муҳаммад Шафе томонидан фойдаланилган «Зубда» нусхасида номаълум шахс томонидан қилинган қўшимча ҳам бўлиб, уни ҳам Ҳофизи Абруга нисбат берилган экан. Бу қўшимчадаги воқеалар баёни ҳам мазкур Абдураззоқ кўрсатган сатрлардаги воқеалар билан тугамай, Шоҳрухнинг Мовароуннаҳрга отланганлиги қиссасидан ҳам бир оз сўзланар экан.

¹² Хуросон ҳам Самарқанд сипоҳи бир-бирига қўшилди — «Зубда қўшимчаси»да «Матлаъ» матнининг Лоҳур нашри 575-бетидаги Буроқ ўғлоннинг Улуғбек олдига — Самарқандга элчи юбориб айтган гаплари келтирилган ҳамда Буроқ ўғлон қанчалик узрхоҳлик қилмасин, Улуғбек



унинг бу «ёлгон сўзларига илтифот қилмаганлиги» ва Буроқ ўғлон унга кўрсатилган меҳрибончилик ва ҳадсиз инъомлар эвазига қуфрони неъмат билан жавоб берганлиги учун Улуғбек юришга жазм қилиб, аскарлар билан Сиёноққа келиб, душман тарафлар бир-бирлари билан тўқнашганлиги қайд қилинган.

¹³ Қуръон, 9-сура, 25-оят.

¹⁴ Қуръон, 2-сура, 250-оятдан.

¹⁵ Бу мудҳиш хабар ... Хуросонга ҳазрат хоқони саиднинг арзгоҳига етди — Лоҳур нашрининг 579-бетидан шу жумлагача бўлган «Матлаъ» матнидаги мазмун анчагина қисқа тарзда «Зубда қўшимчаси»да ҳам келтирилган. Унда ҳам шаҳар аҳолиси орасида ва лашкарда ваҳима, парокандалик содир бўлганлиги айтилса ҳам, бироқ шаҳар аҳолиси «Самарқанд дарвозаларини беркитиб қалъадорлик қилмоқчи бўлганлиги» қайд қилинмаган.

Улуғбекнинг мағлубиятга учраганлиги ҳақида Хуросонга, хоқони саидга хабар қилиниши эса «Зубда қўшимчаси»да вақти ва хабар етказган киши номи билан кўрсатилган: подшоҳзода Улуғбек кўрагоннинг мулозимларидан бўлган мавлоно Шамсуддин тўртинчи жумод ал-охирда (2 апрель, 1427) доруссалтана Ҳиротга етди ва шаҳзодаларнинг жангдан сўнг софсаломат ҳашамат пойтахти (Самарқанд)га қайтганликларини халифалик паноҳи бўлмиш ҳазрат (Шоҳрух)га арз қилди.

Шундан сўнг «Зубда қўшимчаси»да «Матлаъ» матнида эслатилмаган муҳим тафсилот келтирилади (Лоҳур нашри, 579-бет) ва бу тафсилот олдидан «Исломпаноҳ шаҳзода, Зоҳир уд-давла ва-д-дин Улуғбек кўрагоннинг иккинчи марта Буроқ ўғлонга қарши муҳорабага юзланганлиги зикри», деб сарлавҳа қўйилган. Сарлавҳа кетидан эса, «Матлаъ»да зикр қилинган қабилда аҳоли саросимага тушганлиги ва лашкар пароканда бўлиб кетганлиги ҳақида қисқача тўхталиб, сўнг Улуғбек раиятга таскин берганлиги ва лашкар аҳлига «нақд (пул), аслаҳа, от-улов ва ҳоказоларни улашиб, ҳар бирига ўз ҳолига яраша хусравона навозишлар кўрсатиб, жиҳод йўлига рағбатлантирганлиги» ҳамда «душман устига қайта юришга қарор қилиб, қуролланган бир лашкар жам бўлганлиги» айтилган. Шу орада мирзо Муҳаммад Жўгий баҳодир касал бўлиб қолган ва шу сабабли Улуғбек билан бирга бора олмай Самарқандда қолган, аммо «унинг Ҳиротдан мадад учун келган тумонлари, қўшун амирлари ва Қандаҳор лашкари — барчаси подшоҳзода (Улуғбек)га мулозимликда (жангга) юзланган». Шу тарзда Улуғбек Шоҳрухияга етиб, кўприк бовлаб Хўжанд сувидан ўтган.

Бу лашкарнинг йўлга чиққанидан хабар топган ва Шоҳрухнинг ҳам юришга отланганлигини эшитган Буроқ ўғлон қарши туришга ботина олмай, қочишни маъқул кўрган.

Улуғбек Тошкандга келиб қўнгач, Буроқ ўғлоннинг қочиб кетганлигини аниқлаган ва Шоҳрухнинг ҳам лашкар тортиб келаётганлиги хабари бу ерларда тарқалиб, унинг аскари Жайхундан ўтганлиги равшан бўлган. Улуғбек ўз лашкарини Тошканд ноҳиясида қолдириб, тезлик билан отаси Шоҳрухга мулозамат кўрсатишга жўнаган.

Улуғбек ва Моваоуннаҳр ақобирлари Шоҳрухни кутиб олганликлари «Матлаъ»нинг ўзида, Лоҳур нашрининг 595—596-бетларида сўзланган.

¹⁶ Бу йил воқеаларининг энг йирикларидан бири — Лоҳур нашрининг 581—582-бетларида келтирилган изоҳга қараганда, «Зубда қўшимчаси»да «шу орада доруссалтана Ҳиротда воқе бўлган кечмишлардан баъзилари зикри», деган сарлавҳа остида яна бир тафсилот келтирилган. Унда айтилишича, саккизинчи жумод ал-охирда (апрель, 1427) Хоразмдан: «амир Идикунинг ўғли ва қизи дашт томондан келдилар ва (Шоҳрух) палосини ўпишга етишиш орзусидадирлар», — деган хабар келган ва бир неча кундан сўнг уларнинг ўзи Ҳиротга етиб келган. Шоҳрух Идикунинг ўғлига муносиб инъом-икромлар кўрсатган, қизини эса амир Жалолуддин Ферузшоҳнинг ўғлига никоҳлаб берган.

Яна шу ойнинг йигирма учинчисида (21 апрель, 1427) Рустамдор мамлакатининг ҳоким ва волийси малик Каюмарс Ҳиротга келган ва хизматкорлик камарини боғлаб Шоҳрух «аскарига мулозим» бўлган. Шу куни яна Қум тарафидан амир Илёсхожа баҳодирнинг навқари ва Қаро Юсуф ўғли Жаҳоншоҳнинг навқари Шероғонлар олампаҳо даргоҳга келишиб, Жаҳоншоҳнинг Шоҳрух ҳузурига юзланиб Қазвин томонга келганлиги, аммо бундан хабар топган унинг укаси Искандар бир жамоат билан унинг устига бостириб бориб, одамларини қочириб юборганлиги, Жаҳоншоҳ эса қочиб Райнинг Варомин (мавзе) ига келганлиги ҳақида арз қилганлар.

¹⁷ ҳазрат хоқони саиднинг пичоқ еганлиги қиссаси — Лоҳур нашрини тайёрлаган Муҳаммад Шафенинг сўзларига қараганда, бу қиссанинг бошланишидаги кириш қисмлари «Зубда»да, гарчи «Матлаъ»дагига яқин мазмунда бўлса ҳам, анча кенг ёзилган. Улардан «Матлаъ» мазмунига қўшимча қилиш мумкин бўлгани қуйидаги жумладир: Шоҳрух жомеъ масжидига борган ва унга суиқасд қилинган куни унинг хотини маҳди аъло (Гавҳаршод оғо) ўша кезларда кўп ёмғир ёғиб деворлар нам тортиб қолганлиги ва жомеъ масжидига бориш учун Шоҳрух шаҳар ичидаги сердевор жойлар-

дан ўтиб бориши лозимлиги туфайли, бормасликни маслаҳат берган, Шоҳрух бунга қулоқ солмаган.

¹⁸ Қуръон, 62-сура, 9-оят.

¹⁹ Аҳмад лур — «Зубда» нақли бўйича, бу ном суиқасд баёнида номаълум шахс сифатида ёзилган, унинг аниқ номи эса суиқасддан кейин олиб борилган тафтиш натижасида аниқланган.

²⁰ онҳазратнинг қорнига урди — «Зубда» нақли бўйича, суиқасдчи Шоҳрухга пичоқ урганидан кейин, уни ушламоқчи бўлган бир чухранинг ҳам елкасига пичоқ уришга улгурган, шундан кейингина ясовулар етиб келиб унинг бошига шамшир урганлар.

²¹ Маъруф Хаттоти Бағдодий ҳам — «Зубда» нақли бу борада «Матлаъ» дан фарқли ва қисқа бўлиб, унда айтилишича, ҳеч ким суиқасдчини таниёлмаган ва охири учинчи куни, бир карвонсаройчи ўз карвонсаройида шу сиёқли киши яшаганлигини ва жума кунидан бери карвонсаройга келмаганлигини айтган ва Маъруфнинг унинг оддига келиб-кетиб юрганлигидан дарак берган.

²² Мавлоно Фазлуллоҳнинг қизи томонидан авлоди... куйдирдилар — «Зубда»да бу жумладан олдин «Матлаъ»да сўзланган Маъмурнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар келтирилмаган. Бироқ Маъмурнинг сўроқ вақтида берган жавоби «Матлаъ»дагидан фарқли: Маъмурнинг жавобига кўра, Аҳмад лурнинг туғилган жойи Луристон, яшайдиган ери Ширвон атрофларида бўлган. Бироқ суиқасдни уюштирувчи киши Аҳмад лурнинг ўзи бўлмай, Азд номли бир киши, мавлоно Маждуддин Астрободийнинг ўғли экан. Азд суиқасни бошқа бир гуруҳ кишилар билан бирга уюштирган бўлиб, улар ҳаммаси мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг мазҳаб ва сулукига тааллуқли эканлар.

Бундан ташқари, «Зубда»да айтилишича, яна бир гуруҳни суиқасдчиликда айблаб сўроқ қилинганда, улар аввал ўзларининг суиқасда иштирок қилганликларини инкор этган бўлсалар ҳам, бироқ, қийноқ остида, улар ҳам бир нечта киши (номлари келтирилмаган — А.Ў.) Шоҳрухга суиқасд қилиш хаёлида бўлганликларини, аммо Аҳмад лур улардан илгарироқ бу ишга киришганлигини айтганлар (Лоҳур нашри, 588—589-бетларда келтирилган изоҳ).

²³ Қуръон, 35-сура, 31-оят.

²⁴ тўла сиҳатлик каромат қилди — «Зубда»да Шоҳрух сиҳатлангандан кейин, бунинг эвазига қандай хайр-эҳсонлар қилганлиги кенг тарзда қайд қилинган. У хайр-эҳсонлардан хулосаси хазонайи омирадан кўп нарсалар





ва нақд пуллар садақа қилинганлиги, мол ва хорижий (солиқ)дан фуқаро гарданида қолган боқимандадан кечиб юборилганлиги, маҳбустларга озодлик берилганлиги, девоннинг аминлари шаҳар атрофларида ва маҳаллаларда юриб фақир ва заифларни рўйхатга олиб, садақалар улашилганлиги ва барча шахзодалар, оғолар ва давлат арконлари хайрли ишларга киришганликларидир.

«Зубда қўшимчаси»да эса Шоҳрухнинг хайр-эҳсони ҳақидаги умумий гаплардан ташқари, у бутун мамлакатда молнинг икки донги ($\frac{1}{3}$)ни раиятга бағишлаганлиги айtilган: «ду донг-и мол бар жамхур-и раият мусаллам дошт».

²⁵ шаъбоннинг бошида... доруссалтана Ҳиротдан йўлга чиқди — фасл бошидан шу жумлагача «Зубда қўшимчаси»да келтирилган маълумот «Матлаъ» матнидан анча фарқлидир, яъни у ерда айтилишича, Буроқ ўғлон келиб Ўтрорни қамал қилиб эгаллаб олганлиги ва вилоятнинг баъзи ерларида харобалик юз берганлиги ҳақида ражаб ойининг охирида (27 май, 1427 — ?) Ҳиротга хабар келган. Буни эшитган Шоҳрух у томон юришга жазм қилиб Озарбайжон, Ироқ ва Форсдан келиб аъло тахт остонасида турган элчиларнинг ҳар бирига ўзига яраша эътибор кўрсатиб, қайтиб кетишларига рухсат берган, Жаҳоншоҳнинг элчисини алоҳида навозишлар билан тақдирлаб, Рай томонга жўнатган. Сўнгра Шоҳрух лашкарга йўлга чиқишга фармон бериб, «лашкар баҳодирлари ва диловар жонсипорларга фаровон укалко инъом қилган» ва амир Камолуддин Фармоншайхни доруссалтана Ҳиротни идора қилиб туришга тайинлаб, шаъбон ойининг бошида (28 май, 1427) Ҳиротдан йўлга чиққан ва йўл-йўлакай вилоятлар аскарлари лашкарга қўшила борганлар.

²⁶ голиб мавқаб Жайхундан ўтди — Шоҳрух лашкарининг Жайхундан ўтганлиги «Зубда қўшимчаси»да муфассалроқ, яъни лашкар рамазоннинг охирги ўн кунда Жайхун суви соҳилига келиб тушган, қарийб икки юзта кема тайёрланган ва бир ой чамаси кечаю кундуз давомида аскарлар сувдан ўтганлар.

²⁷ Мирзо Бойсунғур фармонга мувофиқ ва мирзо Улуғбек кўрагоннинг илтимоси бўйича Хуросон... томон қайтиб кетди — «Зубда қўшимчаси»да бу ҳақда Шоҳрух лашкари Жайхундан ўтишидан олдин сўзланган, аммо Мирзо Улуғбек кўрагоннинг илтимоси ҳақида эслатилган эмас; фақат Шоҳрухнинг Хуросонни идора қилиш ишларини бошқариш учун шундай қилганлигигина қайд қилинган.



²⁸ Мирзо Улуғбек ва Мовароуннаҳр акобирлари... сарафроз бўлдилар — «Зубда қўшимчаси»да Улуғбекнинг Шохрухни кутиб олиши воқеаси «Матлаъ» матнидан фарқли ва муфассалроқ ёритилган, яъни: Шохрухнинг Жайхундан ўтганлиги хабарини эшитган Улуғбек Тошканддан шошилинч йўлга чиқиб Термизда отаси билан учрашади; бу ерда у Шохрухга Мовароуннаҳр лашкарининг Тошкандга нима учун келганлиги ва шу кунларда лашкардаги аксар отлар касалланиб қирилганлиги ҳақида арз қилади. Шохрух ўз фарзандига нисбатан шафқат ва навозишлар билдиради ва Тошканд тарафда қолган лашкарлар ўз ватанларига мурожаат қилсинлар, деб фармон беради.

Шу жумла билан Муҳаммад Шафе фойдаланган ноқис нусхадаги «Зубда қўшимчаси» ҳам тутаган.

(САККИЗ ЮЗ) ЎТТИЗ ИККИНЧИ

(1428—1429)

ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

¹ Қуръон, 20-сура, 26 ва 30-оятлардан.

² ан-насу мин инди-л-лоҳ ил-алим — Қуръон, 3-сура, 122-оят ва 8-сура 10-оятлардан. Жумладаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон адади 832, яъни 1428—1429 йилни ифодалайди.

³ қалъани — бу сўзни Л₁дан қўшиб, матн тўлатилди.

⁴ Қуръон, 8-сура, 10-оят.

⁵ Қуръон, 110-сура, 1-оят.

⁶ Қуръон, 21-сура, 12-оятдан баъзи сўзлар ўзгартирилиб тузилган жумла.

⁷ Қуръон, 61-сура, 13-оят.

⁸ Қуръон, 91-сура, 1-оят.

⁹ қадри Абу-л-фатҳ — Бу сўзлардаги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан сон қиймати 832, яъни 1429 йилни ифодалайди.

¹⁰ Қуръон, 27-сура, 15-оят.

МУНДАРИЖА

Кириш сўз	3
Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Биринчи китоб	35
Муқаддима	37
Сўз мақтови ва китоб тартиби ҳақида	40
Саккиз юз еттинчи (1405) йилга оид воқеалар)	45
Салтанат ва диннинг кўмакчиси ҳазрат хоқони саид мирзо	
Шохрух баҳодирнинг султонлик тахтига ўтирганлиги зикри	45
Ҳазрат хоқони саиднинг Мовароуннаҳр томон юзланганлиги,	
Ҳирот шаҳрини тузатишга буюрганлиги ва бошқа воқеа-кечмишлар	
зикри	48
Хожа Султон Али Сабзаворийнинг исён кўтарганлиги зикри	54
Мирзо Мироншоҳ кўрагон ва унинг фарзандлари амирзода	
Абу Бакр ва мирзо Умарлар зикри	57
Амир Жаҳоншоҳ Жоку исён кўтарганлиги ва ўлдирилганлиги зикри	58
Мирзо Умаршайхнинг фарзандлари — мирзо Пир Муҳаммад, мирзо	
Рустам, мирзо Искандар ва мирзо Бойқаролар зикри	61
Мирзо Жаҳонгир ибн ҳазрат соҳибқирон фарзандларининг	
(мазкур) мудҳиш воқеадан кейинги (аҳволи) зикри	67
Саккиз юз саккизинчи (1405—1406) йил воқеалари	67
Хуросон воқеалари баёнининг давоми	67
Ироқ ва Озарбайжон воқеалари ҳикояти	71
Музаффаруддин мирзо Абу Бакрнинг аҳволи ва унинг салтанат	
тахтига мустақил ўтирганлиги зикри	75
Мирзо Абу Бакрнинг дорулмулк Табризга етиб келганлиги зикри	76
Мирзо Умарнинг Форс Ироқига борганлиги ва мирзо Пир Муҳаммад	
ва унинг биродарлари билан иттифоқликда жангга келганлиги зикри	77
Хуросонда воқе бўлган кечмишлар, мирзо Султон Ҳусайннинг қатл	
этилиши зикри	81
Амир Сулаймоншоҳнинг исён кўтарганлиги ва Хуросонда воқе	
бўлган бошқа кечмишлар зикри	83
Мирзо Улуғбекнинг Андхуд ва Шибирғон томон жўнаганлиги	
зикри ва Хуросонда кечган воқеалар давомининг шарҳи	87
Мирзо Пир Муҳаммад (ибн мирзо) Жаҳонгир ва мирзо	
Халил Султонлар муҳорабаси зикри	88
Амир Саййидхожа ибн амир Шайх Али баҳодирнинг	
муҳолифатчилиги зикри	91

Саккиз юз тўққизинчи (1406—1407) йил воқеалари	94
Хоқони сайднинг Тус ва Машҳади муқаддас тарафига юрганлиги зикри	94
Ҳазрат хоқони сайднинг Самалқон яйловида шикор қилганлиги зикри	98
Мирзо Умар баҳодирнинг ҳазрат хоқони сайд хизматига етиб келганлиги зикри	99
Мозандаронда воқе бўлган муҳораба ва Пир подшоҳ ҳам Сайидхожанинг енгилганлиги зикри	101
Мозандарон мамлакатларини мирзо Умар баҳодирга ва Хуросон вилоятини мирзо Улуғбек кўрагонга топширилганлиги зикри	104
Мирзо Пир Муҳаммад ибн мирзо Жаҳонгирнинг лаънати Пир Али Тоз қўлида шаҳид бўлганлиги зикри	105
Мирзо Умар баҳодир ибн мирзо Мироншоҳ кўрагоннинг мухолифатчилиги зикри	108
Амирларнинг Фур томонига борганлиги ва Мурғоб тарафидан мирзо Умарни (туғиб) келтирилганлиги зикри	111
Озарбайжон мамлакатлари воқеаларининг зикри	113
Баён қаучиннинг исёни, унинг қатл этилганлиги ва бошқа кечмишлар зикри	116
Мирзо Умаршайх фарзандлари орасида воқе бўлган мухолифатчилик зикри	118
Саккиз юз ўнинчи (1407—1408) йил воқеалари	121
Ҳазрат хоқони сайднинг Балх томонга юзланганлиги зикри	121
Ҳазрат хоқони сайднинг иккинчи марта Мозандаронга юрганлиги зикри	124
Амир Жаҳонмулк ва у билан иттифоқ бўлган бир гуруҳнинг исён кўтарганлиги ва уларнинг оқибат аҳволи зикри	126
Пир Али Тознинг Балх теварагига келганлиги ва қатл этилганлиги зикри	128
Форс мамлакатлари ва Ажам Ироқи шаҳарлари ҳикояти	128
Мирзо Абу Бакр ва амир Қаро Юсуф (туркмон)лар муҳобараси ва Муъиззуддин мирзо Мироншоҳ кўрагоннинг ўлдирилганлиги зикри	131
Султон Аҳмад Бағдод ҳикояти	135
Саккиз юз ўн биринчи (1408—1409) йил воқеалари	135
Шаҳзодаларнинг хатна тўйи зикри	135
Мирзо Абу Бакрнинг мирзо Мироншоҳ (ўлими) воқеасидан кейинги аҳволи	137
Хоқони сайднинг Сеистон томон жўнаганлиги зикри	139
Биринчи бор Хитой эчилари келганлиги зикри	144
Бодғис яйлоқига жўнаш ва у ердан Мовароуннаҳрга юриш зикри	145
Мовароуннаҳр мамлакатининг шу йилги аҳволи ва (у ерга) саодату иқбол билан қилинган ҳумоюн юриш зикри	146
Шу йилги Форс ва Ироқ кечмишлари зикри	148
Форс ва Ироқ кечмишлари ниҳояси ва мирзо Исқандарнинг аҳволи	149
Султон Аҳмаднинг аҳволи ҳамда Бағдод ва Хузистонда воқе бўлган кечмишлар зикри	152

Султон Алоуддавланинг отаси Султон Аҳмад билан мухолифати зикри	154
Саккиз юз ўн иккинчи (1409—1410) йил воқеалари	155
Мовароуннаҳр ҳикоятларининг давоми	155
Ҳазрат хоқони сайднинг Мўғулистон томон юрганлиги ва амир Худойдоднинг ўлдирилганлиги зикри	156
Ўзжаңд мамлакатини мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайхга топширилганлиги зикри	158
Мирзо Халил Султоннинг ҳазрат хоқони сайд ҳузурига келганлиги зикри	159
Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатини салтанат ва бахт осмонининг оийи мирзо Улуғбек кўрагонга иноят қилинганлиги зикри	161
Ҳисори Шодмон вилоятини мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн Мирзо Муҳаммад Султонга топширилганлиги зикри	163
Қандаҳор ва Кобул вилоятини мирзо Қайду баҳодирга с у р ф о л қилинганлиги зикри	163
Балх мамлакатлари ва унинг музофотларини мирзо Иброҳим Султон баҳодирга топширилганлиги зикри	164
Султон Али ибн Пир подшоҳ Луқмон подшоҳ ибн Тағой Темурхоннинг ўлдирилганлиги зикри	165
Амир Саййид Алининг Сорийдан келганлиги ва уни қайтадан ўз вилоятига етказилганлиги зикри	166
Мовароуннаҳр мамлакатлари фатҳ этилганлиги муносабати билан атроф (ер)лар сардор ва элчиларининг табриклашга келганликлари зикри	168
Валийликка лойиқ жаноб Шайх Зайнуддин ал-Хавофийни Сеистон тарафига жўнатилганлиги зикри	169
Марв шаҳрининг ободон қилинганлиги зикри	171
Форс ва Ироқ мамлакатлари воқеалари, мирзо Пир Муҳаммад (ибн мирзо Умаршайх) шаҳид бўлиб, мирзо Исқандар (тахтта) ўтирганлиги зикр	173
Султон Муътасим (воқеаси) зикри	175
Мирзо Халил Султон (ибн мирзо Мироншоҳ)нинг Ироқ ва Озарбайжон томон юборилганлиги зикри	179
Араб ва Ажам Ироқлари воқеалари ва Султон Аҳмаднинг аҳволи зикри	179
Озарбайжон ва амир Қаро Юсуф аҳволи зикри	180
Саккиз юз ўн учинчи (1410—1411) йил воқеалари	182
Биржис (ситораси) қадригаю Баҳром қаҳрига эга бўлган подшоҳ (Шоҳрух)нинг Мовароуннаҳр вилоятига юриш қилганлиги зикри	182
Ҳумоюн мавқаб давлат пойтахтига етиб, ором топгандан кейин атроф элчиларининг келганлиги зикри	188
Мавдуд Гармсериий ва Пиракнинг олампаҳо даргоҳга келганликлари зикри	189
Ҳазрат хоқони сайднинг шу йили қуриб тамомланган мадраса ва хонақоҳининг зикри	190


Бодғис яйлоқи томон ҳумоюн юриш ва (турли) мамлакатлардан элчилар келганлиги зикри	196
Ажам Ироқида воқе бўлган кечмишлар зикри	197
Султон Аҳмаднинг Табризга келганлиги ва амир Қаро Юсуф ибн амир Қаро Муҳаммад туркмоннинг фармони билан қатл этилганлиги зикри	199
Саккиз юз ўн тўртинчи (1411—1412) йил воқеалари	203
Хуросонда воқе бўлган кечмишлар зикри	203
Амир Шайх Нуруддиннинг иккинчи марта исён кўтарганлиги зикри	204
Хоқони саид ҳазратларининг Мовароуннаҳрга юзланганлиги зикри	207
Амир Шоҳмаликнинг нодир тадбири туфайли амир Шайх Нуруддиннинг Хурқадоқ қўлида қатлга етганлиги зикр	209
Ҳазрат хоқони саиднинг Мовароуннаҳр тарафидан қайтганлиги зикри	215
Мирзо Халил Султон ва унинг волидаси Хонзоданинг вафоти зикри	215
Форс ва Ироқ мамлакатлари кечмишларининг зикри	216
Амир Қаро Юсуф ва фарзандларининг бу йилги аҳволи зикри	218
Саккиз юз ўн бешинчи (1412—1413) йил воқеалари ва ўн тўртинчи (1411—1412) йил воқеаларининг давоми	219
(Хоқони саиднинг) Машҳади муқаддас зиёратига борганлиги, баъзи кечмиш ва ҳикоятлар	220
Хитой подшоҳи элчиларининг келганлиги	222
Малик Қутбуддиннинг Сеистондан келганлиги зикри	224
Хитой элчилари жўнатилганлиги зикри	225
Бадахшон шоҳлари ва улар томон элчи кетганлиги зикри	229
Шу саккиз юз ўн бешинчи (1412—1413) йил аъло девонга дохил бўлган Хоразм вилояти аҳволи зикри	231
Форс ва Ироқ аҳволи ва мирзо Исқандарнинг Қум шаҳрини олганлиги зикри	236
Озарбайжон мамлақати ва амир Қаро Юсуф туркман аҳволи зикри	238
Саккиз юз ўн олтинчи (1413—1414) йил воқеалари	240
Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султоннинг уйланганлиги ҳикояти	240
Хоқони саид ҳазратларининг Озарбайжонга юриш қасдида Мозандаронда қишлоб буюрганлиги зикри	241
Мирзо Исқандарнинг муҳолифатчилиги ва душманлик изҳор қилганлиги зикри	244
Мирзо Исқандарнинг атроф ерларга элчи юборганлиги ва душманлик изҳор қилганлиги зикри	246
Икки Ироқ ва Озарбайжондаги аҳвол, мирзо Исқандарнинг уруш қилиш қасдида равона бўлганлиги ва йўлдан қайтганлиги зикри	249
Саккиз юз ўн еттинчи (1414—1415) йил воқеалари	252
Мирзо Бойсунғурни Мозандарондан Хуросонга юборилганлиги зикри	252

Саййид Аликиёнинг Сорий вилоятида итоатсизлик қилганлиги зикри	253
Шу йили Мовароуннаҳр вилоятида содир бўлган кечмишлар зикри	254
Ҳазрат хоқони сайднинг Ироқ ва Форс мамлакатлари томон юрганлиги зикри	255
Сова саҳросида шикор қилинганлиги зикри	259
Зафар нишонли мавкабнинг Исфаҳон атрофида етганлиги зикри	260
Дорулмулк Шероз фатҳ этилганлиги зикри ва бунинг шарҳи	263
Симнон қозиси мавлоно Ғиёсуддинни Исфаҳонга юборилганлиги зикри	265
Султоний жанг ва Исфаҳоннинг фатҳ этилганлиги зикри	266
Исфаҳон фатҳ этилганидан кейин воқе бўлган ҳолатлар зикри	269
Исфаҳон ҳукумати ми мирзо Рустам ибн мирзо Умаршайхга топширилганлиги зикри	270
Ҳамадон ва Луристон вилоятини мирзо Бойқарога топширилганлиги зикри	271
Хушвақту хушҳолик онларида дорулмулк Шероз томон ҳуמוю юриш зикри	272
Шероз мамлакатини олий шаън шахзода мирзо Иброҳим Султонга с у ю р ф о л қилиб берилганлиги зикри	273
Оламини забт этувчи султоннинг Хуросон томон қайтганлиги ва Самарқанддан мирзо Улурбекнинг келганлиги зикри	275
Ҳазрат хоқони сайд томонидан саодатманд фарзанд мирзо Бойсунғурга иноят қилинган вилоятлар зикри	279
Саккиз юз ўн саккизинчи (1415—1416) йил воқеалари	283
Ҳазрат хоқони сайднинг Сарахс томонга юрганлиги ва мирзо Бойсунғурнинг Тус томон жўнаганлиги	283
Доруссалтана Ҳирот қалъасининг бино этилганлиги зикри	285
Мирзо Амирак Аҳмад ибн мирзо Умаршайхга юпанчнома юборилганлиги	288
Амир Қаро Юсуфнинг элчиси келганлиги зикри ва мирзо Ийжалнинг вафот этганлиги хабари	289
Мирзо Саъд Ваққоснинг амир Қаро Юсуф ҳузурига кетиб қолганлиги зикри	290
Мирзо Бойқаронинг исён кўтарганлиги ва мирзо Искандарнинг ўз биродари мирзо Рустам буйруғи билан қатл қилинганлиги зикри	292
Ҳазрат хоқони сайднинг Форс мамлакати томон иккинчи марта юриши	295
Мирзо Бойқаро воқеасидан кейин содир бўлган ҳолатлар зикри	298
Ажам Ироқининг баъзи мамлакатларини улур амир Илёсхожа баҳодирга с у ю р ф о л қилинганлиги зикри	300
Уфқлар султони (хоқони сайд)нинг муршид шайх Абу Исҳоқ (қабри)ни зиёрат қилиш учун отланганлиги зикри	301
Зафар нишонли мавкабнинг Кермон мамлакати томон юрганлиги зикри	304
Саккиз юз ўн тўққизинчи (1416) йил воқеалари	306

Кермон вилоятидан Хуросон мамлакатига қайтиш зикри	306
Мирзо Амирак Аҳмад ва мирзо Илангир ҳамда уларнинг бузуқ фикрлари ва касод тадбирлари зикри	307
Олам аҳлари шаҳзодаси Ғиёсуддин мирзо Бойсунғур баҳодирнинг девон курсисига ўтирганлиги зикри	308
Руҳи поклангур амир Шамсуддин Бумийнинг келганлиги (зикри)	309
Мовароуннаҳр мамлакатларида содир бўлган кечмишлар зикри	312
Мирзо Қайдунинг навкарлари унга қарши муҳолифатчилик изҳор қилганликлари зикри	313
Мирзо Суюрғатмишнинг Бадахшон томон юборилганлиги зикри	315
Саккиз юз йигирманчи (1417—1418) йил воқеалари	316
Шаҳзода Рукнуддин мирзо Алоуддавланинг туғилганлиги зикри	316
Амир Саййид Фаҳруддин вазирнинг аҳволи ва унинг оқибат ҳоли зикри	317
Мирзо Улуғбек кўрагоннинг Хуросонга келганлиги зикри ва Мовароуннаҳр кечмишлари шарҳи	324
Хитой элчилари келганлиги ва улар билан амир Ардашер тавочининг юборилганлиги зикри	325
Ғалаба нишонли байроқнинг Қандаҳор вилояти томон отланганлиги ва бунинг сабаблари зикри	326
Ҳазрат хоқони сайднинг ҳумоюн қўлига синиш азияти етганлиги зикри	329
Вазир тайин қилинганлиги зикри	331
Жаҳон султонининг қишлоқ юртига етганлиги, атроф (ерлар)дан хабарлар келганлиги ва давлат пойтахтига қайтилганлиги зикри	333
Саккиз юз йигирма биринчи (1418) йил воқеалари	335
Озарбайжон элчиларига қайтишга ижозат берилганлиги зикри ва мирзо Саъд Ваққоснинг вафоти хабари	335
Бадахшон вилоятини бўйсундириш учун амирлар юборилганлиги зикри	336
Мирзо Қайду исён кўтарганлиги ва қўлга тушганлиги зикри	338
Шаҳзода Жалолуддунё ва-д-дин мирзо Суюрғатмишга с у ю р ф о л тариқида топширилган вилоятлар зикри	341
Ҳазрат хоқони сайднинг нурли Машҳади муқаддас зиёратига юзланганлиги зикри	343
Мовароуннаҳр вилоятларининг шу йилги аҳволи зикри	344
Саккиз юз йигирма иккинчи (1419) йил воқеалари	347
Хитой элчиларининг учинчи марта келганлиги	347
Хитой мактубининг ўзгартирилмаган сурати	347
Мирзо Муҳаммад Жўтий баҳодирнинг Мўғулистон подшоҳи қизи Меҳр Нигор оғога уйланганлиги зикри	349
Мовароуннаҳр мамлакатларининг шу йилги аҳволи	352
Форс, (Араб ва Ажам) Ироқлари ва Озарбайжонларнинг шу йилги аҳволи	354
Саккиз юз йигирма учинчи (1420) йил воқеалари	355
Ҳазрат хоқони сайднинг Марв томонга юрганлиги зикри	355
Ироқ ва Озарбайжон юриши, (барча) сиғинадиган малик (тангри)нинг кўмаги билан у мамлакатлар фатҳ этилганлиги зикри	356

Адоватчи амир Қаро Юсуфнинг вафот этганлиги ва бу хабарнинг етти иқлим хоқонига етганлиги зикри	365
Амир Қаро Юсуф аҳволининг оқибати зикри	368
Улуғ шаҳзода Гиёсуддин мирзо Бойсунғурнинг дорулмулк Табризга етганлиги зикри	372
Мирзо Бойсунғурнинг Говруд қалъасига жўнаганлиги ва амир Бобо Ҳожини олиб келганлиги зикри	373
Мовароуннаҳр мамлакатининг шу йилги аҳволи зикри	375
Доруссалтана Самарқандда қурилган иморатлар зикри	376
Мовароуннаҳр кечмишларининг сўнги, Маҳди улё Гавҳаршод оғонинг жаннат монанд Самарқанд томон отланганлиги зикри	381
Шаҳзода Абдуллоҳ ибн мирзо Улуғбекнинг туғилганлиги ва бошқа кечмишлар зикри	382
Саккиз юз йигирма тўртинчи (1421) йил воқеалари	385
Арроннинг Қароботида қишлоқ ва бошқа ҳикоятлар	385
Ҳазрат хоқони сайднинг шикор қилганлиги зикри	388
Насруллоҳ Саҳроийнинг Сова шаҳрида муҳолифатчилик кўргазганлиги ва қўлга тушганлиги зикри	389
Уфқлар султони (Шоҳрух) қишлоқ юридан жўнаганлиги, баҳор шуъласи болқиганлиги зикри ва у диёрдаги кечмишлар (баёнининг) тугаланиши	390
Мирзо Абу Бакр қизининг амир Халилulloҳ Ширвонийга узатилганлиги	391
Ёр Аҳмад Қаромоннинг исёни, унинг қўлга тушиши ва Исфарзан қалъасининг фатҳ этилиши зикри	392
Боязид қалъасининг фатҳ этилиши зикри ва у (қалъа)нинг шарҳи	395
Амирларга ижозат берилганлиги ва амир Қаро Усмоннинг ўғиллари ҳумоюн ўрдуга келганлиги зикри	398
Амир Қаро Юсуфнинг авлоди борасида (амирлар билан) машварат тузилганлиги, амир Қаро Усмоннинг (келганлиги) ва атроф ерлар амирларига рухсат берилганлиги зикри	399
Ҳазрат хоқони сайднинг амир Қаро Юсуф авлоди билан муҳорабаси, туркмонларнинг енгилганлиги зикри	400
Озарбайжон мамлакатидан (Хуросон) вилояти томон қайтиш зикри	412
Доруссалтана Ҳиротда қарор топилгандан кейинги кечмишлар зикри	413
Мовароуннаҳр кечмишлари ва мирзо Абдурахмоннинг туғилганлиги зикри	415
Саккиз юз йигирма бешинчи (1422) йил воқеалари	416
Мирзо Иброҳим султоннинг Хузистон томон лашкар тортганлиги зикри	416
Султонлар паноҳи бўлган даргоҳга Бадахшон шоҳларининг келганлиги (зикри)	417
Зова ва Мухавилот томон ҳумоюн юриш ва мирзо Бойсунғурнинг Тус томон жўнаганлиги зикри	418
Мирзо Улуғбекнинг Хуросонга келганлиги (зикри)	419
Мирзо Абу-л-Қосим Бобур баҳодир ибн мирзо Бойсунғурнинг туғилганлиги зикри	420

Мирзо Муҳаммад Қосим ибн мирзо Муҳаммад Жўтийнинг туғилганлиги зикри	421
Хитой мамлакатига кетган элчиларнинг қайтиб келганлиги зикри ва у диёрнинг ажойиб-ғаройиблари шарҳи	421
Саккиз юз йигирма бешинчи (1422) йил воқеаларнинг давоми	453
Ҳазрат хоқони сайднинг Фароҳ вилоятига юрганлиги зикри	453
Саккиз юз йигирма олтинчи (1423) йил воқеалари	454
Ҳазрат (хоқони сайд)нинг Сарахс томон отланганлиги ва мирзо Бойсунғурнинг Машҳади муқаддасга жўнаганлиги (зикри)	454
Саккиз юз йигирма еттинчи (1424) йил воқеалари	459
Ҳазрат (хоқони сайд)нинг Бодғис яйлоқидан қайтганлиги, Бойсунғурнинг Машҳаддан келганлиги ва бошқа кечмишлар	459
Мовароуннаҳр аҳволи ва мирзо Улуғбек кўрагоннинг Мўғулистон вилояти томон юрганлиги сабаби	460
Саккиз юз йигирма саккизинчи (1424—1425) йил воқеалари	461
Мирзо Улуғбекнинг Мўғулистон томон юрганлиги зикри	461
Саккиз юз йигирма саккизинчи (1424—1425) йил аҳволи (баёни)нинг сўнги	467
Саккиз юз йигирма тўққизинчи (1425—1426) йил воқеалари	473
Гозургоҳ мазорининг қурилиши	473
Саккиз юз ўттизинчи (1426—1427) йил воқеалари	480
Марҳум шаҳзода мирзо Суюрғатмиш баҳодирнинг вафоти	480
Мовароуннаҳр воқеалари. Мирзо Улуғбекнинг Буроқ ўғлон душманлик кўрсатганлиги жиҳатидан Сиғноқ тарафига отланганлиги ва мирзо Жўтийнинг Хуросондан келганлиги зикри	482
Мирзо Улуғбек кўрагоннинг Буроқ ўғлон билан муҳорабаси	484
Ҳазрат хоқони сайднинг Мовароуннаҳр вилояти томон борганлиги зикри	492
Саккиз юз ўттиз биринчи (1427—1428) йил воқеалари	494
Мовароуннаҳр мамлакатидан қайтиш зикри	494
Мирзо Абу Бакр ибн мирзо Муҳаммад Жўтий баҳодирнинг туғилганлиги зикри	495
Саккиз юз ўттиз иккинчи (1428—1429) йил воқеалари	497
Оламини забт этувчи хоқон ҳазратларининг Озарбайжон мамлакатлари томон юрганлиги зикри	497
Дабдабали мавкабнинг Салмос рўбарўсига келганлиги, туркмон сипоҳи билан муҳораба ва туркмонларнинг мағлубиятга учраганлиги зикри	502
Ҳазрат парвардигорга шукр айтилганлиги, қудратли шаҳзодалар ва номдор амирларга лутф-марҳаматлар кўрсатилганлиги зикри, бошқа шаҳар ва диёрлар ҳақида хабарлар	513
Изоҳлар	517



- Самарқандий, Абдураззоқ.**
С 28 Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / А. Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А. Қаямов, Муҳаммад Али; Ўзбекистон Республикаси ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. — Т.: «O'zbekiston», 2008.
Ж. II, Қ. 1: 1405—1429 йил воқеалари. — 632 б.
ISBN 978-9943-01-155-7 **ББК 63.3(5У)4**

АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ

**МАТЛАИ САЪДАЙН
ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН**

**II жилд
биринчи қисм
1405—1429 йил воқеалари**

Ижодий гуруҳ:

**З. ИСАЖОНОВ, С. КАРИМОВА, О. БҮРИЕВ, Ф. КАРИМОВ,
Ш. МАНСУРОВ, Т. НАЗАРОВ, Э. МИРКОМИЛОВ, Ж. АДИЛОВ**

Матбаачилар гуруҳи:

**М. ЗАЙТАЕВ, К. МАНСУРОВ, Р. МУСАЕВ, Ж. ЭШМУҲАМЕДОВ,
В. ПАНФИЛОВ, Л. КОРШУНОВА, В. МИСКОВ, Е. КУЗАВАТОВА**

Муҳаррирлар **Ш. ЭРГАШЕВА, Ш. МАНСУРОВ**
Бадий муҳаррир **Ҳ. МЕҲМОНОВ**
Техник муҳаррир **Т. ХАРИТОНОВА**
Компьютерда саҳифаловчи **Ф. ТУГУШЕВА**

Босишга рухсат этилди 12.12.07. Бичими 70×100^{1/16}.
«Балтика» гарнитурда офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 50,95. Нашр т. 42,0. 3 000 нусхада чоп этилди.
Буюртма № 07-75. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.